



МИРМУҲСИН

*Турон
маликаси*



Тарихий роман

ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

Ўз2
М 55

Мирмуҳсин.

Турон маликаси: Тарихий роман.-Т.: Ф. Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашр., 1997. 320-б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг янги тарихий романи "Турон маликаси" XI-XII асрлардаги Хоразм шоҳи Аълоиддин Муҳаммад-Отсиз давридаги воқеаларни ўз ичига олади. Унда халқларнинг Туронзамини Салжуқийлар тобелигидан озод қилиш учун олиб борган кескин курашлари, икки буюк дарё оралигидаги Самарқанд, Бухоро, Шош, Гурганж, Кеш, Термиз, Хўжанд, Хеваю Утрор каби шаҳарларни юксалтириш, бир-бирлари билан яқинлашуви йўлидаги фидоийликлари ёрқин бўёқларда тасвирланади.


Асар қаҳрамонлари амир Алп-Арслон билан Шоҳсанамларнинг самимий севгисига бағишланган ҳаяжонли лаҳзалар ўқувчи руҳиятига ажойиб кайфиятлар олиб киради.

Ўз2

М 4702620201 - 34
М352/04/- 96 режа 96

ISBN 5-635-01567-0

© Мирмуҳсин, 1997 й.



10 26295
391

I боб

МУТЕЪЛИК РУТУБАТИДАН ҚУТИЛМОҚ, ИСТИҚЛОЛ ТОНГОТАРИГА ЕТМОҚ ЖАНГЛАРИ

Беш юз ўттиз олтинчи йил, ҳижрий¹...

Буюк Туронзаминнинг беқиёс шаҳри азими Самарқанд осмонини яна қора булутлар қоплаб, Катвон² даштида мислсиз жангу жадаллар бошланиб кетди. Мозийда кўп талотуму қирғинлар шоҳиди бўлган муаззам она тупроқ яна ларзага келди. Оға-ини дарёлар Сайхун ила Жайхун аждарга айланиб, бир-бирларига чирмашиб, бир-бирларини ютиб юбормоқ бўлардилар...

Ё қудратингдан, Тангрим, бандаларингни ўз паноҳингда асра!

Бир томонда Ғаюрхон³нинг юз минг нафар қўшини, иккинчи томонда салжуқийлар султони Санжар ибн Маликшоҳ⁴нинг ҳам юз минг соғли лашкари жангу талотумга кирдилар, ер узра мислсиз саваш — қиёмат қойим бошланиб кетди.

Икки лашкар суворийлари бир-бирлари билан аралашиб, қиличу гурзилар ҳавола этишарди, найза санчишлар, паҳлавонларнинг кучли наъра тортишлари, бақирриқлар, "тарақа-туруқ амуди гарон сангий осмон..." бўлиб кетди. Отдан қулаганлар, узилган каллалар, қулаб ерда қонга беланиб типирчилаб ётган сарбозлар беҳисоб... Отлар ҳам йўлбарс монанд бир-бирларини ғажишардилар, кучли бақирриқлар, фиғону инграш, дукур-дукурлар дунёни ларзага соларди. Саҳрода на қушу на юмрон, на тулкию ва на сиртлон, бари ин-инига кириб кетган.

1 536 йил ҳижрий /9 сентябрь, 1141 йил мелодий/.

2 Катвон — Тарихда кўп муҳорабалар бўлган Самарқанд яқинидаги кенг жангоҳ.

3 Ғаюрхон — Чин ва Олтой заминининг подшоҳи. Уни қора-хитойлар /Елюй Та-ши, 1124-1143/ деб атайди.

4 Султон Санжар ибн Маликшоҳ /1118-1157/ салжуқийлар ҳукмдори.

Зи бийми сутурон дар он паҳни дашт.

Замин шаст шуду осмон гашт ҳашт...

яъни, отлар ерни шу қадар чангитдиларки, етти қабат ернинг бир қабати учиб кетиб, олтита қолди. Осмон саккиз қабат бўлди, демиш ҳазрат Фирдавсий "Шоҳнома" досто-нида.

Кечга яқин карнайлар ғат-ғутлаб ўкириб, икки томон ўз сарбозларини чақириб олди. Яралар боғланиб, дам олишар, жарроҳлар ишга тушган, емак-ичмак, отларга хўрак бермоқ билан банд бўлиб, бир қисм суворийлар ухлаган, иккинчи қисм шай турарди. Сарбозларнинг руҳи паст, барчада эртанги жанг ваҳимаси. Эрта тонгда яна карнайларнинг ўлимдан дарак берувчи даҳшатли ғат-ғут садолари янгради, сардору саркардалар от чоптириб келиб, лашкарлар олдида пайдо бўдилар. Муқобил турган ёвнинг ожиз томонларини кўздан кечириб, маслаҳатлашдилар. Қочган ҳам, қувган ҳам Аллоҳдан паноҳ тилаб, бир-бирларига далда беришар, "бугунги жанг охиригиси, иншоолло, бизлар у ғанимларни эртага тор-мор этамиз," дердилар. Ўлган — шаҳид, тирик қолган — ғозий эканини, буюк султон Санжар ҳазрати олийларининг ҳар бир сарбозга туҳфалари кўп экани, ер-сув ва бошқа инъому иқтолари беҳисоб эканини атайлаб уқдиришарди. Икки томоннинг қирга ўрнатилган мингларча чодирлари, эт пишаётган юзларча қозонлар, бу ёқда инсон қони, чодирлар — боргоҳлар орқасида қозонларга босилиш учун тайёр турган қўйу қорамоллар қони тўкилаётгани кўриниб турарди. Икки томон жарроҳларининг қўлларида тиг, жароҳатларни боғлашар, осилиб қолган қўл-оёқларни кесиб ташлаб, куйдирилган пахта босишарди. Ярадорнинг жонини сақлаб қолмоқ учун табибу жарроҳлар кечаю кундуз беҳаловат эдилар...

Жанг бошланганига бир ойдан ошиб бормоқда. Қанча-қанча одам ҳалок бўлди. Икки томон ҳам ҳолдан тойди. Кучу қудрат тугади. Ҳар бир сарбоз Аллоҳга ёлбориб, "илоҳим тезроқ бу уруш тугасин", дерди. Бола-чақаларимиз ёнига соғ-саломат борайлик, деб ўлжаю иқтолардан ҳам батамом умид узган эдилар.

Бу даҳшатли жангу жадалларни кузатиб, шай турган Ал-Малик Абу-Музаффар Аълоиддин Жалолиддин-Отсиз ҳазрати олийлари юрагида Хоразм давлатини Марвга, султон Санжар ибн Маликка, яъни салжуқийларга мутеъликдан батамом қутулишини, мустақиллик олиб, кейинчалик Туронзаминни жанубдан келадиган ёвлар зулмидан,

босқинчилар отлари туёқлари остида топталишидан, бойликларни Марвга, Хуросонга ташиб кетилишидан, фуқарони хўрликдан қутқармоқ алангасида ёнарди. У, қачонлардир Балхда, сўнгра Марвда қалъа кутволи бўлиб хизмат қилгандаёқ мутеъликни оғир ситамлари, камситилиш аламларини чеккан эди. Букун Гаюрхон билан султон Санжар жангини ғоятда ҳушёрлик билан кузатиб, ўз қўшинларини шай ва тайёр туришига махфий фармон берган эди. Ҳарбий вазири саркарда Абу-Жаъфар Ҳусайн ҳазратларидан ташқари, ёш амир Алп-Арслонга ҳам мингдан ортиқ ўз фидойи суворийларини жангга шай қилиб, иложи бўлса, шов-шувсиз Ҳазорасп томон юриши, унинг фармонини кутиб туришини таъкидлади. Ғоятда долзарб кунлар эди: у Гурганжда, ўз тахтида ўтириб, кечмишни — йигитлик йилларини ҳам эслади.

...Ўттиз йил Хоразм тахтида ўтирган оталари подшоҳ Қутбиддин Абулфатҳ Муъин Амир ал Муъминин вафотидан кейин тахтга у — валиаҳд, йигирма тўққиз ёшли ал-Малик Абу Музаффар Аълоиддин Жалолоиддин-Отсиз ҳазратлари султон Санжар фармони ила подшоҳ қилиб кўтарилган эди. Отаси ҳам, ўзи ҳам маълумоту тарбияни Марвда олган эдилар.

529 йил, ҳижрий Зулқаъда ойида султон Санжар газнавийлар шоҳи Баҳромни енгач, 530 йилда ўз пойтахтини Марвдан Балхга кўчирган эди. Ёш Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазратлари ўша йиллар буюк султонга садоқат билан хизмат қилган. Аммо кейинчалик зулму таъқиб, мутеълик, камситишу ҳақоратлар фуқаро жонига тегиб, пичоқ суякка етгач, у ўз амирлари ва сарой аҳли ичида султонга хизмат қилмасликни бир неча бор тилга олиб, дарғазаб бўлган эди. Марвга қарамликдан воз кечгани, мутеълик Хоразмни гариблаштириб юбораётганини бир неча бор айтган эди. Амирлар, катта мансабдорлар, саркардалар уни қувватлаган эдилар. Шундан сўнг "имтаъна алайҳи" яъни бўйсунмаслик эълон қилди. Мансабдорлар уни қўллаб-қувватлади. Шу баҳона Сайхун жанубидаги Жанд шаҳрига ҳужум қилиб, уни босиб олди. Ундан сўнг Манқишлоқ томон силжиб, уни ҳам босиб олди. Бу қалъалар султон Санжарга тобе бўлиб, фатҳ этилиши салжуқийларга етказилган катта зарба эди. Бу ҳолни билган султон 533 йил, муҳаррам ойида Хоразмга катта қўшин тортди. Хоразмнинг мустақил бўлиш учун кураши Қорахонийлар ва Ғазнавийларга пишанг бериб, улар ҳам шарқдан ва жанубдан истиқлол талаб қилардилар. Бу ишга бэрҳам бермоқ

ниятида Хоразмшоҳ — Отсизнинг ўн минг қўшинига қарши ҳужум қилиб, Хазорасп қалъаси ёнида уни тор-мор этди. Бу жангда Хоразмшоҳ — Отсизнинг ўғли — Муҳаммад Отлиқ ҳалок бўлди. Шундан сўнг султон ўзига қарам бўлган барча малик ва амирларга "Фатҳнома" йўллаб, унда саваш нечун бўлгани сабабларини изоҳлади. Бу мағлубият Хоразм фуқароларию ҳокимларини қаттиқ тушкинликка солди. Хоразмшоҳ — Отсиз ўзини четга олиб, бир қисм лашкари билан қум ичидан паноҳ топди. Унинг қариндош ва аъёнлари "вукалойи хос ва маърухони ҳазрат," яъни аъёнлар, подшоҳ мансабдорларини султон фармони ила зиндонга ташладилар. Хазиналар таланди, ҳарамда ваҳшиёна босқинчиликлар бўлди... Султон Санжар Хоразмни босиб олгач, уни ўз жияни Сулаймоншоҳга иқтоъ этди. Айни вақтда уни вазир, отабек ва ҳожиб деб фармон берди. Аммо султон Марвга қайтиши билан Хоразм фуқаролари келгинди Сулаймонга бўйсунмадилар, подшоҳ Аълоиддин — Отсиз ҳазратлари яна қайтиб келдилар.

Орадан бир йил ўтди. Ўзини бирмунча тутиб олган Хоразмшоҳ кутилмаганда Жўржонга ҳужум қилиб, Қобуд-Жамоъа вилоятини босиб олиб, ҳокими Аълоуддавла Али ибн Шаҳриёрни асир олди. 534 йили унинг жазаваси тутиб, қўшин тортиб Бухорони ҳам босиб олиб, ўғли Хуни учун султонга тобе бўлган Бухоро валиси Амир Занги ибн Алини қатл этди. Лекин Хоразмшоҳ — Отсизнинг бу жазаваси — ҳужумкорлигини билган султон Санжар Хоразмга яна юриш қилишдан ўзини тийди. Чунки шарқда катта куч тайёрланаётганидан — ал-Хито (қора хитойлар) юриш бошлашидан хабар топган эди. Бу, султон йўлини тўсиб, Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсизга нисбатан ғазаби авж олди-ю, юриш қилмади. Ҳужум бўлмаслигини пайқаган Хоразмшоҳ бобоси улуғ шоҳ Ануштегин ҳазратларининг услубини ишга солиб, найранг ишлатди. Ҳар қалай султон қудрати бениҳоя, у юриш қилса Хоразм қўшинини тор-мор этиши аниқ эди. Унинг йўлини тўсаётган қора-хитойларнинг ногаҳоний ҳужуми ўзига тобе давлатларга ҳарбий юриш қилишдан тийди. Куч-қудрати бениҳоя Ғаюрхоннинг салжуқийларга қарши бориши, ўртадаги катта куч — Қарлуқларнинг қора-хитойлар томонга ўтиб кетгани кўпдан султон юрагига ғашлик соларди. Шу сабабли ҳам у Жайхун юқорисига эмас, Сайхун бўйларига, қорахонийлар ўлкасидан кўз узмасди. Болосоғун, Ўзганд, Қошғар, Ёрқанд... томонлардаги махфий ўз одамларидан қўлига етаётган

номалар мазмуни ғоятда ташвишга солиб, катта хатар борлигидан далолат бериб турарди.

Бу чалкаш воқеалардан хабардор бўлган Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазратлари ўзининг доно иниси Йинол-тегин ҳазратлари билан бу дунёвий чигалликларни ўзларича ечиб, султон йўлини тўсиш, унинг хунрез қўшинидан Хоразмни асраш йўлида Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий найрангу ўйинларидан бирини ишга солишга қарор қилдилар. Дарғазаб султонга нома тайёрлашди.

535 йил ҳижрий, Шаввол ойининг бошида унга ўзининг илгаригидай тобелигини тан олиб, дил изҳор этиб, "Севганднома" йўлладилар, уни чалғитмоқчи бўлдилар. Бу "нома" ёзилиб, йўлланишида шаҳзода Йинал-тегин ҳазратлари, вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла билан сипоҳсолар Абужаъфар ал Ҳусайн — Ногароқорин жанобларининг ҳам ҳиссалари кўп эди...

Жаҳд билан яхши ўйламай курашга тушган кимса, албатта, енгилади.

Мана, Шарқий Туркистон, Еттисув ва... кунчиқар ўлкалар ҳокими Ғаюрхон юз мингдан ортиқ лашкарни Самарқанд сари сурди. Ғарбий Турон султони Санжарнинг ҳам беадад лашкари, юз мингдан кам бўлмаган, қурол-аслаҳаси тенгсиз суворийлари Самарқанд яқинидаги Катвон даштида кутиб турарди. Икки қуюн тўқнашиб, бир неча ой мобайнида мислсиз саваш давом этди. Тупроқ қонга беланди, каллалар узилди, наъраю ҳайқариқлар оламни ларзага солди. Тарих хабар қилишича, гўё бу муҳорабанинг сабабчиси, салжуқийларнинг буюк султони Санжар давлатига хиёнат қилган Қорлуқ уруғини ер юзидан қириб ташламоқ ниятида жаҳд қилгани султон йўлини Шарқий Турон ҳокими Ғаюрхон тўсиб, агар у қорлуқ туркий уруғни қириб ташласа, Самарқанд устига лашкар тортишни дағдаға ила маълум этган. Бу даъватга қулоқ солмаган султонга қарши юриш бошланди. Аслида Афросиёбу Сиёвуш, соҳиб Доролар замонидан кейин ҳам Эрону Турон, яъни икки қудратли давлат — Туронзаминнинг мағрибу Машриғи азалдан бир-бирлари билан адоватда эдилар. Чорасиз Қарлуқ уруғи бу адоват гирдобидида бир сабабчи бўлиб, номи тилдан тилга ўтди. Мозий манбаълари гувоҳлик беришича, муҳорабалар бошланиб кетганга қадар султон Санжар кўп мақтанчоқлик қилиб, Ғаюрхонга йўллаган ўз номасида "Салжуқий лашкарлар беадад, юз минг суворийдан ортиқдир, менинг камонандозларим ўқи қилни иккига айиради..." деб ёзди. Вазири аъзам Насрид-

дин Тоҳир жаноблари бу номани элчи орқали Ғаюрхонга йўллашни маъқул топмади. Аммо нома кетди... Шарқий Турон ҳокими Ғаюрхон номани ўқиб, элчига ўз соқолидан мўй узиб олиб: "буни игнадан ўтказиб, бу ямоқни тик",— дебди,— шуни эплолмасанг, қандай қилиб ўқ билан қилни иккига айира оласанлар?" деб заҳарханда ўқрайибди. "Қил" ўйинидан чиққан қилдек гап ва "қорлуқ хиёвати" Жайхун билан Сайхун — оға-инини ёқалаштирди. "Қилни ёриш, "қилдан ямоқ тикиш..." қудратли икки уммонни жунбишга келтириб, мислсиз довулу бўронларни бошлаб келди, Туронзамин отлар туёқлари остида топталди.

Катвон жанги 536 йил ҳижрий, сафар ойида Ғаюрхон ғалабаси билан тугаб, султон Санжар бир қисм суворийлари билан Мозандарон сари қочди...

Султон Санжарнинг мағлубияти, узоқ йиллар тобеликда азият чекиб, таҳқирланган, мустақиллиги йўқолган Хоразмни оёққа қалқтирди. Юзага келган бу ҳолатдан фойдаланган Хоразмшоҳ Аълоиддин-Отсиз ибн Муҳаммад ибн Ануштегин ҳазрати олийлари йўлланган "Севганднома"ни бекор этиб, сарой аёнлари олдида қоғозларни йиртиб ташлаб, Хуросон устига қўшин тортди. Аввал Сарахс қалъасини, кейинроқ, Рабиулаввалнинг ўн еттинчи куни пойтахт Марвни эгаллади. У султон тахтига ўтириб, хазинадаги сандиқларни очдириб, қимматбаҳо гавҳартошларни, тиллоларни, муҳим ҳужжатларни Гурганжга жўнаттирди. Хоразмшоҳ — Отсиз Марвда кўп турмай бир қисм лашкари билан пойтахт Гурганжга қайтди. Бу тадбирни уломою фузалолар маъқул топдилар. Бир неча муддат лашкарга куч-қудрат, тобесизлик шуурини бериб, узоқ юришларга тайёрлади. Марвдаги асосий қўшин тепасига лашкарбоши Абулжаъфар ал-Ҳусайн билан ёш амир Алп-Арслонни қўйиб, уларга аввал Нишопур қалъасини, кейин азалдан таҳдид солиб турувчи Гардиз ва Наса қалъаларини эгаллаб, жануби-мағрибдан бўлатурғон ҳужумларга чек қўймоқликни буюрди. Шу ҳафтада Хоразмшоҳ Гурганж сари йўлга чиқди. Орадан бир ой ўтгач, шоҳ негадир Абулжаъфарни ҳам пойтахтга чақириб олди. Фармони олий ила Нишопур жангида ёлғиз амир Алп-Арслон саркарда бўлиб қолди. Чунки бу ёш амирни сарбозлар ғоятда яхши кўришини биларди.

Ғаюрхон Хуросонга кирмади, у Хоразмийларнинг султон зулмида эканини биларди. Ёш амир Алп-Арслоннинг донгини ҳам эшитган эди.

Шиддатли жанглар натижасида бу қалъалар қўлга киритилгач, Олий ҳазрат таъкидлаб кетган тадбирларга кўра уларга ишончли ноиблар тайинланиб, амир Алп-Арслон Хоразм лашкарини шимол сари сурди. Хоразмшоҳ Аълоиддин-Отсиз ҳазрати олийлари қўшини дабдаба билан музаффарият туғини баланд кўтариб, йўлга тушди. Қалъаларнинг бирин-кетин олинishi, ҳокимлар тайинлангани ва бошқа муҳим масалалар хусусида амир Алп-Арслон нома ёзиб, икки чопарни Гурганжга, пойтахтга йўллади. Икки абжир, йўлбилар суворий кечани кеча, кундузни кундуз демай дашту биёбонларда югуриб, қумликларни кесиб ўтиб, муборак Жайхун сари, қанча манзилу мароҳилни тай этиб, толиб, беш кун деганда Фороб қалъасига етиб келди. Карвонсаройга ё бирон номдор кимса ҳовлисига тушмай, ўзларини пинҳона тутиб, Жайхун ёқасидаги қамишзорда тунадилар. Отларга ҳордиқ, сув ва ўт-ўлан бериб, ўзлари қовуриб олинган этдан тамадди этиб, галма-гал ухлашди. Қиличлар яланғоч, шай қўйилди — бунда душман бўлмаса ҳам йўлбарс борлиги, чия-бўрилар "йигиси"ни муттасил эшитиб туришарди. Чопарлар кўзига уйқу келмади, уларни бирининг либоси қатида амирнинг номаси бор, уни кўз қароғидек сақлаш бурч! Киприкларга уйқу қўнмагач, икки чопар чалқанча осмонга қараб ётди.

Осмон тўла юлдузлар... Қўл узатса етадигандай.

Йўлчи юлдуз уларнинг асосий раҳнамолари, ҳеч қачон чалғитмай манзилга элтгай. Ёши катта чопар қиличида Қутб юлдузини, Турон осмонининг бир томонидан иккинчи томонига етган Сомон йўлини кўрсатди: "Ука, азиз-авлиёлар демишки, оламда уч йўл бор, бири фалакда — Сомон йўлидир, ундан париштаю руҳлар қатнайди, иккинчиси — Чин давлатидан бошланиб Туронзаминдан ўтадурган Буюк Ипак йўлидир, ундан юртни фаровон этадурган савдо карвонлари қатнайди, улар инсонни инсонга, мамлакатни мамлакатга боғлаб, дўст қиладурлар, учинчиси — Оллоҳдан қўрқмайдиган осий бандалар йўлидирки, бу "йўл" фақат дўзахга элтади. Илоҳо, ҳар бир банданга юқоридаги икки муқаддас йўлдан ато этсин!"

Ҳамал оyi, ярим тунда Жайхун осмонида Зухро милтиллар, ундан пастроқда Зухал, энг ёруғ Муштарий барча юлдузлардан кўра ҳам ярқираб, кўзни яшнатарди. Ҳамалнинг охириги кунларида Ҳилол ҳам бир олтин ўроқдек буюк Муштарийнинг жанубидан ўтиб кетарди.

Араб дунёси бу фаслни Шаъбон ойи атаб, лашкар юришлари, савашлар, фатҳ этишлар мўлжалланарди.

Икки чопар тонг саҳарда Гурганж қалъасига омон-эсон етиб келиб, отдан сакраб тушиб, дарбозабонлар билан андак мулоқотда бўдилар. Яна отларига сакраб миниб, Элликбоши унвонидаги махсус суворий сарбоз билан шаҳарнинг кунчиқар томонидаги Қасри Олийга — Доруссалтананага йўл олдилар. Уларнинг шаҳарга виқор билан от чоптириб кириб келишлари, отларнинг текис харсангтошлар ётқизилган йўлда тақа-тақ, тақа-тақ юришлари, виқору шахдамлик катта ғалабаю шон-шуҳратдан дарак берарди. Улар Доруссалтананинг гиштин, серқирра деворларию юқоридаги кунгираларга бир қараб, ўймакор улкан дарбоза олдида яна отдан тушиб, махсус суворий бошчилигида ичкарига кирдилар. Подшоҳ ясавулбошларидан Ашур полвон уларни кутиб олиб, айвонга чорлади. Чопарларга жой кўрсатилиб, олдиларига дастурхон ёздилар...

Шу куни жарчилар бозору чорсуларда подшоҳнинг муаззам лашкари катта ғалаба билан келаётгани шарафига шоду хуррамлик тантаналари бўлмоғини эълон этиб, эртасига тонг саҳардан қалъа кўрғонлари тепасида дарбозалар устидан ногораю карнай садолари янгради. Хоразм музофотида ғалаба шарафига шодиёналик базмлари ўтказиш ҳақида фармон олиниб, вилояту яқин-йироқ қалъаларга чопарлар кетди.

II боб

ОТА АРВОҲИ...

Кутилмаганда гарданига тушган гурзи амир Алп-Арслонни ҳушидан тойдирди. У жонҳолатда орқасига бир қаради-ю, отининг биқинига пошна урди. От икки оёғини баланд кўтариб, бошқа отларни туртиб, чўчитиб, олатўпалондан ташқарига чиқиб кетди. Беҳол амир отга ёпишганча кетаберди, билагига чарм тасма билан боғлаб олган қиличи отнинг қорнида осилиб турарди. Жонивор эгасининг яраланганини сездими, устида чайқалиб кетаётган амирни ола-тўполонда туёқлар остига ташлаб қўймаслик учун шитоб билан четга чопа бошлади. Амир сарбозлари Гардиз қалъаси суворийларини қувиб, қалъа томон тасира-тусур югуришарди, наъра тортиб, ёвга ваҳшат солишарди.

Юзбошилар, бир неча сардорлар амирнинг жанг оломонига кириб кетганидан хабарлари йўқ. Ҳал қилувчи бундай дамларда унинг жим туролмайдиган феълу одатини биладиганлар оломон ичидан излаша бошлади...

Қоронгу тушиб, гардизликлар тезда ўз суворийларини қалъага олиб кириб, дарбозалар ёпилиб, қаттиқ беркитилди. Хоразм лашкари ташқарида қолиб, саҳрода тикилган ўз чодирлари — боргоҳларига қайтдилар. Ҳордиқ олмоқ, отларга хўрак бермоқ, шаҳидларни даладан йигиб олмоқ ва эртанги жангга тайёргарлик кўрмоқ лозим эди.

Лекин амир йўқ. Йигирма чоғлиқ сарбоз машъалалар ёқиб, даштда ётган икки томон шаҳидларининг юзларини кўриб, ўлганларга фотиҳа ўқиб, жон бераётганлар тепасида ёрдам кўрсатиш иложини қилишарди. Улар орасида амир ҳазратлари йўқ! Ҳаво булут, мотамсаро бўлганлиги сабабли, на ою юлдузлар кўринар. Дала зимзиё ва қўрқинчли.

Жанг олатўполонидан анча нари кетган амир Алп-Арслон оти қумликда тўхтади, бир оз ҳушига келгач отдан сирғалиб тушиб, ерга ётди. У ёқ, бу ёғига аланглади, кимсасиз дашт! Оти унинг тепасида қилт этмай турарди. Гарданига тушган гурзигароннинг кучли зарби қаттиқ оғриқ берарди. Бир лаҳзадан сўнг оғриқни ҳам сезмай ҳушидан кетди, бамисоли мурда, чўзилди...

Узоқларда ув тортаётган икки-уч сиртлон ерда ётган шаҳид тепасига келиб, кимнидир гажир, қандайдир қулаган отнинг қорнини тешиб ер, бир-бирларидан қизганиб, ириллашар, овқат талашиб, тишлашиб ҳам кетишарди. Бунин Алп-Арслон мутлақо сезмасди. Аллақаёқлардан ҳид олиб пайдо бўлган, ўнгулардан чиқиб келган чиябўрилар ёш болалардек йиғлашар, катта бўрилар ёнига бориб, эт емоққа журъат этолмай, чекка-чеккада чўққайиб ўтиришарди, улар ичида турқи совуқ сиртлонлар ҳам бор эди.

Амир тепасига яқинлашаётган икки катта бўри ҳали етиб келмасданоқ от уларни орқа оёғи билан тепишга шайланиб, қаттиқ кишнади. Бу кишнаш билан эгасини беҳушлиқдан ўзига келтирмоқчи эди. Лекин шу лаҳза амир бошида ёлдор, баҳайбат бир шер пайдо бўлиб, яқинлашиб келаётган икки бўрига оғзини очиб, тишини кўрсатиб, ўкирди. От бунин кўрмасди.

Тун. Бепоен саҳро... Олисларда бўрини увиллар, ярадор амир Алп-Арслон кимсасиз даштда ҳушсиз ётар, тепасида ота арвоғи...

Шер панжасини кўтариб, бўрини урмоқчи бўлди. Баҳайбат шерга кўзи тушган икки қашқир дарҳол орқага қайрилиб қочди. Амир тепасида турган баҳайбат шер шундай дағдага қилдики, нарироқда тўхтаб думини қисиб, чўққайиб ўтирган бўрилар ҳам тирақайлаганча қочиб кетдилар. Улар анча ерга бориб, узоқдан шерга қараб-қараб қўйишарди. Амирнинг оти бўлса бўрилар кетганини кўриб, яна қайтиб келиб, эгасининг тепасида турди. У негадир чўққайиб ўтирган баҳайбат шерни кўрмасди. Шер ҳам отга ваҳшат солмас, отнинг амир ёнига яқинлашишини истагандек турарди. Орадан яна бир муддат ўтгач, икки бўри олтига бўлиб, амир ётган ерга яқинлаша бошлади, лекин бунда турган шерга кўзлари тушиши билан жойларида тўхтадилар. Шер амир ёнидан қўзғалиб, тўсатдан бўрилар томон ваҳшат солиб югурди. Шернинг ўкириб, даф қилаётганини от мутлақо кўрмас ва сезмас эди. Лекин олти қашқир олти томонга тирақайлаганча қочди. Бўрилар кўздан ғойиб бўлгач, басавлат шер яна ҳолсиз ётган амир тепасига келиб, чўққайиб ўтириб, посбонлик қиларди. Амирдан беш-олти қадамча нарида турган от фақат бўрилар келиб, яна орқаларига қараб қочаётганликларининггина кўрарди, холос.

Тонготаргача шер амир тепасида чўққайиб ўтирди. Дала ёришиши билан амирни қидириб юрган уч отлиқ узоқда кўринган амир отига кўзлари тушиб, тезда югуриб келишди. Беҳуш ётган амирнинг бошини тиззаларига олиб, ёғоч пиёлага мешдаги сувдан қуйиб, ичиришди. Сардорлардан бири ёнидан бодом ёғи шимдирилган латтани олиб, саркардага ҳидлатди. Амирнинг оти ўз шериклари келганидан қувонгандек, бир пишқириб қўйди. Уч отлиқ етиб келиши билан бу ерда посбонлик қилиб турган баҳайбат шер ғойиб бўлди.

Кўз очган амир уч йигитга жовдирар, кимнидир қидирарди: "Ота! Отажон! Қаёқдасиз?" Сарбоз йигитлар амирга яна сув ичириб, унинг бошини ердан кўтардилар:

— Амир ҳазратлари, бизлар сарбозларингизмиз. Сизни жангда йўқотиб қўйган эдик, топдик... Аллоҳга минг қатла шукр!

— Сизларни кўриб турибман. Менинг отам қанилар? У киши ҳозир шу ерда эдилар-ку? Менинг бошимни тиззаларига олдилар... Мени қучдилар... Бу ерга келган қашқирларни ҳайдаб юбордилар...

— Саркарда, сиз туш кўргандирсиз,— деди сарбозлардан бири.

— Йўқ, туш эмас, отам! Пешонамга кафтларини босдилар, мана, огриқ ҳам йўқ.

— Отангиз анча йиллар илгари дунёдан ўтганлар. Худо раҳмат қилсин, охиратлари обод бўлсин!— сарбоз юзига фотиҳа тортди. Амир ҳам.

— Менинг отам амир Насриддиншоҳ эканини биласизларми? У зот ҳозир мана шу ерда, менинг ёнимда эдилар. Бағриларига босиб ўтирдилар. Бу аниқ! Бу — туш эмас, биродарлар! Ҳозир шу ерда эдилар. Устларига оқ чопон кийганлар, бошда салла, белларида ўша заррин амирий камар, қилич, оёқларида этик... Мана ҳозир шу ерда эдилар, у улуғ зот билан гаплашдим, ҳамма гапни айтдим, ҳамма гапларимни тингладилар, дуо қилдилар... Наҳотки у зот ғойиб бўлдилар? Наҳотки гапларимга ишонмайсиз!

Сарбозлар жим бўлиб қолишди.

— Падари бузрукворингизнинг арвоҳи!..— деди ёши катта сарбоз.

Амир Алп-Арслон ўтирган ерида чуқур хаёлга чўмди. Олис уфқдан қумликлар устида бош кўтарган қуёш нурлари унинг юзларига тушиб турарди.



Доруссалтана.

Гурганчининг шарқи-шимолий қисмида буюк Ануштегин¹ барпо этган гиштин икки қабатли Қаср салобатли қад кўтариб турибди. Қасрнинг ичкари томони улкан боғ, бунда беш юз газлик чорсу ҳовуз, унинг атрофида анвойи хил гуллар. Кенг боғда бир неча товуслар хиром билан юришарди. Қасрга кирабериш дарбоза ўймакор ёғоч тахтадан ишланган, ҳалқаю безак занжирлари мисдан қуйилган. Дарбоза тепаси улкан гумбаз бўлиб, гумбаз сиртидаги кўк ва лажвард кошинлар қуёш нурида ярқирайди. Қаср атрофи баланд гиштин девор билан ўралган, девор кунгуралари ҳам қадимий Афросиёб аркини эслатади. Жайхун-

1 Ануштегин Гарчой /1077-1097 — мелодий йилларда подшоҳлик қилган/ Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ унинг ёлғиз ўғли. /1097-1127, мелодий/ Ануштегин Гарчой ҳақида тарихчи Рашидуддин ёзган: "...ва ҳамчунин султон Муҳаммад Хоразмшоҳ жаддаи аъло ў Нўштекин Гарчой буд ҳам аз нежад Оғуз аз авлод Бекдили буд...". Ҳофизи Абрў ёзган: "...Салотини Хоразм ке жадди аъло Нўштекин Гарчой буд аз нежад Оғуз аз авлод Бекдили буданд". /Академик З. Буниёдов./

нинг машриқ томонидаги кенг дўнгликлар устига қурилган қадимий қалъалардан фарқли ўлароқ Гурганж текисликда бўлиб, унинг марказидаги Қасри олий ўз замониغا нисбатан янги ва унинг ичидан ариқлар ўтади. Ун чақирим узунликдаги кенг ариқ қазилиб, Жайхундан сув келтирилган. Бу анҳор Гурганж ичидан ўтиб, даштга, ундан Сарикамиш пастликларига, жарликларга тушиб кетади. Гурганж аҳли фақат қудуқлардан эмас, оқар сувдан ҳам ичади, зироат учун ҳам фойдаланилади.

Қаср ҳовлиси четида бир қатор шинам уйлар қурилган, бу уйлар подшоҳнинг ошхона, наввойхона, кирхона... ва яна бир нечта зарур чоралар тайёрланадиган хужралар бор. Қасрнинг ўнг қанотидаги бир қабатлик гиштин бино ичида ясавулхона бўлиб, тун ва кун Доруссалтана қасрини қўриқлаб турадиган қуролли шоввоз йигитлар сергак туради. Боғ ташқариси, дарвозалар ёнида доимо ясавуллар собит. Айниқса, Доруссалтанага олиб борадиган узун йўл, икки дарвоза, ундан кейин пешайвон, сўнгра қизил гиламдан поёндозлар солиб қўйилган йўллар четида яхши кийинган азамат ясавул йигитлар доимо шай ва сергак туради. Қаср ҳовлисининг оёқ қисмида беш-ўн тулпорга мўлжалланган отхона бор, бунда ҳам қилич осган отбоқарлар подшоҳ амрига шай турадилар. Хазина Қасрнинг ичкари қисмида, унга борадиган гиштин тор йўл ғоятда махфий ва сирли. Хазиначондан ташқари подшоҳу буюк Малика тилсимнамо ертўлага тушиш сирларини билади. Доимо қулф турадиган уч қабат темир эшик, бу томонга борадиган йўл бошига қўйилган ясовуллар маълум уч-тўрт кишидан бўлак бошқа ҳеч кимсани бу томонга қўймадилар.


Ўз оила аъзолари билан Намози бомдодни ўқиган Хоразмшоҳ Аълоиддин Муҳаммад-Отсиз ибн Муҳаммад ибн Ануштагин ҳазрати олийлари наҳорги таомдан сўнг Доруссалтанага ўтиб, деворлари оқ ганчин, қирқ газлик улкан гиламлар ёзилган Машварат хонасига ўтди. Айвонда, катта хона ва тахти олийга етгунча сарой аъёнлари, юксак мансабдор кимсалар подшоҳни кутиб қатор қўл қовуштириб туришарди. Подшоҳ ўрта бўйлик, кифтлари кенг, қора соқол, юзларидан нур ёғилаб турувчи, серғайрат ва айни вақтда ғоятда хушфёъл одам. Тарихнависларнинг хабар беришича у қисман бобоси буюк Ануштагин Гарchoий ҳазратларига ўхшаб кетар экан. Ҳазилни ёқтирар, танти, ҳақгўй... Отаси жаҳлдор Қутбиддиншоҳга ҳам, ўзга онадан

туғилган инилари Инол-тегин ҳазратларига ҳам, Йўсуфшоҳга ҳам мутлақо ўхшамасди.

Ҳазрати олийнинг уч ўғли, бир қизи бўлиб, катта ўғил Сулаймоншоҳ ҳам мутлақо отасига ўхшамас, у бир қадар нимжон, ҳарбни, отда чопишни ёқтирмайдиган, касалманд йигит бўлди. Ёшлигида опалари, қариндош қизлар билан қўғирчоқ ўйнади... Бир қадар тажонг, давлат иши билан унча қизиқмасди.

Подшоҳнинг қаҳри ҳам бор, меҳри ҳам бор, юрт заволини ўйловчи, хиёнат қилганларни асло кечирмас, лекин тахтга садоқатли кимсаларнинг унча-мунча гуноҳидан кечиб юборарди.

Олтин тахтда виқор билан ўтирган подшоҳнинг ғоятда кайфи чоғ, таҳдид солган машъум қалъаларни фатҳ этилиб, лашкарининг ғалаба билан йўлга чиққани, бойлик ортилган карвон ҳам келаётгани амир Алп-Арслон йўллаган чопарлар хабарида маълум қилиниб, яна ҳам руҳини кўтариб юборган эди. У бугун Боғдода тўқилган зарбоб чопонини, бошида олтин тожи, белидаги заррин камарга Димишқий ханжарини осиб, масрур ўтирарди. Саломга кирган вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла жаноблари, юксак мансабдорлар, саркардалар, шаҳзодаларнинг ўнг қўли кўксига, бош эгиб улуғ подшоҳга итоаткорлик билан салом бажо келтирардилар. Амир сардорлигидаги лашкар эрта-индин етиб келиши, ундан сўнг мамлакатда катта тўю томошалар бошланишини йиғилганларга маълум қилган подшоҳ вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла билан саркарда, айни вақтда лашкарбоши Абулжаъфар ал Ҳусайн — "Ноғорақорин"га қараб, Амир ва унинг жасорат кўрсатган сардорларига зарбоб тўну ва бошқа туҳфалар ҳозирлаб қўйишни, истиқлол йўлида қурбон бўлганлар оилаларига нафақалар, матонат кўрсатган ғозийларга еру сув ва иқтоъ учун Фармони Олий тайёрлашни буюрди. Тушликка яқин подшоҳ боғга чиқиб, вазири аъзам билан одатдагидек шатранж суришди. Бу аснода улар ёнида шайхулислом ва инилари шаҳзода Инол-тегин ҳазратлари ҳозир эдилар. Унинг қабулида бўлиб, олий ҳазратнинг илтимосига кўра араб сўзлари маъносини туркийда баён этган, ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини аниқ ёзган улуғ аллома Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг "Муқаддиматул адаб" китоби ҳам подшоҳ қўлида эди. Олимга туҳфалар инъом этилиб, катта ер ва иқтоъ инъом қилинди. Жамики мадрасалару мактабларда "Муқаддиматул адаб" ўқитилиши ва Доруссалтанада, идора ишларида



ҳам бу муҳим илмий китобга амал қилиниши таъкидланди. Амир Алп-Арслоннинг ғалабаси, Маҳмуд аз Замахшарий ҳазратларига туҳфаю эҳтиромлардан вазири аъзам ад-Давла ҳазратларининг шод эмасликларини сезган подшоҳ бу ҳолатга унча эътибор бермади. Бошқалар муваффақиятидан хурсанд бўлмайдиган ҳасадгўй ад-Давланинг бу "итлигини" подшоҳ илгаридан сезарди, бу унинг ожизлиги деб қўяберарди. Лекин Абулжаъфар — "Ногорақорин" хурсанд, у ҳам Хуросон юришида Подшоҳ ёнида бўлди, инъому мукофотлардан четда қолмаслигини биларди. Аммо унинг юрагида амирга нисбатан гоятда пинҳоний ҳасад илонга ўхшаб кулча бўлиб ётарди. Тез орада сипоҳсолар даражасини олиб, лашкарлар унинг қўлига ўтиб кетишидан чўчирди. Унинг юрагида амирга нисбатан кин борлигини подшоҳ ҳам сезар, аммо саркдалар ичра озгина рақобат бўлмоғи табиий, деб ҳисобларди. Ватанга хиёнат бўлмаслик гоятда муҳим, деб ҳисобларди олий ҳазрат. Бундан бир неча йил илгари, машварат чоғида Абулжаъфар ҳазратлари Ҳазрати Али-Шери даргоҳ ҳақидаги ривоятлардан гапириб, бунини ёш амирга текказгани подшоҳ ёдига тушди. "Ҳазрати Али-Шери даргоҳ бозор ёқасида кетаётганларида шу атрофдаги овлоқ бир кўчада, ерда йиғлаб ётган чақалоққа кўзлари тушибди. Дарҳол одамлардан сўрабдиларки, нега ҳеч ким бу гўдакни ердан олмайди, нега унга қарамайдилар? Гўдакни ердан кўтариб олиб турган эканлар бир донишманд келиб айтибдирки, Э, ҳазрати Али, бу чақалоқ бола йиғлаб айтадурки, кимда ким мени боқиб олса, катта бўлганимдан сўнг уни ўлдираман, демоқда. "Ҳазрат, бу чақалоқ болани олманг!" дебди донишманд. Лекин Ҳазрати Али айтибдурларки ҳамма иш ёлғиз Аллоҳдан, агар Аллоҳ бу гўдакни менинг қатлимга йўлласа, мен розимен. Мен Аллоҳнинг бандасимен, унинг фармону иродасига лаббай, деб тайёр турурмен!" дебдилар... Бу ривоят айтилганда ёш амир машварат мажлисида бўлмаган, эшитмаган, аммо саркарда Абулжаъфар ал-Ҳусайн ҳазратларининг ўзига нисбатан носамимий эканликларини, бир неча бор камситилганини эсдан чиқармасди.

— Ғаним энгилиб, кўзга кўринмагани билан ундан бе-парво бўлмаслик даркор,— деди сатранж ўйнаётган подшоҳ билан вазири аъзам ёнида ўтирган Шайхулислам ҳазратлари,— шамол ҳам кўзга кўринмай келиб шамни ўчиради...

Подшоҳ аспни суриб, Шайхулислом ҳазратларига боқди:

— Тўғри айтасиз, ҳазрат. Султон Мозандарон сари қочгани билан яна лашкар тузиб, Ғаюрхон устига бормоғи аниқ. Биз бундай ишларнинг шоҳидимиз. Аммо султоннинг ожизлиги фақат унинг мақтанчоқлиги эмас, ул савқи табиий дардига ҳам мубтало. Юмрон ўз инида ётиб, бир нимадан чўчиса ўз болаларини олиб қочиш ўрнига уларнинг барчасини еб қўяркан... Султон ўз саркардаларининг кўпини ўлимга ҳукм этган. Ҳатто ўз оға-иниларини ҳам қатл этган. Марвда бу гап кўпларга маълум. У ниҳоятда қаттиққўл ва айни вақтда фақат махфий ясавулларига суянади. Бундай сиёсат — тиг устида турган тахтга ўхшайди. Қурол-яроқ устига ўрнатилган тахт бир куни қулаб туриши аниқ!..

— Гўдак юрагига меҳр она сути билан киради,— деди суҳбатга аралашиб вазири аълам,— Она сутидан бебаҳра гўдак она-ватан, она тили туйғусидан маҳрумдир. Бундай кимсалар ўсиб катта булиб, эл ичига киргач, ватанни чиритишга уринадилар. Беихтиёрий, қон бузуқлиги сабабли бўладиган бундай хатти-ҳаракатлар ўта хавфлидир. Ит эгасини талай бошлайди... Бедонанинг уйи йўқ, қайга борса битбилдиқ... бўлади. Аросатда қолган бундай кимсалар ўзларининг ёқимсиз қилиқлари билан жамоа ичига сиғмай қоладилар. Улар на Худованди каримни ва на Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳу ва салламни биладилар! Улар ватанни сотиб кетишни кўзлайдилар, шундай қиладилар ҳам. Аммо узоқ юрт уларни унча суйиб бағрига ололмайди. Кабутарлар галасига кириб қолган қузгунга ўхшаб, нотинчлик содир этадилар, дарғазаб бўлиб, шайтонмисол фитнаю фасод, ғийбату ҳасаднинг кони бўлиб қоладилар... Она юрт туйғусидан бебаҳра кимса шайтоннинг разил хизматкори бўлиб қолишини тарих неча бор кўрсатиб, исбот этган...

Шаҳзода Йинол-тегин бу гапга қатъий эътироз билдирди.

— Ҳазрат, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳу ва салламнинг муаззинлари занги кимса бўлган. Ҳар тонг номози ибодатга ул мўътабар зот мусулмонларни чақирган. Пайғамбаримиз уни қадрдоним, деганлар. Гап инсоннинг бошқа қавмдан бўлишлиги эмас, подшоҳимиз ҳазрати олийларига, юртимизга сидқидилдан хизмат қилмоғида деганлар! Гап ким устида кетаётганини сезиб турғоним сабабли сукут сақлолмаймен. Ул, ниҳоятда садоқатли йигит!

— Ипак қурти ҳам, бузоқбоши ҳам қурт,— деди Олий Ҳазрат фарзин билан ад-Давлага "кишт" бериб,— кўринишига қараб баҳо бериб бўлмайди, бири ипак беради, бири дарахт идизини кемириб, охир қурилади. Гапи билан эмас, кишиларга хизмати билан баҳо берилади...

— Иншоолло! — деди Шайхулислом.

Шаҳзода Йинол-тегин яна суҳбатга аралашди. Гарчи унинг сўзлари олий ҳазрат ёнида унчалик ўринли бўлмаса ҳам жасоратли бу шаҳзода тортинмасди. Йинол-тегин гапга оғиз очди дегунча подшоҳ гапнинг кескин ва лўнда бўлишини пайқарди. Севикли инисига ҳеч қачон эътироз билдирмас, Йўсуфшоҳга ўхшаб бошқа онадан дунёга келган бўлса ҳам унга жуда ишонарди, яқин тутарди, гапларини бардош билан тингларди.

— Асаларилар тинимсиз визиллаб учиб, асал ташийдилар. Вужуди тўзиб кетгунча нектар ташиб ишлайди, уй қуради, насл қолдиради... Асал неъмат бўлишдан қатъий назар мўмийёи аслдек беқиёс даво экани ҳам маълум. Далаю дашт, гулзору ўтлоқлар томон учиб, баъзан йўлларда қурбон бўлиб, ғунчалар чангини чатиштириб, ҳосил яратиб меҳнат қилаётган бу кичик жонзодлар фазилати таърифу тавсифга сиғмайди. Аммо улар орасида ҳам меҳнат қилмайдиган, "сен асал келтирабер, мен уни ейман" дейдиган текинхўрлари ҳам бор, улар бойликни қурилади. Бу текинхўрлар "подшо" атрофида тўда бўлиб олиб, қутидан қут-баракани кетказди. Текинхўрлар кўпайиб кетгач, асаларилар интизом-қонуни ғоятда кескин, асал ташувчи заҳматкашлар уларни ўраб олиб, бошини узиб ташлайдилар. Бу "тозалаш" шу даражада тез ва қатъийлик билан бўладики, асалариларга нисбатан вужуди анча катта бўлган "подшо" ҳам миқ этолмай туради. Шундай қилиб, яна нектар ташиш, бола очиш, қути ичидаги қайноқ ва говжум ҳаёт давом этаберади...

Ютқазиб қўйган вазири аъзам ад-Давла ҳазратлари исеҳзо билан кулдилар:

— Улуг ҳазрат, камина сизни ютмоқ ниятида ўйнаганим йўқ, аксинча ниятим ютқизмоқ эди.

— Ютишни ўйланг, ҳазрат!— деди қаҳ-қаҳ уриб подшоҳ,— бу муҳим! Каллани яхши ишлашга ўргатади.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!— Бу ерда ўтирганлар кулишди.

Пешонаси, икки чаккаси қизариб кетган ад-Давла изаю аччиқ алам ичида гап қотди:

— Тахтанинг бир томонида Подшоҳ, бир томонида камтарин вазири аъзам туриши ўзи фахр!— У мамлакатни иккаламиз кўтариб турибмиз, деган фикрга ишора эди.

— Бу гапингиз тўғри!— деди Подшоҳ.— Жанг майдони-нинг икки томонида бўлиб қолишимиздан Аллоҳ асрасин!

— Худойи таоло йилларга ном қўяётганида бошқалардан аввал сичқон югуриб бориб, ўз номини абадийлаштирган экан,— деди гапдан қайтмай Йинол-тегин:— Аммо қаноатли туя саҳрода қолиб, бу шарафли номга муяссар бўлмабди. Ҳамдуна ҳам, ҳўкизу тўнғизгача, Аллоҳ иноятдан четда қолмабди...

— Э, подшоҳим, кун чиқишдан кун бетишгача беҳудуд Туронзамин тасарруфингизда. Тўрт юз қалъангиз бор, дарёлар айқириб оқмоқда, тоғлар осмони фалакка бўй чўзган... Бу рўйи заминда жайрон кабобини емай, янтоқ-тиканакдан тановул этиб юрган "туяларингиз" ҳолидан ҳам хабар олмоқ лозим. Бағри алам ўтида ёниб, оғзилари кўпириб, қутурмасунлар...

— Ҳо-ҳо-ҳо-ҳо-о-о...— Подшоҳ тиззасига уриб кулди.

— Бу мўътабар фикрни қабул қилгаймэн, подшоҳим,— деди ад-Давла. У дарҳақиқат туядек катта, лаблари туя-никидек осилган, калласи катта, елкалари кенг, бобиллаб, хонани зириллатиб сўзларди.— Сичқону каламушлар кўпайиб, маргимуш заҳари камайиб кетди. Биз туяю айғирлар кўпайиб, хазинангизни тўлдириш билан бандмиз. Энди кимёгарларни ишга ружу эттириб, кўпроқ маргимуш дорисидин тайёрламоқ лозим. Аллоҳнинг иродаси ила йилларга ном қўйилган бўлса, сичқонларнинг бирини номи қўйилгандир. Бошқа сичқонларнинг бари кофар зиён, уларни додини маргимуш берадур...

— Ҳа,— деди подшоҳ,— сичқон ҳам тўйган ерида сичқон. Яхши ҳам бугдойимиз кўп экан, сичқонлар ҳам қаторга қўшилди. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!

— Улуғ ҳазрат! Кейинги йилларда Хоразмда икки хил дард кенг ёйилиб, авж олмоқда: биринчиси чечак дарди, иккинчиси — ҳасад дарди. /Бу сўзни эшитган "туя" мудроқ босган кўзини очиб, дарҳол подшоҳга тикилди. Бу ярамас шаҳзода яна бир аччиқ гапни бошлайди, деб, ўзини ҳимояга чоғлаб, жовдираб турарди./ Чечак дардини тузатармиз, нисби ал Хоразмий, Ибн Синолар тажрибаси бор, аммо ҳасад дардини тузатмоқ гоятда мушкул. Жир битган мансабдорлар, Чинга қатнаб, ипагу тилло билан савдо қиладургон аҳли тижорат бениҳоя ҳаддидан ошиб кетди. Савдогарбаччалар ёши улуғларга салом бермоқни ҳам унутдилар... Китоб ўқимайдурлар, масжидга бормайдурлар...

—“Куллу тавилин аҳмақун, илло Умар, куллу касирин фитнатун, илло Али...”, — деди Шайхулислом — Барчамиз, биримиз новча, биримиз пакана бўлишга қарамай Аллоҳнинг бандасимиз! Мақсадимиз олий ҳазратга, мамлакатга хизмат қилмоқ. “Инна салота танҳо анил фаҳшан вал мункор, яъни намоз сизларни фаҳш ишлардан қутқаради.”

Улар фотиҳа ўқиб, ўрниларидан қўзғолдилар.

III боб

ЁШ МАЛИКА ШОҲСАНАМ

Ёш малика Шоҳсанам бениҳоя шод. Энг яхши либосларини кийиб, тўйга шайланаётган кимсадек тантанавор юрарди. Унинг катталарга таъзиму салом, ёшларнинг пешонасидан ўпиб, эркалаб, ширинликлар инъом этиши, сарой ичра яйраб юриши, тез-тез ёқимли кулиши баъзилар эътиборини ўзига тортди. У, амир Алп-Арслон сардор бўлган ғолиб лашкарнинг тезда Гурганж дарбозаларидан кириб келишини, ноғоралар так-тумию карнайлар ўкиришини кутарди. Куннинг иккинчи ярмида у ипакдан тикилган сарбозлар киядиган кийимини кийиб, сиқиқ белларига камару ханжар осиб, аслаҳахона-отхона соҳибига буйруқ бериб, ёвмит уруғидан бўлган Кўк тулпорини эгарлатиб, қўлига қамчин олди-да, от чоптириб саройдан ташқарига чиқиб кетди. Аслаҳахона соҳиб бу эрка “сарбоз”нинг орқасидан илжайиб қараб қолди. Ёш бўлишига қарамай отни яхши тутиши, ғайрату шижоати кекса сарбозга ёқарди. Йигитлар қилолмайдиган ишларни қилар, баъзи ёш шахзодаларнинг отдан кўрқиши, ланжлиги унга ёқмасди. Жинига ёқмаган, сўтак аслзодаларни “Пушти ҳамом!” деб ичдан сўкарди. Кўк тулпор от ёш маликани яхши танир, келибоқ пешоналарини силаши, ёлларини бармоқлари билан тараб, тилло нигинли оппоқ қўллари билан отга ширинлик едириши, отни наинки итоаткор, айни вақтда у ёш маликани бошқалардан юз чандон яхши кўрарди. Қиз бола бўлатуриб йигитларнинг ишини қилиши саройда ҳаммага маълум. У подшоҳ амакиваччаларидан саркарда Маликшоҳнинг ёлғиз қизи бўлиб, отаси саройдаги фитна натижасида подшоҳ ҳазрати олийларини ҳимоя қилатуриб, қонли тўқнашувда ҳалок бўлган. Агар Маликшоҳ жангда қурбон бўлмаганида, жасорат кўрсатмаганида олий ҳазратнинг омон қолиб, ҳозир тахтда ўтириши мутлақо гумон эди. Амакисининг ёлғиз қизи ва аёли дарҳол саройга олиб келиниб, подшоҳ ўз паноҳига олди. Шоҳсанам фарзан-

длари ичида тарбияланди. Отасидан қайноққонлик, жангворлик ўтганми, қиз ёшлигидан отга ишқибоз, отда югуриш, ҳарбу зарбларга ишқибоз бўлиб ўсди. У кўзга яқин, очиқ дил, танти ва бир сўзлик. Қадду қомати келишган, мўрчамиён. Таранг сарбозий либосда ҳам, кенг ипак кўйлак ичида ҳам гўзаллиги шундоқ сезилиб турарди. Кифту кўкраклари, бели, бунинг устига гаплари маънолик, қилиқлари ўзига ярашиб турар, жон олғувчи ҳаракатлари билан йигитларни маҳлиё қилиб қўярди. Чарос кўзлари бир нимани айтмоқчи бўлаётгандай фусункор, тасвирига мутлақо сўз ожиз. Кичкина белини ушлаб, баъзан лабини тишлаб юриши ўзига ярашарди, баъзи танти шаҳзодаларни, айниқса ёш амир Алп-Арслонни дод, дедириб юборган эди. Шоҳсанам фақат шу йигитга учраганда жайрон отдек ер тепинмас, жиловни тортилгандай тинч турарди... Атрофидаги аслзода қизларнинг унга нисбатан гаши келар, лекин ўзининг шаддодлиги, заковати билан уларни ўзига рому мойил қилиб олган. Сарбоз қиёфасида эркакча кийиниб юриш, баъзан авом ичига киришини баъзилар ёқтирмай, бу қилиқ шариятга тўғри келмайди, дердилар. Мутаассиб шахслар унга қарши бўлардилар... Лекин Шоҳсанамнинг иродасини ҳеч ким қайириб, йўлини тўсолмади. Подшоҳ ҳазратлари "Менинг Шоҳсанам қизимга тазйиқ кўрсатманглар, у менинг эркин лочиним!" дегандан сўнг турткилашларга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмади. Бир-икки йил аввал катта зиёфатда май ичиб, кайфи ошган подшоҳ ҳамманинг олдида кўзига ёш олиб, садоқатли қадрдони, амакиси Маликшоҳни эслади, унинг руҳи-покига дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Бундай зиёфатда қиз бола бўлишига қарамай кириб-чиқиб хизмат қилиб юрган ёш Шоҳсанамни ва бошқа қизалоқларни олий ҳазрат пешонасидан ўпиб, туҳфалар инъом этгани Шоҳсанамнинг эркин юриши ҳуқуқига урилган муҳр эди.

Саройдаги шодмонлик — чопарлар келтирган мужда эртасигаёқ бутун пойтахтга тарқалди — хуш хабар ҳам, ёмон хабар ҳам чақмоқ тезлигида ёйилиши азалдан маълум. Уч кишига маълум сир ҳаммага маълум бўлади. Ёш малика Шоҳсанам тўлқинланар, ҳаяжонланар, жангга кетган амирзоданинг соғ-саломат қайтиши, бу жасур йигитни яна сарой ичра давлат ишларига аралашиб юришини, лашкар ичра сарвар бўлишини жуда ҳам истарди. Амир Алп-Арслон барча шаҳзодалар ичида забардасти, ақлигу жасоратлиги, айни вақтда қадду қомати ҳам келишган барно йигит экани маълум. Шоҳсанам назарида бу Туронзаминда амирчалик забардаст йигит бўлмаса керак. Бўлса ҳам битга, у амир

ҳазратларининг ўзи! У ёш амирни сизларди. Қизнинг хаёли узоқ Сайхун бўйлари томон учди — амир Алп-Арслоннинг отаси Хоразмшоҳлар сулоласидан Гурлан ҳокими амир Насриддин бўлгани билан онаси Шош ҳокимининг қизи Қутлуғ бека бўлганини, улар бошига тушган фожиани эшитган эди.

Кулкию табассум инсонга Аллоҳнинг берган беқиёс марҳаматидирки, бу хислат на оту туяда ва на маймуну итда, на паррандаю даррандаларда бор. Инсон жамолидаги шодмонлик белгиси фақат инсонга хос. Аммо, Тангри таолло қаҳру ғазаб белгисини жонзодлардан олган эмас, қашқирлар тишини кўрсатиб ириллайдилар, шеру йўлбарслар ёмон важоҳат ила ўкирадилар, заҳарли илонлар бақбақасини шишириб, айри тилларини дамодам чиқариб, жоду тикиладилар. Кулкию табассум бебаҳо гавҳардир, инсон қалбининг юздаги инъикосидир, у юрак севинчларини изҳор этиб туради. Нодоннинг ибоду-кулкиси пўрсилдоқ маржонга ўхшайди, унинг ичи мантиқсиз ва бўшдир... Бу сўзларни Подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад — Отсиз ибн Қутбиддин, ибн Ануштегин ҳазрати олийлари баъзан айтиб юрадилар. Бу ила у ўзини Афлотунона фикр қилувчи подшоҳ эканини сездирмоқчи бўларди.

Шоду хуррам кунларнинг бирида улуг малика Суюк хотун билан бирга кирган қизлари орасида Шоҳсанам ҳам бор эди, эрталабки нонуштани бирга қилдилар. Эрта билан Шоҳсанам бекани подшоҳ ҳузурига саломга атай киритадилар. Уни кўрган подшоҳнинг дилида на ғазабу ва на губор қолади. Яхши кайфиятда бўлган ҳукмдор кўп ишларни яхши томонга ҳал этади.

Чоршанба куни суворийлар тўрт қатор сафда, интизом билан қалъа дарбозасидан тантанавор кирди. Олдинги отлиқлар ўртасида сарбоз подшоҳ тўғини баланд кўтариб келарди. Отлиқлардан бир оз олдинда, сўлигини чайнаб, осмонга сапчийман деяётган тўриқ отда яраланган пешонасини оқ рўмолча билан боғлаган саркарда амир Алп-Арслон охири кўринмас отлиқлар олдида келарди. Ўша замон тарихнависларининг муболаға қилишича, лашкарнинг бир боши Гургунжда бўлса, охири Ҳазорасп далаларида эмиш... Бу, албатта "Абомуслим", "Паҳлавони Аҳмад"ни кўчирган хаттотлар муболағаси!

Қаср ичидан, кунгирадор юқори қабатдан лашкарларни кузатиб турган бир тўда маликалар орасида Шоҳсанам ҳам икки қўлини кўзига дурбин қилиб, дарбоза томон тикилар, байроқдор суворий ёнида келаётган қаҳрамон амир Алп-Арслондан кўз узмасди. Улуг малика Суюк беканинг хизматкорлари, ёш маликалар, мансабдорлар хотини, барча-

байроқдор суворий ёнида келаётган қаҳрамон амир Алп-Арслондан кўз узмасди. Улуғ малика Суюк беканинг хизматкорлари, ёш маликалар, мансабдорлар хотини, барча-барчанинг тилида "Саркарда амир Алп-Арслон!"... Қайсидир бир аёл "бу йигит Гурганжга келганидан бошлаб, подшоҳ лашкари салоҳиятли бўлмоқда..." деди. Кимдир уни "қутоёқ амир" атади. Ҳа, аслида амир Алп-Арслон Сайхун томонда, Шош қалъасида туғилган..." Кимдир унинг "абжир паҳлавон" эканини, кимдир "келишган барно йигит" деса, кимдир "ақлли, заковатли инсон..." эканини ҳаяжонланиб гапирарди. Ҳадеб бундай мақтовлар улуғ маликага ёқмаслигини билган бир аёл бармоғини лабига босди. "Чириган, ириган қари мансабдорлар уни кўролмаслигини..." ҳам дадил гапирди. Ғала-говур гаплар авжга минди. Буларни Шоҳсанам қаср қўргонини баланд кунгираси ёнида туриб тингларди, аммо икки кўзи амирда, баъзан-баъзан ёнида туриб, Алп-Арслон шон-шуҳратига тасанно айтиб, ҳаяжонланаётган ёш бир маликага ҳам рашк билан қараб қўярди.

Қалъа ичига кирган бир қисм сардорлар амир раҳнамолигида Доруссалтана майдонига ўтди. Бунда ғолибларга пешвоз чиққан олий ҳазрат, унинг атрофини ўраган шаҳзодаю вазирлар, бошқа олий даражадаги мансабдорлар қаср ёнидаги баланд шоҳ айвонда, чўғдек гиламлар устига қўйилган тахти олийда эди.

Амир Алп-Арслон сакраб отдан тушди-да, ҳовлини кесиб ўтиб, айвон зинапоялари ёнига келиб, подшоҳга бир қараб қўйди. Шундан сўнг, юқорига кўтарилиб, тахтдан тўрт-беш қадамча нарида тиз чўкиб, Олий Ҳазратга таъзим бажо келтирди. Подшоҳ дарҳол тахтдан туриб келиб, қаддини ростлаган ёш амирни қучиб, елкасига қоқди. "Тахту давлат учун, юртимизнинг мустақиллиги учун қилган жангу ранжларингиз учун ташаккур!.. Эл-юртимиз омон булсин! Оллоҳу акбар!" Майдонга тўпланган барча аъёнлар юзларига фотиҳа тортдилар.

Бу бўлаётган тантаналарнинг барини узоқдан, қасрнинг юқори қабатидан кузатиб турган Шоҳсанам тўлқинланар, ҳаяжонланар, бу тантана, бу эъзозу икромлар амир Алп-Арслон учун эмас, унинг учун бўлаётгандай туюларди. Ҳаяжондан вужуди титрар, ёнида турган бошқа маликаларни сезмас ва кўрмас эди.

— Шуҳрат бўлган жойда ҳасад ҳам бор... — деди атрофидаги хотинлардан бири.

Бу гапни ҳушёрлик билан илғаб олган Шоҳсанам дарҳол жавоб қилди:

— Амир ҳазратлари ёш бўлишликларига қарамай катта лашкарга саркардалик қилдилар, Гардиз, Наса ва Маймана қалъалари тобе этилди... Буни тушуниш керак, хурсанд бўлиш керак! Ўша томондан босқинчилик бўлишини доимо кутиб, қўрқувда яшашга хотима қўйилди. Буни тушунмай, кўролмаган кимсанинг кўзи кўр бўлади!

— Маликам, сиз ёш бўлсангиз ҳам тўғри ўйлайсиз,— деди юзини, оғизи-даҳанини рўмол билан бекитган ўрта яшар хотин Шоҳсанамни елкасига қоқиб,— афсуски баъзи казо-казоларнинг юрагидан қиринди ўтмоқда...

Шоҳсанам у кекса аёлга яқинроқ борди:

— Э, сизмидингиз, энажон,— деди кекса аёлни қучиб,— мен сизни танимабман...

— Маликам, ҳаяжондасиз, бундай шоду хуррам бўлишга ҳаммамизнинг ҳаққимиз бор. Амир Алп-Арслоннинг Хуросандаги уч ойга чўзилган жангларидан хабарим бор, амакингиз Йинол-тегин жаноблари менга қисман айтган эдилар. Бир чеккадаги бу уруш Туронзамин учун ҳаёт-мамот жанги бўлган. Амирдан ўзга одам бўлганида қўшин пароканда бўлиб, илгариги вақтлардагидак енгилган лашкарнинг омон қолганлари Гурганжга қочиб келарди. Бизлар бундай воқеаларнинг бир неча бор гувоҳи бўлганмиз. Оллоҳга минг қатла шукрки, ўзи лашкаримизни қўллаб-қувватлади, амакингиз Йинол-тегин жанобларининг айтишича, иншоолло, бизлар Марвга қарамликдан қутулиб, истиқлол йўлига қадам қўйдик. Бу ишда амир ҳазратларининг жаҳду жўши бениҳоя қадрлидир. Аммо шамолдак кўзга кўринмай келиб, шамни ўчирадиганлар бор. Уларга эҳтиёт бўлмоғимиз керак!

— Тушунамен, энажон, тушунамен...— деди Шоҳсанам бу аёлни ўз онасидек яқин тутиб.

— Қизим, ҳаяжонингизни — юрагингиздаги гавҳарни ҳеч кимга сездириб қўйманг, тушундингизми?

Шоҳсанам Йинол-тегин ҳазратлари рафиқасининг бу сирли гапидан унга маҳлиё бўлиб қолди. Кейин "тушундим" ишорасини қилди. Севишган қалблар ўз хатти-ҳаракатларини ўзлари мутлақо сезмайдилар, улар ҳаяжон ва муҳаббат нурлари ичида яширингандек бўладилар, аммо, уларнинг барча хатти-ҳаракатларини, ишқ ўтида ёнишларини бошқалар шундоқ сезиб ва кўриб туради, деган эди машойихлар.

Шоҳсанам Доруссалтана майдонидаги одамлар, ярим доира бўлиб турган саркардаю сардорлар, шоҳайвонда,

тахти олий ёнидаги подшоҳ билан бўлаётган мулоқатни кузатиб, қадду қомати келишган, елкасига зарбоб тўн ёпилган амирдан асло кўз узмасди.



"Душманнинг мақтовидан қўрқ", деган донолар. Ёш амир ғалабасидан кейин хушомадга ўрганган баъзи олий мансабдорлар бунинг аксини қилабошладилар. Юраги ўртаниб, ичи куйиб кетган пакана лашкарбоши Абужаъфар ал Ҳусан-Ноғорақориннинг пинҳона сасишлари қулоқларга етиб келди. Чўкиб, ғайрати сўнган бу кимса асли наслу насаби Хоразм бекларидан бўлиб, кейинги йилларда кўпроқ ширин таомлар емоқ, базмларда савлат тўкиб ўтирмоқ, подшоҳ ҳазратларини соясига эгилиб, салом бермоқ билан овора эди. Олий ҳазрат олдида эгилиб, дароз калласини юмалоқ қорнига қаратиб, астойдил садоқат билан жавдираб туришини кўрган подшоҳ анчадан буён уни ўз мансабидан бекор қилмоқни ўйламасди. Яна битта шундақа юрса юрибди-да, дерди. "Бошингни эгиб, қўл қовуштириб туришларинг жигаримни эзади",— деган эди бир куни подшоҳ Абужаъфарга,— бўлмаса аллақачон баҳрингдан ўтган бўлардим... Унинг асосий мақсади емоқ-ичмоқ, обрў эди. "Яхши ҳам чўгирма бор, беҳига ўхшаган сўпоқ бошингни яшириб туради, бўлмаса тоза кулки бўлардинг,— дерди кайфи ошган шоҳ ҳазил қилиб,— тангри таолога минг бор шукр қилгинки, сенга ўхшаган ақли сўпоқ бир кимса менинг қўлимга тушган. Султон сени отбоқар ҳам қилмаслигига ишончим комил, ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!" Шу лаҳза унинг хаёлидан Сарвиноз бека ўтиб, ҳукмдор жим бўлиб қоларди.

Баъзан у подшоҳга ҳам тилёғламалик қилиб келарди. Кучук бола ўз уйида шер, деб юрган Абужаъфар ҳазратлари Алп-Арслоннинг неча бор ўлимдан қолиб, қон кечиб келганини билса ҳам билмасликка оларди. Илгари подшоҳнинг олий инъомларини кўп бор олиб ўрганган "Ноғорақорин"га амир зафари ҳеч тинчлик бермади. Шивир-шивирлар бошланиб кетганига қарамай, музаффар лашкар Гурганжга етиб келганининг эртасигаёқ умум шодиёналик, тўю базмлар бошланиб, гуноҳи енгил кимсалар зиндондан чиқариб юборилди. Подшоҳнинг қулоғига етган баъзи совуқ гапларга қарамай мамлакатда байрам эълон қилинди.

Кўпгина саркардалар, сарбозлар талаби билан Гурганжда жума куни улоқ бошланди. Буни олий ҳазратнинг ўзлари ҳам жуда истаган эди. Улоққа катта соврин

қўйилиб, ўйин оғоси этиб амир тайинланди. Олий ҳазрату шаҳзодалар, саркардаю вазирлар кенг дала четидаги азалий шийпонга чиқиб ўтириб, бу ерга гиламлар ташланиб, дастурхонлар ёзилган, анвойи хил таомлару кабобу каклигу бедана гўштлири, гулобу чағир, анвойи мевалар, ширин-шакар хоразм тўрлама қовунлари бисёр эди. Баланд айвонда сархушу шод ўтирган подшоҳ улоққа раҳнамолик қилаётган амирни чақириб, унга "Энг азамат йигитимга соврунни беринг, агар улар икки-уч киши бўлса, гиламларни ҳам, тилло танглари ҳам аяманг!" деди. Ўзи юқорида, пар ёстукларга ёнбошлаб, пастда, кенг майдонда амир этилишини — сўйилган тўхлини ўртага ташлашни кутиб турган сал кам уч юз отлиқ қуюндек айланиб турарди. Қарчигай отлар ер тепиниб, кишнаб, тезроқ оломон бошланиб кетишини кутишарди. От жониворлар, айниқса улоққа чопадиган отлар эгасига садоқатли бўлиб, ҳар қанча тўсиқни ҳам ёриб ўтиб, гўзал шийпон томон югуришни мўлжаллардилар. Шайхулислом ҳазратларининг "Оллоҳу акбар!" фотиҳаларидан кейин, амир Алп-Арслон ишораси билан тўхли суворийлар ичига ташланди. Кимдир, бир абжир йигит бургутона чангал билан улоқни ердан олиб, тақимига босиб, далага югурди. Унинг ортидан уч юз отлиқ қувиб кетди. Кенг далада отлар дупури, қийқириғу "Ол-ол!" "Торт-торт!", "Югур-югур!" нидолари гумбурлаб, кучли қийқириқлар бошланди. Устида миниб турган йигитлардан кўра ҳам отларнинг ўзи ҳаяжонга тушиб, бароқ ёллари шамолда ўйнаб, кишнаб, оғизлари кўпириб, бир-бирларидан ўтишга, эгасининг улоқни бошқадан юлиб олишга қулайлаштириб борардилар. Агар бу от жониворларнинг қўлу панжалари бўлганда эгаларидан аввал улоқни юлиб олиб, шийпон томон югурардилар. Тарихдан маълумки отлар улоқни яхши билиши, шунчаки бекорга югурмаётганликларини сезишларини алломалар ўз китобларида ёзиб кетганлар. Олатўпалон улоқ Жайхун қуюнидек дам юзларча суворийлар гир айланиб, дам хору хасни дарё ўз қаърига тортгандай бир неча кимсалар йиқилиб, отлари довдираб, кучли қуюн дам узоқ тепаликлар, қумликлар уфқи сари оқиб кетар, дам кимдир улоқни ердан олиб, орқага югурар, орқасидан юзлаб отлиқлар кенг далага ёйилиб дукура-дукур югуришар, қийқиришарди, ҳеч бир суворий бўш келмасди. Сўлуқ чайнаган бедов отлар оғзидан оқ кўпик сочиб, пишқирар, кенг даланинг чанги осмонга кўтарилиб кетган эди.

Подшоҳнинг ҳам, вазиру вузароларнинг кўзи улоқни олиб қочган шоввоз йигитларда эди. Баъзан бир неча

отлиқлар ерда ўралиб, тақимга босилган улоқни тортишар, қучишар, тортиб олинган улоқни яна тақимга босиб, шийпон томон югуришарди. Эрталаб бошланган улоқ қийқириғи анча вақтгача чўзилди, бир муддатдан сўнг қандайдир мўйлаби сабз урмаган шоввоз йигит оломон ичидан улоқни олиб чиқиб, шийпон томон ўқдек отилиб келаётганини кўрган аркони давлат ҳайратга тушди. Унинг орқасидан қувиб келаётган тўда отлиқларнинг биронтаси етиб келолмай, орқада, кенг далага ёйлиб, қийқириб, отларга қамчи босиб келишарди. Ёш суворий тўппа-тўғри шийпон тагида, икки ёнига гиламу заррин соврунлар қўйиб, курсида ўтирган амир Алп-Арслон рўпарасига келиб, тақими остидаги улоқни гурсса ерга ташлади. Шу лаҳза дик ўрнидан турган амир "Офарин, шоввоз! Сен ютдинг!" деб юборди. Амирнинг ўнг ва сўлида турган йигит оғалари улоқ мутасаддилари ҳам дарҳол бориб йигитни отдан тушириб, дам бериб, навозиш кўргазишмоқ бўлган эдилар. Ёш навкар йигит отдан тушмай, отига қамчи босиб, шийпон орқаси томон ўқдек учиб кетди. Подшоҳ ҳазратлари, амир, умуман барча казо-казолар ҳайрон қолишди. Шоввоз йигит шийпон орқасида ҳам тўхтамай, шу югурганча майдондан чиқиб кетди. Далани тўлдириб, қийқириб, бу мардона ўйинда ютиб чиққан йигитни муборакбод этамиз деган паҳлавон отлиқлар уни кўролмай ҳайрон қолишди. Шу лаҳза ўйин тугаб, амир соврунни беролмай, гала-ғовур бошланди. "Совринни олмайд майдондан чиқиб кетган ким?" Оломон орасида "Ким уни танийди?!" деган шов-шув гаплар тарқалди. Бу йигитни кўришни ўйлаб, отларини олдинга суриб кетган суворийлар ҳам ҳайрон бўлиб қолишди. Амир Алп-Арслон дарҳол шийпонга, подшоҳ ёнига чиқди:

— Аъло ҳазрат! Шоввоз йигит бетоб бўлиб қолдим, отдан тушмай, майдондан чиқиб кетди...

— Орқасидан одам юборинг! Тезда уни бу ерга олиб келсунлар!— подшоҳ ҳангу манг бўлиб қолди.

Амир шу лаҳза шай турган икки отлиқни унинг изидан югуртирди. Ўйинда ким ютганини билмаган майдондаги отлиқлар гур-гур айланишар, барчанинг кўзи амир ҳазратларида эди.

Бир муддатдан сўнг, унинг изидан қалъага кирган икки чопар орқага қайтиб келиб, дарҳол отдан тушиб, амир қулогига шивирладилар. Амир аввал данг қотиб, кейин сал-пал илжайди. Югурганча юқорига, шийпонга чиқиб, бунда ўтирган олий ҳазрат қулогига шивирлади. Подшоҳ ҳайратомуз амирга боқиб, кейин тиззасига уриб, қаҳ-қаҳ

уриб кулди. Айвонда ўтирган амиру умаро, вазиру вузаролар "Нима гап, нима гап?" — деб қолишди. Бизга ҳам маълум қилинглар!"

— Йўқ, айтмаймиз!— деди ғоятда кайфи чоғ подшоҳ мағрур ва масрур ўтириб. — Амир ҳазратлари, қимматбахо заррин тўнни ютиб чиққан шоввозга олиб қўйинг, қолган ўн икки соврунни ўн икки шоввозга ҳозир, менинг кўзим олдида беринг!

— Хўп, ҳазрати олийлари,— деб курсига оёқ қўйиб, паства тушиб кетмоқчи бўлдию, бир лаҳза тўхтаб, олий ҳазратга боқди:

— Ютиб чиққан ўша "шоввоз навкарларимга: "Соврун Абдулрауф отага берилсун, у зот менинг устозим..." дебди.

Айвон пастида ўтирган икки кекса сарбоз ўрнидан турди. Гиламу тилло тангаларни дарҳол кекса Абдулрауф сарбозга берилди. Илгари бундай улоқларда доимо соврун олиб юрган кекса сарбоз ҳозир подшоҳ отбоқари ҳисобланарди. Бу кекса одам йигитларни от чопиб, қилич солиш машқига ҳам ўргатарди. Ютиб чиққан шоввоз йигит подшоҳ саройидан, эҳтимол ёш шаҳзодаларнинг бири бўлса керак, деб ўйладилар. Дарҳақиқат Абдулрауф ота шаҳзодаларга дарс берарди. Кенг майдонга тўпланган оломон ўйинда ғолиб чиққан йигит бу кекса сарбознинг шогирдларидан бири эканини фаҳмладилар. Кайфи чоғ, масруру маст подшоҳ қотиб-қотиб куларди:

— Уч юз абжир суворий йигитлардан устун келган бу "йигит"га тасанно!— яна у тиззасига уриб куларди,— азизларим, мени зўрламанглар, мен бу "йигит"нинг номини айтмаймен!

Подшоҳ рўпарасида турган, чаккаси оқ латта билан боғлиқ амир Алп-Арслоннинг ҳам юзида табассум жилваланиб, нималарнидир ўйлаб, лол қотди.

IV боб

ЛАШКАРБОШИ

— Азизам, бекам! Қалбим султони! Офтобу оташимга — Маъбудамга сизинган маъжусийдек сенга сизиниб юрибмен... Нечун қалтис улоқ аламони ичига кирдингиз? Бу жуда хавfli иш-ку!— деди амир Алп-Арслон эрта тонгда сарой ҳовлисида иттифоқо рўпара келган Шоҳсанам бекага. Ёш амир шай кийинган, отни ҳам, қамчину қилични ҳам ташқарида турган хизматкорларга бериб, олий ҳазратга саломга келаётган эди. Унинг юраги тўлқинланар, учрашув бир

лаҳзалик бўлиши, бу ердаги кўзлардан ўзларини мутлақо холи тутишга интилар, севикли кимсадан бир оғиз сўз эшитиб, ичкарига кириб кетмоқчи эди. Шоҳсанам атайни гапни узайтиришга, "жасорат" кўрсатишга уринди.

— Амир ҳазратлари, баландпарвоз гапларни айтмоқ сизнинг одатингиз эмас! "Маъбуда" ҳам, "маъжусийлик" ҳам сохта! Сиз бир етим қизни нима қилардингиз. Вазири аъзам ад-Давла ҳазратларининг моҳпора қизлари сизга мунтазир. Сизни куёв қилмоқчи эканликларини бутун сарой биледи... Подшоҳ ҳазратлари ҳам бунга розилик берганлар...

— Ё, алҳазар! Мен бу гапни фақат сиздан эшитаётирмен. Кишининг хоҳишисиз бундай ишлар бўлмас!

— Подшоҳнинг амри вожибдир! Сиз — қаҳрамонсиз, фуқаро тилида ҳозир олий ҳазратдан сўнг сизнинг номингиз зикр этилмоқда. Вазири аъзамнинг қизига уйлантириб, катта тўю томоша этишни саройда барча аъёнлар истамоқда. Наҳотки бу гаплардан хабарингиз бўлмаса?! Агар бу бечора "маъбуда" кеча улоқ аламони ичида, отлар туёғи остида янчилиб, йўқолиб кетганида қандай яхши бўларди...

— Ё, алҳазар! Севикли бекам, бу сохта гапларга ишонманг. Ўша олий мансабдорларнинг режалари мутлақо сохта! Жондан кечмоқ ҳеч гап эмас, аммо севиклимдан, сиздан кечмаймен! Гардиз ва Наса қалъалари жангларида неча бор ўлимдан қолдим... Ўша оғир дамларда менга куч ва қувват берган офтобим сиз эдингиз. Сизнинг оёғингиз тагида жон бермоқ мен учун бахт! Бу баландпарвоз гаплар эмас, мен умримда ёлгон сўз айтмаганмен...

Қасрдан чиққан бир аёл ярим овоз билан Шоҳсанамни чақирди, улар икковлари ҳам ялт этиб, ўша аёлга боқишди. Шоҳсанам қўли билан "ҳозир бораман" ишорасини қилиб, аёлни тинчитди. Аммо қандайдир яна бир кўз ҳам уларни кузатиб турарди. Шу лаҳза улар хайр-хўшлашиб, икки томонга кетишди.

Амир Алп-Арслоннинг лашкар билан жануб сари, Хоразм мустақиллиги йўлида жангга кетаётганида ўзининг юрак туғёнларини бу бепарво йигитга сездиришга журъат этолмаган Шоҳсанам кейинчалик бир нарсасини йўқотган кимсадек хомуш юрган эди. Мана, севикли киши жанглардан соғ-омон қайтиб келгач, негадир у ўзини сипо тутар, бегонадек четда турар, ҳатто қайрилиб боқмасди. Бир пайт, баҳор айёмида, ривоч сайлига чиққанларида кўздан ҳоли бир жойда уни кифтларидан қучиб, бағрига босиб, қайноқ-қайноқ ўлгани, эътироз билдирса ҳам ортидан қолмай юргани... Қани ўша жасорати? У пайт ўзини қурбон

қилиб юборишга ҳам тайёр эди-ку! Қани ўша жасорат? У дамлар наҳотки энди ширин бир хаёл бўлиб қолса! Шу сабабли Шоҳсанам устига эркакча эски-туски либос кийиб, белини маҳкам боғлаб, тим қора сочларини тугиб, сиқик чўгирма ичига яшириб, сарбоз Абдулрауф отбоқар рухсати билан ўзининг Кўк тулпорига миниб, ола-тўполонда улоққа қўшилиб кетган эди. Бунини сарой отбоқаридан бошқа ҳеч кимса сезмаган эди. Ниҳоят улоқда ютиб, амир ҳазратлари рўпарасига бошсиз эчкини гурса ташлаб, шу лаҳза ғойиб бўлгани наинки Подшоҳ ҳазратларини, амир Алп-Арслонни ҳам, кейинчалик эшитган одамларни ҳам ҳайратга солди. Амирнинг бошидан турли хаёллар ўта бошлади. У узоқ Хуросонда, қалъалар учун бўлган жангларда, энг оғир дақиқаларда ҳам Шоҳсанамни эсдан чиқарган эмас, аксинча унинг муҳаббати туфайли Туронзамин учун жон беришга тайёр эди. Лекин узоқ юришдан қайтиб келгач, бу шонли кунларда ҳасадли кўзлардан эҳтиёт қилмоқ ниятида ўзини супо тутиб, муҳаббатимиз ошкора бўлиб қолмасин деган мақсадда ўзини четга оларди. Шуҳрат бор ерда ҳасад ҳам бор. Энг муҳими, ўртадаги муҳаббатдан олий ҳазрат хабар топмасликлари даркор, чунки у зот Шоҳсанамни ўз фарзандлари, валеаҳд шаҳзода Сулаймоншоҳга олиб бермоқ ниятлари амир қулоғига етган эди. Бу муаммо Гардиз қалъасини олишдан кўра ҳам оғирроқ эди. Бу, ҳалво. Бундан ҳам мудҳишроқ синовни бошидан кечирган амир Алп-Арслон қилич ва қалқон билан эмас, инсоғий заковат ила ўз йўлидаги ғовларни кўтариб ташлашга қодир эканлигини сезарди. Оллоҳга сиғинар, фақат Оллоҳнинг ўзи йўл берсин, ёлғиз сенинг ўзингга сиғинаман, деб юзига фотиҳа тортарди.

Амир Алп-Арслон онаси Қутлуғ бека билан бирга уч яшарлигида Сайхун ёқаси, Шош қалъасидан Гурганжга олиб келинган. Уч яшар амирзода аввал Гурганжда, кейинчалик Гурлан беклигида ўсди. Саройда, шаҳзодалар билан ёнма-ён юриб, бирга мактабда таҳсил топди. "Муқаддиматул адаб", "Ал-Жабр ва муқобала" китобларини ўқиб-ўрганиб, айниқса, араб тилини чуқур мутолаа ва машқ қилди.

Ҳар қандай одил шоҳ ҳукмронлик қилганда ҳам сарой сарой, унда фитнаю игво бўлмаслиги мумкин эмас. Тарихнинг гувоҳлик беришича, фиръавнлар давридан бошлаб, сугдиёнлар давлатию Кушонийлар салтанатия то шу Туронзаминда ўтган ҳукмдорларнинг саройларида бўлгани каби, Хоразмшоҳлар салтанатида, қасру саройлар ичида

юксак мансабдорлар бор экан, у ерда шуҳрату обрӯ дарахти ўсаркан, шу дарахт қобиғида ҳасад отлиқ бузоқбоши қуртлари ҳам кўпаяберади, дарахт илдизини кемираберади. Туркда "гадо душмани гадо", демиш мақол бор. Шу сабабли ёш амирзоданинг Сайхун ёқдан, Туркистон ўлкаларидан Жайхун бўйига, Хоразмшоҳ паноҳига келиб қолгани сабабларини ҳурматли китобхон эътиборига бешинчи бобда ҳавола этамиз...



Кечки пайт. Гурганж боғларига оқшом салқини чўкди. Намози Шомни подшоҳ билан бирга ўқиган Йинол-тегин ҳазратлари кечки таомдан сўнг "Боғи Ҳазрат"га чиқиб, икки томонида кўм-кўк сарв дарахтлари қад рослаб турган йўлда оҳиста қадам ташлаб, ҳазми таом қилдилар. Сарв қаторларидан нариёғи кенг гулзор бўлиб, бунда анвойи гуллар очилган, оқшом капалаклари учиб юриб, нектар йиғардилар. Подшоҳ ўз бобоси Нўштегин Гарчойи каби гул ишқибози, улуг бободан қолган боғни доимо авайлар, янги хил гуллар, навда ниҳолу дарахтларни ўзга мамлакатлардан ҳам келтириб ўтқазарди. Ҳинду Чиндан келтирилган дарахтларни кўп қийинчиликлар билан иқлимга ўргатиб, авайлаб асрардилар. Хоразм муҳити учун гужуму арчаю сарв мос келаберади, аммо Ҳинддан, бу томони Бағдоддан, Шомдан келтирилган анвойи гуллар аллақачон Қизилқум, Қорақум шабадаларига ҳам ўрганган эди. Ироқ подшоҳи туҳфа этган икки жуфт товус кўпайиб, ўндан ошди, улар "Боғи Ҳазрат"да туп қўйиб, фалак ёзиб, беқиёс, гўзал либосларини таманно этиб, кўзларни қувонтириб яшамокда. Асли Жайхундан, аммо шаҳар четидан ёқалаб ўтиб, охири Сарикамич пастлигига тушиб кетадиган Дарёлик сувидан қалъа ичига кирадиган катта ариқлар "Боғи Ҳазрат"ни яшнатиб, ариқларда доимо сув тўла, шилдираб оқиб ётарди.

Улар ўртасидаги гап аввал табиат гўзалликлари, қандай бўлмасин шаҳарларга кўпроқ мевали дарахтлар эсмоқ, гулзору кўкаламзорлар хусусида кетган бўлса ҳам оға-ини яна сиёсатга ўтиб кетишди, Чин мамлакатида инсонлар мўри-малаҳдек ёпирилиб ишлаши, зироатчилик жуда яхши бўлаётгани ҳақида суҳбат кетиб турган бир пайтда шаҳзода Йинол-Тегин ҳазратлари гапни амир Алп-Арслонга бурди:

— Ҳазрат, (у оғаси подшоҳни қисқагина шундай атарди. Улар бир-бирларидан фақат уч ёш фарқ қилардилар). Ғалаба муносабати билан амирни лашкарбоши этиб расмий

тайинламоқлик ҳозирги кунда жуда зарур, деб ҳисоблаймен. Лашкарни яшартирмоқ, умуман ёш ва навқирон авлоддан баъзан юқори лавозимларга тайинлаб, давлат йшини уларга ишонмоқ фуқаро ўртасида тахт обрўсини юқори кўтарди. Иккиламчи, лашкар туркий йигитлардан ташкил топса, улар ичида амирнинг обрўси юқори. Ҳар қалай баъзи чириган-ириганлардан кўра куч-қудратга тўла ўз йигитларимиз афзал. Лекин доно кексаларимизни четда қўймаймиз, алломалар бундан мустасно. Учинчидан, амирнинг лашкарни янада қудратли ва кўп сонли қилиш хусусида ўйлаган тадбирлари менга маълум. Алар ўз фарзандимиз, амакингиз Насриддиншоҳнинг зурёди, деярлик менинг қўлимда ўсиб катта бўлди. Жасоратда, ақл-заковатда унга тенг саркарда йўқ. Улуғ ҳазрат, сизнинг қалбингиз рашқдан мутлақо холи. Буни бир мен эмас, авом билади. Сиз ҳеч қачон ўзингиздан ортиқ фазилати бор кимсаларга рашқ қилиб, уларни йўқотмагансиз. Бу фазилат кўп подшоҳларда йўқ. Бунинг акси, сиз аҳли илм, аҳли адабга ҳар қачон ҳомийлик қилурсиз. Бағдоддаги "Дорил ҳикма", подшоҳ Маъмун зоти олийлари тадбирлари натижасида Гурганжда яна қад кўтарди. Мағрибу машриқ мутафаккирлари Хоразм заминига учиб келмоқдалар. "Муқаддиматул адаб"ни барча мактабларда ўқиб ўрганишни, араб тилини билишликни фармони олий билан қонунлаштирдингиз... Гапни мухтасар қилурмен: амирни лашкарга бош этиб фармони олий бермоқ муддати етган...

— Абулжаъфар фитна бошламасмикан?— деди подшоҳ,— унинг тарафини оладиган саркардалар оз эмас. Биринчи навбатда ад-Давланинг қовоқ-тумшуги осилади, вазиру вузаролар ичида унинг тарафдорлари ҳам кўп. Марв мендан кейин шу икки арбобни тан олади. Хабарингиз бор, султонни бизларнинг ака-укалигимизга ҳам гаши келарди.

— Султонга қолса Хоразмшоҳларни батамом йўқотиб, бу ерга ўз ноибларини қўйишни кўзлайди. Бобомиз, отамизнинг узоқ йиллик ранжу курашлари ана шу масалада эди. Сизни тан оладилар, чунки сиз барча фуқаролар, барча қўшни мамлакатлар ҳурматига сазовор подшоҳсиз. Каминага ғайирлик қилишлари ҳеч гап эмас, чунки камина сизнинг сиёсатингизга содиқ инсон, иккиламчи уканингиз...

— Ташаккур! Лекин кўпдан буён бу беақл Абулжаъфар "Ноғорақорин"ни мансабидан олиш ниятим бор, бу галги Хуросон юришида у ўзини четга тортди. Унинг ёшлигида лақаби "моча" эканини эшитиб таъбим тирриқ бўлган.

— Шундай кимса тахт атрофида юрадим! Хотинига ярамаса ҳам шаҳвоний гаплардан кўп сўз айтиб, бошқаларни кулдирмоқчи бўлади. Бу феъли ғоятда ёқимсиз. Ад-Давла билан ёлғиз қолганларида бир-бирларини "божа" деб, чақирадилар.

— Ха-ха-ха-ха-а... — шаҳзода Йинол-тегин яна энгак ташлаб кулди.

Кимда-ким, подшоҳлар фақат сиёсат, лашкарларнинг қудратию ўзга мамлакатлардаги аҳвол, юрт ташвишини ўйлайдилар, деса хато қиладилар. Подшоҳлар ҳам ўзгалар нуқсонини айтиб, қаҳ-қаҳ уришни ёқтирадилар. Фил эмас, туя эмас, эшак жонивор баъзида уларнинг тилидан тушмай қолади. Тахтда бошқача, яқинлар ичида бошқача бўлишлари кўпдан маълум. Чарчаган ҳукмдор баъзан Абдулрауф ота Қиётий билан гаплашарди. Гап асосан отлар, антиқа гуллар хусусида кетарди. У билан ёнма-ён юриб, боғни айланганини кўрганлар бор.

— Э-э, иним элга бош бўлганиндан кейин ҳаммага қулоқ солиш керак, баъзан итга ҳам, баъзан битга ҳам... Бу-ку ҳалво, баъзилар ота-боболари тахтга садоқат билан хизмат қилганини писанда этиб, мансаб истайдилар. Ҳей, хомсут эмган инсон, отангнинг хизмати — бу отангники, сеники эмас! Сен ҳам яхши хизмат қилгил, дейман. Мен қорлуқ уругиданман, дейди, яна бири — мен аргин, яна бири — мен қангли, яна бири — мен қиёт, яна бири — мен қипчоқ уругиданман дейди. Ҳа, нима бўпти! Бизлар ҳаммамиз туркий уруглармиз, шу сабабли ҳам бизлар Туронзамин фарзандларимиз, аммо, наслу насабни бир ёққа қўйиб, яхши меҳнат қилинглари, дейман. Бу гап баъзиларга ёқмайди, уларга фақат зиёфату базмлар керак!..

Орадан уч кун ўтгач, Доруссалтанада, кенг хонадаги машваратда Подшоҳ фармони ўқилиб, ёш амир Алп-Арслон ибн Насриддиншоҳ лашкарбоши этиб тайинланди. Тантанавор кийинган амир тахти олийга яқин бориб, подшоҳга таъзим қилди. Олий ҳазратга садоқат билан хизмат қилишга, лашкарни яна ҳам қудратли этиш йўлида жонини аямасликка қасамёд этди. Подшоҳ ўрнидан туриб келиб, ота-боболаридан қолган энг кескир ва чиройли ғилофли димишқий қилични сарой мулозими қўлидаги баркашдан олиб, амирга тутди. Амир қилични ўпиб, тиз чўкиб, подшоҳга таъзим этди. Подшоҳ қайтиб бориб, тахтига ўтиргач, Шайхулислом ҳазратлари фотиҳага қўл очди: "Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм! Подшоҳимиз ҳазрати

олийлари доимо соғ-саломат бўлсинлар, улуғ ишларида Худо ёр бўлсин, тинчлик-омонлик бўлсин. Оллоҳу акбар” Барча ўтирганлар юзларига фотиҳа тортдилар.

Машваратдан сўнг, Подшоҳ инъом этган машҳур ди-мишқий қилични таққан амир шаҳдам қадамлар ташлаб Доруссалтана зинапояларидан тушиб кетаётган Алп-Арслон ўнг томондаги хоналарнинг бирида, деразадан боқиб турган Шоҳсанамга кўзи тушди, аммо унинг ёнига бориб, саломлашмоқ одобдан эмаслигини, ўзини кузатиб турган қанча кўзлар олдида бу иш ортиқча бўлишини фаҳмлаб, ўз йўлида давом этди.

Алп-Арслон тик қомат, елкалари кенг, қўллари узун, кучли болдирларини от ҳам сезарди. Исфахон тутган йигитнинг қўллари узун бўлгани яхши, аммо бўйнининг узунлиги беҳосият, дерди шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари. Оллоҳ ўзи асрайман деса тиг кор қилмайдиган бўлар. Унинг панжалари йўғон, бургут чангалидек, ундан ҳеч жонзоднинг қутилиб чиқиши асло мумкин эмасдек. У, чинакам алп! Ровийлар ривоят қилмиш: Афросиёб ёки Сиёвушга қиёс этиб, бўйи тўқсон газ, елкаси қирқ газ, тоғ чўққиларини узиб олиб, осмонга отади, гурзи урганда душманини ерга михдек қоқиб юборади... демоқлик — му-болаға! Аслида у ўз куч-қудрати туфайли беш-олти сарбоз билан олишиб, қуршовдан чиқиб кетиш қудратига эга. Уни Гардиз қалъаси атрофида бўлган қонли жангда қуршовда қолиб, неча-неча ёғийларга ҳамла қилиб, қилич солиб, отдан қулатгани сарбозларга маълум.

Алп-Арслон қирра бурун, қошлари қуюқ, қора кўзлари бир оз қийикроқ, аммо бургутникидек ўткир, лаби устида-ги чақмоқ мўйлаби гоятда ўзига ярашарди.

Алп-Арслоннинг ниҳоятда хушмуомала, юзидан табассум аримаслиги, шоҳу гадога баробар бир инсон экани ҳам саройда тилдан-тилга ўтди. Баъзилар уни тарбияси яхши бўлган, шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари ҳомийлигида ўсиб, балоғатга етган деса, бошқалар она томонидан — буваси амир ас Саид Шоший ҳазратларининг наслу насаби тоза ва улуғ авлоддан бўлганини ҳам ҳисобга олишарди. Алп биронта одамга дўқ уриб, дағдаға қилганини, ёлғон сўз айтганини, мусулмончилик одатларини қилмай, фаҳш ишларга юз тутганини ҳеч ким билмайди. Қорий бўлмаса ҳам Қуръони каримдан оятларни ёд олган, ёлғиз Оллоҳга сизгинади.

Алп-Арслоннинг дилбар йигит эканлиги сарой қизларининг диққат марказида, айниқса унинг лашкарга сардор қилиб, Хуросон юришидан катта ғалаба билан қайтиб келганидан сўнг номи тилдан тушмайди. Уйда ўтириб, ўз

қилиб, Хуросон юришидан катта галаба билан қайтиб келганидан сўнг номи тилдан тушмайди. Уйда ўтириб, ўз бахту саодатини кутаётган баъзи олий мансабдорларнинг қизлари уни орзу қиларди. Айниқса амир Музаффар — Тамғочнинг қизи Қутли бека... Уни куёв қилишга жон-ди-ли билан тайёр сардордар ҳам йўқ эмас. Ҳатто подшоҳ ҳазратларида вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла ҳазратларининг бўйи етган қизларини ҳам олиб бериш нияти йўқ эмас эди.

Алп-Арслон хусусида гап кетганда баъзилар "Онанинг кўзи болада, боланинг кўзи далада..." деб киноя қилишарди,— бу қийиқ кўз йигитнинг дардида куйиб юрганлар унинг бепарволигидан ранжишарди.

Машваратдан чиқиб кетишаётган Абулжаъфар ал Ҳусайн билан Ҳумомиддин ад-Давла ҳазратларининг руҳи тушган, ниятлари амалга ошмагач, тарвуслари қўлтиқдан тушиб, хомуш келишарди. Улар асосан амирнинг ҳали ёшлигию энди биринчи жангни кўрганлиги, тажрибаси камлигини айтиб, подшоҳдан сабр этишни сўраган эдилар. Йўқ, бунинг акси бўлди. Бу ишда шаҳзода Йинол-тегин катта таъсир кўрсатгани наинки уларга, машваратга йиғилган барча олий мансабдорларга ҳам аён бўлди. Шаҳзода ўз фикру интилишини ҳеч кимдан яширган эмас, ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, қабилида иш кўрарди. Йўлда кетатуриб, Абулжаъфар сасиди:

— Ҳазрат!

— Хўш,— деди ад-Давла асабий бир тусда Абулжаъфарга ўгирилиб,— эшитамен! Қулогим сизда...

— Ўлганлар айтармишки, тириклар ҳалво еяпти, деб. Мана, ҳалво еяпмиз...

— Ҳали кўп ҳалво ейсиз, жаноб!..

V боб

ШОШ ҚАЛЪАСИДА ТУҒИЛГАН ФАРЗАНД

Ровий андоқ ривоят қилибдурки, Чин мамлакатидан йўлга чиққан катта карвон қанча манзилу мароҳилни тай этиб, саҳрою тоғлар оралаб, қанча чўлу биёбонлар оша, Оққўл, Оқсой, ундан сўнг Қоратоғ далаларидан ўтиб, Туркистон қалъасида нафас ростлабди. Ундан сўнг, қалъай муаззим — Шош томон йўл олади. Карвон икки ой муқаддам Хуанхэ дарёси водийсидаги Тайюан, Ланчжоу бозорларидан кўп ипак матолар, кимхобу духобалар, ипак

рўмоллар, турли қимматбаҳо тошлар, олтину кумуш идишлар, дори-дармонлар, умуман Туронзаминда танқис молларни ниҳоятда кўп харид қилган эдилар. Қирқ, элик туядан иборат майда карвонлар Торим дарёсига келиб, Турфон вилоятида бирлашиб, бир қисми Урумчи, Қашқар орқали ва яна бир қисми Ғулжадан Или ва Чу дарёлари ёқалаб, Муюнқум даштликлари оша, Қоратоғ дараларидан ўтиб, Шошга дохил бўлардилар. Бугун ҳам шундай бўлди.

Шарқий Туркистондан чиқиш Жумадилаввал ойига тўғри келиб, Турфон вилоятига етганларидаёқ совуқ изғиринлар, танни ачитувчи изғирин шамоллар эсарди. Муюнқум текисликларида бир ой юришди, Қоратоғ дараларидан не-не машаққат билан ўтиб, то совуқ ўтгунча, Муҳаррам ойларигача Шошда қолишга қарор қилишди. Муюнқум ва Қоратоғ оралиқларида, юқорида Утрор қалъаси атрофидаги далаларда чорва кўп, сут-қатиғу пишлоғу мой кўплиги, ем-хашакнинг мўллиги, бу ер фуқароларининг, гарчи Ғаюрхон тобелигида бўлишига қарамай, меҳмондўст. Айниқса улар Чинмочиндан келадиган ипак матолар ортган карвонларга муҳтожлиги, қалъаларга бундай карвонлар кириб келиши — тўй бўлиб кетишини билардилар. Сорбонлар карвонда келаётган икки улуғ кимсага бу ҳақда маълумот бериб, қалъан муаззам Шошда дам бериб, Жумадилаввал ва Жумадилохирни шу ерда ўтказиб, Наврўзи олам келиши билан Сайхун бўйидан Зарнук, Нур, Кармана қалъалари, ундан сўнг Бухорои шарифга, ундан Жайхун ёқалаб Гурганжга йўл олишмоқчи бўлдилар. Карвоннинг бир қисми Таженд, Машҳад орқали Эронзаминга, ундан Испану Андалузия сари йўл олмоғи мўлжалланган эди.

Учга бўлинган, ҳар бўлакда юз туя, оту ҳачир, бир қанча аравадан ташкил топган катта карвонни Шош қалъасига даранг-дурунг этиб, эрта саҳарда кириб келиши аҳолида катта қувончу ҳаяжон яратди. Қалъа ҳокими карвон ичида Хоразмшоҳнинг ўз иниси шаҳзода Йинолтегин ҳазратлари, Гурлан ҳокими амир Насриддиншоҳлар, Шош ҳокими Амир Саид ал Шоший, Бухоро ҳокими Муҳаммад Сиддиқлар бор экани, Чин мамлакати билан наинки Хоразм, умуман Туронзаминнинг иқтисодий ва сиёсий алоқаларини яхшилаш мақсадида бу олий мартабали кишилар Чин давлатига йўл олгани, аҳду паймонлар тузилгани Шош ҳокимига маълум бўлди. Жумадилаввалнинг ниҳоятда совуқ келгани, ер қотгани, қорасовуқ авж олгани туфайли, олий мартабали кишилар ичида ёши

катта, ҳамда ўз ерига етиб келган Амир Саид аш-Шоший ҳазратлари то кўкламгача карвонни Шошда олиб қолиб, мартабали йўлдошларига ўз кўрғонидан, бошқаларга турли карвонсаройлардан жой бериб, Хоразм ва Бухоро шаҳзодаю амирлари шарафига уч кун тўк томоша берди. Бир қисм матолар, дори-дармонлар Шошда сотилиб, бу ернинг бозоридан ҳам ноёб моллар харид қилиниб, Бухорога, ундан Гурганжга олиб кетишга ҳозирлик кўрдилар.

Узоқ йўл босиб, омон-эсон Туронзаминга етиб олганликлари, Чин мамлакати билан савдони кучайтириб, яхши аҳду паймонлар тузилгани туфайли Шошда қолган олий мансабдорлар кайфияти ғоятда соз эди.

Шоду ҳуррам кунларнинг бирида, Оллоҳнинг хоҳиши ила ҳоким Амир Саид аш-Шоший ҳазратлари ўзларининг ёлғиз қизлари гўзал Қутлугбекани амир Насриддиншоҳга никоҳ этиб, яна бир катта тўй қилдилар. Бу ишда амир ёш шаҳзода Йинал-тегин ҳазратларининг розилигини олди, айнаи вақтда бек ойим билан амирнинг кўнгиллари бир-бирларига ғоятда мойиллигини сезган эдилар. Қутлугбека она томонидан Еттисув ҳукмдори Ғаюрхон наслу насабларидан эди.

Қиш ойининг совуқ келгани, бундан икки-уч ой ўтмай йўлга чиқиш мумкин эмаслигини шаҳзодага айтган эдилар. Бу ойда карвондан ажралиб, беш-ўн отлиқ билан Қизилқумдан ўтмоқлик мутлақо мумкин эмаслигини, қумлик ичида қароқчилар борлигини билган шаҳзода сабр қилишни, шу Жумадилаввал қаҳратонларида Шош қалъасида турмоқни кўнгилли деб топди. Серғайрат, қиличбоз, жангари биродари Шош қизига уйланмоқ истагида экан, буни фақат маъқуллади. Бошқа мусулмон мамлакати ҳокимлари билан қуда-анда бўлмоқлик, шу йўл билан ҳам алоқаларни мустаҳкамламоқлик Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазратлари сиёсатига жуда мос келарди. Шаҳзода Йинал-тегин амир Насриддиншоҳдан, тўй ўтгач, баҳорда Хоразмга қайтишни илтимос қилди. Амир Саид аш-Шоший ҳазратлари зурёди Хоразмда бўлишини жуда истади. Бунга иккала амир ҳам, Бухоро ҳокими, Шош шайхулисломи ҳам мингдан-минг рози бўлдилар. Намоз куни Шош жоме масжидида Хоразмшоҳ Аълоиддин-Отсиз ибн Қутбиддин, ибн Ануштегин ҳазрати олийларининг номи шарифлари хутбага солиб ўқилди.

Орадан бирон ҳафта ўтгач, Шош ҳокими шаҳзода Йинол-тегинни, ўз куёви амир Насриддиншоҳ ҳамда ас-Сиддиқ ал-Бухорий ҳазратларини энг яхши ўтларга миндириб, қальанинг кунчиқар томонидаги Шаршин тепалигига олиб бориб, бу баландликдан шаҳар қўрғонларини томошо қилдирди. Уларга қўшилган жамоа масжид имоми қальанинг баланд қўрғонларига нигоҳ ташлар экан, юзига фотиҳа тортиб: "бундан ўтканларнинг барчасини Аллоҳ охиратини обод қилсин!" деди:

— "Валиллоҳил Машриқу вал мағрибу фаайнама туваллу васамма важҳуллоҳи инналлоҳа восеъун алийм..."¹, деди.

Ривоятларга кўра қадим замонда бу ерга келган Самарқанд подшоси Афросиёб мана шу тепаликни супа қилиб ўтирган экан. Афросиёбнинг бўйи тўқсон газ, елкалари супадек кенг, кўтарган гурзиси юз ботмон бўлиб, девлар билан жангда, бу гурзини солганида замину замон, максану макон ларзага келаркан... Амир Саиднинг муболағалари шаҳзодада кулги қўзғади. Амир шаҳзодани ҳам, куёвини ҳам ишонтириб, ҳаяжонланиб сўзларди. Шаҳзода амирнинг ўз қальасининг диққатга сазовор жойларини жон-дили билан кўрсатиши, шаҳзода унинг гап-сўзларни эшитиб табассум қиларди, ҳавас қиларди ҳам. Ҳамма ҳокимлар ҳам шунчалик юртпарвар бўлсалар қандай соз бўларди, деди ўзига-ўзи. Узоқ Олтой кенгликларидан келган Гаюрхон бу қальаларни ўзига тобе этолмасди...

Қорасовуқнинг кучайиб, бунда бир ой қолиб кетганлари гарчи режаларни бузган бўлса ҳам Шош билан Гурганж орасида мустаҳкам иттифоқлик тузилгани шаҳзода Йинол-тегиннинг йўл-йўлакай Хоразм фойдасига яхши ишлар бўлаётганидан ўзида қониқиш ҳосил қилди.

Улар Шаршин тепалиги, ундан сўнг анҳор ёқасидаги катта боғ, бозору коппон, Карвонсарой, Минг ўрик мавзеидаги амирнинг деҳқончилик қилувчи ер-сувларини, солор ва анҳор оралиғидаги олмазорларни кўришди. Шош қальасини ўраган баланд қўрғон тағларига, Чорсу ва Кеш дарбозаларининг мустаҳкамлиги, Арк шаҳзодада катта таассурот қолдирди. Шу ерлик бир неча ёш толиби илмларни ватандошимиз, ҳазрат Қафқол-Шоший Бағдодга чақирганликларини ҳам маълум қилди.

¹ "Машриқ ва мағриб Аллоҳникидур ва қаерга сен боқма, унда Аллоҳ жамоли бор. Ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг даргоҳи кенг, у ҳамма нарсадан воқиф". /Куръони Карим. "Бақара" сураси, 2-сура, 115-оят./

Қадим Сиёвуш ва Афросиёб лашкарларига камону эгар-жабдуқларни Шош тайёрлаб бергани, бунда мўйна ва чарм усталари, камонандозлик, кулоллик, этигу мўйнадўзлик ривож топгани, шаҳарнинг уч бозорида моллар гоёта бисёр экани, айниқса Шошда тегирмонлар, жувозхоналар кўплиги, ёрма бугдой, қайроқи бугдой нонининг таъми яхши, хушхўр эканлиги меҳмонларга маълум бўлди.

Уч ҳафтадан сўнг, катта карвон йўлга отланди. Сорбоннинг шаҳзодага хабар қилишича Шошда уларнинг "қўйни-қўнжи тўлибди", Чиний ипагу кимхоблардан бир қисмини Шош аҳлига сотиб, ҳамёну катчалар тилло тангаларга тўлибди... Карвон иккига бўлиниб, бир қисми Маймана, Машҳад томон, бир қисми Самарқанду Бухоро орқали Жайхунга чиқиб олиш, ундан Гурганжга боришлари маълум бўлди. Хоразм карвони ҳам салкам юз туядан иборат бўлиб, қуролланган қирқ йигит ихотасида, олдинда сорбон, ўрта қисмда шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари келарди. Амир Насриддиншоҳ икки ой қолиб, кўклам ойларига етиб боришини ҳазрати олийларига маълум қилишларини шаҳзодадан илтимос қилди. Подшоҳга саруполар, заррин тўну қимматбаҳо тошлар, тилло идишларини Шош ҳокими амир ас-Саид ҳазратлари карвондан бериб юборди.

Карвонни Кеш дарбозасида ҳоким ва амир Насриддиншоҳ бошлиқ Шошнинг юқори мансабдор кишилари кузатиб қолдилар.



Тўққиз ой, тўққиз куну тўққиз соат деганда Қутлуг беканинг кўзи ёриди... Аллоҳнинг кўрсатган беқиёс марҳамати — амир Насриддиншоҳ фарзанд кўрди, унга Алп-Арслон, деб исм қўйдилар. Алп-Арслон юз йил аввал ўтган, Туронзамин мамлакатининг қудратли ва фаровон бўлишида кўп хизматлар қилиб, тадбирлар кўрсатган подшоҳ эди. Шошу Хўтан, бу томони Ахсикенту Ўзган, бу томони Самарқанду Бухоро, жануб ёқда Термизу Марвда унинг донғи кетган эди. "Неварам ўша Алп подшоҳдек бўлсин" деб, амир ас-Саид ҳазратлари чақалоқни қўлга олиб, пешонасидан ўпдилар. Яна тўққиз кундан сўнг Жома масжид ҳатиб имоми чақалоқ қулоғига аъзон ўқидилар.

Бошидаги оқ салласи печини туширган имом ҳатиб ҳазратлари болиш устига ётқазиб қўйилган, жимжима қўлларини сўриб, оқ кўйлакчадаги митти инсонга қараб,

икки бармоғи қулоғи остида, шундай ҳолатда туриб азон ўқидилар. Унинг овози ёндош хоналарга ҳам бемалол эшитилиб турарди: "Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Ашҳаду ал-ла илаҳа иллал-лоҳ! Ашҳаду ал ла илаҳа иллал лоҳ!! Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулул лоҳ! Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулул лоҳ! Ҳаййа аълас-салаҳ! Ҳаййа аълас олаҳ! Ҳаййа аълал фалаҳ! Ҳаййа аълал-фалаҳ! Аллоҳу акбар! Оллоҳу акбар, ла илаҳа иллал-лоҳ!", — имом юзига фотиҳа тортиб, бош бармоғи билан чақалоқнинг танглайини кўтариб, ориқ, сертомир кафтини оҳиста норасида пешонасига босдилар. Бу лаҳза хона ичида чақалоқнинг бобоси амир ас-Саид аш-Шолий ҳазратлари, куёв амир Насриддиншоҳ ва яна чақалоқнинг амакилари, қалъа лашкарининг сардори амир Муиддин ва бошқалар ҳозир эдилар.

Орадан кўп ўтмай амир Насриддиншоҳ йўлга отланди, у қайнотаси амир ас-Саид аш-Шолий ҳазратларига ўз подшоҳи Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийларидан нома олганлиги, аввал Гурганжга, кейин Гурланга ўтиб, аҳволни билиб, яна қайтиб келишини, хотини билан фарзандини Хоразм юртига олиб боришини, Гурландаги катта мулки вориси шу фарзанд эканини айтди. Ҳоким ҳазратларини ҳам Хоразмга таклиф этди. Иншоолло, мендан мустасно, олий ҳазрат ўзлари ҳам сизни Хоразм мамлакатини кўриб, меҳмонимиз бўлишга таклиф этадурлар...

Амир Насриддиншоҳ хотини Қутлуғбека, бир яшар фарзанди Алп-Арслон билан хайрлашиб, карвонга қўшилиб йўлга тушди. Аммо, минг афсусу надоматлар бўлсинким, карвонни Қизилқум ичида қароқчилар талаб, амир Насриддиншоҳни кескин тўқнашувда ҳалок этдилар. Жойи жаннатда бўлсин, аллоҳу акбар!

Бу шум хабар Гурганжга ҳам, Шошга ҳам етиб келиб, марҳумга аза очдилар.

Орадан уч йил ўтгач, шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари маслаҳати билан подшоҳ Аълоиддин — Отсиз ҳазрати олийлари шахсан ўз инилари Йинол-тегинни Шошга юбориб, уч яшар амир Алп-Арслонни онаси Қутлуғ бека билан бирга Гурганжга олиб келдилар. Подшоҳ уруғидан бўлган ёш амир саройда тарбияланиб, шу ерда мактабда таҳсил олди. Қутлуғбека баъзан Гурланда марҳум эри Насриддиншоҳ қўрғонида, баъзан Гурганжга келиб, ёш гўдаги тарбиясида бўлди. Султон суягини хорламас, бағри кенг ва доно

ҳазрати олийлари салтанат учун жон фидо қилганларни, айниқса, ўз қариндош-уруғларини ўкситмаслик, уларнинг кўнглини чўктирмай яшашларига доимо эътибор бериб келардилар.

Алп-Арслон ўн олти ёшга кирганида олий ҳазрат фармони билан ўз отаси лавозимига — Гурлан ҳокими этилиб фармони олий берилди. Ёш амир Алп-Арслон ибн Насриддиншоҳ, ибн Қутбиддиншоҳ ибн Ануштегин — Гурлан ҳокими. Кейинги йилларда Хоразмшоҳ таклифи билан Гурганжга меҳмон бўлиб келган кекса буваси амир ас-Саид аш-Шоший ҳазратлари бир ойдан мўлроқ Хоразм давлати меҳмони бўлди. Подшоҳ оиласига турли қимматбаҳо саруполар, Шошнинг мўйнадўзлик ва зардўзлик матоларидан олиб келди. Шошлик камонандозлардан қириқ йигитни Гурланда, невараси амир Алп-Арслон ихтиёрида қолдирди. Бу камонандозлар чўлда юмроннинг кўзини бехато ураб эдилар...

VI боб

ОЁҚДА КИШАН, ЮРАКДА ИШОНЧ...

Султон Санжарнинг мағлубияти, айниқса унинг Хуросон томон қочганидан хабар топган Хоразмшоҳ ал-Малик Абу Музаффар Аълоиддин — Отсиз Туроннинг қириқ йилдан буён салжуқийларга қарамликдан қутулиб, мустақил давлат тузмоқ мақсадида Катвон жангидан бир ой кейин ўз қўшинини Хуросон сари сурган эди. Раббиал аввал, 536 ҳижрий йили, дастлабки ҳужумдаёқ Сарахс шаҳрини босиб олди. Имом Абу Муҳаммад аз-Зиёдий Муҳаммад Хоразмшоҳни тантанавор кутиб олди. Раббиал аввалнинг ўн еттинчи куни пойтахт Марвни ҳам жанг билан эгаллаб, султонга содиқ мансабдорларни ўлдириб, унинг тахтига ўтирди. Хазинадаги муҳрланган сандиқни очдирилиб, бебаҳо гавҳару ёқуту зумрадларни, тиллоларни... Хоразмга жўнатди. Бу, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсизнинг тахтга ўтиргандан кейинги энг катта ғалабаси эди...

Имом Аҳмад ал-Баҳарзий Хоразмшоҳ истиқболига чиқиб, Марв аҳлига омонлик талаб қилди. Хоразмшоҳ Марв аҳлидан машҳур Ҳанафия факихи имом Абдулфадл ал-Кермонийни гаровга ушлаб қолишни сўради. Бироқ фуқаро ғалаён кўтариб, шоҳнинг бир неча одамини ўлдириб, Марв дарвозаларини беркитди. Дарғазаб шоҳ

қўшинни қайтадан Марвга киритиб, ҳаммаёқни вайрон қилди ҳамда Хуросоннинг машҳур кишиларидан аҳли уламо шафий факихи Иброҳим ал-Марвозий, қомусий олим Али ибн Муҳаммад ибн Арслон, исёнчи Али ибн Исҳоқ ал-Мусавийни қатл этдилар ҳамда ал-Кермоний, Абу Ансул ал-Аббодий, кади ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Арсо-бандий, шоир Рашидуддин ал-Ватвот, файласуф Абу Муҳаммад ал-Ҳиравийларни Хоразм шаън-шавкатини кўтариш мақсадида ўз юртига жўнатди. Ўзи шаҳзода Йинол-тегин, Абулжаъфар, амир Алп-Арслонни олиб, Нишопурни забт этмоқ учун йўлга тушди.

Шу тариқа Хоразмни салжуқийлар тобелигидан қутқариб, мустақил салтанат тузишга киришди.

Марв жангида Хоразмшоҳ ил-Малик Абу Музаффар Аълоиддин — Отсиз ўз фарзанди шаҳзода Отлиқни йўқотгани юрагига беҳудуд изтироб солди. Гарчи бошқа шаҳзодалар: Йинол-тегин, Сулаймоншоҳ, Йўсуфшоҳлар ўз атрофида турганига қарамай, валиаҳд шаҳзоданинг ҳалокати жуда оғир бўлди. Бу ҳаёт-мамот жангида ўз уругидан бўлган ёш амирзода Алп-Арслон ва унинг навкарлари орасида "Қора фил" лақабли паҳлавон — Муҳаммад Али ал-Мисрий деган давангир йигит шундай жанг қилдики, биронта ғаним унинг қўлидан омон чиқиб кетолмади. Тўғри келганига қилич солиб, дупора этар, баъзан наъра тортиб, сипори билан рақиб бошига урар, оғзидан кўпик сачратиб ҳайқирганидан отлар ҳуркиб, орқага қочарди. Бирон ғаним навкар қилич тўғрилаб унга яқин келолмасди. Юз қадамча ортда, тепаликда ўз қароргоҳида турган подшоҳ бу паҳлавоннинг юракдан наъраи радивор тортиб, арслондек ўкириб ҳамла қилаётганини кўриб ҳайратга тушарди, баҳодирлигига тасанно айтарди... Рўпарасидан келган рақиб биринчи ҳамладаёқ ер тишларди. Пешонасига тегиб кетган тигдан қон оқиб, иягига тушар, гўё манглайдан тер оқиб тушаётир, деб қонни туфлаб ташлар, лаблари қалин, отга ўхшаб оғзидан оппоқ кўпик чиқариб, ёвга ташланарди. Кенг яғринлари терлаган, унинг тани чўяндек тиг ўтмас — рўйинтан, оёқ, биллак, пайлари сапчадек бўртиб чиққан, дам қилич солар, дам гурзи ҳавола қилиб, рўбарў келган рақибни қулатмай қўймасди.

Завқу ҳайрат билан кузатиб турган шоҳ ўз ёнига амир Алп-Арслонни чорлади. Дарҳол отга қамчи босиб, югуриб келган ёш амир шоҳга таъзим қилди.

— Бу паҳлавон сенинг навкарларингданми?

— Шундай, ҳазрати олийлари.

— Салжуқийларни я-мо-о-н яхши урмоқда! Кўп саваш кўрганга ўхшайди, — подшоҳ сўл томонида, орқароқда, от устида бир олақарга тургандек митти бир одамга мурожаат этди:— Мавлоно, бу гапга не деюрлар?

— Офарин, дейман, Ҳазрат, бу бир шер! Ёки Афросиёб ёки Сиёвуш... Рустам деса ҳам бўлади...

— Бирини айтинг-да, мавлоно!

— Биринчидан, агар ҳақиқатни айтсам, етмиш минг навкарнинг олампаҳоқ подшоҳи жаноби олийларига ўхшайди! Иккинчидан, бу ожиз қулингиз, Ватвот — кўршапалак, яъни менга ўхшайди...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-о-о-о! — подшоҳнинг от устида туриб пурвиқор кулиши жанг қилаётган навкарларга таъсир кўрсатдим, яна "тарақа-туруқ амуда гарон, санги осмон..." авжига минди. Қиличлар офтоб нурида чақмоқдек ярқираб, отлар сўлуқ чайнаб, кишнаб, паҳлавонлар юракдан наърайи раъдивор тортиб, беомон саваш кучга кирди.

— Амир, бу қора йигитни жангдан сўнг ёнимга олиб келинг. Жанг тугади ҳисоб... Золимлар салтанати тор-мор этилди! Тобеликдан қутулдик. Падари бузрукворим, улуғ подшоҳ Қутбиддин ҳазрати олийлари ўттиз йилча Марвга қоплаб тилла танга тўладилар. Бўйинтуруқдан фориг бўлдик...

— Зафар муборак бўлсин, подшоҳ ҳазратлари!

Хоразмшоҳ бош ирғаб, ёш амирга табассум ила боқди, унинг муборакбод этиши ўзига ярашиб турарди. Лекин унинг нигоҳи ҳамон талотум жанг олатўполонида, навкарлар ичра икки газдан зиёдроқ қиличини ҳавода ярқиратиб селпиётган қорача паҳлавонда эди.

— У билан машқ вақтида кураш тушганингизни Сулаймоншоҳдан эшитган эдим... Номи нима?

— Муҳаммад Али ал-Мисрий. Ошнолари уни "Барзангий", баъзилар "Жангий" дейдилар. Баъзилар "Ҳангий" ҳам дейдилар, нима десанглар денглар, аммо "Ҳангий" деманглар, деб хафа бўлади, азамат.

— Ҳова-ва,— деди шоҳ кулимсираб,— бу "Ҳангий" эмас, чинакам "Жангий". Жанг майдонида жавлон ураётган паҳлавонларимизнинг бири.

— "Дулдул" деб атамоқ жоиз,— деди шоир Рашидуддин ал-Ватвот,— камина ҳазратнинг тунда учадургон кўршапалаги бўлганда яна бир дулдули ҳам бўлмоғи муддао. Кўршапалак шоҳимга озор бергувчи ганим чивинларни йўқотадур. "Дулдул" ганимларни қирадур: мисоли

гавҳару баҳр, яъни дулдуду кўршаппарак ҳар ду даркор аст!

— Офарин!— шоҳ ал-Ватвотнинг юзига қараб илжайди. Шундоқ жиккак одамдан улуғ шоир чиқарканми, деб таажжубланди. Султон Санжар бу мавлонони ғоятда ҳурмат қилган. Марвда у факих Иброҳим ал-Марвозий даражасидаги мўътабар зот эди. У Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳмуд аз-Замаҳшарийлар юртини орзу қилиб, бу заминдаги "Байтул илм" шону шуҳрати дунёни тутгани сабаб бўлиб, Гурганжга келган эди. У Бағдоддаги "Байтул ҳикма"га эмас, Гурганждаги "Байтул илм"га — юксалаётган Турон-замин салтанатига келиб, бунда ижод этмоқни орзу қилган эди.

Жангдан сўнг кичик сардорлар ўз боргоҳларига кирдилар, саркардалар шошилиб, машваратга тўпландилар. Подшоҳ айғоқчилари одатдагидек жангтоҳ четида навкарлар орасида бўлишди, бир нечаси ўз сафдошлари билан бўз чодирга кириб, пешонасидаги жароҳатни ювиб, латта билан боғлаб олган ал-Мисрий тепасига келдилар. У қилич, қалқони, гурзисини ёнига қўйиб, қаттиқ чарчагинидан ёнбошлаб, тезда уйқуга кетибди. У ётишдан аввал хуржундаги шалдир-шулдир оғир темир кишанларни шақиллатмай секин олиб, атрофдаги сафдошларига сездирмай икки оёғига ўраб, яна бир занжирлик оғир кишанни қўлига ҳам ўраб, тезда ухлаб қолади. Подшоҳ айғоқчилари ҳайрон, нега у ўз-ўзини кишанлайди? Улар таажжубланишди. Ухлаб қолган ал-Мисрий тепасида чўққайиб ўтириб, кишанларни ушлаб кўришди, оғир, чинакам мустаҳкам пўлат кишандар... Ҳозироқ бир фавқулодда тўқнашув бўлиб қолгудай бўлса, у ўрнидан туриб кишандан чиқолмаслигини хаёлларидан ўтказишди.

— Уни уйғотамизми, йўқми?— биринчи айғоқчи иккинчидан сўради.

— Уйғотиб нима қиламиз?— деди иккинчиси,— бу, тарихда бўлмаган ғаройиб хабарни олий ҳазратга етказайлик. Уйғотмоқ осон...

— Хоинлик бўлмайдами?

— Нечун?

— Қолган-қутган ёв тунда бостириб келса, уни қўлга оладилар, маҳбус деб ўйлаб, уни озод этадилару ўз сафларига қўшадилар...

— Бу тўғри эмас. Агар у ичимизга кирган илон бўлса, бунчалик мардонавор жанг қилмасди, иккиламчи, олий ҳазрат эътиборини қозонмасди. Бунда бир сир бор...

— Сир йўқ!— кескин жавоб қилди шериги.— Иф-риқидан тутиб келтирилган ҳамма занжилар сотқин, уларга яхшилаб хўрак берсалар, ўша томонда туриб жанг қилаберади,— у ёш боладек пишиллаб ухлаб ётган даван-гирнинг қадду қоматига тикилди, ўнг томондан тушиб турган тўлин ой нурида унинг яғринлари тўлалигича кўринарди. Бу одам эмас, Ҳиндистон филига ўхшайди. Унинг ёнида бирон навкарнинг ётиши ҳам хавфли, бир томонга ағанаса, мушукболани босгандай эзиб ўлдириб қўя қолади. Аммо бу "фил"нинг занжирбандлиги таажжуб!

— Унинг наслу насаби бизга номаълум. Аммо номи Муҳаммад Али экан... мусулмон... Эҳтимол Нилу муборак ёқасида яшайдирган қавмлардандур?

Икки айғоқчи паҳлавонни уйғотиб, безовта қилгилари келмади, аммо бу қизиқ ҳақиқатни подшоҳга тезда етказишга қарор қилдилар. Шу лаҳза олий ҳазрат боргоҳи томон югурдилар. Йўллардаги ясовуллар икки бешафқат айғоқчини кўришлари биланоқ уларга тўсиқ бўлмадилар. Бу айғоқчилар соқол-мўйлаб ёпиштириб, бошқача қиёфада юрганларида ҳам подшоҳ муҳрини кўриб, дарҳол қўйиб юборардилар.

Икки айғоқчи тили оғзига сиғмай, бу антиқа хабарни ясовулбошига, ясовулбоши вазири аъзамга етказди. Улар таажжубланишди. Кулишди. Ўз сардори Алп-Арслон буни билармикан, деб ундан сўрашга жазм этишди. Подшоҳни безовта қилмай (у шу аснода чодир ичидаги ўз тўшагида мағлуб султоннинг қўлга тушган маликасини шошилинич никоҳ ўқитиб, уни қучоқлаб ётарди. Бундан бир кун аввал унга кўзи тушиб, никоҳ ўқиттирганди, қаердадир дам олаётган амирни қидириб ўтирмай, ясовулбоши ва вазири аъзам лашкар ичига кириб кетишди. Тезда бўз чодир ёнига етиб, ичкарида филдек, чодирнинг ярмисини эгаллаб пишиллаб ухлаб ётган паҳлавон тепасига келишди. Айғоқчилар шам ёқиб, вазири аъзам яхшироқ кўриши учун устига ёпган малла матони кўтариб, оёқларига, қўлларига урилган оғир занжирлару кишанларни кўрсатди.

— Ё тавба!— вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла ҳазратлари ўз кўзига ишонмай занжирларни ушлаб кўрди.— Аъло ҳазратнинг музаффар қўшинида кишанда ётмоқ таажжуб! Биз уни жиноятчи эмас, паҳлавон деб эъозламоқчи эдик, бу не ҳол? Унинг рақиблари бу ишни

қилмадилармикан? Унинг паҳлавонлиги ёмон одамларни ҳасадга солмадимикан? Унга доруйи беҳуш бериб, ухлатиб, ўлдириб юбормоқ қасдида эмасмиканлар? Ёки бу жосусларнинг ишимикан?..

— Ақл бовар қилмайди,— деди ясовулбоши шивирлаб. Уларнинг ҳаммалари шивирлаб гаплашишарди.

— Майли, тегманглар, ухлайверсин,— деди вазири аъзам, кейин айғоқчиларга мурожаат этди.— Лекин сенлар тонг отгунча уни кўриқлаб турасенлар! Қиличингиз қўлда яланғоч турсин! Кимки бўлмасин, ёнига қўймайсенлар! Мен бориб олий ҳазратга хабар қилурмен.

Вазири аъзам ад-Давла ҳазратлари ясовулбоши икки навкар иҳотасида олий ҳазрат оромгоҳи томон йўл олди. Ўша икки айғоқчи кишанда ётган "Қора фил" ал-Мисрийни "ёмон ниятли кимсалар"дан кўриқлаб, бунда қолдилар.

Эрта билан гуслу ходим, саҳар намозидан сўнг "нонушта" қилган подшоҳ ёнига биринчи бўлиб вазири аъзам ад-Давла кирди. Музаффар подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад-Отсиз ҳазрати олийларига тунги ғаройиб воқеа — паҳлавоннинг кишанда ётгани хусусида хабар қилдилар. Гўзал малика қаноридан ғоятда мамнун чиққан шоҳга бу хабар ғалати туюлди. Уни кечаги жангда баҳодирлик кўрсатган навкарнинг тунда оёқ-қўлига кишан урилгани таажжубга солди. Кайфи чоғ шоҳ ҳузурига дарҳол паҳлавонни ҳамда амир Алп-Арслонни чорлаб, олиб келдилар. Таъзим бажо келтириб, шоҳга бош эгиб турган амир ва "Қора фил"— Муҳаммад Али ал-Мисрийга шоҳ таажжуб билан боқди:

— Эй паҳлавон, сени Турон салтанатининг мустақиллиги йўлидаги матонатинг бизни мамнун этди. Мардлинггни юксак баҳолаймиз.

Атрофда турган сарой аъёнлари бош ирғаб, шоҳ сўзларини тасдиқлаб, баҳодирга табассум билан қарашарди. Муҳаммад Али ал-Мисрий подшоҳга яна бир карра таъзим этди.

— Менинг музаффар қўшиним қалъаларимни султон тутқунидан озод этган бир аснода нечун сенинг оёқ-қўлингга кишан тушди?

Муҳаммад Али ал-Мисрий саросимада у ёқ-бу ёққа қаради. Кейин амирга боқди. Оёқ-қўллари эркин, занжир йўқлигини маълум қилмоқчи бўларди. Лекин подшоҳни ёлғон гапириб, алдаб бўлмаслигини биларди. Подшоҳ ўзининг зукколигидан кўп вақт мамнун бўлиб турарди. У айғоқчилар сардорига ишора қилди. Қуроллик, шоп мўйлов

соҳиби, оёғи остида турган қопни кўтариб келиб, ичидаги оғир занжиру кишанини баҳодир оёғи остига ташлади. Ал-Мисрий ўз кишанини кўриб, бир оз саросимага тушди. Лекин бир нима демай, маълумлол подшоҳга тикилди, бир сўз демади. Бир дамдан кейин у шоҳга мурожаат этди:

— Подшоҳ ҳазрати олийлари, мени авф этинг. Бу кишанларимни оёғимга солмасам, ухлаб дам ололмаймен...

Подшоҳ кулиб юборди. Атрофда тик турган барча мансабдорлар ҳам кулиб юборишди. Амир қизарди-ю, бир сўз демади, аммо бир лаҳзадан сўнг шоҳга яқин келиб, таъзим қилди. Кишанда ётишга одатланган Муҳаммад Али ал-Мисрий воқеасини ярим овозда секин гапириб берди.

... Бундан бир неча йил аввал амир Алп-Арслон подшоҳ топшириғи билан жума ва чоршанбаи муродбахш кунлари амирлик хилқатини ечиб, фуқаро қиёфасида бозор кезган. Баъзан уни-буни харид қилган, лекин унинг асосий иши нарх-навони суриштирмоқ, фуқаро шоҳдан ризоми ёки норизоми, шуни билмоқ ниятида бўлган эди. Бугдою у каппонда бир қадогои неча динор бўлгани, ёғу гўшт қанчадан сотилаётгани, кийим-кечак, матолар нархи қанчалиги билан шоҳ ғоятда қизиқарди. Хитойдан келган ипак матолар карвонининг Шошу Бухородан ўтиб Гурганжга кириши тўй бўлиб кетарди. Баъзи кунлари от-улов, қўй бозорларига ҳам одам юбориб, тевадан тортиб эчкигача, яхшиларининг нархи қанча, ўртача от, ўртача сигирнинг нархи, айниқса, қумда яхши чопадиган ёвмут ва тақа отларнинг нархи илгариги йилдагидан ортиқми ёки ўша нарху наво ҳамон барқарорми? Хоразмшоҳ синчковлик билан кузатиб туриши сарой аъёнларини таажжубга солар эди. Нархнинг ошмаслиги, бир меъёрда туришидан ташқари, кийим-кечакдаги сифат, эгар-жабдуқларнинг пишиқлиги, мошда тош, гуручда курмак бўлмаслиги, сотилаётган бедаларнинг сояда қуритилгани, бугдою макканинг тозаллиги, каппондаги баланд шифтга осиглик ботмон тарозунинг "ҳалоллиги"гача кузатарди. Чопонбозорда кейинги пайтда тор тикилиб, қўнғир жун чакмон камайиб кетганидан ҳам хабардор эди. Амир Алп-Арслон шоҳнинг яширин кишиси сифатида бир неча бор бозорда бўлди.

Кунлардан бир куни бозорда янги бир савдогар кимса пайдо бўлиб, ўзининг молларини бошқалардан ўн динор ортиққа сотаётгани хабари келибди. Бу нохуш хабарни эшитган шоҳ ҳам, Алп-Арслон ҳам ўйланиб қолишди: "Нечун бу савдогар қонунни бузар экан?.." Калласи кетишидан қўрқмаган савдогар кимса шоҳнинг диққатини тор-

тган. Вазиру вузароларнинг ҳам боши қотиб, "каллеси кетадиган" савдогар хаёлларини олиб, юраклари орқага тортиб кетганди. Лекин Хоразмшоҳ жаллодга фармон бермай, вазири аъзам ад-Давлага боқиб, "ўша савдогарнинг устига заррин тўн ёпинглар", дебди. Мансабдорлар ҳайрон, аммо шоҳ фармонини бажарадилар. Янги келган савдогарга шоҳ заррин чопон ёпганини кўрган бозордаги бошқа савдогарлар ҳам аввал ҳайрон бўлиб, кейин ўз молларини ниҳоятда сифатли қилмоққа, мошу гуручга тош қўшмоқлик мусулмон фарзандига номуносиб экани, тўну чакмонлар пишиқ тикилиб, гарчи нархнинг озгина ошишида эмас, сифатида эканини фаҳмлаб, Гурганж бозори яна ҳам авж олиб, Бағдоду Нишопур, Марву Ҳирот бозоридан ҳам гавжум бўлиб кетибди...

Кунлардан бир куни Жума бозорида, гужгон урган одамлар орасида юрган амир Алп-Арслоннинг кўзи беш-олти қоп гуруч ортилган эскигина бир эшак аравага тушиб, эшак ўрнида бир барваста елкадор, қора барзанги йигит қўшилиб, у аравани тортиб келаётганига кўзи тушди. Девқомат барзанги йигитнинг оёқлари очиқ бўлгани билан бир қўлига кишан урилиб, араванинг қўш ходчасидаги ҳалқага солиб қўйилган эди. Одамлар эшак ўрнига қўшилган қора йигитга боқишиб, кулишарди, кексагина савдогар қўлидаги қамчинга ҳам кўз ташлаб, қулнинг аҳволи ачинарли эканини фаҳмлашар эди. Бу қамчин баъзан қул елкасига тушарди.

Одамлар ичидаги амир Алп-Арслон қора барзанги қул йигитга яқинроқ бориб, унга бошдан-оёқ тикилди. Қул ерга ўтириб, пешонасидаги терларни артаётганида амир атайин унга мурожаат этди:

— Қоплардаги мошми, гурунчми?

— Гурунч,— деди қул истар-истамас. Йўлда тошга қоқилиб, тўпиғи қонаган, латта билан артиб, боғлашга ҳам қўли тегмаган қул диққат бўлиб жавоб қиларди. У туркий тилни тушунар, қийналиброқ бўлса ҳам гапирришга ҳаракат қиларди.

Қора барзанги жавоб қилмади, харидорга бир қараб қўйди-да, нарироқда қамчин ушлаб турган эгасига ишора қилди.

— Сен нечун гапирмайсен, тилинг йўқми?

— Соҳиб, менга савдо қилмоқ манъ этилган, мен аравани тортиб келган қулман,— деди араб ургусида, туркий тилда. Анаву турган менинг хўжамга мурожаат этинг...

— Туркий тил билар экансан, яхши!

— Ҳей, бунда келинг! Гурунчининг нархи қанча?— деди Алп-Арслон оқ-сарикдан келган, чўққи соқол савдогар кимсага мурожаат этиб.

— Ўзинг мунда кел!

— Мана келдим,— деди Алп-Арслон беш-ўн қадам ташлаб, савдогарга яқинлашиб,— гурунчининг нархи қанча?

— Бале, ана энди ўзингга келдинг. Сен бориб қул занги билан савдолашасенми? Мана, унинг хўжаси — мен турубмен! Мен билан савдо қил! Эшагим касал бўлиб қолди, эшагимни аяб, ўрнига қулни қўшдим. Сен савдогарлик аҳдини бузма, мен билан гаплаш.

— Қулни ҳайвон билан тенгламоқ муқаддас Ҳадиси шарифда йўқ...

— Сенга гурунч керакми ёки мен билан гуфтугў қилмоқ керакми? Мана бу қамчин билан гарданингга бир тушуриб қолмай!

Амир Алп-Арслон кулди, бу кекса кимса янада унинг гарданига тушириб қолмасин. У амир ҳазратлари эканини билса, юраги ёрилиб ўларди. Бу бир ақлсиз, тўнка одам-лигини фаҳмлаб, ишни бошқача қилди.

— Менга кўп гурунч керак,— деди амир,—қопи неча динор?

— Бу бошқа гап. Қопи ўттиз динор! Эҳтимол ҳаммасини оларсен?

— Оламен!

— Ҳа, ол!

— Неча қоп?

— Етти қоп...

— Араваси билан оламен? Сотурмисен?

— Майли, ол! Арава икки юз динор...

— Икки юз динорга янги арава беради-ку?

— Хоҳласанг шу!

— Аравани анави "улови" билан оламен!

— Майли, ол. Ўша "улов"нинг емишига чидармикансен?

У таомни хўп яхши ейди. Қулнинг баҳоси минг динор! Қани, қучинг етармикан?

— Етади!— деди амир белбоғидан тилло тангалар солинган чарм халтачани олиб, савдогар билан "бор-барака" қилди. Савдогарнинг кўзлари зогчаникидек чақчайиб кетди. Бир-бирларининг қўлларини уриб, олди-сотди гўё "муҳрланди." Чўққайиб ўтирган қул бу олди-соттидан ҳайрон бўлиб, қараб турарди. Амир Алп-Арслон чўққи соқол, тўнка савдогарга тилла тангаларни санаб бериб, қул йигитга мурожаат этди.

— Тур ўрнингдан!— у савдогардан кишан калитини олди,— қани кетдик!— у қул қўлидаги кишанни ечиб, мол бозоригача аравани тортиб боришни, от-улов сотиб олиб, аравага қўшажаклигини маълум қилди.

Бу воқеани кўриб, шоҳиди бўлган аҳли бозор ҳайрон бўлиб қолди. Баъзан улов ўрнига аравага қўл қўшиб келадиган ҳолларни кўрган кишилар бу бир одатий ҳол деб кўзлари ўрганиб кетган бўлса ҳам, лекин бу "харидорнинг" қилиғи гоятда ғайритабиий ҳайратомуз эди.

Улар мол бозоридан аравага қўшиладиган от сотиб олиб, ҳовлига жўнадилар. Қора йигит янги соҳиби Алп-Арслон сўзига кўра икки кишанни қопга солиб, гурунч тўла қоплар ёнига қўйди.

— Сен қул эмассен энди!— деди амир Алп-Арслон қора йигитга,— хоҳласанг бўшатиб юборамен, хоҳласанг менинг хонадонимда хизмат қиласен, мен сенга ҳақ тўлаймен...

— Соҳиб, менинг борадиган жойим йўқ, сиз адолатли соҳибга ҳаммавақт хизмат қилишга тайёрмен. Ҳар доим Аллоҳ сизга ёр бўлсин! Менга ақча ҳам керак эмас. Мени инсон деб билсангиз, шунинг ўзи кифоя!— деди ўнг қўли кўксига ярим яланғоч қул.— Сизни Аллоҳ қўлласин, мен ҳам Муҳаммадар Расулуллоҳнинг умматлариданмен...

— Сенга мен ҳарб ўргатамен. Сен Турон салтанати учун жуда зарурсен!

Қора йигит таъзим этиб, бош эгди.

Бу куни амир унга ўзининг ташқари ҳовлиси бурчагидаги бир ҳужрани кўрсатди.

— Ҳозирча мана шу ҳужрани тозалаб, бордону бўйраларни қоқиб, кўрпа-тўшак қилиб оласен, иним... Айтамен, хизматкорларим тайёрлаб берадилар. Эрта-индин шаҳар четига чиқиб кетамиз. Менинг минг нафар отлиғу пиёда навкарларим бор, улар ичида бўласен. Отда югуришни, пиёда ҳамла қилишни сенга ўргатурумен...

— Розимен,— деди барзанги қул бош эгиб. У рўпарасида турган кимса подшоҳдан кейинги буюк саркардалардан эканини оз-моз фаҳмлади. Бу саркарданинг ҳовлиси катта, бинолари кўркам, юраги ҳам покиза, одам-парварлигини ҳам сизди. "Иним" деганидан жуда хижолату хурсанд бўлди, ҳеч ким уни бунчалик эъозламаган, қандай қилиб, у катта мансабдор кимсанинг иниси бўлсин? Лекин ўзига яқин тутиб бу гапни айтганини ҳам фаҳмлади. Анави тўнка савдогар уни эшак ўрнида аравага қўшиб, бозорга олиб келгани қанчали пасткашлик эканини билсайди! Кучли зобитлар уни Нил бўйидан тутиб олиб

кетганларида икки яшар бола эканини билсайди! Гавдасининг дуркунлиги ўғирланишига сабаб бўлган эди. Эҳтимол, у ҳам тузук бир оиланинг фарзандидир, онасининг чирқираб қолганини кўз олдига келтирарди. У туркий тилда гаплашадиган бир бой хонадонидида хизмат қилиб ўсди, араб тилидан узоқ, туркий забон бўлиб вояга етди...

...Амир Алп-Арслон бу гаплардан подшоҳни огоҳ этди. Унинг ёшлиги қул ўтган, оёқ-қўлидан темир кишан аримаган, шу сабабли ҳам кишанлар мазлумлар танидаги бир аъзога айланиб кетган эди. Улар кишан тақмасалар яхши фикр қилолмайдилар ва ҳатто яхши ухлолмайдилар ҳам. Шу сабабли Муҳаммад Али ал-Мисрий темир кишанни доимо ўзи билан бирга олиб юрарди.

Бу воқеаларни амир подшоҳга ҳикоя қилиб берди. Подшоҳнинг оғзи очилиб, ёш амирнинг қилган ишидан мамнун бўлди.

VII боб

МУҲАББАТ ҚЎРҚУВ БИЛМАС...

Ҳамма замонларда ҳам сўз — олтин, сукут — гавҳар бўлган... Подшоҳга ёқаман деганлар бунга амал қилган.

Ҳамсуҳбати сўзларини диққат билан тинглаб, чуқур мушоҳада қилишга одатланган амир Музаффар-Тамғоч баланд бўйлик, ориқ, кўзлари ичига кирган, шоп мўйлаблик кимса. Асли бухоролик амирлар зотидан бўлиб, кўпроқ шаҳзода Йинол-тегин ҳазратларининг ишончини қозонганлиги туфайли лашкарда мингбоши. Хуросон жангида амир Алп-Арслон ёнида туриб, катта жасорат кўрсатгани учун иқтоъга муяссар бўлган. У эллик ёшларга бориб қолган, ринт табиатли, қисқа сўз, доимо салоҳ осиб, тантанавор юришни ёқтирарди. Кўплар бунга ўрганиб, ясениб юриши ҳам сезилмасди. Камсуханлиги, итоаткорлиги билан подшоҳ олдида ҳам эътибор топган. Гап инсон қиёфасида эмас. Лекин бу новча саркарда тўладан келган икки олий мансабдорни, яъни Абулжаъфар билан Али Аҳмад бин Катавозе ҳазратларини жини ёқтирмасди, бирлари ўша "Ноғорақорин", бирлари ўша индамай сузадиган "Каркидон" лақабли эдилар.

Ваъдага кўра чоршанба кун амир Алп-Арслон ўз тавачиси — ўз шахсий ҳимоячиси сардор Шодмонқул Додбек билан отда амир Музаффар-Тамғоч ҳазратларининг Гурганж қалъаси яқинидаги боғига кириб келишди.

Дарҳақиқат амир подшоҳ кийдирган зарбоб чопону кумуш нақшлар қадалган камар ва олий ҳазрат инъом этган кумуш сопли шамшир, бошда жиғадор бўрк... хуллас чинакам сипоҳсолар қиёфада гердайиб кириб келди. Бу, албатта амирнинг қисман ёш — гўрлиги бўлса, иккиламчи амир Музаффар мана шундай юришни ёқтириши сабаб бўлган эди. Амир ўз тавачиси билан отда катта дарбозадан ўтиб, кенг қўрғонга киргач, бунда тайёр турган ходимлар уни отдан туширишди. Сал нарироқда, олди гуллар билан ўралган пешайвонда турган амир Музаффар ҳам дарҳол ҳовлига тушиб, амир билан қўл беришиб, қучоқлашиб, кўкрак беришиб омонлашишди. Икки амир ҳам ясаниб, заррин либосу саркардалар бўрки, камарларида дандон сопли шамшир осишган эди. Улар тезда ичкарига кирмай, ёнма-ён юриб, боғни сайр этишди. Ер этаги — пастликда оқаётган сой томон йўл олишди, орқадан келган мулозимларни қайтариб юбориб, биз холи гаплашамиз, ишорасини қилишди. Ҳовлида шай бўлиб, хизмат қилаётган йигитлар тезда ичкарига кириб, қораларини кўрсатишмади. Гап асосан лашкарни ислоҳ этиш, сардорларни ўзгартириш, Боғдоду Дамашқдан қурол-яроғ, туркман элидан чопқир отлар сотиб олиш, шунга ўхшаган гаплар устида кетарди. Улар гужум дарахтлари, баланд ўсган соябон гуллар ора-лаб юришди. Худди шу лаҳза буралиб, муздек оқаётган Арно лабида оддий бўз либосда, оёқларини сувга солиб, ўт-ўланлар устида ўтирган бир-бирларига ҳазил-мутойиба гаплар айтаётган икки бўйи етган гўзал қизга кўзлари тушди. Бу амирнинг чўрилари, хизматкор ёш жувонлар бўлса керак деб хаёл қилиб амир Алп-Арслон бепарво ўтиб кетаётган эди, амир Музаффар тўсатдан уларга мурожаат этди:

— Қизим, ҳой, қизим! Бу зот амир ҳазратлари! Туриб салом бермайсанми!

— Ассалому алайкум!— оддий хизматкор чўри либосидаги балоғатга етган, кулиб турган хушчиroy қиз дарҳол ўрнидан туриб, эгилиб тантанавор кийинган ёш лашкарбоши амир Алп-Арслон ҳазратларига салом берди. Шу лаҳза ёқалари очиқ, оёқяланг иккинчи ёш гўзал ҳам шошмасдан, эркаланиб ўрнидан турди-да, икки амирга бош эгиб салом берди. Амир Алп-Арслон дарҳол жавоб қилдию иккинчи ёқавайрон қизга тикилиб, лол қотди. Унинг аъзойи бадани жимирлашиб, турган ерида боши айлангандек бўлди.

— Бу сизмисиз, маликам?

— "Малика" деб менинг баҳойимни оширманг, ҳазрат! Мен дугонамнинг дугонасимен... Деҳқон қизимен...

Одатдагидек унинг чап қоши учди. Унинг чиройли, қалам қошлари ханжарга айланиб, Алп юрагига санчилди. Шоҳсанам яна эркаланди.

— "Деҳқон қизи" бўлсангиз бўлаберинг, аммо оёқни совуқ сувдан олинг, шамоллайсиз! Ерда турибсиз, бу қанақаси!

— Қизим, бор, маликамизнинг оёқ кийимларини, либосларини олиб кел! Бир пиёла иссиқ чой келтирсинлар! Ёшлар шунақа-да, соғлиқни ўйлаш керак! Мен бориб айтай, амир ҳазратлари...— деди амир Музаффар халпиллаб шошиб юриб. У маликанинг бу ерга келиб қолганини билмаган эди. Қизига кўз ташлади. Кейин ота-бола ичкари ҳовли томон кетишди. Малика Шоҳсанам амир Музаффар қизига яширинча хизматкор аёлни юбориб, бу боғга келишини маълум қилган эди.

— Дам сочингизни яшириб улоққа кирсангиз, дам сарбозлар либосини кийиб, шамшир кўтарсангиз, дам бунда "деҳқон қизи" бўлиб, оёқяланг, ёқа очиқ, тупроққа беланиб ўтирсангиз, сиз қандақа маликасиз!? Шаҳзода ҳазратлари эшитсалар нима дейдилар!?

— Шаҳзода ҳазратларидан ҳам еманг, дугонамникига, амир Музаффар-Тамғоч ҳазратлари боғига борамен, деб рухсат сўраганмен! Биз рухсатсиз юролмаймиз... Дугонамнинг номи ҳам сизнинг муҳтарама онангиз номларида — Қутлугбека. Биз у билан жуда яқинмиз, бу боғга илгари ҳам келганмен, дугонам гўзал... Тушунтиролдимми, ҳазрат?

— Ҳа, тушунтиролдингиз.

— Амир ҳазратларининг қизларини кўрдингиз, гўзал ва ақиллик...шўх. Сизга ёқадими?

— Сизга-чи?

— Ёқади!

— Ёқса, ўйнайверинг... Менга сиз ёқасиз. Фақат сиз!

— Фақат!.. Фақат!.. Муғомбирликни қўйинг, маликам, мен сизни севамен!

— Ҳазрат! Мен шаҳзоданинг хасмимен... Бундай гапларни ўйлаб сўйланг! Мени унутинг...

— Тирик эканмен, унутмаймен! Фақат сизнинг билан тирикмен. Бу, қисмат... Аллоҳ бизни қўшмаган экан. Муҳаббатимни ҳам, борлигимни ҳам Аллоҳ ўзи яратди,

ўзи билиб турибди. Жазо берган Аллоҳ бир куни бандасини гуноҳидан ўтар...

— Бугун бу ерда қандай гап бўлади?— Шоҳсанам уни эътиборини бошқа ёққа бурди.— Амир ҳазратлари, ҳозир ота-бола келиб қолишади, тезроқ айтинг! Нега ясениб келдингиз? Меҳмон яхши либос билан кутиб олиниб, ақл билан кузатилади, дейдилар. Сиз, ҳазрат ҳам отдан йиқилгандай ясенибсиз?

— Маликам, мени бунда келишимни қаёқдан билдингиз? Бу, сир-ку!

— Менинг айғоқчиларим сизникидан яхшироқ ишлайди... Менга бу ерга келишингизни маълум қилдилар... Кўрдингизми, мен дилимни очиқ айтамен. Бошқа мақсадингиз ҳам бор... Дугонам ақиллик ва гўзал...

— Лашкарни ислоҳ этиб, янги қудратли қўшин тузмоқ, чет элдан қурол-яроғлар, от-аравалар сотиб олмақ... Мана шундай гапларни амир ҳазратлари билан маслаҳат қилмоқчимен...

— Фақат шуми?

— Шу!

— Қасам ичиб айтинг, амир!

— Қуръони каримга қасам ичиб айтаманки, шу ниятда келдим. Бошқа ниятим йўқ, агар бўлса...

— Бас!— деди малика Шоҳсанам андак қизариб, ўсал бўлгандай бўшашиб,— агар мақсад шу бўлса мен изтироб чекмаймен. Балким сиз ҳазрат билан фахр этамен... Қўшинни янгиламоқ, қуроллар олмақ бу гоятда муҳим тадбир!

— Яна бошқа нима бўлмоғи мумкин?

— Айтолмаймен...— деди Шоҳсанам боғ четидаги шийпон томон кўз ташлаб.

Шоҳсанамнинг оппоқ кўкси, фусункор қошу йирик чарос кўзлари, сарпойчан оёқлари, дудоқларига тикилиб, самарқандий ўймакор устундек гўдайиб турган амир бир қадам олдинга босган эди, Шоҳсанам орқага тисарилди:

— Амир, ўзингизни тутинг!

— Хўп.

— Мен эркакларнинг ишига аралашмаймен! Лашкарни ислоҳ этмоқ, "тўнка"ларни олиб ташлаб (Абулжаъфар билан бин Катавозе кўзда тутилмоқда) янги ниҳоллар экмоқ гоятда муҳим!— деди Шоҳсанам чиройли лабларини ўйнатиб. Унинг ёқимли овози амирга жон бағишларди.

— Маликам! Сиз эркаклар ишига аралашмаймен, дейсиз, барибир аралашасиз...— деди амир Шоҳсанам билаги-

дан ушлаб. Шоҳсанам жасоратли кимсани ёқтирарди.— Сарбозлар либосини киясиз, улоққа борасиз... Қиличбозлик қиласиз... "деҳқон қизи" бўлиб далада оёқяланг кезасиз, муздек сувда чўмиласиз...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а-а!..— бирдан чақнаб кулиб юборди шаддод Шоҳсанам. Унинг кулгисини айвондагилар эшитган бўлсалар эҳтимол. Бу суҳбатга халақит бермаслик ниятида амир Музаффар ҳам, қизи Қутлуғбека ҳам сув бўйига қайтиб келмадилар. Улар ҳамма нарсани сезишарди: Маликанинг Шаҳзода Сулаймоншоҳга кўнгилсизлигини ҳам эшитишган, иккиламчи "подшоҳнинг шаддод, эрка, ўз сўзли келини"ни ранжитмаслик, айни вақтда маликанинг бу хонадонга ташрифи уларни гоётда руҳини кўтариб, фахрлантирарди. Шу сабабли ҳам шариатга мос келмаса-да "ўз гуноҳларини" сезган ҳолда икки ёшни бир лаҳза ўз ҳолига қўйиб бердилар.

— Мен эркалар ишига аралашмаймен!.. Муҳтарам амир, бу сўнги сўзим!— у елка ташланиб, қадди-қомати ҳаракатланганида кўкси очилиб, нозик беллар буралиб, ўзини кўрсатгандай бўларди,— мен олтин қафасдаги қушмен... Шундай бўлишимни истайдилар! Аммо, бу қушга ҳам озгина эътибор керакми, йўқми?! Тилла тақинчоғу зебигардонлар, заррин либослар зилдек бўлиб, пешонамни эзди, бўйнимга осилган олтин занжиру бармоқларимдаги ёқуту гавҳарлар эзиб ташлади... Барчасини ечиб ташладим... Қаранг, қандай ҳузур!.. Сиз бўлсангиз, ҳурматли амир, устингизга бир ботмон юк ортибсиз... Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!

— Юк ортибдилар... денг, мен бечоранинг...— икковлари баробар яна кулиб юборишди. Амир ўз устидаги заррин тўн билан қиличига боқди, яна кулди:

— Тўғри айтасиз, маликам, бу юклар нега керак! Амир Музаффар ҳазратлари шундай "юк" билан ясаниб юришни хуш кўрадилар, шу сабабли фақат... Ҳеч кимса йўқ, кел, маликам, сени бир ўпай! Соғиндим... Раҳминг келсин...— Амир Шоҳсанамнинг қўлларидан тутмоқ бўлди, аммо у сув ёқалаб қочди. Амир қувлаб борди-ю, яна жойида тўхтаб, айвон томонга аланглади.

— Кап-катта амирлашкар қиличини осилтириб, мени қувиб юришига қаранг!—деди хохолаб, ҳеч кимдан ҳайиқмай Шоҳсанам. У "осилтириб" сўзига урғу бериб, тоза кулди. Подшоҳми, гадоми, сарбозми, саркардами, барибир инсон. "Олтин қафас" ичидаги Шоҳсанам учун ҳамма нарса муҳайё, лекин эрининг бепарвою безътибор-

лиги, ланжлиги, эркаклигининг суслиги... Шоҳсанамни аянч аҳволга солиб қўйган эди. Эрга тегсаю ҳалигача чинакам эр нималигини билмаса! Ғунча очилиб, гуллари тўкилаётган бўлса... Бундан ортиқ азоб борми! Шарм-ҳаё ёш маликани ўзининг совуқ панжалари билан бўғар, тун бўйи ухламай тўлганиб чиқарди... Юрак ноласини кимга айтади бу ғўзал! Ахир у ҳам инсон-ку! Агар унинг ҳислари ошкор бўлиб қолгудай бўлса уни "эрсак" деб ҳақорат қилишлари, миш-мишлар тарқатишлари ҳам аниқ. Сарой — мишмишлар кони... Айниқса Сарвиноз бекага қиёс этсалар, бундан даҳшатли нарса борми! Ҳеч бир кимса валиаҳд шаҳзода Сулаймоншоҳ хотинга ярамаслигини билмайди, бу гапни тилига чиқарган кимсанинг калласи кетиши аниқ. Шундай экан, нега уйланасан, дейдиган кимса йўқ. Дунёда, ахир уйланмай ўтаётган инсонлар бор-ку!.. "Агар отам ҳаёт бўлганларида мени бу кимсага узатмаган бўлардилар. Подшоҳнинг амри вожиби ҳам бўлмаган бўлур эрди..." дерди ўзига ўзи Шоҳсанам. Унинг алам билан йўғрилган ўткир ҳазилларига чидаб, амир бир нима дейишни билмай соқов бўлар, қиличи этик қўнжига урилиб, халақит берса ҳам барибир уни қувлар, Шоҳсанамнинг унга "раҳми келгандек" бўлиб, сада гуллар ортида атайи тўхтар, ёш, қайноқ қон амир келиб, энтикиб уни бағрига босар, лабларидан қайта-қайта ўпарди. Айвоннинг иккинчи қабатига чиқиб олган Қутлуғбека бу ҳолни кўрибоқ оғзи очилиб, қотди. Бутун вужуди титраб, қўрқиб кетди.

Наҳотки?!

Севишганлар ўлимдан ҳам қўрқмаслигига ишонди ва иймон келтирди. Амирга ҳам, Шоҳсанамга ҳам ҳаваси келди. Агар бу ҳолни шаҳзода кўрсалар, ҳатто эшитса, амир Алп-Арслоннинг боши жаллод қўлида экани аниқ! Шу сабабли тилини тишлади, отасига ҳам, онасига ҳам бир сўз демади, хаёл ила зинапоячалардан пастга тушиб, ичкари ҳовлига кириб кетди. Бошига қилич келса ҳам: "Мен ҳеч нарса ни кўрганим йўқ, мен ҳеч нарса ни билмай-мен! Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, демоқликни юрагига тугди.— Сўз— олтин, сукут— гавҳар!" деди ўзига ўзи Қутлуғбека.

— Нафақат қурол-яроғ сотиб олмоқ,— деди амир ўз қучоғидан чиққан "деҳқон қизи"— Шоҳсанамнинг нафис бармоқлари билан ёқут лабларини босиб, тўлқинланиб,

қўрқиб, ҳаяжондан энтикиб,— одамларни ҳам ўйлаш керак!

— Ўйлаймиз...— деди амир унча ўйламаган ҳолда. У ҳам ҳаяжонда, бутун вужуди жунбушга келганди. Кейин айвон томонга аланглади. Вужудидаги тукларгача тик туриб, ҳис-ҳаяжондан ўзини босолмасди.

— Бу хонадонда хоин йўқ, амир, қўрқманг!

— Қўрқиш йўқ!

— Аллоҳ мени кечирсин, гуноҳга ботаётирмиз...

— Ҳамма гуноҳ менда, маликам. Аллоҳ ғазабига учрасам, майли, дўзах оташида ёнсам, майли...

— Ҳазрат, сиз билан бирга ёнишга тайёрмен! Сизни бир кўрай деб, олтин қафасдан чиқиб, бунга учиб келдим... Мана, юрагимни очдим... Сир йўқ! Туронзаминда ҳеч бир мусулмон қиз бундай иш қилмайди, шариятимиз ҳам бунга йўл бермайди! На қилай, амир!

— Ҳамонки, сўз очдингиз, яна такрорлаймен, қочиш лозим! Амалу шаъну шавкатларни бу ёққа ташлаб, Шом мамлакатига қочамиз!!!

— Қочмоқ сизга номуносиб! Бу сўзни тилга олиш ҳам ярашмайди!

Амир Алп-Арслон бошини ерга эгди, сукут сақлади.

— Муҳтарам отам Маликшоҳ зоти поклари чекинишни, қочишни қаттиқ қоралардилар. Фақат тахту тожга, ҳукмдорга эмас, Туронзаминимизга садоқатли бўлмоқни таъкидлардилар. Ислоҳингизга яна бир ният киритинг: менинг отажонимнинг ёлғиз васиятлари парчаланган Туронзаминни бирлаштириш эди. Мустақил фикри йўқ, хотин олса ҳам қўғирчоқ ўйнаб юрадиган заиф инсонларга садоқат билан хизмат қилмоқнинг ўзи гуноҳ! Тушунаётир-сизми! Туронзаминга, улусга, авомга садоқатлик бўлмоқ лозим!

— Маликам, ҳақ сўзлайсиз. Туронзамин бирлашмоғи лозим! Аммо мен бирданига бундай катта қадам ташлаёлмаймен! Мен тожу тахт фидойисимен ва уни ҳамма вақт ҳимоя қилғум! Керак бўлса жонимни фидо этамен!

— Бўлмаса, ўша тожу тахтни қучоғлаб ётаберинг!— деди хохолаб.— Унга қўшиб валиаҳдингизни — шаҳзодангизни ҳам қучоғлаб ётаберинг!

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!— Улар икковлари яна баробар кулиб юборишди. Бу қаҳқаҳани айвондагилар эшитган бўлсалар керак. Бир муддатдан сўнг Шоҳсанам ичкарига, дугонаси Қутлугбека ёнига кириб кетди, амир бўлса сув бўйида

андак хаёл суриб туриб, кейин шоҳайвонга борди. Дастурхон устида кутиб ўтирган амир Музаффар-Тамғоч ҳазратлари билан ҳарбий масалаларни маслаҳатлаша бошлади.

Подшоҳ амир Алп-Арслонга Хуросон жангида матонату қаҳрамонлик кўрсатгани учун димишқий шамшир туҳфа этгани, кўп ўтмай уни лашкарбоши этиб тайинлагани ёш амирга қанот бағишлаб, шу кунлардан бошлаб юрагига ўрнашган мақсад — лашкарни ислоҳ этиб, қайтадан тузмоққа астойдил киришмоқ эди.

Амир бу ҳақда тезда Йинол-тегин ҳазратларига мурожаат этиб, ундан ҳам яхши маслаҳатлар олгач, аниқ режалар билан подшоҳ Олий ҳазратлари ёнига киришни мўлжаллади. Йигирма ёшида эри амир Насриддин шоҳ фожиасидан сўнг тул қолган онаизор — Қутлугбека асосан ўгли Алп-Арслонни боқиш, тарбия бериш билан банд бўлган эди, шу ёлғиз ўғил унинг бахту шодлиги, умиду орзуси бўлган. Гурлан қалъасига кўчиб келишгани, ёш амирнинг Хуросон жанглиридаги ғалабаси, подшоҳ ҳазратларини ишончи она юрагидаги аламни анча юмшатган. Фожиада куйиб, жизгинак бўлган Қутлугбека кейинги йилларда озгина тинчигандек, чунки ёлғиз ўғил тоғдек бўлиб шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари ҳимоясида салтанатга садоқат билан хизмат қиларди. Аммо ўглининг уйланмасдан юриши, ўртага тушган казо-казолар ҳам кўндиролмаётгани юрагига ғашлик соларди. У давлат ва ҳарбий ишлар билан банд, хаёлида лашкар салоҳиятини оширишдан бўлак ўзга фикр йўқдай кўрингани онани ташвишга соларди. Баъзан тонготарда машққа — Миод (ҳарбий машқ жойи)га шошилар, дарбозада икки отни эгарлаб, шай турган тавачи Шодмонқул Додбек билан от чоптириб гурсуллаб жўнаб қолишганини биларди, халос. Баъзан улуснинг барча вилоятларидан келган амирлар, беклар, юзбошилар билан Гурланда учрашиб, машқ бошланар, ўз жойларида маҳкам турардилар. Баъзилар ислоҳ ишига жазм этмоқлик буюк ҳимоячи шаҳзода Йинол-тегин ҳазратларидан чиқди, деб ўйларди. Йўқ, аслида бундай эмас, бу фикр жанубда кечган савашда, жангтоҳда амир юрагига тушган эди. Кўпгина сардорлар, айни вақтда амир Музаффар-Тамғоч, сардор Шодмонқул Додбек, ўнбоши Муҳаммад Али ал-Мисрий, сарбозлар: Бўтакўз, Қўтирбек

ва Чўтирбеклардан чиққан, деса тўғрироқ бўлади. Амирнинг ислоҳ ишига тез киришганини Йинол-тегин ҳазратлари нафақат маъқуллади, гоёта хурсанд бўлиб қувватлади: "Эски тос — эски ҳаммомни" янгилаш вақти етди, деди у. Қатъий туриб, бу фикрни маъқуллаб, ривож топишида гўзал малика Шоҳсанамнинг ҳам ҳиссаси бор, демоқлик жойиздир.

— "Ўткир тиг ўз қинини кесади...", — дебди вазири аъзам амирнинг подшоҳ ҳузурига киришига, катта иш бошлаётганидан ризо бўлмай. Бу гапни бошқача шаклда Абулжаъфар — "Ногорақорин", Али Аҳмад бин Катавозе жаноблари ҳам сасибди. Гап чиқмас "Каркидон"дан ҳам садо чиқибди: "Ҳамма жонзодлар боласи суйгунчик бўлади, катта бўлгач бири — бўри, бири — қўзи бўлади. Ҳали кўрамиз..." деди бин Катавозе. Лекин мансабидан бекор бўлиб, яқин орада бошқа катта мансаб кутаётган Абулжаъфар бин Катавозега заҳарханда қилди: "Ҳаммадан олдин қўндоққа чиқиб олибсиз, хўроз! Бу ишда шаҳзода Йинол-тегиннинг қўли бор!" деди. Лекин Абулжаъфарга "Каркидон" ҳазратларининг учирмаси ёқмади: "Ёш кетгач киши ширинсўз бўлмоғи лозим. Бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган кимсалар оз-моз ўйлаб гапирмоқликлари маъқул..." дебди қон босими кўтарилгани туфайли табиб чақириб, икки чаккасига зулук солдираётган Абулжаъфар. Бундан олдин қорик солиб, ҳаром қонини олдириб кўрган эди. Мансабдан бекор бўлиш яна дардини кучайтирди. Ҳеч бир инсон ўзидан кўрмас экан: "эски тос, эски ҳаммом..." бўлиб қолган қўшин подшоҳ Нўштегин Гарчоий замонидан қолган қурол-яроғлар, эгар-жабдуғлар, ўлжалар билан тўлган эди.

Норизолик шаҳзода Йинол-тегин қулоғига етди, у кескин бир фикр айтмай "Ҳар каллада ҳар хаёл, кал каллада минг хаёл..." деди. Ундан сўнг "Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам худо дейди..." деб қўшиб қўйди. Доно одамлар бу сўзнинг маъносига етиб олади...

Ийд ал-Адҳа — муборак қурбон ҳайити арафасида амир Алп-Арслон подшоҳ Ал-Малик Абу Музаффар Аълоиддин Жалолиддин — Отсиз ҳазрати олийлари қабулига кирди.

Икки юздан ортиқ одам сиғадиган ўймакор ганчин хона деворлари остидаги жойларга ёнма-ён, қатор ўтирадиган катта хонага йирик мансабдорлар Шайхулислом зоит поллари, амиру умаро, вазиру вузаро тўлган эди. Вазири аъзам ад-Давла ҳазратлари юқорида, тахтнинг сўл томо-

нида тик турарди. Ёнидаги шаҳзода Сулаймоншоҳга дамодам хушомад этарди. Ундан кейин қатор калла-салла қилиб, заррин либослар кийган мансабдорлар, саркардаю сардорлар қўл қовуштириб туришарди. Амир Алп-Арслон билан амир Музаффар ёнида тўладан келган бин Катавозе ҳам турарди. Амир қаерда турса ўша ерга "Каркидон" ҳам секин сурилиб келиб қолганини пайқамасди. Тахтнинг ўнг томонида Шайхулислом, бир неча уламолар, ҳарбийлар қўл қовуштириб турардилар.

Бир муддатдан сўнг тахт ёнидаги эшикдан қизғиш духоба либосда, бошда олтин тож — подшоҳ олий ҳазратлари кириб келди. Ўтирган Шайхулислом ўрнидан турди, турганлар ўзини ростлаб, қўл қовуштирдилар. Подшоҳ билан бирга кириб, ўнг томонга ўтган иниси — буюк шаҳзода Йинол-тегин тахт ёнида турди. Фотиҳадан сўнг подшоҳнинг секин овозда айтган бир неча сўзини тинглаб, орқасига тисарилиб, яна ўз жойига келди. Подшоҳга яна бир бор таъзим этиб, ўткир овозда мурожаат этди:

— Подшоҳи аълам! Оллоҳнинг ердаги ноиби! Улуғ зот! Муҳтарам вазиру вазаро, амиру умаролар! Биз кеча олам-паноҳ ҳузурида салтанатимизнинг бир неча садоқатли ар-боблари, буюк Подшоҳимиз, олампаноҳимиз амри ила бошланган катта ишни муҳокама этдик, олий ҳазратнинг фармони ила лашкарни яна кудратли этмоқ, қурол-яроғ ва оту аробалар сотиб олмоқ ҳамда саркардаю сардорларга кўпроқ ақча тўламоқни ва ўзга масалалар хусусида рухсатларини олдик. Шу хусусда янги лашкарбошимиз амир Алп-Арслон подшоҳимиз амрини маълум этадур!

Пастроқда, хонанинг оқ ганчин деворлари тагида тик турган амир ўртага чиқиб, тахтга яқин бориб, подшоҳга таъзим қилиб, сўнгра қоғоз очиб, олий ҳазрат номидан кетаётган "Ислоҳ режа"ни осойишта, босиқлик билан маълум этди.

— Подшоҳ ҳазрати олийлари! (Амирнинг бундай мурожаати подшоҳга ёқди. "Подшоҳи аълам", "Олампаноҳ"... иборалари асло қониқтирмаганини, бу "пўрсилдоқ" гапу хушомадлар зериктирганини Йинол-тегин ҳазратлари ҳам Шайхулислом зоти поклари ҳам анчадан буён сезиб юрардилар. Амирнинг тонг шабадасидек ёқимли, тиниқ мурожаати одамларга ёқди). Муҳтарам зотлар!

Лашкар ўн, юз, минг ва туманларга тақсимланади: уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва туман боши, яъни маликлар, амирлар сардорлик қилурлар. Подшоҳимиз мен-

га кафолат бериб, дедилар: олийҳиммат, жасур, мард, тадбирли-оқил ва ҳушёру саботли, ҳарб ишига жон-дилини бағишлаган истеъдодли саркардаларни — аслзодаларни жалб этмоқ даркор. Ҳар бир амиру бек ўз ноибига эга бўлади. Аллоҳнинг иродаси ила ҳар бир амиру бек дунёдан ўтса, унинг ноиби ўрнини эгаллайди. Муҳораба жараёнида олий ҳазрат лашкарбошига чексиз-кенг ҳуқуқ берадурлар. Қўрқоқ ва хоин сардорни ўша ернинг ўзида подшоҳ номидан ҳукм чиқариб, жазоланади! Сара сарбозларга от, қилич, ёй, дубулға, зарих, садоқ ва найза берилади. Айни вақтда улуснинг барча вилоятларидан, шунингдек тобе юртлардан қўшин тўпламоқ учун тунқал (махсус фармон) эълон қилинади. Бу тунқал тавачилар орқали жойларга тезда етказилади. Тунқалга биноан вилоят ҳокимлари, туман ёки қалъа беклари, қўрғон доруғолари тузган рўйхатга мувофиқ ўз навкарлари зарур от-улови, қурол-яроғи, озиқ-овқати, ем-хашаги билан белгилаб қўйилган тўпланиш жойи — миод ерига ўз вақтида кечикмай келмоқлари лозимдир! Ҳар бир суворийга битта ёй, ўттиз ўқ, бир садоқ, бир қалқон ва бир қўшимча от ажратилади. Юриш вақтида ҳар ўн сарбозга бир чодир, икки белкурак, бир чўқмол, бир ўроқ, бир арра, бир теша, бир болта, юз дона игна берилади. Баъзи сарбозларга ярим ман (ўн қадоқ) оғирлигидаги арқон, бир дона пишиқ тери ва битта қозон ҳам берилади. Ўнбошиларга икки от, совут, қоп, жуводиз ва чанач (тери халта) берилади. Юзбошининг алоҳида чодирни бўлади. Мингбошига чодирдан ташқари соябон, гурзи, ойболта ҳам берилади. Дубулға, совут, қилич, садоқ... каби қурол турлари ҳам унинг ихтиёрида бўлмай. Миод ерида олий қўмондоннинг боргоҳи тикилур ва у турли рангдаги туг ҳамда байроқлар билан безатилади. Белгиланган вақтда миодга етиб келган сарбозлар қатъий тартиб ва интизом ила ўз ўринларини эгаллаб, юриш олдида ўтказилажак ҳарбий кўрикка пухта тайёргарлик қилдурлар. Тажрибалик юзбошиларнинг киримчиқим дафтарлари бўлур, давлатдан маош-улуфа, озиқ-овқат, ем-хашак миқдори шу дафтарга битилур. От, туя, қўй... лашкар таъминоти учун ажратилади, Урдугоҳ — марказда лашкарбошининг саропардаси — чодирни атрофида қўшин билан бирга қассоблар, баковуллар, қовирилган ва пиширилган гўшт билан савдо қилувчилар, арпа ва мева сотувчилар, нонвойлар ҳам кўчиб юради. Бир қанча этикдўз ва ямоқчилар ҳам қўшин измида бўладур.

Қўшин ўз довули, ноғора, карнай ҳамда бурғу ва чорух каби нишонларга ҳам эга бўлғай. Олий ҳазрат иштирок этмаган муҳорабага бевосита лашкарбоши амирул умаро қўмондонлик қиладур. Минг кишилиқ суворийларга саркарда, уч минг отличлик фавжга биринчи амир сардорлик қиладур. Бошқа барча бегу амирлар лашкарбошига бўйсунадурлар. Мамлакат ёки юртни жанг билан эгаллаган амирга ўша ерлар маълум шарт ва имтиёзлар асосида бошқарилиши учун суюрғал тарзида иноят қилинадур. Суюрғал эгаси тўланиши зарур солиқлардан озод қилинғай. Жангу жадалларда шижоат кўрсатиб, душман гуруҳини қочиришга муяссар бўлгон саркарда қалъа доруғаси, баъзан вилоят ҳокими бўлмоғи ҳамда муҳорабада адув ҳашамлари устидан зафар қучган мингбоши вилоят волийси мансабига эга бўлур...

Муҳтарам олий ҳазрат!

Муҳтарам арбоблар!

Барча ишларимизда Оллоҳ ўзи ёр бўлсин, иншоолло, олий ҳазрат раҳнамолигида бутун Туронзаминни зафар туғи остида бирлаштиргаймиз!..

Сўзини тамомлаб, амир яна подшоҳга таъзим этиб, ўз жойига бориб турди. Подшоҳ билан шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари бир-бирлари билан кўз уруштириб олгач, подшоҳ тахтда ўтирган жойида босиқ овозда машваратга мурожаат этди:

— Амир ҳазратларининг саъйи-ҳаракатлари ила тузилгон бу ислоҳ режаси, иншоолло, лашкаримизни янада қудратли этажагига ишонамен. Амир ҳамда бу ердаги юксак даражадаги арбоблар билан маслаҳатлашдик, бу ислоҳни маъқуллаймен, қувватлаймен!

Подшоҳнинг гапини эшитган ад-Давла ва Абулжаъфарнинг ранги оқариб, оёқларидан дармон кетди. Амир Алп-Арслон бундан уч-тўрт кун аввал амир Музаффар-Тамғоч уйида ислоҳ режасини маслаҳатлашганини айғоқчилар орқали билиб, подшоҳ қулогига етказишган эди. "Мендан ҳам аввал кўрадурғонлар борми!" деб дарғазаб бўлмоқлигини кутганларнинг тарвузи қўлтиқдан тушди, подшоҳ иғвога учмай тантилиқ қилди. Подшоҳ сўзларига жон қулогини тутиб турган Йинол-тегин, амир Алп-Арслонга, амир Музаффар-Тамғочга жон кириб, юзларига қизиллик югурди. — Зудлик билан ишга киришилсин, хазинадан истаган миқдорда ақча берилсин. Бағдод ва димишқ шамширлари, туркман отлари сотиб олинсин! Буюк тадбиримизда Аллоҳ ёр бўлсин!— подшоҳ юзига фотиҳа тортди. Катта

хонадаги икки юзга яқин давлат кўрки — салтанат арбор-блари "Аллоҳу акбар!" деб подшоҳ билан баробар юзларига фотиҳа тортдилар.

VIII боб

ДОНИШМАНД ШАҲЗОДА ЙИНОЛ — ТЕГИН

Биркам юз ёшга борган Инончбека — Йинол-тегин ҳазратларининг оналари анчадан буён хаста ётарди. "Менинг учун кўп безовта бўлманглар, табибларни ҳам овора қилманглар, э, худойим, омонатингни ол", деганига ҳам қарамай Подшоҳ ҳазратлари ҳар ҳафта ўгай онасини бориб кўрар, Шому Чиндан келтирилган бебаҳо дориларни табиблар орқали муолажа эттирарди. Бу кампирга нисбатан бениҳоя меҳри бор, ёшлигида ўлиб кетган онаси ўрнида она эди, шоҳни шаҳзода билан бирга эмизган, катта қилган, уларни "кўкалдош" деса ҳам бўларди. Энг муҳими бу она ўз ўгли Йинол-тегинни иккинчи ўринга қўйиб, Ал-Малик Абу-Музаффар Аълоиддин Жалолиддин — От-сизни тахтга чиқишида хизмат қилган. Бошқа оға-иниларга нисбатан подшоҳ билан шаҳзода Йинол-тегиннинг аҳиллигида онанинг заковати катта эди. Кампир кичкинагина бўлиб қолган, жиккак бўлса ҳам подшоҳ унга баланд тоғларга тикилгандек меҳр билан боқарди.

Подшоҳ буюк она билан бир муддат мулоқотда бўлиб, уни чарчатиб қўймаслик учун укаси билан бирга катта оқ ганчин хонага чиқди. Тахтга ўхшатиб тайёрланган курсига ўтириш олдидан нақшинкор шипга осиглиқ бир қучоқ пахтага кўзи тушди. У укасига қаради:

— Бу нима?— подшоҳ яна ҳайратомуз осиглиқ оқ пахтага тикилди.

— Улуғ ҳазрат, бу осиб қўйилган оқ пахта...— деди шаҳзода Йинол-тегин оғасига табассум ила.

— Нечун уни шипга осиб қўйибсиз?— подшоҳ бошқа инилари, мансабдорларни "сен"лар, аммо ёлғиз Йинол-тегинни "сиз"ларди.

— Осиб қўйилганига бир ойча бўлди. Мана, бир ой ичида губорлар унга қўниб, оқ пахта қорайди...

— Шаҳзода ҳазратлари, бу сизнинг одатдагидек яна бир Афлотунона фалсафий ишингиз... Айтиб қўяёлинг, хўш, бу билан нима демоқчисиз?! Ҳазрат Маъмуншоҳ ўйлаб топмаган ишларни сиз қилурсиз? Қани,очиқроқ айтинг!

— Улуғ ҳазрат! Бу бир қучоқ пахта дарҳақиқат оппоқ эди. Пастдан кўтарилган чангу губорлар, ёрқин шамларнинг иси уни сарғайтирди, кир ва қоп-қора қилиб қўйди...

— Хўш?

— Лашкарбоши амир Алп-Арслон хусусида гап кўпайиб кетди. Бу баҳодир йигитни кўролмаётган ҳасадгўй кимсалар ҳар хил фитнаю фасодлар тарқатишмоқда... Уларга ишонмаслик лозим.

— Келинимга кўз олайтиргани ғийбатми ёки бошқа нарсами? Сиз шу гапга ишора этмоқдамисиз?

— Ғийбат! Фақат ғийбат!— деди шаҳзода Йинол-тегин.— Дарбозаи шаҳрро тавон баст, нотавон даҳони мухолифон баст,— дейди улус. Ҳа, шаҳар дарбозаларини ёпиб бўлади, аммо мухолифлар оғзини ёпиб бўлмайди. Бу гап Бухорои шарифда кенг тарқалган.

— Ҳеч ким шигда осиглиқ анави оқ пахтадай бўлмасин, амирни йўлга солинг, уйлансин.

— Маъқул, улуғ ҳазрат. Мен унга яқинда азиз амирзода, болам, сени уйлантириб қўямиз, дедим. Хазорасп бегининг гўзал қизини олиб берайлик деб айтдим... Ёки амир Музаффар-Тамғоч қизи... У рози бўлмади.

— Бу гапни амирга мен ҳам айтдим, лекин у ҳали уйланмаслигини айтди. Онаси Қутлугбекага ҳам айттирдик, аммо амир рози бўлмапти. Келиним Шоҳсанам бека билан ораларидаги бир-бирларига яқинлик чегарадан чиқиб кетаётганга ўхшайди. Хушторлик бошланган бўлмасин. Бу, ёмон! Ёшларга ишониб бўлмайди! Айғоқчилар қўйдим, улар ҳам бунга тасдиқламоқдалар. Анча-мунча хунук далиллар бор... Бу мени жуда нотинч қилмоқда. Икки ой муқаддам, улоқ пайтида Шоҳсанамнинг оломонга аралашиб кетгани, амирга ўз шижоатини тамонно этмоқчи бўлганини кўплар сезган...

— Улуғ ҳазрат, бу ёшлик гурури... Ёшлардан нималарни кутмайсиз! Биз ўзимиз ҳам отамизга ўзимизни кўрсатмоқ ниятида не-не ишлар қилганмиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг.

— Демак, сиз бу ишда жиддий гап йўқ, демоқчисиз?

— Ҳа.

— Сулаймоншоҳнинг ўзи ҳам латта! Наҳотки шу "тоғ кийиги"ни қўлга ололмаса! Жиянингизга ўзингиз насиҳат қилиб қўймайсизми?

— Улуғ ҳазрат, айтганларингизни бажо келтирамен. Гарчи оғир бўлса ҳам жияним Сулаймоншоҳга "гўзал хотинингизга ҳеч қачон бепарво бўлманг" дейман. Шаҳзода

мени ҳурмат қилади, ёмон хаёлларга бормас. Иншоолло, сўзимга қулоқ осиб, хотинини эвлаб олса, бизларнинг ҳам қулоғимиз тинч бўларди.

— Пахтани осиб қўйганингиз маъноси шуми?— подшоҳ яна шипга қаради.

— Ҳа, шундай, улуғ ҳазрат.

— Бу гаплар — иғво, фисқу фасод... Тўғрими?

— Тўғри! Қуруқ тухмат! Оппоқ пахтага чўкиб, уни қорайтираётган губор...

— Юрагимни аламдан қутқардингиз, иним. Гапингизга ишонамен. Сиз — Маъмун шоҳдек донишмандсиз! Сиз — Арастуйи замонсиз.

— Қуллуқ.

Шу куни подшоҳ ҳазратлари шаҳзода Йинол-тегин ҳовлисида мамнун чиқди, уни қасри олийга етгунча шаҳзода ва бир неча отлиқлар кузатиб бордилар.

Йўлда подшоҳ яна сўради:

— Шаҳзода, сиз Табриз юришида лашкарга саркарда этиб тайинланганингиз, ёнингизда фарзандимиз Сулаймоншоҳ бўлгани, қум ичида обдон чарчаган ёш шаҳзода Хазор денгизда кучли тўлқинга дуч келиб, қўрқиб, кўп оҳу надомат қилгани ёдимга тушди. Ушанда сиз яна бир афлотунона таъбир қўллаган эдингиз. Ёдингиздами?

— Ҳа, улуғ ҳазрат.

Ўша куни ал-Малик Абу Музаффар Аълоиддин-Отсиз ҳазрати олийларининг лашкари қанча манзилу мароҳилни тай этиб, Батиха (Орол денгизи шундай аталган) билан Хазор денгизи ёқасига етиб келди. Наса ва Обивард қальаларидан ўтиб, Астробод йўлини танламай Доҳистон қальасидан ўн чоғлиқ кемаларда Рей ва Табриз томон суздилар. Эрта билан сезилмаган тинч ва осуда Хазорда куннинг иккинчи ярмида шамол туриб кучли тўлқинлар бошланиб кетди. Эшакларни шиддат билан сувга уриб, кемалар мувозанатини сақлашга уринардилар. Кема тўнкарилиб, сарбозларнинг сувга ғарқ бўлиши шундай сезилиб турарди. Аввалги кемадаги дарға ҳам, иккинчи кемадаги шаҳзода Йинол-тегин одамларга далда бериб, бундай тўлқинлар бўлиб туришини, асло қўрқмай эшакларни бир маромда уриб, асло тўхтамасликни тайинларди. Аммо, шу лаҳза Йинол-тегин ёнида ўтирган иккинчи шаҳзода, валиаҳд Сулаймоншоҳ кема ичида чалқанча ётиб олиб, оҳ-воҳ урарди. Оғиздан оқ кўпик чиқариб, кўзлари ола-кула

бўлиб, гўлдирад, амакиси шаҳзода Йинол-тегинни сўкар, унинг оёқларига ёпишиб, тез орқага қайтишни буюрарди. Ора-чора, амакини ҳам, отани ҳам, бу "бевақт юриш бошлаганликлари" сабабли сўкарди. Йинол-тегин шунча насиҳат қилса ҳам, бошини тиззасига олиб, далда берса ҳам у баттар дод солиб, кўзларини ола-кула қиларди. Унинг ваҳима ичидаги талвасаси кемада тўлиб ўтирган бошқа навқару сарбозларга таъсир кўрсатиб, улар ҳам саросимада талвасага туша бошладилар. Шаҳзоданинг қўрқоқлиги, ўз жонини ўйлаб, номуносиб бақириқ-чақириқлари, рангининг оқариб, оғзидан оқ кўпик чиқараётганини кўрганлар сузишдан умид йўқлиги, ҳамма кемалар чўкиб кетажаги муқаррар эканини ўйлаб, Йинол-тегин сўзларига ҳам ишонмай қўйишди. Кўзлар ола-кула, кемалар чайқалар, шамолу тўлқин авжда. Шу лаҳза лашкарга бош бўлган шаҳзода Йинол-тегин ўз оёғи остида ётган Сулаймоншоҳни азод кўтариб олиб, барчанинг кўз олдида денгизга отиб юборди. Сулаймоншоҳ сув қаърига кириб кетиб, бир лаҳзадан сўнг юзага чиқиб, талваса қиларди. Сарбозлар ҳайрон, улар Йинол-тегинга қарашди. "Қўрқоқнинг жазоси шу!" деди лашкарбоши. "Унга қараманглар, чўкса чўкиб ўлсин!" Аммо шаҳзода Сулаймоншоҳ тўлқинлар ичида дам кириб, дам чиқиб, амакига "мени қутқариб олинг!" дегандек илтижо қиларди. Бошқа кемалардаги сарбозлар ҳам Сулаймоншоҳни саркарданинг ўзи сувга отганини кўришди. Ун чоғлиқ кема бир-бирларидан узоқ кетмай денгизда писта пўчоғидек чайқалиб сузишарди. Кемалар орасида сув ичида талваса қилаётган Сулаймоншоҳни энди ғарқ бўлиб кетади, ҳукм шундай бўлди деб, саркардани бешафқат эканини сезиб туришарди.

Орадан бир муддат ўтгач, ҳалокатдан батамом кетган Сулаймоншоҳни Йинол-тегин билан амир арқон ташлаб сувдан тортиб олишди. У амакиси ёнида кема четига суяниб ётди. Икки йигит Сулаймоншоҳни оёғини осмонга қилиб, ичига кирган сувни туширдилар. Бу пайт шамол андак пасайгандек, илгариги кучли тўлқинлар ҳам оз-моз чекингандек бўлди.

Ўзига келган шаҳзода Сулаймоншоҳ либосининг енгла-ри, шимларини сиқиб, этиklarини ўз оёғидан суғуриб олиб, сувини тўка бошлади. Амакисига қарашга юзи йўқ, ёнидаги сарбоз йигитга гап қотди: "Ҳеч, қўрқиш керак эмас экан, мана тўлқинлар ўтиб кетди!" деди ярим овозда. Орадан бироз вақт ўтгач шаҳзода Сулаймоншоҳ озгина тўлқин бўлса ёнидаги бошқа сарбозларга далда бера бошлади.

Кеч кириб, қоронғилик чўкди. Бепоеън сув... Денгиз устида мисбаркашдек ўн беш кунлик ой ярқирарди. Сув тинч эдию ора-чора майда тўлқинлар келиб, кемалар четига уриларди. Шаҳзода Сулаймоншоҳ кема ўртасида тик туриб, ўзининг дадиллигини кўрсатар, баъзан чарчаган сарбоз ўрнига ўтириб, қўлидан эшкакни олиб, шалоп-шалоп сувга урарди.

Олдинги кемага дарғо ёнига ўтиб олган Йинол-тегин ҳазратлари тик ёғочга осилган фонус ёруғида қибланомага, дам ойу юлдузларга тикилиб, кемаларнинг сузиш йўналишини аниқларди.

Барча кемалардаги сарбозлар Йинол-тегин ҳазратларининг қилган ишини айтиб, саркардага тасанно айтишарди. Шаҳзода Сулаймоншоҳ бўлса то қирғоққа етгунча дадил бўлиб, бошқаларга ҳам далда бериб борди. "Асло қўрқиш керак эмас, сув ҳам тупроқдек инсон силжиши учун зарур" дерди.

Шу ерда Йинол-тегин ўз ривоятини тўхтатди.

— Ҳурматли шаҳзода, сиз менга гаразли шогирд ҳақидаги гапни ҳам айтиб беринг,— деди подшоҳ Йинол-тегин ҳазратларига яна мурожаат этиб.

— Улуғ ҳазрат, жиянимга қарши кескин чора кўрганимга хафа бўлмадингиз, бу, Сизнинг заковатингиздан далолат...

— Иним, бу давлат иши! Мамлакат тақдири ҳал бўлаётган бир муддатда бизлар ўз фарзандаримизни ҳам аямаслигимиз лозим! Қани, бошланг!..

Йинол-тегин бир лаҳза фикр суриб, шоҳ сўраган ҳикоятни бошлади:

Ўтган замонда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий ҳазратлари кўп шогирдларни тарбия қилибдурлар, локин улар орасида устозни ўзлари танлаб оладурғонлари ҳам бўлар эркан. Ўз устозини ўзи танлаб олган ёшларни эшитиб, ёқаларини ушлаган эканлар.

Бир куни аслзодалар уруғидан — ёш толиби илм Ақлмирзо билан далада кетатуриб, чўпонлар қудуғи ичидан ёш боланинг носасини эшитиб қолиб, тезда қудуқ тепасига келибдилар. Маълум бўлишича, у бола қудуқ ичига уя қурган кабутар боласини оламан, деб тушиб кетган экан. Шу лаҳза ёғочга ўраб қўйилган арқонни, мешни олиб, ҳазрат ўз белларига боғлаб, бир учини шогирдга берибдурлар. Секин-аста қудуқ тубига тушиб, чўпон болани қучоқлаб олиб, юқорига — шогирдига қараб: "қани, арқонни тортинг," дебдурлар. Аммо, шогирд арқонни таш-

лаб, аллақачон кетиб қолган экан. Ҳазрат қудуқ тубида қолибди. Шогирди Ақлмирзо "устоздан оладиган билимни олдим, энди у керак эмас", деб кетиб юборибди. Ҳалима маҳкум этилганликларини тушунган устоз, нобоп шогирд ҳали барча ҳикмату илм сирларини ололмагани, ҳар бир устоз бирваракайига илмнинг барча сирларини очмаслигини, у нобакор билмас эканини фаҳмлабдилар. Абу Абдуллоҳ ибн Мусо ал Хоразмий ҳазратлари шу лаҳза ёнларидан катта бир рўмолни олиб, унинг тўрт бурчагини тугиб, ичига тушиб, қўлларида гўдак, Аллоҳга ёлбориб, афсун ўқибдилар. Шу лаҳзада рўмол ҳазрат билан гўдакни кўтариб, қудуқ тепасига олиб чиқибди. Гўдак бола ўз ота-оналари томон югурибди, ҳазрат бўлса ўз уйларига кетибдурлар...

Устозим қудуқ ичида қолиб, ўлиб кетди, деган шогирд эртасига яна устоз ҳовлисига келиб, шогирдлар ичига кирган экан, бунда сабоқ бераётган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ҳазратларига кўзи тушиб, ҳангу манг бўлиб қолибди. У таъзим қилиб, салом берган экан: "Саломинг ижобат бўлмайди! Жазонинг Аллоҳ берсин!" деб ҳайдаб юборган эканлар...

— Офарин!— деди подшоҳ,— беақл Мирзолар кўпайиб кетмоқда. Азиз иним, энди менга Тариқаи Ақл афсонасини ҳам айтиб беринг!

— Хўб бўлади,— деб таъзим қилди Йинол-тегин:

— Ровий андоқ ривоят қилибдурки, бурунги замонда, Туронзаминда Тариқаи Ақл отлиқ пурҳикмат донишманд ўтган экан,— деб ҳикоясини бошлади у.— У кашф этган малҳам барча дардга даво бўлибди. Бир қошиқ дори ичиб, инсон сув бўлиб, эриб тушаркан, шундан сўнг қирқ кун давомида пахтага эриб тушган инсон жисми устидан яна ўша дорини томизмоқ даркор экан. Чин мамлақати тиббиёт донишмандлари олдида ўз кашфиётини кўрсатиб, шогирдига тайинладбики, "эй, шогирдим, мен эриб, бир қошиқ сув бўламен, сен қирқ кун давомида эриб тушган жисмим устига ҳар куни бир томчи дори қуясан," дебди. Шогирди устозига ўз садоқатини кўрсатажанин маълум қилибди. Улуғ табиб Чин мамлақатидан келган донишмандлар олдида бир қошиқ доридан ичиб, сув бўлиб, пахта устига тўкилибди. Шундан сўнг шогирд қирқ кун томизибди, устоз яна одам қиёфасига кирибди. Аммо қирқ бирига қолганда шогирдни шайтон васвасага солиб, "у менга қаттиқ танбехлар берган... Дилимни оғритган..." деб, қирқ биринчисини томизмабди.

Неча йиллар ўтиб, шогирд ҳам қариб, дунёдан ўтибди, аммо донишманд ҳамон шогирдига мурожаат этиб: "Яна битта томиз! Яна битта қуй! Яна битта қуй!" деб ётар экан. У қиёматгача ўша нобоб шогирдига мурожаат этиб, "яна битта қуй", деб ётаркан.— Чунки сирли дори фақат унинг қўлида қолган экан...

— Э, Аллоҳим, ўзингта шукр, ёлғиз ўзингта сигинамен! Гуноҳларимизни кечир,— деди подшоҳ,— бизларни яна битта қуй!" деб то қиёматгача илҳақ этадурғон ўшандай шогирдлардан ўз паноҳингга асра! Аллоҳу акбар!— деди юзига фотиҳа тортиб.

Шаҳзода Йинол-тегин маслаҳати билан келинпошша Шоҳсанам подшоҳ истиқболига эрталабки саломга кириб келди: шамоллаб, иссиғи чиқиб ётган валиаҳд Сулаймоншоҳ номидан подшоҳни қутлаб, бош эгиб, салом берди. Наинки келинлар, баъзи шаҳзодаларнинг эрта билан туриши, бу заҳмат иш бўлиб, вақтида туролмай, кўзларини уқалаб, вақтида юзларини юволмай, этикларини киёлмай, камзулларини тополмай, диққат бўлиб тайёрлашарди. Аммо келишган Шоҳсанам вақтида юз-қўлини ювиб, либосларини иқлимга мослаб кийиб, шаҳзодадан аввал ташқарига чиқиб шай турарди.

Жума кунлари номози бомдодни Суюкхотун ёнида ўқиб, улуғ маликани ғоятда хурсанд қилди. Булар кўп вақт ота ўрнида ота Йинол-тегин ҳазратлари ва унинг хотини Фотима бека маслаҳати билан бўларди. Ёш келиндаги бу фавқулудда идроку ғайратни, бошқаларни лол қолдирувчи интизомни кўрган подшоҳ ҳам, улуғ малика ҳам таажжубга тушишарди. Туронзамин фарзандлари ғоятда лаёқатли эканини дилларидан ўтказардилар. Айниқса кунчиқишдаги Шош қалъасини фуқаролари ҳунарманд, ҳунарманду заковатли эканини билардилар. Подшоҳ зукко ва ҳозиржавоб кимсаларни хуш кўрар, сур ва тепсатебранмас мансабдорларни ақли қисқа, деб ёқтирмасди. Подшоҳнинг келинига нисбатан меҳру муҳаббати юз чандон ошган. Ёш келиннинг бошида рўмол, саройнинг ички ганчин хонасида қип-қизил гиламлар узра қадам ташлаб, тахти олий томон келаётгани подшоҳнинг чеҳрасини очиб юборарди. Ёш келин тахтга яқин келиб, салом берар ва шу лаҳза орқаси билан юриб, ташқарига чиқиб кетарди. Келиндаги идроку дадиллик, интизом, подшоҳ дилидаги баъзи ғаму андуҳларни бир лаҳза бўлса-да тарқатиб, фикрида офтоб чарақлагандай бўларди.

Подшоҳ ҳамма келинлардан, маликалардан аввал келган Шоҳсанамни навозиш этиб, "кўп яшанг" деб қўйди.

Шундай кайфи чоғ дамларда подшоҳ ҳазратлари кўп масалаларни яхши ҳал этиб, вазиру вузаро, амиру умароларни шод этардилар...

IX боб

"КАРКИДОН"

Манглайи тор, бўйни йўқ, гўладан келган Али Аҳмад бин Катавозе жанобларининг лақаби "Каркидон" эди. У жини ёқтирмайдиган кимсаларни "сузар", уларга нисбатан юрагида қаттиқ кин сақларди. Бир-биридан узоқ, чаккасига яқин кўзлари доимо қонталашгандай қизғиш. Ўзи ёқимсиз, совуқ кимса бўлса ҳам наслу насаби асилзодалардан бўлганлиги сабабли подшоҳ ҳазратлари уни анча йилдан буён юқори мансабда тутиб турарди, "либосим ичра бурга у..." деб кулиб қўяқоларди. Унинг дўлоб, дағал кимсалиги подшоҳни хотиржам этар, кўп вақт тожу тахт душманлари, ёмон фисқу фасот тарқатувчилар, жосуслар рангпар, ориқ, сертакаллуф, хушомадгўй кимсалардан чиққани сабабли бу "Каркидон"нинг кўриниши хунук бўлгани билан салтанат хавфсизлигига алоқаси йўқ, тўрсайиб юраберади, деб ўйлардилар. Дарҳақиқат у камгап, баъзан салтанат учун жон чеккандай бўларди ҳам.

Бошқалар қатори у ҳам музаффариятга етиб келиб, голиблар қаторидан жой олди.

Музаффарият... Тантанавор кунлар... Подшоҳ давлат арбобларидан бир неча кишининг мансаб даражасини юқори кўтариб, баъзиларни иқтоъ билан шарафлади. Улар орасида ўлгудай совуққон: ўзини хасталикка солиб, муҳорабаларда сурғилиб четда қоладиган, аслида доғулию такаббур Али Аҳмад бин Катавозе жаноблари ҳам бор эди. Барча ҳайрон... Бу одам учун давлат тепасида Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийлари турадими, салжуқийлар султони Абумалик Санжар турадими, Миср халифаси Носир ҳазрати олийлари турадими ёки қорахитойлар подшоҳи Ғаюрхон турадими, барибир. У ғоятда писмиғу айни вақтда хушомадгўй бўлгани билан барибир шаҳарда Йинол-тегинни, амирни шартта сўзлиги, мамлакат ишига жон фидо бўлишликлари сабабли ёқтир-

мас, кўрарга кўзи йўқ. Баъзан ўлимтикка ўхшаб кун бўйи ағанаб ётарди... Шаҳзода Йинол-тегину амир Алп-Арслон билан истар-истамас саломлашар, ёш амир негадир шу одамнинг совуқ хатти-ҳаракатларини кузатар, айни вақтда Али Аҳмад бин Катавозе жаноблари ҳам уларни зимдан кузатарди. Гадо душмани гадо... Уч олий мансабдор кўринишда бир-бирлари билан иноқдай бўлганлари билан ичдан — ботинан бир-бирларини ғажирдилар.

— Ассалому алайкўм, шаҳзода ҳазратлари!— деди бин Катавозе жаноблари бир куни чўққи соқол, ориқ ва новча Йинол-тегинга қўли кўксиди салом бериб, аммо ичида: "кучала еган итга ўхшамай ўл!" дегандай бўларди.

— Ва алайкум ассалом, жаноб!— деди шаҳзода ғўладан келган, катта бурни устида ўткир шоҳи бюр "Каркидон"га бош ирғаб. Лекин ичдан: "Аллоҳ ўзи мени кечирсину башарангга қарашга тоқатим йўқ! Сен "Каркидон" эмас, тўнғизсен!"— дегандай бўларди.

Амир Алп-Арслон икки арбоб дилида мана шундай сўзлар кечаётганини фаҳмлаб турарди.

— Подшоҳ ҳазратлари мана шу кимсага ҳам иқтоъ бердилар,— деди амирга шаҳзода Йинол-тегин,— мансабдор шахсларни, айниқса сардору саркардаларни Катавозега берилган бу мукофот гоятда дарғазаб этди. Гап иқтоънинг баҳоси юқорилигида эмас, шунга ўхшаганларнинг кўпайиб кетишида! От топади, эшак ейди, деб шуни айтадиларда,— деди шаҳзода.

Бундай гаплар ва норизоликлардан хабар топган подшоҳ бу иш атайин қилинганлигини сир тутиб, бошқачароқ тарзда сарой аъёнларига маълум этди. Амир Музаффар-Тамғоч, сардор Шодмонқул Додбек ҳамда жарроҳ ва табиблар Шамсиддин Эл-тузмиш ила Шаҳобиддин Масъуд ва бошқа казо-казолар ҳам бу ишдан хурсанд бўлишгани йўқ. Бу, кину ҳасад йўлига ўтиш бўлмасин, алалхусус ичи қоралик — кину ҳасад шайтоннинг иши деб тезда бу ҳақдаги мишмишларга барҳам беришди. "Каркидон"нинг бир иши Аллоҳга ёқардирки, иқтоъга мушарраф этилди.

— Бу сиёсат. Тушуниш керак,— деди подшоҳ ҳазратлари кичик машваратда андак тутоқиб,— биз амир бин Катавозе жанобларини яхши биламиз, ўлик бўлиб ўлик эмаслар, тирик бўлиб тирик эмаслар... Иш қисталанг бўлиб, югур-югур бошланса бетоб бўлиб, ётиб қоладилар, офтоб чарақлаганда зиёфатларга ҳаммадан аввал бедана юриш қиладилар. Ўзлари Каркидон бўлсалар ҳам... Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а, хушомаднинг пийри... Қайси бир шоир бу жаноб-

ни ўн беш кунлик ойга қиёс этиб, иситиб иситмайдилар, ёритиб ёритмайдилар, дебди. Хўб айтибди. Менга бу жанобнинг балиқдек овоз чиқармай жим туриши ёқади. Аммо, биз, салтанатга тил текказмай жим юрган ўлимтикларни биринчи галда тақдирлашимиз лозим. Чунки, бошқа, оғзи билан юрадиганлар ибрат олсун! Яъни жим юрсунлар! Бизга шу керак! Мен сайроқиларни хуш кўрмаймен! Яна бунинг устига бин Катавозе жаноблари Марв билан алоқа тутадурлар... Бизда маълумотлар бор!.. Бунинг устига иним Йўсуфшоҳ билан борди-келдиси авж олган, инимни деярлик ўз қўлида тарбиялади. Пишиқчилик ойларида Пойкандга кетиб қолди. Бу унинг ихтиёри, биз бир нима демаймиз. Агар кўнгли салтанатга нисбатан иккиланаётган бўлса, шу иқтоъ билан ўзимизга садоқатли этиб оламиз. Бу бир тадбир... Ёдингизда бўлса керак, шоир Бағриқоний гоҳ Уғуз элига, гоҳ Марвга кетиб, норизо бўлиб юрди. Мавлоно Рашидуддин Ватвот ҳазратлари маслаҳати ила уни ҳам иқтоъга сазовор этдик. У тезда Гурганжга қайтиб келди, мана, Доруссалтана ёнида, бағримизда! Эртадан кечгача салтанатимни таъриф-тавсиф этиб газалу маснавий ёзади, ўз садоқатини изҳор этади, ўла-ўлгунча фидойи салтанат... Бизга шу керак! У, доимо Рашидуддин ҳазратлари ёнида ва ўзи Девон тузмоқда...

Подшоҳ ҳазратлари бу кеча "ўнг ёнлари" билан уйқудан турдиларми, шаҳзода Йинол-тегин, вазири аъзам ад-Давла, амир Алп-Арслон ва бошқалар билан ҳам машваратдан сўнг очилиб, сочилиб гаплашдилар. Абулжаъфар ҳазратларига муносиб бир лавозим топишни ҳам айтдилар... Бу гапнинг келишига сабаб унинг гўзал "мўрча-миён",— чикка бел хотини Сарвиноз эди. Ўйланиб, хаёл суриб қолдилар. "Узумнинг яхшисини ит ейди," дедилар хаёлан. Кунлардан бир куни буюк малика ёнидан чиқиб келаётган у санамга кўзлари тушиб қолган эди. Сарвиноз бека дарҳол подшоҳга салом бериб, ҳарир кўйлакда ўз қадду қоматини бир кўрсатиб ўтган эди... Жиддий масалалар қолиб, подшоҳ хаёлини Сарвиноз бека олди...

Тор доираларда ўз оғоси подшоҳга баъзан ҳазил-мутоиба гап айтишга ҳадди сиғадиган шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари шундай асноларда: "Пишт! Ҳўқ-ҳўқ!" деб юбордилар. Подшоҳ сесканиб ўзига келиб, жилмайиб, инисига боқарди:

- Бир нима демоқчимисиз, шаҳзода?
- Бир қошиқ қонимдан кечсангиз...

— Кечдим, ...айтинг!— Хаёлим бошқа ёққа кетганини бу "полвон" қаёқдан билди экан, деди ўзига ўзи. У кулимсираб, бир гувраниб ҳам қўйди.

— Эски ривоятларда айтилишича, ҳазрати Умар билан ҳазрати Абубакр Сиддиқ масжидда намоз чоғида халифа пинакка кетибдилар. Шу чоғ Умар ҳазратлари: "Кишткишт! Ҳўқ-ҳўқ"деб юборган эканлар. Абубакр Сиддиқ дарҳол ўзларига келиб, ёнларидаги Умарга: "нега бундоқ дедингиз?" деб сўрабдилар. Ҳазрати Умар айтибдиларки, эй, халифа, намозга келаётганингизда хотинингиз сигирни соғмоқчи эди, сиз бузоқ ечилиб, онасини эмиб қўйдимикан ёки уни ўз қозигига боғлаб қўйганмидим, деб, хаёлингиз бузоққа кетди. Мен бузоқни "ҳўқ-ҳўқ!" деб ҳайдадим,— дебдилар. Абубакр Сиддиқ ўз дўстларига: — ҳа, хаёлим дарҳақиқат бузоқда эди,— деб, жавоб қилибдилар. Шу лаҳза халифа бошларини эгиб, тавба қилдим, деб Аллоҳга ёлборган эканлар... Аллоҳнинг уйида бузоқни ўйламоқлигим мутлақо носазо, деган эканлар.

— Офарин, шаҳзода!— деди подшоҳ,— мен ҳам Доруссалтанада ўтириб, пинакка кетиб, "бузоқ"ни ўйлаётган эдим... Э, танграм, гуноҳимни кечир!

Тўрт буюк арбоб бирдан кулиб юборишди.

Ёш амир подшоҳ олдида ва бу икки арбоб — салтанат устунлари олдида гапдан ўзини тийиб, анча торгиниб турарди. Шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари ўзини бу жасоратли йигитга яқин тутар, унинг жанг майдонидаги мардлигу матонатига тасанно айтиб, мамлакатга садоқатни ёш амирдан ўрганинглари деган эди.

Кулки-кулки билан, ҳазил-ҳазил билан... лекин энг ёмони шу бўлдики, гапириб ифво қилмай, жим юрадиган "Каркидон"нинг "миси чиқиб", подшоҳ салтанатига қарши зимдан иш кўраётгани сезилиб қолди. Амир Музаффар-Тамғочга қарашли айғоқчилар "Каркидон"нинг баъзи хатти-ҳаракатларидан воқиф бўлибдилар. Бир қарашда ҳеч нарса билан иши йўқдек кўринган бу "сузоғич"нинг кўзга кўринмас қилиқлари ҳам борлиги Ҳазрати олийларига етиб келди. Он ҳазрат иқтоъ учун кейинчалик тилини тишлаб қолди. Бизга қарши бўлиб, юраги Марв томонда эканига сабаб нима? Жанобга нима етмаётир? Биз унга нима ёмонлик қилдик, деди изтироб чекиб Олий ҳазрат. Бошинг бошим билан, орқанг Ҳошим билан... бўлиб чиқмоқда-ку! Бин Катавозе сатранждаги "асп ўйинини" қилиб, руҳ ва филни уриб олмоқчи бўлмоқда. "Руҳ" билан "фил" кетгач, шоҳнинг аҳволи гоятда танг бўлишини яхши биларди. Шу

сабабли ҳам "Каркидон" ўз тумшуги устидаги ўткир шохини фил ва руҳлар кўксига уришга чоғланарди: у яна Пойканд жўнаб, шаҳзода Йўсуфшоҳни ишга солиб, оғасига яширин нома йўллаттирди. Қаллоблик ила битилган нома бундоқ эди:

"Муҳтарам Подшоҳ Ҳазрати Олийлари!

Етиб маълум бўлғайким, мен — инингиз Йўсуфшоҳ, доимо Сиз улуг ҳазратга Аллоҳдан сиҳат-саломатлик, давлатинигизга пойдорлик, лашкарингизга музаффарият, туғимизга барқарорлик тилаймен. Давлатингиз ҳамда хонадонингиз тинч, шоду хуррам бўлсун... Аммо, тахти олий атрофида, Доруссалтана оғушида баъзи бадкирдор кимсалар, улар айни замонда юксак мансаб эгалари бўлиб, Сиз ҳазрати олийларининг покдомон ва адолатли инсонларни салтанат номидан таъқиб этаётганликлари сабабли ушбу номани ёзишга қарор қилдим. Аларнинг қилмишлари наинки Гурганж, ҳатто Туронзаминнинг бошқа қалъаларига ҳам етиб боргон... Аларнинг номларини очиқ айтамен, бошимга қилич келса ҳам Йўсуфшоҳ сўзумдан қайтмаймен! Алар: Шош қалъасида таваллуд топғон ёш амир Алп-Арслон ва яна сардор Шодмонқул Додбек, амир Музаффар-Тамғоч ва бошқалар. Аларнинг томири лашкар ичида... Оғам шаҳзода Йинол-тегин аларни ўз ҳимоясига олмақда... Аммо энг бадкирдори амир Алп-Арслондир! Бу малъун келинимиз Шоҳсанам бека бирлан ахлоқан бузуқчилик қилиб, пинҳоний ошуқ-мошуқ бўлиб юришмоқда. Жияним— валеаҳд шаҳзода Сулаймоншоҳ завжасини йўлдан оздириб, бу каби... кечирилмас гуноҳлари салтанатга доғ туширади, уни Аллоҳим кечирмайди! Аларни Доруссалтанадан, тахту тож атрофидан ҳайдамоқ даркор ва валеаҳд Сулаймоншоҳ хонадонини пок сақламоқ Сиз, Олий ҳазрат зиммангизда экани барчамизга аёндыр. Магар бундай бузуқчиликлар, шариятга зид келадурғон номақбул ишлар давом этаверса Гурганж устига қўшин тортмоққа ҳақлимен! Аллоҳга қасамёд қилиб айтаменки, Сиз олий ҳазратдан баъзи гуноҳларимни кечиринингизни сўраймен. Пойканд сизга тобеъдыр, Пойканд сизнинг пойингизда! Бир ота боласи — оғо-ини сифатида ҳамда саланатга садоқатим илгаригидан ортиқдыр. Жиянимга ҳам, хонадонингизга ҳам содиқдурмен. Шаҳзода Йинал-тегин билан бир қориндан тушмаган бўлсак ҳам, у ҳазратга ҳам садоқатим илгаригидай. Аммо, ахлоқсиз амирнинг душманман! У ҳаром шахсни йўқотмагунингизча тинчимаймен! Улуг султон Санжар ҳазрати олийлари билан ҳам алоқани яхшиламоқ

эрсангиз, амирни йўқотмоқ даркор! Аллоҳга қасамёд айтиб, сизга маълум этаменки, мени қонли юришга у малъун ундамоқда! Айғоқчилар қўйинг, келинингиз билан алоқасини биласиз...

Шаҳзода Йўсуфшоҳ, муҳр босдим. Рабиуссоний 22 кунини".

Илгари ҳам шаҳзода Йўсуфшоҳнинг бундай "нома"лари подшоҳ қўлига теккани, бундай фитналар нечун бўлаётганига ҳайрон бўлиб, подшоҳ ҳам, улуг малика ҳам таассуф билдиришган эди... Улуг малика Йўсуфшоҳнинг қинғир ишларга қўл уриши — қонининг бузуқлиги, тарсо қизидан бўлганлигини сабаб қилиб кўрсатса, олий ҳазрат "бу ишларда Марв ҳукмдорларининг қўли борлиги"ни қайд этарди. У ҳам, бу ҳам ҳақиқатга яқин, аммо бу ёвуз ишларга туртки бериб, "йўлга солаётган" "Каркидон" эканини мутлақо сезмасдилар. Иғвою фитначиларнинг юзи заҳил, ўзи симён бўлади. Қоронғуда кўзга кўринмай, баъзан кўршапалакдай горлар ичида учадилар, баъзан бойқушдай кўзини чақчайтириб, тунда ўз ўлжасига ҳужум қилади, деб ўйларди. Доруссалтанада ҳеч ким "кундузи офтобда тупроққа ағанаб ётадиган", териси қалин, хўппоз "Каркидон"дан шубҳа қилмасди.

— Улусда биз ҳокиммиз, аммо дашту биебонда на шеру йўлбарс ҳоким!— деди Йўсуфшоҳнинг номасини ўқиб, таъби тирриқ, ўзини кўярга жой тополмай тахтда ўтирган подшоҳга шаҳзода Йинол-тегин, — Каркидонга рўбарў келиб бўлмайди, бўйнидаги ўткир шоҳи билан шеру қоплонларнинг кўксини тешиб, ўлдиради. Ёнидан, орқасидан келиб тишлаб бўлмайди, чунки қабат-қабат териси зирҳга айланиб кетган. Бу жонзодни от ўрнида миниб бўлмайди, чунки дарҳол ботқоққа элтиб ағанатади... "Каркидон"га мансаб ҳам бериб бўлмайди, ҳаммаёқни булғайди... Э, парвардигорим, бўрику сиртлонга, қоплону илонга талатсанг талат, аммо "Каркидон"дан ўзинг асра!

Подшоҳнинг фикри ёришиб, бу ишлар қаёқдан чиқаётганини фаҳмлади, иниси шаҳзода Йинол-тегинга тикилиб туриб бошини сарак-сарак қилди.

Х БОБ

ПАҲЛАВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Хоразмшоҳ-Отсиз ҳазрати олийларининг музаффар қўшини кўп вақт Гурганжнинг шарқи шаймолида, Аёзқалъа

харобалари яқинидаги кенгликда — буюк Ануштегин Гарчойи замонидан қолган кўҳна майдонда ҳарбий машқлар ўтказарди. Бунда эрта тонгдан ноғораларнинг кучли тактуми, пурвиқор карнайларнинг олис қалъаларга етгувчи га-а-ат, го-о-о-т ўкириши, отларнинг сўлиқ узиб кишнаши, дукур-дукур юришлари атроф-жонибни ларзага солиб, жунбишга келтирарди. Шу атрофдаги қишлоқлар ҳам бу "қонсиз жанг" дабдабасидан чўчимай, кўпдан кўникиб қолган эдилар. Ҳарбий машқ икки-уч ойда бир маротаба бўлиб, уч кунга чўзилар, қора соқол, қадду қомати пурвиқор подшоҳ ҳазратларининг шахсан ўзлари ҳам баланд дўнгликда. Қарчиғай лақабли қорабайир отида туриб, машқни кузатарди. Отларга, навкарларга дам бериш чоғида ҳазрат тепасига туғ ўрнатилган ола чодирига кириб, саркардаларни ёнига чорлар, нозу неъматлар тўла дастурхонга таклиф этар, навозиш кўрсатиб, "жангда" матонат кўрсатганларга инъомлар ҳадя этарди.

Лекин бу гал қўрқинчи Марвдан, султон саройидан Гурганжга ноиб келиши олий ҳазратнинг ҳарбий машқни кузатиб, бунда уч кун бўлишлигига йўл бермади. Очқироғи, шоҳ бу ҳарбий машқни султон ноибдан сир тутди. Машқ майдонига шаҳзодалардан Сулаймоншоҳ, Отликшоҳ ҳамда вазири аълам Ад-Давла ўз кишилари билан келишди. Улар сафида саркарда Абулжаъфар, амир Алп-Арслон ва яна бир неча мансабдор шахслар ҳам бор эди. Сарбозларга улуфа — маош берувчи, молия ишларини бошқарувчи муставфий Саидхожа ҳам бор эди. Шоҳнинг ўзи сипоҳсолор эканлиги сабабли машқ даврида унинг бўлмағи гоъта зарур, агар у бўлмаганида валиаҳд шаҳзода Сулаймоншоҳ тепада турмоқлиги шарт. Шу сабабли ҳам оқ отга минган рангпар, касалвон Сулаймоншоҳ негадир амир Алп-Арслондан кўра ҳам муставфийни ўз ёнига яқинроқ чорлаб буйруқни у орқали қўшинга етказарди. У анчадан буён амирни ёқтирмас, у билан номига, шунчаки омонлашарди. Бу гал ҳам ўша совуқлик унинг юзида зоҳир, шаҳзоданинг илтимосига кўра, машқ бошлангунча қўшин ичидаги яғриндор полвонлар амир хоҳиши билан одатга кўра майдон ўртасида доира ясаб, ўттиз чоғлик забардаст йигитлар кураш хилқати — юпқа тўн кийиб, камару қилични бир ёнга қўйиб, белларига белбоғ боғладилар. Эрталабки изғиринда бир оз қизишиб олиш ҳамда анчадан буён кураш бўлмагани, совриндорлардан дарак йўқлиги сабаблими, кўпчилик навкарлар курашга талабгор бўлиб қолишган эди. Аммо подшоҳнинг шахсан

иштирок этмаётгани полвонлар юрагини хижил қилди — қўли очиқ шоҳ шаҳзодалардан кўра минг бор яхши.

Амир Алп-Арслон майдон ўртасидаги кичик ҳалқани ўраган атрофдаги мингга яқин суворийларга овози етганча нидо урди:

— Ҳазрати олийлари, улуғ подшоҳимиз топшириғи билан валиаҳд шаҳзодамиз Сулаймоншоҳ ҳазратлари буюрдилар: йиқитқанга қўчқор! Ана у! — Сардор майдон четида, нарида боғлоғлиқ қўчқорни қўли билан кўрсатди, — яна бошқа совринлар ҳам бор. Қани, ким майдонга тушади?

Ҳар галгидек, йўгон бир йигит битта-битта қадам ташлаб ўртага тушди. У Қуззот деган паҳлавон бўлиб, елкаси ер кўрмаган, биронта йигит ҳадди сиғиб, у билан бел олишишга журъат этмаган эди. Ҳар қандай полвонни бир-икки айлантириб, "ҳадис олиб", ўкириб, йиртқиқлардек хунук бир овоз чиқариб, оёғини ердан узиб осмонга кўтарар, бир-икки айлантириб, чунонам ерга урардики, гурсиллаб тушганида тупроқ чангиб кетарди. Биронта йигит Қуззот паҳлавонни йиқитолмаган. У полвонлар доирасида бургутнамо елка чиқариб, виқор билан йигитлар кўзларига тикилиб, "Қани, қайси биринг тушасен!", дегандек айланарди. Доирада турган иккинчи полвон — Гарданкашон амир Алп-Арслоннинг имоси сабаб бўлдимиди, ортиқ чидаб туролмай майдонга тушди. Йигит оғаси — шоп мўйловлик бир одам /кекса паҳлавонлардан/ уларнинг белбоғларини тортиб кўриб, бир-бирларига яқин олиб келиб, фотиҳа ўқиди: "Қани, бошланглар! Оллоҳу акбар!" Икки полвон бел олишиб, бир-бирини синаб, майдон айланишди. Бир неча дақиқадан сўнг Қуззот паҳлавон қадам босишни тўхтатди-да, бирдан йўлбарсона ўкириб, рақибини қучиб, оёғини ердан узди. Шу бақирганча ҳавода бир-икки айлантириб гумбурлатиб ерга урди. Кейин йиқилган сафдошни қўлидан тортиб, ўрнидан турғазди. Мағлуб полвон этагини қоқиб, даврадан чиқиб кетди. Қуззот паҳлавон нафасини ростлаб, яна бургутдек виқор билан қадам ташлаб, учинчи талабгорни сўради, шу билан якун бўларди. Узоқда боғлоғлиқ қўчқорга ҳам кўз ташлаб қўйди. Бу воқеани кўриб турган амир Алп-Арслоннинг ўзи ғайрат отига миниб, камарни ечиб, белини боғлаётган эди, навкарлар оломони ичида қийқириқ бошланди. Бу саркардага нисбатан бениҳоя ҳурмату унинг куч-қудратига ишонч ҳамда кутилмаган бир воқеа эди. Навкарлар оломони даврани яна ҳам тор қилиб, ҳамма ўз сардори курашини кўришга интиларди. Алп-Арслон кекса полвон — йигит

оғаси ёнига бораётган эди, полвонлар сафида турган Муҳаммад Али ал-Мисрий /у занжиларга ўхшар, басавлат, яғриндор бир йигит эди, шу боис кўплар "Қора фил" деб аташарди/ дарҳол ўртага тушиб, амирнинг йўлини тўсди:

— Ҳазрат, менинг галим! Мен тушаман!

— Мен-чи?

— Саркарда ўз навқари билан курашга тушмайди.

— Мумкин,— деди Алп-Арслон таажжубланиб,— бу ўйин. Ўйин бўлганидан кейин сардор ҳам курашга тушиши мумкин.

— Менинг галим, мўтабар саркарда!— деди жиддий тусда "Қора фил".— Мен йиқилгандан сўнг, майли, ихтиёр ўзингизда.

— "Қора фил" тушсин, рухсат этинг, саркарда!— деди йигит оғаси — шоп мўйловлик сарбоз.

— Ал-Мисрий тушсин, рухсат беринг!— дейишди отликлар. Улар негадир бу янги келган сарбознинг йиқилишини, Қуззот паҳлавон бунинг ҳам "бир додини бериб қўйишини" иташарди.

Амир Алп-Арслон белбоғини ечмай икки қадам орқага тисарилиб, "Қора фил"га рухсат этди. Йигит оғаси бошқа бир белбоғу тўнни унга кийгазиб, Қуззот паҳлавон ёнига олиб борди. Майдонда қийқириқ бошланди. Бирлари.— йўғон, елкалари кенг, оқ-сарикдан келган ола ҳўкизга ўхшаш Қуззот паҳлавон /унинг лақаби "Ола ҳўкиз" эди/, иккинчилари Мисрдан келган бесўнақай қора филдек улкан Муҳаммад Али ал-Мисрий томонида эдилар. "Аллоҳу акбар!"дан сўнг улар бел олишиб, даврани бир-икки айланишди. Навқар йигитлар оломони доирани яна ҳам сиқиб келиб, икки улкан паҳлавонни завқ билан томоша қилишарди. Қийқириқ, шовқин-сурон кўтарилди. "Фил" билан "Ҳўкиз" елкалари елкада, бир-бирининг белбоғларидан маҳкам ушлаб, даврани яна бир айланиб, куч синашиб кўришгач, қулай пайтни пойлаб, бир-бирларини кўтариб, ерга гурсиллатиб уришга чоғланардилар. Дўнгликдан анча яқинга келиб турган икки шаҳзодаю амир ва бошқа юқори мансабдорларнинг кўзи "Фил" билан "Ҳўкиз"да эди. Улар бесўнақай гавдаларини бир-бирларига муқобил, букчайиб эгилиб, ҳозироқ ўзига тортиб олиб, ерга урмоққа чоғланардилар. Кўп ўтмай "Ҳўкиз" "Филни" кучаниб тортиб, оёғини ердан узмоқчи бўлди. Шу кучанганда у "пўрт..." этиб чиқариб юборди. Рақибни сезмагандек бўлди,

полвон уялмасин деб, унга сал-пал ён берди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, "Фил" "Хўкиз"ни фавқулудда бир куч билан ўз кучоғига тортди-да, "Ё, ҳазрати Али!" деб оёғини ердан узиб, кўкраги устига олди. Яна бир куч билан "Хўкизнинг маҳкам ёпишиб олганига ҳам қарамай, кўксидан узиб осмонга кўтарди. Атрофдагилар оғизларини очиб, қилт этмай кузатишарди. Давангир Қуззот паҳлавоннинг чангак бўлиб ёпишган оёқлари тарвақайлаб, осмонда айлана бошлади. Оломон жим, икки шаҳзодаю ноиблар, Алп-Арслон ҳам "Хўкиз"нинг ўзини эплолмай, ал-Мисрий боши устида айланаётганини кўриб, ҳайратга тушдилар. Шаҳзода Сулаймоншоҳ, унинг ёнида турган Хумомиддин ад-Давла, Абулжаъфар ал-Хусайнлар ўз полвонининг бу аҳволга тушганидан шарму ғазабла юрагини чангалладилар. Бошқа мансабдорлар ҳам яқинда Гурганжда пайдо бўлган бу кимсадан кўра ватандошлари Қуззот паҳлавонга ишонардилар. Шаҳзодаларнинг руҳи тушиб кетаётганини пайқаган Алп-Арслон "Фил"га тикилганича қотиб қолди. Муҳаммад Али ал-Мисрий Қуззот паҳлавонни елкадан баланд кўтариб, чунонам гурсиллатиб ерга урдики, эски ривоятларда ёзилишича, замин у замон, маскану макон ларзага келди. Бир неча ёш навкарлар қора полвоннинг қудратига тасанно айтиб, қийқириб юборишди. Шаҳзодалар жим, мансабдорлар жим... Ал-Мисрий ерда ётган "Хўкиз"ни қўлидан тортиб, секин ўрнидан тургазди. У этагини қоқиб, майдондан чиқа бошлади. "Баъзан ундоқ, баъзан бундоқ..."— Йигит оғаси гап қотди, титраб, — Хафа бўлма, паҳлавон, ҳали у билан яна беллашасен! Мен сенга унинг ожиз томонини айтиб берамен. Сездим... Қўй, хафа бўлма...— деди. Лекин Қуззот паҳлавон ранги оқарганча индамай шаҳзодалар турган ернинг қарши томонига кетди. Амир дарҳол йигит оғасини унинг орқасидан жўнатди: "Бир кори ҳол бўлмасин, югур! Бир йил муқаддам шундай олишувда бир полвон ўзига ўзи пичоқ уриб юборган эди. Шу ернинг ўзида ўлган..." деди.

Курашни тугатиб, энди ҳарбий машқ бошламоққа фармон бўлаётган эди, Алп-Арслон отдан тушаётган шаҳзода Сулаймоншоҳга мурожаат этди.

— Ҳазрат, мен ҳам бел боғлаб, тайёр турибмен, рухсатингиз билан майдонга тушиб, "Қора фил"нинг таъзирини бериб қўяйми?

Шаҳзода Сулаймоншоҳ кулди. У Алп-Арслонга яқин келиб, илжайди:

— "Қора фил" сизни мушук боладек эзгилаб ташлайди, амир!— Уларнинг бир-бирларига мутлақо тоқатлари йўқ эди-ю, лекин ўз полвонининг йиқилганидан руҳи тушган шаҳзода амирга сохта илжайди.

— Бу "мушук бола"нинг умри курашда ўтган, жисми пай бўлиб кетган. Иккиламчи, беллашганда йўғон гавдадан кўра ҳам усталик — маҳорат муҳим...

— Рухсат бермоқ осон, аммо сизнинг амир деган номингиз бор, салтанат обрўсини ўйламоқ лозим.

— Унчалик бўлмас, ахир "мушук" жониворни пайгамбаримиз ҳам сийлаб, сиртини силаганлар...

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи... Ундоқ бўлса, рухсат! "Қора фил"ни йиқитинг! Қора қўчқор яна ўзимизда, саройда қолади...

Алп-Арслон ўртага тушди. Майдонда яна ким тушади, деб айланиб юрган филқомат Муҳаммад Али ал-Мисрий ўз соҳиби амир Алп-Арслонни кўриб, юраги шиғиллаб кетди. "Нима кераги бор эди! Шунча паҳлавон йигитлар оломони ўраб турганда, шулар ичидан биронтаси тушақолса бўлмасмиди!.." деди ичида гижиниб. Рўбарўсига амирнинг жиддий бир тусда келаётганини кўриб, тепаликда отдан тушиб турган бошқа мартабадор шахсларга ҳам кўз ташлади. Ҳаммасининг диққати амирда. У йигит оғаси билан бирга келиб ал-Мисрийга муқобил бўлди. Улкан "Қора фил" олдида у дарҳақиқат мушукка ўхшарди.

— Ҳазрат, мен сиз билан курашга тушмаймен!— деди ал-Мисрий қатъий эътироз билдириб.

— Нега тушмас экансен?! Тушасен!!!— амир дағдаға қилди.

— Мен сизнинг қулингизмен, қул ўз хожаси билан курашга тушса охирати хароб бўлади. Мени сиз муҳтарам зот ёмон одамлар қўлидан қутқариб, сотиб олгансиз. Мен ота-онамнинг сўзини бузмаймен, мени одам деб тан олган бир ҳазрат билан бел ушлашиб олишмоқлик — яхши эмас! Бу Аллоҳга ёқмайди. Сиз оёқдаги занжирни узиб, қутқаргансиз, мени инсонлар қаторига қўшгансиз...

— Яхшилиқни билганинг, бу мақбул! Лекин раъйимни қайтарма! Бу ўйин!.. Ўйинда соҳибликнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Қани, белбоғни ушла! Шаҳзода ҳазратлари қараб турибдилар. Агар мен билан астойдил курашмасанг, ҳалол курашмасанг, ўз хўжангни камситган бўласен! Ахир

мен ҳам беллашувда, қилич машқида ҳеч кимдан егилган эмасмен. Сен мени ким деб ҳисоблайсен! Қани, белбоғимни ушла!!!

Давангир ал-Мисрий амир белбоғидан ушлади, энди "Фил" билан "От" анча вақтгача ҳадис олиб, доирани айланиб, оломонни ҳайратга солиб юришди. Мингларча навкарлар, юқорида турган шаҳзодалару мансабдорларнинг кўзи икки полвонда. Енгилган полвон Қуззот четроқда, ошналари доирасида туриб, майдонга тушган амир билан "Фил"ни кўриб, яна ҳам яқинроқ келди, ҳайратланди. Сопол кўзада олиб келиб қўйилган шарбатдан ичар, лекин чанқови босилмас эди. Шу аснода амир Алп-Арслон "Фил"ни ўзига тортиб, оёғини ердан узмоқчи бўлди, аммо бу давангир оёғини ердан узмоқлик бутун бир Аёзқалъа қўрғонини ердан кўтариб узмоқ билан барсбар эди. Чалиб йиқитмоқ — номардлик. Бир неча усталик қилиб, эски машқу ҳунарларини ишга солиб, "Ё, Али!", деб уни ён-бошга олмоқчи бўлди, бу ҳам бўлмади. Узоқда шарбат ичиб турган Қуззот паҳлавон кулди, "Бу ярамас ҳақиқатан қора фил экан, филнинг умуртқа суягини букиб бўлмайди..."

Бу қора полвоннинг Хоразм тупроғида пайдо бўлгани фақат Қуззотга эмас, бошқа полвонларга ҳам ёқмай қолган эди. Уни топиб келиб, парвариш қилган амирдан хафа эдилар. Лекин ҳозир майдон ичида ўз эгасини ерга уриб, шарманда қилишлигини кўплар, айниқса шаҳзода Сулаймоншоҳ жуда-жуда истарди ва бундай манзарани жон-дили билан кўтиб турарди.

Амир Алп-Арслон ал-Мисрийга нисбатан анча жуссаси кичик бўлгани билан шаҳзодага нисбатан дуркун, қомати келишган, турган-битгани пай, отга минганида от билан бир тану бир жон бўлиб кетарди.

Бир муддатдан кейин амир жунбушга келиб, бор кучини ишлатиб, давангирни ўзига тортган эди, бесўнақай "фил" ўзини бўш тутди. Ўзининг оғирлигини, уни ердан узиб, кўкрагигача кўтариб бўлмаслигини фаҳмлаган давангир ҳадеб бел ушлаб, доирани айланавермай, тўсатдан амир оёғи остига орқаси билан қулади. Бирдан қийқириқ бошланди. Аламоннинг кулгисини кўтариб, йиқилган полвон "Ҳўкиз"га ўхшаб чалқанча ётарди.

Мингларча ёш навкарлар амирнинг чайирлиги, "гап гавдада эмаслиги, тажрибаю маҳоратда эканини" айтиб,

яна қийқиришди. Ҳатто баъзилар амир ғалабасидан қарсақ уриб, "Қора фил"ни масхара қилдилар. Лекин йигит оғаси икки шаҳзода, ноиблар Муҳаммад Али ал-Мисрий — қора паҳлавоннинг ўз хўжасига атайин йиқилиб берганини тушуниб, пайқаб турардилар.

— Ўйин шартини буздинг! — деди амир ерда ағнаб ётган қора паҳлавонга даргазаб боқиб.

— Бузганим йўқ, чарчадим... Толдим... Йиқилдим... Сиз голиб келдингиз! Наҳотки шу гапни менга айтасиз, ҳазрат!

— Ишонмаймен! Сен чарчайдиган эмасен!

— Амир ҳазратлари, гап кучда эмас, маҳоратда. Худо ҳаққи, рост сўзлаймен, мен енгилдим...

— Тур энди! Туққан хотунга ўхшаб ағнаб ётма!

— Хо-хо-хо-хо-о! Мана, турамен, — у ўрнидан туриб, этагини қоқди.

Йигит оғаси — шоп мўйлаблик эски полвон хурсанд, чақнаб келиб, амирни табриклади.

— Йиқитдингиз, амир, мен шундай бўлишини билардим!

Амир индамади. Улар майдондан чиқиб, дўнгликка — шаҳзодалар ёнига боришаётган эди, шаҳзода Сулаймоншоҳ турган еридан бир неча қадам олдинга юриб келиб, амирни навозиш этди. Гарчи бу кураш унча ҳалол бўлмагани, қул ўз хўжасига йиқилиб берганини фаҳмласалар ҳам, рўпарасида эл қатори бир мансабдор кимса эмас, соҳибқирон ва доно амир, подшоҳ ҳам ҳисоблашадиган амир Алп-Арслон турганини кўриб, унга таъвозе кўрсатдилар.

— Боя айтганимдек, қора қўчқор салтанатдан узоқ кетмайдиган бўлди, — деди шаҳзода Сулаймоншоҳ, — яхши бўлди, мисрликнинг таъзирини бердингиз!

Амир индамай, заррин чопондаги шаҳзодага итоат этиб турди.

— Кураш тамом! Энди гўс ноғоралар чалинсин! Қиличлар ғилофидан суғурилсин, машқни бошлаймиз! — деб ингичка овозда фармон берди шаҳзода Сулаймоншоҳ.

Карнаю ноғоралар гумбурлаб, кенг далани жунбушга келтирди. Йигитларнинг ҳар бири шеру нар бўлиб, шарақа-шуруқ қиличбозлик бошланиб кетди.

Шу пайт мағлуб Қуззот паҳлавон атрофидаги кимсадан бири кураш тўнини ечиб, машққа киришга ҳозирланаётган Муҳаммад Али ал-Мисрий полвон ёнига келиб, чинни косада салқин шарбат тутди. Шарбатни аввал хожага суниб, кейин хизматкор ичмоғи одат эканлиги дарҳол

чинни косани олиб, бояги рангсиз шахснинг хўжаси Қуззотга узатди. Қуззот ичмади. Амир унинг қўлидан олиб, рангсиз ўша одамга тутди.

— Ич! Шарбат сунган одам аввал ўзи ичади. Агар ичмасанг, бошингни узиб ташлаймен!— У дарҳол қилични қинидан суғуриб олди.

Лекин ранги зоҳир кимса қиличдан чўчиб кетгандек косани ерга ташлаб юборди. Шарбат тўкилиб, коса синди.

— Муҳтарам амир, бу шахсга тегманг — деди дарҳол Муҳаммад Али ал-Мисрий саркарда қўлини ушлаб.— Бир қошиқ қонимдан кечинг! Унинг бола-чақаси кўп. Менинг учун маҳв этилмасин, худо бор, бизга қасд қилган бўлса худонинг ўзи унга жазо берсин!

Амир Алп-Арслоннинг ранги оқариб, кўзлари ола-кула бўлиб турарди, паҳлавоннинг ёлбориб қилган илтижосидан сўнг у қилични қинига тиқиб, ал-Мисрий билан ёнма-ён ҳарбий машққа кириб кетди. Кета туриб у Қуззотга тикилди-да, "Ҳе, номард!" деди эшитар-эшитилмас.

XI боб

ПОДШОҲ ШИКОРДА

Бепоен қумликлар ичра қирғоқларга урилиб, баланд тепаликларни ўпириб, қудрат ила оқаётган буюк Жайхун Хоразм мамлакатининг қон томиридикки, ундан тармоқланган мингларча катта-кичик ариқлар далалар сари зилол ҳаёт улашиб, зироату дов-дарахтларни кўкартириб, айқириб оқмоқда. Наймон дашти, Қоратоғ, Суюргон кўли, беҳудуд Қизилқум кун ботиш — мағриб томон бўлиб, айниқса дарё ёқаларидаги тўқайлар, гужумлар аро катта-кичик кўллар кузда ҳам ўз саховати билан машҳурдир. Жайхун бўйларида табиат ниҳоятда гўзал. Бунда куз ойларида, Қорақум барханларига мисбаркаш монанд қизғиш қуёшнинг ботиши, эрта тонгда Жайкуннинг машриқ қирғоғи Қизилқум кенгликларидан қуёшнинг бош кўтариб чиқиши, баъзан қумликлар устидан ловва-ловва ёнаётган булутларнинг сузиб ўтиши, бу беқиёс манзара тасвирига қалам ожиздир. Табиат қучоғида юрмабсиз — дунёга келмабсиз! Аллоҳга минг қатла шукр, унга ҳамду санолар бўлсинким, биз қаёққа нигоҳ ташламайлик унинг жамолини кўриб турибмиз, ёлғиз Аллоҳ бизларни табиатни кўрмоқ бахтига муяссар этди. Қуруқ дашту биёбон, деб баъзилар бу томонларга нописанд қарайдилар, аслида бундай эмас. Жайхун воҳасидаги қумликларни кўрмаган ва

кезмаган, улуг дарёдан бир пиёла сув ичмаган, дашт оша, бунда тунамаган кимсани ҳеч нарсани кўрмаган инсон демоқ мумкин. Шому Ажам, Андалуз ва Истанбул боғлари унинг олдида ҳеч гап! Узоқ ўтмиш обидалари, юзлаб қалъалар Жайхуннинг машриқ томонида қад кўтариб турибди. Шоири замон Рашидуддин Ватвот ҳамда "Байтул илм" арбоблари Абулфадл ал Кермоний, Абумансур ал Аббодий, Маҳмуд ал Ҳиравийларнинг хабар беришича, бу қалъалар Исломдан аввал, ҳатто Искандар Зулқарнайн, Соҳиб Доро замонларидан ҳам илгари, Афросиёб ва Сиёвуш даврига яқин йилларда барпо этилган. Бу заминда қанчалар шаҳри азимлар кенту қалъалар, қанчалар уруғу аймақлар мавжуд бўлиб, буюк Жайхун шарқидаги кенгликларда обод қалъалар жуда кўп бўлган.

Жайхун атрофида қушлар ниҳоятда кўп, ёз бўйи шимолда болалаб, кўпайиб, кузда учиб келган балиқчи қушлар, лайлагу турна, қалдирғочлар Нили муборакка кетишдан аввал Жайхун бўйларига қўниб ўтадилар. Бунда бирон ҳафта куч тўплаб, дам олиб, тўйиб, кейин туну кун бир ҳафталик тинимсиз учиш ила Баҳри муҳитдан ўтиб, Африкага, қадрдон Нил бўйларига етадилар. Паррандалар умуман қизғиш рангни ёқтирадилар, қора ва жигарранг уларда безовталиқ уйғотади. Йиртқичлар — даррандаларни тўқ қизил, яъни қон ранги дарғазаб этади, кўпроқ қорамтир, кўк рангларга ўч бўладилар, подшоҳ овчиларининг либоси шу рангларда бўлмоғи лозим. Баъзи капалаклар Ўрта Ер денгизини тик ва баъзан Қибрис ороли орқали ўтадилар, аммо салобатли ва ғоятда зурёдига меҳрибону олийжаноб турнаю лайлаклар Баҳри муҳитни тик кесолмай Гибралтар бўғози, баъзан турк замини — Истанбул бўғози, Мармара денгизи орқали ўтадилар, шу сабабли ҳам бу ер кўлларида қушлар кўп тўпланади. Истанбулу Измир, Шому Ироқ боғларининг бениҳоя гўзал ва баҳаво бўлишида айниқса қалдирғочу ҳуд-ҳуд, бойқушу ватвотларнинг хосияти катта. Аллоҳга минг қатла шукрки, инсонни мукаррам яратиб, унинг атрофида беҳисоб жонзодларни ҳам яратди, бу дунёда бирга, оға-инидек яшашни уларга раво кўрди, дерди Кадий, Ханафия фақиҳи имом Абдулфадл ал Кермоний, Шафий фақиҳи имом Иброҳим ал Марвозий ҳам жонзотларга қирғину ғорат солишни, ов қилишни қораларди. Ўз шону шавкати, шуқуҳи, кўнгил хушлиги йўлида жонзотларга камондан тийр отиб, ўлдирмоқлик гуноҳ, маҳшар кунни Аллоҳ олдида улар ўз қотилларидан хун талаб этадилар, дерди имом Марвозий

ўз таълимотида. Аммо, бу фикрларнинг подшоҳга даҳли йўқдек, кейинги шаҳзодалар ўз шикорлари учун шариятдан йўл топардилар.

Жайхуннинг шарқ қирғоғи — Қоратоғ атрофида, Қизилқум бағрида ҳам зироат аҳли шундай нозу неъматлар яратадиларки, айниқса тилни ёрадиган чўлдаги Хоразм қовуни Хуросондан ўтиб, араб юртларида — Ироқу Шом мамлакатаида, Румда ҳам машҳур. Жайхун ёқасидаги ўтлоғу тўқайзорларда наинки жайрон, бундай йўл-йўл терилик, жайронни тутиб батамом еб кетадиган паланг — йўлбарслар, бўрилар, тумшуғи осилган сизоқу хўктўнғизлар, қулону ёввойи отларгача бор. Қушларнинг тури беҳисоб, ўрдағу ғозу балиқчи оқ чорлоғу чўл бургутию қирғовулу бойқушларгача, боғларда қумрию булбулу худхуду митти читтақларгача тўлиб ётибди. Қуёну типратикону қум сичқони, илону тошбақаю эчкиэмарлар, боринки, нортуюдан тортиб, кўчувчи қумнинг чопқир чумолиси-гача бор. Виқору ҳайбат билан оқиб ётган Жайхун Хоразм ерлари эмас, беҳудуд Қизилқум, Қорақум кенгликлари-га ҳам ҳаёт бағишлаб оқмоқда. Бу заминга юқоридан, Орол денгизининг зумраданг тўлқинлари йўллаган шабада инсону жонзодга ҳузур бахш этар, саратон жазирамасида иссиқдан ҳаллослаган жонзодлар бу сарин елда роҳатланишар, оқшом салқини чўкиши билан бепоён қумликлар бағрида чўпонларнинг ўзига хос жаннатий ҳаёти бошланиб кетарди.

Хоразм заминининг бениҳоя гўзаллиги, дарҳақиқат, Машриқу Мағрбни ўзига жалб этган. Беқиёс Ажам мулки-дирки, бу томонларга Шому Ироқ юртидан, Чину мочиндан, Нилу муборак ёқасидаги мамлакатлардан, Румдан савдогарлар келарди. Нилу Жайхун, бу икки азм дарё ўз ёқасидаги бепоён қўнғир қумликлари билан бир-бирларига ўхшаш, бир-бирлари ила оға-инидир, дерди Моварауннаҳрга кирган карвонлар.

Куз фасли Хоразмда ўзгача бир гашт касб этади, деҳқонлар буғдойни аллақачон ўриб олган, узум узилмоқда, меваларга бозорлар тўлиб кетган. Қовун пўчоғи ерга тушди, демак куз — кечга яқин Жайхундан салқин шабадалар эсади. Пичанлар гарамланган, моллар семизу, сут-қатиқ мўл.

Бу йил "паланг" яъни йўлбарс йили экани жайрону қирғовуллар семизлиги саройда, мамлакатнинг бошқа ерларида ҳам тинч-осойишталик собитлиги, Марвга, султон Санжар давлатига ўттиз минг тилло танга, қанча совға-

саломлар йўллагани, отаси ва бувасининг султон олдидаги обрўси ва бошқа яхшиликларни хаёлидан ўтказиб юрган Ал-Малик Абу Музаффар Аълоиддин Муҳаммад хоразмшоҳ — Отсиз вазири аъзам — Ҳумомиддин ад-Давла ҳазратларининг маслаҳати билан шикорга тайёргарлик кўрди. Юз чоғлиқ фидойлари, йигирма-ўттиз саксон овчилар билан Қоратоғ ва Суяргон кўли оралиғига йўлга чиқишга жазм этди. Бу кенгликда наинки жайрон, ов қилмоқ мумкин бўлган ҳамма жонзод мавжуд. Дарёдан ўтмоқ учун ўндан ортиқ қайиқлар ҳозирланди.

Шаҳзода Сулаймоншоҳни атайин шикорга олиб кетди. Оз-моз отда чопсин, саломатлиги яхши бўлсин, деган ниятда. Вазири аъзам билан Абулжаъфар Доруссалтананда қолишга жазм этишди. Шоҳ йўлга чиқишдан бир кун аввал шаҳзода Йинал-тегинни, вазири аъзамни, Абулжаъфар ал Ҳусайнни, амирлардан Алп-Арслонни ҳам саройда қолдирди. Ҳар гал олий мақомдаги йиғилишда вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла ҳазратлари ҳаммадан аввал хонадан чиқиб кетишга интилиб турарди. Кунлардан бир кун подшоҳнинг феъли айнаб, заҳарханда қилди:

— Ҳа ҳазрат, ҳаммадан олдин қўндоққа чиқиб оласиз? Ҳовлиқманг!

Шайхулислом билан Абулжаъфар илжайиб кулиб, подшоҳ қулоғига шивирлашди.

— Қовуғи бўшашиб кетади... Ночорликдан олдин дикллаб чопадилар... Бўлмаса, ўзи итоатгўй...

— Э, шундоқми? — деди подшоҳ мийиғида кулиб.

Сардор Баракатулло ал Қиётийга буюриб, кабобпазлару хуму хумчаларда гулобу мусаллас ва бошқа нозу неъматларни аробаларга ортишди. Ҳамма арбоблар Доруссалтанандан, тахту равон турган катта заррин хонадан чиқиб кетишгач, подшоҳ Алп-Арслонга имо қилди:

— Амир, сиз бир лаҳза тўхтаг!

Алп-Арслон шоҳга таъзим қилиб, тахт ёнига яқинроқ борди. Шаҳзода Сулаймоншоҳ ўз отаси билан амирга бир қараб қўйди-да, йўлида тўхтамай, вазири аъзамдан олдин юриб, хонадан чиқди. Вазири аъзам ёши кекса бўлишига қарамай шаҳзодадан кейин юрарди. Шоҳ ва амирнинг ёлғиз қолиб гаплашиши шаҳзодага ёқмади, рашки ўт олди. Аммо бир зарур гап борлигини пайқаб, йўлида индамай кетаверди. Лекин вазири аъзам ад-Давла ҳазратларининг амирга нисбатан анча-мунча рашки келиб, юрагига ғашлик

чўкди. Айвондан ўтиб, зинапоялардан пастга тушгач, ҳовлида у ёш амирнинг чиқишини кутиб турди.

— Сизнинг мен билан шикорга бормоғингиздан кўра бунда қолмоғингиз муҳим. Не дейсиз?— деди шоҳ амирга.

— Олий ҳазрат, Сизнинг фармонингиз менга ҳамма нарсадан улуғ ва муҳим. У — қонун!

— Сиз мен билан шикорга кетган бўласизу қош қорайишда орқага қайтиб, ўз уйингизга кирасиз. Шуни хоҳлаймен. Мен шикордан қайтиб келгунимча қалъада бўлиб, ҳамма ишларга кўз-қулоқ бўлиб турасиз. Шуни истаймен. Ҳамма ишлар яхши, давлатим арбоблари ҳам жуда яхши, шаҳзоданинг кайфияти ҳам яхши, тинчлик-осойишталик. Аммо барибир ҳушёр турмоқликни вақт тақозо этади. Биз Туронзамин мустақиллигини ўйлаймиз, кучимизнинг кўпаяётгани Марвга ёқмаёғир. Иложимиз қанча, нима ўйласалар ўйлайберсинлар!..

— Олий ҳазрат, мен фармонингизни тушундим. Хотиржам бўлинг. Ҳамма иш ўйлаганингиздек бўлади. Билишимча, Қоратоғ бағрида, Суяргон кўли атрофларида жайрон кўп. Қуш ҳам кўп, йиртқичлар ҳам...

Подшоҳ бош ирғади, амир таъзим билан чиқиб кетди.

Бир неча ҳафтани мўлжаллаб, эрта тонгди Хоразмшоҳ юзга яқин отлиқ фидоий навкарлари, тийрандоз овчилар, найзабозлар, ошпазу кабобпазлар, бир неча аравалари... олдинма-кейин Жайхун соҳили томон йўл олди. Вазири аъзам Ҳазорасп томондан кўлга ўтишни, лекин амир Алп-Арслон юқоридан, Найман, Гурлан орқали Қоратоғ томон ўтишни маслаҳат берди. Қош қорайгунча мўл юриб, шоҳ келиши учун аввалдан бу манзилда боргоҳ тайёрлаб қўйган элликбоши катта хурсандчилик билан шоҳни кутиб олди. Шу аснода амир Алп-Арслон тўдадан ажралиб, орқага қайтиб, ярим тунда ўз хонадонига етиб келди. Подшоҳ шу кеча қишлоқда тунаб, зиёфату ўйин-кулгини ўтказиб, эрта тонгда яна йўлга тушишди. Иккинчи куни улар Жайхун ёқасига етиб, бунда ҳозир турган қайиқларга ўтириб, дарёнинг нариги қирғоғига ўтишди. Бу томони то Қоратоққа етгунча ов макони. Амирнинг ғойиб бўлганини бир шоҳдан бўлак ҳеч кимса сезмади...

...Шоҳга сарой табиби Аҳмад ал Муаййид ҳам бир неча шикорни тавсия этган эди. Чунки кейинги пайтларда "мадордан кетаётган" шоҳ ҳар қанча парвариш қилинганига қарамай, озиб борарди. У ўзини зах кутубхоналарда шам ёқиб, китоб ёзаётганлар, ал-Хоразмий талабалари сингари

юзлари саъфарон, нимжон кўра бошлади. Аслида бу ҳақиқатдан узоқ эди... Маю гулоб, кабобу бодом ва бошқа ҳирсни уйғотадиган дорулар таъсир этмай, иштаҳа пасая бошлагани табибларни ўйлатиб қўйди. Иштаҳа бўлмагач, мия фаолияти ҳам сусаяди. Гулобу калла гўштини хуш кўрадиган, қўй илигию хандон писта, Қорабоғ булоқларидан келтирилган шифобахш сув, қовуну узум подшоҳнинг жонига тегди. Юриш керак, ҳаракат керак, отда чопмоқ лозим! Табибларнинг шикорга бормоқлик, иложи бўлса чодирда ўтириб, бошқалар тутиб келган жайрон гўштини емай, ўзи бевосита овга кириши, ўзи отда қувиб, камондан ўқ узиб йиқитган жайронни ўзи кўтариб олиб келиши, кабобпазлар қўлига бериши, оч юриб, терлаб, сўнгра овқат емоғлигини тавсия этишди. Фақат шикор, очиқ ҳавода югурмоқ шоҳ саломатлигини яхшилаб юборишини ўша кунни табиблар ёнида турган вазири аъзам ад-Давла ҳазратлари ҳам маъқуллаган эди.

— Бу жуда тўғри,— деган эди шоҳ табиб Аҳмад ал Муаййидга боқиб,— дарҳақиқат ҳозир куз, шикор муддати. Аммо Пойканддан бизга нохуш хабарлар етмоқда...

— Қандай хабар, олий ҳазрат? Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Кимлар хабар қилади?— деди вазири аъзам норизо бир оҳангда.

— Йўқ, ҳазрат, мен янглишибман,— деди шоҳ ўзини тутиб олиб,— менимча Марвдан, Нишопурдан хабар келди. Илгаригидай, султон саройида бизни камситиб гапиради-ганлар кўпайиб кетибди... /Бундай хабарлар кейинги вақтда айғоқчилардан тез-тез келарди. Шоҳ ҳам вазири аъзам ҳам бунга эътибор беришмасди. Чунки Хоразм ба-рибир Хуросонга, султон Санжар салтанатига тобе эди/.

— Ҳазрати олийлари, Пойкандда нотинчлик, ишончсиз-лик бўлмоғи асло мумкин эмас! Йўсуфшоҳ ҳазратлари ўз укангиз... Худойи таолонинг хоҳиши, отангиз улуг подшоҳ Қутбиддин Муҳаммад ҳазрати олийларининг васияти ила Хоразм тахтига эга бўлдингиз. Иншоолло, Туронзамин, барча ер қанотингиз остида бўлғуси... Йўсуфшоҳ ҳазратларига ҳам ўз хоҳишига кўра Пайканду Бухорони бердингиз. Кўнглингизга ғашлик олманг, валиаҳд Сулай-моншоҳ ҳазратлари бунда қолурлар. ҳамма мансабдор ва-зирлар қатори каминаю камтарин қулингиз — мен ҳам қалъадамен. Абулжаъфардек садоқатли саркарда ҳам бор. Ёш амир Алп-Арслон сиз билан шикорга боради, у овга уста. Мерган...

— Тушунарлик, ҳазрат. Дарҳақиқат, саломатликни ҳам ўйлаш керак. Бўлғусида ҳал қилувчи муҳорабалар бор. Туронзамин ўз мустақиллигига эга бўлмоғи керак. Ҳар бир навқару сардорлар юрагида Туронзаминга, ўз она юртига садоқату фидоийликни вояга етказмоғимиз зарур. Бу жуда муҳим! Биз, туркийлар салжуқийлар ва бошқалар тобелигидан батамом қутулмоғимиз — муддао! Шунинг учун ҳам сиҳат-саломатлик керак, қилични маҳкам тутмоқ, жангларда енгмоқ керак! Билакс, мамлакатимизни яна асрлар бўйи ўзгалар оёқ ости қилурлар. Дунёда мугъликдан ёмон нарса йўқ! Бу тахту салтанат мустаҳкам эмасдек кўринмоқда. Бир иш қилсак буюк султоннинг раъйига қараймиз, фарзандим, кичик шаҳзода икки йилдан буён Марвда, гаровда яшайди... Гарчи "билим олмоқ, султон саройи анъаналарини ўрганмоқ" ниятида у ушланиб тургани билан, аслида гаровда. Укам Йўсуфшоҳ ҳам тўрт йил султон саройида "тарбияланди." Аслида у ҳам гаровда эди. Бу гапларни биласиз-ку!

— Ҳазрати олийлари, ҳамма гапларингиз дилимда. Тўғри, бу ишлардан хабардормен. "Мустақиллик учун кураш" ниятингиз Турон ерларининг ҳар бир фуқароси дилидаги армон. Бусиз яшаб бўлмайди. отангиз раҳматлининг эзгу ниятлари ҳам шу бўлган эди, у улуғ эстнинг васияти ҳам шу! Аммо улуғ султон жуда маккор! Унга фақат машриқдан қора-хитойлар бас келиши эҳтимол...

Вазири аъзам безовталаниб уёқ-буёққа аланглади. Шоҳнинг бирон маҳрами эшитиб қолишидан ҳайиқарди.

— Қўрқманг, бунда иккимиздан бўлак ҳеч кимса йўқ. Ўз шоҳи олдида ҳайиқиб гапирмоғлик менинг юрагимга алам беради. Биз золимлар ҳақида ўз юртимизда бир-биримиз билан эркин гаплашолмасак, бу қандай бедодлик!— Подшоҳ муштумини қисиб, тишини гижирагандай бўлди.

Вазири аъзам шоҳга таъзим этиб, тахти олийдан узоқлашди. Шоҳ ёлғиз ўзи қолиб, хаёлат дарёсига гарқ бўлди.

Сафар олдидан бўлган бу гаплар Хоразмшоҳ хаёлидан ўтди. Эрта билан у анча тетик уйқудан турди.

Жайхун ёқаси. Бир томон ўтлоқзор, бир томон беҳудуд тўқай. Шоҳ эрта билан нонуштадан кейин ов либосини, навқарлардек қалин ва мустаҳкам этик кийиб, отга минди. Белда исфихон, бир қўлда камон, камондонда ўттиз чоғлиқ ўткир тийр...

Шикорга чиққан кундан бошлаб подшоҳ ҳазратларининг иштаҳаси очилиб, йўлга тайёрланган

қўчқор гўштидан тановул этди. Дамо-дам май ичди — бу ишларнинг барини шинаванда ошпаз йигитнинг ўзи бажарди. Саройдан ташқарида — хобхонадан ўзга жойда пар тўшакда эмас, пахта кўрпа-тўшакларда яхши ухлади. Ҳавонинг ўзгаргани ҳам яхши бўлди, йигит оғаси машҳур овчи Бисмиллохоннинг ажойиб ҳикоялари, "Йўлбарс билан олишувлари" шоҳ диққатини ўзига жалб этди. Бисмиллохон жаноблари асли найманлик бек уруғидан бўлиб, олий ҳазратнинг оталарига ҳам хизмат қилган. У сарбаст, эпчил кимса, лақаби "Супрақулоқ". Унинг япалоқ, катта қулоқлари бир чақирим нарида шитирлаган товушни ҳам эшитар экан. "Бисмиллохон жаноблари фақат ов учун яратилганлар" деб айтар эди сарой аҳли. У сариқ чармдан ўзига қисқа тўн тиктириб, белидаги энлик камарига турли пичоқлар, орқасида қадимий камон, чап ёнида қирқ тийр солинган ўқдон доимо шай турарди. Бўйнида ўз қўли билан ўлдирган йўлбарснинг икки катта тишини ипга осиб олган, гўё "буни билган йўлбарслар уч чақирим наридан, жанобга йўлиқишга дов беролмай, қочар эканлар..." Бу ҳангома тагида ҳақиқат бўлмаса ҳам, буни эшитган шоҳ қиқир-қиқир куларди. Бисмиллохон ҳазратлари икки шоп мўйловини бураб қўяр, шоҳнинг ўзига нисбатан ҳурматини ошириш ниятида очиқдан-очиқ лаганбардорлик қиларди. Шоҳ мийиғида кулар, унинг учун асабларни юмшатиб, дам олиш, кўпроқ кулиб, куч тўплаш, асабларни мустаҳкамлаш муҳим. Унинг кўз олдига султоннинг шаън-шавкати, қўшини, бўлғуси жанглар кўриниб кетди. Қўрқмасликнинг биринчи омили — саломатлик. Айниқса, юрак саломат бўлмоғи лозим!

Бисмиллохон баъзан масхарабозлик ҳам қилар, бек авлодидан бўлган кимсанинг бу даражада бачканалашуви шоҳга ёқмасди. У куларди-ю, ичда нафратланиб турарди.

Ногоҳ дарё томон, қалин тўқайзор ёнидан йигирма чоғлиқ жайрон бор кучини ишга солиб, қочиб ўтди. Уларнинг олдида бурама шохли такаси ҳам бор эди. Улар баланд-баланд сакраб, шу даражада тез югурар эдиларки, камондан нишонга олишнинг асло иложи йўқ. Бир лаҳзадан сўнг ўз тўдасидан ажралган бир жайрон адашибми, адашмайми, шоҳ овчилари томон чопиб кела бошлади. Бу ҳолни кўрган шоҳ отини ниқталаб чоптириб, жайронга яқинлаша бошлади. Овчилар шоҳга йўл беришди, у камонга ўқ қадаб, обдон мўлжалга олиб отди. Ўттиз қадамча нарида одамларни кўриб саросимада, тўдасидан ажралган, қўрқувдан ўзини батамом йўқотган жайрон бир дақиқа

жойида қотди. Унинг нигоҳи одамлардан кўра ҳам сариқ қамишзорда эди. Шоҳ қўлида камон, мўлжалга олиб турди-да, ўқ узди. Ўқ жайроннинг биқинига қадалиб, ерда думалаганча питирлай бошлади. Шоҳнинг атрофидаги овчи шоввозлар бирдан қийқириб юборишди: "Ўқ нақ кўкрагига тегди, офарин, офарин, ҳазрати олийлари!" Яна бир овоз янгради: "биз ҳам ўзимизни овчи санаб юрган эканмиз-да! Офарин!" Орқароқдан яна кимнингдир йўғон овози эшитилди: "Кабоб! Тасанно, олий ҳазрат!"

Аммо, шу лаҳзада кутилмаганда қамишзор ичидан ўкириб чиққан баҳайбат бир йўлбарс ерда питирлаб, жон бераётган жайрон тепасига келди-ю, уни босди. Лекин беш қадамча нарида отда турган шоҳга кўзи тушиб, бирдан ўкирганча унга югурди, отнинг кўкрагига чанг солди. От ҳуркиб кишнади, аммо йўлбарс уни қўйиб юбормай тепасида турган шоҳга ўкириб, уни от устидан тортиб ерга туширмоқчи бўларди. Кўкси, биқини қон бўлган от осмонга сакрар, йўлбарс чангалидан чиқиб кетмоқчи бўларди. Шоҳ отининг биқинидан қон сачради. Саросимада турган шоҳ ваҳима ичида отдан йиқилай-йиқилай деб турарди. Шу лаҳза орқадан — овчилар ичидан от чоптириб чиққан баҳайбат қора "фил"— Муҳаммад Али ал-Мисрий дарҳол ўзини ерга ташлаб, шоҳ отига чангалини уриб, бақираётган йўлбарс ёнига келди. Орқасига келган одамни кўрган даҳшатли йўлбарс отни қўйиб юбориб, Муҳаммад али ал-Мисрийга ташланди. Паҳлавон йўлбарс билан бўғишиб, ерда думалана кетди. Унинг ҳам баҳайбат қадду қомати йўлбарсникидан қолишмасди. Дарранда панжаси билан паҳлавонни титкилаб, ваҳимали ўкириб ерга босишга интиларди. Шу лаҳза ал-Мисрий чақмоқ тезлигида белидаги ханжарини суғириб олиб, йиртқичнинг биқинига урди. Йўлбарс яна қаттиқ ўкириб, ал-Мисрий томоғидан тишлашга уринаётган эди, у ханжарини яна уч-тўрт бор йиртқич қорнига тиқиб олди. Йўлбарснинг бир панжаси тегиб кетиб, юзи қонади, либоси қалин ва йиртилмас матодан тикилгани сабабли, йўлбарс шунча чанг уриб, титкилагани билан унинг кийимлари йиртилмади. Тўрт бор биқинига ханжар урилгани сабабли йиртқич оҳ ургандай бўғиқ ўкириб, ерга шилққа йиқилди, питирлай бошлади. Орқага қочган овчи йигитлар дарранданинг йиқилганини кўриб, қўрқа-писа секин-аста унинг тепасига келишди. Яна бошқа шериги чиқиб қолмасин дегандек қиличларини яланғочлаб, шай туришарди. Шоҳ ҳам йигирма қадамча нарида, отда ранги оқариб турарди. Ов-сардори Бисмилло-

хон жаноблари анча нарига от чоптириб қочиб кетган эдилар. Бир мuddатдан сўнг қайтиб келгач, унинг бўйнидаги йўлбарс тишига шоҳнинг кўзи тушди.

— Иштон қуруқми?— деди шоҳ Бисмиллохонга.

— Ҳа, қуруқ...— деди илжайиб.

Подшоҳ отдан тушди. Чунки уни отининг кўкраги яраланиб, белигача қон оқиб тушган эди. Лекин от жонивор йўлбарснинг ерда питирлаб ўлаётганини кўриб, бироз ўзига келгандай бўлди. Подшоҳга бошқа от берилди.

— Афтидан, жайрон тўдасини йўлбарс кузатиб, мана бу жайронни тўдадан ажратиб олиб, қувиб, тутиб олмоқчи бўлган экан,— деди шоҳ ал-Мисрийга қараб,— ажралган жайрон саросимада бизнинг отларга қараб, паноҳ тилагандай бўлиб, жойида қотган. Шу пайтда мен унга ўқ узганмен...

— Тўғри,— деди ал-Мисрий.

— Бисёр тўғре!— деди суҳбатга қўшилиб Бисмиллохон.

— Паҳлавон ал-Мисрий ҳаётимни сақлаб қолди, бўлмаса йўлбарс мени отдан қулатиб, чайнаб ташлар эди. Паҳлавон, миннатдормен!

Давангир ал-Мисрий қўли кўксида, у жон бераётган йўлбарс тепасида турарди.

— Паҳлавон! Қани, мендан нима тилайсен? Ўз подшоҳингга садоқатинг бениҳоя экан. Йўлбарс сени ҳам ғажиб ташлаши мумкин эди.

Ал-Мисрий қўли кўксида, таъзим этганча тураберди.

— Мендан нима тилайсен?

— Подшоҳим, мен қулликдан озод этилганмен, шу менга катта мукофот. Сизнинг ҳаётингизни сақлаш, салтанатни сақлаш навқарларингизнинг бурчи.

Бу гапларни у амир Алп-Арслондан кўп эшитган. Юртга, подшоҳга садоқат ҳамма нарсадан юқори эканлигини амир такрор-такрор айтарди. Унинг кўз олдида қалъада қолган ўз хўжаси амир Алп-Арслон ҳазратлари келди.

Подшоҳ бармоғидаги гавҳар кўзли қимматбаҳо узугини сўгуриб олиб, ал-Мисрийга узатди. Паҳлавон шоҳ узугини олиб, уни ўпиб, кўзига суртди-да, яна шоҳга қайтариб берди.

— Олий ҳазрат, ўзингизга буюрсин! У менинг бармоқларимга тўғри келмайди... Илтифотингиз учун ташаккур! Мукофотингизга сазовор бўлдим, деб ҳисоблаймен.

Отлиқ овчилар ҳаяжон билан бу мулоқотни кузатиб турардилар. Айниқса супра қулоқ, шоп мўйлавли Бисмиллохон "кекирган сигирдек" мулзам бўлиб қолди.

— Ұзим ота бўлиб, сени уйлантириб қўямен...

Ал-Мисрий ерга тиз чўкиб, таъзим қилди. Подшоҳ ҳазратлари амирнинг шундай садоқатли ва паҳлавон йигитлари борлиги, амирга ўхшашликка интилувчилар кўпаяётганидан хурсанд бўлди. Баъзан рашки ҳам келарди.

— Жайрон билан йўлбарсни нима қиламиз?— овчилар сардори Бисмиллохон шоҳга мурожаат этди.

— Йўлбарсни аравага босиб олиб кетайлик. Тишларини суғириб, бўйнингизга осиб олинг! Жайрон кабоб-ку!— деди қаҳ-қаҳ уриб шоҳ.— Қўрқмай бораверинг, йўлбарс қайтадан тирилиб, сизга даф қилмайди.

XII боб

ПОДШОҲНИНГ ОЖИЗ ТОМОНИ

Юзлаб шоирлар ал-Малик Абу Музаффар Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийларини ақлу заковатда Маъмуну Арастуға, қудрату шижоатда Афросиёбу Сиёвушга қиёс этардилар. Подшоҳ ҳам бундай мақтовларга ғоятда ўрганиб, кўникиб қолган эди. Шу сабабли иниси Йинол-тегиннинг пардозланмаган тўғри ва аччиғроқ сўзлари кейинги вақтда уни устидан совуқ сув қуйгандек сескантириб юборарди. Лекин барибир шаҳзодага ишонар ва суянарди. Подшоҳнинг мана шу томони учун уни "Маъмуни замон..." "Сиёвуши замин..." деганлари ўринли, албатта.

Кунлардан бир кун подшоҳ туш кўрди: кенг саҳро... саҳрода от чоптириб кетаётган эмиш... Бир томонидан қашқирлар, иккинчи томондан турқи совуқ сиртлонлар тўдаси ўраб олиб отдан тортиб ғажиб, еб юбормоқчи бўлиб турганларида подшоҳ бақириб, уйғониб кетди.

Терлаб уйғонган подшоҳ ё тавба, деб Ёсин ўқиди... Ён хонада ётган Буюк бека подшоҳнинг босинқираганини сезиб, дарҳол ичкарига кирди.

— Ёмон туш кўрибман, бекам,— деди подшоҳ ўз тўшагида ўтириб, кўзларини уқалаб,— уйқум қочиб кетди... Сув келтиринглар, ташнамен...

— Тушнинг ёмони бўлмайди, улуг ҳазрат,— деди Буюк бека,— тонг отиши билан намози Бомдоддан сўнг ота-боларимиз руҳига тиловат қилғаймиз... Ғарибларга садақа бергаймиз... Гуноҳкорларнинг гуноҳидан ўтгаймиз... Бу, менинг истагим. Кўнглингиз ёришади, паноҳим.

— Албатта шундай қиламиз. Бекам, гапларингиз ўринли,— деди подшоҳ хаёлот ичида.

Эртасига у Буюк малика айтганларини бажо этди. Аммо "бу туш таъбирини айтинг", деб вазири аъзамга ҳам мурожаат этди. Ҳумомиддин ад-Давла ҳазратлари узоқ тоғ гори ичидаги тарки дунё этган Авлиё ота ёнига боришни маслаҳат берди.

Саройдаги икки шаҳзоданинг бир-бири билан чиқишмай олишуви — фуқаро учун азоб, бу жанжал не-не оқибатларга олиб келмайди, дейсиз! Жоҳил мансабдорларнинг ҳар бир ҳаракати, мамлакатни инқирозга юз тубан итаради. Бизларнинг қонимизда азалдан ҳасад деган зарарли бир макруҳ бордирки, уни тозалаб, бу "дард"дан фориг этишнинг асло иложи йўқ! Подшоҳ ҳазратлари бу "дард"ни кўпдан буён сезиб, унга чора излардилар. Бу, Он ҳазратнинг тарихда қолиш даражасидаги фазилати эди. Подшоҳки бундай хайрли ишга қўл урибди, демак у яхши подшоҳ. Туркий уруғлар шу "дард"дан форуғ бўлса дунёда унга тенг давлат бўлмас эди. Шунча олиму уламози бўлган мамлакат наҳотки шу "дард"нинг олдини ололмайди!

Саройда нотинчлик давом этабергач, подшоҳ тарки дунё этиб узоқ қумлик ичидаги бир канорда кўп йиллардан буён хонанишин ётган ўша Авлиё ота ёнига йўл олди.

Сочу соқоли ўсиб, жулдир кийимларга ўралган, авлиёнамо у кимса подшоҳни менсимай кибру ҳаво билан кутиб олди. Унинг димоғдорлигию беҳушомадлигига олий ҳазрат ранжимади, чунки ёнида борган вазири аъзам унинг феъли-атвори ҳақида гапириб, бир вақтлар "Дорил ҳикма"дан шу феъли туфайли ҳайдалганини ҳам қўшиб қўйган эди. Лекин унинг ёнига кўплар келар, каромат кўрсатар, гаплари тўғри чиқишини билардилар. У доимо "дорил ҳикма"ни ёмонлар, олиму мутафаккирларни динсизликда айблар, ёлғиз Аллоҳдан бўлак кимсага бўйсунмаймен, дерди. Калондимоғ ва маккор ад-Давла ҳазратлари подшоҳни атайин бу томонга бошлаган эди. Гадо душмани гадо — аҳли уламони ёмон кўрадиган бу кимса ўзига ишонган муридлари ичра авлиё эди.

— Аллоҳнинг хоҳиши ила сенга тожу тахт буюрбиди, демак сен унга эгасен!— деди Авлиё ота ёнида, тош устида ўтирган подшоҳга.— Сен — қудратлисен, буюксен, ақллисен... Ақл кўзи бургут кўзидан ҳам ўткир, сендан кўра ақллироқ кимсалар сендаги қилчалик нуқсонни ҳам кўраолурлар. Сендан нуқсон топганлар давлатдан ҳам топуралар... Шу сабабли ўзингдан ақллироқ кимсаларни тах-

тинг атрофида тўплама, оқибати яхши бўлмас! Ёшларга эҳтиёт бўл, тахтни олиб қўяди. Шоиру шуарони, "Дорил ҳикма"ни ўзингдан йироқ тут, подшоҳ Маъмун ҳазрати олийларига ҳам, бобокалонинг Ануштегин Гарчойи ҳазрати олийларига ҳам шуаро вафо қилмади. Подшоҳ Маҳмуд Газнавий ҳазрати олийларга Рашидуддин Ватвот вафо қилдими? У ўз подшоҳи юзига аёқ тираб, сенинг қўлингга келди. Бу, ҳақиқат! У Гурганжга кўчиб келиб, сенинг хизматингга ўтгач, мен бу дашту биёбонларни ихтиёр этдим... Мана, сенга тарих, буюк ҳукмдор!

Хоразмшоҳ бир хўрсиниб, чуқур ўйга толди. Дарҳақиқат бу "тарих" унга маълум. Соқоллари ўсиб, исқирт ва юпун бўлиб қолган бу "авлиё" чол "Дорил ҳикма" яқинларидан эди, кўп йиллар аввал ал-Хоразмий шогирди бўлган киши эканини ҳам эшитган.

— Иккиламчи, — деди Авлиё ота, — туш кўрибсен, тушингнинг таъбири бундоқ: қашқирлар ҳам, сиртлонлар ҳам инсон қиёфасидаги рақибларинг. Кимда ким ёш бўлатуриб, тахтга ўзини урса, фуқаро ичида эътибор қозонса, у сенинг учун — бўри! Кимда-ким тахт атрофидан узоқ кетмай, ҳадеб ақл ўргатса, у — сиртлон! Бу махлуқ ўлаксахўр, у сенинг ўлимингни кутаётган кимса! Ақилликмен деганларни ҳайда, чунки сен подшоҳсен ва ақилликсен! Ҳамма ақиллик бўлиб кетса подани ким боқади! Менинг кароматим — фақат ҳақиқатни айтмоқ, бундан бошқасига қудратим етмайди, ёлғиз Аллоҳнинг ўзига маълум ва ҳар бир иш унинг иродаси ила бўлур! Тушундингми, буюк ҳукмдор?

— Тушундим, — деди оғзини очиб Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийлари.

Авлиё отага иссиқ чопону ички либослар, оёқ кийимлари ва бошқа анжомлар ўралган катта тугун, бир неча саватда емак учун нону мевалар ва яна бир неча тилло гангалар бериб, подшоҳ билан вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла қирқ отлиқ сипоҳилар иҳотасида Гурганжга қайтдилар. Подшоҳнинг қум ичига кетгани, Авлиё ота ёнига боргани кўплардан сир тутилди. Подшоҳ йўлда кела-келгунча "бўрилар" ва "сиртлон"ларни ўйлади...

XIII боб

ТИЛИ ҚИСИҚ ШАҲЗОДА...

Бу воқеа бир неча йил муқаддам бўлган...

Йинол-тегин ҳазратлари валиаҳд шаҳзода Сулаймон-шоҳнинг баъзи қилиқлари, хулқу атвори хусусида подшоҳ

билан гаплашмоқчи бўлди, аммо, ҳадди сизмаганлигини сезиб, ўйланиб қолди. Бир томондан — амаки, ёши улуғ, тахт ворисига насиҳат қилишга ҳаққи бор, иккинчи томондан бу гап подшоҳда қандай фикр уйғотаркан, буни билмоқ мушкул, алалхусус, шаҳзоданинг обрў-мавқеига тегиш ҳам оғир оқибатларга олиб келмоғи мумкин. Шаҳзоданинг ўта ланж, уятчан, сиёсий ишлардан ўзини четга тортиши, лашкар билан, ҳарбий машқлар билан қизиқмаслиги... амакини жуда ўйлатиб қўйган эди. Яна бошқа майда-чуйда гаплар ҳам бор эдики, улар бўлгуси тахт эгасига номуносиб. Бунинг устига, Марвга қарамликдан қутилиш учун иродаси бўш, ланж подшоҳ билан иш барбод бўлишлигини ҳам биларди. Агар бу гап буюк малика — Суюк хотун қулоғига етгудай бўлса дод-вой солишлиги аниқ. Менинг ўғлимни кўролмаётирлар, бошқани валиаҳд қилмоқчилар, деб саройда нотинчлик пайдо этиши муқаррар. Анча вақт у тилини тишлаб юрди. Лекин кунлардан бир кун, шаҳзода уйланадиган йигит бўлиб қолганига қарамай ўз уруғлари, саройдаги қизлар билан қўғирчоқ ўйнашини... эшитгач, унинг сабр косаси тўлиб, подшоҳ билан бу хусусда гаплашишга жазм этди. Баъзан у бир нима демоқчи бўлиб, оғзини чоғлаётганида подшоҳ бошқа масалани ўртага ташлаб, ҳазратнинг гапи ичида қолиб кетарди. Бу гал улар ёлғиз қолиб, иниси Йинол-тегиннинг муҳим бир масалани ўртага қўймоқчи бўлаётганини пайқаган олий ҳазрат сарой боғига чиқишни таклиф этиб, олдинма-кетин чиқишди.

— Шаҳзода, иним, сиз менга анчадан буён бир нима демоқчи бўлиб юрибсиз. Шундоғ эмасми? Айтинг.

— Валиаҳд хусусида...

— Мен ҳам худди шундай, деб ўйлаган эдим... Тортинмай айтаверинг. Менинг ўғлим бўлса сизнинг жиянингиз... Келгусида катта мамлакатни бошқарувга қурбати етадими? Бу хусусда мен ҳам кўп ўйлаймен... Аммо Буюк малика дилига озор бермаслик учун бу хусусда ўйлашни орақага ташлаймен...

— Шаҳзода Сулаймоншоҳ яхши йигит. Бошқа шаҳзодалардан ақлан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Хушомад учун бу гапни айтаётганим йўқ. Унинг жисмоний заифроқ туғилганини ҳисобга олинмаса, эс-ҳуши жойида... Лекин у ҳарбий машқларни ёқтирмайди, отда югуришни, қилич солишни, умуман жангвор юришларни ёмон кўради. Бунинг устига илму маърифат билан, буюк бобокалонимиз Маъмун ҳазрати олийларининг "Дорул ҳикма"лари билан ҳам қизиқмайди. Умуман китоб ўқимай-

ди... Бу гаплар игво эмас, ҳақиқат! Сиз ҳаммавақт ҳақиқатни, гарчи у аччиқ бўлса ҳам маҳкам ушлаш керак, деб таълим берасиз. Менга маълум бўлишича, жияним кўпроқ қиз болалар ичида ўйнашни афзал кўради... Хушомадни ёқтиради, ранжиганда оби-дийда қилиб йиглаган пайтлари ҳам бўлган...

— Шу фарзандим ҳақида қаттиқ изтироб чекамен... Не маслаҳат берасиз, шаҳзода?

— Лочин йигитларимиз кўп, улар йўлбарсга тик ташланади. Қиличу отга ишқибоз, уларнинг ҳар бири бир шер!

— Хўш?!

— Қирқ йигитни тўплаб, шаҳзодани улар ичига ташлайлик. Тўдага имтиёз берайлик, зиёфату сайрда бирга бўлсинлар... Шикорга борсинлар, Ҳарбий машқда бирга бўлсинлар. Улоқ чопсунлар... Йигит оғаси этиб Лочинбек ал Хўжандийни тайинлайлик. У забардаст сарбоз, ўзи асли элликбоши. Кийим-кечак берайлик, хазинадан ақча ажратайлик... Улар бизга валиаҳдни дадил ва забардаст этиб тайёрлаб берсинлар.

— Доно фикр!— деди подшоҳ ўз инисидан мамнун бўлиб, Абулжаъфарга топшириқ беринг, шу ҳафтадан йигитларни танлаб, Лочинбек сардорлигида машқ қилсунлар. Сулаймоншоҳ улар орасида бўлсун, зора унда ҳарбга иштиёқ уйғонса. Аллоҳдан тилаймен, иншоолло, катта ўғлим чинакам давомчимиз бўлғай.

Бир ҳафта ўтар-ўтмас, шаҳзода Йинол-тегин Лочинбекни ўз ҳузурига чорлаб, мақсадни тушинтирди:

— Бош устига!— деди азамат сарбоз ҳазратга қуллуқ қилиб.— Жасоратли, қўрқмас, мард ўғлон тайёрлаймиз.

— Ўзингдан бўлак яна ўттиз тўққиз шоввозни топ!

— Бош устига!

— Кимлар бор?

— Йўлбарсбек, паҳлавон Ғайрхон. Зангий, Ҳангий, Бангий, Жангий, амир Тамғочхоннинг ўғли Тўғонбек, Қўчқорбек, Қиётбек, Додбекнинг ўғли Буқабек... Э, ҳазрат, тоғни талқон қиладиган шоввозлар кўп! Тилло тангани аямасангиз шаҳзодани ҳамма йигитларимдан зўр қилиб берамен... Ҳазрат Абулжаъфар Хусайн ҳазратларининг жияни Тувалоқбек ҳам бизларнинг гўдамизда. Шаҳзодамни Сиёвушдек паҳлавони ҳаҳон қилиб берамен!

— Балли!

Орадан бир кун ўтгач, бу яширин гап шаҳзода Сулаймоншоҳ қулогига етди: "Соғлигингни яхшилаш, тез-тез

шамоллаб, акса уришдан қутулмоқ ниятида, табиблар мас-лаҳати билан ҳарбу зарб, отда югурмоқ лозим!.."лиги маълум этилди. "Ўзига қолса ялқовлик қилади, шу сабабли Лочинбек тарбиясига берилганлиги" ўзига маълум бўлди. Қорақош, рангпар шаҳзода мийғида кулиб қўйди. Отаси ва амакисининг бу ишларини бир "дугонаси"га гапириб, икковлари тоза хохолаб кулишди.

— Кўрамиз, нима бўлади!— деди Сулаймоншоҳ қора қошларини чимириб,— шунча муаммолар туриб, отамнинг бу ишлари кексалик қусури! Мени отчопар қилишмоқчи... Мендан отчопар чиқмайди!!! Жўражон, мен бирон ой банд бўламен, қўғирчоқларимни эҳтиёт сақланглар. Қайтиб келганимдан кейин ўйнаймиз.

— Хўп бўлади, шаҳзода,— хомуш ерга боқди қиз.

— Кўнглингни чўктирма, мен тезда қайтиб келамен!

— Хўп бўлади, шаҳзода...

— Лочинбек тўдасига қўшилиб кетганимни қизларга билдирма, бир-икки ой ўтиб кетади. Хоҳламаганда бундай иш қилмоқлик яхши эмас! Зўравонлик!

Лочинбек тўдаси Жайхун томон жўнади. Берилган оту ақчаю либослардан ташқари, шаҳзоданинг ўзи ҳам бир чарм халта олтинни ёнига солиб олган эди. Ҳазорасп ҳокимига хабар қилиниб, энг яхши ҳовлилардан бири бўшатиб берилди.

— Лочинбек!— деди Ҳазораспга келган шаҳзода ўзи турадиган хонага йигит оғасини чорлаб,— анави тасҳара, таъвияларингга айт, исқирт соқол мўйловларини қириб ташласунлар! Акс ҳолда юзимни тесқари қиламен! Гаплашганда оғизларидан туфукларини сачратмасунлар!

— Хўп бўлади, шаҳзодам.

— Мана сенга бир тилло танга!— девқомат давангир йигит тилло тангани олиб, бош эгиб, шаҳзодага ташаккур айтди.

Шу лаҳза гурсуллаб от чоптириб келган паҳлавон Ғаюрхон гурс этиб отдан сакраб тушди-да, шаҳзода рўпарасида турди. Чангдан шаҳзода кўзларини уқалади:

— Вой, кўзимга чанг кирди! Секинроқ юрсани бўлмайдими! Мунча гурсиллайсен! Юрагим ўйнаб кетди!

— Узр сўраймен, шаҳзодам!

— Мана бу тангани ол! Бундан кейин гурсулламай юр чанг кўтарилмасун! Отингга ҳам гурсулламай юришни ўргатиб бўлмайдими?!

— Бўлади, шаҳзодам. От ўз измимизда! Секинроқ юр деб қулоғига айтамен... Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!

— Анави ярамас отга қаранглар! Инсонлар турган жойда бундай уят ерини қорнига уриб туриши ақлсиз ҳайвонлигидан дарак бериб турибди!

— Бу ярамасда ақл борми, шаҳзодам! Айниқса мана шу Лочинбекнинг отида қилча ақл йўқ! Ҳаммамизни шарманда қилади-я, уятсиз!

— Ҳэй, ичларингда мушук ўлиб қолганми, исқиртлар! Мен турган жойда одоб сақламоқ керак! Бир куни тахтга ўтирсам, бу ишларинг эсга тушса, каллаларинг кетади-я! Мен ҳеч нарсани унутмаймен! Ифор атрми, райҳонми, чўнтақларингга солиб юрсаларинг бўлмайдими! Ёввойилар! Сенларни одам қиламен, деб ўлиб бўладиганга ўхшаймен! Бу ишни амакимлар топширдилар-а!

— Узр сўраймиз, шаҳзода! Энди "мишиқ-пишиқ..." бўлайди!.. Ҳа-ҳа-ҳо-о-о! Анави ярамас Ҳангий ёзда ўрик, қишда туршак егани-еган... Ҳа-ҳа-ҳа-ҳо-о-!

Шаҳзода баъзан ўзининг ожизлигини сезар, бошқалардек от ўйнатиб қилич сололмаса ҳам амакиси Йинол-тегин қазратларига монанд зако инсон кўрсатмоқчи бўларди. Афсус, зақоликдан кўра ҳам ожизу фитнароқ эди. Заиф кимса фитначи бўлади. Ўз қўли остидаги Маъмун кутубонасига кириб, жовондаги бирон китобни олиб ўқиганмас. Саводли, аммо китоб ўқишга иштиёқи йўқ. Барибир ўзини одобли, ўқимишли кимса ҳисобларди. Баъзан ақилли аплар айтиб юбориб, атрофидаги дўлвор-тўпори йигитларини лол қолдирарди. Шаҳзода аслида ўзи нимжонроқ, бунинг истига бир аёғи калтароқ туғилган эди. Энагаларнинг унлар ухламай ниҳоятда беҳаловат парвариши, табибларнинг чақалоқ тепасидан аримагани, дорию дармоннинг ўри билан шаҳзода омон қолиб, катта бўлган эди. У жуда гужмал, аразчи, серхархаша бола бўлди. Онаси Суюкхон бутунлай бошқача — қувноқ, гўзал, ақилли. Подшоҳ арибир Сулаймонни яхши кўрар, оғаларига тортди деб, нинг жисмоний камчилигини кўрмас, ёш шаҳзодага доимо аррин либослар кийдириб, энг яхши отларга миндиришар, каларидан юқори тутишарди. Сулаймонда ичиқоралик поматлари сезилиб турса ҳам, оға-инилари буни сезмасикка ҳаракат қилардилар. Чунки Сулаймонни ранжитмоқ нани ва ҳатто шоҳни ранжитмоқдек туюларди.

Одоб — кишининг заковатидан дарак беради. Одобсизлик, ўзини бошқалардан устун қўймоқ — буни кўпроқларга хос, дейдилар. Бу -- ҳато. Кексалар, айниқса, зтта мансаб эгаларида худбинлик кўп учрамоқда, баъзан юбу худбинлик ҳақида гапирсак, бу иллатни фақат ёш-

ларга ёпиштирамиз. Тўғри, ёши катталарга аввал салом бермоқ лозим, бу — фарз!

Илгаригига нисбатан анча мулойим бўлиб қолган йигитлар баъзан валиаҳднинг "доно" сўзларини берилиб тинглангликлари учун ҳам тилло танга олардилар. "Соқол-мўйлавларингизни олиб ташланглар", дегинидан кейин барча дўлвор йигитлар, тухумдек силлиқ бўлишди... Пул ўлсин-е, пул ўлсин! Шундан сўнг барчаларининг ҳамёнларига яна биттадан тилло танга тушди.

Чоршанба куни, ҳадеб уйда ётаверамизми, деб, Лочинбек қирқ йигит ўртасида шаҳзода Сулаймоншоҳни олиб, бошига жигали тожини кийдириб, қум ичига равона бўлишди. Амакининг тайинлашича баъзан қумда югуриш, отларни чиниқтириш, така-ёвмитлар ҳужумидан ўзини ҳимоя этиш лаёқатини ошириш лозим эди. Кун иссиқ. улар от устида мудраб боришарди, қиличлар зилдек. Шаҳзоданинг қиличи отнинг қорнига тегиб халақит бераётгани, умуман у шаҳзодага оғирлиқ қилаётгани сабабли Лочинбек уни қиличини ёнига қўшалок этиб тақиб олган.

Бошқалардан ўн қадамча олдинга ўтиб, бамайлихотир, яйраб кетаётган шаҳзода бирдан от жиловини тортди. Ранги ўчиб, жойида қотди:

— Ҳей, бу ёққа келинглар! Анови нима?!

— Эчкиэмар...

— Одамга ташланмайдими? Нега қилт этмай турибди?!

— Эҳтиёт бўлинг, ҳазрат, у ёмон тишлайди,— деди кимдир орқароқдан ҳазил қилиб.

— Отга ҳам ташланадими?

— Э, от нима унга!

Шу лаҳза каттагина эчкиэмар қумни тўзитиб югурган эди, шаҳзода от устида "дод" солиб юборди.

— Қўрқманг, қўрқманг! Ўтиб кетди!

— Вой, нега айтмайсизлар!— у кўксига туфлади.— Отдан йиқилсам нима бўларди?! Еб кетарди!

— Биз бормиз, ҳазрат.

— Сенларга ишонмаймен! Гўзал Юсуф-пайғамбарни оғолари чоғга ташлаб, бўри еди, деганлар... Сизлар ҳам мени эчкиэмар еб қўйди, деб отамга айтасизлар... Ўз шаҳзодаларингизга садоқатли бўлинглар! Қани, орқага қочдик!

Қирқ йигит Сулаймоншоҳни яна ўртага олиб, тапиратупур, қум тўзитиб орқага қайтдилар.

— Қуриб кетгур эчкиэмарнинг башараси мунча совуқ! Юзимга тикилганча бақрайиб турди-я! Бутун вужудим

титраб кетди. Қочмаганимизда у ўз тўдасини бошлаб келиб, ҳаммамизни еб қўярмиди!

Ярим кунлик "жанговар сафар"дан сўнг улар яна қайтиб келиб, дам олишди.

Кечга яқин "келин-куёв" ўйнашди, шаҳзоданинг қатъий талабига кўра у "куёв" бўлиб, бошига жиғадор тожини, зарбоп чопон, белига заррин қамар боғлаб, курсидан "тахти олий" ясаб, унга қўққайтириб ўтқазиб қўйишди. Соқол-мўйлавини қирган йигитлардан Йўлбарсбек "келин" бўлиб, Зангий, Ҳангий, Бангий, Жангийлар "янга" аталиб, гўшангага олиб киришди. Тамғочхон, Тўғонбек, Қўчқорбеклар ёр-ёр айтиб, Буқабек чирманда чалди. Қиётбек билан Додбек хотин-қизларга ўхшатиб ингичка овоз билан ялла айтишди. Лочинбек — тўйбоши, ҳай, айнониб кетай, хонимлар кўп қиқиллаб кулаверманглар! Овқатга қаранглар, дерди. Кимдир кимнинг белини қитиқлар, вай — қўйсангиз-чи, деб қочишарди. Ким кимнидир ўпар, вай-ей, қўйиб юборинг, акажон, деб ўзини тортар, кимдир ёнидаги "жононга" бурнини қийшайтириб, рашк этар, ким-кимнидир чимчиларди.... Ҳамма бўлаётган воқеаларни "тахт"да ўтирган "куёв" кузатар, кўнгли ёқмайдиған "қўполроқ" қилиқ қилсалар дарҳол танбеҳ берар, тилло тангадан маҳрум этарди.

Бир ой ичида барзангилар қуёнга, шерлар маймунга йланди қўйди.

Ярим тунда Хоразм музофотида кутилмаганда зилзила бўлди, барча йигитлар хоналаридан қочиб чиқиб, ҳовлини гўлдиришди. Отлар тўрт оёғини кериб, кишнашар, ҳозироқ том босиб, тагида қолиб кетади деб хаёл қилган Жангий билан Ҳангий уёқдан-буёққа югуришарди. Осмонда ой исбаркашдек ярқираб турарди. Шаҳзода Сулаймон-поҳнинг эси оғиб, дик туриб хона этагида қоровуллик қилиб ётган Лочинбекнинг кўрпаси ичига кириб, уни маҳкам қучоқлади.

— Вай, ўлдим, вай, нима бўлади энди? Бундақа ер димирилар экан нега мени олиб келдинглар?!

— Шаҳзода ҳазратлари, қўрқманг, ўтиб кетади,— деди Лочинбек,— субҳон Аллоҳ, субҳон Аллоҳ!..

— Жуда қўрқиб кетяпман... Вай-дод! Энди нима қилаен! Ўлиб қоламен... Ҳамма ишни қилган амаким! Буёққа елмоқ нима зарур эди? Вой, мен ўламен!

Бир лаҳзадан сўнг зилзила босилгач, улар бироз зларига келишди. Бир-бирларини қучоқлаб, бир-бирларига маҳкам ёпишганча, асло бир-бирларини қўйиб юбормас-

дилар. "Кексайган подшоҳ дунёдан ўтиб, бу валиаҳд тахтга ўтирса..." ўзининг катта мансабдор бўлишига кўзи етган Лочинбек шаҳзоданинг қулига айланиб, айтганини қилар, эркаланиб нима топшириқ берса жон деб бажарарди. У ҳам хотинча гаплар айтиб юборар, "Вай-ей" иборасини бемалол ишлатарди. Лочинбекка ҳам шаҳзоданинг нусхи уриб гапириши, қилиқ қилишлари, ишларини кузатган йигитлар у қилган қилиқларни такрорлаб, тилло тангалар олишга мушарраф бўлишарди. Шаҳзода лабларини тамшаниши, қора қошларини учириб қўйиши, эркаланиб гапириши деярлик барча йигитларга уриб, улар ҳам такрорлардилар. Қирқ йигит бир ой ичида мана шундай қилиқларни ўрганиб Ҳазораспдан Гурганжга қайтиб келишди.

Қирқ йигитнинг пойтахтга етиб келганини эшитган Йинол-тегин ҳазратлари тезда улар ҳузурига борди. Шаҳзода билан омонлашди, Лочинбек, Йўлбарсбек, Қўчқорбек, Зангий, Ҳангий, Бангий, Жангийлар соқол-мўйлабларини қирдириб, расво бўлиб қолганини сезган юксак мансабдор донг қотди. Қиличу қалқонлар йўқ, ши-жоат йўқ... Йинол-тегин ҳазратларини юраги орқага тортиб кетди. Кўзи тинди. Шаҳзодага ва бошқа "йигит"ларга қараб, отининг бошини дарвоза томон буриб, қамчи босди. Бир сўз демай, ҳовлидан чиқиб кетди.

XIV боб

СОҶИН ҚАЛЪА, СИРЛИ ТУН...

Яна Наврўзи олам... Бу мунаввар кунларга етиб келганликлари, она заминга бостириб кириб талон-тароҳ қиладиган, қалъаларни ўраб олиб, ўт қўядиган ёвлардаи халос бўлганликлари, Турон юртининг катта қисми ис-тиқлол олганлиги шарафига бўлса керак, наврўз ғоятда шоду хуррамлик билан бошланди. Кўплар Қоратоғ томои — ривоч сайлига, Жайхун ёқасига кетди. Баъзилар қалъа ичида ўз уй ва маҳаллаларида наврўзи олам гаштини сурардилар.

Саройда кеча ва кундуз баробар бўлган бу айёмни барча шоду хуррамлик билан кутиб оларди. Етказганиг шукроналар айтиб, Тангрига дуо ўқиб, ҳамду санола айтардилар.

Сарой аъёнлари буюк малика Суюк хотун амри ил бола-чақалар, аёллар, бир неча келинлари билан бирг қатор араваларда қалъадан ташқаридаги сайрғоқ боққ

чиқишди. Кўкаламзорнинг кенг бағрига буюк малика етиб келишлари билан ўйин-кулги, машшоқу хонандалар қўшиғи, йигитлар ўйини авжга минди.

Унча ясанмаган, қилич тақмаган амир Алп-Арслон шаҳзода Йиғнол-тегин, вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла, собиқ вазир, саркарда Абулжаъфар ал-Ҳусайнлар даврасида ўтирарди. Унг қанотда енгилгина ҳарир чодир кўтарилиб, ичкарида қалин кўрпачалар узра Буюк малика, атрофида йигирма чоғлиқ ясан-тусан бекалар, маликалар хизмат қилишар, улардан ноёб ифюр ҳиди тарқалар, ҳаммалари ҳам Буюк маликага хушомад этиб, баъзилари ўз ҳаловатларидан кечиб, унга яхши кўринмоқ ниятида зингиллаб хизмат қилардилар, чеҳраларида табассум ёнарди.

Шу аснода бир ёш бола хотин-қизлар тўдасидан чиқиб, чопиб келиб, амир қулогига бир нимани шивирлади. Амир шаҳзода ва вазири аъзам рухсатини олиб, у бола билан биргаликда аёллар тўдасига яқинроқ борди. У Шоҳсанам беканинг илтимосига кўра сопол кўзани кўтариб, тепа остидаги булоқдан сув келтириб, аёллар тўдаси яқинига келдию, дарҳол орқасига қайтди. Амирнинг бунда бир дақиқа ҳам тўхтамай, ҳеч кимсага нигоҳ ташламай орқага қайтгани тикилиб турган Буюк бекага ёқди. Шоҳсанам бека сопол кўзадаги сувни тезда идишларга қуйди-да, уни кўтариб, кабобпазлар томонга кетаётган амир орқасидан йигирма қадамча юриб бориб, уни йўлда тўхтатди. Яна кўзачани қўлига тутқазди:

— Жаноб, кам олиб келибсиз, яна булоқдан сув келтиринг!— гапни ҳаммага эшиттириб айтди.

— Хўп бўлади, муҳтарама маликам, ҳозир олиб келамен,— деди йўл-йўлакай ўзида фавқулодда бир жасорат ҳис этиб. Улар бир пиёладан қизил мусаллас ичишган эди.

— Пайшанба куни тунда, хоб хонангизда мени кутинг! Зарур гапим бор,— деди гап охирида секин.

— Бу, мумкин эмас! Эс-ҳушингизни йигиб олинг! Бошингиз оғирлик қияптими!— деди Шоҳсанам бека Алп-Арслонга тикилиб,— келиш мумкин эмас, шарманда бўламиз... дорга осиламиз!..

— Севаман сени! Севган одам дорга осилишдан қўрқмайди!— Бу дадил гап Шоҳсанамни эсанкиратиб қўйди. У булоқдан сув келтириб, шу баҳона шакарғуфторлик қилмоқчи эди. Амир кўтара савдо қилиб қўйди. Ҳеч нарсадан чўчимайдиган, шаддод Шоҳсанамнинг юраги шигиллаб кетди.

— Мен қўрқамен! Мен ота-онам номига доғ туширолмаймен! Бундай қалтис ишга боролмаймен! Ҳурматли амир, бу ниятингиздан қайтинг! Тақдир шундоқ ёзилган экан... Мен энди шаҳзоданинг хасмимен... Қалбимда оташ кучли бўлгани билан, мен заифмен, ҳисларимни ошкор этолмаймен...

— Тақдирга бўйсунолмаймен!— деди амир Шоҳсанам сўзларидан ранжиб.— Сени тортиб олдилар! Амри вожиб севгимизни поймол этди. Барибир ҳеч қачон сендан кечолмаймен! Бу йўлда барча уқубатларга розимен! Шаҳзоданинг кимлигини биламен, у сенинг муҳаббатинга муносиб эмас!

— Бас!— деди Шоҳсанам юраги така-пука, қўрқиб.— Биз узоқ гаплашиб қолдик, амир ҳазратлари. Айғоқчи кўзларни кўрмаётирмисиз? Бу йўлдан қайтмоқ керак!

— Қайтиш йўқ! Сенсиз бу дунё менга нега керак? Сени жонимдан ортиқ севамен...

— Араб халифотида оиласига хиёнат қилган хотинни боши олинади. Кеча эшитдим...

— Маликам, мени кутинг! Вассалом!

— Жинни!— Шоҳсанам қайрилиб, дастурхон томон кетди...

Сокин қалъа, сирли тун...

Бир неча коса гулоб ичган амир тунда ўз ҳовлисига қайтмай, Доруссалтанада, отбоқар Абдурауф ота ҳужрасида қолган эди. У юзига соқол ёпиштириб, ўзга либос ва ўзга қиёфада элликка яқин бедовлар турадиган кенг отхонадан ўтиб, белида ханжар Доруссалтананинг гиштин деворларига кўтарилди. Кунгиралардан эҳтиёткорлик билан ўтди. Илгари гаплашиб, кўндирган эшик ясовулининг қўл-оёғини боғлади.. Шоҳсанам ётган хобхона эшигига яқинлашди. Наврўз сайлидан чарчаб келган маликалар, хизматкор хотинлар, чўрилар ўз жойларида қотиб ухлаб ётардилар. Ясовуллар қалъа ҳовлисида ўз бурчакларида қиличларини қучиб ухлардилар. Шаҳзода хобхонасини кўпроқ аёллар ихота этар, уларнинг биронатаси ҳам уйғоқ эмас эди. Ёввойи мушук мисол, қора либосдаги амир ой нурида баланд гиштин деворлар кунгурасидан ўтиб, хобхона эшиги ёнида тўхтади. Бари бир Алпнинг юраги ваҳима ичида гуп-гуп урарди. У ўз жони кетишидан кўра ҳам подшоҳ авлоди — Насриддиншоҳлар номига доғ туширишдан, исноддан қўрқарди. Аммо Шоҳсанам муҳаббати уни оҳанграбодек ҳар дақиқа ўзига тортиб турарди. Бир неча коса отрикроқ шароб ичган амир

кўзига дилдор Шоҳсанамдан бўлак ҳеч нарса кўринмади, унинг висолига етиш учун ҳеч нарсадан қайтмади.

Хобхона эшигининг ғирчиллаб очилиши Шоҳсанамни уйғотиб ~~иб~~борди. У чўчиб, қўрқимсираб, шам ёруғида эшикка боқди. Ўз сўзлик амир айтганини қилганга ўхшайди, деди юраги бирдан гуп-гуп ура бошлаган Шоҳсанам. Ғоятда қалтис бўлса ҳам унинг пайдо бўлишини сезганди. Дам ухлаб, дам уйғониб, яқингинада кўзи илинган Шоҳсанам тўшагида ўтириб олди. Даҳанига тўрва соқол ёпиштирган амирга кўзи тушиб, қўрқди ҳам, кулди ҳам... Дарҳол ўзини тортиб, очиқ ва бўртган оппоқ кўксини кўрпа билан бекитди. Унсиз, жим қотиб турди. Бир лаҳзадан сўнг, "Жинни бўлдингизми!" деди титраб. "Кетинг тезда! Бу, нима?!" Амир безрайиб туриб, соқолини олиб ташлади. Ҳайдамоқ бефойда эканини сезган Шоҳсанам устидаги кўрпани итариб ташлаб, ҳарир ички либосда ўрнидан туриб келиб, амирни қучди: "Паҳлавоним... Подшоҳим... Итоатсизим..." Улар бир-бирларига шундай чирмашдиларки, қилич билан ҳам ажратиб бўлмасди. Юраклар гуп-гуп урарди. Амир жонини тикиб бу ерга кирганини кўриб турган Шоҳсанам ўзини амир иродасига таслим этди. Севикли кишисининг васлига етгандай, дунёда энг бахтиёр инсондай бөрлигини унга топширди. Ҳар қалай у бу ердан тезроқ омон кетишини, икковлари ҳам соғ-саломат қолишларини ўйлаб, ёш малика йигит бағрида ҳаллослар, бир-бирларини маҳкам қучиб, антикардилар. Бир неча дақиқадан сўнг, улар тўшаққа қулашди... қумлик саҳроларда ташна юрган оҳудек бир-бирларига тўймай, вужудлари бир бўлиб кетди. Амир унинг юз-кўзларидан, сочу дудоқларидан, кўкрагию қўлларидан қайта-қайта ўпарди, сўлоқмон кафтлари билан Шоҳсанам билакларидан маҳкам ушлаган эди. Шоҳсанам эркаланиб, амир қўлларини итариб, қаттиқ ёпишганига ҳам қарамай, забардаст қучоқдан атайи балиқдай сирғалиб чиқиб кетишга интиларди. Шу лаҳзадан сўнг Шоҳсанам оҳ уриб, фарёд чекди... Кўзларига қон тўлган ёш амир маликанинг оҳу надоматига қарамай, ўлжасини босиб ётган йўлбарсдек ўкирарди...

— Бераҳим!— деди Шоҳсанам бир муддатдан сўнг амир Алп-Арслон кўксига қош-кўзларини суртиб, сўнг унинг қучоғидан чиқди. Улар бир муддат жим бўлиб қолишди. Тўй кунини амир ўз кўксига ханжар уриб, ўзини ўлдирмоқчи бўлгани ёдига тушди. Севгилимнинг васлига етар кун бор экан-ку, деди у ўзига ўзи.

— Маликам, жондан азиз маликам, сен меникисен,— деди амир бу дунёга янги келгандек, бу дунё ғоятта гўзал, бу дунё дилбар эканини фаҳмлаб,— фақат меникисен! Биз иккимиз бир-биримиз учун туғилганмиз... Аллоҳ бизни бир-биримиз учун яратган...

— Паҳлавоним... саркардам... амирим... бас!— деди Шоҳсанам унинг қучоғида эркаланиб, сўнг бармоқлари билан амир лабларини бекитиб, у ҳам дунёга янги келгандек, бу дунё ғоятда бебаҳо, ғоятда гўзал, Туронзамин ҳамма мамлакатлардан ортиқ эканини сезиб,— амирим, энди кетинг! Ҳадемай тонг отади!

Тонг ғира-ширасида амир яна иягига соқол ёпиштириб, ясовул либосида қоронғу зинапоялар, қўрғон кунгураларидан ўтиб ҳовлига тушди. Шоҳсанам қон томган чойшабни дарҳол йиғиб олиб, яширди. Гуноҳкор амир баҳайбат дарвоза ёнидаги қоровулхонага кирди. Ҳар қандай тасодифга қарши ханжарни қўлга олди. Кунгурага осилган арқонни узди. Қўл-оёғи боғлоғлик ясовулни бўшатди. Устидаги либосларини ечиб, ўз либосини кийди. Чўнтагидан чарм халтачани олиб, ясовулга узатди.

— Амир ҳазратлари, бирон кимсани ўлдирмадингизми?— сўради ҳар эҳтимолга қарши қўли боғлиқ ясовул.

— Ҳеч кимни ўлдирганим йўқ!

Ясовул кўксига туфлади.

Амир Алп-Арслон отхонага кириб, тайёр турган ўз отини олиб чиқди. Тонг ғира-ширасида дарвозадан чиқиб, саҳро йўлида Гурланга чопиб кетди. Ясовул яна дарвозани ёпиб, маҳкам қулфлаб олди. Амир Алп-Арслон ясовулдан бўлак ҳеч бир кимса кўргани йўқ, деярлик бутун қалъа — Доруссалтана ширин уйқуда эканини ҳаёлидан ўтказди.

Қуёш кўтарилиб, офтоб нурлари ерга тушганда у "Ғори Морон" жарлиги ёқасидан от чоптириб ўтди. Бу жарлик илонлар макони бўлиб, афсонавий аждару учар илонлари ҳақидаги ваҳшат Гурганжу шу атрофдаги қалъаларга ваҳима солиб турарди. Кўпроқ болалар унинг номи ила қўрқитиларди.

— Тангрим ўзи кечирсин, гуноҳкормен! Гуноҳ менда! На иложим бор, сени севсам, сенсиз яшолмасам, сенсиз бу дунё бегона менга. Ўзи бизни тупроқдан яратди, тўғри бўлинглар, мендан қўрқинглар, деди. Ўзи яратди-ю бу тупроқ ичида жавоҳир зарраларини ҳам яратди. У — бизнинг вужудимиздаги, дилимиздаги муҳаббатдир. Мен гуноҳкор банданинг вужуди дўзах оташида куйиб кул бўлар,

аммо қалбимдаги жавҳар ўтда куймас, қилич билан кесилмас, сувга тушиб, эриб кетмас...

— Тавба қилдим, денг, амир! "Тавба қилдим." Энди бундай гуноҳ ишлар қилмаймиз, э, тангрим, бизни кечир, деган эди Шоҳсанам.

Сариқамич пастлиги томон оқиб ётган сой бўйида тўхтаб, отдан тушди. Атрофга аланглади, кенг даштда тумшуғи билан ер титкилаб, хўрок ахтариб юрган бешўнта қора қузғундан бўлак ҳеч бир жонлиқ кўзга илинмади. Шу лаҳза устидаги либосларини ечиб, буралиб оқиб ётган сувга шўнғиди. Тепада қарчиғай оти унга тикилиб қараб турарди. Обдор чўмилиб, тоза бўлиб, қирғоққа чиқди, танини артишга бирон лунгию мато бўлмагач, ўзини офтобга солиб, бир-икки сакради, сўнг либосларини қайтадан кийиб, сакраб отига минди.

Севишганлар висол чоғини яширадилар, бизни ҳеч кимса кўрмади, деб ўйлайдилар, аммо кимдир уларни кўрмаслиги, сезмаслиги мумкин эмас. Инсон сезмаганда, шайтон кўриб туради. Шоҳсанамнинг юрагига шубҳа тушди, амирни бирон кимса кўрмаганмикан?!

Амир Алп-Арслон отни шитоб билан юришга ниқтаб, Гурланга етиб келгач дарбозада кутиб олган хизматкорига отни топшириб, ичкарига кирди. Икки ҳафтадан буён Гурганждан чиқолмаган мансабдор ўғил, ичкари хонага кириб, онага таъзим ила салом берди. Қутлуғ бека ўглининг пешонасидан ўпиб, уни дуо қилди. Хизматкор аёллар дарҳол дастурхон тайёрлашди.

Нонуштадан сўнг, амир ўз хонасига кириб, Аллоҳга ёлбориб, гуноҳкор бандангни кечир, деб илтижо этди, иккинчи бор бундай гуноҳ қилмаймен, тавба қилдим, деб қайта-қайта ёлбориб сўради.

XV боб

ИНСОН ВУЖУДИДА ИККИ ХИЛ ҲОЛАТ БОР: БИРИ РАҲМОНИЙ ФАЗИЛАТ, ИККИНЧИСИ — ҲАЙВОНИЙ ОДАТ...

Лашкарбоши Абулжъафар Хусайн подшоҳ ҳазрати олийларини ўз чорбоғига зиёфатга лутфан таклиф этиб, аввал кўнмаган он ҳазратни охир оқибат кўндиришга муваффақ бўлди. Унинг анчадан буён бу "тадбир"га ҳаракат қилиб юрагани, заррин либослар ва бошқа бебаҳо туҳфалар тайёрлаётгани вазири аъзам жанобларига қисман маълум бўлса ҳам "Сукрот" шаҳзода Йинол-тегин

ҳазратларига мутлақо номаълум эди. Энг муҳими шуки, шўх ва дўндиқ, ғоятда келишган Сарвиноз беканинг подшоҳ хонадонига яқинлиги, буюк малика билан иноқлиги он ҳазратни бу зиёфатга боришга рози этди. Аслини олганда Сарвиноз бека подшоҳга. юз очиб, ўзини кўрсатгани, у "Ноғарақорин"га номуносиб экани подшоҳ хаёлидан ўтиб, узумнинг яхшисини ит ейди, деган гап кўнглидан ўткан эди. Ҳарбий салоҳиятдан кўра диркиллаб рақсга тушиши, хушодаду мансабни яхши кўришини кўплар билар, бу одамни олий мансабларда юришига кўплар ҳайрон эди...

Сарой аъёнларидан деярлик яширин тутилган бу зиёфатга ўзи суқилиб подшоҳ ёнида шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари атайин бордилар. Пурвиқор вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла ва яна бир неча олий мартабалик кимсалар зиёфатда ҳозир эдилар. Шаҳзода Сулаймоншоҳ "бетоблиги" сабабли онаси ёнида қолди.

Катта ҳовуз рўпрарасидаги нақшинкор айвонга чўгдек қизил гиламлар тўшалган, атрофида йигирма чоғлик киши ўтирадиган хонтахта усти нозу неъматларга тўлган, ўн чоғлик ёш йигит енг шимариб хизмат қилиб юрарди. Подшоҳ тагига тўрт қабат ипак кўрпача ёзилиб, орқасига духоба болишлар қўйилган. Чиний табакларда таом, бил-лурий идишларда май...

Фотиҳадан кейин неъматлардан тановул эта бошлашди. Дастурхон устидаги анвойи нозу неъматлардан кўра ҳам бунда на чивин ва на пашша йўқлиги подшоҳни таажжубга солди. Аллақаердан келиб қолган бир пашша гингиллаб учган эди, хизмат қилиб юрган йигитлардан бири қўлидаги от думидан ясалган қамчини билан уни қулатиш пайига тушди. Айвон атрофидаги гулчин-ўймакор устунларга кўз илгамас ҳарир тўр тортилиб, чивину пашша ва бошқа ҳашоратларни айвонга ўтишига йўл қўйилмасди. Ясанган, бошидаги саллачага жиға қадалган бир хизматкор йигит товус патларидан ясалган елпуғич билан подшоҳ ҳазратларини оҳиста елпиб турарди. Улуғ ҳазрат ташрифларига бағишланган бир-икки оғиз хушодад гаплар ҳам бўлиб ўтди. Подшоҳнинг "бисмиллоси..."дан кейин, бошқалар дастурхондаги патир нондан узиб олиб оғизларига солдилар. Ундан сўнг, каклик ва бедона гўштларини бурдалаб тановул қилдилар. Чиний пиёлага қўйилган қизил гулобдан симирдилар. Ўтирганлар он ҳазрат нимадан тановул этса шуни қилишарди. Буни сезиб турган подшоҳ мийиғида кулди; ўзига нисбатан бунчалик

садоқату, эъзозу эътиқод юрагига шуур бағишларди, ҳар қандай зако ва одил ҳукмдор ҳам атрофидаги мансабдорларнинг бундай хатти-ҳаракатини ёқтирар, сидқидилдан деб тушинар, ёқмай иложи йўқ... Айниқса қизил шаробдан сўнг.

Қўшин ва ҳарбий салоҳият, машқу куруллар хусусида гап кетиб, вазири аъзам Абулжаъфар ҳазратларининг қўшинни такомиллаштиришда илгари анча-мунча ишлар қилганини таъкидлади. Жанубга юришдаги зафарда Абулжаъфарнинг ҳам катта ҳиссаси борлигини гап ичида сезилар-сезилмас билдирди. Бу эса биргини амир Алп-Арслон эмас, бошқа саркардаларнинг хизмати ҳам борлигини маълум қилиб турарди. Ҳаммадан аввал Аллоҳнинг хоҳиши, иккиламчи Олий ҳазратнинг зако сиёсати, наинки Хоразм, Туронзамину Хуросонда обрӯи баландлиги бунга сабабчи деган сўзни айтди. Ширакайф подшоҳга бу гап ҳам жуда ёқиб, вазири аъзамга мамнуният ила боқиб, бош ирғаб қўйди. Бош вазирнинг ишдан кўра гапга устолигини шахзода Йинол-тегин ҳазратлари яхши билардилар.

Гулобу бодаю май, булар минг яхши бўлмасин барибир шайтоннинг сувидир, бу "сув"га ўрганган кимса яна кўпроқ ичмакка ружу қилади. Хоразм лашкари музаффар байроқни баланд кўтариб, қанча ўлжаю тилло, забаржад, қанча бойликлар билан Гурганжга кириб келгач, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийларининг шон-шавкати Хуросону Туронзаминни, Сайхун бўйидаги ўғуз ерларини тутгани кўп базму жамшидлар, тўйларга сабабчи бўлган. Саройдаги пайдар-пай катта базмлар олий ҳазратни сурункасига май ичишга ундарди. Бедонаю каклик гўшти, жайрон кабоб, оҳу мўғизидан тайёрланган дорилар подшоҳни яна ҳам куч-қудратга тўлдириб, ер тепиниб туришга, тоғ такасидак сакроғич қилиб юборган эди.

Он ҳазратнинг кайфи ошгач, баъзан кимнидир мазах қилиб, камситиш одати бор эди, бу гал мезбоннинг ўзини мўлжалга олди:

— Дунёда энг мазалик нарса нима?— деди олий ҳазрат рўпарасида ўтирган вазири аъзамга илжайиб.

— Бедона гўшти ила гулоб...

— Ҳа, бу ҳам маъқул, аммо жайрон кабобу анор суви бебаҳо...— деди Йинол-тегин ҳазратлари.

— Йўқ,— деди эътироз билдириб мезбон Абулжаъфар Хусайн жаноблари,— дунёда энг лаззатли ва мазалик нар-

са киши қўтир, бадани ғадир-будур бўлиб кетганида қаши-
ганнинг роҳатига ҳеч нарса етмайди!

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳо-о-о!— Подшоҳ мазза қилиб қаҳ-қаҳа
отди,— ўзингиз бўлганмисиз?

— Йўқ, ҳазратим.

— Унда қаёқдан биласиз?

— Эшитганмен.

— Эшитган бошқа, қўтир бўлган бошқа... Бир қўтир
бўлиб кўринг, нимангиз кетарди. Ишқалаб қўямиз...

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи...— чўққи соққол вазири аъзам энгак
ташлаб кўлди,— қошиқ билан денг улуғ ҳазрат, қўтирни
куйган қошиқ билан қашлайдилар.

— Ҳеч бўлганмисиз?— Подшоҳ хаёли бошқа ёққа кетди.
"Наҳотки гўзалликда тенги йўқ, гулбадан Сарвиноз шу
қўтир эшакнинг қучоғида ётган бўлса?"

— Йўқ, ҳеч қўтир бўлмаганмен. Қасам ичиб айтамен!

— Менинг бир ошнам қўтир бўлган,— деди ад-Давла,—
"жомашовда ўтириб, қошиқ билан тимдалаш жон роҳати"
деган эди. Абулжаъфар иним қўтир бўлмаганлар. Аммо,
чечак чиққан, бўлмаса юзлари бунчалик "кўркам"
бўлармиди!

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

Бир муддатдан сўнг подшоҳнинг кайфи ошиб ёстуққа
суянди, у бундай дилхуш пайтларда тилига кўп куч бер-
мас, бошқаларни тингларди. У, мезбонни имлаб ёнига
чорлади-да, қулоғига шивирлади. Абулжаъфар жаноблари
таъзим билан бориб, дарҳол ён хонага кириб кетди. Бу
хонадан иккинчи, учинчи хоналарга ўтиш пайтида кичик
эшик ёнида яшириниб турган Сарвиноз бека эрининг
йўлини тўсди. "Зиёфатдан подшоҳ ҳазратлари мамнунми-
лар" деб сўради.

— Ҳаммаси жойида,— деди шошиб Абулжаъфар,—
фақат жой тайёрлаш керак, олий ҳазрат чарчаб қолдилар.
Ухламоқчилар...

— Ташвиш тортманг, жой тайёрланган.

— Э, баракалло! Фаҳмингга тасанно! Девор бўлмаса
далани кўрасен, бекам.

— Ичкари хонага, хобхонага олиб кириб ётқизинг!

— У хонагами?

— Ҳа?— деди Сарвиноз кескин ва зарда билан,— бугун
биз хизматдамиз, эртага бафуржа ётамиз. У зот ташриф
буюриб, хонадонимизга келибдилару жой талашамизми!
Подшоҳ қадами етиб, хонадонимиз қутлуг бўлди.

— Тўғри айтурсен, бекам.

— Олиб келинг! Фақат ўзингиз олиб келинг! Ясавулбоши ва бошқа маҳрамлари айвонда ўтирабержинлар!

Абулжаъфар хотинидан "фармон олгач" зингиллаганча гиламлар ташланган шинам хонаю даҳлизлардан ўтиб, айвонга чиқди. Уйқу босаётган, маст подшоҳнинг қўлтигидан олиб, ичкарига кириб кетди. Орқадан келаётган қуролли икки маҳрамга "орқага қайтинглар" ишорасини қилди. Бу гап етмагандай, улар ўзини сездирмай измаиз келаётган эдилар, подшоҳнинг ўзи қўли билан уларга имо қилиб, "айвонга қайтинглар, мен дам оламен!" деди. Иккинчи хонага ўтишда чироғлар шуъласида подшоҳ қўлтиғи остидаги Абулжаъфарнинг тақир бошини силади: "Тўшагимга бирон канизак киритиб юборасен-да, иним... Кейин сенга жуда яхши бўлади..." Абулжаъфар подшоҳга бир қараб қўйди-да, ўйланди. Ичида "қандай канизак киритамен... Менда канизаклар йўқ-қу! Хизматкор — оқсоч аёллар подшоҳ тўшагига арзимади! Подшоҳга оқсоч хизматчиларни қандай киритиш мумкин?.."

Энг ичкаридаги хобхонага суяб олиб кирилган подшоҳни тайёрланган партушаклар устига ётқизди. Оёқдаги этикни, устидаги пешматни ечиб олди.

— Саркарда, сен энди бор, меҳмонларинг зерикмасин... Мен ухлаб оламен, кейин сени ўзим чақирамен!

Абулжаъфар хонадан чиқиб, подшоҳ ташна бўлмаслиги учун косада анор суви, қатиқ ва яна мевалар олиб кирмоқчи бўлаётган эди. йўлида рўпара келган Сарвиноз эрига гап қотди:

— Ишингиз битди! Буёғини ўзимиз тайёрлаймиз! Сиз меҳмонларингизга қарайверинг! Қатиқ ҳам, анор суви ҳам бор...

— Олий ҳазрат илтимос этиб, тўшагимга бир канизак киритинглар, дедилар... Бизда канизак йўқ-ку?

— Бизда "канизак" бор! Буёғи биз хотинларнинг иши! Сиз аралашманг! Дарров меҳмонлар ёнига боринг! Подшоҳ ўйимизга келарканлару битта "канизак" тополмай-мизми!

— Топ, бекам! Ишқилиб, ҳазратни хафа қилмай жўнатсак, шу бас. Мақсадни биласан-а? Қуйиб-эзилиб кетдим! Анави ярамас амир бизни эзиб ташлади-ку! Жигар-бағрим хун...

— Тушунамен, куйинманг саркардам! Буёғини ўзимга қўйиб беринг. Шошдан келганнинг бошини тошда эзамен!

— Амирни ёмонла! Бу, ҳаёт-мамот жанги!

— Хотиржам бўлинг, саркарда. Ҳаммаси яхши бўлади...

Абулжаъфар меҳмонлар ёнига, айвонга чиқиб кетиши биланоқ чиккабел, гўзал Сарвиноз узуму ноку олмалар билан тўлган чинни товоқни кўтариб он ҳазрат ётган хонага кирди. Товоқдаги бир олма тўп этиб гилам устига тушди, маст подшоҳ ялт этиб боқди, тепасида Сарвиноз турарди. Бу гўзал ёш жувон ўз шўхликлари, сўзамоллиги, "мўрчамиёнлиги" билан саройда ном чиқарган. Унинг серқичиқлиги, эри бўлатуриб, келишган йигитлардан кўз узмаслиги. Баъзи қилиқлари кўпларнинг диққатини тортарди. "Узумнинг эзилгани ҳам узум, эркакнинг ёмони бўлмайди..." деган гап мана шу Сарвиноз бекадан чиққан. Хуфья суҳбатларда олий мансабдор Абулжаъфарнинг гўзал хотини хусусида унча-мунча гаплар эшитгану аммо у ҳайит кунлари маликалар тўдасида саломга келганида юзини қисман рўмол билан беркитиб, қадду қоматини таманно этиб чиқиб кетган, у қандайдир бир қичиги билан подшоҳ диққатини ўзига тортган эди.

— Бекам, бу, сизмисиз?— маст подшоҳ ҳайрат билан унга тикилди. Унинг асли исми Ҳалима бека бўлиб, шаддоду сержилвалиги, қайноқ қонлиги, мўрчамиёнлиги, алалхусус серқичиқлиги туфайли Сарвиноз тахаллусини олган.

— Ҳа, улуғ подшоҳим, бу мен! Сарвинозмен... Канизакларингиздан биримен... Канизак сўрабсиз, агар мен канизакликка ярасам бутун умримдан рози бўлардим, подшоҳим...

— Хижолат қилманг, бекам, сиз улуғ бекасиз! Ҳуснда беқиёсу беназирсиз, латофатда тенги йўқ, бебаҳосиз...

— Бир лаҳза дилхушлигингизга ярасам, сизни хурсанд этолсам умримдан ризомен, подшоҳим...— у мева тўла чинни товоқни курсига қўйиб, елкасида илиниб турган ипак либосни гиламга ташлаб, илгаридан тайёрланган, деярлик ярим яланғоч ҳолда тўсатдан подшоҳ қучоғига кирди. Аввал уни маҳқам қучиб, ҳирси қўзгаб, лабларидан ўпиб, елкаларини эзган подшоҳ қўллари билан гўзал аёл қаддини, орқаларини силаб, сонларига қўл югуртирди. Шундан сўнг Сарвинозни йўлбарсона тагига босди... Сарвиноз шундай нолишу қизбола фарёди, шундай қилиқлар қилардики, подшоҳ борган сари шерланиб, ҳирсига ҳирс қўшилиб, уни бағрига босарди, асло тўймасди...

Бир муддатдан сўнг "йиртқич йўлбарс ўкириб" Сарвиноз устидан тушди, улар овоз чиқармай ёнма-ён ётишарди.

— Бекам, сен дунёдаги энг гўзал аёл экансен... Сендан миннатдормен... Тила тилагингни!

— Ҳеч қандай тилагим йўқ, подшоҳим, сизнинг васлингизга етмоқ, бир лаҳза бўлса ҳам сиз улуғ инсонни хурсанд этмоқ тилагим эди. Шу тилагимга етдим...

Подшоҳнинг "қаттиқ ухлаб қолгани", уйғотишга жазм этолмаётганини Абулжаъфар ҳазратларидан эшитган меҳмонлар ярим тунда тарқалишди. Мезбон уларни кузатди. Фақат ҳовлида, атроф-ёқда қуроллари бурро ўн чоғлиқ маҳрам йигитлар кўзга кўринмас ерларда мижжа қоқмай шай туриб, посбонлик қилишарди. Доруссалтанадан то Абулжаъфар ҳовлисигача бўлган кўчаларда ҳам сипоҳий отлиқлар юришарди...

Ҳирсий тўлғоқ ва жунбушлардан чарчаган подшоҳ ўз тўшагида мизғиди, у ёнида ётган хипчабел Сарвинозни асло бағридан қўйиб юбормасди, уйғонгач яна "шўхлик" қила кетди. Яна ҳаллослаш, пишқириш, ўпиш, ялаш...

— Вой, тавба! Улуғ ҳазрат, сизда қирқ йигит кучи бор экан...

Тонг отарда подшоҳ ўрнидан туриб, ювинмоқчи бўлди. Ёнидаги хужрада илиқ сув, ифори совунлар шай қилиб қўйилган. Он ҳазрат ювиниб чиққач, тўшакда ётган Сарвинозга боқди, Сарвиноз юзига дарҳол кўрпа тортиб, бекинди. Он ҳазратдан уялди. Ҳазрат қайтиб келиб, кўрпани очди-да, Сарвиноз лабидан ўпди. У, шу ҳовлида қаердадир ётган эри Абулжаъфардан ҳайиқмаётганини, бу зинодан эри хабардор эканини хаёлидан ўтказиб, ўзини подшоҳга қурбон қилаётир, деб ўйлади. "Бир лаҳза сизни шод этсам, умримдан ризомён..." деган сўзи подшоҳга гоятда ёқди. У Сарвинозга меҳру ишонч билан боқди.

— Бир нима денг, бекам, сўзингизни эшитишга муштоқмен.

— Сўз дейман, улуғ ҳазрат, локин сўзим сабаб мени ёмон кўриб қолсангиз, бу мен учун жуда оғир!

— Айтинг, мен сиздан энди ҳеч кечмасмен. Сиз ҳамма аёллардан аълосиз. Сиз — жаннатсиз!

— Амир Алп-Арслон бизнинг хонадонимиз душмани бўлиб қолмай, бутун салтанатнинг ҳам душмани!

— Эринг уни ёқтирмаслигини биламен. Нечун "салтанат душмани", деб атайсен?

— У Шош фарзанди, у томон ҳукмдори билан ёзишмалари бор, эрим қўлида. Самарқанддан келган жосуслар билан алоқа қилади, бу ясовулбошига маълум... Сўранг! Иккиламчи, инингиз шаҳзода Йинол-тегин уни доимо ҳимоя қилади, у ҳам Шош қалъаси билан алоқадор. Учинчидан келинингиз Шоҳсанам бека билан амирнинг пинҳоний алоқалари борлиги саройда ҳаммага маълум... Наҳотки подшоҳ келини билан ошиқ-маъшуқлик қилса! Фарзандингиз Сулаймоншоҳнинг кўзига чўп ташламоқда "гўзал Шоҳсанам"! Бу гаплар қанчалик аччиқ бўлмасин барибир айтмоқни лозим топдим. Амир тахтга кўз олайтирмоқда. Бу аниқ, подшоҳим!

— Сен кўп нарсаларни гапириб юбординг!— деди подшоҳ атайи уни сансираб, турган ерида хаёлотга чўмиб.— Наҳотки бу гапларда ҳақиқат бўлса?!

— Улуғ подшоҳимга, салтанатга ўзини қурбон қилишга тайёр кимса, эрининг ханжаридан ҳам қўрқмаган аёл ёлгон гапирмайди! Мен ҳам, эрим ҳам Хоразм фарзандимиз, шу ерда туғилганмиз, шу ерда ўламиз. Шамширингиз бўйнимиз устида. Аммо у ўзга юрт боласи, бу ерда ранжиса Туронзамин кенг... Бедонанинг уйи йўқ, қайга борса битбилдиқ... Валиаҳд шаҳзода Сулаймоншоҳ ҳазратлари анча бўшлар, лекин амир Алп-Арслон Сиз олий ҳазрат белгилаган режа бўйинча зафар қозониб қайтди.— Бу режани тузишда Абулжаъфар ҳазратлари ҳам иштирок этганлар...

— Бу, ҳақиқат,— деди подшоҳ. Лекин Сарвиноз айтаётган сиёсий ва давлат аҳамиятига молик гаплар Абулжаъфарнинг сўзлари эди.

Подшоҳнинг хаёли Абулжаъфарга кетди, аммо рўпарасида ётган соҳибжамолдан асло кўз узмасди. Бу гўзал эртанги кун учун ҳам даркорлигини хаёлидан ўтказиб, унга терс жавоб қилмади, айни вақтда юрагида гумонсираш, шубҳали фикрлар хаёлини қуршади. Бу хонадон амирни ёмон кўришини илгаридан сезарди-ю, ёш амир Абулжаъфар билан тил топишиб кетар, деб ўйларди. Сарвиноз сўзларида қандайдир ҳақиқат ҳам борга ўхшади. Вазири аъзамдан эшитгани, унинг яна бир сўзи бошини қотирди. Гўё амир Алп-Арслон жанг асносида ва мартабадор кимсалар орасида бир неча бор айтганмишки: "... ҳар бир иш Аллоҳнинг иродаси ила бўлур... Подшоҳлар келиб-кетаверади, лекин Туронзамин абадул абад қолаверади... Сиёсатлар ўзгариб, янгиси пайдо бўлаверади, аммо Туронзамин тураверади... Туронзамин муҳаббати ҳамма нарса-

дан юқори! Шу замин учун жонни фидо қилайлик, паҳлавонлар!"

Бу наъраю нидони Хуросон юришида амир лашкарига, унинг яқин кишилари этиб юборилган жосуслар вазири аъзамга етказган, вазири аъзам бу сидқидилдан айтилган гапни бошқа томонга буриб, тескари этиб, подшоҳга етказган эди. Бу "нидо" ичида сизнинг муборак номингиз йўқлиги галати деб, илгарироқ подшоҳ юрагига шубҳа солганди. Бу гап ҳам кўпдан бери подшоҳ юрагида тошдек оғир чўкиб ётарди.

Инсонни гап бузади. Инсон темирдек, метиндек бўлгани билан у гулдек беғубор, ўз жисмидан узилгач, сўлишга маҳкум. Сарвиноз подшоҳ юрагидаги ёш саркарда амир Алп-Арслон меҳригиёсини узди, унда шубҳалар пайдо этди. Боши атрофида заҳарли сариқ арилар, қовоқ арилар гувуллаб уча бошлади...

* * *

Зино эркак қалбига шукуҳ беради, роҳат... Етти қабат осмонга чиққандай бўлади инсон. Аммо... Подшоҳ ҳазратлари чарчоқ ўтирардилар, бел, оёқ-қўллар оғриб, мадор йўқолган. Сарвиноз уни шафтолудек сўриб ташлаганди. У кимгадир "тоғдек оёққа бут кўтариб, эрим ишларини тўғриладим..." дебди.

Шоҳ оёғи қалтираб, пешайвонга чиқди, ёлғиз бир ўзи йўлбарс териси ташлаб қўйилган суянчиқли курсига ўтириб, хаёлот дарёсига чўмди... Ҳа, айбсиз парвардигор... Подшоҳ ўз гуноҳини англаб, Тангрига ёлбориб, тавба қилиб, ундан бу қилмишларига афв сўради. Шайтон вас-васасига учганини, ишратга берилиб, ўзини туголмаганидан пушаймон бўлди. Янглишмоқ инсонга хослигини, ҳатто ҳукмдорлар, зако инсонлар ҳам бундай қабиҳ ишлар қилиб қўймоғи мумкинлигини дилидан ўтказиб, ўзига тасалли бермоқчи бўлди-ю, аммо фикрлари асло ёришмади. Нодон кимсанинг гуноҳи унинг ўз остонасидан нари ўтмас, лекин буюк бир мамлакатни сўраб турган кимсанинг гуноҳи юртни остин-устун қилиб юбориши мумкинлигини дилидан ўтказди. Кичик дарз катта кемани чўктиради...

Аслида подшоҳ кейинги пайтда қисман ҳар нарсадан шубҳа олмоқ дардига мубтало бўлганди. Табиблар "Савқитабий" дарди атаб, уни даволаш кўп мушкул кечаётган эди. Бу дард устига яна ишратга муккасидан кетган ҳукмдорга ҳеч кимса сўз айтолмас, бу гуноҳни эслатиб, шама қил-

моқлик ҳам ёмон оқибатларга олиб келмоғи мумкин эди. Доруссалтанага тез-тез келиб турадиган мавлоно Рашидуддин Ватвот ҳам оёқ тортиб кетдилар, чунки тили аччиқ шоир подшоҳга ёқмай қолган эди.

Шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари ҳам подшоҳдаги бу ўзгаришни сезиб, кўп афсусланиб, ўзларини андак тортидилар.

XVI боб

ТАХТ УЧУН КУРАШ

Ярим тунда от чоптириб келган ҳарбий суворий қалъа дарвозасини қамчини дастаси билан тақиллатиб, ичкарида ухлаб ётган дарвозабонларга тезда очишни даъват этди. У жуда бетоқат эди. Сусткашлик қилинган, сиёсат қилди. Бамайлихотир дарвозани қия очган ландовурнамо бир ясовул рўпарасида югураберганидан обдан ҳолдан тойган сипоҳийга кўзи тушди:

— Кимсен? На керак?!— нодонларча ўшқирди дарвозабон.

— Мен олий ҳазрат ёнларига кирамен. Ҳазораспданмен. Жуда зарур хабар келтирдим.

— Олий ҳазрат уйқудалар... Ҳозир ярим тун эканини билурмисен?!— у дарвозахона ичкарисиди ёниб турган машъала нурида келгиндига тикилиб.

— Барибир Доруссалтанага киришим керак. Шаҳзода бордирлар, амир бордир, лашкарбоши ҳазратларига ҳам учрашаберсам бўлади. Тушундингизми, салтанат қил остида осилиб турибди!

— Тур-е, ваҳманг қурсун! Улуғ ҳазрат салтанатига ваҳима соладиган кимса йўқ!!!

— Нодон бўлма, дарбозани оч!

— Бу кеча қалъага ҳеч кимса қўйилмасун, деб фармон берилган! На амиру бек!— Лекин ясавул шаҳзода ва амир номларини эшитган, бир оз бўшаши.— Майли ўтақол. Лекин бошқаларни безовта қилма, тўғри ҳазратнинг уйларига бор. Шаҳзода йўқ бўлсалар, Абулжаъфар ҳазратлари уйига бор, бизларга шу иш тайинланган!

— Хўб,— деди у отига қамчи босиб. Қалъа кўчаларида югурганча Доруссалтананинг икки томонида устига кошин ёпиштирилган минорачалари ўртасидаги ўймакор дарвоза ёнига келиб, яна тақирлатди.

— Ке-е-ем?

— Мен.

— Сен кимсен?

— Камолиддин.

— На керак сенга?

— Ҳазрат Абулжаъфар.

— Ҳазрат йўқ.

— Ким бор?

— Тентак! Мен сенга ким борлигини нега айтамен! Ким борлигини ўзим ҳам билмаймен.

— Вазири аъзам ҳазратлари керак!

— У зот шикорга кетганлар.

— Амир Алп-Арслон ҳазратлари?

— У зот ҳам йўқ!

— Ҳамма шикорга кетмагандир. Шаҳзода Сулаймоншоҳ ҳазратлари шу ердадир?

— У ҳазрат ҳам оталари билан кетганлар.

— Ё тавба! Бу қандай гап!

От устида беҳол ва бунинг устига диққат-асабий турган суворий дарғазаб шартта қиличини гилофидан суғириб, эшик оғасига дағдаға қилди:

— Салтанат қил устида! Сен ёлғон деюрсан! Агарда сен биронта мансабдор ёнига киритмасанг, чопиб ташлаймен! Каллангни узамен! Бошқа иложим йўқ!

Подшоҳни шикорга кузатиб, тунда орқага қайтган амир Алп-Арслон ўз хобхонасида бедор ётарди. Негадир унинг кўзига уйқу келмас, кеча ҳазратнинг шикорга кузатиш вақтида катта ҳовлида узоқдан кўзи Шоҳсанам бекага тушди. Малика Суюк хотун, шоҳ қизлари Инончбека, Ҳузурбекалар тўпида туриб, узоқдан кишиларга кўринар-кўринмас подшоҳни сафарга кетаётгани, унинг билан хайрлашмоқ ниятида малика атрофида ҳовлига чиққан эдилар. Амир Алп-Арслон унга узоқдан тикилди, унинг қалам қошлари — амирни хаяжонга солди. У қайта-қайта Шоҳсанамга тикилди, унга яқинлашиб бориб, саломлашмоқчи ҳам бўлди, аммо бу мумкин эмасди.

Амир тун бўйи уйқусиз, тўлганиб ётди. Кўчада, Дорусалтана дарвозаси ёнида бўлаётган гуфтугў, бегона отлиқнинг тўнғиллаб, беҳаловат отнинг уёқдан-буёққа дуқуллаб юриши дарҳол ўрнидан қўзғатди. Либосини кийиб, аланғоч қиличини қўлга олиб, кўчага чиқди. Нарироқда гурган суворийни ой нурида таниб бўлмас эди. У яқинроқ бориб, суворига боқди:

— Нима гап? На сабабдан ярим тунда бунда юрибсен?!

Сувори яқинроқ келиб, шу лаҳза таппа отдан тушди-да, қўлидаги қиличини қинига тикди. Бош эгиб, салом берди. Бу ҳаракатлар ойдинда аниқ кўриниб турарди.

— Ҳазрат, мен сизни танидим. Сиз, амир ҳазратларисиз! Мен Камолиддин элликбошимен. Ҳазораспданмен...

— Нима гап?

— Кеча Ҳазорасп қўлга олинди. Пойканд ҳокими Йўсуфшоҳ беадад лашкар билан Гурганж томон силжимоқда. Ҳазораспда барча мансабдорлар қиличдан ўтказилди. Мен қочиб қолдим. Бу хабарни олий ҳазратга етказай деб бунда югурдим,— у ўпкасини босолмай ҳаллосларди.

— Буни вазири аъзам ҳазратларига хабар қилдингми?

— Фақат сизни кўриб турибмен.

— Абулжаъфар ҳазратлари-чи?

— Йўқ. Ҳеч кимни кўрганим йўқ!

— Уларни танурмисен?

— Йўқ.

— Эшитганмисен?

— Ҳа.

— Қани, юр мен билан,— сувори отининг жловини дарбоза қоровулига тутқазиб, ичкарига кириб, тўппа-тўғри вазири аъзам ҳовлисига боришди. Эшикни тақиллатдилар. Ярим тунда амир ҳазратларини сарпочанг, қўлда қилич, нотаниш бир одам билан эшикда пайдо бўлиши қоровулни ҳайратга солди. Ҳеч қачон мағрур амир олийҳазратдан ўзга мансабдорлар эшигига бу ҳолатда келмаган эди.

— Киринг, ҳазрат! Вазири аъзам жаноблари яқиндагина ҳовлида гулзор ичида юрган эдилар. У зот тунда сайр этишни одат қилганлар, кириг, ҳазрат!

— Ташаккур! Дарҳол ҳазратни чорланг!

У югуриб ичкарига кириб кетди. Бир лаҳзадан сўнг, қайтиб чиқди,— қаттиқ ухлаб ётибдилар... /Ўзини сохта уйқуга солган эди/.

— Болаларига айтинг, уйғотсунлар!

Ходим яна қайтадан ичкарига кириб кетди. Ҳозир ойдинда "гулзорни сайр этиб юрган" вазири аъзам тезда қотиб ухлаб қолгани амирни ўйлатиб қўйди.

Бир муддатдан сўнг, вазири аъзам шошмай, вазминли билан ичкаридан айвонга чиқиб, ҳовлидаги гулзорлар орасидаги йўлдан битта-битта қадам ташлаб, дарбоза ёнидаги шинамгина шийпончага келди:

— Келинг, амир, нима гап? Ярим тунда безовта бўлибсиз?

Қисқа салом-алиқдан сўнг, амир Алп-Арслон бу сувори Ҳазораспдан от чоптириб келганини, Пайканд ҳокими Йусуфшоҳ ҳужум қилиб, Гурганж томон келаётганини айтди. Вазири аъзам бирдан жунбушга келиб, тезда Саройда тўпланишни, Абулжаъфар, Катавозе ва бошқа мансабдор кимсаларга хабар қилишни, шовқун-сурон кўтармай, осойишта ҳаракат қилишни ёш амирга тайинлади. Ўзи ҳозир кетма-кет етиб боришини, бу суворий унинг ёнида қолишини, баъзи тафсилотларни сўраб билмоқликни маълум қилди. Амир Алп-Арслон шу лаҳза югурганча ўз уйига кирди. Мансабдор либоси, этиги, салохлари, қиличини қамарига осиб, ҳовлига чиқди. Бу лаҳза фаҳм-фаросатли хизматкори Додбекка айтмаган бўлса ҳам отни эгарлаб, шай этиб, кўчага олиб чиқиб турган эди.

— Ҳазрат, эҳтиёт бўлинг!

— Ҳовлига бегона одамни қўйманг! От-арава шай турсин! Онамни уйғотиб, томоқ бер. Бир ёмон нарса бўлгудай бўлса, онамни аравада Гурланга олиб қоч, унда менинг навкарларим турибди, сардор ёнига етказ! Тушундингми?

— Тушундим.

— Ҳазорасп қўлдан кетибди, даб айт! Олий ҳазратнинг оғалари Йусуфшоҳ Пайканддан Гурганж устига қўшин тортиб келяпти, деб айт! Тушундингми?

— Тушундим, амир ҳазратлари.

Амир сакраб отга минди-ю, шу лаҳза гапини тугатиб, қамчи босди. У тўппа-тўғри Доруссалтанага, Саройга кириб, биринчи бўлиб шаҳзода Йинол-тегин ҳазратларини, ундан сўнг шаҳзода Сулаймоншоҳни тезда уйғотишни буюрди. Негадир бошқаларни "безовта" қилгуси келмади. Шаҳзода Сулаймоншоҳ амакиси — Йусуфшоҳни ёқтирмасди, улар ўртасида анча-мунча оғир гаплар ҳам ўтгани, лекин бари бир отаси қони бузуқ ва қаҳри қаттиқ, айна вақтда келишган амакисини Пойканд вилоятига ҳоким этиб тайинлаган. Амаки подшоҳдан кўра ҳам султон Санжар томонга кўп бориб, султонни ўз пушти-паноҳи қилиб олган эди.

Бир муддатдан сўнг, вазири аъзам ҳаллослаб саройга кириб келди. Бошқа олий мансабдорлар ҳам катта машварат хонасига тўпланишди. Тахт ёнидаги курсида шаҳзода Сулаймоншоҳ ранги ўчиб ўтирганига кўзи тушган вазири аъзам ҳайрон бўлди, лекин ўз таажжубини бу ерда ўтирганларга сездирмади. "Қўрқоқ шаҳзода ҳам келибди-

лар-да..." деб ичида кулиб қўйди. Вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла юқорида — тахт ёнида турган Йинол-тегин ҳазратларига, ундан сўнг шаҳзода валиаҳд Сулаймоншоҳга салом бериб, унга мурожаат этди:

— Тунда бир сувори қалъага кириб, Пойканддан амакинғиз қўшин тортиб келиб, Ҳазораспни босганидан хабар берди.

— Ҳозир у малъун Гурганж томон келаётир,— деди шаҳзода,— биринчи бўлиб амир Алп-Арслон ҳазратлари менга хабар қилдилар. Қани ўша суворий?— шаҳзода вазири аъзамга боқди,— айтинг, кирсин!

— От чоптириб келиб, шу гапни айтди-ю, сув сўради. Сув бердик, аммо у ўпкасини босолмай эшигимда ўлиб қолди...— деди афсусланиб вазири аъзам ад-Давла ҳазратлари.

— Эҳ!— деди амир қўл силтаб,— ундан сўрайдирган гаплар бор эди! Ёмон иш бўлибди!

— Амаким Ҳазораспни олганини билдик, лекин бу томонга келаётгани аниқми? Эҳтимол Ҳазораспда қолар?

— Босиб келяпти, шаҳзода, чопар бу гапни менга айтган эди,— деди кескин бир тусда амир.— Шаҳзода ҳазратлари, тезликда подшо олий ҳазратларига чопар йўллаш керак! Устоз, сиз нима дейсиз?— амир Йинол-тегин ҳазратларига мурожаат этди.

— Тўғри. Зудлик билан шикорга кетган олий ҳазратга хабар қилмоқ даркор!

— Пойтахтни жонимиз билан ҳимоя қиламиз!— деди вазири аъзам,— дарвозалар мустаҳкам беркитилсин! Сув ва дон ғамлансин. Мудофаа тепасида улуғ ҳазратнинг ўзлари турадилар. Ҳаммамиз қўлимизга қилич тутмоғимиз керак!

— Мен ҳам шу фикрни маъқуллайман!— деди Абулжаъфар,— салтанатни ҳимоя қиламиз!

— Амакинғиз камида ўн минг отлиқ билан келяпти,— деди амир,— Гурганждаги навкарлар мингдан ошмайди. Ҳазратнинг асосий лашкари шаҳардан четда, бир қисми Хивақда, менга тобе қўшин Гурланда машқда. Уларни тўплаш учун камида тўрт кун вақт керак. Нега қўшин беш томонга бўлинган, асло ақлим етмайди! Албатта, ҳозироқ подшоҳга чопар йўллаш лозим!

Абулжаъфарнинг энсаси қотди.

— Амир ҳазратлари, қўшинни шаҳардан четда беш томонда сақлаш олий ҳазрат фармони билан бўлган! Сиз ислоҳни энди бошладингиз! Талвасага тушиб, қўрқоқлик

қилманг, биз бундай ишларни кўп кўрганмиз. Сиз ҳали ёшсиз, хаяжон қули бўлмаслик лозим, унда ютқазамиз. Кимда ким ҳовлиқса ўша кимса ганимнинг қалъага киришига сабабчи бўлади.

— Ҳовлиқмаслик, саросимага тушмаслик керак,— деди яна амир,— шаҳзода ҳазратлари, амакингиз нечун бунчалик қаттиқ киришдилар, билмадим. Наҳотки Пойкандда бизнинг айғоқчиларимиз бўлмаса! Нега аввалроқ хабар топмадик.

— Амакингиз Йусуфшоҳ хусусида бунда кўп номақбул гаплар тарқалган, бу гаплар у ҳазрат қулоғига етмайди деб ўйлайсизми! Ёш давлат арбоблари /у, амир Алп-Арслонга ишора қилади/ амакингиз билан ҳазрати олийлари ораларини бузишга ҳаракат қилдилар,— деди вазири аъзам.— Мана, оқибат! Ака-ука бир-бирларига тиг кўтармоқдалар. Улуғ Хоразмшоҳ марҳум Қутбиддин Муҳаммад ҳазрати олийлари, у улуғ зотнинг падари бузрукворлари, наслу насабимиз, аркони давлатимиз ибтидоси Ануш-тегин Гарчойи ҳазрати олийлари ҳеч қачон Хоразмшоҳлар бир-бирига қарши тиг кўтармасин, деганлар. Агар оға-ини бир-бири билан жанг қилса аждодларимиз арвоҳи чирқирайди. Шу сабабли, мен, ёнимда турган шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари билан келишиб, қалъа аҳлини сабр-тоқат билан ўзини тутиб туриши, Пойканд қўшинига шикаст етказмасликни, пойтахтга келаётган Йусуфшоҳ билан гаплашиб, бу ишнинг олдини олишга ҳаракат қиламиз. Ёшлар қизишмаслигини, оғирлик билан бу иш охириги кутиб туришни буюрамиз! Менимча, қалъа ичидаги навкарларни амакига қарши туришга фармон бермайлик. Агар амаки яхшилик билан сўраса, дарбозаларни очиб қўяйлик, кирсин, бир-икки кун зиёфат қиламиз, ўзлари уялиб, яна ўз масканларига мамнун қайтадурлар,— деди вазири аъзам гапини давом эттириб.

— Бу, хоинлик!— деди ўрнидан туриб, кескин бир тарзда амир Алп-Арслон қиличи дастасини маҳкам сиқиб,— амаки Йусуфшоҳ ҳеч кимни кечирмайди, қалъани қонга белади. У бешафқат, у тахт даъвогари. Хоразм тахтини эгаллайди, олий ҳазратга садоқатли кишиларни ўлдиради. Биринчи галда мени ҳам, сизни ҳам! Ҳурматли шаҳзодани ҳам, устодни ҳам... ҳозирги дамда иккиланиш мумкин эмас, салтанат мудофаасига ҳозироқ киришимиз лозим! Ҳозироқ! Ҳар дақиқа ганимат! Вазири аъзам ҳазратларининг гапларини қувватлай олмаймен! Мени афв этинг, ҳазрат!

— Үн мингдан ортиқ отлиқларга минг ясовул бас келармиди?— вазири аъзам шаҳзодага қаради,— ё қальани ташлаб қочмоқ ёки амакингиш Йусуфшоҳ ҳазратларига пешвоз чиқиб, у зот билан келишмоқ даркор. Бошқа йўл йўқ...

— Фикрларингизни тинглаб, мулоҳаза этдим,— деди шаҳзода Иинол-тегин,— подшоҳни тезда чақириш даркор. Амир ҳазратлари ватанни ахлоқи бузуқ Йусуфшоҳ оёғи остига ташламаслик керак, демоқдалар, бу — тўғри! Дарҳақиқат амаки тахтга ўтирса ватан вайрон бўлади, инсонлар қирилади. Аллоҳ унинг юзини тескари қилсин!

Шаҳзода Сулаймоншоҳ қўрқувдан титрай бошлади. Бу касалванд, рангпар, айни вақтда заиф шаҳзоданинг бошида аниқ бир фикр бўлмай, кўпроқ вазири аъзамга майиллик қиларди, чунки унинг Шоҳсанамга уйланишида ад-Давла ҳазратлари бош-қош бўлган, шаҳзодага ҳам, подшоҳга ҳам бу гўзал қизни кўп мақтаган. Унинг ҳам Қутбиддиншоҳ уругидан эканини тез-тез айтарди. Вазири аъзам айғоқчилари амир Алп-Арслон Шоҳсанамни севишини, Шоҳсанамнинг ҳам амирга нисбатан кўнглини яхши билишиб, вазири аъзамга етказишган эди. Бу гаплардан воқиф шаҳзода амирдан кўра вазири аъзамга анча мойил. Жусаси кичик, касалванд шаҳзода қадду қомати келишган, доно қизни бағрига босиб, хурсанд бўлган бўлса ҳам, мана, уч йилдирки фарзанд кўрмайди, айтиш нолойиқ гаплар ҳам сарой ичида бор эди. Шоҳсанамнинг эрга тегмагандек эканини сарой хотинлари орқали вазири аъзам ҳамда Абулжаъфар билардилар.

— Ёлғиз юриб, йўл топгунча кўпчилик билан адашган маъқул,— деди Шайхулислом ҳазратлари бир куни,— атрофингни қўрғон билан эмас, дўстлар билан ўра деган алломалар. Мен бу гапни олий ҳазрат ёнларида ҳам айтганмен. Бостириб келаётган Йусуфшоҳнинг ўз огалари билан муносабати анча йиллардан бери ёмон. Бунини нимасини яширмақ керак! Унга зиёфатимиз эмас, тахт керак. У ҳеч нарсадан қайтмайди. Мен унинг болалик вақтидан биламен, гоятда қаҳри қаттиқ. Шу сабабли амир ҳазратларининг гапига қулоқ солмоқ даркор, ҳаммамиз мудофаага чиқмоқлигимиз фарзи айн! Ёш амир ҳазратларининг Хуросон жанглари музаффарият билан якун топди. То аъло ҳазратлари шикордан етиб келиб, ва яна Гурлан, Хивақ ва Жайхун ёқасидаги қўшин ҳам етиб келганча мудофаани кучайтириб, пойтахтни қаттиқ ҳимоя қилмоғимиз даркор! Илоҳим Аллоҳнинг ўзи ганимлар

йўлини тўссин! Амир ҳазратларининг қаттиқ мудофаага ўтиш тадбирларини маъқуллаймен, бошқа илож йўқ! Ёмоннинг ширин ошидан, яхшининг аччиқ сўзи яхши! Ёш амир ҳақ, шаҳзода ҳазратлари!

Вазири аъзамнинг газаби қўзгади, "чириб, ириб кетган имом"нинг фатвонамо гапи ёқмади.

Шаҳзода Йинол-тегин билан Сулаймоншоҳ қўлларини фотиҳага шайладилар, "Облоҳу акбар!"дан сўнг, барча ўрнидан қўзгалди.

— Бошқаларга маслаҳат беришдан осон нарса йўқ!— деди тўнғиллаб "ноғора қорин" вазири аъзамга заҳарханда билан,— жанг нималигини билмайдиган калласи йўқ чол қалъани вайрон қилади!

— Подшоҳ олдида ўзи жавоб беради!— деди ад-Давла бу гапни шаҳзодага эшиттириб.

Хоразмшоҳ саройида ваҳима ва саросималик пайдо бўлди. Шаҳзода Сулаймоншоҳ амакининг феъли ниҳоятда оғир, даҳшатли бир кимса экани, анча йилдан бери подшоҳга ҳам, шаҳзодаларга ҳам ёмон кўз билан қараб келатгани, ҳатто ўз отаси Қутбиддин Хоразмшоҳнинг валиаҳдликни Йусуфга эмас, Аълоиддинга васият қилганидан қаттиқ норизо эди. У ишни ўз аҳлоқу гиёҳвандлигидан кўрмай, ҳамма нарсани акасию ўғай онасидан кўрарди. Гурганж қалъаси бу қонхўр, бешафқат ҳоким қўлига ўтгудай бўлса кўп қон тўкилиши, ҳатто ўзининг ҳам соғ қолишига кўзи етмасди. У сиртдан пинак бузмай ўтирган бўлса ҳам ичдан қалтирарди.

Тонготарда яна бир қонга беланган сувори тўғри амир ёнига келиб, қулоғига гап айтиб, ерга йиқилди. У, амир Алп-Арслоннинг ишончли одамларидан эди.

* * *

Катта шаҳарларни кучли қўшин билан ўраб олиб қўлга киритиш, ганимлар устидан ғалаба қозониб, салтанат шаъну шавкатини кўтармоқ, карнаю ноғоралар, туҳфаю иқтоълар, айшу ишратлар қилиш мағлуб ҳуқмдорнинг хотинини дарҳол никоҳ ўқитиб олиб, тўшагида унинг маликаси билан бирга ётмоқ, май ва сайл, шикору мақтовларга авж бермоқ салжуқийларнинг буюк султони Санжарга ҳос эди. Асли зоти мамлоқдан чиқиб, шоҳ даражасига етган Ануштегин Гарчайдан кейинги валиаҳдлар — Муҳаммад Қутбиддин, Аълоиддин — Отсиз, Абулфатҳ Эр-Арслон, Шоҳ-Маҳмудлар даврида ҳам давом этди, тўғрироғи

авж олди. Наинки Моварауннаҳр қалъалари, Хуросон пойтахти Марв, Сарахс, Нишопурни қўлга киритган Аълоиддин Хоразмшоҳ Ғаюрхон ва султон Санжар жангидан кейин кўп қалъаларни босиб олган эди. Мағлублар эмас, ғолиблар хурсанд куладилар, ғолибларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати бошқаларга ўрнак бўлади. Саройдаги хурсандчилигу кулки, рақсу созлар овозини жаранги бекорга эмас. Кучли билаклар, қўрқмас юраклар, ўткир қиличлар бунинг сабабкори деб айтарди султон Санжар.

Ҳар кунги базми жамшиддан зерикканлардан бери султоннинг топшириги билан баъзан кўзга ташланмайдиган либосда ўзининг икки-уч навкари билан катта бозорга борар, савдогарлар, узоқдан келган карвонларни, Чин мамлакатидан келган ипак матоларни томоша айлаб, баъзан харид қилардилар. Султон кишилари Марв қалъасининг баҳайбат дарвозасидан чиққач, майдон ва кўчалардан ўтиб, девор-қўрғонлари унча баланд бўлмаган маҳкамалар ёнидан ўтиб, катта бозорда Пойканд ва ёки Ҳазорасп қалъаларидан келган савдогарлар билан учрашар, баъзан пинҳона гаплар ҳам бўларди. Туронзаминдаги Пойканду Бухорои шарифдан Хуросонга сафар қилган, умуман Гурганжу Самарқанд савдогарлари Марв мансабдорларини ҳамма томондан диққатларини жалб этар, мансабдорларнинг топширигича, вақти етиб, Хоразм султон Санжар ерларининг ажралмас бир қисмига айланиши керак эди. Шу сабабли ҳам Пойканд қалъаси султонни бағоят қизиқтирарди.

Пойканд — Бухорои шарифнинг ғарби-жанубида, ундан ўн йиғоч нари, Жайхун томонда бўлиб, Хоразмшоҳ мамлакатининг султон Санжар ерлари билан чегарадош қалъасидир. У Зарафшон бўйида, Пойканд азалдан Туроннинг катта қалъаларидан бири бўлиб, нуфузи жиҳатидан Хазораспдан қолишмасди. Бунда Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кичик ўғли, шаҳзода Йусуфшоҳ ҳокимлик қилар, ака-ука ўртасидаги келишмовчиликдан Хуросон султони Санжар файдаланар, Туронзаминдаги нотинчлик Хуросонга тинчлик келтирарди. Тилло тангалару беҳисоб совғаю салом Марв хизинасини тўлдириб Гурганжу Пайканддан тинимсиз оқиб келиб турарди. Оға-ини жанжалини султон ҳал этар, Марвдан анча узоқ Гурганжга қараганда Пойканд ҳокими ва унинг элчилари Марвга тез-тез борар, улар султоннинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган эдилар. Марв қалъасида, карвон сарою бозорларда Пойканд савдогарлари баъзида тўлиб кетар, Хуросон аҳли Пойканднинг қумда

яхши чопадиган кучли, чидамли отларига ишқибоз, ҳатто султон амирлари Пойкандга юз, икки юз чопқир отларни сотиб олмоқ учун элчилар юборарди. Марвда Хивақу Гурлану Гурганждан келган савдогарлар оз бўларди, бу ҳол баъзан султон Санжар эътиборини тортар, Аълоиддин — Отсизнинг ўзига нисбатан совуқлиги, Гурганж "мансабдорларининг димоғи шишиб кетганлиги", "қора чўғирмаси каттаю боши кичик"лиги айтилиб, масхара қилардилар. Марв саройида Гурганжга нисбатан паст назар билан қаралар, ҳар турдаги камситишларни сарой аъёнларининг ўзи бошлаб берардилар.

Бундан бир неча йил муқаддам султон Санжарнинг Мозандаронга юриши, Амул ва Казвин қалъаларини олиши муносабати билан пойтахт Марвда бўлган музаффарият тантанасида катта совға саломлар билан келиб, султон Санжар ёнида ўтирган Хоразмшоҳ — Отсиз, унинг ғоятда кайфи чоғлиги, Хоразмшоҳни қучоқлаб, "Жайхун ёқасидаги доно иним" деганидан фойдаланиб, зиёфатда ундан сўради:

— Улуғ султон, нечун Катта пойтахтда /Марвда/ биз — иниларингиз хусусида номуносиб гаплар кўпайиб кетди?

— Бу саволни укангиз Йусуфшоҳга беринг, унинг одамлари Хуросонда жуда кўп,— деди султон Санжар кулими-сираб.

Шу билан гап тугади. Иккинчи бор оғиз чоғлашга ҳадди сигмади. "Сават калла мангиту найман савдогарлар нимаю ҳўкиз нима..." каби ҳақорат гаплар салжуқийлар орасида тез-тез айтиларди. Бундай ҳақоратлар Хоразм халқини хурсанд қилармиди! Туронзаминнинг ўрта бели ҳисобланган Самарқанд, Бухорою Кешда ҳам хоразмликларни "қум ичидан келган андилар..." деб камситишарди. Бунга ҳам сабаб асосан Марв!

Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазратлари Шаҳзода Сулаймоншоҳни яхши кўрарди. У, "отам, буюк ҳазратнинг тўқсон ёшига бориб, пир бўлиб, наинки бизларга, бутун Туронзаминга, кейин Хуросонга ота бўлиб туришларини кўргим келади. Мен у олий ҳазрат қўшинида саркарда эмас, навкар бўлиб хизмат қиламен..." дебди. Бу гапни ҳам эшитди. Ёш шаҳзода эрта билан ҳам шаҳзода ва маликалардан -- тоға-жиянлардан аввал туриб, юз-қўлини ювиб, подшоҳ чиқишини кутиб, пешайвон пастида тик турарди. Отага бунчалик садоқатни кўрган сарой аъёнлари аввал бу ишларни онаси — Суюк хотун ўргатяпти, подшоҳнинг се-викли хотини ўз ўғлини валиаҳд қилиш ниятида, дердилар.

Қайси малика бу хаёлда эмас! Подшоҳнинг тўрт хотини — тўрт малика ҳам ўз фарзандларини валиаҳд қилишга интилардилар. Аммо, Суюк хотун ёш ва нимжон шаҳзодага яхши одатлар ўргатарди-ю, кўп хатти-ҳаракатлари зое кетарди. Бола бошидан, бу — ҳақ гап. "Бўладиган бола ўн бешида бош бўлар, бўлмайдиган фарзанд ўттизида ёш бўлар" дейди машойихлар. Ҳар қалай шаҳзода забардаст бўлмаса ҳам унинг юмшоқ одоби мансабдорларни ҳайратга соларди. Шоҳнинг ўзи ҳам ўғилга меҳр билан боқар, агарки отасига тўқсон ёш раво кўрса, бундан ортиқ мукофот борми! Кексайганда кишининг дили анча нозиклашиб қолади. Баъзилар, унинг назарида энди бўлди-да, йигирма йил тахтда ўтирдингиз, ўғил ҳам ўттизга борди, тахтни бўшатиб, узлат сари бормоқ, тоат ва ибодат билан қолган умрни ўтказмоқ керак, дёрдилар.

Ҳатто, иниси шаҳзода Йусуфшоҳ оғам хоҳласалар юз одам ила Маккатуллоҳга йўллардик, "Ҳазинанинг ярмини қиблагоҳимизга сарфлардик..." дебди. Бу гап ҳам подшоҳ қулоғига етиб келди. Инисининг баъзи саркардалар билан тил бириктириб, салтанатда тўнтариш қилиш нияти ҳам йўқ эмаслигини пайқаган эди. Лекин бу "режа" ниҳоятда маҳфий, икки мансабдордан бўлак ҳеч кимга маълум эмас эди.

Ҳазораспни қўлга киритиб, ўн минг отлиқ сарбозлари билан эрта тонгда Гурганжга юриш бошлаган Йусуфшоҳ тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Уни отдан тушириб, авайлаб, аравада яна Ҳазорасп қалъасига олиб кирдилар. Тунги базмда қовурилган, ёғлиқ мўйлабли балиқ еб, устидан қимиз ва май ичгани уни беҳол этиб, ичи оғриб, қусиб, от утида туролмади. Салжуқий сардорнинг таъби тирриқ бўлиб, эркатантиқ ҳокимга ғазаб билан қаради, султон саройида тузилган жанг режалари бузилди. Йусуфшоҳ тузалгунча Ҳазораспда қолишга мажбур бўлдилар. Бу ҳақда султон ноиб салжуқий сардор Марвга шитоб билан чопар йўллади.

Айни вақтда, Гурганжга югуртирган маҳфий айғоқчилар ҳам Йусуфшоҳ лашкари орқага қайтганини шаҳзодага хабар қилдилар. "Жайхуннинг мўйлабли балиғи ватан химоясида ўз қудратини кўрсатганини..." айтиб, шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари Сулаймоншоҳга, амирга чеҳраси очилиб гап қотдилар. Энди тезликда лашкарни пойтахт

атрофига тўплаш лозимлиги, зора олий ҳазрат ҳам етиб келишликларини тилади. Шайхулислом ҳазратлари ҳам Аллоҳга ёлбориб, "ул бадкирдорнинг юзини тескари қилгил", деб юзларига фотиҳа тортдилар.

XVII боб

РУҲИЙ ТУШКИНЛИК

Душманнинг мақтовидан қўрқ!

Душанба куни шикордан шошилинич қайтган подшоҳ фавқулодда машварат чақирди. Барвақт келган амир. Алп-Арслон Доруссалтана ҳовлисида вазири аъзам Хумомиддин ад-Давлага рўбарў келди. Салому мулоқотдан сўнг, кекса арбоб ёш саркарда елкасига қоқиб, ҳол-аҳвол сўради, бу унинг ғоятда кайфи чоқлигидан далолат берарди. Ҳеч вақт бундай қилмаган эди. Таажжуб! Машварат бошланиши олдидан тахти равон ўрнатилган катта хонага кирган амир яна вазири аъзам билан рўбарў бўлди, ёнма-ён турган он ҳазратга чин дилдан салом берди. Ҳаяжонланди. Аммо подшоҳ ўзини кўрмасликка солиб, юзини тескари бурди. Нега бундай бўлди? Ад-Давла ҳазратлари бу гал қовоқ солди ва подшоҳ билан ниманидир гаплаша кетди, подшоҳ суҳбатдошидан ажралиб, бориб тахтга кўтарилди. Кенг ва ганчин оқ хонада қўл қовуштириб турган қирқ чоғлик давлат арбобларига бир-бир кўз ташлади. У негадир амирга ҳўмрайиб қараб қўйди. Ёки унга шундай туюлганмикан? Амир Алп-Арслон таажжубланди, ўзи нима гап? Ҳеч қачон подшоҳни бундай ҳолда кўрмаган эди. Подшоҳнинг дилига чироқ ёкса ёримасди. Бу табиий, албатта.

Шу куни машваратдан сўнг подшоҳ қўл қовуштириб турган мансабдорлар сафи олдидан ўтиб, оқ ганчли хона ёнидаги обдан безатилган кичик хонага кирди. Қия очик қолган эшикдан амир ўз отасига боққандай подшоҳ ҳазратларига тикилди. Он ҳазратнинг руҳи пастлиги амирни нотинч қилаётган эди. Гарчанд ғўладан келган Абулжаъфар Ҳусайн "ноғорақорин" жанобларидан тўрт энлик баланд бўлишларига қарамай, подшоҳ ҳазратларининг бўйлари анча паст эди. Подшоҳ бошидаги жиғадор тожни олиб токчага қўйди-да, баланд қозиққа илиқлик шоҳона қоракўл чўгирмани олмоқчи бўлаётган эди, бўйи етмади. Иккинчи бор қўл узатди, етмади. Буни кўриб турган амир Алп-Арслон тез-тез қадам ташлаб ичкари хонага кирди-да,

"рухсат этинг, улуг ҳазрат, мен олиб берай. Мен — баландроқмен", деди. Орқасига қайрилиб, амирга кўзи тушган подшоҳ дарғазаб деди:

— Сиз "баландроқ..." эмассиз, новчасиз! Сизни бўйим билан баробар қилиб қўймоқ мумкин!— подшоҳ чўзилиб, қозикдан чўгирмани олдида, хайр-хўш қилмай юзини ўгириб, кичик эшик орқали ҳовлига ўтиб кетди.

Амир Алп-Арслон лолу ҳайрон, нима қилишини билмай қотиб қолди. "Сизнинг бўйингизни ўзим билан баробар қилиб қўймоғим мумкин..." дедилар. Демак, бунинг учун амир елкасидан калла кетмоғи керак? Беихтиёр оғзидан чиқиб кетган "баландроқмен" сўзи, ҳазратни мунчалик дарғазаб қилди экан! Нима гап ўзи?

Амир шу куни кечгача руҳи сўниқ, ғамгин юрди. Машққа боришга ҳам ҳафсаласи келмади. Ҳеч кимса билан очилиб гаплашмади.

Бир ойлардан сўнг хафақон амир Алп-Арслоннинг тоқати тоқ бўлди. Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазратларига шунча жонини фидо этсаю... Тинимсиз турткилашлар, таъқиблар жонига тегди. Бундан ортиқ жа-зо борми!

Кейинги пайтларда наинки машварат, подшоҳ амирни зиёфатларга ҳам чақирмай қўйди. Умуман у билан гаплашишни хоҳламасди. Бунинг аксини қилиб, Абулжаъфарни, вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла ҳазратларини навозиш этиб, атай мақтар, улар билан кўпроқ мулоқотда бўларди. Амир Алп-Арслоннинг руҳий тушкинлик аросатида қолгани бошқаларга ҳам сезила бошлади, айниқса Шоҳсанам бека ичдан қаттиқ изтироб чекарди.

XVIII боб

КЎЗГА КЎРИНМАС МУҚОБИЛ

Қирғийбурун, чақмоқ мўйлав, қорақош амир Алп-Арслоннинг қадди қомати расо, келишган. Кўзларининг бир қадар қийиқлигини ҳисобга олмаганда юзлари иссиқ, кифтлари кенг, шамшир солишга мўлжаллангандай қўллари узун, болдирлари бўртган, пайлари сапча қовундек ажралиб турарди. Бир сарбоз йигит амирга жуда ўхшаб кетарди, у кўп вақт саркарда атрофида ўралашиб, баъзан унга рўбарў келганида таъвозе ила бош эгиб, салом берар, бир лаҳза тикилар, яна отининг бошини четга буриб, ўз

тўдасига қўшилиб кетарди. Амирга садоқатли бундай йигитлар кўп ва ўзларининг ёш саркардаларини навозиш этиш, салом бериш, бирон савол сўраш ҳам одатий тусга кирган эди. Бу сарбознинг юзи, қадду қомати амирга гоятда ўхшаб кетишини Катавозе ҳазратлари сезган эдилар. Бағри кенг, очиқдил амир барчага яхши муомала қилади. Отда яхши чопадиган, қилич соладиган, ўзини ва отини яхши ҳимоя қилаоладиган ёш сарбозларни эъзозлар, тез-тез мулоқатда бўлишларини ҳам ёқтирарди. Элликбоши, юзбошиларга тайинлаб, бундай жасоратли ва қобил йигитларга ота-оналари ҳолидан хабардор бўлиш, подшоҳ хазинасидан муҳтожларга ёрдам тарзида пул тақсимлашга топшириқ берилганди. Бу иш сарбоз йигитларни амир атрофига янада жипслаштирарди. Жанубдаги бўйсунмас қалъаларни забт этиб, қанча молу ўлжалар билан пойтахтга қайтиб келган саркарда Алп-Арслон жангда қатнашган жуда кўп баҳодирларнинг ота-оналарига шу тариқа ёрдам этган эди.

Машқ кунларининг бирида, даштда, гужум дарахти тагига ечинган амир Алп-Арслон юзбошию элликбоши ва бошқа сардорларнинг қурол-аслаҳалари, ханжару қилич-қалқонлари ичидан келиб-келиб унинг испиҳони йўқолгани уни ҳайратга солди. Кимдир янглишиб олиб кетган, деб хаёл қилди. Сардорларни хижолат қилмади. Уйга қайтиб келгач, янглишган сардор қилични қайтариб олиб келади деб хаёл қилди. Лекин келмади. Бу қилични амирга олиш ҳазрат шахсан туҳфа этган эди. Орадан икки кун ўтди, биронта сардор янглишибмен, деб қайтармади. Амир юрагига ғашлик тушди, лекин ҳеч кимга буни айтмади. Наҳотки унинг қўшинида шундай нопок кимса бўлса! Иккиламчи, бу кескир димишқий қиличга ҳар гал подшоҳ кўз ташлаб қўярди. Шон-шуҳрат бор жойда ҳасад бор. Амир бу ишни ҳасад, деб ўйлаб, ундан нарига ўтмади. Аслида, саройда кўзга кўринмас бир кимса унга қарши иш тутаётганини сезди.

Амир ёмон туш кўргандек бир неча кун кўнгли ғаш юрди, қилични йўқотмоқ яхшилик белгиси эмас, деди ўзига ўзи. Шу куни унинг ечиб қўйган либоси чўнтақларидан ачитқи анжура ўтлари чиқиб, уни билакларини ачитиб, сўна чаққандай қичитди. Шаҳзода Йинолтегин ҳазратларининг сўзлари ёдига келди: "Ҳаммамизнинг орқамиздан бир даҳшатли нарса қувиб юради. Бу — ўлим! Тупроққа қўшилмайдиган инсон йўқ... Аллоҳга ёлборишимиз керак, ёлғиз паноҳимиз у!"

Кейинги ҳафтада амир Гурланга бориб, онаизорини зиёрат қилиб келди. Ҳар гал у ўғлининг уйланиши, амирлар қизларининг етилиб ўтирганлиги, агар лозим топса Шошга бориши, ўз уруғларидан қиз олиб беришни ҳам эслатарди. Қариб қолган бобоси набирам уйландими, деб ўз номасида сўраганини эслатди. Алп-Арслон бу иш ўз вақти-соатини кутаётганини, тақдирдан қочиб қутилиб бўлмаслигини гапирарди. Аммо унинг юраги парчалангани, Шоҳсанам бекани севишини, у қўлдан чиқиб кетганини ҳам яхши биларди. Аллақачон Гурганждан аразлаб, она шаҳри Шош — муаззамга кетиб қолмагани, подшоҳ ҳазратлари, Хоразм элига, донишманд амаки Йинол-тегин ҳазратларига садоқату муҳаббати уни бунда ушлаб турарди. Подшоҳга хизмат — бобоси амир ас-Саид ҳазратларига ҳам хизмат, деб тушинарди.

Орадан яна бир ҳафта ўтгач, тинч ва осуда кунларнинг бирида, ҳарбий машқлардан сўнг чарчаб, қасрда ўз хонасида ётган амир Алп-Арслонни қалъага шиддат билан кирган ўн чоғлиқ отлиқлар оломонининг гала-говури оёққа тургазди.

— Нима гап?!— у хизматкорига мурожаат этди.

— Билмадик.

— Билиб кел!

— Хўп, саркарда,— у шу лаҳза қилич осиб, ташқарига чиқди, эгарланган отида қаср дарбозаси томон югурди.

Отлиқлар оломони қуролсиз эди. Кекса бир чўпоннамо кимса раҳнамо бўлиб, подшоҳга арзга келишганини маълум этишарди. Уларнинг юзида мислсиз газаб, агар подшоҳ ҳазратлари ҳозир уларнинг арзини тингламаса. Кўня-ёб қишлоғининг барча аҳли бунда келишини, саройдаги "бир мансабдор"ни оломон уриб ўлдиришини бақириб, дағдаға билан айтишаётганини эшитди. У шу лаҳза орқасига қайтиб, отдан сакраб тушди-да, югурганча кириб бу хабарни саркардага етказди. Амир Алп-Арслон дарҳол мансабдор либосларини кийиб, /чунки подшоҳ ёнига кириши лозим бўлиб қолар/, қайтадан этигини, бошига қоракўл чўғирма, ўзининг эски қиличини осиб ҳовлига чиқди. Хизматкори ушлаб турган отига сакраб миниб, Доруссалтана томон лўкиллаб чопиб кетди. Подшоҳ ёнига киришга уч кекса одамга рухсат этилди. Бундай ғайритабий ҳолларда подшоҳ амирни ва шаҳзода Йинол-тегинни чорларди, бу гал улар йўқ, вазири аъзам рухсати билан Кўня-ёб қишлоғидан келган оломон ичидаги уч кекса подшоҳ ёнига

кириб кетгани маълум бўлди. Амир ҳам, шаҳзода Йинол-тегин ҳам ичкарига кирдилару маҳкама мирзолари илтимоси билан катта хонада кутиб турдилар.

Энди сўзни оломонга бош бўлиб келган кекса фуқаролардан эшитинг:

Уч кекса фуқаро подшоҳ ҳазратлари ёнида аввал таъзим, сўнг ер ўпиб, ноълаю фиғон билан шикоят қилдилар. Улар Қуръони каримга қасам ичиб, баробар жаврардилар. Вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла ҳазратлари "бирингиз гапиринг! Уч одам бирдан гапирса, буни ким тушунади!" деб дўқ урарди. Шундан сўнг, бошига малла салла ўраган, оғзида тиши йўқ қишлоқ имоми гап бошлади. Унинг гапига қараганда, ўтган куни Гурландан келган бир олий мансабдор кимса Кўня-ёб оқсоқолининг ёш қизини отга босиб, Сариқамич томон олиб қочганини, шу куни даштда унинг номусига тажовуз этиб, кейин кўксига қилич санчиб ўлдириб, шу ердаги жарликка ташлаб кетганини фиғон билан айтишарди. Бу жарликни "Илонлар ғори" деб аталишини ҳам қўшишди. Дарғазаб подшоҳ белидаги ханжари дастасини маҳкам сиқиб, қишлоқ фуқароларига тикилар, кўзлари ғазабдан ёнарди. Олиб қочилган қизнинг отаси ҳам пастда, ҳовлида йиғлаб ўтирганини айтишди.

— Амалдорлардан бўлса, ким экан у?!— подшоҳ титраб чолдан сўради.

— Кўрганлар бор, ҳазрати олийлари. Қизни бақиртириб олиб қочиб кетаётганида рўпарадан чиққанлар бор... Отга минаётганида ҳам уни аниқ кўрганлар бор... Қизни қутқараман деган бир чўпон йигитни юзига қамчи уриб, оғзи-бурнини қонатган. У йигит ҳам пастда турибди.

— Ё, алҳазар!— деди подшоҳ.

— Ақл бовар қилмайдурғон жиноят!— деди вазири аъзам.

— Чақиринг, ўша кўрган кимсаларни!

Вазири аъзам ад-Давла ишораси билан эшикка яқин турган икки қуролли сипоҳидан бири бош ирғаб ташқарига чиқиб кетди.

Шу лаҳза сабри чидамаган шаҳзода Йинол-тегин бостириб подшоҳ ёнига, кенг хонага кирди. Бостириб кириш вазири аъзамга ёқмади, лекин у қовоқ солганча индамай тураберди.

— Келинг, шаҳзода, қаёқдасиз? Мен сизни чақиртирдим, бандмидингиз? Уйингизга ҳам одам юбордим. Кўнгилсиз иш бўлибди. Олий мансабдоримиздан бири

Кўня-ёб қишлоғи оқсоқолининг қизини олиб қочиб, босқинчилик қилиб, ўлдириб кетибди...

— Ё, тавба! Ким экан у бадкирдор?!

— Мана, ҳозир кириб айтадилар...

Орадан кўп вақт ўтмай, яна беш киши тахти олий турган оқ ганчин хонага кириб, узоқдан подшоҳга салом бердилар.

— Ким у мансабдор?!— подшоҳ сўради.

— Кўрганмиз...

— Танийсиэларми?

— Таниймиз!

— Ким у?!

— Амир Алп-Арслон!

— Амир?!

— Ҳа, ўша кимса!

— Янглиш айтмоқдасизлар! Амир Алп-Арслон ундай кимса эмас!— деди шаҳзода Йинол-тегин ҳазратларининг қаттиқ жаҳли кўзгаб,— ўйлаб сўзламоқ керак!

— Ўз кўзимиз билан кўрганмиз, шаҳзода!

— Нега ушламадинглар!?

— Қамчи билан юзимга урди...— деди бир йигит.

— Амир қаёқда экан?— деди подшоҳ вазири аъзам ад-Давлага мурожаат этиб,— чақиринглар!

— Амир шу ерда!— деди шаҳзода Йинол-тегин газабдан ранги ўчиб,— ёнингизга кирмоқчи бўлиб турибди. Лекин амирлашкарни эшикдаги посбонлар бу ерга киритмаётганликлари жуда галат! Мени ҳам киритмадилар!

— Чақиринглар! Кирсин!

Амирни чақиринглар. У ичкарига кириб, подшоҳга таъзим билан салом берди.

— Бу киши — амир Алп-Арслон!— вазири аъзам эшик олдида турган фуқароларга мурожаат этди.

Шу лаҳза подшоҳ ҳам, шаҳзода ҳам амир юзига тикилиб, даргазаб туришарди.

— Шу киши!— деди чўпон йигит титраб.

— Шу!— деди яна бир одам.

— Мени қамчини билан юзимга туширган мана шу мансабдор!— деди яна бир кимса.

Аввал кириб келиб, арз бошлаган қишлоқ масжидининг имоми ҳам, икки кекса ҳам "саркарда шу жиноятни қилганлигини" тасдиқладилар.

Ичкарига кириб, ҳангу-манг бўлиб қолган амир Алп-Арслонга вазири аъзам лўнда ва совуққина қилиб,

бўлаётган гапларни маълум қилди. У сукут сақлагач, подшоҳ амирга боқди:

— Шу ростми, амир?

— Мутлақо ёлгон!

— Ёлгон эмас, рост! — қишлоқдан келганлар чувуллашди.

— Ро-о-о-ст! Қочиб кетди!

— Р-о-о-ст! Ўз кўзимиз билан кўрдик!

— Рост! Амир Алп-Арслон фахш инсон!

— Амир Алп-Арслон — қотил!

— Ақл бовар қилмайдиган тухмат! — деди амирнинг ранги девор бўлиб оқариб, — булар янглишазяпти!

— Янглишаётганимиз йўқ! Сен шу либосда келдинг! Қизимизни олиб қочдинг! Орқангдан қувиб етолмадик. Сени биз яхши кўриб олганмиз, бўй-бастинг, башаранг, кўзларинг қисиқлиги пешонангдаги доғгача кўриб қолганмиз! Биз, чўпонлар даланинг нариги бошидаги қаргадек кўринган кимсани ҳам таниймиз! Қотил!!!

— Қиз жасадини жардан олиб чиқдик, — деди қизнинг отаси, қишлоқ оқсоқоли, — бу қотил мансабдорнинг қизим кўксига тиқиб ўлдирган қиличи қўлимизда! Қонли қилич бизда!.. Марҳумани жардан олиб чиқиб кўмдик...

Подшоҳ фармони билан бу муддат шаҳзода, вазири аъзам ва яна уч отлиқ шикоят қилиб келганлар билан бирга, Гурганждан унча узоқ бўлмаган Кўня-ёб қишлоғига шитоб билан чопиб кетишди. Амир Алп-Арслонга тафтиш этмоқ бир ёглиқ бўлмаганча, уйдан ҳеч қаёққа чиқмаслик буюрилди. Амирнинг кумуш гилофлик қилични тақмай келгани ҳам подшоҳни ўйлатиб қўйди. Боши қуйи амир ҳумрайган кўзлар олдидан ўтиб, ташқарига чиқди. Отига миниб ҳовлига етиб келди-да, ечинмай ўзини тўшакка ташлади...

Шу куниеқ шаҳзода Йинол-тегин билан вазири аъзам ва яна бир неча тафтишчи сипоҳийлар қишлоқдан келган фуқаролар билан Кўня-ёбга етиб келишди. Қишлоқ оқсоқоли қизининг рўмолига ўралган қилични шаҳзодага тутқазди. Шаҳзода ҳамманинг олдидан ўша кумуш сопли қилични гилофидан суғирди. Дарҳақиқат қиличнинг учида қон қотиб ётарди. Қизнинг тиконларда йиртилган рўмолини ҳам берди. Қишлоқ аҳлининг кўпчилиги "мансабдорнинг қизни олиб қочиб кетаётганини" кўрибдилар. Ҳаммаёқда дув-дув гап... Аввал "мансабдор" деганлар, эртасигаёқ, оқсоқоллар Гурганждан қайтиб келгач, "бу — амир Алп-Арслон"...

Э, парвардигорим! Бундан икки ойча аввал бутун Хо-разм уни "Қаҳрамон амир Алп-Арслон" деб фахр этган эди. Энди у қотил! Агар у чиндан ҳам қотил бўлса жазосини бер, агар бу унинг шаънига туҳмат бўлса, уни ўз па-ноҳингда асра! Шаҳзода Йинол-тегин ҳазратларининг юракларида санчиқ бошланди. Бир лаҳзадан кейин беҳуш ерга йиқилдилар. Вазири аъзам дарҳол сув келтиришни буюрди. Улар совуқ қарши олинган қишлоқ оқсоқоли ҳовлисида андак ўтириб, кейин ўз отларига миниб, Гурганжга равона бўлдилар. Қонли қилич шаҳзода қўлида бўлди, унинг кўнгли беҳузур бўлаётган бўлса ҳам ад-Давла ҳазратлари қилични унинг қўлидан олмади.

Улар Гурганжга етиб келибоқ, тўппа тўғри подшоҳ ҳузурига кирдилар. Бўлган воқеани шаҳзода билан вазири аъзам подшоҳга айтиб беришди. Қонли қилични ҳам кўрсатдилар. Ўзи туҳфа этган қиличга кўзи тушган подшоҳ сарак-сарак қилди.

— Наҳотки инсон шу даражада тез ўзгарса!

Ад-Давла ҳазратлари ҳам таассуф билдирдилар:

— Амир ҳазратларидан бундоқ ишни асло кутмаган эдим...

— Уни "ҳазрат" деманг, у — қотил!— деди подшоҳ зар-да билан.

— Шундоқ ёшларни қўллаб-қувватлаб иккинчи бор гуноҳга ботишим. Гуноҳқормен!— деди вазири аъзам ад-Давла кўксини кўтариб. Кейин ёнида турган шаҳзода Йинол-тегинга кўз қирини ташлаб қўйди,— Сулаймоншоҳ ҳазратларининг никоҳ тўйидан сўнг, бу аламзада амир фаҳш йўлига ўтиб кетганини сезган эдик...

Шаҳзода Йинол-тегин миқ этмас, мулзам бўлиб, подшоҳ қаршисида қотиб турарди.

Бу даҳшатли воқеа Шоҳсанам қулоғига етиб, у юрганча шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари ҳузурига келди. Шаҳзода ҳам, унинг рафиқаси Шодимулк беканинг ҳам нафаси ичига тушиб кетган, аниқ бир фикр айтишолмасди. Туҳмат ҳам деёлмадилар, рост ҳам деёлмадилар. Аммо Шаҳзоданинг тез-тез юраги ёмон бўлиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди.

Ишнинг боришидан, амирни зиндонда узоқ сақламас-ликлари, фуқароларни тинчйтиш, гап-сўзни йўқотиш, адо-латли бўлиш, фаҳш иш билан одам ўлдирганга шафқат йўқ, деган мақсадда амирни зиндонда узоқ ушламай, тезда қатл этишларини пайқаган Шоҳсанам зиндонга югурди. Уни бир кўриб, ўз тилидан ҳақиқатни эшитмоқчи бўлди.

Лекин бунинг иложи бўлмади.

ВАҲДАТ-УЛ ВУЖУД¹

Ўн чоғлик қуролланган сарбозлар ихотасида зиндонга олиб келинган амир Алп-Арслонни ярим қоронғу ва зах хоёнага икки кимса олиб кириб, орқасига қайириб боғланган қўлларини ечишди. Хона четидаги бордону бўйрани кўрсатишди: "Ҳазрат, кўряписми, кўзингиз ўргангандир, бурчакдаги бўйрага бориб ётурсиз! Бу, Аллоҳнинг хоҳиши — кеча қасрда пар тўшакларда ётган эдингиз, энди бордону бўйрада... Эртаги нима бўлади, ёлғиз Аллоҳнинг ўзига маълум...". Шу лаҳза зиндонбон Ёқуб уни жеркди: "Маҳбус била бундоқ сўзлашмоқ ман этилган!" Амирни уйдан олиб келган сарбозлар сардори зиндонбонга дўқ урди: "Сен, манглайи қора, бу зот кимлигини билурмисен! Бу, амир! Лашкарбоши! Токи подшоҳ ҳазратларининг ҳукми олийлари чиқмагунча камситишга ҳаққинг йўқ! Зоҳиран — маҳбус, ботинан — саркарда..." Шоп мўйлабли зиндонбон миқ этмай қолди. Амир бир сўз демай, улар чиқиб кетаётганида бориб бордон устига чордона қуриб ўтирди. Бир лаҳзадан сўнг сопол қумғондаги сувдан юз-қўлларини енгилгина ювди, шақиллатиб сиртидан қулфланган эшикка боқди, ҳовли ва дарвозаларни, хаёлан кунчиқиш ва кунботиш томонларни нишонлаб, Қиблани топгандай бўлди. Шундан сўнг, кўзларини юмиб, Аллоҳга сиғинди:

"Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм! Ал-ҳамдулиллоҳи Раббил оламин, арраҳмонир раҳийм. Молики явмид дийн, иййака наъбуду ва иййака настаъийн, иҳдинас сиротал мустақийм, сиротал-лазийна анъамта алайҳим ғайрил мағзуъби алайҳим валаз-золлийн.

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм! Қулҳув Алллоҳу аҳад, Аллоҳу самад, ламъялид ва лам ю-лад ва лам якуллаҳу куфуван аҳад!..

Субҳона раббика Раббил иззати аммо ясефун ва салоти алал мурсалина вал ҳамди лиллоҳир Раббил Оламин. Аллоҳу Акбар!"

Амир Алп-Арслон бу дуони ҳеч қачон тилидан ва дилидан қўймас эди, зах бордонга чўкиши биланоқ, дуо

1 Бутун мавжудот ҳақ таолонинг ягона вужудидан иборатдир.

ўқиб, Аллоҳга сизинди, гуноҳларини Аллоҳдан сўради. Тавба қилдим, деди. Унинг дарғазаб вужуди бир қадар юмшади. Бир муддатдан сўнг отаси шаънига ҳам дуо ўқиб, арвоҳини ёдлади. Тухмат балосидан асра, деб яна худога ёлборди. Ота ўрнида оталик қилган Йинол-тегин ҳазратларини ҳам бу туҳмат маломатига учраганини эслади. У зот: "Узкуру маҳасина мавтакум ва ту ку масвия яҳу... яъни "ўлганларнинг фақат яхши хислатларини гапиринг, ёмонлигини унутинг." Сурасини ёдга олиб, ўтканларга тил текизманглар, деб насиҳат қиларди. Бошига тушган ногоҳоний туҳмат балоси уни эсанкиратиб қўйди. Энг оғир қирғин жанглarda ҳам, қумдаги сувсизликда ҳам, Гардиз қалъасига қилинган ҳужумда баъзи қорлиқ ва қипчоқ уруғлари ўз сардорлари билан жангни ташлаб кетганларида ҳам бунчалик қийналмаган эди. Севикли Шоҳсанамни шаҳзода Сулаймоншоҳга никоҳ ўқитиб, олиб берганларида ҳам бунчалик дўзахий изтироб чекмаган эди. Қуруқ туҳмат устун келиб, уни қулатдилар!

У бордонда ўтириб, чуқур фикрга толди, подшоҳ туҳфа этган кумуш даста, чарм гилофлик қилични ким олди экан? Бу фитнани ким қилмоқда? Шунчалик ёмон фитна тайёрланаётган экан наҳотки у ғафлатда қолди! Ўз муҳаббати билан масруру маст юрмоқлик, майсазорлар орасида товонга кирадиган ўткир чўгиртаклар борлигини билмаслик, "гардуни бепоён, олам гулистон..." деб, хотиржам бўлмоқлик оқибати бу! Бутун бир қишлоқ аҳли "қизимизни олиб қочган, ўлдирган мана шу!" деб унинг гирибонидан тутганига таажжубланди. Йўқ, бу ерда ўзига ўхшаш яна бир кимса борлигини, бу ишда олий ҳазрат атрофидаги юқори мартабалик шахс борлигини фаҳмлади; Абулжаъфар ибн Хусайн — "Ноғорақорин" мана шундай фирибгарлардан бири, деди у ўзига ўзи, бу шахс подшоҳнинг ғоятда ишончига кириб олганини ҳам дилидан ўтказди. Подшоҳ ҳазратларининг унинг ҳовлисига боргани, зиёфатда ичкарига кириб, тонг отгунча қолиб кетганини айғоқчилардан бири орқали билган эди. Наҳотки фитна тайёрланаётганини сезмади! Наҳотки ғафлат босди!

Шармандалик — ўлимдан оғир! "Қишлоқ қизини олиб қочиб, булғаб, ўлдирибди..." деган гап Гурганж аҳлига тарқалганини ҳам эшитди. Бу, туҳмат эканини қандай исботламоқ мумкин, буни кимга тушунтириб бўлади! Подшоҳдан тортиб, то олий мансабдорларгача ҳайрону хас бўлиб қолишди: ичингдан чиққан балога қайга борурсен

давога... дедилар. Ҳатто, бундай иш бўлишига ақли бовар қилмайдиган Шоҳсанам ҳам жим, шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари ҳам жим. Бир нима дейишолмас, лолу ҳайрон бўлиб қолишди. Шаҳзода Сулаймоншоҳ ўзининг хотинчалиш, ингичка овози билан "амирдан бундай пасткашликларни кутмаган эдим. .." деди. Кесакдан ҳам овоз чиқди, деди Шоҳсанам ичдан куйиб, агар шаҳзодага никоҳ бўлмаганида амир бунчалик жиноят ишига бормасмиди, деди ўзига ўзи. Ҳар ким, ҳар хил хаёлда.

Лекин энг даҳшатлиси шу бўлдики, ганимлар голиб чиқди, адолат синдирилди. Амирнинг бундай қабиҳ ишга бормаслиги ёлғиз Аллоҳга маълум эди.

Амир Алп-Арслон ўзининг зиндонга ташланганидан ҳам ризо бўлди, чунки сарой аъёнлари, айниқса ота ўрнида ота бўлган Йинол-тегин ҳазратлари юзига қандай қарарди. Албатта бу "жирканчиликни" эшитган Шоҳсанам ҳеч қачон унинг юзига қарамасди.

Бепоён ва беҳудуд хаёллар гирдобидида қолган Алп-Арслон деворга суянганча ўтириб, кўзи илинди. Туш кўрди. Яна ўша оқ либосу оқ саллада падари бузруквори — амир Насриддиншоҳ ёнида пайдо бўлиб, ўғлининг бошини маҳкам қучди. Умрида йиғи нималигини билмаган, ҳар қандай шароитда ҳам қатъий турган, қаҳри қаттиқ, меҳри мустаҳкам Алп-Арслон ота бағрида гўдак боладек йиғлади: "Отажон, гуноҳим йўқ, қуруқ тўхтамакка учрадим. Наҳотки, одамлар шафқатсиз, разил бўлиб кетган! Наҳотки яхшиликка ёмонлик! Мен шу юрт деб, жангларида бўлсам-да, мени зиндонга ташласалар!.. Наҳотки одамлар Аллоҳни унутиб, дийни — исломга мункир бўлсалар! Мен ҳаммага яхшилик қилдим-ку, наҳотки номимни қорага булғаб, бундай аҳволга солсалар?! ". Ота унга тасалли берарди: "Азиз ўғлим, паҳлавоним, бадкирдор кимсаларнинг қилаётган ишлари Аллоҳга маълум. Дадил бўл, болам, сени гуноҳинг йўқлигини бизлар билиб турибмиз. Амакинг шаҳзода Йинол-тегин ҳазратларига дилингни оч, сени у зотга топширган Аллоҳим сенга йўл берсин, Аллоҳу акбар!"

Амир алп-Арслон ярим қоронғу зиндонда кўзи уйқуга кетиб, терлаб, тушида отасига куйиниб арз қилаётган бир пайтда икки қурул-яроғлик зиндонбон қўлларида таом амир ётган хонага яқинлашиб келатуриб, бирдан жойларида таққа тўхтадилар. Зиндон ҳовлиси жимжит ва бўм-бўш, тиқ этган товуш йўқ. Бу ўлик ҳовлида уч-тўртта бароқ мушуклар юрарди. Ҳозир улар ҳам йўқ. Қулфлоглик мустаҳкам эшик олдида қандайдир баҳайбат йўлбарс зиндон-

бонларга ўқрайганча турарди. Бу ерда баҳайбат йўлбарснинг пайдо бўлиб қолганидан икки зиндонбоннинг аъзойи бадани жимирлашиб кетди. Турган ерларида қотиб қолдилар. Жайхун томондан келган йўлбарс адашиб кириб қолибди деб хаёл қилдилар. Секин-аста орқаларига тисарилиб, ҳужраларига етиб олдилар. Ундан сўнг, дарбозага бориб, бунда турган ясовулларга ҳам энтикиб, тиллари оғизларига тиқилиб, гўлдираб ташқарига чиқиб кетишди. "Нима гап, соҳиб?" сўради ясовулнинг ранги оқариб, дудқланиб қолган зиндонбондан. У: "Йўлбарс... йўлбарс!.." дердию ҳеч нарса ни тушунтира олмасди. Ясовуллар югурганча ҳовлига кириб, амир ётган хона эшигига боқишди, ҳеч вақо йўқ. Улар кўчага чиқиб, икки соҳибга ҳовлида ҳеч нарса йўқлигини маълум қилишди. Орадан бир муддат ўтгач, соҳиблар аста-секин ўз ҳужраларига кириб, туйнукдан ҳовлига, амир ётган хона эшигига қарашди, дарҳақиқат, ҳеч вақо йўқ эди. Лекин юрак олдирган соҳиблар амир ёнига кирмай, зиндон дарвозасида қоровуллик қилаётган йигитларни киритишди.

Эртасига ярим тунда ҳовлига чиққан зиндонбон эшик ёнида ўта баҳайбат йўлбарс турганига кўзи тушиб, бадани жимирлашиб кетди: "Субхон оллоҳ, субхон оллоҳ!" деди. Бу ерга йўлбарс қаёқдан кириб қолди, деди ва дарҳол "лов-хавла ва ло қуввати..."ни уч бор ўқиб, хужрага дохил бўлди. Чўққайиб ўтирган йўлбарс эмас, ёш амир ҳазратлари авлиё экани, "одамлари" бор эканини фаҳмлаб, унга нисбатан номақбул муомала қилмасликни кўнглига тугди.

Шанба кўни зиндонга гирдак салла ўраб олган Йинолтегин ҳазратлари келиб кетдилар. Кейинги ҳафтада Шоҳсанам бека чодирга ўралиб, маҳбусга хўрак ташлаб кетди. У ҳам амирнинг жиноятига ишонмасди. Зиндонбон бу амирнинг синглиси ёки қариндошларидан бўлса керак, деди. Амирга олиб келинган хўракни ҳатто очиб кўрмай, олиб кириб бердилар. Ғирромлик ёки таъқиб этмоққа бунда пайдо бўлиб қоладиган "йўлбарс"дан ҳайиқдилар.

Шаҳзода Йинолтегин амирга тафтиш ишлари бирон ойга чўзилишини айтди. Амир унга каломиллога қасам ичиб, бундай жиноят бўлмаганини, бу бир англашилмовчилик эканини, "қилични машқ вақтида йўқотганини" ҳам айтди... Подшоҳ ҳазратлари анчадан буён совуқ муомалада бўлаётганликларини маълум қилди. Шаҳзода Йинолтегин сафар ойдан бошлаб хорижга жўнатилаётгани, эҳтимол Чин давлатида элчи бўлиб хазмат этиши эҳтимолдан холи

эмаслигини ҳам маълум қилди. Саройда фитна авж олгани, бунда яшаш ва хизмат қилмоқ огир бўлиб қолгани, тафтишдан сўнг ҳақ йўлига қарор топиб, зиндондан чиқса, уни ўзи билан бирга Чин давлатига олиб кетишини, эҳтимол онаси Қутлугбека билан Шош қалъасида, оға-инилари ёнида бўлишини ўйлаб қўйганини ҳам билдирди. Сарой фитнанинг кони, бу таназул, деди шаҳзода Йинол-тегин. У қоронғу хонадан чиқиб кетатуриб, амирга чидаму бардош, матонату сабр тилади, Аллоҳни асло дилдан қўймаслигини таъкидлади: "Ўғлим, сузагон ҳўкизнинг олди-дан, тепогич отнинг орқасидан ўтиб бўлмайди. Ёмонлар сўзига учган оғам — Ҳазрати олийларининг ҳозир тўрт томонларидан ҳам ўтиб бўлмайди..."

Шаҳзода чиқиб кетгач, амир Алп-Арслон яна хаёллар уммонида сузди. Отаси айтиб берган ривоятни эслади:

"Кунлардан бир кун пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳу васаллам ҳазрат Абубакр Сидиққа мурожаат этиб, ундан бир қисм бойлигини ғариб ғураболарга садақа этишини сўрабдилар. Абубакр Сиддиқ барча бойлигини камбағалларга бўлиб берипти. Буни эшитган пайғамбаримиз ундан сўрабдилар: "Эй, Абубакр, мен сиздан бир қисм бойлигингизни сўраган эдим, нечун сиз барча мулкингизни бериб юбордингиз? Энди бола-чақаларингизга нима қолади?" дебдилар. Шунда Абубакр Сиддиқ жавоб қилибдилар: "Эй, Расулulloҳ, мен фарзандларим юрагида Аллоҳга ва Сенга меҳру садоқат қолдирдим. Бундан улуг бойлик борми", деган эканлар.

Бу ривоятни эшитган Алп-Арслон оталаридан ғоятда мамнун бўлган эди. Ота ўз фарзанди юрагида дини исломга меҳру муҳаббат уйғотган, чинакам ориф эди.

Ҳафта ўтар-ўтмас, тафтиш тугамасданоқ кутилмаганда ўн беш чоғлик сарбозлар куннинг ўртасида зиндонга келиб, олий ҳазрат муҳри босилган ҳужжатни кўрсатиб, амирнинг қўлларини орқасига боғлаб, далага олиб кетдилар. Бу сарбозлар асосан Ҳазораспиклар бўлиб, илгариги лашкарбоши Абулжаъфар ал-Хусайн "Ноғорақорин" юртдошлари ва фидоийларидан бўлиб, уларга сардорлик қилаётган баджаҳл Ёқуб-ялпоқ башара билан Ашур — чўтирни амир яхши таниди. Уларнинг муомалалари совуқ ва кескинлигидан иш ғоятда ёмон эканлигини фаҳмлади.

Отлиқлар амир Алп-Арслонни пиёда ўртага олиб, Дарёлик ва ундан ўтиб Сарикамиш жарликлари сари ҳайдадилар...

ИЛОНЛАР ҒОРИ

Жиноят гоятда огир бўлганлиги сабабли на Йинол-тегин ҳазратлари, на қози калон ва на Шайхулислом ҳазратлари бир сўз деёлмадилар. Дарғазаб подшоҳнинг эрталабдан буён авзойи бузуқ, қовоқ солиб ўтириши сертантана Доруссалтанани хуфтон этиб, хизмат қилиб юрган бирон мансабдор ва на шоҳ авлодидан бўлган бирон кимса, ҳатто олий ҳазратнинг тоға ва амакиваччалари ҳам бу "қотиллик"дан воқиф бўлиб, зоҳиран қўрқувда эдилар. Бунинг устига подшоҳ келини Шоҳсанам бека билан амирнинг яширин алоқа тутгани, улар гўё ёшликларидан бир-бирларини яхши кўриб қолганликлари ва бошқа мишмишлар ҳам сабаб эди. Ҳукмдор гўзал Шоҳсанамни ўз ўғли шаҳзода Сулаймоншоҳга олиб берган, лекин шаҳзоданинг келинга нисбатан унча хуши йўқлиги сабаб бўлиб, амир билан Шоҳсанам қайтадан топишиб, сирли учрашувлар, шариат қоидаларини бузувлари подшоҳга маълум бўлиб қолди. Айғоқчилар яхши хизмат қиларди. Шоҳнинг дарғазаб бўлишига ҳаққи бор эди... Қароқчилар ўлдирган ўз амакисининг ёлғиз ўғли бўлишига қарамай, амир Алп-Арслонга нисбатан қаттиқ жазо қўллашни юрагига тугди. Бу иснодга асло чидаб бўлмас эди!

Сарой аъёнлари босган қадамларини қараб босишар, бир-бирлари билан қисқа гаплашишар, бир-бирларидан ҳайиқишар, иложи бўлса "амир воқеаси"ни тилга олмасликка ҳаракат қилардилар. Ҳеч ким бир-бирига ишонмас, айғоқчилар шу атрофда, "оёқ остида" эканини билишар, деворнинг ҳам қулоғи бор, деган нақл уларни доимо ҳушёр тутиб турарди. Дам амирнинг "босқинчилик" қилгани, дам "суйқасд" деган гап тарқалиб, ҳеч кимда аниқ бир тасаввур йўқ эди. Саройда хизмат қилмоқ осон эмас, бундан кўра жазирама далада ер ҳайдамоқ минг бор осон! Подшоҳга "тиг кўтарган" амир Алп-Арслон орқасида одамлар борлиги, у кимнингдир сўзи, айниқса, тахту тожга даъвогар экани бу ишга журъат этиб, қўл ургани, ҳаёт ва мамот жанги эканини билгани ҳолда, шоҳ жонига қасд қилган деган гаплар ҳам чиқди. Лекин амир Алп-Арслон "шериклари хусусида бир нима демаётгани, ёлғиз ўзи бу жиноятни ихтиёр этганини" тан олиб, жароҳатланган ўнг биқинини маҳкам боғлаб, вазири аъзам, сипоҳсоълар, қози

ва шайхулислом, давлат пешволари олдида қаддини ҳам этмай, тик тургани ҳам мишмишлар ичида бор эди.

— Сен аслзодалардансен, ота-боболаринг салтанат учун хизмат қилган кимсалар...— деди вазири аъзам зиндон ҳовлисида сўроқ қилганда амирга ўқрайиб.

Унинг босиқ, дўриллаган совуқ овози даҳшат соларди:

— Олий ҳазратдан не ёмонлик кўрдингки, бундай бад-ниятлик ила босқинчилик қилдинг, ўз шоҳингга тиг кўтардинг?! Бу жиноятда мансабдорлардан бирон кимса бирла тил бириктирган бўлсанг, уни айт, жонинг омон қолади! Ваъда берамен... Бу ёмон ишга сен бир ўзинг саъй этмагансен. Шерикларинг ким? Айтсанг жонинг омон қолади!.. Айт, манглайи қора,— деди жеркиб Абулжаъфар "Ноғорақорин",— сени ўлдирмаймиз, ақча бериб, Хуросонга юборамиз. Улуғ ҳазрат бу гапни менга айтдилар,— деди ўрнидан туриб Алп-Арслонга яқин келиб,— сенинг аждодларинг — падари бузрукворинг Туронзаминнинг буюк кишилари, аслзода. Сен ҳам подшоҳимиздек улуғ Ануштекин Гарчой ҳазрати олийлари уруғидансен. Салтанатга вориссен... Хуросон жангида иш кўрсатдинг. Биз ҳаммасини биламиз. Аммо ҳозир айбингни бўйнингга ол, бошингни олмаймиз. Айт, нега сен бундай шариат қоралаган беномус ишга саъй этдинг? Бор ҳақиқатни айтсанг, такрор айтамен, гуноҳингни олий ҳазратдан сўраймиз, жонинг омон қолади. Машҳад кетасен...

Алп-Арслон лом-лим демади, мағрурона тураберди. Илжайди ҳам...

Вазири аъзам ишораси билан уни яна зиндоннинг қоронғу чоҳига қайтариб олиб кирдилар. Атрофлари баланд қўрғонлар билан ўралган пойтахт Гурганждан бир чақиримча нари, Хивоқ йўлида кўҳна бир қўрғон ваҳшатли қад кўтармиш. Зиндон ҳовлиси четгидаги қоронғу ва чуқур хоналардан бирида ўра бор — ўранинг тепаси уч-тўрт газ чамаси доира бўлиб, таги кенг беш-ўн чоғлиқ маҳбус ўтирадиган, қоронғу бир чоҳ эди. Бунга маҳбусларнинг белига арқон боғлаб туширишар, тахминан бир ой ичида тафтиш кетиб, жиноят сабаблари аниқлангач, маҳбусни олиб чиқиб, бошини узар эдилар. Калла олиш Хоразмда кенг тарқалган жазо бўлиб, кўп маҳбуслар чуқур чоҳнинг сассиқ тубида битлаб ётгандан кўра, ўлим афзал, дердилар. Амир Алп-Арслон ҳам шу фикрга келган. Қўй жонивор жаннатдан чиққан, у фақат сўйилмоқ учун яратилгандай, вақти етгач унинг томоғи қичир экар, пичоқ тортилишини ўзи истагандай бўлар экан. Қора қўрғон

зиндонидаги маҳбуслар бир неча ойдан кейин бошини кундага қўйишга талабгор бўлиб қоларди. Бу бир лаҳзалик оғриғу азоб бечора маҳбусни ойлар мобайнида чеккан дўзахий уқубатдан халос этарди. Ҳар ким пешонасига ёзуғлигини кўради, дерди кекса маҳбус тақдирга тан бериб, қатл олдидан ҳам Аллоҳдан гуноҳларимизни сўрамоғимиз даркор, токи махшар куни Аллоҳ жамолини ёруғ юз билан кўрайлик, бу умид-орзуимиздир.

Орадан икки кун ўтгач, қўли орқасига боғлиқ, оёқяланг амир Алп-Арслонни тўрт отлиқ сипоҳи дала оша Қорақўрғондан олиб кетишди. Унинг қўлларига, бўйнига арқон солиб, олдинги сувори арқон учини эгар қошига боғлаб олган эди.

— Эй, оғалар, мени қўйиб юборинглар, минг тилло танга берилади,— деди кимсасиз дашт йўлида амир Алп-Арслон.

— Минг тилло танга тўртовимизга?— олдиндаги отлиқ бирдан садо чиқарган маҳбусга қайрилиб боқди,— иштонингиздан бўлак ҳеч вақонингиз йўқ-ку, амир, бунча ақчани қайдан оласиз?

— Қўйиб юборинглар, Аллоҳ ҳаққи, бу ақчани сизлар албатта оласиз. Ёлғон сўз айтмаймен. Бир одамим уйингизга келтириб беради. Мусулмон мусулмонга ишонмоғи даркор, ота-онам ҳурмати қўлингизга минг тилло танга тегади! Қочди, чопиб ташладик, деб айтасизлар. Зиндон атрофидаги жойда кўмиб ташланган маҳбуслар қанча! Келинлар, бола-чақаларингиздан буюрсин, мени қўйиб юборинглар! Сизларга бир ёмон кори ҳол бўлмайди. Мени ҳозир бир итчалик қадрим йўқ, ўлсам ўлиб кетаберамен. Аммо тирик қолишимга сабабчи бўлсангизлар, кейинчалик ҳар бирингиз бир арбоб бўласиз, бой бўласиз...

— Отавали, бу нима дейди!— орқадаги отда келаётган навкар олдингига савол тарзида гап қотди.

— Қулоқ солма унинг гапига! Бизни лақиллатаётир, буни ўзи тунда саройга кириб, хазинага ўғирлиққа тушган кимса, деб айтдилар. Хазинабонни ўлдириб, тилло тангаларни орқалаб қочаётганда қўлга тушган Шу гап бизга маълум. Минг тилло тангани қаёқдан олади бўлмаса! Эҳтимол, ўғрилар тўдасидандир... Ясовулбоши уни қўли боғлиқ саройдан олиб чиқди. Зиндон ичидаги ўрага солинлар, деб буюрди.

— Бу ўғрига ўхшамайди!— деди яна орқадаги отлиқ.

— Мен ўғри эмасмен! Яратган Аллоҳ ҳаққи, сизга тўғри сўзни айтяпмен, мен ўғри эмасмен!

— Унда сен кимсен?

— Мен амир Алп-Арслонмен, марҳум шаҳзода Насридиншоҳнинг ўглимен, Наҳотки менинг отам номини эшитмаган бўлсангизлар? Мени подшоҳ ҳазратларига суиқасд қилди, бир қизнинг номусига тажовуз этиб, ўлдирди, деб ушладилар. Бундай эмас! Мени ўғри деб тушунманглар, мен ўғри эмасмен! Отамдан қолган давлат кўп, наинки минг тилло, ундан ҳам кўп ақча, мол берурмен. Фақат мени қўйиб юборинглар. Мен Хоразмдан чиқиб, Сайхун томон кетурмен. Қариндошларим Шовшда, карвон ила тез-тез Хоразмга келадилар, иншоолло, жонимни саломат сақлаб қолганларингиз ҳаққи учун улардан ҳам сизга кўп инъом етажак.

— Ўғри бўлмасанг, унда айт-чи, вазири аъзам ҳазратлари ким?

— Хумомиддин ад-Давла.

— Лашкарбоши ким?

— Мен эдим...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳо-о-о! Энди лашкарбоши йўқ!

— Подшоҳимизнинг кичик оғалари ким?

— Шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари.

— Подшоҳимизнинг ўғиллари ким?

— Шаҳзода Сулаймоншоҳ... Яна бирлари шаҳзода Отлик...

— Соҳиб, бу ҳамма улуг ҳазратларимизни биладур, бу ўғри эмас!

— Ясовулбоши менга уни ўғри, деб айтди. У бари бир ўғри! Мен ўгрининг сўзига ишонайми ёки ясовулбошининг сўзига! Агар у ўғри бўлмаганида ҳам мен уни қўйиб юбормаймен! Чунки ясовулбошига не деб жаноб қилурмен!

— Уни қўйиб юбориш лозим! Шундоқ бир аслзода инсон маҳв этилмасин! Фикри очиқ, кўп нарсани билар экан.

— Ярамас! Манглайи қора! Сенга минг тилло танга керакми? Уни йўқотиш хусусида фармони олий бор!

— Вазири аъзам ўзига зид келган кўп кимсаларни ўғри деб йўқотиб юбораётганини эшитганмен... Умримизда бир савоб иш қилайлик...

— Нафасингни ўчир, чопиб ташлаймен!— қиличи дас-тасини маҳкам ушлаб, гилофидан суғурмоқчи бўлди.

— Йўлда "Ғори морон"га тушиб кетди, деймиз. Ёки қашқирлар тўдаси қувлади, биз отда қочдик, уни бурда-бурда қилиб, еб кетди деймиз...

— Яна бир сўз десанг, каллангни олиб, ўзим ёлғиз уни Қорақўрғонга етказамен!

Доимо туртки ва ҳақорат эшитиб келган ёш навкар дарғазаб, отни биқинига ниқтаб, олинда кетаётган шеригига етиб бориб, тўсатдан унга қилич солди. Шериги отдан қулади. Ерда ётган ясовулга жонҳолатда ўшқирди: "Сенга минг лаънат! Бўрилар сени еб кетсин!", деди-да, белидаги қиличини суғуриб, амир Алп-Арслонга узатди:

— Отига миниб қоч! Мен сўққабошмен, бир кунимни кўрамен. Гурганжга қайтмаймен, мен асли Ҳамадон музофотиданмен, дарё ёқалаб, ўша томонга кетамен. Бир ҳафтада она элимга етиб борумен.

— Ога, сизга Худо ёр бўлсин. Гурлан, Хивақ томонларга яширин одам юбориб, амир хонадонига йўлиқиш иложи бўлса, менинг номимни айтиш билан минг тилло танга берулар. Албатта шундай қилинг, одам юборинг. Омон бўлсам сизни Ҳамадонда топиб, яхшиликлар қилурмен.

Ясовул ерда оҳ-воҳлаб қолиб кетди. Унга иккинчи бор қилич урмадилар. Маҳбус амир Алп-Арслон билан ёш навкар икки томонга — одамзод юрмайдиган қуму ботқоқлик — Сариқамиш пасттекислиги томон, ясовул йигит Жайхун ёқалаб Ҳазорасп томон от чоптириб кетдилар. Бу томонларда бирон ҳафта юриб, кейин Хуросонга жўнашни кўзда тутди. Ишлари яхши бўлиб кетишига умид боғлади.

Лекин минг афсус... Амир Алп-Арслон кун бўйи от чоптириб, Қўнғиртош яйловида бир чўпон оромгоҳида дам олди, отини суғурди. Оқбайтал қишлоғига етай деб қолганида орқадан от чоптириб келган ўн чоғлиқ бошига қора жулдур чўгирма кийган қуроли суворийлар уни ўраб олди. Аввал қамчилаб уриб, кейин қўлларини маҳкам боғлаб, отга тўнтариб, яна Қорақўрғон зиндони томон олиб кетишди. У калтакланганидан кўра, Сариқамиш томон қочганини қандай билишгани хаёлини қамраб олди. Кўп маҳбуслар шу томон қочиб, қутулиб кетганини эшитган эди. Иккиламчи, отдан қулаб, ярадор ерда ётган ясовул уларнинг қай томон от чоптириб кетганини кўриб қолган бўлса эҳтимол. Чунки бу дашту биёбонда у билмайдиган маскан йўқ.

Амир Алп-Арслон қочганини эшитган сарой аъёнлари ваҳимага тушишди, яна гап тарқалди. Подшо уни дарҳол ўлдиришни лозим топмай, зиндонда сақлади. Тафтишу баъзи мансабдорларнинг бу хусусдаги маълумотига ишонди-ю, аммо қандайдир шубҳа юрагининг бир чеккасида

собит турди. Амир Алп-Арслоннинг қочипи вазири аъзамни ўйлатиб қўйди: ашаддий душмани, Гурланнинг марҳум беги фарзанди Алп-Арслон бошини кундага қўйиб, қонга белашдан у ҳам бир оз чўчиди.— Подшоҳга ўлим жазосини фақат подшоҳ бермоғи, фармон чиқармоғи шарт. Шу сабабли вазири аъзам бошқача, маккорона йўл тутди.

— Ҳазрати олийлари! Нобакор амирнинг овом ичида таъсири кучлик. Унинг бошини кундага қўймоқлик гапсўзга сабаб бўлур... Эрта тонгда уни ярим яланғоч этиб, ўша Ғори морон чуқурлигига ташлаб келсунлар! Заҳри олудини тўкмоқ учун жонлиқ тополмай ётган илонлар чақиб, минг азоб ила ўлдирсун! Ғори моронда қанчалаб жиноятчиларнинг устухонлари ётибди, кўрганмиз... Овомни салтанатга қарши қўйган, тахту тож, салтанат душманига бундай жазо муносиб! Зўрланган қизни у шу ғорга ташлаган! Агар унинг бошини олсак, бир лаҳзада ўлади, қутилади. Заҳарли илонлар ичидаги қўрқув, вишиллаб, тилини чиқариб қилинган ҳужум, дод солишликлар бу хоинга нисбатан муносиб жазо! Иккиламчи, фуқаро унинг ўлиmidан огоҳ бўлмайди, унинг "жасоратли амир" аталмиш мавқеи йўқолади... Тирноқ ила бургани қирс этиб, эзиб ўлдирамиз қўямиз...

— Маъқул!— деди қовоғи солиқ, руҳи паст подшоҳ калласини сезилар-сезилмас қимирлатиб.

Вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла манун бош кўтарди. У откалланинг кўзлари ҳам отникига ўхшарди, лаблари қалин, овқатни ҳам беда еётган оддек курсиллатиб, иштаҳа билан тановул этарди.

Вазири аъзам ташқарига чиқиб кетди. У бу "доно режа"ни ясовулбошига Фармон, деб маълум қилди; "хавфли маҳбус"ни эрта тонгда, офтоб ёйилганда Илонлар ғорига олиб бориб, чуқурликка итариб юборишларини буюрди. Ўта заҳарли қум илонлари офтоб ёйилиб, кун қизиши билан инларидан чиқиб, жонлик қидирадилар. Юмрону қум сичқонлари, чўл бақаси, каламушлар, қушлар ва ҳатто тулки болалари ҳам уларнинг емишлари бўлади. Қўёш тик келиб, қумликлар қизиганда, ўлжа излаб, чақмоқдек тез ҳаракат қиладилар. Ўлжасини тутиб, ўраб олиб ютаётган катта илонлар саҳро ўртасида қад кўтариб турган эски бир қўрғон сари силжиб, тепалик атрофидаги чуқур хандақдан "Ғори морон"— Илонлар ғори аталмиш томон келадилар, баъзи кичик сарғиш, чипор илонлар қўрғон деворлари ёриғига азалий масканлари — кавакларига кириб кетадилар. Ҳар қалай, чуқур хандақ — ғор озгина

соя тушадиган жойида юзлаб илонлар ётади. Баъзан от-аравада ўтиб кетаётган йўловчи Илонлар ёри хандақларига яқин борганда пастликка кўз ташлаб, чирмашиб, баъзан кулча бўлиб ётган гиж-гиж бу даҳшатли махлуқларга кўз ташлаб, беихтиёр сесканишади. Узоқдан келаётган от араваларни бу жонзотлар бошқалардан аввал сезади, ерга бағрини бериб ётган катта чипор илонлар юмрону каламушларни элик газ наридан пайқайди ва айри тилларини чиқариб, ҳужумга ҳозирланади. Бир ривоятда зилзилани ҳам илон анча аввал сезиб, ўз инини тарк этиб, саҳрога ёйилади, дейилади. Илонларнинг безовта бўлиб, қочиб кетаётганини кўрганлар бор...

Кумликлар ичидаги жар — Илонлар ёрида, ўн-ўн бир газ пастликда бижир-бижир жонзотлар кўзга ташланарди, уларнинг ҳам ўз уруғлари — "қавмлари" бордирки, ҳатто бегона, ожизроқ илонни боши учбурчак, уч газлик чипор кўлвор илон бақадек ютиб юборарди. Нотинч бўлиб газабланганда бошини ердан кўтариб, бақбақаларини ёйиб, қора айри тилларини тез-тез чиқариб турадиган, заҳри олуд /биз уни кўзойнакли илон деймиз/ тилларини тез-тез чиқариб турадиган, узоқни яхши кўролмаса ҳам, тили билан сезиб пайқайдиган бу илонлар дунёга машҳур.

Бу илонлар заҳри шу даражада ўткирки, димишқий ханжарлар тиғи ҳеч гап эмас, биринчи ҳамладаёқ жонзодни маҳв этади. У ўз ўлжаси — чўл бақасига, тўрғайга, юмронга тикилганида унинг ўткир мунчоқ кўзлари жонзодни сеҳрлаб, авраб қўяди. Кокили бор, сакраб юрадиган қум сичқони эса илоннинг очилиб турган қизил оғзига тўппа-тўғри кириб кетади. Бақбақадорнинг йилтираб турган қора кўзлари, дамо-дам ўйнаб чиқиб турган айри тиллари, бениҳоя совуқ башараси жонзодни аврайди, эчкимардан мустасно ҳар қандай жонзод ҳам бу даҳшатли башарага кўзи тушиши билан ихтиёри ўзидан кетади, ўз мувозанатини йўқотади. Инсонни таъқиб этиб қувлайдиган илонлар ҳам мавжуд. Чуқурлик — Илонлар ёри остида бир неча жойда инсон бош чаноғи, қовурға суяклари, қўл-оёқлар сочилиб ётарди, бу — қачонлардир хандаққа ташланиб, илон чақиб ўлдирган кимсаларнинг устихонлари.

Қўли боғлиқ амир Алп-Арслонни аравада етти ясовул Илонлар ёри тепалигига олиб келиб, пастликдаги жарга тикилишди.

— Мени бу ерга не мақсадда олиб келганингизни тушуниб турибмен,— деди амир Алп-Арслон қилич яланғочлаб турган ясовулларга тик боқиб,— худодан қўрқмайсизлар-

ми?! Подшоҳ мени Маккага йўлламоқчи бўлди, ақчаю либослар берди. Сизлар бу ақчаларни олиб, унинг фармонини адо этмай, бу жарликка итариб юбормоқчисизлар! Подшоҳ фармонини бузиб, жиноят қилишда Аллоҳдан қўрқмайсизларми?

— Жиноят қилгон бизми ёки сенми?— қаҳ-қаҳ уриб кулди ясовулбошилар. Одил-қаншар билан Ашир чўтир,— сен манглайи қора, бир маротаба қўлимиздан чиқдинг, энди чиқолмайсен! Сен амир эмассен, подшоҳмиз қариндоши ҳам эмассен! Ёлгон сўз демоқдасен. Жароҳатландим... Бунинг учун юз тилло танга тўланди... Сен ҳатто мени ўлдирмоқчи бўлдинг...

— Мени "сенлама", мен-амирмен!

— Йўқ, сен амир эмассен, салтанат душманисен!— деди Ашур чўтир титраб, қақроқ лаблари ёпишиб,— сени вазири аъзамнинг ўзлари Илонлар ғорига итариб келинглар, дедилар, итариб юборамен! Сени бақбақдорлар чақиб ўлдиришига ҳукм этилгансен. Фаҳми-фаросати йўқлар сени ҳарнима, деб юраберсинлар. Аммо сен, манглайи қора, бунда илонларга ем бўласен! Сенинг тилингни ёмон, дедилар, сен улуг ҳазратни чақдинг, энди сени илонлар чақади! Сен маликамизга кўз олайтирибсен, бу — жиноят! Дунёга келганинга минг пушаймон бўласен! Ҳей, сен, унинг устидаги либосларини ечиб ол!— деди Ашур чўтир.

— Қўлимни ечинглар,— деди амир Алп-Арслон,— мени ўзим либосларимни ечиб берамен. Илонлар ёнига тушадиган бўлганимдан кейин қўлимнинг ечиқ ёки боғлиқ бўлишининг нима аҳамияти бор! Ечинглар! Қўлимни ечсаларинг, бир лаҳза бўлса ҳам илонлар билан жанг қилиб, кейин ўламен... Сизлар юқорида туриб томоша қиласизлар. Ечинглар! Мен қаёққа ҳам қочардим. Номард бўлманглар!

— Ечақол, илонлар билан "жанг"ини томоша қиламиз,— деди чўтир.

— Ечиб ўтирма, қўлингдаги тиг билан кес!— деди зарда билан амир Алп-Арслон ясовулга ўқрайиб.

— У қўлидаги арқонни қирқиб, илонлар билан олишмоқчи. Нодон! Бир ерига ниш урди — тамом! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! Илон билан олишмоқчи бу! Кўрамиз, олишасен. Заҳарли илонлар сен билан олишишни кутиб ётишибди.

Қўлидаги арқон қирқилгач, Алп-Арслон устидаги либосларни ўзи ечиб, ерга ташлади. Лекин шу лаҳза ясовуллар қиличларининг учини Алп-Арслонга тўғрилаб, уни жар ёқасига суриб бордилар. Шу лаҳза жарлик ёқасидан аллақандай бир катта сариқ илон вишиллаб ўтиб кетди.

Отлар ҳуркиб, депсинди. Ясовулларнинг ҳам эти жимирлашиб кетди, бу атрофда одамзод юрмас, жарлик — Илонлар ғори хусусида турли қўрқинчли ривоятлар ҳам тўқилган эди!

— Тезроқ жарга итариб юборинглар! Ана, оёқ остида заҳарли илонлар пайдо бўлди. Бу гурсиллаб жарга тушиши ҳамон илонлар чиқиб, бизни қувлаши мумкин. Отнинг оёғига чирмашиб олганини ҳам эшитганмен! Тез бўлинглар, итариб юборинглар! Кейин қочамиз.

Шамшир учини амир Алп-Арслоннинг яланғоч танига тўғрилаб, сиқиб жар ёқасига итараётган ясовуллар билан жанг қилиш, қочишнинг иложи бўлмай сурилаётган Алп-Арслоннинг кўзлари ола-кула бўлиб, бешафқат жаллодларга тикиларди. Бир лаҳзадан сўнг Алп-Арслон жарга қулаб тушди. Озгина чанг кўтарилиб, тапирлаган овоз эшитилди. Нидо чиқмай, жим бўлиб қолди. Дарҳақиқат бир неча катта- кичик илонлар жардан қочиб чиқиб, янтоқлар орасига яширинди. Яна кетма-кет узун-қисқа бўлиб чиқишларидан қўрққан ясовуллар отларига миниб, Қорақўрғон томон югуришди. Улар от устида, Аллоҳу акбар, деб юзларига фотиҳа тортдилар. Таҳту тож учун курашган подшоҳ душманларидан яна бири маҳв этилганини тезроқ вазири аъзамга хабар қилмоқ учун Ашур-чўтир отига пайдарпай камчи босиб, Гурганж сари югурди.

Жарга қулаган амир Алп-Арслон аввал бирон нарсани ушлаб қолиш, янтоқ илдизими, тешикми, қирра тошми, жон ҳолатда қўли билан бирон нарсага ёпишиб олиш мақсадида қияликка суйкалди, лекин эпллмади. Шувиллаганча орқаси билан чуқурликка тушди, хайрият, офтоб тушиб турган бир бўйра энича ерда илон кўринмади. Ўрнидан оҳиста туриб, кескин ҳаракат қилмай, секин қимирлади, бирон нимани босиб олмаслик учун турган жойида қотди. Инсонга кўзи тушган бир илоннинг икки қадамча нарида, ердан бир газча бош кўтариб, бўйнини шишириб, вишиллаб тез-тез айри тилини чиқариб турганига кўзи тушди. Илон ўз инига келган бегонага бир-икки бош урди, лекин оёғига яқин келолмади. Ғўдайганича қотиб тураберди. Унинг рўпарасида Алп-Арслон ҳам тошдек қотиб турди. Бир лаҳзадан сўнг илон бошини пастга тушириб, қаёққадир судралиб, кўздан ғойиб бўлди. Тепадаги ясовуллар жўнаганини, отларнинг дукуллаб юриб кетганини сезганидан сўнг душманнинг биридан қутулганлигига ҳам шукр қилди. Йиртқишлар билан рўбарў келган-

да кескин ҳаракат қилмаслик лозимлигини отасидан эшитган эди. Қотди, деярли ҳаракат қилмади.

Амир Алп-Арслон атрофига кўз ташлади, жарлик девори — баландликдаги кавакларда беҳисоб илонлар бир-бирига чирмашиб ётгани, уч-тўрт қадам нарида инсон устихонлари, бош чаноқлари сочилиб ётганига ҳам кўзи тушди. Ҳа, демак вазири аъзам ўз душманларини бу ерга келтириб ташлашини, ўз рақибларидан қаттиқ ўч олишини пайқади. "Гуноҳини Аллоҳдан тилаб, Маккага кетди..." баҳонаси билан илонлар ичига ташлашар экан. Бу — дўзахнинг ўзгинаси. Ниҳоятда қўрқинчли. Бу ерга ташланган инсон ўз инсонлигидан ҳам пушаймон ейди. Илонлар ҳам ўрганганми, вақти-вақти билан бу жарликка ташланадиган бахтсиз кимсаларни келиб чақишар ва ҳатто шу ерда эчкиэмарлар билан илонлар жанги ҳам бўларди. Эчкиэмар жонзод этини узиб еёлмас, чақиб ўлдириб кетарди. Ўлакса эт ҳидини сезган эчкиэмарлар қаёқдандир пайдо бўлиб, вишиллаб юрган бу жарлик эгалари билан узоқ олишишарди. Баъзан эчкиэмарни илон бўғиб ўлдиради, аммо кўп вақт эчкиэмарлар илонларни ғажиб, еб кетарди...

Алп-Арслон ўзини кўлга олиб, атрофга обдан тикилди. Горнинг ўнг томонидаги қадимий ташландиқ қўрғон деворлари томон икки қулочдан мўлроқ келадиган сарғиш илон лапанглаб, тепаликка оҳиста кўтарилаётганига кўзи тушди. Оёқ қўйса бўладиган қандайдир бир йўл борлигини сизди. Лекин ер қатлами орасидаги ёриқларда ўзини кузатиб турган кўпгина илонларни чўчитиб юбормаслик учун сал бўлса ҳам қимирламай, қотиб тураберди. Йиртқичу даррандаларни чўчитмаслик, қаттиқ ва қалтис ҳаракатлар қилмаслик хусусида кўп гаплар эшитган эди. Дунёдаги даррандаю газандалар кескин ҳаракат, бехос тегиб кетиш, чўчитиш оқибатидан инсонга ташланади, осудалик даркор дердилар. Ҳатто йўлбарсу бўридан, газанда илонгача мулойимликни ёқтиради. Улар ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужум қилмайдилар. Қутирган жонивор ҳам тегмаганга тегмайди. Шу фикрни юрагига жо этиб олган Алп-Арслон бир оёқда тошдек қотиб тураберди. Чарчаб, бетоқат бўлганида ҳам ўзини тутди. Бир муддатдан кейин секин-аста қаддини ростлаб, рўпарасида турган бақбақадор илонга боқди. Ердан бир газча бош кўтариб турган илон секин-аста бошини ерга қўйиб, япалоқ бўлиб турган бақбақалари ҳам йўқ бўлиб, дарғазабликдан тушди. У Алп-Арслон оёғи тагидан лапанглаб нарига кетди. Бу, сенга ҳужум қилмайман, чақмайман дегани эди.

Алп-Арслон катта илон — аждар борми деб секин чап томонига қаради. Илонлар ёпирилиб келиб ҳужум бошлагудай бўлса ожизлик қилмай, ҳар қалай ҳимояга ўтиш ниятида устихонлар орасида занглаб ётган бир исфихонни ердан кўтариб қўлига олди. Гурганжда тарқалган гап — Илонлар ғорида катта аждар борлиги, у одамга даф этиб, бир лаҳзада ўраб, бўғиб, сўнгра ютиб юборишини эшитган эди. Аждар кўринмади, аммо атрофида гиж-гиж катта-кичик илонларнинг баъзилари тинимсиз айри тилларини чиқариб уни кузатиб ётганликларини сезиб турарди. Аждар афсона эканини фаҳмлади, лекин бу илонлардан биронтаси тишлангудай бўлса тамом, бир лаҳзадаёқ ўлдиради.

Алп-Арслон секин-аста ўнг томондаги қиялик томон қадам ташлади. Икки қадамча нарида ётган яна бир илон вишиллаб ердан бошини кўтарди. Алп-Арслон турган ерида яна қотди. Қўлидаги занглаган қилични ҳам қимирлатмай, ерга тиради. Илон ҳам, Алп-Арслон ҳам бир-бирларидан кўз узмай тураберишди. Илон тилларини чиқарди. Агар шу лаҳза кескин бир ҳаракат қилиб, қочгудай бўлса оёғи остида ўнларча илонлар пайдо бўлиши аниқ. Шу сабабли Алп-Арслон тақдирга тан бериб, уларнинг биронтасини босиб олмаслик, чўчитиб юбормасликка тиришар, улардан асло кўз узмасди. Олдинда оёқ босадиган ер йўқ, кавакдан тушган икки қорамтир илон ерда ястаниб, кейин кулча бўлди. Қорамтир илоннинг кулча бўлиши ҳам ҳужумга тайёрланиш деган гап. Уларнинг устидан ҳатлаб ўтиб кетиши ҳам мумкин эмас. Илон "Мени мажақламоқчи", деб яшин тезлигида ниш уради. Алп-Арслон бир оёғини кўтарганча, яна бир оёқда қотиб қолди. Рўпарага келган илон дамо-дам тилини чиқариб, дам чийратома қамчинга ўхшаб тураберди. Бу қора ва айри тиллари остидаги заҳар қанчалик даҳшат эканини Алп-Арслон сезиб турарди. Унинг тишлари ботди дегунча инсон шу лаҳза тил тортмай маҳв этилгуси. Вазири аъзамнинг аччиқ тилларини ҳам кимдир илон тилига ўхшатган эди. Кўп ўтмай ташқаридан тушган уч қулочдан узунроқ қандайдир бир сарғиш катта илон хандақ ичида лапанглаб, сирғалиб келди-да, бир оёқда қотиб турган Алп-Арслонга қайрилиб ҳам қарамай, оёғи тагидан ўтиб ўн қадамча наридаги ўзининг кавагига кириб кетди. Унинг бемалол келишидан бу ерда ундан кучлироқ жонзод йўқдек, йўлида чўзилиб ётган бир илоннинг устидан сирғалиб ўтиб ҳам кетди. Ерда ётган илон худди ўз оғаси келаётгандай, ҳатто устидан босиб, сирғалиб ўтаётганидан мамнундек бамайлихотир ётаберди.

Алп-Арслоннинг аъзойи бадани жимирлаб кетди, турган ерида яна қотиб қолди. Рўпарадаги улкан кавакда сариқ, қора, олачипор илонлар ғужғон ўйнар, хайрият, уларнинг Алп-Арслон билан иши йўқ кўринарди. Уларнинг ҳар бири бир жаллод. Агар улар қаҳр-ғазабга киргудай бўлса, Алп-Арслоннинг бир оёқлаб, жим, қотиб туриши ҳам бефойда, тийрипаррондек отилиб келиб, жонини суғуриб оладилар.

Алп-Арслон бир оёқда қотиб туравериш танидан дармон кетди. У секин иккинчи оёғини ерга тушириб, ғор-хандак четининг қия томони сари сурила бошлади. Бу қиялик илонларнинг асосий йўли бўлиб, бошқа томон тик, осилиб чиқишнинг иложи йўқ эди. Оёқ қўядиган, ушлайдиган бир нима кўринмасди. Унда-мунда кулча бўлиб ёки чўзилиб ётган илончаларга эҳтиёт бўлиб, биронтасига тегиб кетиш, босиб олишдан эҳтиёт бўларди. Қиялик томон аста-секин сурила бошлади. Ясовуллар тепиб, итариб юборганда оёғи қайилиб, елка-кифтлари тилиниб, қонаган эди. Илонлар рўпарасида бу оғриқлар ҳам сезилмай қолди.

Қуёш тик келиб, жарлик ичидаги соя ҳам йўқолди. Кун қизий бошлади. Илонлар кавакларга тиқилиб кириб, ғор сиртида чўзилиб ётганлари ҳам ўз кавакларига кириб, кўздан йўқолди. Алп-Арслон яна атрофига бир кўз ташлагач, қияликка бориб, тирмашиб, юқорига кўтарилишга интилди. Лекин унинг икки кўзи ғор ичида, атроф ковакларда ўзини таъқиб этиб ётган илонларда эди. Ишқилиб тойиб кетмасин, агар иккинчи бор ғорга йиқилгудай бўлса биронта илонни босиб олиши аниқ. Яланғоч танига бир ниш урилса — ҳалокат!!! Йигирма газча баланд бу қияликдан секин-аста кўтарилиб, қўлидаги занглаган қилични баъзан тупроққа қадаб, баъзан оёқ қўйиш учун чуқурча кавлаб, юқорига интиларди. У не машаққатлар билан тепаликка чиқиб, атрофга кўз ташлади, толгани, бир қултум сувга зор бўлиб чанқагани ҳам сезилмай, тезда бу ердан нарироққа кетишга интиларди. У юқорига интилатуриб, пастга, жарликка кўз ташлади: бояги улкан сарғиш илон изидан келиб, қияликка кўтарилиб, Алп-Арслон ёнидан виқор билан вишиллаб ўтиб кетди. У негадир инсондан ҳайиқмади, инсон унинг эътиборини тортмади ҳам. Уч қулочдан узун, боши ҳам эчки боласининг калласича келадиган бу илоннинг ўзига ярашур "ғурури" бордек. У ҳеч нарсадан ҳайиқмай, бу ерлар меники, дегандай тепаликлар оша саҳронинг кунботар томонига кетди. Жонзодлар оламининг ҳам ўзига яраша сирру асрори бор — жарликка келган бу катта илон бир муддатдан сўнг яна

сахро оша қаёққадир равона бўлгани, нима ниятда экани, инсонга шикаст етказмагани Алп-Арслонни ўйлатиб қўйди. У таажжубга тушди. Бу даҳшатли жонзодлар, назарида, унчалик ёмон йиртқичларга ўхшамади, чақирилмаган меҳмон бўлиб, уларнинг маконида бир неча муддат тургани, зиён етказмаганликлари ҳам Алп-Арслонни чуқур халёлга чўмдирди. Жонзодларга озор бериш, кескин ва ноўя ҳаракат қилмоқ хато, деди ўзига ўзи. Ҳиндистонда йўлбарсу шерларга тегиб, озор берилмаса, улар ўз йўлларида кетабериши, жонзодлар инсонни қудратли ва ақлли оғам деб тушуниши хусусда ривоятлар кўп. Бўрилар инсон боласини олиб бориб ўз боласи ёнига қўйгани, бирга эмизгани, болани боққани ҳақида қанча ривоятлар бор: нечун уларга озор бериш керак! Илон ҳам Аллоҳ яратган бир жонзодки, у ҳам соғ-саломат яшамоғи керак. Хасталик ҳамда вабо тарқатувчи сичқону каламушлардан заминни тозалаб туриш Аллоҳнинг қудрати. Агар шу илонлар бўлмаса вабо тарқатувчи кемирувчилар кўпайиб кетиши аниқ, агар қалдирғочлар бўлмаса ҳаммаёқни заҳарли чивинлар босиб кетарди... Ҳар қалай бу заҳарли илонлар ад-Давла, "Ноғарақорину" "Каркидон" дан минг бор афзал. Улар қалдирғочу бақаю илону, йўлбарсдек табиатни поқловчи жонзодлардир. Уларнинг заҳарини Ибн Сино тиллога сотиб олганлар, инсон саломатлиги йўлида дори-дармонларга бир меъёр қўшганлар. Бақбақадор илонлар буюк ҳақимнинг фикрича, жаллод эмас, томоғида инсон саломатлиги учун бебабҳо дори олиб юрувчи меҳрибон жонзоддирки, ҳали биз унинг қадрига етганимиз йўқ! "Тушда кўрсанг ганж, ўнгда кўрсанг янч!" деган сўз гоятда хатодур, деб улуғ ҳақим яна такрор айтадурлар.

Алп-Арслон узоқда кўринган гужум дарахти томон юрди. У ерда озгинагина соя бор эди. Шу ерда нафасини ростлаб, қўрқув ва ҳадиксирашлардан фориг бўлиб, сўнг сув излаш хаёлига келди. У энда Сариқамиш пастлигига эмас, манғит уруғи томон, Жайхун ёқасига, агар иложини топса кемада Қоратоғ томонга ўтиб кетишни кўзлади. Султонтўғ оралигидан уни ҳеч кимса тополмайди!

Оёқ яланг, ярим ялангоч, қўлда занглаган қилич, ҳолдан тойган Алп-Арслон илонлар ғоридан омон-эсон чиқди. Узоқдаги гужум дарахти томон юрди, шу дарахт унга нажот берадигандай. Яшиллик соясида ҳордиқ олиб бир нима топиб тамадди қилишга, сув ичишга умид боғлади. Ташналикдан, очликдан қийналса қийналади, аммо бирон жонзодни ўлдириб емасликка қасам ичди. Агар

қўлига жайрон тушса мутлақо сўймаслик, судралиб юрган илонларга тегмасликка, ҳатто катта илонга салом беришга аҳд қилди. Илонки инсонга тегмай, уни асрагани таажжуб, аммо ўзимизнинг илонлар ёмон, деди ўзига ўзи.

Жайхун бу ердан икки чақиримча узоқдалигини биларди, унинг қирғоқларига етиб олмоқ — ҳаёт қолгани демакдир. Шунинг учун ҳам гужум дарахти тагида нафасини ростлаб, тунаб, кейин Жайхун томон юрса бўлади. Ёки илдиз кавлаб емоқ лозиммикан? Қандай бўлмасин тезда Қоратог томон йўл олмоқлик зарур.

Зўр-базўр гужум тагига етиб борган Алп-Арслоннинг кўзи сояда кулча бўлиб ётган икки илонга тушди, ҳайрон бўлиб қолди. Бу ерлар илонга тўлиб кетибди, деди ўзига ўзи. Сояга инсон келганини кўрган иккала чипор илон секин лапанглаб, бу ердан жўнаб қолишди. Гужум дарахти шохда осилиб турган илон ҳам секин сирғалиб ерга тушиб, ошнолари кетидан жилпанглаб кетди. Илонлар гори атрофидаги чўл ҳам, гужум дарахтию янтоқлар, саксовуллар ҳам уларга қароргоҳ, уларнинг мулки эканини фаҳмлагандек бўлди Алп-Арслон. Ҳар қалай, ҳориб келганини, андак ҳордиқ чиқаришини пайқади шекилли, меҳмонга "ҳурматсизлик" кўрсатишмади. Алп-Арслон гужум шохларини обдан кузатгач, яна бошқа бири осилиб ётмаганини билгач, сояда дарахтга суяниб кўзи илинди.

Туш кўрди... Унинг рўпарасида севикли Шоҳсанам турарди. Бошида оқ рўмол, қўлида гул, бу қизил гулни Алп-Арслонга узатгандай бўларди: "Олинг, оға, бу гулни олинг! Бизни жудо қилдилар, рақиблар устун келди. Сиз паҳлавонимни бундай азобларга қўйдилар. Аммо, мен фақат сизни севамен, сизга садоқат ила бу дунёдан ўтиб кетамен. Агар биз бу дунёда висол кўришмасак, Аллоҳдан тилаймен, маҳшар куни юз кўришармиз. Оғажон, паҳлавон амирим, мен сизни севамен, бу муҳаббат оташи доимо юрагимда ёниб туради..." Бу сўзларни тинглаб Алп-Арслон севиклисига шундай дерди: "Бебаҳо маликам, мени йўқлаб бу томонларга келганинигиздан хурсандмен. Мен сизни жонимдан азиз севамен. Рақиблар бизларни бир-биримиздан жудо этди, то қиёмат муҳаббатингиз юрагимда. Қаерда бўлмай, сизнинг муҳаббатингиз менга ёру ҳамроҳ. Муҳаббатли юракни даррандалар, газандалар ҳам сезаркан, муҳаббатли қалбга улар оғу солмас экан. Фақат ўзимизнинг мансабдорлар газанда бўлиб кетибди. Менга на тахту тож керак. Менга фақат сиз ва яна сиз кераксиз. Бутун орзу умидларим сиз билан эди. На қилайлик, рақибларнинг фитнаю макри голиб чиқди. Агар очиқ май-

донда шамшир солишганимизда, жангда мен уларга ўз қудратимни кўрсатиб қўярдим. На қилайки, ҳийлаю макр мени сиздан йироқ қилди..."

Бир лаҳзадан сўнг рўпарада турган Шоҳсанам кўздан ғойиб бўлди. Ўзидан унча узоқ бўлмаган бālанд янтоқ остида каттагина бир чипор илон чўл сичқонини тишлаб турарди. Алп-Арслон илондан кўз узмади, у секин-аста сичқонни чийилалатиб ютиб юборди. Ҳатто сичқон унинг томоғидан ўтиб қорнига етгангача сирғалиб борганини кузатди. Қани эди, шу илон "Ноғорақорин" жанобларини ҳам шундай ютса. Ўзининг ҳам очлиги ёдига тушиб, бу ерда ортиқ туролмай, Жайхун дарё томон юрди. У ғоятда бемадор эди. Қош қорайгунча саҳрода юрди, тинкаси қуриб, йиқилай-йиқилай дерди, лекин ўзини маҳкам тутарди. Йиқилиб қолгудай бўлса, тунда чиябўрилар ҳид олиб, ёпирилиб келишлари мумкин. Қандай бўлмасин, оқшом қоронғусига қолмай дарё ёқасига етиб олиши лозим!

Жайхун ёқасига етмай, у бир сўқмоқ йўлда ҳолдан тойиб, йиқилиб қолди. Атрофда ҳеч бир тирик жон йўқ, ҳаммаёқ жимжитлик, бутун бир Қиёт эли унинг назарида жимжит гўристонга ўхшарди. Бағдод сари кетган Мусо ал-Хоразмий унда "Байтул Ҳикма"ни тузди, у ҳазрат ҳам мансабдорлардан ризо бўлиб кетган эмас. "Туронзамин — Мамолика Қасри фараҳ авзой ва Саройи Дулкушодек жаннатий маъволарга, шунингдек бепоён дашту биёбонларга ҳам тўладир. Жайхун бўйларидаги бу бепоён сарғиш қамишзорларга боққан киши унинг ичида қанча йўлбарс, жайронлар юрганини кўрмайди. "Ҳар битта йўлбарс ўз қудрату шижоати ила бутун бир қўшинга тенгдир..." демишлар. Мана, ўша сариқ қамишзор ичида юрган "йўлбарс"лардан бири парча нонга зор, беҳолу бемадор қадам ташлаб, сарнигун, йўл ёқасида йиқилди. Унинг кўнгли озибми ёки чарчаб оёқлари толиб қуладими, билиб бўлмасди.

Эшагига ўтин ортиб, хиҳ-хиҳлаб келаётган кекса бир одам йўл четида ётган бу ярим яланғоч кимса ёнида тўхтаб, унинг юз-кўзига қаради: йигирма беш ёшлар атрофидаги навқирон, яғринлари кенг, билаклари пай, келишган бир йигит... Қўлида занглаган қилич. Бу ким бўлди? Сипоҳими ёки машқдан қочган қўрқоқми? Йигитнинг нафас олаётганини, саҳрода адашиб, очликдан қулаганини пайқади. Чол йигитнинг елкасига қўл теккизди, йигит кўз очмади. Эгарга осиб олган қовоқдаги сувни ечиб,

беҳол ётган йигит оғзига қуйди. Шу лаҳза Алп-Арслон кўзини очиб, тамшана бошлади.

— Ма, ол, болам, сувсаб қолибсан. Ичиб ол!

Алп-Арслон қовоқдаги сувни қулт-қулт ича бошлади.

— На бўлди санга, болам? Адашдингми?

— Ҳа...

— Қай томонга борурсен? Йўлинг қайга?

— Қоратог томонга. Унда иним бор...

— Устингда кийимларинг йўқ, на қилдинг? Бу иссиқда кабоб бўлибсан-ку, болам?

— Кийимларимни "Илонлар ғори" тепасида ечиб олдилар...

— Қароқчиларми?

— Ҳа.

— Сенга жабр қилибдилар. Юзи қаролар! Юр, мен сени эшакка миндириб, қишлоққа олиб кетамен,— чол кўйнидан кулча нон чиқариб, узатди:

— Ол, буни е!

— Ташаккур!— Алп-Арслон нонни олиб, бир бурда ушатди-да, ея бошлади.

Шундан сўнг чол бемадор йигитни эшакка миндириб, ўзи пиёда, қишлоқ томон йўл олди.

XXI боб

СЕНГА ИНТИЛАМАН, ОТА ЮРТИМ ШОШ!

Чўпон ота берган нону намак ва эски-туски либос билан жон сақлаб, бир қадар ўзига келган амир Алп-Арслон чолнинг маслаҳати билан кун чиқиш томон — Ўғузхон юрти сари равона бўлди. Йўлда у яна бошқа қишлоқларда ҳам тунаб, одамлар билан мулоқотда бўлди — ўзини гоҳ чўпон, гоҳ қароқчиларга таланган, карвонидан айрилган жабрдийда бир кимса қилиб кўрсатди. Ўзини нечоғлик содда, олий зодларга алоқаси йўқ, наслу насаби чўпон ўтганини ҳар гал маълум этарди. Вақтида таҳорат — тоза айлаб, баъзан эл билан қишлоқ масжидига, баъзан очикда, баъзан йўлда кетатуриб, пешматини ечиб, ерга ёзиб, намоз ўқирди. Ўзини Шош қалъасига кетаётганини яширмасди. Буни кузатган одамлар унга нисбатан шубҳа билан қарамадилар, аксинча бир инсофли мўъмин-мусулмон кимса, бошига оғир мусибат — талон-торож бўлиб, жони омон

қолганига шуқр этиб, юртига қайтиб кетаётир деб билардилар. Йўлда баъзан чопон елкада, бозор ичкарасига кирар, тамадди этиб, дам олар, нотаниш одамлар билан салом-аликдан сўнг тезда тил топишиб кетарди. Бозор говжум, баъзан ваҳимали гаплар шоҳиди бўлар эди. Кўзлари чақнаб турадиган, қорақўтир бир кимса тўда ичида Гурганжда бўлган. аянчли воқеани айтиб, тўдада ўтирган ошноларини ўзига маҳлиё этарди: "Сарой фитналар кони..." лашкарбоши иккинчи бир лашкарбошини қулатиш ниятида ўз одамини ишга солиб, фитнес фасот билан рақибини маҳв этганини... сўзлаб берарди. Ун уч яшар қиз болани номусига тажовуз этиб, ўлдириб, илонлар ғорига ташлаб кетибди, дегани ҳаммани дарғазаб этди.

— Ота-онасига лаънат! Ўғил эмас, тўнғиз туққан экан!— деди тўдада ўтирганлардан бири.

— Она-ота шу аблаҳ учун маҳшар куни Аллоҳим олдиди жавоб берадими? Айтинг!— дерди яна бири.

— Жавоб беради! Ота-онага, юртга иснод келтирадиган кимсани нима қилмоқ керак?

— Ўлдирмоқ!

— Молдек бўкиртириб сўйиб юбормоқ лозим! Ўлигини қузгуну чия бўрилар еб кетсин!

— Э, Худованди кари-йм, биз осий бандаларингмиз... Сен пашшани ҳам яратдинг, қуртни ҳам, чаённи ҳам яратдинг. Қизни олиб қочиб булғаган шахс Ўғиз юртига қочиб, савдогарчилик қилиб юрибди. Ҳамёни тўла тилло тангалар... Мен уни эшитдим! Яқин кишим айтди! Бой бўлиб кетган, ҳа, жуда бой бўлиб кетган. Бу ярамас ишни қилмаган бир саркардага туҳмат қилиб, сен қилдинг, деб подшоҳга чаққанлар. Подшоҳ ўз лашкаридаги энг яхши саркардасининг бошини кесган... Бу гап Ўғиз томонда тарқалган...

Чеккада ўтирган Алп-Арслон бу гапларни ҳаяжон билан тинглар, аъзойи бадани жимирлар эди. У суҳбатга халақит бермади, аммо суҳбат охирида у қарға кўз одамдан сўради:

— Ўша бадкирдор инсон бой бўлиб кетди, денг?

— Ҳа, бой бўлиб кетди. Уни яхши таниймен. Унинг асли номи Ёқуббой... Янгикентда бемалол юрибди, чунки суянчиғи Гурганжда... У ҳам қорақош, эронийларга ўхшаш қирра бурун. Сизга ўхшаб кетади.

— Ё, қудратингдан!— деди Алп-Арслон.

Гап шу ерда тўхтаб, тўда суҳбати бошқа мавзуга ўтди. Алп-Арслон уларнинг диққатини тортиб, ўртада шубҳа пайдо этмаслик учун жим, тилини тишлаб ўтирди.

Чўпонларнинг айтишича подадаги қўйлар уч тоифага бўлинар эмиш: олдиндагилар ўтти чилпиб кетади, ўртадагилар ўтнинг белигача узиб ейди, орқадагилар ҳаммасини шипиради, ҳатто илдизигача сўғириб еб ўтади. Агар орқада юриб, семирган қўйлар олдинга ўтиб қолса, орқадагиларга деярли ҳеч нима қолмайди. Бу, пода учун фожиа!

Аммо ҳаётдаги илдизигача сўғириб ейдиган кимсалар олдинга ўтиб қолсалар, халқ оч қолади. Қаҳатчилик бошланиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Эй, Тангрим, ўша, илдизигача ейдиган балохўрлардан бизларни ўз паноҳингда сақла. Кўрмаганнинг кўргани қурсин! Ўғуз юртига кирган, Янгикентдаги Ёқуббой илдизни кемирадиганлардан, деди зоғчақўз кимса.

Барча жонзод болалигида ширин ва суйганчик бўлади, эчки боласини олинг, катта бўлгач бири — шумшук така, бўри боласи — бўри, улар ота-боболари қилган ишни қиладурлар. Шимол — зимистон музликлари оқ айиғини жануб — Қизилқум кенгликларига ўргатиб бўлмаганидек, инсон ёки жонзод табиатини, уни феълү атворини ўзгартириш қийин. Бу иш яратганнинг ўзига боғлиқ. Булутларни ёриб, фалакка бўй чўзган тоғларни кетмон билан теп-текис қилмоқ инсон қўлидан келади, аммо инсон феълү атворини Аллоҳдан бошқа ҳеч кимса ўзгартиролмайди. Инсон жисмидаги хужайралар айна вақтда метину пўлатдан мустаҳкамдир, ўзгармасдир.

Чўққайиб ўтирган Алп-Арслон хаёлидан қўшни юрт Ўғузхоннинг иниси воқеаси ўтди. Бу воқеани яқингинада Доруссалтанада эшитган эди. Ўғузхон билан Муҳаммад Аълоиддин — Отсиз Хоразмшоҳ ораларида қадимдан бир адоват борлиги, бу совуқчиликдан Абулжаъфар фойдаланиб келишини амир ўз хизматкорларидан эшитган эди. Ҳатто, лашкарбоши Абулжаъфарни хафа қилишса Гурганжни ташлаб, Янгикентга кетажаги, Ўғузхонга хизмат қилажаги ҳам қаердадир оғзидан чиқиб кетган экан. Бу гаплар ҳам Алп-Арслон хаёлидан ўтди. Демак, у фитначини, ўз муқобилини Ўғузхон юртига қочирган...

Сув тиний бошлади.

Алп-Арслон хаёлида икки нарса бир-бири билан баҳслаша кетди: Ўғуз юртига, Янгикентга бориб, Ёқубхонга қамти бўлсамикан ёки ота юрти — Шошга йўл олсинмикан? Бир неча кун Алп-Арслон хаёлини бу фикр қуршади.



Ўғузхон пойтахти — Янгикент қалъасидан қочиб кетган бир катта мансабдор Қизилқумда, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган барханлар орасида бир тўда отличлари билан дайдиб юришгани, Гурганжга киришга журъат этаолмаётгани подшоҳ қулоғига етиб келди. Ҳазрат дарҳол одам юбориб, уларни Гурганжга киришларига, вазири аъзамга йўлиқишларига рухсат этди ва уларнинг Ўғузхондан юз ўгириб дашту биёбонларда қочиб юришлари боисини билмоқчи бўлди. Яна бунинг устига Янгикентдаги "ўз одами" ҳам шу тўдага аралашиб, Ўғузхонни иниси шаҳзода Нор-Тўғоншоҳ ёнида экани ажаблантирди. "Тува-лоқ" лақабли бу шаҳзода бошқа онадан бўлиб бир кўзи гилай, пойинтар-сойинтар сўзларни кўп айтар, нодонлиги билан ҳаммага маълум, анча йиллардан буён ўз отаси Ўғузхонга зимдан ағёрлик қилиб, тахтни эгаллаш қасдига тушган эди. Хатти-ҳаракати билан ўз иниси шаҳзода Йўсуфшоҳга ҳам ўхшаб кетарди. Нор-Тўғоншоҳ ўлгудай хунук бўлса Йўсуфшоҳ ўта келишган, барно йигит. Йўсуфшоҳ ўзининг Гурганждан Пойкандга узоқлаштирилиши сабабини қоракўл кўзичоққа ўхшатди. Унинг чиройли териси фожиа келтирган эмиш... Мана бу гаплар ҳам бир лаҳзада Алп-Арслон хаёлидан ўтди. Қони бузуқ инсон ҳеч қачон халқига вафо қилмаслигини, Туронзаминда ёт бўлиб юришини эслади. Хоразмликларни — "чўтир турклар...", Машриқ томондаги Қанғли, Шошли, Болосоғунли туркларни — ибтидо турклар, яъни турклар боши деб атардилар.

Алп-Арслон Янгикентга, Ўғузхон юртига бориб, муқобили Ёқуббойни ушлаб, гирибонидан бўғиб, Гурганжга олиб бориб ўзини оқлаб олишга куч-қудрати етмаслигини пайқади. "Сабру кўшиш — гавҳару баҳр, ҳар ду даркор аст..." деди буюк форсий шоир мисрасини тилга олиб. "Ота шаҳрим — буюк Шош, сени соғиндим, сенга интиламен, оёқларимга янтоғу тиканлар қадалмасин, чипор кўлвор илонлар таҳдид қилмасин, ота юртим Шош, сенга интиламен, куч ва қудратни ҳам, вафони ҳам, бахтимни ҳам сендан топамен" деди.

ШАҲЗОДА ЙИНОЛ-ТЕГИН ВА ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО

Чун нест зи ҳар чй нест жуз бод ба даст,
Чун ҳаст ба ҳар чй ҳаст нуқсону шикаст.
Пиндор, ки ҳаст ҳар чй дар олам нест,
Ангор, ки нест ҳар чй дар олам ҳаст.

Нажмиддин Кубро

Ҳар иш Аллоҳдандир, унинг иродасисиз ҳеч нарса бўлмайди!

Алп-Арслон фожиасидан сўнг /кўплар уни қатл этилган, деб билади/ бир ҳафта ўтгач, юрак-бағри узилган Йинол-тегин ҳазратлари кутилмаганда Доруссалтананага чақирилиб, тўппа-тўғри Олий ҳазратга рўбарў этилди. Юзида қандайдир андуҳ аломатлари зоҳир подшоҳ икки қадам юриб келиб, қисқагина салом-алиқдан сўнг тахт ёнидаги курсидан инисига жой кўрсатди. Ўзи бориб яна жойига ўтирди.

— Азиз иним, жигарим! Пойтахтда ҳар хил гап-сўзлар кўпайиб, аҳвол жиддийлашмоқда. Буни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз... Сиз, ҳазратни буюк элчи сифатида қўшни мамлакатларга бормоғингизни тақозо этмоқда,— деди подшоҳ шаҳзода Йинол-тегинга жиддий боқиб,— сафар муддати кўпга бормас. Иккиламчи Ўғузхон, қорахонийлар, салжуқийлар давлати фақат сизни сўрайди, у томонларда ҳурматингиз катта. Болосоғун, Самарқанд, Бухорою Шош, Добусия, Кашғариядаги аҳволни билиш, яқин алоқа бошлаш бизлар учун гоятда муҳим! Сиз у томонларда бўлгонсиз... Биз томонга келадурғон қарвонлар ҳам камайиб кетди... Бу ердаги аҳволдан кўра ҳам давлат манфаатлари йўлини кўзлаб шу қарорга келмоқдамиз...

— Тушундим, Олий ҳазрат.

— Инимсиз, юрагимнинг ярми... На қилэйки, такрор айтурмен, аҳвол шуни тақозо этмоқда.

— Олий ҳазрат, Сизнинг амрингиз мен учун вожиб! Заррача ўзга фикрга борманг. Шу ҳафта ичида йўлга чиқурмен. Ижодатингиз билан яна муфассалроқ гаплашурмиз, маслаҳат берурсиз...

— Ташаккур! Мен худди шундай жавоб кутган эдим. Умид қилғон эдим, ўйлаганимдек бўлди. Мен Сизнинг заковатингизга ҳаммавақт суяниб келганмен... Сизни ёмон

одамлар чалғитиб келди... /Подшоҳ амир Алп-Арслонга ишора қилди/ Инсонни билиб бўлмас экан...

Йинол-тегин бир лаҳза сукут сақлади-ю, сўнг ичига сиздиrolмай, аста гапирди:

— Олий ҳазрат, мен барибир амирнинг хиёнаткор эканига ишонмаймен! Ундан бу даражада ёмонлик чиқмайди. Ҳукм тўғри бўлмади.

— Тафтишда исботланди! Гумон қилмоқ ноўрин! Унинг ўзи ҳам бўйнига олди! Қатл этдик...

— Олий ҳазрат, худо шоҳид, у асло бўйнига олгани йўқ!

— Сиз қаёқдан биласиз?

— Учрашдим. Қуръони карим — каломилло ҳаққига қасам ичди...

— Бўлган ишларга яна қайтмоғлиқ на ҳожат? Ётган илоннинг бошини қўзғамайлик! У энди йўқ...

— Дарвоқе, амирни даҳшатли "Ғори морон" жарлигига ташланганидан хабарингиз бўлса керак? "Илон" сўзини тилга олганингиз менга буни эслатди.

— Йўқ!.. Демак шамшир билан бошини олсак осон ўлиб кетади, илонлар чақиб, қийнаб ўлдирсин, демоқчи бўлганлар.

Йинол-тегин ҳазратлари бошқа сўз демай ўрниларидан қўзғалдилар. Пешонадан совуқ тер чиқди. Мулозаматдан сўнг ганчин кенг хонадан чиқиб кетди. Подшоҳ ўз иниси Йинол-тегиннинг юраги амир томонида эканини, унинг хоинликларига ишонмаётганини аниқ пайқади.

Амир Алп-Арслон "қатл этилди" деб билган Йинол-тегин ҳазратлари Гурганжда ортиқ туролмай йўл тайёрлигини кўраётганида кимдир.

— Ассалому алайкум!— деб олдиларига келди.

— Ва-алайкўм ассалом!

— Ҳазрат, хорижга кетаётган экансиз, мени ҳам олакетинг, хизматингизда бўламен... Саҳарлаб безовта қилганим учун узр,— деди дафъатан ўн етти, ўн саккиз ёшлардаги эндигина мўйлаби сабз урган йигитча, дарвоза ёнида,— ҳаддим сизиб, Сиз, улуғ ҳазратга мурожаат этаётганим учун узр сўраймен... Сиз, толиби илм талабаларнинг буюк ҳомийси, ҳимоячиси эканингизни ҳаммамиз ҳам, овом ҳам яхши билади.

— Сен кимсан, номинг надур? Кимнинг фарзандисен?— сўради баланд бўйлик, салобатлик шаҳзода Йинол-тегин ҳайратланиб.

— Менинг номим Аҳмад бин Умар бин Муҳаммад ал-Ҳивақий... Мадраса талабасимен. Сиз, шаҳзода ҳазратлари ҳам шу мадрасада таҳсил топган экансиз. Сизнинг улуғ хукмдор ал-Маъмун тузган "Дорул илм", Бағдоддаги "Дорул ҳикма"га хайрихоҳ бўлиб, кўп ёрдам кўрсатаётганингиздан ҳам хабардоримиз... Мударрисларимиз тилида, нафақат мударрислар, талабалар ҳам сизни бағоят ҳурмат этадулар.

— Бу гапларинг чин дилдан бўлса, сен, бўтам, Турон-замин учун даркорсен. Аммо, минг афсус, мендан хукмдорлик қудрати кетиб, сургун бўлаётганимда қамти келдинг...— деди ҳовлиси олдидаги бу фавқулодда учрашув ва гуфти-гўдан ўзи ҳайрон бўлиб қолган Йинол-тегин,— юр, ичкарига кирайлик! Тонгда келибсен... Мен энди бомдод номозини ўқиб, ҳовлига чиққан эдим. Нонушта қилайлик.

— Шаҳзода ҳазратлари, мен хизмат қилишга тайёрмен, сиз билан нонушта қилишга ҳаддим сиғмайди... Мен хизматкор талабамен...

— Юр, бўтам, сен бобокалонимиз ал-Маъмун "Дорул ҳикма"сини тилга олдинг, бу менга умид бағишламоқда. Юрабер, сен билан гаплашадиган гапим бор. Ҳар бир ёмонликка ҳам, яхшиликка ҳам сабр керак. Сургун этилаётганимни дедим, бу ҳам Аллоҳдан. Сабру тавба... Ҳар бир банданинг олийжаноб фазилатидир. Хукмдорлик ўз йўлига, Аллоҳнинг неъматига қаноат билан яшамоқ ҳар бир мусулмоннинг нияту матлаби.

Талаба йигит Аҳмад бин Умар бин Муҳаммад ал-Ҳивақийнинг юзида бирдан офтоб чарақлагандай бўлди. Кайфи чоғ йигит шаҳзода ҳазратлари билан олдинма-кетин ҳовлига кириб, пешайвонга ўтишди. У, шаҳзода тилидан чиққан уч сўзни дилига жо этди; бу — "Сабр" "Тавба" ва "Қаноат" эди...

— Мен сизни ўзимга ҳамроҳ этиб олиб кетмоққа розимен, аммо сиз ёш бўлатуриб, нечун она юртни ташлаб кетмоқдасиз?— деди шаҳзода бирдан бу йигитни "сизлаш"га ўтиб, Йигит шаҳзоданинг тезда бундай "бурилиш" қилганига ажабланмади, босиглиқ билан суҳбатни давом эттира берди.

— Муҳтарам шаҳзода ҳазратлари,— деди Аҳмад бин Умар, ўзига ҳамроҳ этишга рози бўлган шаҳзодадан ғоятда мамнун бўлиб,— бу, авваламбор, Сиз ҳазратдан билим олмоқ, иккиламчи, сиз ҳазрат ёнингизда бўлиб, дунёни кўрмоқ катта бир бахт. Шунини айтмоғим лозимки, биз

талабалар Доруссалтанада бўлаётган сирру синоатлардан хабардормиз, саркарда амир Алп-Арслоннинг ноҳақ қатл этилмоғидан норизо бўлдик. Яқин бир ошнамнинг падари амир лашкарида Хуросон жангида бўлиб, омон келди, у ёш саркарданинг дили пок инсонлигини, Туронзаминнинг асл фарзанди эканини таърифлади. Шундай одамлар мамлакатда ўлдирилса, таъқиб остига олинса, биз талабалар қандай чидаймиз! Ватандан чиқиб кетишни ихтиёр этдим. Матлабим фақат бу эмас, мен сиз олий ҳазрат билан Бухоройи шарифгача бориб, бунда Мадрасаи Олияга кирурмен, мутасаввуф устозларим, сўфийлик тариқатини ўрганурмен... Кейинчалик, Аллоҳ йўл берса, Мисрга борурмен, шайх Рўзбехон ал-Ваззон-Мисрий ҳазратлари ёнларига бориб, тасаввуф тариқатидан билим олурмен...

— Ниятингиз таҳсинга лойиқ,— деди ҳазрат шу лаҳза ёнига келган хизматкорига дастурхон тузашни буюриб, сўнг Аҳмад бин Умарга гапирди.— Амир хусусидаги гапда сиз — талабалар ҳақсиз. Ёмон кимсаларнинг бўҳтони сабаб, амир қатл этилди... Бу гоятда оғир фожиа! Э, худойим! гуноҳларимизни кечир! Тавба қилдим! Ўзингга шукр! Қурбон бўлган амир гуноҳларини кечир! Ло-илоҳа иллоҳи Муҳаммадун Рассулulloҳ... /У калима келтириб, юзига фотиҳа тортади. Талаба ҳам/. Сизга маълум эмас, менга аён бўлган баъзи қора ниятли кимсалар устун келмоқда. Подшоҳ ҳазратлари уларга ишонмоқда... Сохта далиллар шунчалик кучлики, ишонмай илож йўқ, амир Алп-Арслонни ҳимоя қилолмадик... Юрак фиғонимизни ёлғиз Аллоҳимнинг ўзи билиб турибди. Қаноат ва ризо даркор...

"Ризо" сўзи Аҳмад бин Умар дилига тушди. Ризо — Аллоҳ қудратини, илмини чуқур ҳис қилган, ўзини буткул Унинг иродасига топширмоқ ва Аллоҳ олами билан ҳузурланмоқ, демак. Ҳақ унга ва у Ҳаққа яқинлашмоқ демакдир, деди ўзига ўзи Аҳмад бин Умар.

— Ҳазрат, тасаввуф аҳли учун Парвардигор ишқи, дийдори ҳамма нарсадан устун. Сўфий илоҳиёт оламига руҳан қўшилиш учун яшайди ва ўзлигини барбод бериб ёр васлига эришади, лекин ҳазрати Али Абутолиб разийаллоҳу анҳу хонадонига ҳам хурмат билан қараганларни ёқтирамен ва шиа аҳли билан суннийлар орасида хусумат ва жанжал келиб чиқишига йўл қўймаган бўлардим... Тасаввуф мазҳаблар айирмачиликдан устундир...

— Бу фикрларингиз ҳам эътиборга сазовор. Дарҳақиқат мадрасаларимизда талабалар юритаётган фикрлардан биз

кексалар воқиф эмасмиз, узоқда қолмоқдамиз. Айниқса Доруссалтананадаги белига заррин камар боғлаган мансабдор мулозимлар маърифатдан гоятда узоқ. Улар тасаввуф тариқатини билмайдилар. Улар умуман китоб ўқимайдилар. Улар фақат емоқ-ичмоқ, айшу ишрат, фароғат суриб, керилиб, мансабдорлик "гашти"ни сурмоқдалар. Улар Аллоҳни тил учиди ёдлайдилар, зиною куфр авж олиб кетди. Менинг хорижга кетмоғим лозим бўлиб қолди. Аммо, бу мутлақо ватанни ташлаб қочмоқлик эмас! Бир томондан сизга ўхшаб, дунё кўриб жангга тайёрланиб келмоқчимен. Иккиламчи, подшоҳ амрини бажармоқ — фарз! Чет эл билан савдо-сотик, тижорат ишларини яхшиламоқ, хорижда, айниқса Саудияда, Мисрда, Ҳинду Чинда сафоратхоналар очишга тайёргарлик кўрмоқ, Туронзаминда карвон йўлларини ўрганмоқ, чиний ипак матолар оқими нишобини Туронзамин томон тўғриламоқ каби азалий катта муаммолар подшоҳ ҳазратлари томонидан менга буюрилди. Бизлар ижрочи, шу ишларда Аллоҳдан паноҳ тилаб, ўзга мамлакатларга азм этмоқдамиз... Сиз, юрагингиздаги ўз матлабингизни очиқ айтганингиз сабабли мен ҳам мақсадимни очиқ айтдим. Бу гапларда сир йўқ, наҳотки мен ўзимизнинг толиби илм, садоқатли фарзандимиздан буларни яширсам. Қалбингизда бир даста гавҳар бор, у — тасаввуф таълимоти! Уни авайлаб, камолотга етказинг. Буюк аллома, Бағдодда "Дорул-ҳикма"ни тузган бобокалонимиз ҳазрат Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий Туронзаминда келгусида кўп олиму уламолар дунёга келади, деб башорат қилганлар. Буларни сиз яхши биласиз. Ҳозирги талабаю муллаваччалар қотиб қолган эски "муллалардан" анча юқори. Мутасаввуф таълимотига устоз ал-Хоразмий ҳазратлари амал қилганлар — яъни Аллоҳни унутма, дилингда ёлғиз Аллоҳ бўлсин, қўлинг меҳнати бу улуг таълимот мевасидирки, аллоҳ-таоло у зотга шунчалик тафаккур ато этибдур.

Аҳмад бин Умар Йинол-тегин ҳазратларига тикилар, аввал, Доруссалтананинг деярлик эгаси: бу юксак даргоҳдан норизо эканига ҳайрон бўлиб турган эди, мансабдорлардан мансаб кетгач улар ҳеч нима бўлмай қолганини, ҳатто подшоҳнинг иниси ҳам "эл қатори" бўлиб қолганини сезгандай бўлди. Чунки аслзодалар ҳам бекор бўлгач, фуқаролар қаторига кириб қолар экан. Аммо, шаҳзодадаги заковату раҳимдил қалб унинг улуглигини асло йўқотмаслигини дилидан ўтказди. Элга тарқалган "Қатл этилган амир шов-шуви... ва давлатга қарши фитна..."га

шаҳзоданинг алоқаси йўқлигини талабалар яхши билишарди. Лекин барибир қизиққан талабалар ҳукмдорларга нисбатан нафрат билан қарарди.

Аҳмад бин Умарни шаҳзода ўзига йўлдош этишга рози эканлиги бағоят хурсанд этди, ўз уйига шод кетди. Бу йигит ҳақида шаҳзодада ҳам жуда юқори фикр уйғониб, оиласи ва олти йўлдоши ёнига еттинчи йўлдош қўшилгани далда бўлди. Бунинг устига билимдон йигитнинг маслаҳатгўй бўлмоғини англади. Аммо минг афсус, "билимдон талаба" то Бухоройи шарифгача йўлдош бўлиб, ҳазратнинг барча юмушларини жон-дилдан бажарди. Ҳазрат ўз одамлари билан Шош шаҳрига жўнашга тайёргарлик қилаётганида, у бунда, Бухорода яна бир неча ой туришини, сўнгра Машҳаду Марв, Ҳамадону Рей орқали Бағдоду Қоҳирага боришини маълум этди. Бу катта сафарни кўп ўйлаб юрганини айтди. Шаҳзода унинг раъйини қайтара олмади, Аҳмад бин Умарга хизмати учун тилло тангалар берди. Олмайман, деса ҳам зўрлаб тутқазди. Ўзи подшоҳ фармониغا кўра Самарқанд, Кеш, Шош ва Болосоғун... томонларга, машриқ шаҳарларига йўл олди...

XXIII боб

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Оиласи билан бирга йўлга чиққан шаҳзода Йинол-тегин ўғли дардида адо бўлган Қўтлугбека онани ҳам ўзи билан бирга олган эди Шошга ҳоким бўлиб турган амакисига топширишни кўзлади. Қўтлугбеканинг ўзи ҳам қатл этилиб, қабри номаълум бўлган ўғли дардида кечаю кундуз йиғлаб, нола чекабериб, озиб-тўзиб кетган эди. У ҳам Гурганжда туролмай, уч бор шаҳзода ҳазратларига мурожаат этиб, Шош қалъасига, ога-инилари ёнига жўнатишларини илтимос қилган эди.

Қанча манзилу мароҳилни тай этиб, Йинол-тегин ҳазратлари ўз маҳрамлари билан соғ-саломат қадимий Қанг заминига етиб, пойтахт Шошга дохил бўлдилар. У, Сайхундан ўтиши биланоқ кўз олдига ёш соҳибқирон, амир келаберди, шундай бебаҳо йигит Хоразм саройидаги жирканч фитнанинг қурбони бўлиб кетди, деди ғоятда ачиниб. Қалъа дарбозаси ёнидаёқ даранг-дуринг этиб, саҳролар жимлигини бузиб, узокдан келганлар карвонсарой томон йўл олдилар. Шаҳзода Йинол-тегин ҳазратларини элчи сифатида келаётганидан хабар топган Шош ҳокими,

марҳум амир Сайидхўжанинг укаси — Амир Муслим /Алп-Арслонинг амакиси/ шаҳар дарбозаси ёнида уни тантанавор кутиб олди. Шаҳзода Йинол-тегиннинг боши қотиб, ҳайрон бўлди: ахир у Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсизнинг укаси-ку! Подшоҳ Шош фарзанди амирни қатл этганини наҳотки эшитмаган бўлсалар? Золим шоҳнинг инисини бундай эъзозу икром билан кутиб олмоқ ғоятда таажжуб! Бу ишда яна бир макру найранг бормикан, яна Абулжаъфар Хусайн қабила борми, деб шаҳзода хаёлга чўмди, сабри чидамай, охир Амир Муслимга мурожаат этди:

— Ҳазрат, бунча безовта бўлишнинг ҳожати йўқ. Яна бунча мансабдорларнинг тўпланишига ҳам...

— Шош аҳли сизни бағоят ҳурмат қилади. Самарқандда эканлигингиздаёқ Шошга келишингизни эшитган эдик... Сизга интизор эдик... Мана, юз кўришдик, улуғ ҳазрат! Хуш келибсиз! Сизни наинки Шош, бутун Туронзамин эъзозу икром этадурлар, сиз бу замин осойишталиги учун хазмат қилиб келмоқдасиз. Ёлғиз Аллоҳдан сизга қутлуғ ишларингизда мададкор бўлишини тилаймиз.

— Саломат бўлинглар! Айтган барча тилақларингизни сиз жанобга ҳам тилаймен.

Йинол-тегин шундай дердию, яна ҳар хил хаёлларга борди: бундай "тантана" йўли — айёрона иш эмасмикан? Эл кўзига намоён этмай, ичкарига олиб кирилгач, зиёфатда заҳарламоқчи эмасмиканлар? Боши қотиб, ўз тўдаси билан ҳайрон келаётганларида қалъа дарвозасидан шиддат билан от чоптириб келаётган заррин либосдаги бир сипоҳий Йинол-тегин ҳазратлари томон тик кела бошлади. Қалъадан чиққан бошқа мансабдорлар унга йўл очиб, ўзларини четга тортдилар. Суворий юз қадамча нарида отидан тушиб келиб, Элчи жанобларини отларини жиловидан тутди, унга салом берди, сўнгра ҳазратнинг қўлтиғидан ушлаб, отдан туширди.

— Ас-салому алайкум, улуғ ҳазрат!

Шаҳзода Йинол-тегин кўзига офтоб тушгандек, кафтларини бароқ қошлари ёнига олиб келиб, саркарда либосидаги суворийга қаттиқ тикилди, ўз кўзига ишонмай яна боқди:

— Ва-алайкум ассалом!— деб жавоб қилди-ю, рўпарасидаги суворийга тикилганча бир лаҳза қотди.

— Улуғ ҳазрат, мен — фарзандингиз Алп-Арслонмен! Мени ўлдираман деб, Илонлар ғорига ташлаган душманлар ниятига етмади! Аллоҳнинг ўзи асради мени. Ҳамма иш

Аллоҳдан. Душманлар ҳеч қачон ёвуз ниятларига етмайдилар! Мен, Алп-Арслонингиз, тирикмен!

— Э, худойим, ўзингга шукур, минг қатла шукур! Ўғлимни, амиримни кўрар кун ҳам бор экан! Вой, болагинам, вой, амирим, во-о-й, саркардам! Сизга қасд қилганлар илоҳим паст бўлсин! Сизни ўлдираман деганларнинг ўзи ўлсин! Тухматчиларга Аллоҳнинг ўзи жазо берсин!— у қулочини ёзиб, амирни бағрига босди. Атрофдаги одамлар ҳайрат билан уларга тикилишарди. Амир Алп-Арслоннинг жияни, қалъа ҳокими Муҳаммад амир ал Муслим уларга яқин келиб, юзларида табассум, ҳаяжонланиб Элчи ҳазратлари билан қучоқлашиб, омонлашишга интизор турарди.

Йинол-тегин ҳазратлари билан амир Алп-Арслон бир лаҳза бир-бирларига тикилганча қараб қолишди: гаплашмоққа гап йўқ, забон йўқ, ҳаяжонланиб гапни нимадан бошлашни билишмасдилар.

— Улуғ ҳазрат, хуш келибсиз! Бу томонларга келишингизни эшитиб, ўн кундан буён йўлингизга интизор эдик,— Алп-Арслон бироз ўзига келиб,— ҳамма гапни айтиб берамен. Марҳабо, улуғ ҳазрат, менинг она шахрим Шошга марҳабо!

Элчи Йинол-тегин фарзандидан ҳам азиз бўлиб қолган амир Алп-Арслонни соғ-саломат кўриб, беҳад қувонганидан бағридан қўймасди, анча ожизланиб қолган кўзларидан севинч ёшлари оқиб тўхтамас, рўмолчаси билан тез-тез кўз ёшларини артиб турарди.

Қалъа ҳокими, бошқа катта арбоблар ҳам келиб Йинол-тегин ҳазратлари билан омонлашдилар. Ул зотнинг йўлда чарчаганликларини ва умуман Шошга ташриф буюрадиган улуғ ҳукмдорларга кўрсатиладиган эҳтиром ила шу ернинг ўзида мустаҳкам ёғочларга ўрнатилган юмшоқ духоба тахтга ўтказиб, ўнга яқин забардаст йигитлар елкаларида кўтариб, тумонат одамлар қуршовида, карнаю ноғоралар сурнаю шодиёна қўшиқлар айтиб, қалъа томон юришди, бутун бир Туронзамин тождори сифатида Йинол-тегин ҳазратларига бениҳоя катта эҳтиром кўрсатиб, Шошнинг мағриб томони-Самарқанд дарбозасидан ичкарига киришди. Кўчалар тозаланган, ҳаммаёқ одамлар билан говжум, барчанинг тилида: "мутафаккир давлат арбоби Йинол-тегин келибдир"... "Хоразмшоҳнинг доно иниси..." "Замон Маъмуни, Арастуси, амир Алп-Арслоннинг устози, Раҳнамоси улуғ ҳазрат, хуш келибсиз! Улуғ Йинол-тегин

ҳазратлари омон бўлсинлар!.." деган нидою дуолар зикр этиларди.

XXIV боб

МУРОҚАБА

Ўз одамлари билан Шош шаҳрига омон-эсон етиб келган шаҳзода Йинол-тегин шу куни унинг шарафига берилган зиёфатдан сўнг, сафар йўлдошлари билан ётиб ухлади. Эрта билан номози Бомдоддан сўнг муроқабани, (Тасаввуф таълимотида кузатиш, тафаккур-шуурга берилмоқ) яъни атроф-жониб ҳақида ўйлаб, айтилган сўзларнинг маъини чақиб, хаёлотга чўмди. Машҳаду Марв... томон йўлга тушган толиби илм Аҳмад бин Умар бин Муҳаммад ал-Ҳивақий хусусида фикрга толди: у гоятда бамаъни йигит ҳозирги билагон ёшлардан экани дилидан ўтди. Ҳаваси ҳам келди. Бобоси Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳазратлари бир куни уч ўғли — Аълоиддин Муҳаммад-Отсизни, Йинол-тегинни ва Йўсуфшоҳни ўз ёнига чорлаб, катта боболари подшоҳ Ануш-тегин ҳазрати олийлари Қуръони каримни ҳаммавақт ўқиш, ҳаммавақт Аллоҳни тилдан ҳам, дилдан ҳам йироқ тутмасликни таъкидлаган эдилар. Имом Исмоил ал-Бухорий тузган "Ал-Ҳадис" китобини, мозийда ўтган юнон мутафаккирлари Арасту, Афлотун, Буқротларни ҳам ўқишни, уларнинг Искандар Зулқарнайнг ёзган панду насиҳатларидан хабардор бўлиш лозимлигини уқтирган эди.

"Эй Искандар, дилингни илм билан обод қил, илмсиз кишилар билан суҳбат қурма, умрингни беҳуда ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, ҳасадчиларни уйингга киритма, сийнангни гина-гудуратдан холи тут, бировга нисбатан гина сақлама, ёмонлик қилишдан қоч, яхшилик қилишга интил, яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳадялар билан сарафроз қил, тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон аҳён-аҳёнда зарар етказди, аммо зарари ҳалокатли бўлади..."

Бу панду насиҳатларга жон қулогини тутиб, унга амал қилган валиаҳд Аълоиддин билан Йинол-тегинлар вояга етгач сарой аъёнлари орасида ҳурматлари оша бошлади. Учинчи ўғил Йўсуфшоҳ яхши билим олмай, акаларига гайр ўсди. Аълоиддиннинг валеаҳд, деб эълон қилингани

ичини ўртарди, юрагида доимо ҳасад тугён урарди. Кўпроқ маишатга берилди, фақат ўзини ўйлади.

Кексаларнинг айтишича шаҳзода Йинол-тегин ўз қиёфаси билан бобоси Ануш-тегин ҳазрати олийларига ўхшаб кетар экан. У ҳам "С"ни яхши айтолмас, хаёлчан, мулоҳазакор ва донолиги сабабли исмига "Тегин" унвони қўшилган. Султон Санжар ўз ўғилларига "вақтики, султон бўлдингиз, ўз атрофингизга оқилу доно кимсаларни тўпламанглар, беъмани одамлар бош кўтарсалар тезликда ўша бошларини узиб ташланглар! Тахту салтанат тинч ва барқарор бўлади" деган гапни таъкидлаган. Бу гапни эшитгани сабаб бўлиб, шоир Рашидуддин ал Ватвот Марвдан Хоразмга қочди... Бобоси Ануш-тегин: "Жиддийлик лозим бўлганда юмшоқлик қилмоқ ноўрин. Кўнгулчанлик билан душманни дўст қилиб бўлмайди, аксинча у ёмонлигини янада дароз этади..." дегани ҳаммавақт ёдида сақланарди.

Ота бир, она бошқа шаҳзода Йўсуфшоҳ балоғатга етиши биланоқ султон Санжар: "бу яхши шаҳзода, онаси мусулмон бўлган тарсо қизи, уни Гурганжда турткилашаётган бўлса, мен ўзим унинг отолигини оламен, у Марвда таълим олади..." деб, аслида Қутбиддиншоҳ фарзандини гаровга олиб турган бўлса-да "тарбиялаш"ни ўз зиммасига олган. У, бу шаҳзода қиёфасида салжуқийлар султонига садоқатли, Хоразмга ола кўз билан қарайдиган бир ҳукмдор тайёрламоқчи эди. Қилич солиб, калла узишга уста бўлган бу шаҳзодани султон ниҳоятда иззатлар, отасидан топмаган яхшиликларни у султондан топарди. Уни салжуқий уруғидан бўлган бир амирнинг қизига уйлантириб, тўй Марвда, саройда кечди. Катта тортиқлар билан Гуганждан келган ака ва укалари, амирларнинг муборакбодларидан кўра ҳам султон тортиғию бу ердаги хушомадларни у юқори баҳолади. Султон саройидаги баъзи мансабдорларнинг Хоразм шаҳзодаси Йўсуфшоҳга рашку ҳасади қайнаганда султон уларнинг энг каттасига кўз қисиб, "оғир бўлинг, эшак миниб оёқ остини эмас, туя миниб узоқни кўзламоқ лозим!" деган. Бу сўздан сўнг сарой аъёнлари Йўсуфшоҳ султонга жуда лозимлигини, у гаровда турган шаҳзода эканини пайқаганлар. Агар Хоразм билан алоқа узилиб, душманчилик пайдо бўлса шаҳзода бир кундаёқ йўқ бўлиб кетиши аниқ эди.

Кўп ёмонликлар замирида ҳасад ётади, ҳасад — бедаво дард, инсонни таназзулга олиб боради. Кимсага қилган яхшилигини миннат қилмоқ фақат дўсту биродарни эмас, ҳатто онани боладан, болани онадан жудо қилади. Мана

шундай ёмон одатлар Йўсуфшоҳ жисми-жонини чирмовуқдақ ўраб олганини ҳамма сезмаса ҳам Йинол-тегин сезиб юрарди. Лекин бу феъли қалтис, шаънига тегадиган ортиқча гапни ёқтирмайдиган, айниқса панду насихатга тоқати йўқ Йўсуфшоҳдан Йинол-тегин чўчиб, уни подшоҳ бўлиб мамлакатга оталик қилолмаслигини аллақачонлар сезган эди.

Инисининг маишатбозликдан кўра ҳам мамлакатга хиёнат қилиши мумкинлигини фаҳмлаган шаҳзода Йинол-тегин подшоҳга уни Марвдан чақириб олишлиklarини қатъий талаб этди. Бу фикрга валиаҳд Сулаймоншоҳ ҳам рози бўлиб. қувватлади. У Гурганжга келишга рози бўлмагач, Пойкент қалъасига ҳоким этиб тайинладилар. Огаларидан аввал мустақил ҳукмдор бўлганига хурсанд бўлган Йўсуфшоҳ Марвдан Пойкентга кўчиб келиб, бу ерда хоҳлаган ишини қилди. Базму жамшидлар авж олиб кетди. Ўзбошимча шаҳзоданинг Марвдан сал-пал четроқда тургани ҳам маъқул кўринди.

Туронзаминда кейинги даврда икки тоифа туркий мансабдор шахслар пайдо бўлиб, баъзилари "менлайдиганлар" ва баъзилари "бизлайдиганлар" эди. "Менлайдиганлар" Марвда кўпайиб кетди. Улар албатта "мен" деган сўзни ишлатмай туролмасдилар. Биринчи галда ўзи ва ўзининг хусусиятлари, мансаби, кимсан фалон шахс эканини билдирмасалар, ўлиб қолардилар. Агар бу ишни қилмасалар хотини талоқ бўладилар, деган эди шаддод амир шаҳзода Йинол-тегин билан бўлган суҳбатлардан бирида. Бирон вазифага номзод танлашда бундай худбин одамлардан эҳтиёт бўлиш керак, дерди амир, чунки кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келади. "Бизлайдиганлар" камроқ гапирса унга ишониш мумкин, агар "биз"ни ниқоб қилиб олманган бўлса. Агар у ҳам таъма мақсадида "биз"ласа, унинг ҳам "менлайдиган" худбинлардан фарқи йўқ.

Саройда икки тоифа шахсдар пайдо бўлди: бирлари палағда тухум ташлаб, шуни улуғ ҳазрат бурнига ишқалаб ҳамма имтиёзларга эга бўладилар. Меҳнат қилмоқдан ҳам юқори, фахрли иш борми. Улар "менлайдиган"ларга ўхшаб, фақат ўзларини ўйлайдилар — мақсадларига етадилар ҳам. Ҳамма ёққа суқиладилар. Иккинчи тоифа "деҳқонлар" — улар фақат ҳосил ҳақида ўйлайдилар. Аммо кўп вақт ҳосилни саройдаги каламушу сичқонлар еб кетадилар. Сичқонлар бўйинларига олтин занжир осиб, заррин тўн киядилар. Деҳқонбобо доимо хор, итнинг кейинги оёғи бўлиб юради...

Бу номутаносибликни ҳеч қачон тўғрилаб бўлмайди. Фақат эсини еган кимса бунга қарши қилич кўтаради. Дангасаю ақлан ожиз кимсалар бор экан, бу икки тоифа шахслар доимо мавжуд. Ҳамма ёмон ишларни қилғувчи Шайтони алайҳу лаъна инсоннинг ҳаром мўйини тўғрилай олмаганидек, "менловчи"ларнинг феълени ҳам қилич ва қон билан тўғрилаб бўлмайди!

Чет мамлакатлар ва қўшни давлатлар, чунончи чет элнинг машҳур олимлари: Афлотуну Арасту китобларининг туркий, арабий ва форсий таржималари шаҳзодани жуда қизиқтирарди. У, Абу Райҳон Берунийнинг "Осорул-боқия" "Ҳиндистон" китобларини, Муҳаммад Мусо ал Хоразмийни "Ал-жабр", Ибн Сино "Алқонун"идан хабардор, бу китобларнинг баъзиларини ўқиган, Марвдан Гурганжга кўчиб келган шоир Рашидуддин ал Ватвот билан шахсан яқинлиги бор.

Шаҳзода Йинол-тегиннинг бу фазилатлари аввало отаси Қутбиддин шоҳга, кейинчалик тахтга кўтарилган оғаси Аълоиддин Хоразмшоҳга ёқиб, уни хорижий ишлар билан шуғулланишини фармони олий билан қайд этилган эди.

Гурганж ва Хивақ атрофида, Гурлан, Илонли, Қипчоқ, Қўшкўпир, Қўнғирот, Кат, Манғит, Питнак, Ҳазорасп, Хонқо, Шоҳобод, Боғот, Қиёт-Қўнғирот... улусларига бўлинишида ҳам шаҳзоданинг ташаббуси бўлган... Шу сабабли ҳам Алоъиддин Хоразмшоҳ — Отсиз ўз инисига гоятда суянар, кўп масалаларни у билан маслаҳатлашарди.

Мозийдаги буюк қалъалар харобаларини кўриб, баъзан оғаси билан бу хусусда ҳам маслаҳатлашарди. Афросиёбу Сиёвуш, Искандару Соҳиб Доролар замонидан қолган бу қўрғонлар, Сак-туркий хоқонлар, сомоний, салжуқийлар, Жайхун ёқасидаги боғлардан садо келгандек бўларди. Афсуски бу ўлик қалъаларга жон киритмоқлик учун салжуқийлар тобелигидан халос бўлиб, истиқлол байроғини баланд кўтармоқ лозим! Бунинг учун зўру зар даркор!

Салжуқийлар ҳокими султон Санжар ҳомийлигида ва унинг бевосита пинҳоний фармони ила Пойканд ҳокими Йўсуфшоҳ оғосининг шикорда бўлишидан фойдаланиб, Марв даъвати билан Гурганжга тўсатдан ҳужум қилишни мўлжаллади. Пойтахтни босиб олиб, Хоразмшоҳни Мовароуннаҳр қалъалари билан тижорат алоқаларини яхшилаш, Чин мамлакатидан мағриб сари оқиб келаётгани ипак ва

турли матолар карвонлари оқовасини Хоразмга буриш ва умуман кўп давлатлар билан сулҳ ишларини олиб бориш режаларини бузмоқни кўзлади. Хоразм мавқеи ошиб кетмаслиги, уни доимо султонга мутеълиқда сақлаш учун қилинажак маккорона сиёсат режаси эди. Султон Санжар "сопини ўзидан чиқариб" тахтга даъвогар укани оғага қарши қўйишни мўлжаллади. "Эчкига шароб ичказиб, бўри билан жангга йўлламоқ даркор" деган гапга амал қилди. Бу гапни султондан эшитган сарой аъёнлари тиззаларига уриб тоза кулишган. Чунки Йўсуфшоҳнинг ўлгудай мансабпараст, маишатбозлигини яхши билишарди.

Оғаси, Аълоиддин Муҳаммад — Отсиз ҳазрати олийларининг фикру режаларини икки мансабдор яхши тушунарди: бири шаҳзода Йинол-тегин, иккинчиси чақмоқ мўйлабли, қисик кўз, қирра бурун ёш амир Алп-Арслон. Салжуқийлар салтанати мутеълигию кучли таъсиридан биринчи галда Хоразмни, ундан кейин бутун Туронзаминни қутқариб олмоқлик — иккинчи босқичдаги режаси эди. "Афросиёб ва Сиёвуш давлатини қайта тузиш ҳамда Эрон даражасида Турон салтанатининг илгаригидай дунёга машҳур бўлиши, Чину-мочин мулкидан қатнаётган бебаҳо ипагу олтину кумуш ва бошқа молларни ортган карвонларига Туронзаминнинг шаҳару қалъалари дарбозасини очмоғлиқ..." унинг эзгу нияти эди. Султон Санжар қўли остида қарам бўлмоқлик эзгу мақсадларига еткизмас, бундай ният фақат Марв султони — Хуросон подшоҳи ихтиёрида эди. Ўз қўли остидаги баъзи олий мансабдорлар Марв таъсирида, уларнинг пуштипаноҳи султон Санжар, умуман тараққиёт ва фаровонлик йўли фақат Хурхсонга боғлиқ, деб тушинардилар. Ҳатто фарзандлари шаҳзода Сулаймоншоҳ билан Отликшоҳ ҳам қаҳри қаттиқ султон салтанати ҳақида бир нима дейишга ботинолмасдилар. Йинол-тегиннинг билимдон, узоқни кўрабилиши, амир Алп-Арслонни жасорати, Хоразм заминига, подшоҳга садоқатини кўпдан синаган, баъзан ёлғиз қолганда "ғоятда махфий режалар" тилга чиқарди.

— Шаҳзода Йинол-тегин, иним!— деган эди кунлардан бир кун, Доруссалтанада бўлган машваратдан сўнг подшоҳ унга ва Алп-Арслонга (Бу дақиқани шаҳзода эслаб, хаёлга чўмди)— Сиз ҳам, амир ҳазратлари ҳам бир нафас тўхтанглар!— Арбоблар чиқиб кетгач, икки яқин кишини тахтга яқинроқ чорлаб, сирли бир гап айтажанини имо қилди. Кенг ва ганчин деворлардаги нақшларга олтин зарҳал юритилган катта хонадан олдинма-кетин чиқиб

кетаётган сипоҳсолар Абулжаъфар — “Ноғорақорин” билан Хумомиддин ад-Давла орқаларига қайрилиб боқиб, амирга ҳўмрайиб қараб қўйишиб, ташқарига чиқиб кетишган. Подшоҳ сўзида давом этган:— Хоразм салжуқий султонлар тобелигидан қутулмас экан, бизлар ҳам мозийдаги Кушон салтанати ва унинг подшоҳлари Канишка, Валудевалар сингари йўқоламиз, Турон, Оғуз давлати — юзлаб қалъаларимиз ер билан яксон бўлади. Туркий хоқонлар каби қулаймиз. Шу сабабли Онуз денгизи, Қоратоғ атрофидаги қадимий қалъаларимиз, бугдойзор ва боғлар кимсасиз дашту биёбонга айланади. Онуз қурийди... Бу гапни ҳазрат ал-Хоразмий ҳам айтганлар. Султон Санжар салтанати таназзулга кетмоқда, ишратпарастлик, айни вақтда қудратли султон Мовароуннаҳру Хуросонни ўз қўлида ушлаб қололмайди... Иним Йинол-тегин ҳазратларини Турон қалъаларига, ундан мустақил ҳукмдорлар ёнига юбормоқчимен, улар билан алоқа боғлаш, иложи бўлса элчи-хоналар очиш, Чин мулкидан келаётган карвонларни Хоразмга буриш, шу орқали Юнону Румга ўтиб кетишлари учун ахду паймонлар тузмоқ лозим. Не дейсизлар?— деган эди бундан бир йил муқаддам подшоҳ ҳазратлари.

— Жуда маъқул, олий ҳазрат,— деган эди ўшанда шаҳзода Йинол-тегин билан амир Алп-Арслон.

— Бебаҳо фикрларингизни қувватлаймен. Гапнинг очиғи, мен бунчалик кенг мулоҳазадан ожизмен,— деган амир атайи камтарлик қилиб. Аслида хушомад бўлган бундай камтарликни подшоҳ ёқтирарди,— Орий, мен харбу муҳораба хусусида кўп ўйлаймен.

— Албатта, биз эртанги кун хусусида ўйламас эканмиз, унда яшашдан нефойда,— деганди Йинол-тегин,— бизларни шунинг учун ҳам Аллоҳтаоло мансабдор этиб, юртни равнақ йўлига бошла, шаҳарларни обод қил деган. Аллоҳга минг қатла шукр, минг қатла шукр!

— Шу сабабли, иним, шаҳзода ҳазратлари, сафарга чиқажаксиз, ишни Бухоро, Самарқанд ва унинг ёнидаги Добусия қалъаларидан бошлаб, Шошу Хўжандга. Сайхун ёқалаб Ўтрору Жандга, қадимий ого-иниларимиз Ўғуз давлатига ҳам сафар қилмоқ зарур. Хазинадан ақча, сadoқатли ва энг яхши кишилардан олурсиз. Бу режамизни султон айғоқчилари пайқамасинлар. Саёҳат, тижорат ва китоб ёзмоқ ниятида эканлигингизни маълум қиламиз. Иккиламчи, ҳар бир мулло Бухоройи шарифни зиёрат қилмоғи — ҳазрат Исмоил ал-Бухорий руҳи покига дуо

ўқимоқ, Қанғ ва Шошга йўл олиб, Абубакр Муҳаммад ибн Исмоил ал-Қафғол Шоший қадамжоларига етмоқ, Тохористон сари йўл олиб, ат-Термизий зоти покларини зиёрат қилмоқ ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ниятидир. Мана шу ниятни маълум қилмоқ маъқул. Мақсадимиз тушунарлик-ми?

— Тушунарлик, ҳазрати олийлари,— деган эди ўшанда шаҳзода Йинол-тегин.

Йинол-тегин Бухородан кейин Наса, Хорандиз, ундан сўнг Добусия қалъаларига етди. Баланд кунгиралар орқасидаги гумбазларда эрта билан офтоб нури ярқирарди... Бепоен далаларга обиҳаёт зарини сочиб, баъзан кўм-кўк, баъзан кўнғир қир-тепаликлар, ўтлоқлар оша бениҳоя гўзал, қирғоқларига тўлиб, лимиллаб Зарафшон дарёси оқиб ётибди. Шу дарё ёқасида машҳур Добусия қалъаси собит, унинг кўкка бўй чўзган қўрғон кунгуралари, тўрт томонга қараган арку дарбозалари виқор тўкиб турибди. Ҳам машриқдан, ҳам мағрибдан келаётган карвонлар Самарқандга киришдан аввал Добусия қалъаси карвонсаройларида тўхтайдилар, айти вақтда буюк Самарқанддан Юнон сари йўлга чиққан карвонлар Добусия шаҳрида бир неча кун тўхтамай иложлари йўқ. Шаҳар асосан Самарқанд ҳукмдорига тобе бўлиб, салжуқийлар султони Санжарга қарам бўлган. У, Бухорою Самарқанд, Кешу Шошу Гурганжу Хўжанд каби Туронзаминнинг кўрки бўлган десак хато бўлмайди.

Тарихий манбаларда келтирилишича, қалъа V-VI асрларда Туронзамин бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўлининг сўлим жойида бунёд этилган. Добусия нафақат савдо-тотиқ карвонлари, балки, Самарқандга кириш олдидан қўниб ўтадиган маскан, давлатларнинг ўзаро босқинчилик юришларида муҳим мудофаа нуқтаси ҳам ҳисобланган.

Енгилмас лашкари билан Искандар Зулқарнайн ҳам бу мустаҳкам қўрғонни оламан, деб энг сара лашкарларидан айрилган.

Тарих шаҳодат берадурки, мазкур қалъа — ўтмишда савдо-сотиқ, фан ва маданият, жангу жадалларда муҳим жой бўлиб, Туронзаминнинг машҳур шаҳарларидан бири бўлган. Добусиядан кўплаб шоиру олимлар етишиб чиққан.

Султон Санжар билан келишилган сулҳга биноан Хоразмшоҳ Добусияни ўз тасарруфига олиб, валиаҳддан

ташқари шаҳзодаларга баъзан Пойканд ва Добусия қалъалари иқто этиларди. Шу сабабли "икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамаслигини" ўйлаб, Қутбиддин Хоразмшоҳ иккинчи фарзанди, ишратпараст ўғли Йўсуфшоҳга Добусия билан Пойкандни васият этган... Шаҳзода Йинолтегин Добусияда карвонсаройда бир кунгина бўлиб, ундан сўнг Шош томон йўл олганди.

XXV боб

МАХФИЙ ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КУЧ...

I

Хумомиддин ад-Давла элик ёшларга бориб қолган, қорасоқол, кўзлари чақчайиб турадиган, серҳаракат бир кимса эканини илгари қайд этганимиздек, манғит уруғидан бўлиб, ота-боболари аслзода, кўп йиллар подшоҳ Ануш-тегинга хизмат қилган. Асли Кешдан, жуғрофия, илми ал-Жабрни яхши билиши, Бухорои шарифда мадрасада таҳсил кўрганлиги, забони ширин, одамлар билан яхши мулоқотда бўлаолиши, аҳли адаб, аҳли ҳофиз — айниқса маликул калом Рашидуддин ал-Ватвот каби шоирларни ўз ҳимоясига олиб юрмоғлиги, энг муҳими — Аълоиддин Муҳаммад — Отсиз ҳазрати олийларига кўрсатаётган хушомоди, у зот қайга борса шу томонда фармон-бардор бўлиб туришлиги унга шуҳрату амал келтирди. Аввал вазирлардан бири, кейинчалик вазири аъзам даражасига кўтарилди. Подшоҳ ва подшоҳ хонадонининг энг яқин гамхўрига айланди. Сарой аъёнлари унинг бирор жангда қилич кўтариб, отда юрганини билмасалар-да, ал-Баҳр (Ҳазор) — Батиха (Орол) оралигида қазилган катта ўзан ишларида матонат кўрсатган дейдилар. У подшоҳнинг кўп иқтоъларига сазовор бўлган...

— Ас-са-а-ло-ому а-а-лай-кў-ў-ўм! — эрталабки саломга кирган вазири аъзам гилам устига тиз чўкиб, юқорида, тахтда ўтирган подшоҳга бошини эгиб, намоз ўқигандек тўнқайиб, сажда қилди. Подшоҳ ёнига биринчи бўлиб у киргани сабабли тахт орқасида, эшик ёнида ўзини кўрсатмай турган, қурол-яроғли хуфия ва тўрт ихотачи йигитлардан бўлак ҳеч кимса бўлмасди.

— Ва-алайкўм ассалом! — жавоб қилди подшоҳ, — ҳазрат, саломни бунчалик ортиқча қилманг, туринг ўрнингиздан! Менга сажда қилиб, сиғингандек бўлмоқда-

сиз. Бу тўғри эмас, азизим. Мен илгари бир маротаба айтган эдим, бувам ҳазрати олийлари ўзларига бунчалик сиғинганларни ёқтирмаганлар... Биз, Тангри таолодан ўзгага сажда қилмаймиз! Ёлғиз унинг ўзинга!

— Маъзур тутасиз, улуғ ҳазрат!— деди ўрнидан туриб вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла,— саломим сидқидилдан. Пушти-паноҳимиз, офтобимиз фақат — Сиз! Кешда менинг падари бузрукворим таъқибга учраб, хонадонимиз пароканда бўлиб кетганда, сизнинг қанотингиз остидан паноҳ топиб, омон қолдик. Ломакон эрдик, ватанлик бўлдик. Наинки ватан, буюк мансабга чиқдим. Булар бари сиз туфайли! Агар мен бир дақиқа сиз, улуғ ҳазратнинг яхшиликларингизни унутсам, шайтонуалайҳу лаъна васвасасига учраган бўлурман, то қиёмат юрак-бағрим эзилур, юзи қаролиғ бўлурмен...

— Тушундим,— деди подшоҳ,— қалбингиз менга аён, сиз салтанат томини кўтариб турган тўрт устуннинг бири, яъни таянчларимиздан бирисиз. Мең сизга ишонамен! Аммо, бундай "сиғиниш"га йўл қўйманг, такрор айтамен, пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассалам айтганлар, умматларим ёлғиз Аллоҳдан ўзгага сиғинмасунлар! Худо бир, Расул барҳақ!

— Тушундим, олий ҳазрат.

— Саломингизни қабул қилдим!

Вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла орқаси билан юриб, хонадан чиқиб кетаётган эди, эшик олдида турган Абулжаъфар — "Ноғорақорин", ундан сўнг шаҳзодалар Сулаймоншоҳ, Отлиқшоҳ, Шайхулислом, амирлардан Али Аҳмад бин Катавозе, Музаффар-Тамғоч ва бошқалар ҳам бирин-кетин кириб, подшоҳга салом бердилар.

Подшоҳ ёлғизланиб қолганини сезди: иниси Йинол-тегин йўқ, яна кимлардир йўқ...

Саломдан сўнг саройнинг юксак мансабдорлари Дорус-салтананинг кенг ва кўркем ҳовлисига сочилишиб, беш-тўрт киши бир ерда, беш-тўрт киши бир ёнда тўдаланиб, суҳбату мулоқот бошланди: шаҳзода Сулаймоншоҳ ёнида турган амир Али Аҳмад бин Катавозе билан Абулжаъфарга кўзи тушди. Негадир унинг бугун кайфи бузуқ, қоматига ёпишиб, ярашиб турадиган қўнғир рангли қисқа либоси йўқ. Белини камар билан сириб боғламаган амир Музаффар-Тамғоч айвондаги қозикдан шамширини олиб, белига тақди-да, ҳовлига тушди. /Мансабдорлар подшоҳ қабулига киришда ўз қуроолларини айвондаги махсус қозикларга илиб қолдирардилар/. Қадду қомати келишган амирзода-

нинг боши тик, атрофида беш-олти одам йўл устида турган вазири аъзам ёнидан ўтиб кетди. Унинг кайфи пастлиги, ҳеч ким билан очилиб гаплашмаётганига сабоб амир Алп-Арслон эди. "Давлат жиноятчиси" деб топилган амирнинг дўсти, ҳамфикру маслаҳатгўйи эди. Бу ринт табиатли саркардага айб қўёлмадилар, у хомуш юарди, бундай саркарда мамлакат учун гоятда даркорлигини подшоҳ биларди.

Мағрур амир Музаффар-Тамғоч "Ногорақорин"— Абулжаъфарга ҳам, кўзлари чақчайган "Бойқуш"— Ҳумомиддин ад-Давлага ҳам парво қилмай, ҳовлига ётқазилган харсанг тошлар устида дадил қадам ташлаб, тўппа-тўғри шаҳзода Отлиқшоҳ томон юрди.

— Анави шумтаканинг кетишига қаранг!— ад-Давла Абулжаъфарга ишора қилди.

— Бизни анчадан буён назар-писанд қилмай юрибди! Парво қилманг, ҳазрат, илдизига болта урилган... Йинолтегин ҳам, амир ҳам йўқ.

— Билмадим, ҳазрат.

— Бизларнинг ҳазилимиз қулоғига еттимикан? Ўзи ҳам мадрасадан чиққан муллаваччаларга ўхшайди, анча текис. Мударрис домлаларнинг қўлидан омон чиққанмикан?

— Ҳо-ҳо-ҳо-ҳо-е...

— Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе-е...

— Қўйинглар, ҳазил қилмайлик, ҳазил қулоғига етса балога қоламиз! — У "Қулоғига етса" сўзига урғу берди. — Қиз бўлиб туғилмаганда, қисталоқ, қадду қомати, елкалари, эгарлари... жуда келишган.

— Ҳо-ҳо-ҳо-ҳо-о...

— Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе-е-е...

— Қиз бўлганида, лашкарбоши ҳазратлари, ўзингиз олармидингиз.

— Ҳо-ҳо-ҳо-ҳо-о-о...

— Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе-е-е...

Бўлаётган бу гуфти-гў ҳовлида тўпланиб, уёқ-буёқда турган катта-кичик мансабдорлар диққатини ўзига тортди, барча кишилар ялт этиб вазири аъзам томонига қаради. Ариқ ёқасида турган тўда ҳам беихтиёр кулки кўтарилган томонга боқди, нега кулаётганликлари сабабини ҳеч ким фаҳмламади. Мабодо бу масхаралаш кулкиси маъносини амир Музаффар билгудай бўлса, шу лаҳза қилич сугуриб, ким бўлишлигидан мустасно чопиб ташлаши ниҳоятда аниқ эди. Лекин у сезмади, "Бойқуш"нинг қалтис ҳазиллари кўплар дилини оғритгани кўпларга маълум.

— Ҳа, деб кулабериш бефайз! Оқибати ёмон!— деди ориқ, новча, кўзлари чуқур Шайхулислом,— мен сизларга кулдирмайдиган бир ривоятни айтиб берамен. Бу ривоят Ҳадиси шарифда битилган: Ҳазрати Али-шери даргоҳ кўчада кетаётган эканлар, йўл четига ташлаб кетилган бир чақалоққа кўзлари тушибди. У тинимсиз йиғлару атрофидан ўтиб кетаётган одамлар негадир уни кўтариб олмас эканлар. Али ҳазратлари одамларга мурожаат этиб, дедилар:

— Эй, мўъмин мусулмонлар, нега бу йиғлаётган чақалоққа боқмай ўтиб кетмоқдасизлар?

— У нима деб йиғлаётганини тинглаяпсизми, ҳазрат?— дебди одамлар.

— Йўқ.

— Чақалоқ дейдики, ким мени кўлига олиб, боқиб катта қилса, балоғатга етгач ўшани ўлдирамен, демоқда.

— Ҳар иш Аллоҳдан,— дебди шунда ҳазрати Али-шери даргоҳ йиғлаб ётган чақалоқ болани кўтариб, бағрига босиб, ўз уйларига олиб бориб, боқиб, тарбия этиб катта қилибдилар. Дарҳақиқат бола катта бўлгач, ҳазрати Алидан сўрабди: "Ота, қай маҳалда сизнинг танингизга тиг ўтади?" /Ҳазрати Али-шери даргоҳ рўйинтан, у зотнинг танларига тиг ўтмас экан./ У зот айтибдиларки, "ўғлим, мен номоз ўқиб, Аллоҳга сигинаётганимда таним мўмдек юмшайди, шу маҳалда тиг ўтади," деган эканлар. Ёмон одамлар, гайридинлар тўдасига қўшилиб, шайтон васвасига учган бола ҳазрати Али номоз ўқиб, саждага кетганларида орқадан келиб, қилич солган экан... У зотнинг жасадларини бир кимса оқ туяда келиб, номаълум томонга олиб кетган экан...

Шаҳзода атрофида турган амирлар ўйланиб қолишди: бундай жиддийлик ва сукут маъносига тушунмаган вазири аъзам, атрофида турган одамлар ялт этиб амир Музаффар атрофидаги тўдага боқди. Булар ҳам пинагини бузишмади. "Ким мени боқиб, катта қилса ўшани ўлдирамен..." деган гап амирни хаёлга чўмдирди. Подшоҳ ҳазратлари етим Ҳумомиддинни саройда ёшлагидан ўзлари боқдириб, катта қилганликларини эшитган эди. Зукка Шайхулислом бу ривоят орқали амирни масхарлаётган Ҳумомиддиннинг "кимлигини" очиб ташламоқчи бўларди.

Эрталабки саломдан сўнг Доруссалтана ҳовлиси нақадар файзли, бу ҳовлига ҳамма ҳам киравермайди, бу ҳавлида "Субҳи сурур" деб аталмиш эрта тонг манзараси, турфа гуллар, сарв била гужум, ариқлар чети гулсафсар япроқла-

ри, жамбулу райҳонлар киши димоғига муаттар бўй тарқатади. Ҳовлида олти-еттита товуслар ҳам баъзан гўзал думларини баланд кўтариб, қул-қул-қул... этиб, бениҳоя гўзал доира канотларини кўз-кўз қиладилар, бу ҳовлида подшоҳ ҳазратлари баъзида юриб, истироҳат қилардилар.

Шайхулислом ҳазратларининг ярим овозда айтган ноаниқ, жиддий ҳикоясидан сўнг вазири аъзамнинг чақнаб, кулдириб гапиришлари сўнди, у хайр-хўшлашиб, дарбоза томон юрди. Абулжаъфарга "қани, ҳазрат юринг" дегандек ишора қилди. Дарҳақиқат шаҳзода Йинол-тегиннинг йўқлиги ва бошқа фожиалар кўпларни хомуш этган эди. Абулжаъфар беихтиёр вазири аъзам билан ёнма-ён юриб, дарбозадан чиқиб кетишди. Йўлда у Абулжаъфарга мурожаат этди:

— Хуросон томондан, Обиварддан келган меҳмон бунда! Олий ҳазратнинг хабарлари бор. Бугун кечга сиз жанобни ва бошқа дўсту ёрларни ҳам шахсан чорладим...

— Маъқул. Аммо, хориждан мансабдор келармишу на шаҳзода Сулаймоншоҳ ва на Отлиқшоҳ ҳазратлари бўлмаслиги қандоқ бўларкин? Бу қалтис эмасми?

— Дарвоқе..., — деди вазири аъзам соқолини қашлаб, — тўғри фикрлайсиз.

— Барчасини чақиринг, шаҳзода ҳам, амир ҳам бўлсин. Бизлар ўз гапимизни менинг ховлимда гаплашамиз. Қилчалик эҳтиётсизлик — фалокат деган гап. Йўсуфшоҳ ҳазратларидан нома олдим... Олдим у ўқиб, ёқиб юбордим. Мазмуни дилимда... Султон бизни қўллаб-қувватлашни, иншоолло, ёмонларни /у, кўпроқ Йинол-тегинга ишора этади/ йўқотамиз, Хоразм мулкида, бутун Туронзаминда адолат қарор топажак!

— Бу гапларга тилингиз ўрганиб қолиб, бирон ерда жирт этиб чиқариб юборманг!.. ("Ноғорақорин"нинг шундай қилиқлари ҳам бўларди).

— Алҳазар! Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе... Ҳазил қилдингиз чоғи!

— Хотинингизни эрқароқ, деб эшитганмен. Амирнинг қадду қоматини мақтагани қулогимга етган. Уни тезроқ уйлантириб қўйиш керак дёрмиш. Айғирни тезроқ тинчитилмаса Шошга кетиб қолади. Кимдир ўз уруғидаги қандайдир соҳибжамол бир қизни унга топган эди. Қариндош бўлишни ўйлаган. Жим ўтирсинлар янгамиз! Бу гаплар бўлган...

— Алҳазар, алҳазар!

— Буёқда кетаётган ишлардан хабари йўқ, нега давлат ишларига тумшуғини суқади? Эплай оласизми Сарвиноз

бекамни, йўқми? Подшоҳ номини кўп тилга олар эмиш. Подшоҳ-подшоҳ! Тилга эҳтиёт бўлсун!

— Хўп, ҳазрат. Мен унга ҳаддингдан ошма, деб айтиб қўямен! Безовта бўлманг. Улуг маликамиз кўпроқ уни талтайтириб қўйганлар...

— Ким талтайтирганини биламен! Яхши эмас! Хотунга сир айтманг, бу жуда хавфли!

— Албатта!

— Бошингизга етади!

"Ноғорақорин" Абулжаъфар вазири аъзамга бир қараб қўйиб, индамай қолди.

— Бугун бизникида. Сиз айтганингиздек, шаҳзода Сулаймоншоҳни айтамен, амир йўқолгандан сўнг унга ҳам жон кирди. Сизга маълум қилиб қўймоғим лозимки, Пойканд ҳокими шаҳзода Йўсуфшоҳ нафақат подшоҳ, Сулаймоншоҳнинг ҳам душмани! "Оч арвоҳ" Йинол-тегиннинг бадарға бўлгани, амир Алп-Арслоннинг қатл этилгани бизга қулай пайт яратди. Марвда ҳам бу гапни айтиб, султон "пайти етди" дебдилар...

— Ҳазрат мени "ноғорақорин" деманг, бу — ҳақорат! Хотиним шаънига ҳам сал тегиб кетдингиз...

— Узр, мен у маънода эмас, бу маънода айтган эдим...

— Сиз ҳазилни кўп қиласиз, ҳазрат! Билсангиз бу менга кўп оғир.

— Бу, бизни кузатаётганлар учун бир ниқоб. Бизларни ҳам кузатадиганлар, изимиздан юрганлар кўп. Аниқ биламен.

— Лекин мен саркардамен! Ҳадеб кулабермоқ — сарбозларимни бўшаштириб қўяди.

— Ишончли сардорларингиздан биронта кимса йўқми, гап орасида Шоҳсанам билан Сулаймоншоҳ ораларида эру хотинлик муносабати йўқ, деган гапни тарқатиб, шаҳзоданинг обрўсини туширса. Саригбек қалай? Уни ишга солмоқ лозим. Эшитишимча уларнинг орасида қачонлардир бир гап ўтган. У баджаҳл одам, асли Ўтрор томондан, дашти қипчоқдан. Сал гапга қилич ушлайди...

— Топдингиз, муқобили шу!

— Яхши қилич чопади. Бир зарб билан ҳўкизининг бошини узиб туширган деб, эшитганмен.

— Тўғри. У кўпдан буён кетаман, деб норизо юрибди. Биз билан ҳамфикр, оғзи мустаҳкам.

— Қидирган одамимиз шу! Уйингизга уни ҳам таклиф этинг, ясаниб кулсун. Ахир у юзбоши, бундайлардан баъзилари олий мансабдорлар орасида бўлмоғи айб эмас.

— Бу томонига шубҳа йўқ, олий ҳазрат ҳаммавақт узоқ юртлардан келиб, қўшинда хизмат қилаётганларга меҳрибонлик кўрсатинглар, деганлар.

— У, ўз ишини бажариб бўлгач, ақчаю молу мулк билан юртига жўнатамиз. Бу хусусда ваъда этаберинг.

— Ҳўп.

— Хўроз бўлишмасин, бир-бирларининг патини тўзитиб, бурнини қонатиб, яна икки ёққа ажралиб кетишмасин. Айтилган кимсани ўлдиришсин! Вассалом! Билдингизми?

— Билдим.

— Биз ҳамма гапни йўлда гаплашиб олдик, менимча шу маъқул. Деворнинг қулоғи бор! Сув бўйида, йўлда гаплашмоқ маъқул. Шунини яхши билингки, жаноб, ақлан ожиз кишилар заковатли, сергайрат кишиларни ёқтирмайдилар. Ҳақ гапни айтмоқ лозим! Бунинг устига жисмоний бақувват — қилич солишда, отда чопишда тенги йўқ. Дарҳақиқат қадду қомати келишган. унинг олдида шаҳзода ит гажиган суякка ўхшайди. Ланж, касалманд — ҳар икки кунда томоғи оғриб, иситмаси чиқиб ётади. Гаплари пойинтар-сойинтар... Мишиқи. Шундоқ заковатли подшоҳдан бундай фарзанд тўғилганига ҳайронмен. Шу, мажруҳ инсонга гўзал Шоҳсанамни олиб бердилар. "Хоин Маликшоҳнинг қизи" дегин бадномликдан ва отаси номини оқлаб олмоқ ниятида қиз ақлан заиф шаҳзодага тегишга рози бўлди. У ўзининг подшоҳ авлодидан эканини тасдиқлаб олмоқчи ҳам бўлди. Қизнинг билгани билган, тан олмоқ керак! Аммо, бизнинг асосий тигимиз тожу тахтга қаратилган, буюк султонга бўйсунмай, мустақиллик даъво этаётган подшоҳга ва унинг атрофидаги кимсаларга қаратилгандир. Шаҳзода Йўсуфшоҳ катта ҳужумга тайёргарлик кўрмоқда. Шу сабабли ҳам биз ё бугун, ё эрта тўпланиб ўз йўлимизни аниқлаб олмоғимиз лозим. Ҳазораспда шаҳзода Йўсуфшоҳ қиличини чархлаб ўтирибди. Султон ҳазратларидан мадад сўраб, одам юбориш ҳам жоиз, бусиз барибир бузоқнинг югургани сомонхонагача! Бугун савр ойининг ўн бешинчи кунини, чоршанба. Кам деганда, ақраб ойларида яъни бу ойда подшоҳ кўп кақт шикорда бўлади. Пойтахтни Йўсуфшоҳ раҳнамолигида қўлга олмоқ даркор, ундан сўнг, яна бошқа ишлар бор... Шаҳзода Йўсуфшоҳ наинки нодон, у ишратпараст ҳам... У шоҳ бўлгани билан асли бизнинг чўнтагимизда бўлади!

— Ҳазрат, орқамиздан бир одам келяпти. Сиз қайрилиб қараманг. Ҳамма гапни айтдингиз, эртага, уйга ҳам қолсин...

— Уйдаги "машварат"да биз амалий иш хусусида гаплашамиз. Ҳали анча гаплар бор. Лекин аёлингиз Сарвиноздан чўчимоқдамен?

— Йўқ, чўчиманг. У бир гавҳар сирға билан хурсанд бўлиб кетади. Хотиним давлат ишларига мутлақо қизиқмайди, унга олтин тақинчоқлар бўлса бас.

— Ҳа,— деди ичида вазири аъзам. "Сенинг хотининг олтинга эмас, ундан ҳам бошқачароқ нарсага қизиқади..."

Юқори лавозимни эгаллаб турган вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла якшанба кuni хуфтон номозидан кейин қўшниси Абулжаъфарникига кириб келди. Дарбоза ёнида турган икки ясовул таъзим билан уни кутиб олишди. Унинг ташриф буюришини Абулжаъфар ясовулларига тайинлаган эди. Лашкарбошининг гиламлар тўшалган кенг ва гўзал меҳмонхонасида Саригбек, Ашур-чўтир ҳозир эдилар. Олий ҳазратдан мутлақо сир тутилган пинҳоний бу "зиёфат"га тўплансалар-да, негадир ҳаммаларининг юраклари пўкиллаб турарди. Фотиҳадан кейиноқ вақт зиқлиги сабабли Ҳумомиддин ҳазратлари ишга ўтди. У яна гапни ривоятдан бошлади, шу йўл ила ўзини доно Йинол-тегин ва Рашидуддин ҳазратларига ўхшатмоқчи бўларди.

— Дашту биёбонлар оша Маккатуллога йўл олган карвон ичида бир савдогарбачча ҳам бўлиб, у йўлда қаттиқ бетоб бўлади. Уни туя устидаги кажавадан аробага оладилар, ўзини билмай, дард оташида алаҳсираб ётган савдогарбачча тепасида бир забардаст дўсти унга қараб, сув ва дори-дармон, хўрак бериб боради. Чунки унга савдогарбаччанинг отаси тайинлаган. Дўсту биродарлик қонунини маҳкам ушлаган ошноси унинг ёнида туну кун бедор, хизматини қилиб борарди. Тинимсиз дуо ўқиб, дам соларди, уни Маккатуллога омон-эсон етиб борсин, деб жон чекарди. Карвон муборак Жидда шаҳрига етиб борганида бемор савдогарбачча кўзини очиб, ўрнидан туради, аммо унинг тепасида туну кун куйиб-ёниб, парвариш этиб борган паҳлавон оғайниси йўқ эди. Шаҳарга етганда у тўсатдан қазо қилди... Бу билан мен нима демоқчимен: ҳамма нарса Аллоҳдан! Амир бизни йўқ қилмоқчи бўлди, ўзи йўқолди! Жувонмарг кетди. Маликшоҳ тахт истади,

қатл этилди. Карвон аввал Жиддага етиб борсин, ундан сўнг кўрамиз — кимнинг қазоси етган экан! Марвга, Пойкандга икки одам йўлладим. Улар от билан савдо қиладиган кимсалар. Ясовулбоши, улар Жайхун ёқалаб бораётганда, йўлда қароқчилар таламасин. Уларнинг ҳамёнида тилло тангалар йўқ, ammo махфий нома бор. Етиб боришмаса жавоб берасиз!

— Иншоолло, етиб боришади.

— Тўртга бўлинган қўшинни турган жойларида сақламоқ лозим, бир ерга тўпланмасун! Иложи бўлса Сулаймоншоҳ қўшин ичига кирмасун, ўтмас пичоқ қўл кесар! Қўшин ичида бу "латта йигитни" мазах қилсинлар, кулсинлар, итоат этмасунлар... Улуфа ҳамда муставфийлар лашкарни бир ерга тўплаш харажати катта, отларга ем ва беда ўша томонларда тўпланган, дейишсун. Минг отлични Гурганжга олиб келишнинг зарурати йўқ!

— Шу фикрда қаттиқ туринг!

— Албатта, буюк ҳазрат!

— Бундай юргандан кўра баъзиларнинг паймонасини тўлдириб қўяқолай, — деди Ашур-чўтир қийшиқ кўзларини ола-кула қилиб, — нима, ҳаммамиз латта шаҳзоданинг ташвишини тортамизми!? Ҳей, улуғлар, нега ундан қўрқасизлар!?

— Ўйламай иш қилган оғримай ўлар. Мулоҳаза қилишга ўрганиш лозим! Агар бў "томоша қовоқ" анави душманмиз Маликшоҳни шоша-пиша қатл этиб юбормаганда, шунча ташвиш бўлмаган бўларди! Ушанда ҳам сиз худди шу гапни айтган эдингиз! Шунинг учун сизни "Қирғинбарот" мансабдор дейдилар! Гапимга хафа бўлмангу камроқ ўйлайсиз!

— Афв этинг, ҳазрат... — аввал бўзариб, ҳақоратомуз гапдан тажанг бўлган ясовулбоши афв сўрашга мажбур бўлди. Амирни "Ғори морон"га итарган, Маликшоҳ билан Аълоиддин-Хоразмшоҳ ўртасига нифоқ солган шу эди. Вазири аъзам олдида тили қисик "Қирғинбарот" жаноблари тилини тийишга мажбур. Лекин улар подшоҳни ағдариб, султоннинг энг яқини шаҳзода Йўсуфшоҳни Хоразм тахтига кўтарсалар ишлар яхши бўлиб кетади, деб ўйлардилар. Бу уларнинг эзгу орзулари эди.

Ашур-чўтир баъзан кутилмаганда Доруссалтанага, вазири аъзам хонасига кириб келарди-да, гаплашиб чиқиб кетатуриб, яна орқасига қайтиб кирарди, гўё бир нарса ёдидан кўтарилгандек, арзимаган гапни айтиб чиқиб кетарди. У савқи табиий, яъни шубҳа касалига мубтало эди.

— Нафасингизни совуқ қилманг! Паришталар омин, деб юбормасин! Ўйлаб гапирмоқ лозим!— Бояги гап Абулжаъфарга қаттиқ теккан эди. У Одоб — кишининг заковатидан дарак беради, одобсизлик, нописандлик, димоғдорлик, ўзини бошқалардан юқори тутиш фақат ёшларга хос эмас, катта ёшдагиларга ҳам мансуб. Биз кўп вақт одоб хусусида гап кетса ёшларни муштлаймиз. Тўғри, катталарга аввал салом бериш керак, қарияларга ҳурмату эҳтиром, болаларга меҳрибонлик керак,— деди.

Тўрт юқори мансабдор Абулжаъфарнинг кенг ва нақшинкор меҳмонхонасида ўртада саксовул чўғи кучли ҳарорат бериб турган олов атрофида "улфати чор анда маза бор..." бўлишиб аллавақтгача ўтиришди. Дарвозада, ундан анча нари майдон четида "Қирғинбарот" ҳазратларининг сунъий соқол-мўйлаб қўйган ханжарбоз, "Камак Кайёний" "Мехтар Бодиялдойи Самарқандий" лари хуфия туришарди. Тўрт мансабдорнинг тўпланганини "Аллоҳдан бўлак ҳеч ким билмади", деб ўйлашди, аслида подшоҳнинг ҳам айғоқчилари "Қирғинбарот" билан "Бойқуш"ни кўзга ташланмайдиган либосда қош қорайганда кўчага чиққанларини кўриб, изларига тушган, лашкарбоши ҳовлисига кириб кетганини ҳам сезишган эди. Улар қўлларига дастаси узун супурги олиб, уёқ-буёқни супурган бўлардилар, дарбоза ичкарасида турган, салоҳ таққан Абулжаъфар соқчиларига ҳам ўзларини сездирмадилар. Махфий тўпланишдан Сарвиноз бека хабардор, аммо у эрига хиёнат қилган кимса подшоҳга ҳам хиёнат қиларди. У ярим тунда ширакайф вазири аъзам ва бошқалар бу хонадондан чиқиб кетишганини, улар кимлар эканини аниқ билди. Ясовулбоши бу тўпланишни "Аллоҳдан бўлак бир инсон билмайди, хотиржам бўлинглар"деб, хотиржам этди. Аслида улар чучварани хом санашган эди! Эрта тонгда, ҳали улар ўз уйлари, ўз тўшақларида хириллаб ухлаб ётганларида подшоҳ айғоқчилари "Абулжаъфар ҳазратларининг ҳовлисида махфий тўпланиш бўлгани хусусида валиаҳд шаҳзода Сулаймоншоҳни огоҳ этдилар, аини вақтда махфий тайёргарлик кўриляётганидан Шоҳсанам бека ҳам огоҳ бўлди."

— Бойқуш тунда ов қилади, ҳурматли шаҳзода,— деди руҳи сўник Шоҳсанам эри Сулаймоншоҳга мурожаат этиб,— амакингиз Йинол-тегин ҳазратларини хориждан чақириб олмоқ лозим. Кўнглим безовта бўлмоқда. Юрагимда ғашлик кучайиб бормоқда. Ёмон тушлар кўрмоқдамен...

Шаҳзода сўз демади: хотинининг амир билан "Юсуф ва Зулайхо" бўлганларидан нафратланди.

Далъ ойининг дастлабки кунлари кутилмаганда қаттиқ совуқ бошланди. Икки-уч кундан буён шивалаб ёғаётган ёмғир кечга бориб, қорга айланди, ҳаммаёқни оппоқ қор босди. Саратон кунларида ҳам қор ёққандай тузу шўрдан доимо оппоқ оқариб турадиган Батиханинг ўнг қирғоғидаги текисликлар, Жайхуннинг мағрибу машриқ томонидаги бепоён дашту биёбонларни ҳам оппоқ қор босди. Ҳаммаёқ қор, томлар, мўрилар... Бундай қалин қор Туронзаминда, юқори дашту қумликларда, айниқса Сариқамич, Манғит томонларда кам учрарди. Тунда қаттиқ совуқ авж олиб, Жайхун музлади. аввалги йилларда дарё ёқалари музлаб, яхларди-ю, дарё ўртаси мислсиз бир қудрату салобат билан илгаригидай буралиб-буралиб оқиб ётарди. Қаттиқ совуқнинг учинчи кунига ўтганда Манғит, Қоратоғ томонларда дарё батамом музлади, Аччиқ изғирин товонларга михдек қадаларди, юзларни чимчилар, бурунлар кўкарган, баъзан гувуллаб кучли шамол дала қорларини ялаб ўтар, совуқ шамолдан тепаликлар яйдоқ бўлиб, чуқур жарликларга, пастликларга қор тўпланиб қоларди. Қалин муз қатламлари дарё йўлини тўсиб, тўғон бўлиб, қорли дашт устига сув чиқиб кетди. Қиётда, қисман Гурлану дарёнинг нариги томони Қоратоғ атрофларидаги қишлоқларни сув босиб, ҳаммаёқ музлади. Тунда молхоналаргача сув кириб, ер музлаб қотди. Қорамоллар, отлар, қўю эчкилар ниҳоятда оғир аҳволда қолди. Шу куниеқ Гурганжга хабар етиб, Подшоҳ ва вазири аъзам дарҳол катта мансабдорлару саркардаларни тўплаб, фуқарони қутқариб олиш, яқин қишлоқлардаги хонадонларга олиб кириш, айниқса бемору болаларга ёрдам бериш хусусида шишилинич машварат ўтказди. Сариқамич, Гурлан, Қиётдаги барча отлиғу пиёда аскарларни ишга солиш, қишлоқларда қозон осиб, уйларида чиқиб кетган фуқарога овқату нону наъмак улашиш, қорамолу отларни қутқаришни буюрди. Харажатлар хазинадан деди. Шу куниеқ подшоҳ амри ила, Сулаймоншоҳ Жайхун ёқасига бир неча киши билан от чоптириб кетди. У, йўлда амирни эслади, бундай пайтларда Алп-Арслон подшоҳга қанот бўларди. Эриянинг ғашига тегса ҳам Шоҳсанам амир ҳазратлари жасоратини эсларди. Ҳозирги пайтда у давлатга жуда зарур эди, деди. Сулаймоншоҳ сукут сақларди. Сулаймоншоҳ ал-Мисрийни чорлаб, қийналиб қолганларга беш-ўн қоп ун, ёғ, эликта эски-янги чопону этикларни икки аравага босиб, қишлоққа олиб

боришни айтди. Амирнинг содиқ сарбози Муҳаммад Али ал-Мисрий яна пайдо бўлиб қолганига ҳайрон бўлишди. Подшоликдан, мансабдорлар хонадонидан йиғилган ёрдам ортилган икки арава шатиллаганча йўлга тушди. Сардору сарбозлар табиий офат юз берган томонга от чоптириб кетишди. Руҳан сўниқ Муҳаммад Али ал-Мисрий "Қора фил эмас, қора мушукка ўхшаб қолган, у шаҳзода Сулаймоншоҳ номидан бу ҳайру эҳсонларни элга етказди.

Шаҳзода даъвати билан фожиа юз берган томонга йўл олган кишилар отига хуржин ёпиб, унинг икки халтасини нону намак билан тўлдириб, пиширилган эту ширинликлар ҳам олиб, бу ерга келдилар. Куннинг ўрталарида табиб Шамсиддин Эл-Тузмиш билан Шаҳобиддин Мусъудлар ҳам ўз одамлари билан оту аравада табиий офат юз берган томонга жўнашди.

Аmmo... шу куни "томоғи оғриб, иситмаси кўтарилган" Хумомидин ад-Давла ва "ичбуруқ дардига мубтало" Абулжаъфар уйдан чиқолмай ётиб қолган эдилар. Шаҳзода Сулаймоншоҳ яккаланиб қолганига қарамади, Шоҳсанам унга кучу мадор бўлди. Эрининг эътирозига ҳам қарамай, Шоҳсанам сарбозлар либосида отга миниб, эри ёнида Жайхун ёқасига келди. Муҳаммад Али ал-Мисрий олиб келган озиқ-овқат, кийим-кечакларни у билан бирга элга улашди. Шоҳсанам бека "бундай пайтларда амир ҳазратлари иш берардилар", деганида ал-Мисрий ерга ўтириб йиғлади, ўкириб-ўкириб, сарак-сарак қилиб йиғлади. Паҳлавоннинг йиғлаётганини кўрган Сулаймоншоҳ ҳам хомуш тортди, амирнинг ўлими Муҳаммад Али ал-Мисрий бағрига урилган тиг эканини пайқади. У ҳайиқмай: "амир ҳазратлари туҳмат қурбони бўлдилар... Во-о-й, менинг саркардам, жойингиз жаннатда бўлсун..." деб ўкирарди. "Шундоқ яхши инсонлар ўлдирилди!.. деб бургутона чангали билан ўз кўксини ғижимларди.

XXVI боб

ВАХШИЁНА ҲУЖУМ

Кутилмаганда Йўсуфшоҳ отлиқлари кенг далада мўри-малахдай ёпирилиб келиб, Гурганж қалъасини ҳамма томондан ўраб олдилар. Қутирган отлиқларнинг шовқун-сурони, қўлларида ярқираган қиличлар, қатор найзабардорлар, камонандозлар саҳрода чангу тузон кўтариб, ваҳимали бир қичқириқ билан ҳужум бошладилар. Гурганч

қалъасининг ҳамма дарвозлари тақа-тақ беркитилиб, Ҳазорасп томон — катта дарвозага Сулаймоншоҳ, Абулжаъфарлар сардорлигида уч юзга яқин асосий отлиқлар тўпланди. Қалъа қўрғонлари устига юзга яқин камонандозлар чиқиб, душман навкарларининг қўрғонга чиқишини, нарвонлар олиб келаётган кимсаларни мўлжалга олиб турардилар.

Вазири аъзам ад-Давла, Абулжаъфар, Амир Музаффар-Тамғочлар юқори дарвозалар томон ҳар бирлари юз отлиқ билан бориб, дарвозаларни маҳкам бекитдилар. Гурганжга ҳужум бошланганини эшитган шайхулислом ҳам Ҳазорасп дарвозасига келди. Аллоҳга ёлвориб, ногоҳоний бу ҳужум пойтахтни саросимага солиб қўйганидан, амирга ўхшаган саркардалар йўқлигидан юрагига ваҳима тушди.

Бу, якшанба куни эди. Бир ҳафта аввал, шанба куни подшоҳ ҳазратлари ҳам тўхтовсиз йўл босиб, шикор бемаънафайз ўтиб, қалъага бедабдаба кириб келган эди. Укани ишга солаётган Марв, салжуқий ҳукмдорининг Хоразмни босиб олиш режаларини пайқаган шаҳзода Сулаймоншоҳ шайхулислом ҳазратлари билан маслаҳатлашиб, Йўсуфшоҳнинг Ҳазораспни босиб олгандаёқ амакиси шаҳзода Йинол-тегинга подшоҳ номидан нома йўллаб, "барча муҳим ишларни қўйиб, шитоб билан Гурганжга етиб келишларини сўраган" эди. Бунда аҳвол ёмонлигини, Йўсуфшоҳ ҳужумини, бу ҳужум орқасида Марв турганини очиб ёзган эди. Ўғузхон мансабдорлари Ёқуб отлиқ фитначини тутиб бериб, бу амир Алп-Арслон ҳазратлари қатлига сабабчи бўлгани, амир бегуноҳ экани маълум бўлиб қолганди. "Минг афсуслар бўлсинки, амир ҳазратлари энди ёруғ дунёда йўқ, мен ғоятда хижолатдамен" деган сўзлар ҳам нома ичида бор эди.

Йинол-тегин ҳазратлари элчи сифатида Шош қалъасида турганида бу нома унинг қўлига тегди. Масаланинг ғоятда муҳимлигини билган элчи шу куниёқ Шош ҳокими амир Муслим ҳазратлари билан хайр-хўшлашиб, шитоб билан йўлга тушган эди. Нур қалъаси, ундан сўнг Жайхуннинг ўнг қирғоғини ёқалаб йўл босиб, Ҳазораспни айланиб ўтиб, Қиётга, ундан сўнг Гурганжга равона бўлдилар. Уч ҳафта деганда сарбоз йигитлари иҳотасида от-аравалар билан йўлга чиққан Йинол-тегин Гурганжга етиб келиб, шу куниёқ подшоҳ билан учрашди. Лекин ўзининг бир машҳур йўлдошини подшоҳга кўрсатмади, сир тутди...

Мана, уч ҳафтадирки, пойтахт қамалда.

Ғанимлар қалъа деворлари атрофида йўгон ходалар билан дарвозани бузиб киришга чоғлаётганда, қиличи қўлда яланғоч, сарбоз либосидаги соқолли амир Алп-Арслон майдон ўртасида мўъмин-итоаткор отда турган шаҳзода Сулаймоншоҳ рўбарўсида оти жиловини тортди.

— Ассалому алайкум, шаҳзода ҳазратлари!

— Ва алайкум ассалом!— деди шаҳзода кафтини кўзига соябон этиб. У бир лаҳза "сарбоз"га тикилиб қолди,— сен кимсен? Кўзимга таниш кўриняпсен?

— Мен, Алп-Арслонмен, ҳазрат.

— Амирмисен?!

— Йўқ, мен ҳозир сарбозмен.

— Сен, амир Алп-Арслонсен! Соқол қўйган бўлсанг ҳам танидим. Фитначи қўлга тушди. Отам сенга ҳамма гапни айтадилар. Айбинг йўқ экан... Биз кечирим сўраймиз...

Амир жим, бош эгиб турди. Бир лаҳзадан сўнг шаҳзодадан рухсат сўраб, катта Ҳазорасп дарвозаси, Муҳаммад Али ал-Мисрий тўдаси томон кетди.

Шу куни шаҳзода Сулаймоншоҳ гоят ҳаяжонда, гўё пойкандликлар устидан ғалаба қозонганидек хурсанд Доруссалтанага кириб, шодлиги боисини "ёшликда ошиқ-маъшуқ бўлиб юрган" Шоҳсанам бекага айтди. Амир Алп-Арслон тирик эканини, жанг майдонида учрашганини тўлқинланиб гапирди. У сарбоз либосида жангга аралашаётгани, ал-Мисрий сарбозлари ичида эканини, соқол қўйиб юборганигача айтди...

Бу гапларни эшитган Шоҳсанам ҳушидан кетиб, гиламга йиқилди. Шаҳзода овозини баланд чиқариб, хазматкор хотинларни чақирди. Югуриб ичкарига кирган хизматкор аёллар косада сув келтириб, Шоҳсанам юзига сепишди. Уни гиламдан кўтариб, ўрнига ётқизишди.

Шаҳзода Сулаймоншоҳ бу гал негадир Шоҳсанамни амирдан қизганиб, рашк қилмади, унинг "Илонлар гори"дан омон қайтгани, Шоҳсанамнинг унга нисбатан бунчалик муҳаббати борлигини сезиб, газабланмай, аксинча уларни тақдирига ачингандай, ташқарига чиқиб кетди.

Шаҳзода Сулаймоншоҳ кечга яқин Ҳазорасп дарвозаси ёнидаги майдонга, сарбозларга далда бериш учун келганида, амир нималарнидир ўйлаб, ўз тўдасидан ажралиб, Сулаймоншоҳ ёнига келиб, паст овозда унга деди:

— Ҳурматли шаҳзода! Дарвоза бузилади, бу аниқ. Менимча яхшигина саваш бўлади. Аллоҳ ўзи подшоҳимиз лашкарини омон сақласин!.. Ғанимлар подшоҳ жонига, сизнинг жонингизга қасд қиладилар. Шу сабабли улуг ҳазрат ҳам, сиз ҳам ўз оилангиз билан Гурланга вақтинчалик ўтиб туришингизни маслаҳат берардик. Амакингизнинг фикрлари ҳам шундай, ҳозир гаплашган эдик... Мураккаб шароит шуни тақозо этади.

Кўп вақт ўтмай бунда амир Музаффар-Тамғоч ила Йинол-тегин ҳам пайдо бўдилар.

Шаҳзода Сулаймоншоҳ бир лаҳза уёқ-буёққа, шай турган сарбозларга, қурол-яроғларига тикилиб турди-да: "Мен бу фикрни подшоҳга етказаман..." деди ва бош ирғаб, ўзи ҳам шундай бўлишини маъқул топаётганини билдирди. "Кечки оқшом йўлга тушсак керак..." деб қўшиб қўйди.

Бир муддатдан сўнг у ўз ҳимоячи отличлари иҳотасида орқасига қайтди. Майдондан чиқиб кетатуриб, у оти жловини қайириб, яна амир ёнига келди:

— Жангни ташлаб кетмоқ менинг шаънимга қандоқ бўларкин, амир?

— Пойтахт қўлдан кетиши аниқ. Гурлан вақтинчалик подшоҳ қароргоҳи бўлади. Бошимизни, юрагимизни асраш лозим, яъни подшоҳни, оналаримизни сақлашимиз муҳим. Шаънингизга ҳеч ёмон гап бўлмаиди, шаҳзода. Йўсуфшоҳнинг ҳужуми тўсатган. Марв лашкари тўлиб ётибди. Ичимизда хиёнаткорлар борлиги менга аниқ. Иншоолло, жангда галаба қиламиз, хоинлар башараси аниқ кўринади. Шунча тайёргарлик кетармишу Пойкандда, биз билмасак! Султон Санжар жуда усталик билан бу тажовузни бошламоқда. Барча гапларни кейин гаплашамиз. Подшоҳни Гурланга шитоб билан олиб кетишдан ўзга чора йўқ. Бу, қўрқоқликка кирмайди, мен кафил. Бу иш вақтинчалик чекинишдир. Ҳеч кимга қулоқ солманг, гап подшоҳни ҳам, валиаҳдни ҳам сақлаш ўстида кетяпти. Бола-чақаларимизни, хотин-халажни сақлаш ўстида кетяпти.

Шаҳзода отличларга сездирмай, қалъа марказидаги Доруссалтана томон йўл олди. Барча саросимада. Қамал ваҳшати... Кечки оқшом подшоҳ, шаҳзода, маликалар ва бошқа хотинлар от-араваларга тушиб, қалъанинг Гурлан дарвозасидан чиқиб кетишди. Аммо Шоҳсанам бека йўқ эди. Шаҳзода отдан тушиб, тезда ичкарига кирди, ҳовлию хоналарга кириб чиқди, бир неча бор: "Бекам! Қаёқдасиз?", деб чақирди, аммо садо чиқмади. Шу лаҳза сарой хизмат-

корларидан бири чиқиб, бекани яқингинада "онам ҳолидан хабар оламен" деб, нариги ҳовлига кетганлигини маълум қилди. Кейин зинапоялардан пастга тушиб, шаҳзоданинг қулогига шивирлади:

— Ҳазрат, маликам "бундай мусибатли кунда мен аёл эмасмен, шаҳзода ҳазратлари Ҳазорасп дарбозасида жанг қилаётган бўлсалар, мен ҳам у зот ёнларида бўламан", деб бошга совут, қўлига қилич олиб, отда сизни излаб кетдилар. "Пойканд қароқчилари қўлига тушгандан кўра жанг қилиб, ҳалок бўлганим афзал", дедилар. Мен йўллари тўсдим, бўлмади.

— Ҳей, нодон!— деди шаҳзода тажанг,— қачон кетди?

— Яқинда.

— Нодон!— деди шаҳзода отига қамчи босиб, аравада ўтирган онаси Буюк Малика ёнига бориб, бу гапни айтди. Ранги ўчиб ўтирган Маликанинг энсаси қотиб, араваларни қўзғалишга буюрди. Икки арава отличлар ихотасида шитоб билан қалъанинг шимол томонига юрди. Бир муддатдан кейин Гурлан дарвозасига етгач, шаҳзода дарвозани очишни буюрди. Бу ердаги сарбозларга бош бўлиб турган вазири аъзам шаҳзоданинг қочаётганини кўриб, мийиғида кулди.

— Ҳазрат, тўғри ўйлабсиз, вақтинчалик ўзингизни четга олиб турганингиз маъқул.

Шаҳзода индамади.

— Қай томонга кетаётирсиз?

Амирнинг гапи ёдига тушиб, "Салтанат устуни"га тик ўқрайиб боқди.

— Бош оғган томонга!

— Гурланга боринг, унда амир қўшини бор...

Унинг ўша ёққа кетаётганини фаҳмлаган вазири аъзамга ҳайратланиб боқди. Бу гапни амир айтмаганмикан ёки ўз фаросати билан топдимикан, деб шаҳзода сўз демади.

— Хайр!

— Яхши боринг, шаҳзода! Аллоҳ сизга паноҳ берсин.

Икки арава, отличлар шаҳзода раҳнамолигида Гурлан томон шитоб билан чопиб кетди.

Дала бўйлаб тинимсиз югурган икки араваю, ўндан ортиқ суворилар кечга яқин Гурланга етиб келишди. "Қатл этилган" амирга қарашли қўшиннинг бир қисми шай турган экан, шаҳзоданинг сўзидан ўз амирларининг тириклигидан хурсанд бўлиб кетган отличлар унга ёрдам бериш ниятида Гурганжга, қалъанинг жануб дарбозасини кўзлаб, сардорлари раҳнамолигида от чоптириб кетдилар.

Буюк маликани, шаҳзодани қалъа ичкарисига олиб кириб, амир ҳовлисига жойлаштирдилар. Амирнинг тирик-лигини эшитган гурланликлар ўзини сиполикка олиб турган шаҳзода Сулаймоншоҳга ҳам катта илтифот кўрсатдилар. Гурландаги Хоразм қўшинининг бир нечта сардорлари шаҳзода атрофида айланиб, руҳлари тетик, унга ҳурмат бажо келтирдилар. Бу оғир дамда олий ҳазрат ва шаҳзодага содиқликларини яна бир карра изҳор этиб, фармон берилса, ҳозироқ жанг сари югуришларини маълум қилдилар.

Шаҳзода Сулаймоншоҳ забардаст ва фидои навкару сардорлар орасида ўзини анча бақувват сезди. Лекин Шоҳсанамнинг "жанг қиламен", деб Гурганжда қолгани унга ёқмади. Сарой хизматкорига "эрим — шаҳзода ҳазратлари савашга кирган эканлар, мен ёнларида бўлурмен..." деган гапининг маъносига етди: бу киноя эмас, маликанинг хаёли амирда эканини фаҳмлади.

Шу аснода Гурганждан чопар келиб, Гурлан отлиқлари ўз жойида туриши, Подшоҳ ҳазратларини шу ерга келишлари маълум қилинди.

XXVII боб

ШОҲСАНАМ СИПОҲИЙ ЛИБОСДА

Икки йилдан бери Шоҳсанам фарзанд кўрмайди. У баъзан узоқ тунларни уйқусиз ўтказар, андуҳ тортар, наҳотки, валеаҳднинг эътиборини жалб этолмасам, қайнонам Буюк малика — Суюк хотуннинг орзу армонлари сароб бўлиб қолса, деб эзиларди. Подшоҳнинг ўғли — шаҳзода Сулаймоншоҳдан умиди катта эди. Ундан неvara кўришни истардилар. Аммо нимжон туғилган бу фарзанднинг ҳарбий машқларга тоқати йўқлиги, отаси ўтказадиган ҳарбий машваратларда иложи бўлса қатнашмасликка уриниши подшоҳни дам ўйлатар, дам ҳайратга соларди. Шаҳзоданинг бирон соҳибжамолга қайрилиб қараганини ҳеч кимса билмайди. Унинг бошида кўпроқ "давлат ишлари". Лекин гўзал келини сарой қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қилар, буюк маликага камоли эҳтиром сақлар, подшоҳ олий ҳазратларининг шаъну шавкати, буюк ва қадимий Туронзаминга садоқату фидойилик руҳи дилида доимо собит эди. Унинг отаси Маликшоҳ подшоҳ уруғидан бўлиб Хоразм қўшинида Мозандароннинг Рэй ва Казвин қалъалари учун бўлган жангда баҳодирлик кўрсатиб, подшоҳ

иқтўсига сазовор бўлган. Маликшоҳнинг ниҳоятда забардаст ва сергайрат кимса экани кўпларга маълум. Маликшоҳ бир қиз ва бир ўғил кўриб, қизи — Шоҳсанамнинг донғи пойтахтни тутди. Подшоҳ иродаси ила катта туй томоша билан шаҳзода Сулаймоншоҳга никоҳ этилди. Қиз юрагидаги сирру асрор, нияту муҳаббати инобатга олинмади... Бу қизнинг фироқида ёниб юрган амир Алп-Арслон хонадонидан бир неча бор совчилар келганлигига қарамай, подшоҳ амру хоҳиши вожиб, гўзал Шоҳсанам "саройга кўрк" бўлган эди. Амир фарзанди Алп-Арслон Шоҳсанам фироқда куйиб, изтироблар чекиб қолган эди. Шу-шу забардаст амир уйланмади. У, подшоҳ қўшинида сардорлик хизматида бўлди.

Пойкандликлар Гурганжга ногоҳоний ҳужум қилган шу қўрқувли тонгда Шоҳсанам сарой маликалари билан бирга Гурганжни ташлаб, Гурлан томон қочишни ўзига эп кўрмади. Абулрауф отага дарҳол от тайёрлашни, навкарлар либосию савту дубулға, ўткир қилич келтиришни буюрди. Лаҳза ўтгач, унинг айтганлари муҳайё этилиб, эгарланган отни айвон олдида жиловидан ушлаб турган кекса хизматкор Абдулрауф ота титраб, пешайвон ёқасида Шоҳсанамни отга миндириб, юзига фотиҳа тортди:

— Эй, Худо! Маликамни ўз паноҳингда асра, унинг жонини саломат сақла! Аллоҳу акбар!

Малика Шоҳсанам ҳам чап қўлида тизгин, ўнг қўли билан юзига фотиҳа тортди.

— Иложи бўлса Ҳазорасп дарвозаси томон борманг, юқорига, Гурлан томонга кетинг,— деди отбоқар Абулрауф ота такроран.— Тушундингизми? Шаҳардан тезда чиқиб кетинг, жон болам. Пойкандликлар шаҳарга бостириб кирса, кўп ёмонликлар бўлади. Амакингиз Йўсуфшоҳнинг ёвузликларини биламен. Эй, худо, фалокатдан ўзинг асра, ёлғиз ўзингга сиғинамен!

Пойкандликларнинг нияти бузуқлигини сезиб юрган отбоқар Абдулрауф ота шаҳзода Йўсуфшоҳнинг ғоятда қаҳри қаттиқ, фаҳш инсон эканлигини, ўз манфаати, манманлиги йўлида на отани, на оғани тан олмаслигини яхши биларди. У Шоҳсанамга бир нима демагани билан юраги така-пука бўлиб, малика бунда қолмай тезда Гурлан кетишини истарди.

Шоҳсанам ғайритабiiй ҳолатда кекса отбоқарга бир лаҳза хомуш қараб турди-да, бу киши айтиб берган — Гурлан йўлидаги бир воқеа хаёлидан ўтди:

Куз кунларининг бирида Абдулрауф ота вафодор тўриқ отини аравага қўшиб, бир қисм кўчи, бола-чақалари билан Гурландан ота шаҳри Кос (Ҳозирги Беруний шаҳри) томон йўлга тушган эди. Йўлда от жонивор бирдан таққа тўхтаб қолади. Чу-чу! деб, ниқтагани, қамчи босганига қарамай жойидан қўзғалмапти. Қашқирлар галаси кўриндимикан, деб юришга ундаб, отга яна қамчи босади. Аммо, от жойидан жилмай, оёқларини кериб, маҳкам туриб олипти. Ота от устидан сакраб туриб, уёқ-буёққа қараса гилдирак олдида йўрғакаланган чақалоғи ингиллаб ётган эмиш. Хотинини мудроқ босиб, қўлидаги чақалоғини қумга туририб юборган экан. Буни она ҳам, ота ҳам пайқамай қолибдилар... От жонвор баъзан инсондан ҳам зийрак ва меҳрибон. Икки қадам қўйса, гилдирак болани босарди. Худо асраган. Э, Аллоҳим ўзингга шукр, ўзингга шукр! Отнинг улғу жонвор эканини баъзилар пайқамайди!— деганди Абдулрауф ота ўшанда.

Буни хаёлидан ўтказган Шоҳсанам тагидаги қарчиғай отининг бароқ ёлларига тикилиб, "меҳрибон ва зийрак дўстим", деб кифтига уриб қўйди. От бу меҳрибонликни пайқади. Шу фурсат унга енгилгина қамчи теккизиб, Ҳазорасп дарвозаси томон чоптириб кетди. Майдонлардан ўтиб, тор кўчаларга кирди, ундан сўнг кенг йўлга чиқиб, дарвоза орқасида тўпланган отлиқлар ёнига келди. Унинг малика Шоҳсанам эканини — аёл кимса эканини ҳеч ким сезмади, кечикиб қолган навкарлардан бири бўлса керак, деб тушундилар. Шоҳсанам етиб келганда катта дарвоза орқасидан пайдар-пай урилаётган ходалар товуши, душман қўшинларининг қийқириқлари, отларининг кишнашию дукур-дукурлари шундоқ эшитилиб турарди. Кўп ўтмай дарвозанинг бир томони қулаб тушди. Бостириб кирган отлиқлар билан Гурганж отлиқлари ўртасида тўқнашув, қилич солиш, найза ўриш, қичқириқлар бошланиб кетди. Даҳшатли жанг бошланиб, шараққа-шуруқ шамширлар урилар, бақириқ, отларнинг кишнаши, ерга қулаган суворийларнинг оёқ остида жон талвасасида титраб ётиши, наъраю нидолар авжга минди. Жангнинг ола-тўпалон шовқини бутун шаҳарни тутди. Эгасиз қолган ярадор отлар ҳам у ёқдан бу ёққа кишнаб югурар, томларда пойлаб ўтирган камонандозлар душманни мўлжалга олиб, отиб қулатар. Кўчалардаги отлиқлар бир-бирларига қилич солишарди. Пешонасини боғлаб олган амир Алп-Арслон тинимсиз ҳамла қилиб, дам ўнгдан, дам чапдан келган отлиқни ерга қулатарди. У ногоҳоний қилич тегиб, елкасидан яра-

дор бўлгач, алам ичида рўбарў келган бир отлични зарб билан қилич солиб, бошини узиб ташлади. Томларда турган камонандозларга "ўқ ёғдирингар! Камон, камон..." деб ишора қиларди.

Катта дарвозадан қуюндек кириб, қалъа ичига ёпирилаётган душман отличларининг олдиндаги бир сардори амир Алп-Арслонни таниб қолиб, орқадаги отличларга хитоб қилди:

— Амир Алп-Арслон тирик экан, ана у! Мен уни танийман! Соқол кўйибди! Подшоҳ уни қатл этган деб эшитган эдик. Ёлгон экан! Ана у! Амирни тутинглар! Чопиб ташланглар!

Амир Алп-Арслонни олти-етти отлич сарбозлар ўраб олиб, тинимсиз қилич ура бошладилар. Орқадан келган Гурганж либосидаги бир навкар ёв отличларини ёриб кириб, икки навкарни отдан қулатиб, амирни сақлаб қолди. Амир отнинг зўрлиги, пайдар-пай қилич солиши натижасида қуршовдан чиқиб, сарой ёнидаги катта майдонга ўтди. Унинг орқасидан ўша ёш навкар ҳам югуриб келди. Майдонда андак нафасини ростлаётган эди, гурганжлик ўнга яқин отличлар келиб қўшилди. Ён кўчада душман суворийлари қийқириб, хунрезлик қилаётганини эшитиб турдилар. Шу лаҳза бирдан амир Алп-Арслоннинг нигоҳи бояги ёш суворийга тушди — унинг юзига тикилиб, донг қотиб қолди. Бу "йигит" қўлига димишқий ўткир қилич ушлаб олган Шоҳсанам эди. Қуршовда қолганида икки суворийни қулатиб, амирни қутқарган ҳам шу "ёш сарбоз" эканини эслади.

— Ий-я! Бу нима иш! Маликам!

— Жим!— деди "ёш сарбоз" от жilовини ушлаган чап қўлини лабига босиб.

— Нима қилиб юрибсиз? Яна ўша эски одатингизми?!

— Сиз ўзингиз нима қилиб юрибсиз? Тухмат тоши сизни маҳв этолмаганидан, Аллоҳим сизни омон-эсон сақлаганидан эртаю кеч унга сиғиниб, шукр қилиб юрибмен...

— Тезда орқага қайтинг! Юқори дарвозадан чиқиб, Гурлангга жўнанг! Дарвозани вазири аъзам ҳимоя қилаётирлар. Подшоҳни ҳам, шаҳзодани ҳам ёвдан омон сақламоқ лозим!

— Ўша вазири аъзам дарвозани ёвга очиб берди. У зот... хоин!

— Ундоқ деманг, тезда кетинг! Бу хотинлар иши эмас! Бу жанг! Бирон новбакор сизнинг малика эканингизни билмай қилич солса не ҳол бўлади?

— Менга қилич солиш осон эмас, амир! Менинг отам, шу тупроқни деб қурбон бўлганлар. Мен саройнинг мулки эмасмен! Туронзаминни ҳимоя қилишда хотину эркак баробар!

Шоҳсанам бекани орқага қайтариб юборишга кўзи етмаган ярадор амир беш-ўн отлиқ билан, улар орасида "ёш сарбоз" ҳам бирга Гурлан дарбозаси томон югурди. Унинг кифтидан қон оқиб, билакларига тушган эди. Малика Шоҳсанам амир орқасидан от чоптириб кетаберди. Амир қалъа кўчаларига сочилиб кетган душман отлиқларига рўбарў келиб, яна кучли зарб билан уларни қулатар, лекин унинг хаёли ёвдан кўра ҳам орқада қилич яланғочлаб келаётган "ёш сарбоз"да эди. "Э, Худойим, ишқилиб, маликамни душман отлиқларига йўлиқтирмагин", дерди ичида.

Гурлан дарбозасига яқинлашганда бирдан эллик чоғлик душман отлиқлари йўлни тўсиб чиқиб, амирни ўраб олди. Амир Алп-Арслон кескин ҳужумга ўтиб, душман халқасини ёриб кетди. У яна уч навқарга тиг уриб, отдан қулатди. Орқасида келаётган "ёш сарбоз" ола-тўполонда кўздан ғойиб бўлди...

— Эҳ!!!— деди у от чоптириб кетатуриб,— энди нима бўлди! Пойтахт қўлдан кетди! Шоҳсанам бека қўлга тушди. Э, Худо! Бу қандай кўргилик! Бу қандай мусибат! Қалъани олсалар оларлар, аммо малика қўлга тушганига қандай чидаймен!— деди бағрини чангаллаб. У яраланган елкасидан қон оқаётганини ҳам сезмасди, бутун вужуди, борлиги музлаган, от устида мурдадек жонсиз турарди. У яна Аллоҳга ёлборди:

—Эй, Раббим, жонимни ол, аммо маликамни омон қайтар! Бу кечирилмас номус бўлди! Тажрибасиз ёш маликамни қайтар! Ўзинга ёлборамен. Уни Гурлан йўлига равона этиб юбор, онасию оғалари ёнига омон етиб борсин! О-о-омин, Аллоҳу акбар!

Салжуқийлар ҳукмдори султон Санжар билан тил бириктириб, унинг ҳомийлигига ўтиб олган Пойканд хокими Йўсуфшоҳ 532 йил, хижрий, савр ойида /мелодий 1154 йил, апрель/ ўз оғаси Хоразмшоҳ Аълоиддин Муҳаммад — Отсизга қарши, кутилмаганда пойтахтга ҳужум бошлаб, Гурганжни эгаллади. Подшоҳга садоқатли кишиларни қатл этди, кўпларни зиндонга ташлади. Ватан туйғуси

юрагида доимо ёниб турган; ёшликдан ҳарбу зарбни ёқти-
радиган, ҳар бир жасорату қаҳрамонликни чин дилдан
эъозлайдиган Шоҳсанам қуршовда қолиб, душман қўлига
тушди...

XXVIII боб

ШОҲСАНАМ ЗАҲАР ИЧМОҚЧИ БЎЛДИ...

Эрта тонгдан бошланган қуршов қош қорайганга бориб
тугади. Оғир жанг, кўп қон тўкилиши натижасида пойкан-
дликлар Гурганж қалъасини қўлга киритдилар. Йўсуфшоҳ
фармони билан пойтахт икки кечаю икки кундуз таланди.
Қаршилиқ кўрсатган ҳар бир кимса -- мансабдорми,
фуқароми, сипоҳийми, аёвсиз қиличдан ўтказилиб,
ўйларига ўт қўйилди. Жанг тўполони тугагач оқ отда
қўрғонга кириб, тахтиравонга ўтиришга қарор қилган
Йўсуфшоҳ, агар яна қаршилиқ кўрсатилса, бутун пойтах-
тни остин-устун қилмоққа тайёр эди. У босқинчилик иш-
ларини қилишга атайин рухсат этиб, бу билан ўз сардор-
ларини мамнун этмоқчи бўлди. Ўз оға-инисига тажовуз
қилган кимса кофирдир, у охиратда жавоб беради, деган
Жома масжиди хатиб имомининг бошини олдирди...

Шаҳарда қиёмат-қойим, Доруссалтана атрофидаги баъ-
зи ўйлар ёнар, баъзи одамларнинг қўлини орқасига боғлаб,
тўда-тўда этиб, қўйдек ҳайдаб, қаёққадир олиб кетишарди.
Баъзи отлиқ суворилар қоп орқалаб, хонадонлардан
чиқишар, ўзини ғолибмен, деб атаган шоп мўйлабли совуқ
башаралар хонадонларга кириб, тилла тақинчоқлар, гавҳар
кўзлик узук-сирғалар, ипак матоларни дарҳол беришлиқ-
ларини талаб этардилар. Кимларнидир кўчага судраб олиб
чиқиб калтаклашар, "бекитган олтинларингни топиб бер-
масанг ўлдирамиз, қизингни шундоқ кўз олдингда боса-
миз," деб дағдаға қилишарди.

Қилич яланғочлаган эллик чоғли отлиқлар қуршовида
қолган "ёш навкар" Шоҳсанам қўлга тушди. Қуршовни
ёриб ўтган амир аллақачон Гурлан дарбозасидан чиқиб
кетган эди. Бошидан дубулғаси учиб кетган "ёш нав-
кар"нинг сирини очилиб, бу кимса аёл эканини пайқаган
душман отлиқлари уни дарҳол ўраб олиб, орқасига ёйилган
қора сочига, кўзларига тикилишарди. Шоҳсанамнинг
қўлида яланғоч қилич, яқин келган отлиқни бўйнига со-
лишга чоғланарди. Суворилар аёл қўлидаги олтин соп
қиличга кўзлари тушгач, бир суворий дарҳол орқага чопиб

кетди. У майдон четида, отлиқлар иҳотасида турган шаҳзода Йўсуфшоҳга бу хабарни етказгач, у от чоптириб, суворий йигит билан бирга бу жойга келди. Узоқдан қуршовдаги гўзал маликага кўз ташлаб, донг қотди: "қилични қинга тиқинглар, малика бекам билан ҳеч ким қиличбозлик қилмасун, рухсат этмаймен," деди. У тикилиб, отда турган гўзални таниди, биргина Гурганжни эмас, икки қалъани бирдан қўлга киритгандек хурсанд бўлиб кетди. Гўзал маликага гап отди:

— Олий ҳазрат шикордан келдиларми? Саркардалари тумтарақай қочди-ку. Мамлакат мудофааси сизга қолибдида, муҳтарама малика? Эрингиз шаҳзода Сулаймон Гурланга қочди... Ҳолингизга ачинамен... Амир Алп-Арслон яна пайдо бўлибди, уни албатта тутамиз!

Шоҳсанам индамади, қани, биронтанг яқинлашсанг, бўйнингни узиб ташлайман, дегандек қилич ушлаб, титраб, шай турарди. Кейин сўради:

— Сен кимсен?

— Мен, Йўсуфшоҳмен! Хоразм тахтининг чинакам во-риси! Мени эшитгансен! Биласен! Ота юртимни эгаллаб, мени қувғин қилган акам Аълоиддиншоҳ — Отсизни енгиб, галаба топдим. Ҳақ йўлига қарор топди!

Шоҳсанам тикилганча жим турди.

— Гапир! Бўлмаса чопиб, бурда-бурда қилиб ташлай-мен!

— ...

— Бу соқовми!

Атрофини ўраб тўрган отлиқлар Хо-хо-хо-хо-хо-о-о — деб кулишди.

— Абулжаъфар, Ҳумомиддин ҳазратларига ҳайронмен! Қани улар? Наҳотки маликани от минишга йўл қўйдилар!?

Шоҳсанам қилични ўнга томон тўғрилаб келаётган сарбозга қараб, ўзини маҳкам тутиб турарди.

— Қўлидаги қилич олтин сопли,— деди сарбозлардан бири,— отининг узангиси, эгар-жабдуқлар ҳам саройга таллуқли...

— Айтдим-ку сенларга, бу Сулаймоншоҳнинг хотини,— деди Йўсуфшоҳ,— тўйига келмаган бўлсам ҳам эшитганмен. Номард акам мени унинг тўйига чақирмаган... Аразлаб, Марвга кетганмен. Хоразмни гўзали манә шу! Унга тегманглар! Тириклайин қўлга тушириш керак! Ўлдирсангиз, бошингиз кетади! Унинг таърифи бутун Туронзаминга кетган. Жангари, улоққа ҳам қатнашган... Асли катта амаким Маликшоҳнинг қизи...

— Ҳой, малика, уйингга Доруссалтанага бор! Устингдаги эркаклар либосини еч, қилични қозиққа ил, улуғ малика ёнларига бориб, онанг ёнида ўтир! Қани, кетдик бу ердан! Хотинлар билан қиличбозлик қилмаймиз! Подшоҳу мансабдорларингга лаънат! Сенга тегмаймиз, аммо ҳаддидан ошиб кетган, ўз оғам — тахтни эгаллаб олган Аълоиддин Муҳаммад — Отсизнинг жазосини берамен!

Шоҳсанам бир лаҳза уларга жавдираб турди-да, кейин қиличини қинига тикмаган ҳолда қалъанинг шимолий, Гурлан дарбозаси томон кетабошлади. Лекин бу дарбозани ҳам эгаллаб олган душман отличлари шаҳардан чиқиб кетишига йўл қўймадилар. Унинг кўз олдида ярадор Алп-Арслон турарди, — амир ҳазратлари қалъадан чиқиб кетолдими ёки ғанимлар қўлига тушиб, ҳалок бўлдими, билмасди. Шаҳзода ва бошқаларнинг аллақачон қалъадан чиқиб кетиб, Гурланга кетганликларини тахминлади.

Қалъадан чиқиб кетишга йўл бермаётганликлари сабабли, дарҳол отдан тушиб, ҳарбий анжомларини ташлаб, ичкари кўча, қадимий маҳаллаларга ўзини уриб, бирон хонадонда яширинишни ўйлади. Аммо, Йўсуфшоҳ найранг қилган — орқасидан таъқиб этиб, одам қўйган эди. У, либосини ечиб, қиличини қинига тикқан замоно югуриб келиб, босиб олиб кетишлари аниқ эди. Белидаги ханжар билан ўзини ўзи ўлдириб қўймасин, деб Йўсуфшоҳ сарбозларга тайинлаган эди.

Шоҳсанам отда қалъа кўчаларида айланиб юриб, гурганжликларнинг ин-инларига кириб кетганини сезди. Баъзан одамларнинг оҳу ноласи, бақриқ ва йиғи овози эшитиларди, баъзи уйлардан аланга билан тутун кўтариларди, ўн-йигирма отлич дукур-дукур чопиб, кўчаларда чанг кўтарардилар, кимнидир қимчин билан савалардилар. Шаҳар нотинч, кўчалару майдонлар отличларга тўлиб кетган.

Бундан уч-тўрт ҳафта аввал сокин ва файзли бу кўчаларда одамлар подшоҳни шикорга йўллаган эди. Энди...Йигирма қадамча орқада, икки суворий таъқибида Шоҳсанам кўчаю майдонларни айланиб, ахири сарой дарбозасига яқинлашди. Кекса хизматкор — Абдулрауф ота яна уни отдан туширди. Лекин сарой атрафи, ичкари ҳовлилар ғанимлар билан тўлиб кетган, улар бугун кечга яқин Йўсуфшоҳни кутиб олиш учун тайёргарлик кўришарди. Абдулрауф ота Шоҳсанамга мунгли боқиб, "маликам, ўз уйингиз, ўз хонангизга кириб, жим ўтиришдан бошқа илож йўқ..." Босқинчи одамлари "бу

бизга керак, ҳозирча тегманглар" деб мени ўлдиришмади деди шивирлаб,— Ишқилиб, улар юрагига Аллоҳ шафқат солсин!— деди юзига фотиҳа тортиб кекса хизматкор.

— Йўлда вазири аъзамга кўзим тушди... Нима гап?

— Билмаймен...

— Абулжаъфар Ҳусайн ҳам отда юрибди... Нега уларни босқинчилар тутмади?

— Ҳеч нарса билмаймен, қизим, менга бошқа савол берманг. Анавилар қулоқ осиб туришмоқда.

— Амир ҳазратларини кўрмадингизми?

— Йўқ.

Шоҳсанам ичкарига кириб кетатуриб, отни, қиличию, дубулғани кекса хизматкорга берди. Шу лаҳзада қандайдир бир аёл Шоҳсанам орқасидан кириб, унга хизмат қилишини айтди. Шоҳсанам заҳар ичиб қўймасин, деб Йўсуфшоҳ одамлари аёлни орқадан киритган эди.

Ярадор амир Алп-Арслон отига ёпишганча шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Уни қувиб тутолмадилар. Ҳатто Абулжаъфар "Ноғорақорин" йўллаган ўн суворийга ҳам панд бериб, ўзини анча узоққа олди. "Тутиб олиб келинглари, амир эс-ҳушидан озган, унинг ҳар замонда қўзғайдиган ёмон бир дарди бор", деб сарбозларни лақиллатган эдилар. Орқадан чопиб келган отлиқлар уни эплаб қўлга олишолмади. Етиб борганлардан бири:

— Амир ҳазратлари, ўзингизникимиз, бизлар билан бирга юринг,— деди.

— Йўқ, сизлар хоинсизлар!— деди соқол-мўйлаби ўсган амир отини тўхтатмай, уларга тик қараб.

— Биз сипоҳсоълар амрини сизга маълум қилаётирмиз.

— У саркарда эмас, хоин!— деди кескин,— у малъун, жавоб беради! Сизлар ҳам!..— Ўн отлиққа бас келолмаслигини сезган амир Алп-Арслон устма-уст отга қамчи босиб, кенг дала томон югурди. У отини бир лаҳза ҳам тўхтатмай, янтоқзорлар, қумликлар ора чопиб кетаберди. Бир оздан сўнг, "Илонлар ғори" аталмиш чуқур жарлик ёнидан югурганча ўтиб кетди. От жониворнинг оғзидан оқ кўпик сачраб, чанқаб, мадори кетганига қарамай, устидаги хўжасини ёвдан эҳтиёт қилиб, тинимсиз чопарди. У, амининг ярадор бўлганини, ҳолдан тойганини, душманлар таъқиб этаётганини ҳам сезарди. Подшоҳнинг Гурланга қайтмаганини, мишмишлар ёлғон эканини сезди.

Амир Гурланга кирмай тўппа-тўғри Жайхун ёқасига жўнади. Отини балиқчиларга топшириб, боғлоқ турган қайиқларнинг бирида дарёнинг нариги томонига сузиб ўтиб, Қоратоғ этаклари томон йўл олди. Ўз отига яхши қараб туришни тайинлади. Балиқчилар подшоҳ Қоратоғ этакларидан аллақачон Гурганч томонга кетганини айтишди. У Салтанату тахту тоғга хиёнат қилганлар Гурланга одам юбориб, подшоҳни қўлга тушириб беришлари мумкинлигини ўйлади. Ҳа, Саройда, мансабдорлар ичида мамлакатни сотган хонлар борлиги унга аниқ кўринди. Улар кимлар? Подшоҳнинг шикорга кетгани Пойканд қўшинидаги деярлик барча сардорларга маълум экан. Қандай қилиб? Ким бу гапни етказди? Ким юқори дарвозаларни душманга очиб берди? Ким Хоразм қўшинини уч бўлакка бўлиб, подшоҳни айшу ишратга йўллади?..

Амир Алп-Арслон дарёдан ўтмай даштда подшоҳ чодирини топди. Очиқ дала кенлигида бир тўп отлиқлар билан учрашиб, ов либосида, асабий ва саросимада юрган подшоҳга рўбарў бўлди. У соқоллари ўсган, сарбоз либосидаги амир билан қамти келди. Уни давлат жиноятчиси, деб ҳукм чиқарган Подшоҳ хижолатда унинг юзига қаролмай, ҳайрон турарди.

— Ассалому алайкум, Олий ҳазрат! Пойтахтда аҳвол ниҳоятда танг... Мальюн Йўсуфшоҳ ногоҳон ҳужум қилиб, пойтахтни эгаллади. Вазири аъзам ад-Давла билан Абулжаъфар ва бошқалар хиёнат қилдилар. Олий ҳазрат, бу ҳужум тасодиф эмас, олдиндан пухта тайёрланган.

Подшоҳнинг боши қотди. Ярадор амирни авайлаб отдан туширдилар.

Подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад-Отсиз ўз атрофидаги юзга яқин суворийларга, интизомни бузмай, шай туришни буюрди. "Шитоб билан юриб, Гурланга дохил бўлмоқ зарур", деди. Отлиқлар ичида турган бир сарбоз дарҳол амир тепасига келиб, ҳол-аҳвол сўради. Шоҳ табиби сувга бўктирилган латта билан амир манглайидаги қонни артди, қиздирилган ёғ суртиб, жароҳатни боғлади. Шоп мўйловли йигит оғаси амир атрофидан кетмади, у ўлдирилган катта, баҳайбат йўлбарснинг терисини кўтариб келиб, амир остига солди. Бу шоҳга мўлжалланган эди, лекин йигитоғаси амирга илтифот кўрсатди. Тахт қўлдан кетганига руҳи синган подшоҳ хомуш, тезлик билан амирга ёрдам кўрсатишни ўйлади. Чунки ҳозирги дақиқада "ўз қўли билан ўлимга ҳукм этган" амирдан бўлак унинг бирор яқин саркардаси қолмаган эди.

— Амир ҳазратлари, вазири аъзам хусусида бир сўз айтолмайсизми? Ахир мен салтанатни унга ишониб, топшириб келган эдим.

— Бизни сотди!

— Абулжаъфар-чи?

— У ҳам!

— Ё алҳазар! Наҳотки мен уларга шунчалик ишонган-мен? Наҳотки зимдан одам қўймадим? Ё алҳазар!

— Шаҳзода ҳазратлари қаёқдалар?— бир неча дақиқалик сукутдан сўнг амир шу савол билан подшоҳга мурожаат этди.

— Гурланда... Улуғ малика билан шаҳзодани араваларда у ёққа йўллабдилар.

— Амир Музаффар-Тамғоч ҳазратлари-чи?

— Мутлақо хабарим йўқ. У Гурганжда қолган эди...

— Биз ҳаммага ишониб юрган эканмиз... Марв айғоқчилари Пойкандни босиб кетганини билардим, аммо Гурганжга таҳдид солишини...— деди шоҳ.

— Инингиз Йўсуфшоҳнинг ўз элига қарши ҳужум бошлашига мутлақо ақлим бовар қилмайди!— деди Алп-Арслон.— Улуғ ҳазрат, биз кўп ишлардан гофил қолганмиз. Ҳали айтдим-ку, бу таҳдид бугун бошланган эмас, анча аввал тайёргарлик кўрилган, бизлар гофил қолганмиз.

Ерда ётган ярадор амир тепасида турган подшоҳ аввал унинг пешонасига кафтини босиб, эъзозлади, ҳароратни кўргандек бўлди, кейин йигит оғасига ишора қилиб, тезда бу ердан қўзғалиш кераклигини буюрди. Подшоҳ отга миниб, йўлга тушгач, амирни аравага олдилар. Олий ҳазрат йўл-йўлакай бўлган воқеаларни эшитди. Амирнинг юрагини эзаётган нарса — қўлида ўткир қилич, навкар кийимида келиб, жангга кирган Шоҳсанам эди. Унинг қисмати нима бўлди, билмасди. Бу гапларни подшоҳ ҳазратларига айтмоғи мумкин эмас эди. Йўл-йўлакай унинг қонли либослари ўзгартирилиб, тоза хилъат кийдиришди. Вақтни ўтказмай от-араваларни жадаллаштириб тонготарга Гурланга кириб боришни мўлжалладилар.

Амирнинг топшириги билан олдинда қилич яланғочлаган сарбозлар кўзлари ёниб, дарғазаб борардилар. Улар подшоҳ ва амирни ҳимоя қилмоқ учун ўзларини ҳар қандай кескин тўқнашувга тайёр тутардилар.

Вазири аъзамни қилмишларидан ранжиган подшоҳ юз чоғлиқ сарбозлари билан тун бўйи юриб, тонготарда Гурланга кириб келди. Шаҳзода Сулаймоншоҳ қалъадан ўн чақиримча нарида, дала йўлида подшоҳни кутиб олди.

Амир ёнига келган шаҳзода Сулаймоншоҳга ярим овозда, бирон киши эшитиб қолишини истамаган ҳолда, малика Шоҳсанам қўлига қурол ушлаб, жангга кирганини, қонли жанг олатўполонида бир неча душман отличларини қулатганини аммо охирида элик чоғлик отличлар қуршовида қолганини, тақдири нима бўлганини билмай қолганини айтди.

— Нодон!— деди кескин бир тарзда шаҳзода.

— Билмадим, ҳазрат, бу нодонликми ёки...

— Ёки? Нега "ёки"?

— Сизга ёрдам бериш учун кетган бўлмоғи мумкин. Эркаклар либосини кийган, қиличингизни қўлга олган... Салтанатни мудофаа этамен деб, ўзини жангга урган...

— Бу, нотўғри! Мен хотун ёрдамига муҳтож эмасмен!

— Эҳтимол...— деди амир Алп-Арслон, гапни мухтасар этиб. Чунки ортиқча гапга ўрин йўқ эди. Сиртдан шаҳзодага ҳурмату тавозе кўрсатиб турган бўлсада, аслида бу қўрқоқ ва худбин кимсадан нафратланиб турарди. Гўзал ва доно Шоҳсанам шу номарднинг тўшагида ётишига чи-долмасди.

Йўсуфшоҳ Гурганжга оқ отда кириб келди. Унинг устида олачопон, бошида қаламча бўрк, шамолда учиб кетмаслиги учун четини қизил мато билан ўраб олган. Султон Санжар Мовароуннаҳр қалъалари Хўқанд, Шош, Бинокент, кейинчалик Ўтрор в Жандга ҳужум қилганида шундай либосда ва қора отда борган эди. Йўсуфшоҳ атрофида Марвнинг бир неча саркардалари. Пойканд қўшинининг таркибида ўнга яқин салжуқий мингбоши ва эликбошилар ҳам бор эди. Бу, султон билан келишилган ҳолда уюштирилган бўлиб, Гурганж қалъаси қўлга киритилгач, талон-тарож ишларини асосан хуросонликлар амалга оширди. Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазратларининг хазинасини Марвга элтмоқ уларга топширилганди.

Йўсуфшоҳ қалъага тантанавор равишда кираман деб ўйлаган эди, бирдан руҳи сўнди, шаҳар таланган, фуқаролар йўқ, ҳеч кимса уни кутиб олмади. Баъзи уйлар ёниб, тутуни кўкка ўрларди.

Гурганж унинг ота шаҳри. Мақсад уни вайрон этмоқ эмас, тахтни эгалламоқ, "Хоразмшоҳ" деган юксак ном олмоқ-ку! Мамлакатда адолат ўрнатиб, ота бир, она бошқа Аълоиддиндан ўч олмоқ-ку!

У сарой ҳовлисида отдан тушиб, отаси Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ қурган кенг ва нақшинкор, уч юз олий мансабдорларга мўлжалланган хона юқорисидаги тахтиравонга борди, атрофидаги сардорларининг лаганбардорлиги — илтимоси билан тахтга ўтирди. Кўркам хонадаги сардору мансабдорлар чувуллашиб муборакбод этишди. Тахтдан унча узоқ бўлмаган курсида Аълоиддин Хоразмшоҳ-Отсизнинг вазири аъзами — "супрақулоқ" Ҳумомиддин ад-Давла, унинг ёнида "ноғорақорин" — Абулжаъфар Ҳусайн ўтирардилар.

Пойканддан келган бир имом фотиҳа бериб, музаффар "янги Хоразмшоҳ"ни қутлади. Шундан сўнг тахтда гўдайиб ўтирган Йўсуфшоҳ Гурганж тахтини эгаллашда жонбозлик кўрсатган саркардаларга инъому иқтоълар улашди. Йигирма чоғлиқ "қаҳрамонлар"дан сўнг собиқ бош вазир ад-Давла билан "ноғорақорин" устига заррин чопон ёпилиб, навозиш этилди. Шу лаҳза Йўсуфшоҳ собиқ бош вазирни ёнига чорлаб, қулоғига нималардир пичирлади: "Хизматларингиз наинки бунда, Марвда ҳам муносиб тақдирланади Хоҳлаган вақтингизда улуғ султон ҳузурида сиз жанобга мансаб тайёр!" Ад-Давла бош эгиб, ташаккур айтди. Тахт ёнидан узоқлашиб, ўз жойига келиб турди.

— Янги шоҳимиз нима дедилар?— Абулжаъфар сўради.

— Ҳамма ишлар яхши бўлади, дедилар.

— Мени ҳам тилга олдиларми?

— Йўқ.

— Ий-я, сиз билан биз бўлмаганимизда Гурганжни қандай қилиб олардилар?— ингичка, хотинчалиш овоз чиқди.

— Ўз кучлари билан.

— Қандай қилиб?

— Шундай қилиб!

— Хоразм қўшинини уч-тўрт ерга бўлиб қўйдик-ку?! Бу ишни қилмаганимизда, қалъага киролмасдилар... Наҳотки, шуни билмасалар? Сизнинг яширин номаларингизда булар айтилган-ку?

— Камроқ гапиринг, овозингизни баланд чиқарманг! Ҳаммаси кейин маълум бўлади. Йўсуфшоҳнинг ҳозир бундай хуфия гапларни ўйлашга имконияти йўқ. Ҳар қалай, ё Ҳазорасп, ё Пойканд сизга берилади... Менинг тилагим — Самарқанд!

Йўсуфшоҳнинг кўзи бир-бирлари билан шивирлашаётган икки собиқ мансабдорга тушгач, ад-Давла билан Абулжаъфар жим бўлиб қолишди.

Эртасига эрта билан уч-тўрт катта мансабдорлар янги Хоразмшоҳга саломга киришди. Йўсуфшоҳ Шоҳсанамни яхши кийинтириб, саломга олиб киришди, деб буюрди. Лекин у саломга киришдан бош торганини маълум қилди.

— Кирмаса, судраб олиб келишди!— деди Йўсуфшоҳ даргазаб бўлиб.

Юқори мансабли кишилар шинам ва гўзал гиламларни этик билан босиб, хонада ўтирган Шоҳсанамга ёпишишаётган эди, у босқинчилар важоҳатини сезиб, деди:

— Хўп, борамен! Саломга эмас, у босқинчи амакига сўроқ бериш учун борамен!— деди ўрнидан туриб, сўнг тоқчадаги ўткир ханжарини энги ичига яширди. Аммо бу ҳолни кузатиб турган мансабдор Шоҳсанам энгидаги ханжарни зарда билан тортиб олиб, этиги қўнжигга тикди.

— Хотин кишига бу на қилиқ?!

— Уни эркак либосида қўлга туширганмиз, жаноб! Бир неча навкарни шаҳодат топтирди бў жангари макиён!— деди бошқаси.

— Бас!— деди шеригига қайрилиб боқиб, кейин Шоҳсанамга мурожаат этди:— Қани, юринг, малика, Сиз Шаҳзода Сулаймоншоҳнинг хотинисиз. /У Шоҳсанам юзига тикилиб қаради. Кейин қадду қоматига, ингичка белига, "эгарига".../ Гурганждаги хотунлар ичида энг кўркемисен. Жонини қаерга қўярини билмайдиган жангари хотунга жангари эр керак. Хезалак Сулаймоншоҳдан сенга фойда йўқ!— У мўйлабини бураб, томоқ қирди.

Шоҳсанам рўмолини ўраб, юзини ярим бекитиб тахтиравонда ўтирган янги ҳоким ёнига борди. Тахтга яқин ерда тўхтади, "шоҳ"га ўқрайиб, кейин ерга қараб тураберди. Катта хонада икки маҳрам хизматкордан мустасно ҳеч кимса йўқ эди. Ҳар жума кун сарой аёллари малика бошчилигида бу хонага — подшоҳга саломга киришарди. Салом бир тўйга айланиб кетарди. Туҳфалар бериларди...

— Салом қани?

Шоҳсанам миқ этмади.

— Сенга тушунтириб ўтиришнинг ҳожаги йўқ, барини биласен! Мен қайнотанг билан азалий душманмен! У тахтни қонунсиз эгаллаган! Мен ҳам Қутбиддин Хоразмшоҳ ўғлимен! Адолат бор, Аллоҳ бор, мана, куч билан отам тожу тахтини эгалладим. Шариат йўли билан никоҳ ўқитиб, сени ўз никоҳимга оламен! Эринг жангдан қочди, сен уни хуш кўрмаслигини биламен... Пойкандда туриб ҳамма гапни эшитганмен... Қайнотанг шикорда ўлди, уни мен эмас, тўқайдан чиққан йўлбарс ўлдирди... Эски сал-

танат тугади! Энди янги салтанат бошланади. Хоразм мустақил бўлади, султон уни менга инъом этди. Хоразм гуллайди, инсонлар бахту омад топади. Тақдирга тан бермоқ лозим!

Шоҳсанам миқ этмади.

— Ҳйлаб кўр, йўқса жувонмарг бўлиб кетасен!

Шоҳсанам қотиб турганча тураберди.

— Сенга жавоб. Хонага кириб, бу гапимни танангга чуқур ўйла. Эрта менга жавоб қиласен. Ер билан яксон бўлган Аълоиддин салтанати қайта тикланмайди. Сен яша-шинг керак... Ёшсен, гўзалсен... Эринг шаҳзоднинг кимлигини яхши биламен...

Шоҳсанам ташқарига чиқиб кетди. У ўз хонасига кириб, бор бўйи билан тўшакка ташланди. Эри — шаҳзоданинг қочгани рост, аммо қайнотаси подшоҳни "йўлбарс ғажиб ўлдиргани"га ишонмади. Нега у амир Алп-Арслон тақдири хусусида гапирмади? Бу қисмат уни гоятда қизиқтирарди. Амир ҳибсдамикин? Жангда ярадор бўлган эдилар?

Шоҳсанамнинг атрофида Мисқол бека деган хизматкор аёл пайдо бўлиб қолди. У ўз номини айтиб таништириб, Абулжаъфар ҳазратларининг уруғларидан экани, бундан буён янги ҳоким даргоҳида хизмат қилишини маълум қилди. Шоҳсанам ўзига нонушта олиб киришни, эрта билан нонушта қилмаганини айтди. Хизматкор аёл чиқиб кетаётганида "Эшик оғоси" — Абдулрауф отани чақиришни илтимос қилди. Чол киргач, Шоҳсанам гўдаиб турган Мисқол бекага чиқиб кетишини айтди. Хизматкор хотин бурнини қийшайтириб, норози ҳолда ташқарига чиқиб кетди. Шоҳсанам чолни ўзига яқинроқ чақириб, ярим овозда сўради.

— Ҳша кунни жангга чиқиб кетаётганимда: "амир ҳазратлари ёнига борган эдим", дедингиз. Ҳазратнинг қисмати хусусида бир нима деёлмайсизми?

— Амир ҳазратлари саломатлар. Бошқалар ҳам... /Шаҳзода ва подшоҳни кўзда тутаётганини Шоҳсанам дарҳол сезди./ Чол кўзини юмди. Кейин баландроқ овозда жавоб қилди. Эшик орқасида турган, жосуслик қилаётган хизматкор аёл қулоқ осиб турарди. — Маликам, хаста бўлсангиз мен табибни чақириб келамен, — бу гапни айтган чол тезда орқасига қайтиб чиқаётган эди, дарҳақиқат эшик орқасида турган Мисқолга кўзи тушди. У Абдулрауф отага дўқ урди:

— Табибни ўзим чақириб келамен!

— Майли,— деди чол.

— Сен ҳужрангга кириб ётабер, иккинчи бу ерга келма!

— Мен Шоҳсанамнинг тоғаваччаси бўламен... Шуни биласенми?

— Тоғаси? Қандай қилиб? У малика-ку?

— Мен ҳам гурланликмен, нодон. У Маликшоҳнинг қизи. Она томондан қариндошмен. Бўлмаса, саройда боғбон бўлармидим. Ҳозир отбоқармен. Мен -- Абдулрауф отамен... Эшитгандурсен?

— Бирибир бу хонага яқин келма! Бу иш менга топширилган!

— Сўзингга қулоқ осамен. Нега қулоқ осмас эканмен, сенлар ҳоким. Мен анча йилдан буён сарой хизматкоримен. Сен нима десанг шуни адо этамен... Майли, тақдирга тан берамен! Тушундим...— деди ота маккор аёлга.

— Табибни чақириб кел, ўзим олиб кирамен!

Чол ҳаллослаганча табибникига кетди. Тахтнинг қўлдан кетуви, пойтахт алғов-далғов бўлаётгани, баъзи уйлар ёнаётгани, баъзи одамларнинг қўли боғланиб, ҳибс этилаётгани, зиндон одамга тўлиб кетганидан қўрққан Абдулрауф ота атайин паст келиб, Мисқолга ёлборди.

Абдулрауф ота сарой дарвозасидан чиқиб, тор кўчалар бўйлаб табиб ҳовлисига келди. Эшик қоқиб, табибни сўради. Ҳовлисида беркиниб ўтирган табиб Шаҳобиддин Масъуд эшикни қия очди:

— Келинг, боғбон?

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом... Нега келдингиз?

— Маликамиз хаста. Сизни чақирадурлар.

— Бир кори ҳол бўлмайдурми? Саройда пойкандликлар ҳукмрон. Қўрқамен...

— Ёмонлиқ бўлмайди, жаноб, мен бормен...

— Сиз ҳам пойкандликлар томонига ўтиб кетдингизми?

— Бир сўз деёлмайман, жаноб. Илгари қандай бўлсам, ҳозир ҳам шундаймен. Мен қари одаммен, қилич ушлолмаймен. Ҳар қалай наслу насабим беклардан... Мен ҳозир ҳеч кимга керак эмасмен. Юринг, жаноб, маликам хаста.

— Ҳўп, азизим. Сиз келибсиз, борамен. Оёғимни ерга теккизмай олиб кетишлари ҳам мумкин.

Табиб Шаҳобиддин Масъуд жаноблари эшакда, Абдулрауф ота пиёда юриб, сарой томон жадал кетишди. Дарвозага етмасданоқ бир неча навкарлар қаёққа ва нима иш билан кетаётганликларини суриштирдилар.

Кекса табиб етиб келгач, Мисқол бека уни Шоҳсанам хонасига олиб кирди. Лекин шу лаҳза Шоҳсанам хизматкор аёлга чиқиб кетишини буюрди. У чиқиб кетмай, сурбет бўлиб турган эди, Шоҳсанам ўрнидан туриб бориб, пешмати ёнидан киличу, ярқираган яна бир ханжарни суғуриб олиб, аёл томон юрди. У эсанкираб, нима қиларини билмай эшик томон қочди.

— Сен жосусни шу ерда ўлдирамен! Қўрқадиган жойим йўқ! Сенинг янги ҳокимингга!— У жосусга орқасини кўрсатди. Эшик орқасида туриб, гапимни эшитар экансен, югуриб чиқиб, биқинингга ханжар урамен! Жосусни дўст ҳам, душман ҳам ёмон кўради! Савоб иш қиламен! Мен табиб ҳазратлари билан иссигим чиқиб, қайт қилаётганимни гаплашамен! Эшит, мен бу зот билан тахтни қайтариб олиш хусусида гаплашаётганим йўқ-ку, ярамас хотун!

Мисқол бека бу гапларни эшитиб, қўрққанидан ҳовлига чиқиб кетди. Бунда ўтирган хизматкор чолга титраб гап қотди. Шоҳсанам жосуснинг таъзирини берганини пайқаган табиб илтифот кўрсатди.

— Табиб ҳазратлари, мен хаста эмасмен.

— Лаббай, малика?

— Менга ўткир заҳар беринг,— Шоҳсанам табиб олдига қўлидаги ғоятда қимматбаҳо гавҳар нигинини қўйди.

— Бу нима деганингиз? Ё, алҳазар!

— Сизни қайнотам, буюк Хоразмшоҳ кўп ҳурмат қилганлар. Подшоҳ ҳазратлари, улуг малика ҳам сиз ҳақингизда яхши гаплар айтганликларини тинглаганмен. Агар сиз чинакам тахт эгасига, илгариги салтанатга садоқатли бўлсангиз, менга қоғозга ўраб, бир лаҳзада ўлдирадиган кучли заҳар олиб келиб беринг! Иложи бўлса шу бугун! Мабодо янги ҳоким,— қони бузуқ амаким, бир ёмон ният билан иш тутмоқчи бўлса заҳарни ичамен... Сиз менга заҳар келтириб берганингизни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Саройда бундай нарса борлигини фақат подшоҳ ҳазратлари билардилар. Мен тополмадим. Сиз менинг сотқин бўлишимни, Турон қизининг беномус бўлишини истайсизми?! Заҳар баъзан даво бўлади.

— Ё, алҳазар! Узукни олмаймен, лекин заҳарни олиб келиб берамен... Бу ишим учун Аллоҳ олдида гуноҳкор бўламен...

— Аллоҳ ўзи кечирсин! Начора! Бошқа илож йўқ! Бу ҳам беномус, жаллод кимсага қарши кураш демак!

— Отангиз буюк шоҳ Ануштекин Гарчоий ҳазрати олийлари авлодидан, наслу насабингиз юксак, баҳодир

Маликшоҳ қизисиз. Нечун ўз жонингизга қасд қиладурсиз?

— Эҳтимол заҳар даркор бўлмас, подшоҳим амири стиб келиб, гурганжни озод этарлар. Аллоҳга ёлборамен... Эй, муҳтарам табиб, эҳтимол, яна илгариги шаън-шавкатимиз қайтар, Аллоҳдан умидим катта — Турон тупроғи нопоклар оёғи остида қолмас! Тонг отгунча бир минг бир маротаба Қуроъни каримдан "Ёсун" сурасини ўқидим, яна ўқиймен...

— Иншоолло! — табиб Шоҳсанам билагини олиб, томир ушлади, тилини кўрсатишини сўради. Шоҳсанам атайин ташқарига эшиттириб, бир-икки ўхчиди.

Дарҳақиқат, жосус аёл секин оёқ учуда юриб, эшик орқасига келиб турган эди.

— Малика, мен эртага яна келиб кўрамен, — деди овозини баландроқ кўтариб табиб, — иссигингиз баланд, дардингиз оғир кўринади... Тезда бунинг олдини олмоқ даркор.

Табиб чиқиб кетди. Шоҳсанам гилам устидаги гавҳар узугини қайтадан бармоғига тақиб олди.

Эртасига кекса табиб келиб Шоҳсанамни томирини ушлади. Қоғозга ўроғлиқ ўткир заҳарни берди. У бармоғидаги гавҳар кўзлик узугини табибга узатди: "Олинг, йўқса, ризо бўлмаймен", деди Шоҳсанам. Табиб узукни олиб чўнтагига солди. У ниманидир ўйлади чоғи... Кейин хайр-хўшлашиб, ўрнидан турди-да, ташқарига чиқаётиб, Шоҳсанамни дуо қилди:

— Э, худо, меҳрибон маликам дардига шифо бер, э, худо! — кейин шивирлади, — Дорини ичманг! Ёлборамен!

Табиб Шамсиддин Масъуд хомуш бир кайфиятда саройдан чиқиб кетди. Эҳтимол, Ватани шаън-шавкати, ор-номусини сақлаб қолиш учун бу даводир, деди ўзига ўзи. Унинг билан кўришмаган, аммо саройда, маликалар ичида қўрқмас, жасоратли ва ор-номусни ўз ҳаётидан юқори кўядиган бир малика борлигини биларди.

XXIX боб

ҚАҲАТЧИЛИКДАГИ БАЗМ

... Қаврилиб ўз ёғига бошдин оёғи ёнадур...

Огаҳий.

Беш юз ўттиз олтинчи йил, ҳижрий, муҳаррам ойининг ўн тўққизинчи куни эди, оғир жанглардан сўнг пойтахт

Гурганж шаҳзода Йўсуфшоҳ қўлига ўтган. Эртасигаёқ у ўз галабасини нишонлаш мақсадида жума, шанбани тўй ва тантана кунлари, деб фармони "олий" берди, аммо фуқаро тўй ҳам қилмади, кўчага ҳам чиқмади. Аксинча фарзандлари ҳалок бўлган хонадонлар аза очиб, қий-чув бошланиб, қотил подшоҳни дуоибад этдилар.

Ўжар, жоҳил ҳукмдор Йўсуфшоҳ ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, Доруссалтанада катта зиёфату базм ўтказишга қарор қилди.

Гурганжнинг баъзи номдор кишилари, айрим арбоблар каллакасар шоҳдан қўрққанларидан секин писиб саройга кириб келдилар. Қўчқорлар сўйилиб, ош дамланди, нонлар ёпилди, кабоби мурғу ангури чаросгача, пистаю бодом, маю гулобгача топилиб, дастурхонга қўйилди. Зиёфатга гердаиёб кириб келган собиқ вазири аъзам Ҳумомиддин ад-Давла яна илгаригидай ҳаммадан аввал зиёфат бошида бўлди, кимларнингдир гапига қараганда зиёфатни ҳам голиб Йўсуфшоҳ шарафига ўзи тайёрлаган экан. Уч юз кишига тайёрланган жойга эски ҳукуматдан уч-тўрт киши келди, қолганлари пойкандлик жангари сардору соҳибу сипоҳийлар эди.

Мўйлавининг учи буралабериб сичқон думидек узунчоқ бўлиб, тепага ўсган, соқоли чўққи оқ-сарикдан келган Йўсуфшоҳ бошига тож, устига заррин тўн кийиб, виқор билан ўтириб, гурганжлик аъёнларнинг бу базмга келмагани, уни ҳурмат қилмаганларидан ранжиб, алаmidан кўпроқ май ичди. Узундан узоқ, чўзилиб ашула айтадиган хонандаларга жавоб бериб юборишиб, созандаларнинг шўх мақомига раққосаларни ўртага тушириб, ўйнатишди. Атайин танини ярим кўрсатиб ўйнайдиган канизак раққосаларни ўртага солиб, хирсини қўзгатди. Базмнинг ярмисида ўрнидан туриб кетди. Ўз одамлари уни Шоҳсанам ёнидаги бир чиройли хонага қўлтиқлаб бошлаб келди. Бу ерга дастурхон ёздириб, масжид имомини ҳам келтириб қўйилган эди. Қалин кўрпачалар устига чиқиб ўтирди. Бошда тож, устда заррин тўн. Янги ҳокимнинг кириб келганини кўрган жиккакдан келган имом ўрнидан туриб, қалтираб, унга таъзим қилди.

У эшикда турган кимсага ишора қилди:

— Маликани бу хонага чақиринг!

Бир лаҳзадан сўнг у одам қайтиб кириб деди:

— Малика ўз хонасидан чиқмаслигини маълум қилдилар.

— Чақир!— Йўсуфшоҳ заҳарханда қилди,— имом ҳазратлари кутиб ўтирибдилар!

У чиқиб кетиб, кейин хизматкор Мисқол бека билан бирга кирди.

— У чиқмаймен, дейди!

— Чиқмаса, тортиб, судраб олиб кел!

Бир муддатдан кейин Шоҳсанам бошида қора рўмол, устида пешмат Мисқол бека олдинда, бошини баланд кўтарган ҳолда хонага кириб келди. Имомнинг ишораси билан тик турмай, чўққайиб ўтирди. "Оллоҳнинг хоҳиши, подшоҳ иродаси фуқаролар учун вожиб..." деб ғингиллаб, юқорида, қалин кўрпачалар устида маст, қип-қизариб, чордона қуриб ўтирган Йўсуфшоҳга қайрилиб боқди.

— Никоҳимга ўтасен!— деди у.

Шоҳсанам индамади.

— Ўқинг, имом ҳазратлари!— унинг ғоятда даргазаблиги мўйлабининг учини титраб туришидан сезиларди. "Турон гўзали"ни босиб, фаҳш ишлари билан ҳирсини қондириб, базмга келмаган пойтахт аъёнлари, қочган шаҳзодадан ўч олмоқчи эди. Нияти шундай эди. Амир Алп-Арслон ҳам унга ошиқ бўлиб юрганини эшитган... Баъзи подшоҳлар жангда бирон қалъани қўлга киритганларидан сўнг сурункасига бир ой базми жамшид қилардилар. Шу муддат ичида мағлуб ҳукмдорнинг хотини, саркардаларнинг ёш ва гўзал рафиқалари ва умуман қалъадаги кўзга яқин қизлар голиб ҳукмдорнинг қурбони бўларди. Шу нуқтайи назардан ўзини "Хоразмшоҳ..." деб атаган Йўсуфшоҳ ишни донолигию гўзаллиги билан машҳур ва бунинг устига ҳарбу зарбда ном чиқарган гўзал Шоҳсанамдан бошламоқчи эди.

Имом никоҳ ўқиб, аввал Йўсуфшоҳга мурожаат этди:

— Шоҳсанам Маликшоҳ қизини ўз хасмингизга олурга розимисиз?

— Ҳа!— деди катта қора рўмолни юзига тутиб, тик турган Шоҳсанамга тикилиб.

Имом Шоҳсанамга боқиб, мурожаат этди:

— Йўсуфшоҳ бинни Қутбиддин Хоразмшоҳ ҳазрати олийларига хотин бўлишга розимисен?

— Йўқ!— деди Шоҳсанам шу лаҳза,— шариатда бундай зўравонлик йўқ! Бундай никоҳ ўқитилиши шариатга зид!

— Эринг ташлаб қочиб кетди,— деди Йўсуфшоҳ ўшқириб,— хотинини ташлаб қочган эр эр бўладими?

—

— Бу шармандалик! Номардлик!!

—

— Қочиш, Хоразмшоҳлар номига иснод! У — ҳезалак! Қўрқоқ! Сен, амир алп-Арслонни севасен, биламен! Эшитганмен... У жангда ўлдирилди! Имом жаноблари, никоҳни ўқилди деб, ҳисоблаймиз. Марҳамат қилиб, чиқиб кетинглар! /У қўлидаги тилло тангалар тўла чарм халтачғичи имомга узатди/ Бўлди, ҳаммаларинг чиқиб кетинглар, биз малика билан ёлғиз гаплашамиз. Малика Шоҳсанам менинг айтадиган гапларимга қулоқ осиб, рози бўладилар. Бўлди, бу ёғи ўз ихтиёримда. Малика ақиллик аёл, тушинади... Ҳовлига, базмга чиқинглар! Совутманглар! Мен малика билан гаплашиб олиб, кейин чиқамен. Гулоб ичамиз, май сипқорамиз, мург еймиз!— Шоҳсанамга ишора қилади.

Хонадан имом, Мисқолбека, қўриқчи маҳрам йигит чиқиб кетишгач, Йўсуфшоҳ Шоҳсанамга қаради.

— Гапимиз келишмаяпти. Лекин никоҳ ўқилди ҳисоб. Не дейсен? Агар иродамга қарши чиқсанг шу кечанинг ўзида ўлдиртириб юборамен! Тонгни кўрмайсен! Ўйлаб кўр! Агар бир лаҳза бағримда бўлиб, мени шод этсанг, бас, сени ўз ҳолингга қўяман. Агар менинг айтганимни қилсанг, Гурганж қалъасини ташлаб, Пойкандга қайтиб кетамен. Бирга кетсанг олиб кетамен, қоламан десанг, қоласен. Бошқа йўл йўқ! Ўзга йўл-ўлим! Мушук боладек бўғиб ўлдирадилар! Кел, ақиллик бўл, сен ҳам Хоразмшоҳлар уругидан сен! Сенинг ҳам катта бобонг Гарчойи, бир лаҳза ёнимда ёт, эркалаймен... Ҳеч нарса бўлмайди. Ҳаммаёқда яхшилик бўлади. Буни биров билиб ўтирмайди. Мен қалъани ташлаб кетсам яна эринг билан тураверасен. Ғолибни сийлаб, уни бир шод этсанг нима бўлибди. Инсон учун Аллоҳ берган неъматни тупроққа олиб кетасенми? Бу дунё айшу ишратини суриб қол, гўзал маликам! Сенга аталган беҳисоб гавҳартошу тилло буюмларим бор, бари сеники... Кел ёнимга!

Йўсуфшоҳ ўрнидан туриб, Шоҳсанамни қучиб, қалин кўрпачалар устига ётқизмоқчи бўлаётган эди, Шоҳсанам дарҳол нимчаси ёнига бекитиб, қўлтиғида ушлаб турган ўткир ханжарни қўлига олди. Йўсуфшоҳга ўқталди.

— Тегма! Ҳозир сени ҳам ўлдирамен, ўзимни ҳам!— Шоҳсанам нимчасини чўнтағида қоғозга ўроғлиқ заҳар борлигини ҳам ўйлади.— Агар ханжар иш бермаса заҳар тайёр.

Йўсуфшоҳ лол қотиб, Шоҳсанам биллагини қўйиб юборди.

— Нодон!— деди дарғазаб,— Бор! Анави курсида ўтир!— у хонанинг юқорисидаги чиройли курсини кўрсатди. Шу лаҳза Мисқолбека югуриб кириб, Шоҳсанамни итариб, курсига ўтқазди.

— Ханжарингни бекит!— деди Мисқолбека зарда билан,— ханжар нега керак, аҳмоқ! Сендан гўзалроғини олиб кириб, подшоҳим қўйнига соламен! Мана кўрасен! Раққосани олиб кирайми?

— Олиб кир,— деди кўрпачалар устида ўтирган Йўсуфшоҳ Шоҳсанамга илжайиб,— мана, кўрасен! Мендан жонини аямайдиган, мени сийлайдиганлар жуда кўп! Бир оғиз сўзимга зор, илтифотимга муҳтож, эркаклик қудратимга тасанно айтадиган гўзаллар қанча! Пойканд, Ҳазораспда, Марвда қанча гўзалларни кўрганмен...

Базмда рақсга тушган, дарҳақиқат келишган, чиройли бир қиз хонага кириб келди. У ярим қоронғу хона юқорисидаги курсида ўтирган Шоҳсанамни кўрмади, кўрса ҳам эътибор бермай Йўсуфшоҳ бағрига ўзини отди. Дарҳол лозиму либосларини ечиб, устига чиққан Йўсуфшоҳ билан ҳаллослана кетди, оҳ-воҳ, пишқириқлар бошланди... Эшик ёнида қилич яланғочлаб турган йигит Шоҳсанамдан кўз узмасди.

Шоҳсанам бу разил иш атайи уни ҳақоратлаш учун қилинаётганини сезиб, ханжарини қўлида маҳкам ушлаганча ташқарига чиқиб кетди.

— Ха-ха-ха-ха! Ҳали шошмай тур, сенга ҳам гал келади! Ха-ха-ха-ха!

— Нега кулаётирсиз, шоҳим?— ҳўкизнинг тагида ётган раққоса Йўсуфшоҳнинг юзларига юзини қўйиб, эркаланди.

— Ўзим. Шундай...— деди-да Йўсуфшоҳ ўрнидан туриб, иштонини кўтарди. Раққосага қараб деди:

— Сен бунда ётавер, мен базмга чиқиб, томоша қиламен. Май ичамен. Яна қайтиб кирамен. Керак бўласен!

— Тухфа қани?

— Мана,— у тилла тангалар солинган картмончани узатади,— кейингисига гавҳар кўзли узук берамен.

— Хўп, бунда ётамен...

Йўсуфшоҳ хонадан айвонга чиқди. Ундан ҳаммомга кириб ювинди. Кейин ўз кишиларига буйруқ берди:

— Маликани зиндонга олиб бориб қаманглар! У ярамас таъзирини есин! Бари бир мен уни!..

Йўсуфшоҳ базмга чиқиб юқоридаги ўз жойига ўтирди, май талаб қилди. Кетма-кет ичди.

Сарой ясовуллари Шоҳсанамнинг кийими ичидан хан-жарни топиб, тортиб олдилар-да, зиндонга олиб кетдилар. Унинг ёлғиз қуроли — липасидаги қоғозга ўлоглиқ заҳар қолди.

"Ғолиб" Йўсуфшоҳ базми жамшида бир муддат ўтиргач, орқада, доимо унинг имо-ишорасини ҳушёр кутиб турадиган маҳрамига қўл кўтариб, ишора қилганини сездими у дарҳол бош эгиб, "Фармонингизга мунтазирмен" дегандек унга қараб қўйди. Ҳовли четида қилич таққан, кўзи ўткир тийғи ғаррон ушлаган беш-олти йигитлар шай турарди. Лекин маҳрам Йўсуфшоҳнинг шахсий, пинҳоний ишларини бажарувчи ўлгудай пулга ўч, кўса одам. Кўплар зоҳиран у ҳақда уят сўзлар айтишарди. Бу гап унинг қулогига етсада сиртига юқтирмас, "ургани ун оши, сўкканинг сўк оши..." деб, ҳукмдор олдида кўзини лўқ қилиб, сурбетларча тураверарди. Ўлгудай айёр, ўзгалар олдида ўзини ҳеч нима билмагандек хоксор кўрсатар, "ноиложликдан хизмат қилурмен..." деган гапни кўп такрорларди. Баъзан у: "Бекники бежоғлик... Минг гапиринг, юз гапиринг барибир мансабдорларга ҳамма нарса муҳайё, уларнинг қўли узун! Ғариб овом ҳаммавақт ғариб... Нимасини айтасиз, иним, мана мен ғарибман, етказолмайман, қарздормен, шу сабабли хазмат қиламен. Овомнинг бақириқ-чақириғи фақат сомонхонагача! Подшоҳнинг "отини суғораман"— пулини оламен.... /У, "отини суғораман" сўзга урғу бериб, бошқа маъно англатиш учун кўзини ҳам қисиб қўярди/. Ем еб юрган айғир халтани тешади... Нима қилай, мен бу ишни қилиб, хизмат этмасам, бошқа бир киши келиб, тилла тангаларни олиб кетади. Бир нарсани чуқур англаб, тагига етмагунча сўкиш не лойиқ",— дерди у.

Мансабдорларни кўрса икки қўли кўксида, бир томонга сал қийшайган ҳолда таъвозе кўрсатар, илжайиб турарди. Киши бир қарашда уни хушфезъл, одамохун, дилбар инсон деб тушунар, аслида таъмагир, агар бирон нарса унмаса, ўша мансабдордан фойда тегмаса, ичидан куйиб, "хув-в, энагинангни!.." деб ҳақорат қилар, фойдаси тегадиган одамнинг оёғига бош уриб, орқасини ялашга тайёр. Каппон бозорида "Маҳрам" деса ҳамма танир. Тўй-маъракасида дастурхончи бўлар, баъзан боши қийшайган, қўли кўксида дарвозада меҳмон кутар, тавозени унчалик етказиб бажарадигон кимса бу музофотда тополмасди. Соқол-мўйлави йўқ, кўса. Даҳанидаги қорамайиздек бир ёқимсиз хол устидан уч-тўртта тук ўсиб чиққан эдиким, аёл аҳли

бундай кўсалардан жирканар, баъзан "маҳсимча" деб ҳам атардилар. У ниҳоятда совуққон, шаҳвоний ҳисси ўлик, бичилган қулдек ишқу муҳаббатдан маҳрум.

— Мен чарчадим... ке-та-мен...— деди маст бўлиб қолган Йўсуфшоҳ оғзига қулоғини олиб келиб турган Маҳрамчага ярим овозда,— зиёфат тарқашада бориб, Абулжаъфарга хуфя айт, эрта кечга Сарвинозни хонамга ташлаб кетсун! Хотинини ёш; чиройлик, деб эшитдим. Ростми?

— Ҳа, рост.

— Айтасанми?

— Айтамен.

— Оғамга хотинини қўшиб, мансаб олган... Биламен. Менга "Меҳтар-Бодиялдо" бу хабарни етказгон...

— Тўғри.

— Ўша хотинни биз ҳам бир кўрайлик... Бўлмаса... мансабини бекор қиламен! Айт! Қўрқмасдан айтабер!

— Айтамен.

— Бу сирни ҳеч ким билмасун!

— Ҳўб.

— Билса нима! Бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам қон. Подшоҳлар шунақа, мени кучлик подшоҳ дейдилар. Бунинг айби йўқ! Султон Санжар ҳазрати олийлари ҳам бу масалада кучликдурлар... Абулжаъфар хотинини эртага кечгача саройга етказиб келармикан?

— Албатта! Подшоҳ ҳукми вожиб! Ташламай кетсунчи! Бунинг оғина харажати бор, улуғ ҳазрат...

— Ҳеч оқчага тўймайсен, мана ол!— у ёнидан тилла тангачалар солинган халтачани олиб узатди,— бўладими?

— Бўлди.

Эртасига тунда сарой дарвозаси ёнига келган мўрдак арава ичкарига киритилди. Кенг гулзор ҳовлида юзини ҳарир оқ рўмол билан бекитган, обдон пардоз қилиб, белларини таранг сирган Сарвинозни икки аёл арава ёнига қўйилган курсига туширдилар—да, тезда ичкарига олиб кириб кетдилар. Айвону хоналардан ўтиб, Шоҳсанам истиқомат қиладиган хонага олиб кирдилар. Бир неча шамлар ёниб турибди. Сарвинозни олиб келган хотинлар уни ёлғиз қолдириб дарҳол хонадан чиқиб кетдилар. Бу хонада дастурхон ёзилиб, анвойи хил мевалар, нозу неъматлар тайёрланган, кичик сопол кўзачаларда май, олгину кумуш пиёлалар териб қўйилган. Кўп ўтмай, жизишлаб турган кабобу гулоб олиб кирилди. Шарбатлар косаларга

тўлдирилган. Хона четида қабат-қабат кўрпачаю қизил духоба болишлар...

Шу фурсат Йўсуфшоҳ хонага кириб, ўрнидан туриб, салом берган Сарвинозга боқди. Салом-аликдан сўнг уни қучоқлаб, дарҳол лабларидан шапиллатиб ўпди.

— Дарров-а?

— Кейин гаплашамиз, ҳозир...

— Шошманг, дарров-а! Вой, мен ҳозир тайёр эмас-мен!— Йўсуфшоҳ ҳайвоний хирс билан гап-сўз, танишув, ширинсуханлик, "сиз гўзалсиз...", "Сизни яхши кўриб қолдим..." деган гаплар йўқ, бекани кўрпачалар узра буқадек босиб, инқиллаб ҳаракатга кириб кетди.

— Вой, қандақасиз, вай-дод! Ўлдириб қўясиз, вай-дод!— деганча Сарвиноз бўғизланган эчкидек типирлаб ётаберди.

Тонготарга яқин Сарвинозни яна икки хизматкор хотин ювинтириб, кийинтириб, хобхонадан олиб чиқиб, мўрдак аравага ўтқаздилар. Сарвиноз юзини оқ рўмоли билан бекитиб, икки аёл билан гаплашмади ҳам. Унинг қовоқлари кўкариб, лаблари сўрилабериб шишиб кетган эди. Умуман, гўзалликдан асар қолмаган, эзгиланабериб бир қоп гўштга айланган эди...

У ўз ҳовлисига етганда, яна икки хотин уни қўлтиғидан олиб, арвадан секин тушириб, ичкарига олиб кириб кетишди...

Орадан ҳафта ўтгач, катта мансабдорларнинг маслаҳати ва уқдириши билан, майхўрлигу фоҳишабозликдан чарчаб, кўзлари киртайиб қолган Йўсуфшоҳ ўрдадаги кенг майдонга ўзининг "музаффар" қўшинининг бир қисмини сафга тизиб, /навкарлар ўз юрти-Хоразм пойтахтини талаб, турли номаъқулчиликлар қилиб, обдан биқинлари чиққан эди/ фуқарою лашкарга янги фармонларни эълон қилдириди.

Шоҳ кенг ҳовли четидаги гиламлар устига қўйилган тахтада ёнида, ўнг ва сўл томонида йирик мансабдорлар, саркардаю сардорлар. Улар орасида, юқорида олдинги подшоҳнинг вазири Ҳумомиддин ад-Давла ҳазратлари баъзи одамлардан уялинқираб, ерга қараб ўтирарди. Катта ҳовлини гир айланиб сафда турганларнинг деярлик барчаси келгиндилар — пойтахтни босиб олган ҳарбийлар. Йўсуфшоҳнинг ўнг томонида турган чўққи соқол Шаҳобиддин Марвий ҳазратлари ҳукмдорнинг рухсат ишораси билан, қўлида тахта қоғоз, дам оғзаки, дам хатни ўқиб, Хоразмшоҳ фармонларини эълон қилди:

— Жаноблар! Хоразм пойтахти Гурганж нопоклардан, золимлардан озод этилиб, ҳақиқат барқарор топди. Соҳибқирон шаҳзода Йўсуфшоҳ ҳазрати олийларининг адолатли ва ўткир қиличлари зарбидан ғанимлар қочиб кетди. Энг катта қалъалардан бири фатҳ этилди. Аллоҳ таолонинг бандага шафқату инояти ила бу озодлигу рўшнолик буюрди. Бундан буён соҳибқирон Йўсуфшоҳ ҳазрати олийларининг ғайрату заковатлари туфайли мамлакат равнақ топади. Яъни соҳибқирон Йўсуфшоҳ ҳазрати олийларининг салтанати келгуси минг йиллар мобайнида давом этади. Туронзаминнинг озод этишдаги унинг жангу жадаллари тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтади, китоблар битилади... Соҳибқирон ҳазратларини Аллоҳ ўз паноҳида асрасин, улуғ зотга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Аллоҳу акбар!

У юзига фотиҳа тортгач, тўпланган мингта яқин одамлар ҳам фотиҳа қилдилар, баъзилар кафтининг орқаси билан "фотиҳа" қилди. Бу, дуойи бадликни билдирарди.

— Баъдаз сўз шулким, соҳибқирон ҳазрати олийлари ўз фармонлари билан илгариги амирлашкар — Абулжаъфар Ҳусайн жанобларини ўз лавозимларида қолдирадурлар, чунки бу муътабар саркарда кейинги йилларда илгариги шоҳдан айниб, Пойкандга хизмат қилиб келган. Гурганжни фатҳ этилишида саркарда Абулжаъфар Ҳусайн ҳазратларининг хизматлари катта. Шу сабабли Хоразм қўшинига бу муътабар зотнинг ўзлари раҳнамолик қилаберадур! Илгариги шоҳ унинг мансабидан бекор этиб, ўрнига ярамас, нобакор амир Алп-Арслонни тайинлаб, жиноят қилгани маълум...

Тахтдан унча узоқ бўлмаган, ўн-ўн беш одамдан кейин, бош эгиб, ўзини камтару хоксор тутиб турган юмалоқдан келган, икки юзи қипқизил, тақамўйлов Абулжаъфар — "Ноғорақорин" Йўсуфшоҳга бош эгиб, букилиб салом берди. Белидаги камарига осиглиқ қиличининг дастасини маҳкам ушлаб, янги ҳукмдорга садоқат билан хизмат қилажagini сездирмоқчи бўлди. Йўсуфшоҳ бўлса унинг хотини Сарвинознинг гўзаллиги, нозу карашмаларини хаёлидан ўтказди. Бир вақтлар Хоразмшоҳ — Отсиз айтган "Узумнинг ширинини ит ейди" деган мақолни дилидан ўтказди.

Фармони шаҳодатни Абулжаъфар қўлига Йўсуфшоҳнинг ўзи топширди. Абулжаъфар мамнун, Йўсуфшоҳга қайта-қайта эгилиб, ташаккур айтди. Тўпланган одамлар Абулжаъфарнинг иши ўнгидан келиб,

янги подшоҳ унга катта эътибор билан қараётганини шундоқ сезиб турардилар. Абулжаъфар мамнун, гулдай очилиб одамларга боқарди.

Бу мамнунияту катта мансабнинг сақланиб қолиш сирларидан бир киши воқиф эди — бу, тахт атрофида юрадиган, шоҳнинг маҳрами Маҳрамча эди. У Абулжаъфарнинг илжайиб кулишларини, дўмбоқ бўлиб, ҳукмдорнинг қўзичоғига айланганини томоша қилиб турарди. Чикка бел, шўх ва келишган Сарвинознинг подшоҳ тўшагида инқиллашлари... баридан бу айёр кўса хабардор ва ўз қулоғи билан эшитган эди.

Энди, зиндонга ташланган Шоҳсанамдан эшитинг: ўша оқшом Йўсуфшоҳ унинг қўлида ханжар кўриб, кучу беҳуш этувчи доруни ишлатиш билан уни ўз тўшагига киритиб бўлмаслигини сезиб, зиндону ўлим ваҳшатидан қўрқсин деб қийноққа солди. Маликанинг иродасини синдириб, ўзининг манфуру жирканч мақсадига етишмоқчи бўлди. Аммо бўлмади. Шоҳсанамни қуруқ бўйра устига ўтқазиб қўйиб, олдига сопол мўндида сув, қаттиқ нон ташлаб қўйишди.

Аёл кишини, "улуғ даргоҳ" келинини қотилу оғир жиноят қилган мурдат шахслар ташланадиган зах ва қоронғу зиндонга ҳибс этилиши ақли расо ҳукмдорнинг иши эмас эди. Зах хонада ёлғиз ётоқ, ҳатто жасоратли эркаклар учун ҳам ваҳшатли. Шоҳсанам тақдирга тан бериб, агар яна бир хунрез — тўнка махлуқ ёнига кириб, унинг ному-сига тажовуз этмоқчи бўлса, липасидаги заҳар бу ёвузликдан халос этишини ўйлаб, ўзига тасалли берарди. Бу ердан қочиб чиқиб кетишнинг мутлақо иложи йўқ. Баланд гиштин деворлар, эшиклар мустаҳкам, бир неча ясовуллар қўриқларди. Гурганждан бир чақиримча ғарби-шимолдаги эски Қорақўрғон қачонлардир зиндонга айлантирилиб, бу қоронғу ертўлаларда салтанатнинг ашаддий душманлари, давлатга хиёнат қилганлар, Ғаюрхон йўллаган, баъзан Ўғузхон юртидан келган жосуслар заҳ ертўлаларда ётарди. Бу ерга тушганларнинг аксарияти бирон ойлардан кейин ўлдириб юбориларди.

Тунда зиндон қавакларидан сичқону каламушлар чиқар, Шоҳсанам ётган бўйрага яқин келиб, икки-уч қадам нарида туриб, ҳидлар, маҳбус аёлнинг овоз чиқариб ҳайдаганидан кейин қочиб, инларига кириб кетишарди. От миниб, жангга кирган хотин сичқонлардан қўрқмаслиги керак, дерди у ўзига ўзи. Бир бошга бир ўлим — номард, бузуқ Йўсуфшоҳ чучварани ҳам санабди! Мени қўрқитиб,

салтанатимизни ҳақоратламоқчи. Йўқ, бундай бўлмайди! Хоразмшоҳ тирик, унинг салтанати барқарор, деди ичида. Шоҳсанам кўз олдида аркони давлат — салобатли, паришталик Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийлари, шаҳзода Сулаймоншоҳ, амир Алп-Арслон, меҳрибон Буюк малика, Амир Музаффар-Тамғоч, шаҳзода Йинол-тегин, Муҳаммад Али ал-Мисрий... ва яна бир неча арбоблар гавдаланди. Подшоҳга хиёнат қилиб, босқинчилар томонга ўтиб олган вазири аъзам, бин Катавозе, Абулжаъфарларни ҳам кўз олдига келтирди. "Кўзи оч одам бор, кўзи тўқ одам бор. Буни яхши кунларда фарқига бормаймиз", деган эди у бир куни шаҳзодага, Олий ҳазрат ва Сизнинг атрофингизда шуҳратга кўзи оч, баҳил, ичи қора, бошқаларга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган шахслар кўпайиб бормоқда. Уларга эҳтиёт бўлинг. Салласини ол десангиз калласини олиб келадиган, диёнати йўқ, манқурт, ясавулбоши Ашур-чўтирлар бор, уларга эҳтиёт бўлинг деган эди. Лекин шаҳзода унинг гапларига қулоқ солмаган, Шоҳсанамнинг давлат ва сиёсатга аралашувини, баъзан от минишини мутлақо ёқтирмасди.

Мана оқибат!

У кундан кунга бемажол, хасталаниб, ҳолдан тоя бошлади. Сичқонларни ҳам аранг ҳайдарди. Танидаги ҳарорат кундан-кунга пасаярди.

Отаси Маликшоҳ "бошга қанчалик оғир мусибат тушмасин Аллоҳни унутмаслик керак, ёлғиз Аллоҳнинг ўзи нажот берадур. Қуръони каримдан "Нажот" сурасини ҳар куни ёддан ўқиб, фақат Аллоҳдан мадад сўраш керак" деган гапларини эслади. Отасининг васиятига амал қилиб, сурани ҳар тонгдан бошлаб ўқиб, ўзига ўзи дам соларди. Отаси Гурландаги янги қурилиб битган масжидга кирганида олти яшар қизалоқ Шоҳсанам ҳам отасини қўлидан ушлаб, масжидга кирган эди. Отасининг масжид мутаваллиси билан қилган суҳбати ҳамон ёдида. Бу масжид отасининг сармоёси билан қурилиб, "Маликшоҳ масжиди" деб аталарди.

Улар қабристон ёнидан ўтиб, дунёдан ўтиб кетганларга фотиҳа ўқиган эдилар. Сўнгра "Маликшоҳ масжидига" кириб, хотиб имом ҳазратлари билан гаплашиб, садақа бериб, бир муддат у билан суҳбатлашган эди. Масжиднинг битмаган ерларини битказиш ниятида яна пул ваъда этган эди.

— Яна минг тилла танга ажратурмиз. Етурми?

Имом хотиб кулимсираб бош ирғади.

— Ҳазрати олийлари, етур. Сиз Аллоҳ йўлига шунчалик садақа қилар экансиз, Аллоҳ доимо сиз ҳазратни ўз паноҳида асрасун. Етканча ишлатамиз, иншоолло, мўмин-мусулмонлар оқчага қарамай ишлай берадилар. Ночор кимсаларга берурмиз.

— Ташаккур!— у қўлини фотиҳага очади:— Аллоҳу акбар!

Булар Шоҳсанам ёдидан ўтди. Ота тез-тез унинг тушига кириб, кўз олдида пайдо бўларди. Менинг бу ерда ётганимдан отамнинг арвоқлари нотинч. У отаси учун дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Киши ўз тушида дунёдан ўтиб кетган аждодларини, айниқса падари бузрукворини кўрар экан, бу — яхшилик, деди Шоҳсанам ўзига-ўзи далда бериб. "Отамнинг арвоҳи қўлласин! Эй, Худо, ёш жонимга раҳминг келсин! Ўзинга шукр, ўзинга шукр, ўзинга шукр! Тавба қилдим, тавба қилдим, тавба қилдим! Ло-о илоҳа илло анта субҳонака инни кунту минал золимин!"

XXX боб

ТАРСО ҚИЗИ

Мулкини йўқотган гадо, динини йўқотган адо...

Ўтмишда тақводор, беш вақт номозини қанда қилмайдиган валиаҳд шаҳзода Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз даврида дини ислом йўлида жонини фидо этишга тайёр зот бўлган. Энг оғир йилларда отасининг розилиги билан Гурганжу Хивақда Жома масжид қурдирган.

Ота вафотидан сўнг тахтга чиққан валиаҳд Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз мамлакатда адолатни қатъий жорий этмоқ, қўшинни кенгайтирмоқ ва деҳқончиликка ривож бермоқ учун катта ғайрат билан ишга тушди. Отадан қолган меросни авайлаб сақламоқ ҳам ўзи учун бурч эканлигини яхши тушунди, унинг назарида бу мерос бутун эмас, кемтиклигини ҳам сезарди. Бобоси улуғ Ануштегин, отаси Қутбиддиншоҳлар Хуросонга, айниқса Марвга қарам бўлиб ўтдилар. Туронзамин мустақиллигини қўлга киритолмадилар... Узоқ йиллар давомида салжуқийларга тобе бўлдилар.

У баъзан инилари ва амакилари фарзандалиридан ўзининг хатти-ҳаракати билан ажралиб турадиган, негадир шаҳзодачаларга араллашиб кетолмайдиган шўртумшуқ, ўта ҳасадгўй иниси Йўсуфшоҳ ҳақида ўйларди. Бу, серҳаракат, силлиқ ва келишган ини кўп вақт бошқа шаҳзодалардан

ўзини устун қўярди. Унинг онаси Қуддуси шарифдан, аини вақтда исломни қабул қилган амир Исҳоқнинг қизи экани, гоятда соҳибжамол бу қизга "ошиқ-мошқлик" бўлгани, аслида Турон мамлакати билан яхши муносабатларда бўлишини кўзлаб, Лубнон подшоҳи ўз амири Исҳоққа рухсат берган эди... Гузал Язития Қутбиддин Хоразмшоҳга тўю томоша билан никоҳ ўқитилиб, тўртинчи малика бўлган эди. Бу, шайх Санъон ривоятини эслатарди. Унинг номи Ҳузурбека деб ўзгартирилган. Ҳазрат ундан бир фарзанд кўриб, номини Йўсуф қўйдилар.

Яқин бу тарих Аълоиддин — Отсиз ҳазрати олийлари хаёлидан бир-бир ўтди...

Иниси, ёш шаҳзода Йўсуфшоҳнинг баъзи қилиқлари валиаҳд огани таажжубга соларди. Олти ёшли ука тез-тез жанжал чиқарар, огалари Аълоиддин ва Йинол-тегинлар, амакилари Маликшоҳ, Насриддиншоҳларга гашлик қилар, ўчакишар, арзимаган нарсадан жанжал кўтариб, юзларига чанг соларди. Кейин қичқириб, ичкари ҳовлига югуриб кириб, онасига, энагаларига чақарди, фарзандларининг нотинчлиги соҳибжамол Ҳузурбека орқалик олий ҳазрат Қутбиддиншоҳга етиб турарди.

Йўсуфшоҳ ўсиб, балоғатга етгач, оғо ва амакилари билан чиқишмади. Ҳузурбека /Язития/ тоқати-тоқ бўлиб, саройда кўп нотинчликлар пайдо бўлди. Хоразмшоҳ ўзга онадан бўлган ука хусусида кўп ўйлаб, озгина бўйи чўзилгач Онаси билан бирга Лубнонга, Қуддуси шарифга саёҳатга йўллади, бўйи чўзилгач уни Пойкандга хоким этиб тайинлади. Онаси ҳам у билан бирга кетди. Аммо салжуқийлар султони Санжар Йўсуфни Марвга таклиф этиб, тантанавор кутиб, ўз бағрига олди. Ундан ҳеч нарсани аямади, тезда "Малик" унвони берди.

Шу пайтдан бошлаб шаҳзода Йўсуфшоҳ ўз оғоси Аълоиддин Муҳаммад — Отсизни ёмон кўриб қолди, иложини топса бутун Хоразмни салжуқийларга бериб юборишга тайёр эди. Унда негадир она заминга меҳр-муҳаббат йўқ, чўгирма кийиб юрадиган қора чўтир хоразмликларни менсимасди. Гўё у осмондан оёғини узатиб тушиб қолгандай ўз ҳуснига ўзи масрур эди. Дини исломга ҳам меҳри йўқ, тарсоларга ён босарди. Хоразму Туронзаминнинг шўри қурсин, агар кунимиз шу қони бузуқларга қолса тезда туркий тил ҳам йўқолиб кетади, дерди баъзи уламолар. Йўсуфшоҳнинг кўнгли, дарду хаёли савдогарлардан эшитгани Андалузия, Византия, Фарангистон... томонларда эди.

Қонни ўзгартириб бўлмайди: баланд тоғларни кетмон билан чопиб теп текис қилмоқ мумкин, лекин инсон феълу атворини, қонини ўзгартириб бўлмайди. Музликларда югуриб юрган буғи Ажамнинг илиқ ва гўзал кенгликларида яшолмаганидек, бу ерда, қумликларда югурган қора бедовлар музликларда туролмайди...



Гурганж қўлдан кетгани, оғоси — Аълоиддин Хоразмшоҳ — Отсиз Қоратоғ шикоридан Гурланга қайтгани, аҳвол гоятда танглигидан маълумот олган шаҳзода Йинол-тегин Муг қалъасида уч кун тургач, ҳокимга Хоразмдаги аҳвол ҳақида атайи чала, ноаниқ гапириб, ўз йўлдошларига тезда сафар анжомларини тайёрлашни, эрта тонга йўлга чиқишни буюрди. Шаҳзода Бухорою Пойкандга яқинламай, Сақар қишлоғи яқинидан кемага ўтириб Жайхун орқали шимолга сузди, сўнгра қирғоққа чиқиб, тўғри Гурланга жўнади. Бу кунларда Йўсуфшоҳ пойтахтни эгаллаб, Хоразмшоҳни "шикорда йўлбарс ўлдирди", деган гапни тарқатиб, айшу ишрат сурарди.

Подшоҳ топшириғи билан Шошда, Узоқ Жанд, Ўтрор, Исфижоб, Бинокат томонларда юрган шаҳзода Йинол-тегиннинг Гурганжда бўлаётган бу тўнтаришлардан хабари йўқ эди. У асосан Сайхун ёқасидаги қалъалар билан савдо-сотик алоқаларини яхшилаш ниятида, Хоразмга тобе қалъалар ҳокимлари билан маслаҳатлашиб юрган эди.

Гулжа, Болосоғун, Шош қалъалари карвонсаройларида магрибий ва машриқий карвонлар кўпайгани сабабли Дашти қипчоқ хонларининг фармони билан чиний ипак матолар Самарқанд, Бухоро, Пойканд, Хазорасп орқали Хоразм пойтахти Гурганжга, Хиваққа, Қиётга олиб келтирилди, шу орқали Хуросонга ўтиб кетиларди. Марву Сарахс, Ҳироту Нишопуру Сабзавору ундан Мозандарон мулкига йўл олиларди, айни вақтда магриб карвонлари шу тариқа машриқ томонга йўл олардилар. Ипак матолар, чинни буюмлар, турли дориворлар, малҳаму жарроҳлик асбоблари, гавҳару забаржад, олтину кумуш буюмлар, ҳатто димишқий пўлатдан ясалган шамширу ханжарлар ҳам бу карвон кажаваларида тўла эди. Шаҳзода бир тўда фидойи кишилари орасида Сайхун бўйи қалъаларда тижорат ишлари билан юрарди. У Ўтрордан йўлга чиқиб, Шошга кириб келганида, бундан икки ҳафта бурун Гурганжни қўлдан кетганини эшитди. У Шибли ҳазратлари, ундан

кейин Муҳаммад Қафғол Шоший хазратларининг қабри муборакларини зиёрат қилиб, кейин амир Муслим саройига ташриф буюрди. Бир неча кун мулоқотда бўлиб, аҳду паймонлар боғлаб, иззату икром кўрган шаҳзода Йинолтегин бундан шошилинич йўлга чиқиб, Самарқанду Бухорода тўхтаб, ундан сўнг, машаққатли қум йўли билан Гурлан томон юрди. Бундан бир ой аввал амир Алп-Арслон йўллаган махфий отлиқлар шаҳзодани оғаси ёнига омон-эсон олиб келди.

XXX боб

МАЛИКАНИНГ ЗИНДОНДАН ҚУТҚАРИЛИШИ

Бундан бир ҳафта бурун, пойтахт қўлдан кетган куннинг эртасигаёқ Муҳаммад Аълоиддин Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийлари шикордан жадал орқага қайтдилар. Катта мансабдорлар ичидан хонлар чиқиб, салтанатга содиқ қолганлар орасида "Салтанат душмани" амир Алп-Арслон бор эди. Ўғли Сулаймоншоҳ, шаҳзода Йинолтегин, амир Музаффар-Тамғоч, Рашидуддин ал Ватвог ила жарроҳ Элтузмиш ҳам содиқ қолганди. Етиб келиб, жангга кирган, чопардан хабар етказган ҳам Алп-Арслон эди. Аллоҳ асраб ўзини омон қолганини эшитиб, шукр қилди, амирни тезда Гурланга етиб келишини сўради.

Ярадор амир подшоҳ билан Жайхун ёқасида учрашиб, атрофидаги одамлардан холи жойда ўтириб гаплашишга ҳам фурсат бўлмай от-араваларни шитоб билан чоптириб Гурланга кириб келишган эди. Далада унинг истиқболига чиққан қўшин сардорлари подшоҳни, амир Алп-Арслонни жадаллик билан қалъага олиб кириши билан шоҳ Манғит ва Қипчоқ ерларидаги отлиқларни тезда етиб келишликлари, Жайхун ёқасидаги, Қаландархона қалъасидаги тўрт юз отлиқни бир лаҳза ҳам тўхтатмай олиб келишликларини буюрди. Баъзи сардорлар Гурганж қўлдан кетганини эшитиб қаттиқ саросимага тушдилар. Қаландархона қалъасини Тўрғай ва Талас томонларидан келадиган дашти қипчоқлар, манқуртнамо отлиқлардан ҳимоя қилиш учун қўйилган мингга яқин суворий қўшин сардори Муҳаммад Жандий пойтахтнинг қўлдан кетганини эшитиб, дарҳол саркарда Абулжаъфарга нома ила чопар йўллаган, амир-лашкар Абулжаъфар Муҳаммад Жандийга "бу иш Аллоҳнинг хоҳиши ила бўлди, ҳовлиқманг, қўшинни Қаландархона қалъасидан олиб чиқманг!" деган буйруқ

берганди. Бирдан подшоҳ муҳри ила нома олиб келган чопарни кўриб, сардор Муҳаммад Жандийнинг ранги оқариб кетди. Ўз қариндоши Абулжаъфар хиёнат қилганга ўхшади. У дарҳол чопардан амир Алп-Арслон қаёқдалар, деб сўради. Чопар амирни подшоҳ ёнида эканини, жангда ярадор бўлганини, ушбу нома у зотнинг қўли билан ёзилганини маълум қилгач, сардор ўз қўлидаги эликбошиларга фармон бериб, тезда тайёргарлик кўришни, ё тунда, ё саҳарлаб йўлга тушишни буюрди. "Амир ҳазратлари подшоҳ томонда экан, биз ҳам шу томонда қатъий турамиз! Бошқа йўл йўқ!" деди.

Хоразмнинг бир неча қалаъларига бўлиб юборилган қўшинни бир ерга тўплаш фикри амирдан чиқди. Алалхусус, қўшин тўпланиб бўлгани ҳамано олий ҳазратнинг шахсан ўзи бош бўлиб, пойтахтни босқинчилар қўлидан қайтариб олиш лозимлиги билдирилди. Бу ишда кечикиш — батамом маҳв этилиш билан баробар, деди амир.

Подшоҳ Гурланга кирган куниёқ, амир ҳовлисида машварат тузилди. Бу ҳарбий маслаҳатда шахзодаю амирдан ташқари шитоб билан от чоптириб етиб келган Ташовуз беги Қосим Муҳаммад, амир Музаффар-Тамғоч, Муҳаммад Додбек, Муҳаммад али ал-Мисрий ва яна бир неча сардорлар жамул-жам бўлдилар. Вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла Али Аҳмад бин Катавозе билан Абулжаъфарларнинг илгаридан Йўсуфшоҳ билан тил бириктириб келганлиги очикдан очик кўриниб, салтанатга хиёнат қилганликлари маълум бўлди. Улар фақат Йўсуфшоҳга эмас, аслида салжуқий султон Санжарга сотилганликлари, бу хиёнат вазири аъзамнинг иниси Мозандарон жангида қўрқоқлик қилгани туфайли шоҳ томонидан қатл этилганлиги сабаб бўлган бўлса керак, деб ўйлайдилар... Мана шу "сабаб" анча йилдан буён ад-Давла юрагида шоҳга нисбатан пинҳоний совуқ кину ғазаб заҳарли илондек кулча бўлиб ётарди. Шаҳзода Йўсуфшоҳ тайёргарлиги, султон айғоқчилари орқали унинг қулоғига етиб, агар у бу ишда Пойканд ҳокимига кўмаклашса Марвда эътибори юз чандон ошиб, султон иқтоъсига муяссар бўлмоғи аниқлиги хуфиянома орқали қўлига теккан. Вазири аъзам Пойканддан кўра ҳам султон муҳри босилган номани олгач, кўз олдида иниси намоен бўлиб, алқасос, деб бош кўтарди...

Бу гаплар машваратда айтилди.

Аммо, амирнинг фикрича Гурлан халқидан ва атрофдаги қишлоқлардан отларга беда, ем-хашак тўплаб келиш, Тезбозор, Шовотдан то Жайхун ёқасигача пистирмалар,

қоровулар ва яширин сарбозлар қўйиш, улар туну кун ҳушёр туриб, душман айғоқчиларини Гурлан томон ўтказмаслик, бунда қўшин тўпланаётганидан Йўсуфшоҳнинг хабар топмаслиги зарур. Топшириққа асосан отлиқлар, бир неча айғоқчилар Шовот ва Тезбозор йўллари четида туну кун ҳушёр туришди.

Ўша куниёқ сарой ҳовлисидан гулу дарахту товусларга, баъзан шоҳ отларига қараб юрадиган Абдулрауф ота тўсатган ҳайдаб юборилгани, бу Мисқол беканинг иши эканини ҳам пайқашди. Кўпни кўрган Абдулрауф ота олий ҳазратнинг оталари Қутбиддин Хоразмшоҳ даврида ҳовлидаги гулзорни барпо этган кимса эди. Малика Шоҳсанам асрликда, айни вақтда зиндонда эканини ҳам тезда Гурланга хабар қилган ҳам у эди. Бу хабар бозор кишилари орқали шаҳзода Сулаймоншоҳга етказилди, амир Алп-Арслонга ҳам маълум бўлди. "Жасоратли гўзал келин"нинг тутқунликда қолгани, навкар либосида жангга киргани, оломон ичида қўлга тушганини эшитган подшоҳ хомуш тортди: "У фақат келиним эмас, фарзандим. Салтанатни, деб қўлига қилич олган маликани душман қўлидан халос этмоқ — ор-номусимизни, ҳатто миллатни халос этмоқ билан баробар деди. Ҳа, малика — Туроннинг ор-номуси. Вақтни бой бермай, Шоҳсанамни қутқариш зарур!" Шоҳнинг кўз олдига ахлоқан ғоятда бузуқ Йўсуфшоҳ келди...

Эллиқбоши мартабасига кўтарилган Муҳаммад Али ал-Мисрий ўз жойида туролмай, подшоҳга таъзим этиб, ўрнидан турди:

— Улуғ ҳазрат, бу ишни менга буюринг! Мен маликани қутқариб олиб келамен. Ёки бошимни берамен.

— Йўқ!— деди шаҳзода Сулаймоншоҳ,— сиз кўзга ташланадиган йўгон одамсиз. Сизни гурганждагилар дарҳол танийди. Бу ишга кўзга ташланмайдиган кимса лозим!

— Мен ўзим!— деди амир Алп-Арслон подшоҳга таъзим этиб.

— Сиз жароҳатлангансиз, амир,— деди Хоразмшоҳ эътироз билдириб,— бу ҳам жанг! Мен ярадор кишини қандай қайтадан жангга киритурмен? Бу яна бегуноҳ одамни Илонлар ғорига ташлаш билан баробар... Хоинлар мени янглиштирдилар!— подшоҳ кўксини чангаллайди.

— Олий ҳазрат, жароҳат унчалик эмас. Малҳам қўйдик, тузалиб кетади. Лекин бу иш фақат шамшир билан эмас, "Мехтар Бодиялдойи Самарқандий" бўлмоқликни тақозо этади. Ҳозир эски адовату жабрларни унутайлик... Малика

зиндонда...Қиличдан ташқари бир хуржин ашқол-дашқол, соқолу мўйлаб, жулдур либос, доруйи беҳуш, бодом ёғи, захри олуд... шунга ўхшаш нарсалар даркорки, иш анча мураккаб, Абдулрауф ота бу ишда бизга кўмак беражаклар. Мен паҳлавон ал-Мисрийни ва яна уч навкарни ўзим билан бирга оламен. Икки аробани Гурганжга яқин жойда қолдирамен...

Хомуш ўйланиб турган подшоҳ бир лаҳзадан сўнг рози бўлди:

— Худо ёр бўлсин сизга, амир! О-о-мин!

Подшоҳ ёнида ўтирган шаҳзода Сулаймоншоҳ, амир Музаффар-Тамғоч, Муҳаммад Додбек, Шодмонбеклар дарҳол юзларига фотиҳа тортиб, ўрниларидан турдилар.

Амир Алп-Арслон подшоҳ ҳузуридан чиққач, Муҳаммад Али ал-Мисрий —давангирни ўз ёнига чорлаб, у билан бирга ичкари ҳовлига кирди. Гуногун таом ейишиб, сўнг ўзининг садоқатли дўстига кучли навкар йигитларни танлаш, чопқир оту мустаҳкам мўрдак арава топиб, тунда йўлга тушишликни буюрди. Қалъа дарвозасига яқин ерда кутиб туришликларини тайинлади. Аравага гиламу кўрпачалар ёзилишини, нону наъмак олишни ҳам эслатди. Унинг ўзи ўзга бир қиёфага кириши, унинг номи "Жулдир девона" ёки "Ўтинчи" деб аталишини таъкидлади. Эртага — Жума бозори, беш нафар йигитлар қурол-яроғларини яшириб қопга солсинлар, чўпон қиёфасида бозорга бир-икки қўй ҳайдаб кирамиз, у ерда оқшомгача туриб, сўнгра зиндон атрофига яқинлашамиз... Ал-Мисрий ҳамма гапни уқиб олиб, ичкари ҳовлидан чиқиб кетди.

Кечки пайт улар Гурлан қалъаси дарвозаларидан ўтиб, йўлга тушганда, орқада келаётган икки йўрга эшак улардан ўтиб кетди, олдинги эшакда жулдур либослик, соқол-мўйлавининг кўплигидан оғзи, қулоғи кўринмайдиган "чол", унинг тагида хуржин, иккинчи эшакка уч-тўрт бўлак саксовул — ўтин ортиб олинган эди. Бу йил "паланг" йили бўлганлиги сабабли қиш қаттиқ келиши кексаларга маълум. Мўрилардан тутун чиқиб турмайдиган хонадон қаттиқ қиш-изғиринларининг асири бўлиб қолиши аниқ. "Ўтинчи" пистирмадаги ясовулар кўзидан ўтиб, бозорга кирибоқ, озроқ бўлса ҳам саксовулини ағдариб, ўзи хуржинини елкага олиб, жанда осиб, тор кўчалардан ўтиб, сарой хизматкори Абдулрауф ота ҳовлисига боришни мўлжаллади. Лекин бунда оқшомгача ўтириб, барча тафсилотларни билиб олиши лозим эди. Бу муддат "чўпонлар" ўз қўйларини бозорда далолларга топшириб, ўзлари одам-

лардан четроқда таом емаклари, сўнгра бозордан мато ва шам харид қилмоқлари, шу йўсинда кечга — қош қорайгунгача қалъага етиб олмақлари лозим. Айғоқчилар ва бирон ясовул уларнинг қопидаги шамширу қурол-яроғларни сезмаслиги керак.

Амир "ўтинчи" қиёфасида бозорга кириб, ўзига ўхшаган кимсалар ичида юриб, эшагини улар эшаги ёнига боғлади. Иккинчиси хих-хихлаб Абдулрауф ота ҳовлисига жўнади. Саройдан ҳайдаб юборилган эски хизматкор аввал амирни танимай, эшик олдида донг қотди. Жанда кийган, бўйнига қора кашкил осган бу одамга — "Жулдир девона"га тикилиб, нима дейишини билмай қолди.

— Ассалому алакум!

— Ваалайкўм ассалом!

— Мени танимадингиз чоғи?

— Ҳа, сизни танимай турибмен.

— Танимаганингиз жуда маъқул.

— Лаббай?

— Сиздек зийрак одамки мени танимади, иншоолло, ишим ўнгидан келар...

— Маъзур тутасиз, танимадим. Локин овозингизни бир кишига ўхшатаётирман.

— Мен, Алп-Арслонмен! Соқол-мўйлабу жандалар бир ниқоб...

— Э, э, ҳазрат, ҳовлига кириш! Танидим... Тушундим... Барига тушундим... Э, Тангрим, ўзингга шукр, сиз, амир ҳазратларини кўришга зор эдим. Сизга қилинган қуруқ туҳматлар фош бўлаётир. Мана, оқибат!

Улар ҳовлига кириб, эшик қаттиқ танбалаб қулфланди. Бу хизматкор салтанатнинг кўзга илинмас, аслида энг садоқатли кишиси бўлиб, Абдулрауф деган ном подшоҳ хонадониди маълум ва машҳур, ўзига кўп бисёр шуҳрату обру талаб қилмайдиган, хоксор, ичкаридаги сирли воқеаларни ҳеч қачон оғзидан гулламайдиган, садоқатли, мўмин инсон эди. У на лавозим ва на инъом талаб қилар, қирқ йилдан буён Доруссалтана ичкарисидидаги гулларни парваршишлар, сарв дарахтларига, гулларга сув қуяр, доимо қўлида гулқайчи, қуриган навдаларни қирқар, ҳовлида юрадиган уч жуфт товусга хўрак берар, шу тариқа бу жимжит, аммо гўзал қўрғон — ҳовлига қарарди. Учиб келиб ариқдаги сувлардан қониқиб ичадиган кабутару мусича, чумчуқлар, узун тумшугини ерга тикиб, ўзига хўрак излайдиган ҳудҳудларгача яхши қарар, ҳайдаб, озор бермасди. Ҳатто ҳовуздаги бақалар қуруллашини ҳам ёқтирар:

"булбулларим" дерди. Шу билан бир қаторда отга ишқибоз, шоҳ отларига ҳам қарарди. Босқинчи янги ҳоким уни ҳайдаб, бу ишни бошқага топширди. Мана, бир қанча кундан буён ҳовли қаровсиз, гуллар маст-аластлар оёғи остида пайҳон, товусларга дон берадиган кимса йўқ, кенг ҳовлида қуқулаб юрадиган товуслар оч, асабий бир-бирларини чўқиб, ҳурпайишарди.

Алп-Арслон ота билан суҳбатлашиб, саройда бир ҳафтадан буён "базми жамшид"нинг кети узилмаётганини, раққосаларнинг бари базмни "обод қилиб", кейин бузуқчилик — Йўсуфшоҳу унинг сардорлари билан фахш ишларга берилиб кетганини, Йўсуфшоҳ эртадан кеч сархуш экани, мансабдорлар ҳам ҳукмдорлари қилаётган ишларни муттасил қилаётганликларини саройда хизмат қиладиган ошпаз инисидан эшитиб турганини маълум қилди. Асирликдаги малика Шоҳсанам бетобланиб, табиб чақиртиргани, қимматбаҳо, узугини унга бериб, ялиниб-ёлвориб, унинг эвазига заҳар олганини, босқинчи Йўсуфшоҳ уни зиндонга ташлаганини ҳам айтиб берди.

— Маликани тезда қутқармоқ керак! Шунинг учун келдим. Бу, подшоҳ амри! "Келиним салтанатнинг ор-номуси..." деб атадилар. Қандай илож бор, айтинг боғбон ота? Бу, ҳозир ғоятда муҳим!

Абдулрауф отанинг боши қотди. У сукут ичида бир муддатдан сўнг бошини кўтарди:

— Малика зиндонда. Қўрғон дарвозалари ғоятда мустаҳкам, яхши биласиз, ҳазрат. Кўп ясовуллар ихота этиб туради. Зиндон орқа томони — "Авлиё бува" қабристонини. Аммо зиндоннинг баланд қўрғони у томонида бузилган, нураб ёрилган ери бор, унда ҳам ясовул туради... Эҳтиёт бўлмоқлик даркор.

— Яна беш чоғлиқ навкарларим бор. Дарвоза ёнидан жанг билан бостириб кирмоғлиқ мумкинми?

— Йўқ! Дарвоза ичкаридан қаттиқ танбаланган. Иккиламчи, бу жанг нотинчлик уйғотади, кўчаларда юрган босқинчи навкарлар зиндон атрофига етиб келиб, ўраб олади. Орқадан, қўрғон деворларининг нураган жойидан ўтиб, ичкарида жанг қилмоқ маъқул деб биламен... Маликани эҳтимол ертулага ташлаганлар, бу энг баттарин қийноқ. Зиндонда асир олинган бир неча мансабдорлар ҳам ётибди, қўлларини боғлаб олиб кетаётганларини кўрганмен. Ошпаз иним ҳам: "ҳовлида бир неча мансабдор кишилар қўли орқасига боғлиқ калтакланди, кейин зин-

донга ҳайдаб кетаётганларини ўз кўзим билан кўрдим”, деди.

Боғбон амирга шам ва олтингугурт бериб, хуржинга солиб қўйишини тайинлади. Ўткир теша ва уч-тўрт арава-мих — қозик берди. Булар ниҳоятда зарурлигини айтди...

Ақраб ойининг еттинчи куни, ярим тун. Осмон чироғи, ҳилоли аллақачон ғарб томон — Қорақум кенгликларига чўккан. Тун ғоятда қоронғу. Тун кўрқинчли. Узоқ-яқиндан овози келаётган бир неча бўрибосар итларнинг вовуллашини ҳисобга олмаганда шаҳар асосан жимжит, зиндон кўрғонлари атрофда ҳам мазористон сукунати...

Тунда улар кўплар учун ваҳимали бўлган қабристон ичида тўпланишди. Лекин амир буйруғи билан икки киши мўрдак аравани зиндон дарбозасидан унча узоқ бўлмаган, пана бир ерда тутиб туришликлари, амир, ал-Мисрий ва яна бир абжир навкар қабристон томондан кўрғон тепасига чиқиб, ундан ҳовлига тушишни мўлжаллашди. Ҳаммаларининг қўлларида яланғочланган қилич, белларида ханжар ва арқон...

Амир бириничи бўлиб зиндон кўрғонига ёпишиб, юқорига чиқа бошлади. У ой шуъласида, теша билан тахминан оёқ қўядиган чуқурчалар кавлаб, оёқ панжасини қўяр, пастида турган икки ошнасига бу чуқурчаларни билиб оёқ қўйишни таъкидлар, ундан сўнг кўрғон деворига йўғон арава михини қоқар, қарсиллаб теша овозини чиқармаслик учун латта-рўмолча қўйиб урар, атрофига кўз ташлаб, аланглаб, ўн газ — икки том баландлигидаги бузулган ерга етиб олиш учун эҳтиёткорлик билан интиларди. Амир уннала-уннала, кўрғонга ёпишиб, қоққан темир қозикларига осилиб, баланд, нураган кўрғонга чиқиб олди. Белидаги арқонни тушириб, аввал ориқроқ навкарни тортиб олди. Ундан сўнг яна арқон тушириб, икковлон оғир ал-Мисрийни юқорига кўтаришди. У учта қиличинини белидаги камарга тиқиб олган, ўзи оғир. Катта бир филни кўрғон тепасига тортиб олишгандек бўлишди. Юқорига чиққан "фил" икки йўлдошидан кўра ҳам девор устида яхши турди. Бу ҳали дарвоза ёнидаги жангда иш кўрсатишини амир дилидан ўтказди.

Улар бирин-кетин арқонга осилиб, зиндон ҳовлисига тушишди. Тушиш анча осон кечди. Бу уч шарпани ҳеч кимса сезмади. Фақат зиндон кўрғони кунгурасида

чўққайиб ўтирган бир бароқ мушук кузатиб турарди, унинг икки кўзи ёниб, ажина монанд амирни ҳам, ал-Мисрийни ҳам юрагига қўрқув соларди. Пастга тушиб олишгач, қўрғон бурчагидаги ертўлага тушадиган эшик ёнига келишди. Уч давангир қўлида ярқираган уч ўткир қилич, ҳовлининг бош томонида — дарвоза йўлагига икки машъала ёниб турар, қилич осган, икки-уч ясовул бу ерда чўққайиб мудраб, ухларди. Ал-Мисрий билан абжир навкар улар тепасига келиб, деворга суяниб, ўзларини кўрсатмай шай туришди. Амир теша билан ертўла эшиги қулфини бузиб очди. Ясовуллар уйғониб қолгудай бўлса жангга ўтишни ҳам мўлжаллади. Шу ҳаяжонда эшикни тимирскилаган эди, илгак ва ёғоч тиргович осонгина очилди. У эшикни ғирчиллатмасдан очиб, ичкарига кирди-да, ёнидан олтингугурт олиб чақиб, қўлидаги шамни ёқди. Узун йўлакдан юриб бораётган эди, зах ертўла бурчагида ётган кимса юзига шам нури тушиши билан безовталаниб, ётган ерида дик турди.

— Ким бор бу ерда?

Овоз чиқмади.

— Ким бор?! Овозингизни чиқаринг! Мен амир Алп-Арслонмен! Мен маликамни қидириб юрибмен. Тезроқ овоз чиқаринг, бўлмаса кеч бўлади! Ким бор бу ерда?!

Девор тагида тик турган кимса амирга тикилди. У, сояга ўхшарди. Унинг кўзлари қоронғуга ўрганганлиги сабабли бўлса керак амирни аниқ кўриб овоз чиқармади, чунки узун соқол, жанда кийган "бир девона"ни кўриб турарди. Бу, бир игво, шу йўл билан уни босқинчи Йўсуфшоҳ ёнига олиб кетишларидан чўчиди. Олдидаги сув тўла сопол пиёласини қўлига олди. Бир қўлида захар ўралган латтани кафтида маҳкам қисимлаб турарди.

— Кўзим яхши кўрмаяпти, бу ерда одам борми, йўқми?!— деди зарда билан амир,— менинг устимдаги қаландар либоси, соқол-мўйлабларим сохта, шунчаки ёпиштирилган. Мен, амирмен! Амир Алп-Арслонмен!— у соқол мўйлавини кўчириб олиб, ўз юзига шам ёруғини тутди.

— Сизни танидим, амир ҳазратлари!— деди мажолсиз бир овозда малика Шоҳсанам.

— Қани юринг! Кетдик! Тез! Вақт оз! Олий ҳазратнинг фармони билан сизни қутқариб олиб келиш бизларга буюрилган. Шерикларим ҳовлиди. Бизлар беш кишимиз. Дарвоза олдида жанг бўлганида ўзингизни дарҳол четга олиб туринг! "Соҳибқирон"лигингиз тутиб кетмасин!

— Хўп,— деди малика бу даҳшатли дамларда биринчи бор табассум этиб. Унинг чиройли овозини амир эшитди-ю, жамолини яхши кўролмади.

— Қўлингиздаги нима? Пиёлани ташланг!

— Ташладим!— деди Шоҳсанам пиёлани ташлаб, сўнг у бир нимани яна ўраб либоси чўнтагига тикди.

— Менга яқинроқ келинг.

— Хўп, амир ҳазратлари,— деди Шоҳсанам гандирак-лаб бир-икки қадам ташлаб.— Ўликлар айтармишки, тир-ликларнинг ҳаммаси холва еяпти деб. Мана, биз бу зиндонда ҳолва еяпмиз,— деди Шоҳсанам қўлидаги пиёлани ерга ташлаб.

— Худога минг қатла шукр, сизни саломат кўрдим,— деди амир яқин келган Шоҳсанам юзига тикилиб.

— Мен ҳам, ҳурматли амир ҳазратлари, сизни соғ-саломат кўрганимдан Аллоҳга шукр айтамен.

— Қани, менинг ортимдан юринг! Кетдик!

— Мен юролмаймен... Менинг мажолим йўқ. Бу ертўланинг захи танимни бемажол этди. Ўрнимдан турсам гандирак-лаб йиқиламен...

Амир шу лаҳза қилични камарига тикди-ю, икки қўли билан Шоҳсанамни кўтариб олди. Малика амирнинг бўйнидан қучоқлади. Амир зах ертўла зинапояларидан бир-бир босиб, Шоҳсанамни юқорига, узун йўлакка, ундан ҳовлига олиб чиқди-да, дарвоза ёнида деворга ёпишиб, қилич яланғочлаб турган дўстлари ёнига келди. Қўлидаги маликанинг нафаси нафасига урилиб турарди. Амир ҳеч қачон Шоҳсанам билан бунчалик яқин, бир-бирлари билан қучоқлашмагандай, нафасларига нафаслари урилиб турмагандай эди. Аслида Наврузи олам байрамида, ярим тунда қалъа ошиб, ётоқхонага киргани, гўзал Шоҳсанамни тушакда эркалаб ётгани ёдига тушди... Зиндон ҳовлисида кетатуриб, маликани эҳтиёт этиб, сўради:

— Қиличим дастаси биқинингизга ботаётгани йўқми?

— Ботса ботар, чидаймиз...

Амир кулди. Бемажол Шоҳсанам ҳам кулди. Унинг кулишлари амирга ёқарди. Илгаригидай шўх кулишлар йўқ, бемажолликдаги бу кулки ҳам илгариги куликларига ўхшаб, жон олғучи эди. Амир камаридаги қиличнинг дастаси олдинга чиқиб кетиб, халақит бераётганини кўриб, бўйнига ёпишиб, елкасига бошини қўйиб олган Шоҳсанамдан хижолат бўларди. Қиличнинг дастаси севикли маликанинг ён-биқинига ботмаслиги учун уни итариб қўёлмас, ноилож зиндон ҳовлиси четига етиб боришди.

Уларни Қорақўроғон кунгурасида кўзларини ёндириб, чўққайиб ўтирган бароқ мушукдан бўлак ҳеч кимса кўрмади.

Шоҳсанамни дарвоза ёнидаги холи бир жойга қўйиб, уч сарбоз қилич сугуриб, машғала ёнида мизғиб қолган икки ясовул ёнига келишди. Олдинга ўтган ал-Мисрий қиличининг учи билан ясовул томоғини қитиқлади:

— Тур ўрнингдан! Нега ухлаб ётибсен?!

— Кимсен!— у сапчиб ўрнидан туриб, рўпарадаги давангир, чўпон либосидаги кимсага дўқ урди.

— Мен — Азройилмен! Ҳозир қилич билан бошингни сапчадек узиб ташлаймен! Манови гиштлар устида бошинг коптоқдек думалаб кетади! Менинг номим ал-Мисрий!

Ясовул қиличига қўл югуртираётган эди, ал-Мисрий унинг қиличини оёғи билан босди.

— Сен кимсен? Қаёқдан келдинг?!

— Бизлар кўпчиликмиз. Салтанатнинг ҳақиқий эгалари, олий ҳазратнинг навкарларимиз! Маҳбусларни қутқаргани келдик! Айтганимизни қилиб, ертўлалардаги маҳбусларни чиқариб юборсанг, тегмаймиз. Йўқса барчангизнинг бўйнингизни узиб, ўз кишиларимизни олиб чиқиб кетамиз! Танла?! Бошқа йўл йўқ!

— Хўп бўлади, жаноб!

— Мен жаноб эмас, сардормен!

— Хўп бўлади, сардор ҳазратлари.

— Мен ҳазрат эмасмен!

— Ҳўп!.. айтаганингизни қиламен!

— Дарвозани оч!

Дарвоза ичкарасида турган тўрт ясовул уйғониб, тепаларида турган давангирларга кўзлари тушиб, кучлари етмаслигини фаҳмлаб, бири бориб, дарвозани очди. Дарвоза очилаётганини сезган ташқаридаги мўрдак арава зудлик билан яқин келди. Амир йўлакда яшириниб турган Шоҳсанам ёнига бориб, уни яна илгаригидай кўтариб олди.

— Иш яхши кўчди. Қон тўкилмайдиганга ўхшамоқда.

— Бу, яхши!— деди Шоҳсанам амир юзларига юзини текказиб.

Зиндон ясовулларидан икки киши қўрқа-писа ертўла эшикларини очиб, маҳбусларни чиқиб кетишларини таъкидлади. Амир Шоҳсанамни аравага қўйгач, қайтиб келиб, ёнидаги тилла тангалар тўла халтачани зиндонбонга тутқазди.

— Буни ол! Ертўлада неча маҳбус бор?

— Тўққиз киши.

— Ҳаммасини чиқариб, қочириб юборасен!

— Итоат этамен, амир ҳазратлари! Сизни соғ-саломат кўрганамдан хурсандмен. Ўзингизни танитганингиздан миннатдормен. Аллоҳга шукр! Сиз тирик экансиз... Қасам ичиб айтаманки, тўққиз маҳбусни "қочдилар" деб озод этиб юборамен! Ишонинг! Мени мажбур этиб, буйруқ билан бу ерга посбон этдилар...

— Тез бўл!

— Хўп,— у югуриб, ертўлалар эшигини очди.

— Бизлар кетгандан сўнг, тонготарда гулув кўтариб, безовта бўлинглар! Унгача жим туринглар, бизлар узоққа кетиб олайлик. Бўшаган маҳбуслар ҳам бемалол бирон ерга етиб олсунлар. Англадингми?!

— Англадим!

XXXII боб

ГИРЯ

Оғаси — Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазратларини "шикорда йўлбарс еб қўйибди" деган хабар Йўсуфшоҳни хурсанд этган бўлса, у томонларда куч тўпланаётгани уни дилини хуфтон қилди. Гурлан ва Қоратоғ томонларда қўшинлар бирлашаётганидан хабар топиб, Жайхун фақат деҳқонга эмас, сардорларга ҳам мадад бераётганини аниқ сизди. Ўз қўшини Гурганжни талаб, илгариги шоҳга садоқатли кишилар хонадониди босқинчиликлар қилиб, халқнинг қаҳру ғазабига учради. Ҳазрат шайхулраис айтибдурлар: "Мусулмон мусулмонга шунчалик ёмонлиқ қиладики, бу вахшийликлар то қиёмат ёддан чиқмайди". Жайхун ёқасида кўч тўплаётган амир Алп-Арслоннинг Гурганжга ҳужум қилишини ҳам сезарди. Йўсуфшоҳ тамоман айшу ишратга берилиб, қўшини шаҳарни талаётгани, кўп фожиалар бўлаётганини билса ҳам ўзини гофилликка соларди. Енгилса султон борлиги, Марвга қочишини ҳам ўйлаб, келишиб қўйилган эди.

Йўсуфшоҳнинг пинҳоний маҳрами—кўса одам тонг отарда зиндон ёнидаги аравакашни тўхтатди. У ғоятда бетоқат, ҳовлиқиб турарди.

— Мени сарой ёнига элтиб қўй!

— Аравага чиқинг!

Арава Доруссалтана дарвозасига яқинлашгач, у аравакашдан сўради:

— Пул берайми ё дуо?

— Пул,— деди аравакаш.— Мен шу иш билан тирикчилик қилурмен.

— Дуо яхши эмасми?

— Сизнинг дуоингиз ўтмайди!

Тонготарда ҳовлиқиб, Доруссалтана ҳовлисига кирган маҳрамни ясавуллар йўлини тўсиб, тўхтатишларига қарамай ҳукмдор ётадиган нақшин уй томон интилди. Барибир унинг йўлини тўсдилар. Лекин ўпкасини босиб ололмаётган Маҳрам ясавулга "Подшоҳга шахсан айтадурғон гапим бор, агар қўйиб юбормасанглар бошларинг кетади!", деб дўқ урди.

— Нега ҳовлиқасен! Ҳазрат ҳали қотиб ухлаб ётибдурлар. Безовта қилмоқ мумкин эмас! Эсингни йиғиб ол! Ичкарида одам бор...

— Қопқони тақиллатмоқ лозим!

— Мумкин эмас!

— Мен ўзим тақиллатамен!

— Бор, тақиллат!

Маҳрам Йўсуфшоҳ хонаси эшигига бориб, нақшинкор эшикни чертди. Уйғоқ ётган сархуш Йўсуфшоҳ чарчоқ овоз чиқарди.

— Ким у?

— Мен...

— Сен кимсен?

— Маҳрамингиз Бердимуродмен.

— Расво бўлгур, саҳарлаб не қилиб юрибсен? Кечаги хизматларинг учун ақча олдинг-ку?

— Ичкарига кирай, зарур гап бор.

— Кирақол,— Йўсуфшоҳ ёнида яланғоч ётган аёлнинг устига чойшаб тортди. У ярим яланғоч, чалқанча фахш ётган Йўсуфшоҳнинг ёнига яқин келиб, салом берди-да, дуо ўқиб юзига фотиҳа тортаётган эди, ҳукмдор зарда қилди.

— Жинни бўлдингми! Мен ҳали ювинганим йўқ, ҳаром ётибмен, қандай қилиб... Нодон, шундоқ гапиравер!

— Зиндондаги маҳбуслар қочган...

— Шоҳсанам-чи?

— Қочган!

— Қандай қочади? Мажоли йўқ кимса ҳам қочоладими?

— Олиб қочганлар.

— Ким.

— Билмаймен.

— Ярамастар! Ичимизда хоинлар бор экан!— у ўрнидан туриб кетди,— бу ишни ад-Давла қилмадимикан? Унинг одамлари кўп?

— Йўқ. Ад-Давла ҳазратлари қўрқоқ! Бу ишни фақат амир Алп-Арслон қилиши мумкин. У Гурганжга тунда кирди деган гаплар ҳам бор. Ундан бошқа кимса бундай қалтис йўлга бормади.

Йўсуфшоҳ гўдайганча кўзларини чақчайтириб қотиб қолди. Кеча мастлигида ад-Давла билан Абулжаъфар "Ноғорақорин"ни зиёфатда тоза мақтагани ёдига тушди. У тик турганча хаёлга кетиб, ўзидан ўзи норизо бўлди; ҳали унча синалмаган мансабдорларни бунчалик мақтаб юбориш тўғри бўлмаганини фаҳмлади. Абулжаъфарнинг кимлиги маълум-ку, у мансаб олиш, шуҳрат йўлида ўз хотинини қўшиб қўйгани... Бунчалик жирканч одамдан Йўсуфшоҳнинг ўзи ҳам жирканиб кетди. "Агар шу одам зиндондан қочириб юборган бўлса, уни ўлдириш даркор!"— деб кўнглидан ўтказди.

Букчайиб, салом бериб турган маҳрам ҳукмдорнинг дилидан ўтган фикрларни билмай, овоз чиқарди.

— Лаббай, ҳазрат?

— Сен недеюрсен?

— Нимага?

— Ўйлаганларимга?

— Ичингиздаги фикрларни мен қайдан билай, ҳазрат?

— Нега ичимдагини билмайсен?

— Таажжуб...

— Билмоқ гарак...— Йўсуфшоҳ илжайиб кулди. Унинг илжайиб заҳаранда кулиши, кўзларининг қисилиб кетиши — жуда хавfli эди.— Маҳкамага бор, барча мансабдорлар нонушта вақтигача бунда келсун! Мен у муттаҳамлар билан гаплашиб оламен! Мен, ҳаддидан ошган оғам юрагига алам солмоқчи эдим. Мен уни вазири аъзам, саркардалари каби хоин номини бўйнига илиб, оёғидан отнинг думига боғлаб, саҳрога ҳайдаб юбормоқчи эдим. Қўлга тушган сардору мансабдорларини дорга осмоқчи эдим. Менинг қаҳримни Гурганжнинг бузилган, "эркпарвар" фуқаролари бир кўриб қўйсун эди! Сен тўғри ўйлагансен, бу ишда амир Алп-Арслоннинг қўли бор! Кўз билан кўрмаган бўлсам ҳам ақл билан сезиб турибмен,— Йўсуфшоҳ оқ иштони боғичини ушлаб, тўшак устида сарпочанг туриб, маҳрамга ўзини гоятда ақлли, тадбиркор, ҳамма ишни тезда сезиб оладиган подшоҳ Жамшиду Хорун ар Рашид

этиб кўрсатди. Маҳрам ҳам садоқат билан ҳукмдорига ярим эгилганча қизил гилам устида гўдайиб турарди.

Ҳукмдорнинг ишораси билан у ташқарига чиқиб кетди. Югурганча тонг қоронғусида ад-Давла ҳавлисига бориб, эшик тақиллатди. Уни ҳам нонушта вақтигача саройга етиб боришини тайинлади. Эшикда турадиган биронта қоровул йўқ эдики, Маҳрамни тўхтатишса, у, отнинг қашқаси — келгиндиларга таниш, мансабдорлар билан шахсан гаплашиш ҳуқуқига эга.

Зиндондан қочиш воқеаси Йўсуфшоҳнинг Гурганжда секин-аста ўрнатажак ўз сиёсатини алғов-далғов қилиб юборгандай бўлди. Шу сабабли фавқулодда машварат тузиб, қалъа ва қалъа атрофидаги фуқароларнинг "гуноҳи" кўпайиб кетган деб қатли ом фармони бермоқчи бўлди. Оч, қаҳатчиликда хонавайрон, уйлари ёнган, фарзандлари найман ва манғит элларида бўлган фуқарога бу катта жазо, бунинг ўрнига қочган мансабдорлар уйларига ўт қўймоқ, иложи бўлса Гурлан томонларга айғоқчилар йўллаб, амирни тутиб келиб, фуқаро кўзи олдида дорга осмоқ ниятида бўлди.

Қочганларнинг она-оталари зиндонга ташланиб, бир неча айғоқчилар тунда Жайхун томонга юборилди, мақсад амирни тутиш ёки ўша ернинг ўзида ўлдириш!

Подшоҳ тарафдорлари унга сидқидилдан хизмат қилиб келган мансабдорлар "биз подшоҳ учун хизмат қилганмиз" деганига қарамай уйларига ўт қўйиб, мулкларини талон-торож қилдилар. Шоҳсанам, қўлга тушган сардорларнинг зиндондан қочиши олдинги шоҳ сипоҳийларининг устунлигини сездириб турарди. Ғазаб алангасида куйган, шаҳвоний тонготару базмларда толиб, кўзи ичига кириб кетган Йўсуфшоҳ фармони билан ясовулбоши ўн чоғлиқ отлиқ одамлари билан тасир-тусир келиб, саройдан унча узоқ бўлмаган жома масжиди орқасидаги хўжалар истиқомат қиладиган кўчадаги олти хонадонга ўт қўйиб келдилар...

Ярим тунда бир неча ҳовлилардан ёнгин кўтарилди. Томлардан кўтарилган оташу дуд осмонга ўрларди. Маҳалла осмонини қора дуд қоплади, осмондаги юлдузлар ҳам кўринмай қолди. Дод-фарёд, қий-чув, тўполон кўтарилди, пақир кўтарган кишилар анча нари зовурлардан, ҳовузу пастак қудуқлардан сув ташиб келиб, алангага отишар, лекин эшигу дарчаю айвонлар шипидан

кўтрилаётган оловга ёғ сепгандай бўлар, олов авж олса олардики, аммо пасаймасди. Уйлар тонг отгунча ёниб, устунлар кўмир бўлиб ерга қўлади.

Одамлар ичида пақир кўтариб, аллақасдан сув олиб келган Жулдир девона ҳам алангага сув сепарди-да, ундан сўнг оғзини оташга тўғрилаб, пуфлар, шу йўл билан алангани ўчирмоқчи бўларди. Шундан сўнг фиғон кўтариб, титраб бақирарди — у ашула айтаётирми ёки дод солаётирми, билиб бўлмасди.

Ё раб, маний мубталои ҳижро-о-о-н қилма-а-а!
Дарду гам аро ишимний афго-о-о-н қилма-а-а-а!
Ман, зорний қаҳр бирла гирё-о-он қилма!
Агёрни меҳр бирла хандо-о-о-н қилма-а-а!
Гирё-ё-ё-о-н қилма-а-а!

— Ҳей, манглайи қора, манқурт! Бақирма!— деди ўт ўчираётган оломон тепасида турган отлиқ суворий навкарлардан бири,— бақиргандан кўра сув олиб келиб сеп!

— Сепмаймен!!!— деди у жазавада ўйинга тушиб,— сепмаймен! Сепмаймен! Ёнса ёнаберсин! Салтанат ёнсин! Йўсуфшоҳ Хоразмни қиморда ютиб олди, ҳа-ҳа-ҳа!

— Ўчир овозингни!— суворий қиличини суғуриб, тигини тескари қилиб ёни билан шапиллатиб девонанинг орқасига туширди. Девона қилични кўриб, тани ачишганидан ўзини ерга отиб, мен энди ўлдим дегандек бир лаҳза ётди, кейин бош кўтариб чордона қуриб ўтирди-да, икки қўли билан бошини ушлаб кўрди. Хайрият, бош жойида турибди. Ундан сўнг уёқ-буёғини тимирскилади, ҳеч еридан қон оқаётганини сезмади. Наҳотки босқинчи суворий қилич солсаю, боши жойида турса, қон оқмаса! Ё, тавба! Ёки у ўлиб, нариги дунёга кетаётганмикан? Одамлар ғалағовурига қулоқ осмай, бир муддатдан сўнг рўпарада куйиб, томлари қийшайган, устунлари, эшик ва дарвозалари қопқора кўмир бўлиб, аччиқ тутун чиқаётган ҳовлига кирди. Ёниб куйган бир катта хонага тикилиб, донг қотиб қолди. Хонанинг куйиб бўлган эшиги тагида қора кўмирга айланган бир она ётарди. У чақалогини қучоқлаб олган. Жулдир девона ердаги бешик қолдиқлари, тувак, куйган устихонларга кўзи тушиб, яна дод солди. Ҳовлига кириб, таом сўрарди. Бу уйни эгаси Гурганжнинг мўътабар кишиларидан бири, амирлашкар Абулжаъфар ҳазратларининг куёви Ҳасанбек эди. Бекнинг қочганидан ҳам хабари бор, лекин саховатли — бир қоса таомини аямайдиган кимса

эди. Унинг бешикни олиб чиқолмай чақалоғи билан куйиб кул бўлганини кўриб, "ўлган" жулдур девона бирдан "тирилиб," бақириб юборди. У шу лаҳза кўчага чиқиб, одамларни ичкарига бошлаб кирди, оғзи кўпирган, гўлдирар, қўли билан ичкарини кўрсатарди. Ҳар замон, икки қўли билан пашшага ўхшаб бошини ушлаб қўярди. Боши борми ё йўқми? Борлигини сезгач, бақирар, пақир кўтарган одамларни ўша ёнган ҳовлига, бешигини кучоқлаб кўмир бўлиб қолган она ёнига олиб келарди. Жулдир девона кетидан кириб, ёниб кўмир бўлган она-бола, бешик қолдиқларини кўрган одамлар ҳовли атрофига тўпланишди, гала-говур гап кетди. Аёлнинг оташ ичидан бешик кўтариб қочиб чиқолмаганини, эҳтимол эшик қулф бўлганмиди, деб афсусланишарди. Девона одамларга анграйиб туриб, яна дод солди. Зикр тушгандек, ўзининг эски ашуласини айтиб, ер тепиниб, хувв-хуввлаб, одамлар ўртасида айлана бошлади. Қўлларида халқа, асою кашкул, бошида кулоҳ, жазавода зикр тушиб, тангрига илтижо этар, лаблари кўпирган, терлаб кетган...

Ё-раб, маний мубталои ҳижрон қилма-а-а!
Дарду гам аро ишимний афгон қилма-а-а!
Ман, зорний қаҳр бирла гирён қилма-а-а!
Агёрни меҳр бирла хандон қилма-а-а!
Гирён қилма!

У ўйин тушиб, бақириб, одамлар орасида айлана бошлади. Орадан бир муддат ўтгач югуриб ўша хонага кириб, куйган бешикнинг бир бўлагини кўтариб чиқди.

У одамларга кўрсатиб, яна дод солиб, зикр тушгандек, хувв-хуввлаб, "Ё-раб..." ни қайта-қайта айтабошлади. Девонанинг ноълаю фигони, гирясини кўриб, кўчаларга тўлиб кетган одамларнинг баъзилари кўзига ёш олиб, бошга тушган фалокатдан худога ёлборардилар. Баъзилар дарғазаб, "икки шаҳзоданинг тахт талашуви юрт бошига тушган бало..." дердилар. Баъзилар ҳозироқ элни бошлаб, калтагу тешаю болта кўтариб, Саройга, босқинчи Йўсуфшоҳга қарши боришни мўлжаллашарди. Лекин ўзида зикр тушгандек хувв-хувв, деб, босқинчини лаънатлаб, "мусулмон мусулмонга зулм қиляптя", деб бақирарди. Узоқда пойлаб турган беш-ўн куролли отлиқлар оломоннинг Сарой томон оқиб боришига йўл бермасликка тайёр туришарди. Оломон борган сари кўпайиб, "Абулжаъфар

саркарданинг куёви Ҳасанбек хонадони кўйиб кетгани, саркарданинг қизи бешикни кучоқлаганча кўмир бўлиб қолганини айтишиб, янги ҳоким томонига ўтиб кетган Абулжаъфар ҳазратларини лаънатлашар, ўз фарзанди, неварасини куйиб кул қилган ҳокимга қандай хизмат қилар экан, деган гапни ҳам айтишарди.

Ҳувв-ҳуввлаб, майдонни айланиб юрган Жулдир девона бирдан югуриб бориб бу томонга келаётган мансабдор суворийнинг оти узангисига ёпишиб, нола қила бошлади.

Ё-раб, маний мубталои ҳижрон қилма-а-а!..

У узангини қўйиб юбормай, қўли билан от устида турган кимсага Ҳасанбек ҳовлисини кўрсата бошлади.

Мансабдор отдан тушиб, девона билан ўша ҳовлига йўл олди. Оломон бу мансабдор суворийни дарҳол таниди: "Абулжаъфар ҳазратлари" эди. Девона-девона эмас, биз девона, деди кимдир, унинг кўзи ўткир, бошқалардан кўра хушёр экани, узоқдан келаётган ҳазратни дарҳол таниб, унинг ўз фарзанду невараси куйиб кўмир бўлганини кўрсатди. Бошини учириб юбормоқчи бўлиб, қилич солган босқинчи навкарни ҳам кўрсатди. Лекин Аллоҳ унинг бошини узилиб кетишига йўл бермагани, бандасида ҳеч қандай куч йўқ, бари Аллоҳнинг иродаси эканини такрор-такрор айтарди.

Хонанинг кўмир бўлган эшиги ёнида куйиб ётган бола-сини, хотини Сарвинозни кўрган Абулжаъфар ҳушидан кетиб, ерга йиқилди. Ҳеч ким унга қарамади, бирон одам ёнига кирмади, ликканбоз хотини хусусидаги гап-сўзлар шаҳарга ёйилган эди. Кирганлар қайтиб чиқди. Бирон одам челақдаги сувдан оғзига томизмади ҳам. Одамлар бу "юк-сак мансабдор"дан ҳазар қилганини кўриб, олазарак бўлиб турган Жулдир девона ҳам ундан ўзини тортиб, хонадан чиқиб кетди-да, одамларга қўшилиб, ҳувв-ҳуввлаб, жазавада зикр туша кетди. Замона охир бўлганини, оға-инидан меҳр-оқибат кетганини, золим шоҳ фуқаро уйига ўт қўйиб, бешикдаги болаларгача куйдираётганини айю-қаннос солиб, кенг кўча майдони, чорраҳада айланарди. Ноълау гиря овом оломонни титратди, юракларда золимга нисбатан қаҳру ғазаб алангаланарди.

Кеч киришига яқин ёнган уйлар ўчди, гарчи баъзи жойларда аччиқ дуд ҳамон чиқиб турганига қарамай, асосан ўт қўйилган хонадонлар ёниб тугади. Оломон

тарқалди, чарчаб ҳолдан тойган Жулдир девона ҳам қасққадир ғойиб бўлди — нотинч, қўрқув ичидаги Гурганжга қоронғулик чўка бошлади. Узоқ-узоқларда қоровуллик қилиб турган беш-ўнта қуролланган отлиқлар ҳам кўздан йўқолди. Бу фожиа юз берган жойнинг туни негадир жимжит, ҳатто тун чўккач тинимсиз вовиллайдиган итларнинг овози ҳам эшитилмас, сокинлик хукм суларди. Наинки пойтахт, бутун мамлакат ғўристонга айлангандек эди.

Девоналар ухламайди. Лекин бугун ўз хужрасида оч ва ҳориб мизғиган Жулдир девона тонг ёришиши билан туриб, жулдур либосларини, халқаю кашурларини осиб, наридан-бери хумчадаги сувга юзини ювиб, тўплаб қўйган қаттиқ нону сопол мўндидаги аралаш-куралаш хўрагини ютиб, кўчага чикди. Жимжит кўчада изғиб юрган қопоғон, баджаҳл катта итлар "ўзларига таниш" бу кимсани кўриб, думларини ликиллайтиб унинг ёнига келиб, оёқ қўлларидан ялагандек бўлишди. Жулдир девона "ҳа, тезроқ ялайқолларинг! Юрларинг, Ҳасанбекнинг ҳовлисига кириб чиқайлик, бешикдаги чақалоқ тузалганмиқан?.." деб юриб кетди. Итлар унинг орқасидан ўша томон боришди. Жулдир девона ичкарига кириб кетгач, итлар кўчада, ёниб кўмир бўлиб қолган дарбоза ёнида қолишди.

Девона ичкарига кирдию дарҳол яна қайтиб чикди, у ташқарида пойлаб турган уч-тўрт кўппакка қаради:

— Тсс! Жим турунглар, вовиллаб юборманглар! Абулжаъфар ҳазратлари ўзларини ўзлари осиб қўйибдилар...— деди-да элликбоши ҳовлисига хабар қилгани кетди.

Қизи, хотини ва яна бошқа уруғларининг куйигини кўриб, ҳушидан кетган Абулжаъфар вайрон бўлган хонасининг девор устида қолган бир хомага арқон ташлаб, ўзини-ўзи осган эди. Заррин либосдаги юмалоқдан келган олий мансабдор қисматини ўзи белгилаб чўзилиб, осилиб турарди...

XXXIII боб

ТАШНАЛИК

Малика зиндондан қутқарилиб, ўн чоғли сардорлари ҳам озод этилгач, шитоб билан йўлга тушган мўрдак арава далама-дала жадал борарди. Тонг ғира-ширасида Гурганждан чикди. Шитоб билан юриб, Гурланга икки-уч фарсанг қолганда йўл устида тўхтади. Арава ёнида отда қилич яланғочлаб кетаётган амир Алп-Арслон дарҳол арвакаш —

сарбоз йигитга "нима гап?" дегандай мурожаат этди. Сор-
бон ҳам қилич осиб олган эди. Орқароқда отининг белини
букиб келаётган давангир Муҳаммад Али ал-Мисрий ҳам
от жловини тортиб тўхтади. Олдинда кетаётган икки
сарбоз ҳам тўхтадилар.

— Малика безовта бўлаётирлар,— деди аравага
қўшилган от устидаги сарбоз.— сув-сув, деган овозни эши-
таётирмен. Шу сабабдан тўхтадим.

Амир дарҳол отининг бошини буриб, арава ёнига кел-
ди-да, орқадаги пардани кўтариб, Шоҳсанамга мурожаат
этди:

— Маликам, бир нима тилайсизми? Сув дедингизми?

— Амир ҳазратлари, мен ортиқ боролмаймен... Юрагим
куядир. Ҳушим ўзимда эмас. Дунё чарх айланиб кетаётир.
Томоғим қақраб кетди... Мен Гурлонга етиб боролмаймен...

— Ё, алҳазар!— деди амир дарҳол ёнига ал-Мисрийни
чорлаб,— сув келтир! Маликам чанқаган. Беҳузур
бўлмоқда... Сув келтир!— у ал-Мисрийга қаради.— Югур,
анави қишлоққа бор! Қайнаган сув, совуқ сув... барибир!
Тез бор, паҳлавоним!

Шоҳсанам беҳол ётар, баъзан тўлғанар, инграр, оҳ
урур, лаблари қуриб, кўкариб энтикарди. Кўнгли беҳузур
бўлаётгани амирнинг капалагини учириб юборди. Икки
ҳафта зиндонда ётмоқ осонми!

Шу лаҳзанинг ўзидаёқ ал-Мисрий от чоптириб, узоқда
кўринган қишлоққа югурди. Амир нима қилишини билмас-
ди, малика билан гаплашмоқ, уни чарчатмоқни лозим
топмасди. Унинг ёнига ўтиб гапга солмоқни ҳам ўзига эп
кўрмасди. Номахрам хотин ёнига ўтмоқ, қўлини ушла-
моққа шарият йўл бермайди!

Беҳол ётган Шоҳсанам барча истеҳзоларни фаҳм этар,
амирнинг ниҳоятда одобли, шарият йўлини бузмаслигини
ҳам биларди. Лекин юракда аланга олиб, туғён ураётган
муҳаббат ҳамма қоида "қўрғонларини" бузиб юборишга
қодир! Унсиз бир нидо Шоҳсанам юрагидан фавворадек
отиларди. Лекин зиндон захи жонини суғириб олгани ва
бунинг устига араванинг қалдур-қулдури юракни бестоқат
қилиб, ҳозироқ жони узилишини сезиб турган Шоҳсанам
арава тўхтаганидан фойдаланиб, ётган ерида бош кўтарди.

— Амир ҳазратлари!

— Лаббай!

— Отдан тушиб, менинг ёнимга чиқини!

— Хўп бўлади.

— Бир табиб сифатида чиқинг. Ахир табиблар номаҳрам ёнига кирадилар-ку. Шариат бунга йўл беради. Сиз менинг ҳам табибим, ҳам халоскоримсиз. Тортинмай ёнимга келинг! Йўлдошларингиз менинг аҳволимни кўриб турибдилар-ку! Агар кўнгилларига бир нима келса айтинг, ёмонлиқни ўйламасунлар. Менинг умрим тугамоқда. Сиз ҳазратнинг қўлингизда жон берсам дейман. Келинг, тез келинг!

Амир Алп-Арслонинг юраги шигиллаб кетди, шу лаҳза отдан ерга сакраб тушиб, от жилловини йўлдошларидан бирига тутқазди-да, ўзи арава ичига кирди. Беҳол ётган Шоҳсанамнинг бошини тиззасига олди. Қўлларидан ушлади, дарҳақиқат табиблардек билагини ушлаб, томир уришини кўрди. Бармоқлари совиган... Ташналик, сарой жаҳнатида яшаган бу фариштанинг зах ертўла зиндонга тушиб қолиши бир ҳафта ичидаёқ, уни куч-қувватини сўриб олган, рамоғда жон қилган эди. Унинг жонидан умиди йўқ, мабодо Йўсуфшоҳ одамлари кўриб қолгудай бўлса нимча чўнтагидаги заҳарни оғзига тўкиб, зиндонда ҳалок бўлишни мўлжаллаб ётган эди.

Амир Алп-Арслон Шоҳсанам пешонасига кафтини қўйди, Дарҳақиқат иссиқлик ўрнини совуқлик босган... У қўлини олаётган эди, Шоҳсанам амир кафти устидан ўз кафтини босиб, секин: "Ҳазрат, пешонамдан қўлингизни олманг, Онажоним шундай қилар эдилар, мен ўшанда тузалиб кетардим..." деди.

— Хўп, маликам,— у анча вақтгача Шоҳсанамнинг гўзал пешонасига йўғон ва қадоқ кафтини босиб турди. Кейин сочларини, икки қалдирғоч қошларини ҳам силаб қўйди. "Табиб сифатида" пешонасидан ўпди. Бу эракалаш Шоҳсанамга ёқдими, унинг лабларида таббасум аломатлари пайдо бўлди. Тирилаётгандай бўлди.

Шу лаҳза ал-Мисрий от чоптириб, далалардан далаларга ўтиб, ўқдек учиб келди. У қўлидаги хумчани узатди, унда муздек булоқ суви бор эди. Ундан сўнг дарҳол бир хурмача қатиқни ва бир сиқим тўғралган пиёзни ҳам амирга узатди.

— Амир ҳазратлари, аввал қатиқни хўплатар экансиз. Пиёзни ҳам чайнаб ютсунлар! Бунини берган хонадон эгаси шундай, деб тайинлади. Мен ул кишига зиндондан одам олиб кетаётирмиз, дедим. У муҳтарам зот бу гапни эшитгач, бир қултум сув ичиринг, сўнгра хурмачадаги қатиқдан, сўнг пиёз беринг, дедилар. Иложи бўлса сувдан кўра ҳам қатиқни, сўнг пиёз беринг, дедилар. Иложи

бўлса сувдан кўра ҳам қатиқни ичиринглар, дедилар. Қатиқ инсон вужудидаги барча иллатни йўқотади, қатиғу пиёз бебаҳо дори дедилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, маликага қатиқ хўплатиш керакдир.

— Сенга ташаккур, паҳлавон! Сен инимдан ҳам аъло-сен!— деди амир кўрпачага тўкилганига ҳам эътибор бермай. Шоҳсанамга аввал қатиқ хўплаттирди. Ундан сўнг, ёнидаги ханжарини суғириб, тезда пиёзни арчиб, тўграб, Шоҳсанамга едирди. У ижирганиб, пиёзни ёқтирмаслигини айтганига қарамай, оғзига тикди. устидан яна қатиқ хўплаттирди.

Бир муддатдан сўнг, ал-Мисрий ва от устида ўтирган йигитларга атроф-жонибдан кўз узмаслик, мабодо отлиқлар кўриниб қолса, жангга тайёр туришини буюрди.

Шоҳсанам ўзига келмагунча аравани юргизишга рухсат этмади. Бир донишманд табибнинг, киши беҳол бўлганда, дарҳақиқат қатиқ ичишни таъкидлаганини эслади. Пиёз ҳушига келтиришини биларди. У ора-чора арчилган пиёзни Шоҳсанамни бурнига суркаб, ҳушига келтиришга уринарди.

— Жаноб, сиз нима қилаётирсиз?— деди — пиёзни, саримсоқ пиёзни ёмон кўрамен!

— Ҳозир ёмон кўрамен, яхши кўрамен, дейдиган пайт эмас, маликам! Сизнинг саломатлигингиз ҳамма нарсадан муҳим! Инжиқлик қилмай, айтганимни қилинг! Қатиқдан яна хўпланг!

— Ҳўп,— у ҳўплади.

— Чанқов бироз тўхтадимми?

— Ҳа.

— Яна хўпланг!

— Йўқ!

— Илтимоc қиламен, хўпланг!

— Ҳўп,— у ёш гўдакдек инжиқлик қилар, эркаланарди,— амир ҳазратлари, мени бу кўрпачадан тиззангизга олинг, бир табиб сифатида. Арава юриши билан юрак безовта бўлади.

— Ҳўп,— Амир Шоҳсанамни кўрпачадан кўтариб, ўтирган жойида тиззасининг устига олди. оҳиста қучди. Араванинг олдидаги пардани қия очиб, аравакашга: "Ҳайда! Кетдик!" деди. Арава қалдирасада Шоҳсанам кўнгли амир оғушида унча беҳузур бўлиб, юраги ўйнамади. Беланчақда ётгандек бўлди. Бу ҳолга кўзи тушган ал-Мисрий дарҳол юзини ўгириб, отига қамчи босиб, олдинга ўтиб кетди. Беҳол маликани Гурланга қадар

шундоқ олиб бормаса, арава қалдур-қулдирида жони узилишига кўзи етди. Зарурат туғилганда номаҳрамга бундай илтифот — ёрдам этилишига шарият йўл беради, деб ўйлади. Шоҳсанам амир қучоғида боладек беозор борарди. Лекин улар лом-мим дейишмасди, беҳол Шоҳсанам она қучоғида кетаётгандай, амир ҳазратлари тиззасида, бошини унинг кўксига қўйганча борарди. Уларнинг нафаслари урилиб турарди.

Аммо шарият қоидалари бузилди: бир муддатдан сўнг амир Шоҳсанамнинг қош-кўзларини ўпиб, эркалаб, бағрига босди. Худди шундай эҳтирос билан Шоҳсанам ҳам унинг бўйнидан қучди. Ҳлик танда жон пайдо бўлди.

Арава Гурлонга яқинлашганда амир Шоҳсанамга мурожаат этди:

— Бир оз тузукмисен?

— Тузукмен.

— Қатиқ ичирайми?

— Ҳазрат, Гурлонга етиб қолдикми?

— Озгина қолди.

— Унда мени кўрпачага ётқазиб қўйинг. Худо гуноҳимни кечирсин.

— Маликам...

— Энди ўлсам армоним йўқ...

— Ундай деманг. Мен сени жонимдан ортиқ севамен. Жасоратли бўлмоқ лозим. Сен от миниб, салтанат учун жангга кирган ёлғиз аёлсен, жасоратли бўл!

— Мен салтанатдан кўра ҳам сиз ҳазратнинг ёнингида бўлишни, сизни ҳимоя қилишни, енгилсак бирга ҳалок бўлишни кўзлаб жангга кирганмен. Ғолиб чиқсак бирга ғолиб чиқишни умид қилдим. Баъзиларнинг жангдан қочишини билардим...

Икковлари бир лаҳза жим бўлиб қолишди. Мўрдак арава ва беш қуролланган сувори кенг дала ўртасидаги йўлда, Гурлон томон жадаллик билан боришарди.

Улар куннинг ўрталарида Гурлонга кириб келишди. Қалъадан анча берироқда, йўлнинг икки томонидаги пис-тирмаларда яшириб, туну кун қўриқчилик қилаётган пиёдалар кўзи араваю отлиқларга тушди. Паналикдан от суриб, отилиб чиққан суворий — элликбоши /амир қўшинидаги энг зўр сарбозлардан Отажон Бўтакўз/ келиб, амир ҳазратларига таъзим этди, у бу ишлардан хабардор эди, лашкарбошини қутлади. Агар улар яна бир кун кечикканларида Бўтакўз-элликбоши ўзининг гала сарбозлари билан ярим тунда орқама-орқа бориб, зиндон атро-

фидаги ясовулларни чошиб, маликани, бошқа сардорларни қутқариб келишга шоҳ фармонини олган эди. Амир ўз сарбози билан қўл олишиб, омонлашишди, Аллоҳгу шуқр, бу ишда Аллоҳнинг ўзи ёр бўлди, деб от устида юзларига фотиҳа тортдилар.

Сарбоз Бўтакўз уларни Гурлон дарбозасигача кузатиб, яна орқасига қайтди. Арава ва отлиқлар қалъа беги ҳовлисига кирди. Атрофи девор билан ўралган бу кўркам ҳовлида Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ўз хонадони билан бирга турарди. Қалъа ичидаги бошқа номдор кишилар ҳовлиларида ҳам подшоҳга содиқ бир неча мансабдорлар истиқомат қиларди. Мўрдак арава дарвоза олдида тўхташи билан хизматкор хотинлар курси олиб чиқиб Шоҳсанамни эҳтиёткорлик билан аравадан туширдилар. Кўрпа-ёстиқ солиб тайёрланган озода хонага олиб кириб, тоғорада илиқ сув келтирдилар. Маликанинг юз-қўлини ювишди, кийим-кечакларини ечиб олиб, ўзга либос кийгазишди. Илиқ сувга оёқларини солиб ювишди... Яна пиёз тўғралган бир коса қатиқ олиб кириб, зўрлаб ичиришди. У кулди: "Яхшики улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино, "мен ўлсам бу дунёда қатиқ қоладику, қатиқни ичаберинглар," деган эканлар. Қатиқ ичабериб юрагим тўлиб кетди-ку!" деди.

Шоҳсанамнинг зиндондан қутқарилиб, йўлга чиққан хабари аллақачон шоҳга, шаҳзода Сулаймоншоҳга етиб, "аркони давлат" бир қадар тасалли топган эди. Бир муддатдан сўнг Шоҳсанам мурғ шўрва ичиб, бир оз ўзига келди. Сочларини сандал ёғочидан ясалган тароқларда тараб, олтин ва зумрад тақинчоқларини тақиб, либосларига атру ифор сепиб, беҳоллигига қарамай, ўзига пардоз бериб, парёстукларда ётди. Унинг хонасига подшоҳ, улуғ малика Суюк хотун, шаҳзода Сулаймоншоҳ кириб келишди. Хона даҳлизда шаҳзода виқор билан ўз онасига /Шоҳсанамга ишора этиб/: "Аёл киши отга миниб, қилич ушлаши тўғри эмас-да! Мана, қанча овораю сарсонлик..." деди. Бу гап отага ҳам, онага ҳам унча ёқмади. Подшоҳ ҳам, малика ҳам индашмади. "Сен ўзинг нега Гурганжни ташлаб, бунда келдинг! Хотинингчалик ҳам бўлмадинг, қўлингга қилич тутмадинг!" деган гап ота юрагидан ўтди. Лекин иш бундай бўлганида ўғлининг ёпирилиб келган мўри-малахдек бойкандликлар оёғи остида қолиб, ҳалок бўлишини ҳам кўз олдида келтирди.

Шоҳ ҳазрати олийлари, малика ва шаҳзода кириб келишлари билан Шоҳсанам дарҳол ўрнидан туриб, Олий

ҳазратга салом берди. Ҳазрат қўли билан ишора қилиб, унинг жойида ўтираверишини айтди.

— Ассалому алайкум, Ҳазрати Олийлари,— ўрнидан туриб, бош эгди Шоҳсанам.

— Ваалайкум ассалом!— деди подшоҳ тайёрланган курсига ўтириб,— қизим, кўргулик экан, анча азоб чекдинг... Қани, /подшоҳ, малика, шаҳзода ва Шоҳсанам қўлларини фотиҳага очдилар/ Бисмиллоҳир раҳмонир Раҳим...

Дуодан сўнг подшоҳ келинига бир неча савол тариқасида гап айтди:

— Қизим, табиб чақиртирдик. Иншоолло, тузалиб кетасен. Худо хоҳласа ганимлардан пойтахтни озод этамиз, ҳақ йўлига қарор топади!

— Айтганингиз келсин, улуғ ҳазрат! Сиз, салтанатимиз отасисиз, пушти-паноҳимизсиз, доимо Аллоҳдан сиҳат-саломатлик тилаймен. Юртдан ёмонлар ҳайдаб чиқарилишига ишонамен. Доимо сизга худо ёр бўлсин!

Подшоҳ Шоҳсанам билан илиқ хайр-хўшлашиб чиқиб кетгач, қайнонаси — Улуғ малика келини пешонасини ушлаб, силаб, дуо қилиб чиқиб кетди. Унинг ёнида эри — шаҳзода Сулаймоншоҳ сўлжайиб ёлғиз қолди.

— Номард амаким сени зиндонга ташладими? Қандай ярамас инсон! Унинг қони бузуқ, у тарсо хотиндан бўлган... Унинг ёмонлиғи ёшлигидан маълум эди... Ахлоқи бузуқлигини билган бувам — Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳазрати олийлари унга салтанатни қолдириб бўлмаслигини билганлар. Зиндондаги зах ертўлага жосуслар, хоинлар... ташланарди, сен ўша ерда ётдингми?

Эрининг бу гапларига Шоҳсанамнинг оғзи очилиб қолди. У, ҳатто, ўпиш у ёқда турсин, қўлини ушлашга ҳам тортинди. Эрининг совуқ юзига тикилиб: "Ҳа" ишорасини қилди. Эҳтирослар, ширин сўзлар йўқ, муҳаббат йўқ, совуқ бир ҳайкал тошга ўхшаб кўринди эри. Бу мижғов шаҳзодага қандай қилиб текканини ўзи ҳам билмасди. Шоҳ "сўлжайган ўғлига" Туроннинг энг гўзал қизини олиб берган эди.

— Майли, тузалиб ол, кейин гаплашамиз,— Сулаймоншоҳ хайрлашиб ташқарига чиқиб кетди.

Эрининг совуқ муомаласи юрагига ханжардек ботди. Унинг кўнгли беҳузур бўлабошлади, тезроқ табибнинг келишини истарди.

Наҳотки эр бўлиб, ҳеч бўлмаганда қўлидан ушламаса! Жуда бўлмаганда қайнонасичалик пешонасига кафтини босмаса! Ундан ҳазар қилгандек, узоқ туриб гаплашгани,

ўша зах зиндонни эслатгани бу унинг ақдан заифлигимикан ёки амир билан ораларидаги муҳаббатни сезиб юришимикан? Шоҳсанам хаёлу изтироблар қуршовида қолди. У эридан норизо — ҳали шу маҳалгача яланғоч қучмагани, ўпмагани, эзмагани... бир томон, айни вақта унинг олдида ўзини гуноҳкор одамдек хижолат тортарди. Бир ёстуққа бош қўйган кимса, наҳотки ўлим жойдан соғ-саломат келган хотинини навозиш этмаса, кўнгул учун ҳам...

Шоҳсанамнинг юраги сиқилди. Оҳ уриб, ёстуққа бош қўйди. Шу лаҳза айвонда кутиб турган табиб ва яна бир хизматкор хотин унинг ёнига киришди.

Ҳовлида шоҳ билан амир рўбарў ўтириб суҳбатлашишарди:

— Жулдур девона қиёфасида бордим. Улуғ ҳазрат, шу одамнинг тарихидан хабардормисиз?

— Ҳа,— деди шоҳ бир оз хаёлга кетиб,— хабарим бор. Уни Мажнун дейдилар. Қисмати оғир бўлган. Анови ярамас ад-Давлага икки бор буюриб, уни ватанлик қилиб қўйинг, кийим-кечак бериб, кўмак этинг, дедим. Икки бор ҳам бизнинг ёрдамимизни қабул қилмабди. Ўзга бева-бечораларга бериб юборибди. У ғаройиб инсон. Келинимни қутқариб келганингиз, мардлингнингизга тасанно айтамен, ташаккуримни қабул қилинг, амир ҳазратлари! Юртни босқинчидан озод этгач, иншоолло, ҳурматингиз яна ҳам ошур. Салтанат учун чеккан заҳматларингиз учун Аллоҳ ўз даргоҳида ёрлақанган бўлсин.

XXXIV боб

ЯШИРИН МАШВАРАТ

Гурлан билан Гурганж оралиғи узилган, йўл четларига пистирмалар қўйилган эди. Фақат жума бозори кунлари савдо-сотик қилмоқ, мол ҳайдаб бормоқ, турли-туман озиқ-овқат ортган араваю оту уловлар қўйиб юбориларди халос. Аммо тиф яланғочлаб юрадиган, сўмрайган байкандлик суворилар ҳамма ерда ҳозир у нозир, Йўсуфшоҳ томондан берилган катта ҳуқуққа эга бўлиб, тўғри келган хонадонни талаш, тўғри келган отлиқни, агар у итоат этмаса, чопиб ташлаш билан ваҳшат солардилар. Йўсуфшоҳ томонига ўтиб олган сардорлар қилт этган кишидан бад олиб, у "подшоҳ жосуси" ёки "амирнинг жосуси..." деб, авлоқ ерларда навкарларга буюриб, гумон билан кўп одамнинг ёстуғини қуритди. Гурганжда, босқин-

чи қўшин ичида тажовузу бебошлик ғоятда авж олди. Айшу ишрат сураётган Йўсуфшоҳ тарафдорларининг эртанги кундан умидлари йўқлиги сезилиб турарди, аммо улар шу "беш кунлик дунёда жаннатий ишрат" бежавфу уатар ўтсин учун пойтахт ичи ва ташқарисида, бу томони Тошовуз, бу томони Гурлану Жайхун ёқаларигача калла-кесар навкарларни гала-гала қўйган, улар туну кун йўлтўсарлик қилишарди...

Олий ҳазратнинг буйруғи билан қўшинларни Гурлан атрофига тўплаш, Манғит, Тошовуз ва ҳатто анча жануб ёқдаги Хивақ отлиқларини, Сарикамиш майдонидаги уч юз отлиқни ҳам Гурланга олиб келиш ишларини изғиб юрган жосусларга сездирмаслик учун ярим тунда амалга оширар эдилар. Эсон-омон подшоҳ қароргоҳи атрофига олиб келинган икки мингта яқин найзабардор пиёдаларни, қора чирикни Тахта қишлоғи яқинига жам этиб, чодирлар қуриб, қозонлар осиб ҳужум тараддуди кўрилаётганини жосус кўзлардан мутлақо пинҳон тутишга уринардилар. Қўшин сардорларига амир Алп-Асрлон йўл йўриқлар кўрсатиб, орага биронта бегона кимса суқилиб кириб олишига мутлақо йўл қўймасликни такрор-такрор айтарди. Гап маишатбоз Йўсуфшоҳ устида эмас, айгоқчиликни султон кишилари бажарарди. Хуллас, подшоҳнинг уч-тўрт бўлакка бўлинган қўшинини /кейинги олти ой ичида қўшинларни Абулжаъфар атайи бўлиб юборган эди/ асосан Гурлан атрофига тўплаш, кутилмаганда тонготарда ҳужумга ўтиш кўзда тутилган эди.

Атайи Жума-бозор куни, амирнинг лашкар тепасидан Гурганжга қайтган куни, кечки номози асрдан сўнг подшоҳ Аълоиддин — Отсиз ҳазрати олийлари ўз қароргоҳида машварат чақирди. Машваратда узоқ хорижий сафардан тезда етиб келган шаҳзода Йинол-тегин, Сулаймоншоҳ, Отлиқшоҳ, шайхулислом, амир Алп-Асрлон, амир Музаффар-Тамғоч, шоир Рашидуддин ал Ватвот, лашкар сардорларидан Муҳаммад Али ал-Мисрий... ўнга яқин арбоблар ҳозир бўлдилар. Барча ишларни босиглиқ билан ўтказаетган, бир кам эллик ёшга борган Аълоиддин Хоразмшоҳ — Отсиз кенг хонада давра ясаб ўтирган ўз саркардаларини бир-бир кўздан кечириб, салмоқланиб гап бошлади. Катта хона ўртасидаги хонтахта устида, токчаларда бир неча шамлар ёниб турарди. Киришда, юқорида қалин кўрпачалар устида чордона қуриб ўтирган подшоҳга салом бериб, ўз мавқеларига қараб ўтирган шаҳзодаю саркардалар ва сардорлар подшоҳдан кўз узмай, унинг айтажак сўзларига жон

қулоқларини тутиб турардилар. Подшоҳнинг ўнг томонида, қалин кўрпача устида шайхулислом ҳазратлари, чап томонида кеча сафардан қайтган иниси Йинол-тегин ҳазратлари, ундан қуйида шаҳзодалар, амирлар ўтирарди. Ҳаммада қандайдир бир бесаранжомлик, интиқом газаби, агар ҳозироқ фармон бўлса, "маккорона босқинчиликдан доғда қолган" Туронзаминнинг бедов отлари сўлуқни узиб, ҳайқириб, Гурганж устига, хиёнаткор босқинчилар устига югуришга тайёр! Лекин, бугун ва ҳозироқ фармон бўлади, қиличлар ярқирайди, далада жанг тўс-тўполони авжга миниб, душман ҳайдалади, деган фикр ҳамманинг дилидан ўтди. Аслида гап бошқачароқ бўлди:

— Муҳтарам зотлар! Маълумингизки, биз эртага тонг отарда ҳужум бошламоқчи эдик,— деди подшоҳ машваратга йиғилганлар диққатини жалб этиб, аммо пойтахт ичидаги ишончли кишиларимиз ва кейинги ҳафтада у томонга йўллаган айғоқчиларимизнинг менга етказган хабарларига қараганда нобакор Йўсуф "бизнинг белимиз синиб, тугаганимиз"... ҳақида оғиз кўпиртириб гапирмоқда. Тинимсиз сархушлик, базм ва бошқа ахлоқий номаъқулчиликлар унинг касбига айланган. Унинг панжаси орқасида султоннинг қудратли панжаси борлигини кўриб турибмиз. Майхўрлик, фоҳишабозлик авжга миниб, эски боғбонларимиз тайёрлаб қўйган ичимликларни қидириб, зўравонликлар ҳам қилмоқда. Хумларни тортиб олиб кетмоқдалар. Мен ишончли кишим Абдулрауф боғбон ва у яхши танийдирган боғбонларга хабар етказиб: "б.рча хуму хумчаларни араваларда ўша муттаҳамга олиб бориб беринглар. Тарсо Язитдан бўлган ҳароми ичсин", дедим. "Босқинчи сардорларга май мусалласларни тарқатиб беринглар", дедим. Боғбон шу бугун тунда ўз ошноларига бу топишириқни етказди. Ўзи ҳам икки хум мусалласини нопокларга "туҳфа" этади. Азбаройи қурбоннинг кам бўлиши, кам қон тўкилишини ҳисобга олиб, эртадан кейин, индин тонг саҳарда, ғанимлар сархуш ётганида ҳужум бошлаймиз! Майхўрлик наинки ақлни, аҳиллигу интизомни ҳам бузади. Иним Йинол-тегин ҳазратлари, амир Алп-Арслон ҳазратлари ҳам шу фикрдалар. Қон кам тўкилишини кўзда тутмоқдамиз. Ғанимларни ўраб олиб, тирик тутмоқ муддао! Айниқса ад-Давла малъунни!

— Бизлар маъқуллаймиз, ҳазрати олийлари. Илоҳим сизга музаффарият ёр бўлсин!— деди пойгада қўл қовуштириб тик турган абжир сардорлар. Машваратга биринчи марта таклиф этилиб, энг пастда, эшик ёнида қўл қовуш-

тириб турган давангир Муҳаммад Али ал-Мисрий ҳам Аллоҳдан мадад тилаб, подшоҳ фикрини қувватлади.

— Ҳумомиддин — дажжол гоятда айёр!— деди амир Алп-Арслон,— у малъун йўлларда хандаклар қаздириб, хас-чўп билан ёпилиб, устига тупроқ тортирган деб эшитдим. Бундай жойлар тайёрланганидан хабардормен. Ҳамма отлиқларга бу гапни айтиб, иложи бўлса йўлдан четга чиқиб, далада югурмоқ зарур. Битта ҳам отимиз чуқурга тушиб кетмасин. Қалъа сиртида, қўрғонлар кунгурасида камончилар кечаю кундуз пойлаб ётибди. Йўл четида ҳам улар бор. Буни ҳисобга олмоқ зарур.

— Малъун Йўсуфшоҳ ва султон кишиларини тирик қўлга туширмақ зарур!— деди шаҳзода Йинол-тегин,— айниқса ад-Давлани! Уларни қўлга тушириб, асир олгандан сўнг, аниқланажак анча-мунча муаммолар бор. Добу-сия ва Муғ қалъаларининг ҳокимлари у сотқин билан илгарироқ алоқа боғлагани ҳақида маълумотлар бор. Абулжаъфар билан ад-Давланинг Марв билан махфий алоқа қилаётганини Сайхун қалъалари, Утрорда, Жандда эшитдим. Лекин буни аниқлаш керак, дедим. Афсус, вақтида етиб келолмадим. Кечиккан эканмиз... Ад-Давлани тирик қўлга туширмақ ниҳоятда зарур! Бу бадкирдор Хоразм заволини кўзлаб, жуда кўп ёмонликлар қилган.

— Ҳазрати олийлари!— деди яқинда қайтадан амирлашкар этиб тайинланган Алп-Арслон ўрнидан туриб.— Ҳужумга тахт этилиб, тайёрланган отлиқлар икки минг саккиз юзта. Мингбошию сардорлар ҳузурингизда. Маълумингиз, бир минг абжир отлиқларимиз кейинги кун тонг отарда шиддатли ҳужум бошлайди. Иншоолло, бу ҳужум ганимининг белини синдиради, отлиқларни ўзим бошлаб борамен. Кетма-кет тўрт нарвон, зарурат туғилса дарвозани бузиб кирмоқ учун ўттиз газли тўрт йўғон хода аробаларга ортилган. Бари тахт! Отлиқлар орасида уч юз тийрандоз ҳам бор. Бу отлиқлар фармонингиз билан пойтахтнинг Манғит ва Гурлан дарвозалари томон югуради. Икки минг отлиқ, далани айланиб ўтиб, жануб томон пойтахтнинг Хазорасп ва Хивақ дарвозалари томон юриб, шаҳарни ўраб олади. Биронта ганим қочиб чиқиб кетмаслиги учун Дарғон ота ва Жонкелди йўлларига пистирма қўйдирганмен. Саккиз юз отлиқ жангнинг боришига қараб, тепалик ортида, кўздан холи туради, фармонингизни кутиб шай турадурлар. Жанг чўзилса, икки кунлик озиқ-овқат ва отларга беда тайёрланган, улар орқама-орқа боради. Пиёда қўшин минг киши, уларнинг найза-ю, камону

қиличлари шай. Эллик чоғли отлиқ зиммасига хонадонингизни қўриқлаш юкланди. Зарурат туғилса ишга солмоқ мақсадида олти манжанақ ҳам орқама-орқа сарҳадга етиб боради.

— Амир ҳазратлари!— деди подшоҳ вужудида жонланиш, дадиллик пайдо бўлиб,— бу режангиз мени қаноатлантиради. Аммо, мен боя айтганимдек, "майталаб", "майхўрликни" касб этган Йўсуф боғбонлардан мусаллас тўла хум ва хумчаларни тортиб олаётгани, эртага султон Санжар шарафига зиёфат бераётгани маълум бўлди. Хужумни бир кун кечиктириб, кейинги кун ярим тунда маст-аласт бўлиб ётган душман устига хужум бошласак, деган фикрдамен.

— Ҳазрати олийлари, бу маъқул!— деди амир,— дарҳақиқат қон кам тўкилса, малъунларнинг ўзларини ушаб олсак бу муддао! Сотқинлар Аллоҳ олдида, подшоҳ олдида қилган жиноятлари учун жавоб берадилар!

— Олий ҳазрат,— деди таъзим этиб шаҳзода Сулаймоншоҳ,— мен биринчи хужумга амир ёнида борамен!

— Албатта, шаҳзода!— деди подшоҳ.

Жанг пайтида пойтахтни ташлаб қочгани, Шоҳсанамнинг жангга қатнашиб асирликка тушгани юрагини ўртаган шаҳзода ота олдида хижолат эди. Подшоҳ ўз ўғлининг ранглари оқариб, ноқулай бўлаётганини сезар, аммо унинг қаттиқ жанг қилишга лаёқати йўқлигини ҳам биларди. Подшоҳ Йинол-тегин ҳазратларига бир қараб қўйди:

— Мен шаҳзода Сулаймоншоҳнинг лашкар билан бирга боришига қарши эмасмен. Валиаҳд шаҳзода Хоразм салтанати учун бошқалардан кам хизмат қилган эмас.

— Ҳазрати олийлари!— деди шаҳзода Йинол-тегин,— тўғри айтдингиз, олий ҳазрат, биз шаҳзода билан Ҳазорасп ва Хивак — жануб дарбозаларини кўзлаб хужумга борадиган иккинчи отлиқлар қўшини олдида саркарда амир Музаффар-Тамғоч ёнида туриб хужумга ўтамыз,— у атайин "қўшин олдида" деган гапга урғу берди. Шаҳзоданинг амир Алп-Арслонга халақит беришини сезиб, Йинол-тегин ҳазратлари "чигаллик"ни тузатди. Унинг зукко ва устолигига подшоҳ дилдан тан бериб, сезиб турарди. Дарҳақиқат, нимжон, касалванд шаҳзода жанг қилиш у ёқда турсин, амир Алп-Арслонни шиддату ғайратини қайтарарди. Уни орқада қолдириб кетишга хижолат бўлиб, Амир хужум қилмоқ эмас, шаҳзодани ихота қилиш билан овора бўлиб қоларди.

— Мен рози,— деди подшоҳ.

— Олий ҳазрат, амакимнинг режаларидан розимен,— деди илжайиб шаҳзода Сулаймоншоҳ.

Машварат босиқлик, салобат ва заковат билан кетаётганидан бундаги олий мансабдорлар мамнун эди. Подшоҳнинг кўркамлиги, шижоати ва донолигидан султон Санжар дарҳақиқат ҳасад қиларди. Марвда Хоразмшоҳ номи айтилса, султоннинг газаби қайнаб, қон босими кўтариларди.

Ҳозирча шаҳзодани бошқа қўшин тепасига ўтгани Муҳаммад али ал-Мисрийни ҳам ичдан қувонтирди. Чунки шаҳзоданинг ҳар бир ишда сусткашлиги, оз-моз қўрқоқлиги, аччиқ гапу турткилашлар билан амир Алп-Арслон юрагини сиқиши, унинг тоғ бургутидек дадил ҳаракат қилишига монелик кўрсатишини ал-Мисрий яхши сезарди. Сулаймоншоҳ овқатни ҳам секин ер, у лунжидан бу лунжига ўтказиб чайнар, сусткаш, бу одатлари амирга ёқмасди. Буни ўзининг сирдоши паҳлавон ал-Мисрийга амир Музаффар-Тамғочга айтган эди.

Машварат якуни: ҳужум эртага эмас, индинга, ярим тунда бошламоққа фармони олий берилди.

— Пойканд ҳокими паҳлавонлик удумини бузиб, ўз айғоқчилари орқали подшоҳ ҳазратлари шикордалигидан фойдаланиб, фавқулодда бостириб келиб, пойтахтни ишғол этиши Туронзамин тарихида жирканч ишлардан биридир!— деди амир Алп-Арслон,— Бас, шундай экан, у номарднинг ўз гўнгини ўзига едирамиз!

Подшоҳ мийиғида кулди, кейин илжайди. Амирни бадном қилиб, элга гап тарқатган, унинг отаси "Хоразмшоҳлар уруғидан эмаслиги", каби бўҳтон гапларни тарқатган ад-Давла ва Абулжаъфар—"Ноғорақорин"лар унинг кўз олдига келди. Бу сотқинлар амирни уч бор йўқотиб юбормоқчи бўлганликларини, оғир жазо—"Илонлар гори"га (Ғори морон)га ташлашни, заҳарли илонлар чақиб, ит азобида ўлишини кўзлаган эдилар. Ўз уруғи, қондоши, амир Алп-Арслон мислсиз ваҳшатли синовлардан ўтди. Подшоҳ, бу чақмоқ мўйлабли, қирра бурун, қисик кўз яғринлари кенг, Шош қалъасида туғилган йигитнинг вужудида шунча ҳайрату матонат мавжудлиги, Тангри уни мукамал яратганидан мамнун эди. Ўз ўглидек у билан фахрланарди, фитнага ишониб, икки йил аввал илонлар маконига юборганидан гоятда хижолатда эди.

— Сиз, амир ҳазратлари, "паҳлавонлик удуми"ни бузди дейсиз,— подшоҳ амирга мурожаат этиб,— улуғ бувам Ануштекин тоғ оралиғида, тожик уруғларимиз бағрида

дунёга келган, ёшлигида мамлоқ бўлган. У зот "Зўри беҳуда миён мишиканад", дер эканлар. Ғанимларнинг албатта бели синади! У малъун на юртни ва на дини исломни билади! От бўлиб от эмас, эшак бўлиб эшак эмас, бир хунаса! Анаву қари қанжиқни ҳам (ад-Давла кўзда тутилади) тирик тутмоқ зарур!

Машварат тугаб, олий ҳазрат ўрнидан турди. У ўз боргоҳи — оила аъзолари ёнига йўл олди. Ундан кейин катта хонадан улуглар бирин-кетин ташқарига чиқди. Амир Алп-Арслон, ундан сўнг амир Музаффар — Тамғоч, ал-Мисрий ва бошқа сардору саркардалар олдинма-кетин ҳовлига чиқиб, ўз қўшинлари томон кетишди.

Ярим тун. Бугун уйқу йўқ...

XXXV боб

ШИДДАТЛИ ЖАНГ

Жайхун бўйидаги бепоён далалар тун сукунати ичра мудрарди. Қўл узатса етадигандай осмон тўла милт-милт юлдузлар... Ҳар замон-ҳар замонда узоқдан бўрибосар найман итларининг йўғон ва мағрур овозлари эшитиларди. Бутун жаҳон қотиб қолгандек, ҳаммаёқда сукунат ҳоким.

Гурганж қалъасига яқин келиб, ҳужум олдидан тўда-тўда турган сафланган отлиқлар фармон кутар, бедовлар ер тепинар, бетоқат сувлуғини чайнар, кишнашиб бир-бирлари билан тепишишлар йўқ, улар ҳам ҳаёт-мамот жангига кираётганларини сезаётгандай. Дарҳақиқат, амир Алп-Арслоннинг айтишича, Турон отлари жанубдан келган душман отларини танийдилар, баъзан бир-бирларини ғажиб ташлаган ҳоллар бўлган. Ғирот лақабли кўкракдор, қўнғир бедов нафақат устидаги ўз эгаси Алп-Арслонни асрар, олдинги икки оёғи билан човут солганини, ғаним оти билан ғажиганини яхши биладилар.

Тонг ёришишига яқин лашкар анча йўл босиб, Гурганжга яқинлашган эди. Атрофида юксак мансабдорлар, амирлар, шаҳзодалар, Шайхулислом ва бошқа казо-казолар қуршовида ўзининг қумда чопар туркман отлари наслидан бўлган Бургутида шитоб билан келиб, дўнгликка кўтарилган подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад — Отсиз ҳазрати олийлари далани тўлдириб турган қўшинига кўз ташлади. Унг томонидаги отда Шайхулислом — имом Бадриддин Кадихон ҳазратлари, чапда шаҳзодалар Йинол-тегин ва Сулаймоншоҳ, нариги қаторларда амирлар Алп-Арслон, Му-

заффар-Тамғоч, ибн Халдун, берида йигирма чоғлиқ қилич яланғочлаган Олий ҳазрат ихотачилари ва найза ушлаган, камон тутган сарбоз отлиқлар дўнгликни эгаллаган эди.

Пастда, отлиқлар олдида йигирма-ўттизга яқин биринчи ҳамлани бошлаб берувчи-занжир, савту дубулға кийган паҳлавонлар турарди. Улар ичида басавлат Муҳаммад Али ал-Мисрий, Қўнғир Сардор, Шодмонқул Додбек, Ботмондаҳсар, Дажжол лақабли паҳлавонлар бор эди. Дамодам улар подшоҳга қараб қўйишар, Шайхулислом ҳазратларининг фотиҳага қўл очишларини кутишарди.

Қуръони каримдан оят ўқиган Шайхулислом, пастдаги қўшинга қараб юзига фотиҳа тортди: "Алло-ҳу акбар! Подшоҳимнинг адолатли лашкарига музаффарият! Аллоҳу акбар!"

Шу лаҳза амир от чоптириб бориб, қўшин олдида ўтди. Саркарданинг биринчи сафга етиб келгани заҳоти Муҳаммад Али ал-Мисрий: "О-о-л-л-о-ҳу А-а-а-к-б-а-а-р! Ҳу-ҳу-у!" деб, юрагидан наърайи радивор тортиб, арслондек ўкириб, йўгон ва ҳайбатли овоз чиқариб, отининг биқинига пошна урди. Отлар ҳуркиб, бирдан жойидан сапчиб, олдинга югурдилар. Суворийлар ўқдай бепоён далага ёйилиб, тасура-тусур Гурганж қалъаси томон чопдилар.

Тонг. Осмонда ўн беш кунлик ой ярақлаб далаларни ёритиб турарди. Бир фавқулудда бўруну зилзила бошлангандек, далалар ларзага келди. Яқин қишоқлардаги моллар ўкирди, хўрак излаб ов қилиб юрган бўрилар узоқдан қайрилиб қараб, қочдилар. Дарахтларда мудраб ўтирган узун қанот қушлар уйғониб, тўрт томонга лапанглаб учиб кетдилар. Бўрондек югурган отлиқлар сокин тонгни шовқин-суронга кўмиб, салобат билан қад кўтариб турган қалъага яқинлашиб, ўраб олишга киришишди. Ногоҳоний шовқин-сурон билан келаётган подшоҳ қўшини — беҳисоб отлиқлар хабари қалъа ичкарисидаги сархуш ётган йигирмага яқин сардорлар қулоғига етиб, дарҳол отлари ёнига — отхонага югуришди. Йўсуфшоҳ бошини кўтаролмасди. Ёнида ётган, ҳеч нарсадан хабари йўқ Чучукбека унинг оёғига ёпишди. У бир тепиб, ички лозимни қидирди-да, ярим яланғоч эшик ёнига бориб, гайриинсоний бир товушда "Ким бор?! От тайёрла! Қиличимни топиб бер!" деб ўшқирди. Эшик тагидаги икки ясовулнинг бири отхонага чопди, иккинчиси — қилич кўтариб ичкарига кирган эди. Қипяланғоч ётган Чучукбекага кўзи тушди. Бека дарҳол кўрпа

орасига яширинди. "Шимимни, этигимни кийгизишиб қўй!" деди Йўсуфшоҳ иштонсиз шалвор кийиб. Этикни бепайтава, пойма-пой кийишга уринди. Шу алфозда ҳовлиқиб, яланғоч қилични ушлаганича ташқарига югурди. Орқасидан ясовуллар ҳам чопишди. Тўшакда ётган Чучукбека яна уруш бўлаётганини фаҳмладию, ёнимга бир лаҳза бўлса ҳам биронта қўрқмас ясовул йигитлардан кирармикин, деб яланғоч ўрнидан туриб, кўзи олазарак ҳовлида югуриб юрган йигитларга беихтиёр танини кўрсатиб турди...

Подшоҳнинг режаси тўғри чикди. Йўсуф — қонибузуқ наҳс босиб уйқуда ётганида ясовуллари хонага бостириб кириб уйғотди, сардорлару қўшинлари ғафлат уйқусида ётганида ҳужум бошланди. Биринчи тўқнашувдаёқ дарвоза ёнида тўрган элликка яқин суворийларни подшоҳ отлиқлари ўраб олиб, бир лаҳзада чопиб ташладилар. Аллақадан пайдо бўлган уч юзга яқин отлиқ билан тўқнашув бўлиб, қаттиқ жанг бошланиб кетди. Шу аснода Йўсуфшоҳнинг пойтахтнинг ўнг томонидаги, Бешгужум қишоғидаги беш юз отлиғи етиб келиб, қалъа дарбозаси ёнида жангга кирди: "тараққа-туруқ амуди гарон, санги осмон..." бошланди. Отлар кишнар, бир-бирларига човут солар, бошлар устида қиличлар ярқирар, шарақ-шуруқ, қалқонларга урилган тиг зарбидан темир қалқонлар даранглар, кимлардир найза уриб суворийни отдан қулатгани, кимлардир бақириб наъра ургани эшитилиб турарди. Ал-Мисрийнинг дам-бадам ғайриинсоний шерона наърасини эшитган подшоҳ отлиқлари жисмида ғайрату дадиллик пайдо этиб, тинимсиз қилич солишарди. Жайхун оқимининг баъзан буралиб, ўралиб, ўз комига қайиқларни тортиб кетганидек, икки лашкар ҳаёт-мамот жангини авж олдирди. Офтоб ёйилиб кетди, кенг далада жанг борган сари авж олиб борарди. Иккинчи отлиқлар қўшини амир Музаффар-Тамғоч раҳнамолигида пойтахтнинг жануб — Хивақ — Хазорасп дарбозалари томон югуриб, амир Алп-Арслоннинг кучли зарбасидан пароканда бўлаётган душманнинг орқа томонидан қуршаб ўраб олиб, биронта отлиқни Хазорасп ёки Пойканд томонга қочишга йўл қўймаслик режасини тузган эди. Амир Музаффар-Тамғоч ёнида шаҳзода Сулаймоншоҳ билан Иинол-тегин ҳазратлари ҳам қўлда қилич, жангга кирган. Шу орада Гурланддан йўлга чиққан тез чопар аравалар уларга ортилган манжанақлар¹, хари-хода-

1 Манжанақ — оловли катта тош отадиган харбий қурилма.

лар, баланд нарвонлар кўтариб етиб келди. Найза ушлаганлар ва яна бир томонда камонандозлар — пиёда лашкар ҳам куннинг ўрталарига бориб, пайдо бўлди. Подшоҳнинг режаси бўйича, ўнбеш йигирмага яқин карнайчилар ўз от уловларида шошилишч келиб, қалъа олдидан гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга сурилиб, оломонга қарата ғат-ғутни авж олдирдилар. Карнайлар қалъа томонга ҳам тўғриланиб, кучлари борича тоза ғат ға-а-а-т-т-ларини баланд кўтариб, ёвни саросимага туширдилар. Отдан қулаб, чумолидек ерга тўкилиб қолган навкарларнинг ҳисоби йўқ, аммо шунга қарамай, жанг борган сари авж оларди — душман отлиқлари жон сақлаш учун ҳамма ишни қилардилар.

Офтоб тик келганда, етиб келган нарвону манжанақларга кўзи тушган душман суворийлари карнайларнинг бетиним ғат-ғутидан юракларига қўрқув тушиб, тўрт томон қоча бошладилар. Подшоҳ суворийларининг енгилшга ишонч билан чопқин қилаётганликларини сезиб, келгиндиларнинг баъзи суворийлари қочишни кўзлаб, ўзларини четга олишга уринардилар. Қалъанинг Гурлан дарбозаси ёнида отда турган Йўсуфшоҳ иш қўлдан кетганини пайқаб, бир тўда сардорлари билан қалъага қочиб кирмай, кетаётган жанг оломонига сездирмай, қалъани ёқалаб ўтиб, Хазорасп томон қочди. У томонда Сулаймоншоҳ билан Йинол-тегиннинг жангга кирганини, амир Музафар-Тамғоч жангга раҳнамолик қилаётганини сезган амир Алп-Арслон ола-тўполондан сурғилиб чиқиб, Йўсуфшоҳни орқама-орқа қувишга киришди. Муҳаммад Али ал-Мисрий ҳам осмонда қиличини ярқиратиб югурди. Унг ва чапдан ногаҳоний чиқиб қолган душман камончилари амирга қараб пайдарпай ўқ уздилар.

Кифтидан ўқ еган амир Алп-Арслон узангига оёғидан осилиб қолиб, анча жойгача от уни судраб кетди. Кутилмаганда икки тийри-паррон амир отига тегиб, Гирот боши билан ерга қулади. Ўз мувозанатини йўқотган Амир от эгаридан учиб ерга йиқилди. Шу лаҳзанинг ўзида орқадан учқундай отилиб келаётган бир от ерда ётган Амир устидан ҳатлаб ўтиб кетмоқчи бўлдими, нимагадир туртиниб, уни босиб ўтди. Елкасига ўқ санчилган, ерда агнаб ётганида от босиб ўтиб кетган Алп-Арслон қадини тутолмай икки букланганича жойидан қимирлолмай қолди. Шу фурсатдан фойдаландими, ҳалиги қочиб кетишга шошилаётган душман суворийларидан бири Амир тепасига келиб, унга қилич урмоқчи булган эди шу лаҳза орқадан етиб келган

ал-Мисрий ўша отдиқнинг бўйнини мўлжаллаб қилич солди. Калла сапчадек узилиб, ерга юмалаб кетди. Ал-Мисрий дарров отдан сакраб тушиб, амирни ушлади. Шу лаҳзада етиб келган суворийлари саркардани ўраб олиб, ёвдан ихота қилдилар. Амир ал-Мисрийга буюрди: "Югур, паҳлавон, босқинчи Йўсуфни тирик тутиб кел! У, қочди! Жайхўн томон қочди!.." Ал-Мисрий ўн чоғли навкарларга яраланган амирни топшириб: "ихота қилинлар, мутлақо душман яқинлашмасин, калла билан жавоб берасизлар! Ҳов, анави гужум дарахти тагига эҳтиёт қилиб, амир ҳазратларини олиб боринлар!" деди-ю, ўзи бир неча навкар билан яланғоч қиличини ярқиратиб, тўзиб қочаётган ғанимлар томон югурди. Унинг орқасидан яна бир навкар ҳам қиличини ҳавода ўйнатиб, изма-из қочаётган душман устига югурди. Давангир ал-Мисрийни жанг олатўполонига кириб, Хазорасп томон қочаётган ғанимлар орқасидан қуваётганига кўзи ташди. Етиб олгач сипоҳийлар орасидан Йўсуфшоҳ — "Ғаркўз"ни қидирди. Енгилиб, далаларга сочилиб қочаётган отлиқ навкарларнинг биронтаси ал-Мисрийга ташланмас, жон сақлаш мақсадида ўзларини четга олардилар. У, ҳаммадан аввал қочиб қолган Йўсуфшоҳни излаб кетаётганини, бу қонли муҳораба учун Йўсуфшоҳ жавоб беришини фаҳм этарди. Шу сабаб бўлса керак, ёпирилиб келиб, ал Мисрийни ўраб олишмади. Иккиламчи, от устидан қиличини ярқиратиб, наъра тортиб, кўзлари ёниб келаётган қора бир барзанги паҳлавонни кўрганларнинг капалаги учиб кетарди. У минган от ҳам эгаси монанд шижоат кўрсатарди. Пойканд навкарлари ундан узоқроқ бўлишга, тўғриси жонларини омон сақлаб қочиб, юртларига етиб олишни кўзлардилар. Лекин шу лаҳза душман отлиқларидан бири қилич билан эмас, қамчини билан олдинни — кун ботиш томонни кўрсатди: "Сен излаётган шоҳ Йўсуфшоҳ олдинда!.." ишорасини қилди. Бундай пайтда алдамаслик лозимлиги ва бунинг учун дарҳол калласи узилиши аниқ эканини фаҳмлаган ёғий навкар ал-Мисрийга яна қамчини билан ўнг томон саҳрони кўрсатди. Ал-Мисрий отининг бошини қайириб янтоқзор далалар оша Хазорасп томон югурди. Унинг ортидан амир қўшинидан уч суворий ҳам орқамаорқа чопиб борарди. Улар икки чақиримча йўл босиб, қочоқ шоҳдан дарак топишаолмай тўрттовлон гуж бўлиб, номумид орқага қайтишди.

— Қўлимиздан чиқиб кетди у номард!— деди ал-Мисрий шерикларига боқиб, ҳаллсслаб.

— Сардор ҳазратлари! У қўлимиздан чиқиб кетолмайди! Агар Пойкандга кирмай, Марвда, султон саройида яшири-ниб ўтирса ҳам барибир маҳв этамиз! Ёруғ дунё унга ҳаром энди!

— Тўғри айтасен, ёруғ дунё унга ҳаром! Кўҳи Қофнинг орқасига ўтса ҳам тутамиз!— деди паҳлавон ал-Мисрий пешонасидаги терни қилич ушлаган ўнг қўли билан артиб,— иниларим, энди тезлик билан амир ҳазратлари ёнига борайлик. Саркардамизнинг холи не кечди? Кетдик! Отга қамчи босинглар!

Тўрт паҳлавон яна орқаларига қайтиб, Гурганж яқинидаги ўша гужум дарахти тагига келишди. Бу ерда ярадор, корсон суяклари чиқиб кетган амир ётарди. Бунда қолган сарбозлардан бири амирнинг жароҳатланганини олий ҳазратга етказган экан, Хоразмшоҳ атрофидаги ҳарбийларга буюриб, уни жуда эҳтиётлик билан аробада ичкарига олиб киришни тайинлабди. Йўлда қолган-қутган душман навкарларидан шикаст етмаслик учун ўн нафар сарбозни югуртирган экан. Ароба ва сарбозлар етиб келгунча ал-Мисрий ҳам гужум тагига етиб келиб, саркардани эҳтиёткорлик билан аробага олишди.

Гурганжни ёғийлардан озод этиш жанги гоятда кескин тус олди. Пойканд қўшини ва яна бунинг устига Марвдан, султон Санжарнинг олти юз калакесар лашкари шитоб билан етиб келиб, шаҳар ичида, ташқарида чунонам хунрезликлар қилган эдиларки, Аълоиддин Хоразмшоҳ — Отсиз қўшинига катта талафот етмай иложи бўлмади. Лекин шунга қарамай, амир Алп-Арслоннинг минг отлиги, подшоҳнинг Сариқамишда — пистирмадаги беш юз отлиги, Қоратоғ этагидан етиб келган пиёдаларнинг мардонавор жанги бир неча кунга чўзилди. Қаттиқ савашдан сўнг, Пойканд отлиқлари ўраб олиниб, деярлик кўпчилиги чопиб ташланди. Хазорасп томон қочган Йўсуфшоҳ ортидан Муҳаммад Али ал-Мисрий амирни ихота этиш сабабли қувишни давом эттиролмагач, Йўсуфшоҳни яхши танийдиган бир неча айғоқчилар унинг изига тушдилар. Қандай бўлмасин тирик тутиб келтирмоққа фармон берилган эди. Ҳа, кутилмаганда, тўсатдан Хазораспга, ундан кейин Гурганжга ҳужум қилиб, шаҳарни эгаллаб, Доруссалтанага тантанавор кирган Йўсуфшоҳ оғасининг "шикорда Йўлбарс ҳамласига дучор бўлиб, нобуд бўлгани"ни эшитганди. Аслида, бу уйдирма гап эди. У, подшоҳнинг садоқатли сар-

кардаси амир Алп-Арслон уйига ўт қўйдириб, култепага айлантирмоқчи эди.

Жанубий дарвозалар олдидаги майдонда ҳам қонли жанг кетарди — босқинчилар осонликча жон бермасдилар. Қочган суворийларни Йўсуфшоҳ тўғридан-тўғри қилич уриб, калласини узиб ташлашни буюргани, бундай фожиани тез-тез бўлиб тургани деярли барча сарбозларга маълум, улар юрагини олиб қўйган эди. Шу сабабли навкарлар қаҳри қаттиқ сардорлари измидан чиқмас, чўнтақларидаги таланган қимматбаҳо буюмларни ўз ерларига, бола-чақалари ёнига этказмоқ, жон сақламоқ ниятида ҳеч нарсадан қайтмас эдилар.

Жануб дарвозаси олдидаги қонли жанг ҳамон давом этарди — икки томондан ҳам ерга тўкилганлар, ўлганлар ва ярадор бўлиб, жон талвасасида ётганлар беҳисоб. Эгасиз югурган отлар далаларга сочилган. Амир Музаффар-Тамғоч оломондан ажралиб чиқиб, дўнглик устида турган Йинол-тегин ҳазратларининг ёнига келди. У тутоқиб, шаҳзода Сулаймоншоҳ унинг айтганини қилмай — тепаликдан тушиб оломон ичига кириб кетганини ва қидириб уни тополмаётганини айтди.

— Суворийлар ичидадир, — деди Йинол-тегин ҳазратлари безовта, қўлини пешонасига соябон этиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб.

— Кўзингиз тушса, ҳазрат, дарҳол бу тепаликка чиқариб олинг! У зот сизга қулоқ соладилар. Шаҳзоданинг бундай ўзбошимчалик қилишлари тўғри эмас! У кашқирлар шаҳзодани танимайди!

— Хўп, амир! — деди Йинол-тегин ҳазратлари.

Амир Музаффар-Тамғоч дарғазаб бўлиб яна от чоптириб жангга кириб кетди. Унинг қўли баланд келаётгани, ҳали замон жанг тугаши, душман қочишга шайланаётганини сезиб турарди. Лекин шаҳзоданинг оломон ичига кириб, кўздан йўқолгани ғоятда кўнглини ғаш этарди. Ахир ғалаба ҳамма учун баробар-ку, бу "нозик табиат" валиаҳд шаҳзодага бир фалокат бўлса нима бўлади! Олий ҳазрат амирга бу гапни тайинлаб айтган эдилар.

Қалъанинг жануб дарвозалари олдидаги ёв отлиқлари тўрт томонга қоча бошлади. Саркарда амир Музаффар-Тамғоч отлиқларига душман ортидан қувишни буюрди, ўзи эса йигитларга жовдираб, қўнғир отдаги қизил чопон кийган шаҳзодани қидирарди. Бир муддатдан сўнг у отининг жировини туртиб тўхтаб, дарҳол ерга сакраб тушди. Ерда қонга беланиб ётган шаҳзода Сулаймоншоҳни кўриб, юра-

ги шигиллаб кетди. Шаҳзода тепасида чўкиб, кифтини қўлга олди. Аммо, минг афсус, аллақачон шаҳзоданинг жони узилган эди. Узоқдан бу ҳолни кузатаётган Йинол-тегин ҳазратлари ҳам бу ерга югуриб келди. Шаҳзода ҳалок бўлганини билиб икковлари унинг тепасида қўлларини очиб, фотиҳа ўқишди. Навкарларга: "шаҳзода жасади бунда ётмасин, аравага солиб, қалъа қўрғони тагига етказинглар" деб буюрди.

Душман қалъа дарвозаларини беркитиб, ичкарига кириб олишга улгурмади. Подшоҳнинг режалари ҳақ бўлиб чиқди, ҳатто оғир ҳодалар, нарвонлар, манжанақлар ҳам даркор бўлмади. Йинол-тегин ҳазратлари хушёрлик қилиб, ўн-ўн беш отлиқ билан қалъа ичига кирди. Сотқин вазири аъзам Хумомиддин ад-Давлани тополмагач, ундан сўнг ҳовлисига югурдилар. Йинол-тегин қўлида қилич, гўё, баданидаги ҳар бир тук игна бўлиб, либосини тешиб чиққандек, дарғазаб эди. Шаҳзода ҳалокати /ҳали подшоҳ бу фожиадан хабар топмаган/ бу қўйдек юввош одамни йўлбарсга айлантирган эди.

Улар хоин вазиrнинг дарвозаси ёнига келишлари биланоқ тезда навкарларга ичкарига бостириб киришни, ад-Давланинг қўлини боғлаб, оғзига сочиқ тикишни, заҳар ичиб ёки ханжар билан ўзини-ўзи ўлдириб қўйишига йўл қўймасликни буюрди. Вазири аъзам ҳовлисида кутилмаганда тўс-тўполон кўтарилиб, бир лаҳзадан сўнг сарбоз йигитлар унинг оғзига латта тикиб, қўлини орқага боғлаганини билмай қолди. Йигитлар уни ҳовлига судраб чиқишди-да, Йинол-тегин ҳазратларининг оти оёғи остига ташлашди.

Ад-Давла кўзини ола-кула қилиб, бўғилиб имо қилди: — Оғзидагини олинглар, бир нима демоқчи! — деди Йинол-тегин от устида турганча.

Суворий йигитлар ад-Давла оғзидаги латтани зарда билан тортиб олиб, ханжарни кўксига тақаб туришди. Ичкари хонада турган хотини, оғалари, болалари ҳовлида бўлаётган машмашага тикилишди, ташқарига чиқишга қўрқишарди.

— Менда айб йўқ, Йўсуфшоҳ мени дорга осаман деб қўрқитиб, қалъада ушлаб қолди...

— Сен бу гапни кимга айтаётирсен, хоин! Туронзаминнинг кўп шаҳарларида сенинг мамлакатга қилаётган хоинлигингни пайқаган эдим Сен, султон Санжар инъомларини, зарурат тугилганда Марвга қочишни ҳам кўзлагансен! Подшоҳга ҳамма ҳақиқатни айтасен, кечириб бўлмас гуноҳларинг бу дунёда қолиб кетади! Сенга қан-

дақа жазо беришни ўйлаб тополмаётирмен, муносиб жазо йўқ! Жазони Олий ҳазрат беради. Лекин Хоразм ерида туғилиб, бу заминга хоинлик қилганингга ҳеч ақлим етмайди. Сенга нима етмас эди?! Сен ўзинг айтмасмидингки, "Йўсуфшоҳнинг қони бузуқ, у яҳудий қизидан бўлгон", деб! Шундай сўзни айтгон кимса нега унга хизмат қилдинг! Юртни сотдинг?!

— Улуғ шаҳзода! Гуноҳимни оқлаймен, мени султон саройига юборинглар, Турон учун, подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад — Отсиз ҳазрати олийларига хизмат қиламен...

— Сен, Олий ҳазрат мамлакатига эмас, ўзинга хизмат қилиб келгансен! Бу гапни Олий ҳазратга айтасен! Сени Олий ҳазрат ёнларига етказиб, отлари туёғи остига ташлаймен! Бу гапингни ўша фурсат айтасен!

Суворий йигитлар ҳазрат ишораси билан яна унинг оғзига сочиқ тикиб, ташқарига олиб чиқдилар. Аравага босиб, қалъа ичига олиб кирдилар...

Сулаймоншоҳнинг ҳалок бўлганини эшитган подшоҳ кўзига ёш олиб, ўкириб йиғлади. Шу лаҳза у тезда йиғидан тўхтаб, кўзёшларини артди: ахир бир менинг ўғлим эмас-ку, шу салтанатни деб, фуқаронинг юзларча фарзандлари ҳалок бўлдилар! Подшоҳ ўзини қўлга олди, Шайхулислам имом Бадриддин-Кадийхон қўлини кўтариб, фотиҳа ўқиди.

— Мен унга айтдим, азиз болам, шаҳзода, сиз амакин-гиз ёнида туринг, жангни кузатинг, дедим. Шаҳзода қулоқ солмади,— подшоҳ яна беихтиёр йиғлаб юборди.

— Аллоҳнинг хоҳиши бу, улуғ ҳазрат! Бу Аллоҳнинг хоҳиши... Сизга ирода, сабру қаноат тилаймен, бошқа чора йўқ,— деди Шайхулислам ҳам кўзига ёш олиб.

Шу куни бунда Йўсуфшоҳга хизмат қилган барча кимсалар ҳибс этилиб, зиндонга олиб кетилди. Собиқ вазири аъзам Ҳумомидин ад-Давла ҳам зиндонга ташланиб, туну кун ёнига қўриқчи қўйилди, ўзини ўзи ўлдириб қўймаслиги учун ҳамма чоралар кўрилди. Али Аҳмад бин Катавозе ҳам, сардор Ашур-чўтир ҳам, бошқа сотилган мансабдорлар ҳам зиндонга ташланди.

Эртасига умумий жаноза ўқилиб, жангда ҳалок бўлган қаҳрамонлар жасади қалъа ташқарисига, кўрғон тагидаги қабристонга дафн этилди. Улар олдида шаҳзода Сулаймоншоҳ тобути қизил духобага ўралиб турарди. Подшоҳ амри ила ҳалок бўлганлар оиласига юз тилла тангадан ёрдам ҳақи тўлашга қарор этилди. Мамлакатда ўн кунлик мотам эълон қилинди.

Шаҳзода ва бошқа шаҳид бўлганлар кафансиз, ҳарбий либослари, қуроллари билан кўмилди. Гурганж қальъасининг қўрғонлари остида яна юздан ортиқ янги қабрлар пайдо бўлди...

XXXVI боб

КЎЗЛАРИ ЧЎЛПОН

Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми гофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландин сўр...

Фузунлий

Пойтахт озод этилган куни кечга яқин Шоҳсанам шаҳзоданинг ҳалок бўлганини эшитиб, юраги эзилди. Бориб қайнонаси — Буюк малика ёнида тиз чўкиб йиглаб, тиззасига бош қўйди. Табиатан ожиз бўлишига қарамай, шу мамлакатни деб шаҳид кетган шаҳзодага ачинди, мамлакатнинг иккинчи таянчи амир Алп-Арслоннинг яраланиб, ёв отлари туёғи остида қолиб, бели чиқиб кетганини ҳам эшитиб, унинг ёш юрагига ларза тушди. Қонли жангда икки қадрдон кишисини йўқотгандай бўлиб, эсанкираб қолди. Буйруқ бўйича подшоҳ хонадони эртага эрта билан Гурганжга — Доруссалтанага араваларда кириб келиши керак эди, аммо Шоҳсанам шу куниеҳ ўз ихотачилари — қуролли навкарларга тезда от тайёрлашни буюрди. Ўзи ичкари хонага кириб, сарбоз либосини кийиб, сириб боғланган камарига қилич осди.

— Улуғ маликам! Энажон! Мен Гурганжга, Олий ҳазрат ёнларига кетдим. Келин ҳам фарзанд!

— Зиндондан чиққанингиздан буён ҳали ўзингизга келганингиз йўқ, болам, эртага бирга кетайлик! — деди улуғ малика кўзларида ёш, бошига қора рўмол ёпиб, қора-ридога ўралган ҳолда.

— Тузикмен, энажон. Мен шаҳзода ҳазратлари қотилларидан ўч оламен! Сиз яхши биласизки, раҳматли отам менга фақат гилам тўқишни эмас, отда чопишни, ҳарбни ҳам ўргатганлар. Подшоҳим амрига бўйсуниб, бунда қолдим, бўлмаса шаҳзода ҳазратлари ёнларида бўлардим.

Шоҳсанам ҳовлига чиқиб, навкарларни кўздан кечирди. Белидаги қиличини қинидан суғуриб кўрди.

— Қани, кетдик! — атрофидаги ўн чоғлиқ навкарларга боқди, — мен бунда кўзёш тўкиб, йиглаб ўтиролмаймен!

Иккиламчи, кўзёшу нола қаҳрамон шаҳидларни ранжитади! Душмандан ўч олиш керак!

Гурлан билан Гурганж оралиғи беш чақирим: олдинда Шоҳсанам, улар шитоб билан далама-дала юриб кетишди. Йўлда яширин хандақлар борлиғи сабабли ихота сарбозларидан — кекса Полвон ота ёш маликани бу нарсадан огоҳ этган эди. Улар — ўн бир отлик далама-дала шитоб билан югуриб, йўлда, жанг кечган майдондан унча узоқ бўлмаган жойда қурилган чодирлар ёнига келишди, ҳозироқ аравада бу ерга олиб келинган "қаттиқ ярадор" амир ҳазратлари борлигини билди. Чодир олдида турган, манглайи жароҳатланиб, қон тўхтатиш мақсадида оқ рўмол билан боғлаб олган, аммо рўмол сирти ҳам қип-қизил қон бўлган, давангир Муҳаммад Али ал-Мисрийга кўзи тушгач, сакраб отдан тушди-да, ёнига келди. Ал-Мисрий сарбоз либосидаги бу кимса малика Шоҳсанам эканини таниб, дарҳол қўли кўксига, ярим эгилиб салом берди, бир неча қадам юриб келиб, ҳол-аҳвол сўради. Юзига фотиҳа тортиб, таъзия билдириб, ерга боқиб сукут сақлади. Шоҳсанам бош ирғаб, паҳлавоннинг таъзиясини қабул қилди. Атайин одоб юзасидан бўғиқ бир овозда подшоҳ ҳазрати олийлари соғмилар, қалъага кирдиларми, деб сўради.

— Ҳа,— деди паҳлавон ал-Мисрий.

— Амир ҳазратларининг ярадор бўлганларини эшитдим.

— Шундай, маликам.

— Қай аҳволдалар?

— Оғриқ баланд...

— Ёнларига кириб чиқсам ижозат бўлармикан?

— Марҳамат, маликам, марҳамат! У зот хурсанд бўладилар, наинки у зот, мен ҳам хурсанд бўлардим. Сиз улуг маликанинг бунда келганингизнинг ўзи ҳам шифо. Сизни бу ерга худойимнинг ўзи етказди. Ёзу ерда яна саккиз сардор ҳам ётибдилар...

Оёғида этик, жиддий ва "танги йигит" Шоҳсанам ёлғиз ўзи ал-Мисрий кўрсатган катта чодир томон юриб, пардани кўтариб ичкарига кирди. Оғриқ алангасида беҳол ётган амирнинг кўзи Шоҳсанамга тушди. Аввал танимади, оддий сарбоз йигитлардан деб, буйруқ берди:

— Сув, сув келтир!

Шоҳсанам дарҳол сув келтириб, амир бошини қўлга олиб, сув ичира бошлади. Бошни қўлга олгани амирга ғайритабиийроқ кўриниб, "сарбоз йигит"га тикилиб боқди. Таниди.

— Сизмисиз, маликам,— унинг чиройи очилиб, табас-сум қилди. Белдаги кучли оғриқ бир лаҳзада тўхтагандек бўлди. Оҳ-воҳ қилиб ётган амирнинг чехраси ёришиб, Шоҳсанамга тикилди.

— Хуш келибсиз! Душманни қувиб, пойтахтни озод этдик... Номард Йўсуф қочди. Мен у хиёнаткорни барибир тутаман! Олий ҳазрат фармони! Мен уни тутмагунча қўймаймен! Сизга таъзия изҳор этамен, шаҳзоданинг ҳалок бўлгани ҳаммамиз учун мусибат. Хоразм халқи учун мусибат. Улуғ ҳазрат омон бўлсинлар! Яна эски одатингизни қилиб, "сарбоз йигит" бўлибсиз-да...

— Паҳлавоним, таъзиянгизни қабул қиламен. Ҳа, бир томонда ғалаба, бир томонда фожа!..

— Яна сув беринг, бағрим куяди. Сув ичким келаберади. Бутун Жайхунни бу томонга оқизсангиз, барини ичардим.

Шоҳсанам хумчадаги муздек сувдан пиёлага тўлдириб, амирга ичирди. У яна амир бошини қўллари билан қучиб, кўтариб, сув ичирди.

— Амир ҳазратлари, мен ҳозир ташқарига чиқиб, Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратларига одам юборамен. Эшитишимча, бунда табиб Шаҳобиддин Масъуд ҳазратлари ҳозир эканлар, бу яхши. Аммо отамлар Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратларини кўп муҳорабаларда саркардаларни даволаганини айтган эдилар. Келсинлар, сизни бир кўриб, муолажа этсинлар. Шояд ўрнингиздан туриб кетарсиз. Иншоолло, тузалиб кетасиз, буни ёлғиз Аллоҳдан тилаймен.

— Миннатдормен, маликам!

Шоҳсанам ўрнидан тураётган эди, амир унинг қўлидан ушлаб тўхтатди.

— Азизам, агар сени қайта кўролмасам, маҳшар куни учрашурмиз... Юрагимдаги шуъла — бу фақат сен! Киши видо пайтида ҳеч қандай қондага итоат этмайди... Нимаики қилган бўлсам Туронзамин учун ва сен учун қилгонмен. Мендан ризо бўл...

— Саркарда, бундай сўзлар айтмоққа ҳаққингиз йўқ! Сизни даволаб, яна отга миндирамиз! Зарурат бўлса, мен Абу Али ибн Сино ҳазратларини ҳам, ал Хоразмий ҳазратларини ҳам тупроқдан тортиб олиб, тепангизга олиб келамен! Худо йўл берсин, худо мададкорим! /Амирнинг кўзига ёш келди./ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари Ҳаким ибн Сино ҳазратларининг энг яқин шогирдлари! У зот тезда келурлар. Бардам бўлинг! Ахир сиздаги ирода ҳеч кимда йўқ, ўзингизни маҳкам тутинг, иншоолло,

ҳамма иш яхши бўлажак. Тузалганингиздан кейин, мен сиз ҳазратга гилам тўқиб берурмен. Сиз биласизки, мен гилам тўқиш касбини биламен...

Амир Алп-Арслон кулимсиради, бош қимирлатиб, Шоҳсанам билagini қўйиб юборди, у чодирдан чиқиб кетгунча орқасидан тикилиб қараб қолди. Унинг вужудидаги дўзахий оғриқлар босилгандай бўлди.

Шоҳсанам ташқарига чиқиб, бунда ҳозир турган машҳур табиб Шаҳобиддин Масъуд ҳазратлари ва ал-Мисрийга мурожаат этиб, тезда жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратларини олий ҳазрат номидан бунда чорлашни, отарава юборишни буюрди. Шундан сўнг, атрофидаги бошқа уч-тўрт чодирга ҳам кириб, қонга беланган, ярадор навкарларнинг тепасига келди. Баъзи ёш йигитларнинг пешонасига кафтини босиб, иссиғини кўрди, далда берди. Ҳозироқ катта жарроҳ ва табиблар бунда келишини, соғайиб кетишларини айтди. Паҳлавонлар Аҳмад-Замчий, Рустамидостон, Сиёвушу Афросиёблар неча бор қилич егани, бебаҳо дори-малҳам билан тузалиб кетишганини, ахир бу заминда "Ал-Қонун"дай китоб ёзилиб, табибларга берилганини эслатди. У ўнга яқин сардору навкарларнинг ётган ерларига кириб, кийимларини тўғрилаб, пешоналарига кафтини босиб, сувсирганларга пиёлада сув бериб, ташқарига чиқди. Бундан ортиқ ёрдам кўрсатиш қўлидан келмасди. Худо йўл берсин; худони дилдан чиқарманглар, дерди. Ҳозироқ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари этиб келишини такрор-такрор айтарди. Чунки бу табибнинг номи ҳаммага маълуму машҳур, ҳатто "Синоий-Соний" аташарди ҳам.

Чодирлар ичида ётган ярадорларнинг баъзилари гарданидан қилич еб, баъзилари отдан қулаб, баъзиларига найза санчилиб, оғир жароҳатланганлар. Улар ёнларига кирган "сарбоз йигит" эмас, малика Шоҳсанам эканини билиб, бошлари осмонга етди. Малика берган далда уларга малҳаму мадор бўлди. Ярадорларнинг кўпчилиги ҳаяжонда, гўзал маликанинг от чоптириб юргани уларнинг руҳини кўтариб, дармон бергандек бўларди. Маликшоҳнинг гўзал қизи баъзан "соҳибқирон" бўлиб юришини, шижоаткор эканини эшитишган эди...

Шоҳсанам атрофида юрган Шаҳобиддин табиб ва ал-Мисрий билан хайр-хўшлашиб, яна отга миниб, ўн чоғлиқ ихота сарбозлари билан Гурганж қалъасига йўл олди. Отларининг биқинига ниқталаб, бир қанча манзилу мароҳилни тай этиб, пойтахтга етиб келди. Дарвоза олдида

найза ушлаб, шай турган дарвозабонларга рўпарў бўлди. Сарбоз либосидаги бу "йигит" малика эканини кекса навкар дарвозабонлар сардорига имо-ишора билан тушунтиргач, улар дарҳол маликани ичкарига олиб киришди. Ёш жувоннинг шижоатига қойил қолишди, аммо минг афсус, шаҳзода Сулаймоншоҳнинг шаҳид бўлгани, малика қалби ғам-аламга тўлганини ҳам билишарди. Дарвозага яқинлашганда Шоҳсанам қадимий Қорақўрғон — зиндоннинг баланд деворлари тагидан ўтди. Яқинда бу қўрғон ичидаги ажал ертўласида ётгани, ўзидан бўлак қанча сардорлар ҳам бу қоронғуликка ташланиб, ўлим кутиб ётганликларини эслади. Агар вақти етиб шаҳзода тахтга чиқса, бу зиндонни буздириб ташлашни дилидан ўтказган эди. Бу зиндонни дўстга ҳам, душманга ҳам раво кўрмасди.

Шоҳсанам отда тўппа-тўғри Доруссалтана зинапоялари ёнигача борди. Отлик йўлдошлари дарвозадан киргач, қалъа ичида қолишди. У отидан сакраб тушиб, ясовулга оти жиловини тутқазиб, тезда юқорига кўтарилди:

— Олий ҳазрат қайси хонадалар?

— Тахтли хонадалар.

— Ҳузурларида ким бор?

— Инилари, шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари ҳамда амир Музаффар-Тамғоч...

Шоҳсанам айвонда қиличини қолдириб, бир неча кўркам хоналардан ўтиб, тахти олий ўрнатилган катта хона эшигига келиб, бу ерда турган қуролли ясовулга боқди. Ясовул Шоҳсанамни таниб, дарҳол бош эгиб, таъзим этди. У бир сўз демасдан эшикни очди-да, кенг хона ўртасидан тўппа-тўғри олий ҳазрат томон қадам ташлади, тахтда ўтирган қайнота — подшоҳ олдида тиз чўкиб, бош эгиб йиғлади. Унинг чиройли юзларига ёши оқиб тушди. Бошқа қизу аёллар бундай шаддод ҳаракат қилиши, подшоҳ ёнига кириб келишлари ғайритабиий кўрингани билан Шоҳсанамни илгаригидай яна отга миниб, салоҳ тақиб, навкар бўлиб келгани подшоҳ юрагини тўлқинлантириб юборди. У тиззасига қўйилган келини — фарзанди бошини силади:

— Болам, шаҳзодадан ажралиб қолдик...— деди подшоҳ кўзларига ёш олиб, пиқиллаб йиғлаб,— бир томонда ғалаба, бир томонда фожиа. Аллоҳнинг хоҳиши шундоқ бўлди. Сенга ирода, сабр-тоқат тилаймен. Болам...

Шоҳсанам бир лаҳза подшоҳ оёқларига бошини қўйиб йиғлаб, кўз ёшлари гиламга томиб, жим турди. Йинол-тегин ҳазратлари ҳам, амир Музаффар-Тамғоч ҳам хомуш

туришди. Шоҳсанам шундан кейин, амакиси Йинол-тегиъ зоти покнинг Қуръони каримдан сура ўқиб, тиловатидан сўнг, юзига фотиҳа тортиб, хона ўртасигача орқаси билан юриб, кейин ташқарига чиқиб кетди. Маликалар ичида Шоҳсанамнинг феъли тамоман бошқача экани, шаддодлиги, отда чопиши, ҳар қандай "Ҳазрат"ни ҳам билағонлиги билан мот қилиши, эркалигини саройда билмайдиган кимса йўқ. Фақат шу пайтгача фарзанд кўрмагани ҳар қалай "Ғори морон" воқеасидан кейин тухматга учраган амирнинг соғ қолгани, бир неча тухматчиларнинг бу ишда боши кетгани ҳеч кимсани Шоҳсанамга нисбатан ёмон сўзлар айтишга ботина олмаслигини кўрсатарди. Бу бениҳоя гўзал келини Йинал-тегин ҳазратлари "Турон маликаси" деб атарди.

Подшоҳ ҳазрати олийлари ёнидан чиққач, у эртага эрининг жанозаси, мамлакатда бўлажак ўн кунлик мотамни бошланишини ўйлаб, қайнонаси Гурландан Гурганжга етиб келгунча, бундай тайёргарлик ишларга ўзи бошчилик қилди. Шу орада жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари даладаги чодирга етиб келдиларми, амирнинг аҳволи қандоқ, шуларни билиб келмоқ учун ўзининг ишончли маҳрамларидан бирини Бешгужум қишлоғи яқинидаги чодир-капалар томон юборди. Ҳамма иш ўзи кўрганидай, жарроҳ ҳазратлари етиб келгани, табиблар амир ҳазратлари тепасида экани, маслаҳатлашаётганини эшитиб, кўнгли бир оз таскин топди. Бўлмаса, баъзи гап-сўзлар бўлишидан ҳам чўчимай, амир тепасига яна боришга тайёр эди.

Эртага бир нимани баҳона қилиб, амирни кўришни кўнглига тугиб, Доруссалтанада ўз хобхонасига кириб, мукка тушиб ётди. Туни бўйи кўзига уйқу келмади. Тонготарда бир оз кўзи чалинган экан, туш кўрди: тушида отаси — Маликшоҳ ҳазратлари вазири аъзам либосида, ўша кўркамлигу салобатида Доруссалтана ҳовлисида пайдо бўлиб, кейин қизи ёнига кириб келибди. У, қизининг сочларидан силаб, пешонасидан ўпиб, кичик қизалоқлик вақтидагидек эркалабди. "Отажон, бошимга оғир мусибат тушди... Душманингиз Йўсуфшоҳ пойтахтни босиб олди... одамларни ўлдирди... Шаҳзодани ҳалок этди..." деб ҳўнг-ҳўнг йиғлармиш, отага ёпишиб, ниҳоятда соғинганини айтиб, "мени ҳам олиб кетинг, бу ерда бўрилар кўп, мени еб қўядилар..." дермиш. Қизининг сочларини силаб, тасалли бераётган ота унга одатдагидек сабр-қаноат тилармиш. "Хоразм бошига оғир мусибат тушди. Қонибузук

Йўсуфшоҳ кўпдан ўйлаб юргани қирғин — босқинчилик урушини бошлади. Ҳумомиддин ад-Давла билан Абулжаъфар — Ногорақорин, бин Катавозе-Каркидонлар менга ёмон туҳматлар қилган эдилар... Ярадор амир Алп-Арслон ёнига жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари келди. Сен айтганинг сабабли мен уни уйдан бошлаб олиб келдим. Амирга худо ёр бўлсин, деб дуо қилдим, иншоолло, саркарда тузалиб кетади. У яна ўзининг ғиротига минади! Бундай инсонлар бор экан, мамлакатимиз ҳеч қачон душман оёғи остида хор бўлмайди, Жайхуну Сайхун дарёлари оралиғидаги муқаддас бу замин сеники, қизим! Мен — дарбадармен, сени ҳеч қачон ўзим билан бирга олиб кетмаймен! Мен Туронзамин диёримиз устида учиб юрибмен, ҳеч ухламаймен, бедормен, ҳаммавақт сенинг атрофингда, онаи-зоринг атрофида юрамен, шу юртиму сизлардан бўлак менинг ҳеч кимим йўқ. Мен — арвоҳмен, мендан чўчима, қўрқма, мен ҳаммавақт сени шайтону жинлардан ҳимоя қиламен!"

Шоҳсанам гўлдираб "Отажон!", "Отажон!" деб, уйғониб кетди.

Уй бўм-бўш, ҳувиллаган. Навкар либосида қиличини қучоқлаб, қалин кўрпачада ёстиққа суяниб ухлаб қолган Шоҳсанам атрофга аланглади. Деразага кўз ташлади, тонг ёришиб келарди...

XXXVI БОБ

ҲЎКИЗГА МИНДИРИБ ДАВОЛАШ

"Инсон дардига ўзи тугилган ернинг гиёҳлари даводир..."

Ибн Сино

Хабарингиз бор, ярадор амирни далада ётгани, уни шаҳарга олиб кириб бўлмаётганини эшитган Шоҳсанам подшоҳ ҳазратларига одам юборишни буюрган эди. Гурганж юқорисида, қалъадан унча узоқ бўлмаган кенгликда подшоҳнинг икки содиқ табиблари уч катта чодир тикиб, муҳорабада ярадор бўлган навкару сарбозларни даволашар, жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратларининг қўли-қўлига тегмасди. Бу зотни ҳам "Раис Абу Али ибн Синоий-соний" деб аташарди. Чодир атрофида икки гулхан кечаю кундуз ёниб, қозонлар буғланиб, дамо-дам мис тоғораларда олтин тиг ва пичоқ, наштару олтин игна ва бошқа жарроҳлак асбоблари қайнатилиб турарди.

Чодир ичида ва сиртида ўн чоғлиқ шоғирдлар устозларига қарашар, отда, аравада олиб келинган ярадорларни оҳиста тушириб, чодир ичига олиб киришар, дарҳол қон оқаётган яраларни боғлашар, латтаю пахта куйдириб бошишарди. Буларнинг бари устоз Шамсиддин Эл-Тузмиш ҳазратлари буйруғи билан бўларди. Жароҳатланганлар билан даставвал гаплашмоқ, оғриғи кучайиб кетганларга доруйи беҳуш бермоқ, тезликда тиг уриб, вужуддаги у ёки бу аъзога дори билан таъсир кўрсатмоқлик, ҳатто чопқинда шамшир кесиб, осилиб қолган қўлларни танадан жудо этмоқлик ёки боғлаб, асраб қолмоқлик ҳам устоз Шамсиддин эл-Тузмиш жанобларининг назари тушгач ҳал бўларди.

Ярадор амир Алп-Арслонни аравада олиб келинаётгани ҳақидаги хабар етгач "табиби кабир" қонли қўлини ювиб, чодир ёнига келиб тўхтаган аравага яқин борди. Отдан йиқилиб, бели букчайиб қолган ва бунинг устига елкасига найза санчилган амирни оҳиста замбил устига олиб, аравадан туширишни буюрди. Оғриқнинг дўзахий азобига чидаб ётган амир кўз очиб, жарроҳ ҳазратлари билан омонлашди. Амир чодир ичига олиб кирилгач, тепасида ҳозир бўлган Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратларидан чўчибми, тандаги дарду оғриқ йўқолгандай бўлди.

— Ассалому алайкум, амир ҳазратлари!

— Ассалому алайкум... Сизни кўриб, танимдан оғриқ қочди,— деди амир илжайиб.

— Амир ҳазратлари! Сиздан душман қўрқиб қочгандай, биздан ҳам дард қўрқиб қочади,— деди амирнинг чеҳрасини очиш, руҳий таъсир кўрсатиш ниятида жарроҳ.— Қани, жароҳатни бир кўрай.— У чиқиб кетган бел ва корсон суякларини қўли билан силаб, тимирскилаб кўрди. Дарҳақиқат, ўнг оёқнинг тепаси қайрилиб, корсондан чиқиб кетган эди. Бунинг натижасида сон шишиб, баъзи аъзолари ҳам кўкарган. Қайрилиб, бўртиб чиққан корсон суякка қўл тегди дегунча қаттиқ оғриқ бошланарди. Доруйи беҳуш бериб, корсон суякларни жойига солиш мумкин эмасди, елкадаги жароҳат ҳам амирга азоб берарди. Елкадаги жароҳат чиқиб кетган суякларга нисбатан фил олдида пашшача кўринди. Елкадаги жароҳатни, иншоолло, дори-дармон билан даволашни кўзлади, аммо корсон суяклари мушкул эди. Уни алоҳида чодирга олиб кириб ётқиздилар. Корсон суякларини жойига туширмоқ бу жуда катта тиббий — жароҳлик масала экани сезилиб турарди. Шайхулраис Абу Али ибн Сино ҳазратлари таъ-

лимотига мурожаат этмаслик мумкин эмас. Жарроҳ шу кеча "Ал-қонун"нинг жарроҳлик бобини ўқиб, тонг оттирди. Эрта билан у табиб Шаҳобиддин Масъуд ҳазратлари билан маслаҳатлашди. "Ал-қонун"нинг баъзи саҳифалари яна бир карра варақланди, "мўмиё давоси" ҳам ўйланди. Ўз ўрнидан чиқиб, қайрилиб қолган корсон ва тўпуғ, тиззадаги "супра" суяклари ҳам ўйнаб кетган эди. На "Ал-қонун"даги даво тавсифлари ва на мўмиё ёрдам бера олмаслигига ишонди. Боши қотиб турган жарроҳга табиб мурожаат этди:

— Ҳазрат, агар янглишмасам, беш йил аввал Шаҳристон жангида шаҳзода Муҳаммад — Отликшоҳнинг ҳам корсон суяклари ўрнидан қўзғаб кетиб, сиз ҳазрат қорамол устида ўрнига туширган эдингиз...— деди табиб Шаҳобиддин Масъуд.— Эшитган эдим... ёдингизга тушди-ми?

— Дарвоқе!— деди жарроҳнинг чеҳраси ёришиб,— амир жароҳати шаҳзоданикига ўхшамайди, оғирроқ, аммо яна бир ўйлаб кўрмоғимиз лозим,— камтарона бир қиёфада, табибнинг эслатганидан ғоятда мамнун бўлиб. Ҳар қалай "Ал-Қонун"га қаттиқ суяниб қолмай, уни бойитишни — ҳар бир жарроҳ ўз йўлу услубига эга бўлмоғини табиб ҳазратлари тан олгани жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратларини беқиёс хурсанд этди. Ғайратига ғайрат қўшилди. У йўқотган нарсасини топгандай, чеҳраси очилди. Улар икковлон бир муддат хаёлга чўмиб, кейин жарроҳ шогирдлардан икки йигитни ёнига чорлади. Жароҳатланган беморлар тепасида юрган саркарда амир Музаффар-Тамғочнинг ўғли Абдул Саидни ва шериги Абдул Асадни ҳам чақирди. Устоз иш буюришини фаҳмлаб, наридан бери қўлларини ювиб, белларига боғланган қон излари бор матони ечиб, чодирга киришди: "Буйруғингизга тайёрмиз", дегандек бош ирғаб, қўл қовуштиришди.

— Азиз фарзандларим! Амир ҳазратларининг аҳволи мушкул. Тезда киришмасак, эту суяк қотади. Худойимнинг ўзи йўл берсин. Доруйи беҳуш билан ухлатиб қўйдик. Дард авж олиб, қон бузилмоғи ҳам мумкин. Иситма баланд... Бизлар бир сабабчи бўлиб, ҳаракат қилайлик, Аллоҳ ўзи йўл берсин. Фармон шундай: Тезда ён қишлоққа бориб, бир катта ҳўкиз топмоқ ва уни кечгача мутлақо оч қўймоқ, сув ҳам ичирмаслик зарур. Обдон оч қолган ҳўкизга тунда озгина кунжарага туз сепиб едирмоқ, хашағу сомону нимаики берилса кўпроқ туз сепиб бермоқ даркор. Мутлақо сув ичирмаслик, фақат хўрак едирмоқ,

эрта билан сувсираган ҳўкизни бунда олиб келмоқ зарур. Иложи бўлса йўлда оз-моз лўкиллашиб чоптирмоқ ҳам керакки, у обдон чанқаб, сувга зор бўлсин. Қанча сувси-раса шунча яхши. Тушундингизми?

— Тушундик, устоз.

— Айтганларим сал бузилса, иш бесамар бўлғай.

— Фармонингиз бажо этилғуси, устоз!

— Ҳўкиз сўйилмайди, эгасига қайтарилади. Ақча ҳам тўлаймиз. Хотиржам бўлғайлар. Шунини тушунтириб айтинг.

— Тушундик, устоз.

— Амир ҳазратлари омон қолсалар, ҳўкиз эгаларини инъомсиз қолдирмадилар. Бу иш жуда муҳимлигини айтинглар, аммо биз нима иш қилмоғимизни ҳеч кимсага айтманглар.

— Пинҳон тутамиз.

— Боринглар, азизларим! Бир катта ҳўкиз топиб келин-глар, у жуда оч бўлсин, соғ бўлсин...

— Ҳўб бўлади, устоз!— икки шогирд чиқиб кетиб, дарҳол тайёр турган отларига сакраб-сакраб минишди-да, ён қишлоққа, деҳқонлар хонадонига югуришди.

Муҳораба жараёнида саркардаларнинг амри вожиб эканлигини ҳамма биларди. Айниқса, пойтахтни босиб олиб, кўп хунрезликлар, шу тупроқ фарзанди бўлатуриб, кўп фахш ишлар қилган, қораюрак шаҳзода Йўсуфшоҳ — Ғаркўздан қутилиш учун ҳамма чоралар кўриларди. Оғилхонадаги ҳўкиз ҳам мамлакат мустақиллиги учун бел боғлагандек бўларди. Ичингдан чиққан балоға, қайға бо-рурсен давога... дедилар. Шу тупроқ фарзанди бўлган шаҳзода Йўсуфшоҳ ўз оға-иниларига, ватандошларига кўргазган зулмни қиёматгача эл унутмаслигини амир бир неча бор айтиб, уни тутиб, қўл-оёғини боғлаб олиб келиб олий ҳазрат оёғи остига ташламагунча ҳаловати бўлмаслигини айтган эди. Жарроҳ буни ҳам биларди.

Жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмишнинг ота-боболари ҳам ҳаким ўтган, улар Қорахонийлар салтанатига, подшоҳ Насиршоҳ, Қиличшоҳларга хизмат қилган, улар қорлуқ ва яғмо уруғидан экани тарихдан маълум. Яна бир манбада, уларнинг шажараси Исмоил Самоний авлоди — Нуҳ ва Мунсуршоҳларга хизмат қилган экан.

Икки толиби илм шогирд — мадраса муллаваччалари қишлоқда бир-икки хонадонга кириб катта ҳўкиз топишди. Кун бўйи овқат едирмай, оч қолган ҳўкизга кунжараю хашакка обдон туз сепиб едиришди. Бир қисм хашакни қопга тиқиб, отларга ортишди. Ҳўкиз бурнидаги арқондан

ушлаб оғилхонадан олиб чиқиб, кенг дала ўртасидаги чодирлар томон юришди. Ҳўкизни эгаси жарроҳга ўзи олиб боришга қарор қилди. Ўз эгасига ўрганган ола ҳўкизнинг чоти керилиб, дала томон юриди. Унинг шоҳлари узун, говдали, оғирлигидан туёқлари ерга ботиб борарди. Улар кун ботишга яқин ярадорлар ётган чодирлар ёнига яқинлашди. Бу ерда турган отлиқ ва пиёда навкарлар уни сўйилишга олиб келишди, деб ҳўкизга кўз ташлашди. Хабар беришгач, бир муддатдан сўнг ташқарига чиққан жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш ҳазратлари ҳўкизни кўриб, ўйлаганимдек бўлибди, деб шогирдларига ташаккур айтди. Уни обдан чанқатиш кераклигини яна таъкидлаб, ичкарига кира туриб қудуқдан сув тортиб, хумни тўлдириб қўйишни, ўн беш челакдан кам бўлмаслигини таъкидлади. Эрталабгача ҳўкизга сув бермаслик, иложи бўлса яна озроқ овқат беришларини буюрди. "У фақат эрта тонгда сув ичади" деди. Қишлоқдан келган ҳўкизнинг эгаси ҳам шу ерда қолди. Ҳўкизни қозиққа боғлаб, қудуқдан сув тортишда ёрдам берди. Бундан ташқари аравада олиб келинаётган ярадорларни чодир ичига олиб киришда ҳам шогирдлар ёнида туриб, кўмаклашди. Умри ишлаб ўтган кимса бу ерда қараб турмас экан: мамлакат учун жанг қилиб ярадор бўлганларга "Синоий соний"дек машҳур кимсалар беуйқу, беҳаловат табобат этсалар-да, деҳқон киши четда қўл қовуштириб турмоғи жоизми? Дўлвар, оёғида чориқ деҳқоннинг аравадан ярадорларни олиб кираётганига кўзи тушган Шамсиддин ва Шаҳобиддин ҳазратлари қониқиш билан бир-бирларига имо қилиб қўйишди: "Эл бошига иш тушса барча баробар..." дегандек бўлишарди.

Ғира-шира тонг отди. Ўн беш кунлик ой шундоқ тепада ярқираб турарди. Сувсираб тинимсиз бўкираётган олаҳўкиз наинки кўзи илинган табибни, бунда ҳориб ухлаб ётган шогирдларни ҳам уйғотиб юборди.

Вақти етди дегандек, жарроҳ ҳазратлари таҳорат тоза айлаб, юз-қўлларини ювди. Жарроҳлик либосларини кийиб, шай бўлиб, шогирдлари ёнига чиққан эди, уларни тайёрланган нонуштага таклиф этди. Устоз шогирдлар даврасида нонушта қилиб, фотиҳадан сўнг ўринларидан турди. Жарроҳлик тигини ушлаган кунларда ҳазрат асло эт емасдилар. У шогирдларига амир ҳазратлари учун хўрак тайёрлашни, иложи бўлса кабобу май беришни буюрди. Лекин қачон тонг отади, қачон сонларимга тиг уриб, этларим қирқилади, чиқиб кетган оёқларим жойига туширилармикан деб тун бўйи ухламай чиққан амир жарроҳ

ҳазратларини кириб келганини кўриб, юраги гуп-гуп ура-бошлади.

— Ассалому алайкум, амир ҳазратлари!— деди энг шимарган, баланд бўйлик Шамсиддин эл-Тузмиш — бардам бўлинг, Аллоҳ паноҳингиз бўлсин, Худо хоҳласа тузалиб кетасиз. Қоринни тўйдириш лозим. Кабобдан истеъмол этиб, бир пиёла май ичинг. Биламен, иссиғингиз бор, иштаҳа йўқ...

— Ҳазрат, май ичадиган ҳолим йўқ.

— Ичасиз!— деди буйруқнамо,— мен айтдим, ичасиз!

— Хўп!

— Кабобдан ҳам энг. Куч керак!

— Хўп!

— Мен сизга доруйи беҳуш бермаймен, менинг нима иш қилмоғимни ўз кўзингиз билан кўриб турасиз.

— Хўп.

Жарроҳ амир устидаги ёпингични очиб, ўйнаб кетган корсон суяқларини қўллари билан ушлаб, обдан пайпаслаб, бармоқларини ботириб, оғритиб кўрди. Бу амирга мутлақо ёқмас, унинг гаши келиб, ижирғанаётганини ҳам жарроҳ сезиб турарди. Унинг оёқлари, тўпуғи, суяқларини тимирскилаб, яна пардани ёпиб қўйди. Шогирдига айтиб, қоғоздаги қандайдир бир кўкиш талқонни унинг тили остига тўкиб, устидан сув ичиришни буюрди.

Амир жарроҳ айтганини бажарди.

— Бу юракка қувват беради. Қисман оғриқни йўқотади.

— Ташаккур!

— Бир лаҳзадан сўнг /жарроҳ курси устидаги қум соатга кўз ташлади/ Сизни кўтариб олиб чиқамиз.

— Тайёрмен, ҳазрат.

— Сизни отга эмас, ҳўкизга миндирамиз. Мамлакат мудофаасида фақат от эмас, ҳўкиз ҳам мададкор. Ҳиндистонда филлар ишга тушарди. арабистонда туялар... Биз, кўнглингизга келмасин, анави ад-Давла-ҳўкизни эмас, яхши ҳўкизни ишга соламиз. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!..

— Бу нима деганингиз, ҳазрат?

— Қўлингизга шамшир бермаймиз, аммо ҳўкизга миндирамиз.

— Қизиқ-ку,— амир Алп-Арслон илжайди. Жарроҳ ёнида турган табиб ҳам, шогирдлар ҳам беихтиёр кулиб юборишди.

— Шундоқ, амир жаноблари. Ҳўкизки сизга даво берса у ҳам ўз юртининг озод этилишида хазмат қилган бўлади. Тўғрими? Ҳўкизларни ҳам камситмаслик керак, барча

ҳўкизлар яхши, лекин Ҳумомиддин ад-Давла деган ҳўкиз ёмон! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а!.. Ёмондан ҳам ёмон сотқин! Бу сўзни эшитган шогирдлар юзидан кулки қочди. Барча жиддий бўлиб қолди.

Амир Алп-Арслон ҳеч нарсага тушунмай, лом-мим демай жарроҳга бақрайганча тикилиб тураберди.

Шундан кейин жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш билан табиб Шаҳобиддин Маъсуд ҳазратлари чўкка тушиб, юзларига фотиҳа тортдилар. Шогирдлар ҳам дарҳол чўкка тушиб, юзларига фотиҳа тортдилар: "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! Ло илоҳа иллаллоҳ саййидина Муҳаммадун Расулulloҳ ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадун Расулulloҳ. Аллоҳу акбар!"

Шогирдлар амирни ётган тахтаси билан бирга кўтариб, ташқарига олиб чиқишди. Бунда каттакон қозиққа боғланган ҳўкиз устига кўрпача ташланиб, уни устига амирни миндиришди. Чипор арқон билан тасмани ҳўкиз қорнидан ўтказиб, амирнинг икки оёғи тўпигидан маҳкам боғлашди. Шу лаҳза тоғорада сув олиб келиб, ҳўкизга ичиришди. Обдон сувсаган улкан ҳўкиз бир тоғора сувни бир ҳўплагандек ичиб тугатди. Ҳўкизга миниб ўтирган амир кайф ичида оғриқни ҳам сезмай, жарроҳ ҳазратларига қараб кулимсирарди, нима қиляяпсиз, дегандек имо қилди. "Бардош беринг, амир, чиданг!" қўллари билан имо қиларди жарроҳ. Амирнинг йиқилиб тушмаслиги учун икки йигит икки томондан шай ушлаб туришарди. Уч шогирд йигит катта хумдан тоғорага сув тўлдириб, югуриб бориб ҳўкизга тутишар, чанқаган азамат ҳўкиз бир тоғора сувни ҳаш-паш дегунча ичиб қўярди. Жониворнинг қорни шиша бошлади. Бешинчи тоғорани ичганда ҳўкиз қорни катта ногора бўлиб шишиб, амирнинг оёқлари таранг тортилиб, бетоқат бўла бошлади. Ҳўкиз олтинчи тоғоранинг ярмига етказганда амирнинг корсон суяклари бирдан қарс-қарс этиб кетди, у вой, деганча тишини тишига қўйди.

— Тушди! Аллоҳга шукр, тушди,— деди жарроҳ хурсанд амир ёнига келиб. Унинг белларини ушлаб, корсон суякларини силаб, баъзи жойларини эзиб кўрди. "Болаларим, амир ҳазратларини энди ҳўкиз устидан оҳишта тахтага олинглар!" деди-да, ўзи дарҳол ўткир пичоқ билан ҳўкиз қорнини сиқа бошлаган арқонни, чарм тасмани узиб юборди. Йигитлар амирни юмшоқ тўшаклар ёзилган тахта устига авайлаб ётқизишди.

— Аллоҳга шукр, ўйлаганимдек бўлди,— деди жарроҳ ёнида турган табибга боқиб,— суяклар қарсиллаб тушганини эшитдингизми?

— Эшитдим,— деди табиб,— офарин!

— Амир, кечга яқин сизни Доруссалтанага элтамиз, унда кўрпа-тўшак қилиб ётасиз. Агар бизнинг итоатимиздан чиқсангиз ризо бўлмаймиз. Уч-тўрт кун ётасиз! Парҳез ётасиз. Кейинчалик яна бошқа муолажаларимиз бор.

— Хўп,— деди оғриқ ва кайф ичида ўзига ўзи ишонмай амир.

— Амир Музаффар-Тамғоч ҳазратларини даволадик. Бунга анча вақт бўлган. Бир ой ётмоқлари лозим эди, "мен туққан хотиндек ётабераманми!" деб ўринларидан туриб кетдилар. Оқибат нима бўлди! Эҳтиётсизлик қилмағайсиз, амир ҳазратлари!

— Хўп,— деди амир.

Жарроҳ Шамсиддин эл-Тузмиш деҳқонга ҳўкизи учун икки тилла танга бериб, ризо этди. У ҳеч олмайман, деса ҳам зўрлаб олдилар. Бир ой муддатида ҳўкиз бечорага кам-кам сув бериб, мутлақо туз ялатмасликни тайинладилар.

Кунлар ўтди. Ўйнаб кетган корсон суяклари жойига тушиб, осилиб, жонсиз бўлиб қолган оёқларига яна қон югуриб, жисми мукамал бўлганини сеза бошлаган амининг руҳи кўтарилди. Оғир дардни кўрмагандек бўлиб кетди.

XXXVIII боб

ТУРОН ГЎЗАЛИНИНГ ТАҚДИРИ АЗАЛИ

Йўсуфшоҳ қўшинининг тор-мор этилиши Туронзаминнинг гарби-шимоли, Жайхун ёқасидаги қалъаларга тинчлигу осойишталик келтирди. Марв султони кейинги пайтда машриқдан, яъни қорахонийлар пойтахти Болосоғундан бўладиган ҳужум таҳликаси ҳамда айғоқчиларнинг етказган хабарлари гирдобиди банд бўлиб, Марв султонининг Жайхун ёқасида "еган калтаги" /Йўсуфшоҳ мағлубияти/ бу томонларга яна кўз олайтиришга журъат эттирмади. Марвда, умуман Хуросонда саркарда амир Алп-Арслон номи кенг тарқалди, баъзилар уни "замонамиз Афросиёби" деб атадилар. Хоразм шоҳ Аълоиддин Муҳаммад — Отсизнинг шаъну шавкати ошиб, мамлакатда фаровонлик, илм-

маърифат тараққиётга кўтарилди. Бу заминда Рашидуддин ал Ватъот, ал-Хоразмийю, ибн Сино, Беруний... таълимотлари қайтадан ривож топди, кўп йиллар муҳорабаю талотўплар бўлмади.

Шаҳзода Сулаймоншоҳ ҳалокатига бир йил тўлиб, гарчи подшоҳу Буюк малика юрагидан андуҳ аримаган бўлсада, барибир Аллоҳи Таолонинг ҳукмига рози бўлмай иложлари йўқ эди. Бу — мўъмин мусулмонлар учун фарзи айн! Бу бир йил ичида салтанат таркибида бир қанча ўзгаришлар содир бўлди: салтанатни сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатган Йинол-тегин, амир Алп-Арслон, амир Музаффар-Тамғоч, амир ибн Халдун ва бошқа арбобларга подшоҳ қаттиқ суяниб қолди, улар катта иқтоъю инъомларга сазовор бўлдилар...

Умуман олганда бу музофотда тинчлигу осойишталик, фаровонлик қарор топди.

Аммо кунлардан бир кун саркарда амир Музаффар-Тамғоч — Самарқандий эрталабки саломдан сўнг подшоҳ ҳазрати олийлари ҳузурда бир муддат ёлғиз қолиб, она шаҳрига, қариндош-уруғлари бағрига боришга рухсат сўради.

— Бир неча ойгами?— сўради кайфи чоғ подшоҳ саркардага табассум ила боқиб,— бориб келинг, Самарқанд узоқ эмас, буюк Афросиёб шаҳри. "Самарқанд сайқали рўйи замин аст..." деб бекорга айтилмаган.

— Олий ҳазрат, менга жавоб берсангиз, мен энди ота касбим — деҳқончилик қилурмен, зироат экурмен...

— Ийя! Бу, қизиқ! Сиз саркардасиз, Сизга "Малик" унвони бермоқчимиз.

— Минг бор ташаккур! Мен ҳаммавақт садоқатли сарбозингизмен. Аммо, юртимни соғиндим... Авф этинг, олий ҳазрат, мен чин юракдин демоқдамен.

— Ихтиёрингиз,— деди подшоҳ амирга рухсат этиб.

Амир Музаффар-Тамғоч бир ҳафта ичида бола-чақаларини олиб, араваларда Гурганждан Самарқандга кўчиб кетди. Бу хабардан воқиф бўлган амир Алп-Арслоннинг юраги зил кетди, ахир, амир Музаффар-Тамғоч ҳазратлари беназир, зако саркарда эди, у зот нимадан хафа бўлдиларки, бизни тарк этиб, Самарқанд сари йўл олсалар? Унинг ғоятда боши қотди, аммо олий ҳазратга бир нима деёлмади.

— Дунёда жуда оғир ва машаққатли меҳнат бор,— деди бир кун амир Алп-Арслон вазири аъзам этиб тайинланган

Йинол-тегин ҳазратлари билан суҳбат қуриб ўтириб,— бу, бекорчилик, меҳнат қилмаслик!

— Орий,— деди вазири аъзам /бу лавозимга яқинда тайинланди/ илжайиб. У фалсафий, тағидан маъно чиқадиган гапларни тинглашни ёқтирарди,— ҳа, меҳнат қилмасликдан оғир иш йўқ. Айниқса ёши кетган одамлар бир нима билан машғул бўлмоғи, ҳаракат қилмоғи гоёта зарурдир. Аҳримон дев йўқолиб, Ормуз (рўшнолик) даври бошланди. Лекин баъзи арбобларнинг пойтахтни ташлаб кетаётгани, менинг назаримда, яхши иш бўлмапти. Кўнглим гаш.

Амир бош солиб ўтирди. Индамади.

— Машриқ тақвими (календари) бўйинча тўрт юзинчи йил, яна икки ойдан кейин Наврўзи олам, бу йил — Ҳамдуна йили, подшоҳ олий ҳазратлари амри ила мен Ироқ ва Миср сафарига отланмоқчимен. Шом мамлакатларига бориб, савдо-сотик йўлларини яна очишимиз зарур.

Орадан бир ҳафта ўтгач, эрталабки саломдан сўнг, подшоҳ ҳазратларидан илтимос қилиб, бир лаҳза ёнларида қолган саркарда — сардор Муҳаммад ҳам олий ҳазратдан она юрти Ироққа, буюк Басра шаҳри яқинидаги ўз қишоғига жўнамоқчи эканини, она заминни гоёта соғинганини маълум қилди. У туркий тилда ҳам эркин сўзлашар, лекин арабий сўзлар аралаштириб, туркий сўзга арабий урғу бериб айтарди. У, ал-Мисрий билан она тиллари — араб тилида гаплашишар экан, бу аснода хурсанд бўлиб кетишарди, амир уларнинг хурсанд бўлишликлари боисини билар, уларни кузатиб туриб, "ба-лиқ сув билан тирик..." деб ҳазил қиларди, яъни инсон ўз она тили билан тирик, тили йўқ кимса-мурда!

Подшоҳ саркардага ҳам жавоб берди. Қанча совға саломлар билан уни узоқ йўлга кузатиб қолишди.

Бу гапдан воқиф бўлган паҳлавон— Муҳаммад Али ал-Мисрий юрагида ҳам она тупроқ муҳаббати жунбушга келиб, подшоҳ ёнига кириб, қимтина-қимтиб ўтириб гаплашиш иложи бўлмагач, вазири аъзам орқали подшоҳдан рухсат сўради. У, Мисрга, жонажон шаҳри Луксорга боришини маълум қилди. Ал-Мисрий вазири аъзамга мурожаат этишдан аввал бу хусусда амир Алп-Арслонга ҳам бир неча бор мурожаат этган эди. Амир бу ишга рози эмаслиги, буни фақат олий ҳазрат ҳал этиши мумкинлигини маълум қилган эди. Ал-Мисрий, орадан ўн кун ўтса ҳам вазири аъзамдан жавоб ололмади. У кутганча кутиб ётди... Бир кун эллиқбоши, юзбоши сардорлар орасида, кўпгина ар-

бобларнинг кетиб қолаётгани яхши эмас, бу салтанатни таназзулга олиб боради. Ўзи бундоқ ишни ихтиёр қилмоқчи эмасди. Қулликдан қутқариб олган амир Алп-Арслонга то умрининг охиригача садоқат билан хизмат қилишга тайёрлигини билдирди. Бир куни "амирнинг кўнгли Шоҳсанамда экани, уларнинг бир-бирларига кўнгли борлиги, уни севган амир уйланмай ўтаётгани, аммо Буюк малика ҳам, олий ҳазратнинг ўзлари ҳам келинлари Шоҳсанам қисмати ҳақида ўйламаётганликлари..." уни оғзидан чиқиб кетди. Бу гап подшоҳ ҳазратлари шаънига айтилган яхши гап бўлмаганлиги сабабли ал-Мисрий сафдошлари бу гапни ютиб юбориб, асло ташқарига чиқармадилар. Бундай гапларнинг оқибати ғоятда ёмон бўлишини пайқадилар — минг йил хизмат қиласан, аммо бир ноқулай гап учун оёғинг осмондан келиши ҳеч гап эмас.

Орадан бирон ой ўтгач, "олтин қафасдаги" гўзал Шоҳсанам "Онамни соғиндим..." деб Гурланга жўнади. Орқама-орқа у томонга бориш сарой аъёнларининг кўнглига бир гап келтирмасин, деган хаёлда амир Алп-Арслон Гурланга бормаи, пойтахтда ҳам ортиқ тургуси келмай Бухорога жўнади. Ундан Шошга жўнашни ҳам кўзлади. Шундай бир вазият пайдо бўлдики, саройда, олий ҳазрат атрофида таниш-нотаниш янги одамлар пайдо бўлиб, эски жафокаш арбоблар секин-аста тарқалиб кета бошлади. "Пўконидан ел ўтмаганлар..." подшоҳга хушомадни авжга миндириб, Доруссалатанани эгаллашди. Турон тараққиётини бизлар янгидан бошлаймиз, эскиларнинг даври ўтди, деган нидолар ҳам чиқа бошлади. Бу гапларни эшитган амир қаттиқ ранжиб, хафа бўлди, лекин бундай қўланса сўзлардан подшоҳни огоҳ этишга интилмади, бургутдек мағрур қадду қоматини ёздию чангалини сичқонларга ургуси келмади. Бўрию тулки, архару қоплон бўлса экан, чанг урса! Бургут осмони фалакдан сичқонни кўради, аммо ҳеч қачон сичқондек махлуққа чанг уриб, ўзини хор қилмайди. Уларнинг додини тун кезар бойқуш берсин, дейди. Аммо, тахту тожи атрофида шуҳрат талаб, бойлик орттиришга муккасидан кетган сичқонлар, қаланги-қасангилар тўлиб кетгани аркони давлат қалбини эзиб, асабини бузарди.

Эски қадрдонлар секин-аста тўзиётганини сезган доно Йинол-тегин кунлардан бир кун олий ҳазрат билан ёлғиз гаплашмоқни ният қилди. Анча хотиржам бўлиб қолган подшоҳ бу жараённи сезмасди ёки сезса ҳам "янгилар"га суяниб, "эскилар"га бефарқ, эътиборсиз бўлиб қолган эди.

Булар ҳолва! "Янгилар" амир Алп-Арслоннинг бир неча йил муқаддам жазолангани, Шоҳсанамнинг "эрига хиёна-ти..." хусусида ҳам гап тарқатганликлари ваъзири аъзам сочини тик қилиб, ғазабини жунбушга келтирди. Мамлакат учун жон олиб, жон берган саркардалар обрўсига бундай носазо гапларни айтишга ва ҳатто хаёлларидан ўтказишга нима ҳақлари бор! Бу яхшилик белгиси эмас, деди кекса арбоб. У, чоршанба — муродбахш куни номози шомдан кейин подшоҳ ҳазратлари ёнига кирди. Олий ҳазрат вазири аъзамни катта хонада, тахт ёнида қабул қилди.

— Улуғ ҳазрат, маълумингиз бўлғайки, кўпгина соҳибқиронлар кетиб қолмоқда. Бу ҳақиқатни айтганим дилингизга озор бермасун. Таназзул бизларга совуқ башарасини қаратаётган экан, бу ишда ўзини Аллоҳ олдида, улуғ ҳазрат олдида гуноҳкор ҳисоблаймен, бу масалага диққатингизни жалб этмасам, кейин пушаймонлиг бўлмасун. Янги мансабдорлар уёқдан-буёққа югуриб, йилтираётгани, кўп сўз айтиб, кам иш қилаётгани кундан кунга аён бўлмоқда. Очигини айтсам, Аллоҳ ҳаққи, мен уларга кўп ишонмаймен!

— Вазири аъзам ҳазратлари, қадрдон иним, — деди подшоҳ ҳамма гапларга жон қулоғини тутиб, — мен ўзим шу борада сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Дарҳақиқат, на сабабдандир қадрдонларимиз тарқаб кетмоқда. Чақириб олган ёш мансабдорлар обрў ва ақча важидин эскиларни четга итариб, ҳаммаёқни эгалламоқдалар. Сезиб бораяпмен. Худо кўрсатмасин, яна бир жанг бўлса, ичимиздан кўп хоинлар чиқиши аниққа ўхшайди. Жанг ва юриш бўлмоғи муҳаққаҳ, чунки биз салжуқийлар тобелигидан қутулмоғимиз керак, бусиз Туронзамин мустақил бўлолмайди.

— Демак, муҳораба...

— Бусиз мумкин эмас, иним!

— Ватаннинг қудрату салоҳиятини ошириш, бу кўп кечиктириладиган масала эмас. Ҳар кун, ҳар ой, ҳур йил аниқ ҳисобда, ҳатто дақиқаларни ҳам қўлдан чиқармаслик лозим.

— Менинг бошимда ҳам шундай фикрлар кезарди, ammo тўкин-сочин бу даврда саркардаларнинг сочилиб кетаётгани мени кўп ўйлатмоқда.

— Бу фикр сиз, жанобдан чиққани айни муддао. Сезибсиз. Яхши сезибсиз! Саркардаларнинг тарқалиб кетишини тўхтатмоқ учун на чора қилмоқлик керак?

— Чора бор, ҳазрати олийлари.

— Айтинг.

— Келинимизни, яъни фарзандимиз Шоҳсанамни тўю томоша билан амир Алп-Арслонга узатиш керак. Йил ўтди... Энди никоҳ мумкин. Уларнинг бир-бирларига кўнгли борлиги сиз билан менга аён. Бу йўлда амир бошига қанча жабру жафолар тушди, аммо у ҳеч қачон она юртинию подшоҳини сотгани йўқ, аксинча юрагидаги гиналарни йўқотди. Тахту тожга садоқат бўлса шунчалик бўлар. Уларнинг муҳаббатига бизлар тўғаноқ бўлмайлик.

— Мен розимен. Аммо негадир амир бу хусусда асло сўз демади!

— Қандай қилиб десун. Бу ҳақда сўз очмоққа унинг ҳадди сигмайди.

Подшоҳ ўйланиб қолди, кейин чиройи очилиб, Йинолтегин ҳазратларига боқди:

— Қизим бўлганда ҳам унга узатмай кимга узатардим. Шоҳсанам ҳам фарзандим, мен розимен. Тахту тож барқарорлиги йўлида анчагина, ҳатто шаҳзодалардан юз чандон ортиқ хизмат қилганлиги ҳаммага маълум! Сиз, ҳазрат, бу ишга бош бўлинг.

— Иншоолло!

* * *

Шоҳсанам йигирма бир ёшга кирмоқда. Ун еттида катта тўю томоша билан шаҳзодага никоҳ этилиб подшоҳ хонадонига тушган эди. Бир йилдан зиёдроқ, эрининг ҳалокатидан кейин азадор бўлиб, қора либосга ўралиб, қалъадан чиқмади. Гарчи подшоҳ уруғидан бўлса ҳам ёшлигида отаси бошига тушган мусибат туфайли саройдан сурилган, аммо, қони қайноқ, зеҳни ўткир эди. Унинг вужудида ғайрат мавжланарди, мардлигу жасоратни, софдиллиликни, тўғрисўзликни ёқтирар — она қизидаги бу феълни отасига ўхшатар, "отанг раҳматли шундай эдилар," дерди.

Пойтахтда, сарой хоналаридаги заррин либосу маликаларга хос тантанаворлик, хизматкор хотинларнинг ҳаддан зиёд итоаткорликлари, ҳатто таому шарбатларнинг беназирлиги, бир оғиз сўзи билан ҳамма нарсани шу лаҳзада муҳайё бўлиши, ҳаддан ошган тавозею иззату икром... Шоҳсанам бари-баридан зерикди, ўзини олтин қафасдаги чиройли тўтиқушга ўхшатди. Ёлғизлик, ҳадеб асал емалик жонига тегди. Қани энди зогора нон бўлсаю сувга ботириб есам, қани энди қишлоқ қизлари билан гурунгла-

шиб кулсам, югурсам, отда чопсам... "Лашкарбоши" ҳазратлари ҳам "мамлакат ишлари", подшоҳ ҳазратларига садоқат билан банд бўлиб қолдилар. Шоҳсанам юраги сиқила бошлади. Эҳтимол, амир ҳазратлари уйланар, бу уйланмаган чиройлик ва жасур саркардага ким қизини бермайди! Ясовулларга панд бериб тунда қалъага кирган, муҳаббат йўлида Илонлар ғорига ташланиб, илонлар ичидан соғ чиққан инсон, муҳаббат деб, жонини тикиб, зиндон қўрғонларидан ошиб, ёнига кирган инсон қани? Оташин муҳаббат совидими? Наҳотки ишқ оташи совиб, амир ҳазратлари қалбига осойишталик чўкди? Ёнишлар, куйишлар, интилишлар, олов бўсалар, муҳаббат йўлида жон тикишликлар, қизганишлар... бари сўндими? Агар у сўнган бўлса бу ёруғ дунёда юришни ҳеч қандай аҳамияти қолмабди. Унинг ўзи ҳам сўниши керак!

Руҳан жарликка тушиб кетган Шоҳсанам Гурланга, она ёнига етиб келиб, кун бўйи таом емади, саройда бўлган кўп воқеаларни айтиб берди, иккинчи Доруссалтанага, пойтахтга бормаслигини айтди. Сўзи қатъийлигини таъкидлади.

Она ҳайрон, қизига бир нима демоққа ожиз. Лекин қизи етиб келмасданоқ доно вазири аъзам Йинол-тегин ҳазратларининг бошига келган фикрлар тахминан она бошида ҳам гир-гир айланарди. Чунки қизининг кўнгли ёшликдан амирда эканини, лекин подшоҳ амри вожиб, у гўзал Шоҳсанамни ўз ўғлига олиб берган эди... Ҳозирга келиб Шоҳсанам амир ҳазратларининг "ўйнаши"га ўхшаб қолаётгани — юрагига алам берар, бу бедаво дарддан қутилиш мумкин эмасмикан, деган фикр кўнглидан ўтиб, тушкинликка тушиб кетарди.

Шоҳсанам ўзини ихота қилиб келган йигирма чоғлиқ подшоҳ навкарлари, сардору сарбозларни зиёфат қилиб, яна Гурганжга қайтиб кетаберишлиklarини айтди. Бу ерда у ихотасиз, она ва қариндошлари бағрида бўлишлигини қайнонаси Буюк маликага хабар қилиб қўйишлиklarини ҳам таъкидлади.

Амир ҳазратлари "нега совиди эканлар," деган ўй-хаёл гирдобиди юрган Шоҳсанам кунлардан бир кун кимнингдир маслаҳати билан шу ерлик фолбинга боришга қарор қилди. Шу лаҳза хаёлан амир Алп-Арслон рўпарасида пайдо бўлиб, у айтган бир ривоят ёдига тушди...

Ифвогар бир кимсанинг гапига ишониб, эрининг бошқа аёл билан алоқа қилаётганидан гумонсириган хотин фолбинга борибди. Фолбин унга эрининг соқолидан икки тола олиб келишни, у афсун ила эрининг илгаригидай севиши-

ни, ўйнашидан совутишини айтибди. Шу игвогар унинг эри қулоғига кимсалар орқали маҳрами хиёнат қилиб юрганини етказиб, эрни ҳам фолбин ёнига боришга ундабди. Фолбин унга "тунда ухлаб ётганинда хотининг томоғинг тагига тиг олиб келади, ҳушёр бўл! Омон қолсанг ишларинг яхши бўлади. Ит-вафо, хотин-жафо!"— дебди. Фолбинни сўзига ишонган лақма хотин ярим тунда ухлаб ётган эри томоғи остига устара олиб келиб, соқолидан икки тола мўй олмоқчи бўлибди. Ўзини ухлаганликка солиб, сохта уйқуда ётган эр томоғи тагига устара келаётганини кўрибоқ дарҳол ёстуғи тагидаги ўткир ханжарини олиб, хотинини кўксига тикибди. Хотин шу лаҳза тил тортмай ўлибди.

Шоҳсанам шуни эслаб, ўзини қўлга олди, фолбинга бормади.

Шоҳсанамнинг саройдан чиқиб кетганини эшитган амир Алп-Арслон уч кундан сўнг садоқатли дўсти давангир ал-Мисрий билан от чоптириб Гурланга келди, дарҳол Маликшоҳ қўрғонига бориб, дарвозабонга отларини топшириб, хизматкорлар таклифи билан ташқари ҳовли — меҳмонхонага киришди. Бошидаги рўмолининг чети билан дудоқларини яшириб, узун ва сипо либосда улар истиқболга чиқиб салом берган Она ва Шоҳсанам расмий бир тарзда ҳамма меҳмонларга айтиладиган одат — "Хуш, келибсизлар!" деб, кўрпачага чўкиб, фотиҳага қўл очишди. Ҳаяжонланган амир энтикиб, она билан ҳол-аҳвол сўрашди. Ундан сўнг Шоҳсанамга боқди:

— Амир Музаффар-Тамғоч, сардор Бўтакўз, сардор Муҳаммад ва бошқа арбобларнинг пойтахтдан чиқиб кетишлари бизни таҳликага солмоқда. Пойтахт ҳувиллаб қолди...

— Амир ҳазратлари, биз лашкарбоши ёки бирон вазир эмасмизки, сизни безовта қилиб, таҳликага солсак, — деди Шоҳсанам ўзининг бийрон ва ёқимли овози билан, — биз Доруссалтана устунларидан бирига илинган олтин қафасдаги тўтиқушмиз. Бу қушча борми, йўқми, бировнинг иши йўқ, салтанат учун ҳам бунинг бир чақалик аҳамияти йўқ. "Келин" эдик, тул қолдик. Тўтиқушга қилинган қанчалар хушомадлар бир рўё бўлиб чиқди. Бизнинг кўзимизга кўринган бўстон, бу — сароб. Менинг ҳунарим бор, мен бунда гилам тўқиймен, бундан халққа, ўзимга наф бор.

— Ундоқ деманг, маликам! Сизсиз пойтахт ҳувиллаб қолгани ҳақиқат! "Давлатимиз фахру файзи, тепиб турган юраги, келин эмас, фарзандим... Унинг кетиб қолгани

Доруссалтанани ҳувуллатиб қўйди..." дедилар олий ҳазрат чин юракдан. Сиз ахир олий ҳазратнинг катта оғаларининг неварасисиз, сиз вориссиз...

— Олий ҳазрат бизларнинг пушти-паноҳимиз, офтобимиз... Бобом ўрнида бобом. Доимо саломат бўлсинлар, офтобдек ярқираб турсинлар,— деди Шоҳсанам амир кўзига тик қараб.

— Билмадим, не ҳол кечмоқда мамлакатда?— деб гапга аралашди ал-Мисрий йўғон, залварли свози билан. У суҳбатга аралашганида Шоҳсанам билан амирнинг сирли нигоҳлари, қалдирғоч қанотидек қошлар, унинг остида чақнаб турган фусункор кўзлар ким нима деб, имолар ила гаплашишарди. Буни ал-Мисрий сезмас, гапи "ямоқ" бўлаётган бўлса ҳам, у амирни ўз укасидан ҳам аъло кўргани учун уларни бир-бирларидан мутлақо хафа бўлмастикларини истарди. Ал-Мисрийни қизариб, тўлқинланиб гапираётганини Шоҳсанам сезиб турарди.

— Араб ҳикояларида,— деди у,— Ажам ривоятларида ҳам подшоҳ ўзининг гўзал қизини жангда голиб чиққан ёки курашда енгган қаҳрамонга берарди. Бу қоида бузилгани сабабли ҳамма арбоблар сарой атрофидан кетиб қолмоқдалар. Амир Музаффар-Тамғоч ҳам кетди. Мен бу нарсдан хафа бўлдим. Бу гапни тилга чиқариб, айтиб бўлмайди, олий ҳазратнинг ўзлари сезишлари керак эди. Мен олий ҳазратнинг қулимен, ҳазрат учун жонимни беришга тайёрмен. Олий ҳазрат дарҳақиқат Искандардек жасоратли, Арастудек зукко кимса. Агар олий ҳазрат ўзларини ҳеч нарса сезмагандек тутабарсалар, мен ҳам тез орада ўз она юртимга кетиб қоламен!

— Йўқ, кетмайсен!— деди хонага кириб келган баланд бўйлик, ориқ одам. Бу одамни рухсатсиз кириб келганига таажжубланган Шоҳсанаму амир Алп-Арслон ҳайрон бўлиб, беихтиёр ўринларидан туришди. Ҳаммаларининг қўли кўксида, унга салом беришди. Бу кимса вазири аъзам Йинол-тегин ҳазратлари, Шоҳсанамнинг амакиси эди. Амакининг бостириб кириб келганини, ҳовлида, кўчада бир тўп суворилар турганига кўзи тушган она югурганча катта хонага кирди. Салобатли Йинол-тегин ҳазратлари амир таклифи билан юқорига чиқиб ўтиргач, фотиҳадан кейин, дарҳол гапини давом эттирди:

— Йўқ, ҳеч ким ҳеч қаёққа кетмайди! Бу, Олий ҳазратнинг фармони! Биз, амир Музаффар-Тамғоч ва яна ўнга яқин арбоблар изидан чопар йўлладик, қайтариб олиб келамиз, ҳар бир арбобга суюртқа-катта ер-сув ва имтиёзлар берилур. Ҳазинадан ҳар бирларига яна минг тилло

танга ваъда этдилар. Иккиламчи, биз мамлакат миқёсида тўй қилмоқчимиз... Сардор Муҳаммад Али ал-Мисрий, сиз, шу тўйда белингизни қамич билан боғлаб, хизмат қилур-сиз. Сиз, ҳеч қаяққа кетмайсиз! Мен эшикдан кириб келатуриб, паҳлавоннинг "кетаман!" деган сўзини эшитиб қолдим, кетмайсен, фарзандим! Биз аъло ҳазрат билан маслаҳатлашдик, ҳеч ким кетмайди, олий мақсадимиз йўлида эндигина бир қадам қўйдик. Туронзамин мустақиллигига етишдик, олдинда ҳали буюк ишлар турибди. Бусиз биронта саркарданинг Туронни, Хоразмни ташлаб кетишга ҳаққи йўқ! Хулоса: йўлга чиққан арбоблар ортидан тезликда одам йўллаган бўлсак, подшоҳим амри ила сизларнинг изингиздан ўзим келдим. Сизларни, яъни фарзандларимни олдимга солиб, зинғиллатиб, пойтахтга олиб кетишга ҳаддим сиғар! Мен, мансабдан мустасно, сизларга амакймен, бирингизга тоғамен... Ҳаддим сиғар! Агар биз кексалар томонидан бир хато ўтган бўлса кечириб кетилмас...— бу гап билан у "мен, подшоҳ ҳазратлари ҳам инсонмиз, хато қилсак кечирмоқ даркор" деган сўзни айтмоқчи эди.

Вазири аъзамнинг бу ҳаяжонли сўзлари бошқа гапларга нуқта қўйди. Амир ҳам, Шоҳсанам ҳам, ал-Мисрий ҳам индамай қолди, жаҳонгашта ва "Афлотун" амакининг салобати босди. У бир оғиз гап билан подшоҳиятини лўнда қилиб айтди. Бошқа гапга ҳожат қолмади.

Вазири аъзам кириши биланоқ хизматкорлар дастурхон ёзиб, нозу неъматлар ўртага қўйила бошлаган эди. Гурлан аҳли шу аснода ваъзири аъзам ҳазратларининг отда қишлоққа кириб келганини кўриб, оқсоқоллар Маликшоҳ кўрғончаси томон югуришди — бундан бир ярим йил аввал пойтахт босиб олинганда подшоҳу амирлар Гурганжга шошилишчи киришиб, ҳаммаёққа лашкар тўлиб, бу ер истеҳкомга айланган эди. Шу лаҳза Шоҳсанам ва онаси хонадан чиқиб кетишди. Вазири аъзам Йинол-Тегин ҳазратдек кимсанинг хабар қилмай кириб келиши қишлоқ оқсоқолларини саросимага солди. Улар келиб дарвоза ёнида қўл қовуштириб туришди. Бу ҳолни сезган вазири аъзам ўндан ортиқ оқсоқолларни ичкарига чиқиртирди, уларнинг юраги така-пука, амир ва вазири аъзам салобати босиб, катта хона тоқчалари тагидаги кўрпачаларга чўкишиб, қўлларини фотиҳага очишди. Қишлоқ имоми Нўшравон қори қироат билан тиловат қилиб, охирида

"подшоҳи олам" Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийларини, ундан кейин вазири аъзам жаноби олийларини дуо қилиб, фотиҳа этдилар.

— Хуш келибсиз, ҳазрат.

— Саломат бўлинглар.

— Тинчликми?— сўради оқсоқоллардан бири.

— Ҳа, тинчлик,— деди кулимсираб Йинол-тегин ҳазратлари,— қишлоққа бирон мансабдор келса нотинчлик бўладими? Тинчлик.

— Худога шукр... Доимо тинчлик бўлсун! Аммо, сиздек улуғ ҳазрат хабарсиз қишлоққа бекорга келмайсиз,— деди Гурлан оқсоқоли, соч-соқоли оппоқ, нуроний Абдуллоҳон Қиётӣй,— бир катта гап бор! Мени афв этинг, ҳазрат!

— Саздингиз, Қиётӣй жаноблари, дарҳақиқат бир катта гап бор! Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур... Жиддий гап бор...

— Ана, айтмадимми?— деди оқсоқол ёнида қатор ўтиришган қишлоқнинг мўътабар кексаларига қараб қўйиб. Вазири аъзам ёнида ўтирган амир Алп-Арслон қизаринқираб, ерга қаради. Боя оқсоқоллар кириши биланоқ ўрнидан туриб, пойгакка ўтган ал-Мисрий ҳам кексаларга сездирмай илжайди,— улуғ ҳазрат, ўша "катта гап"ни бил-сак бўладими?

— Йўқ! Кейинроқ биласиз. Яхшилик...

— Ташаккур, ҳазрат!— деди оқсоқол Қиётӣй,— яхшилик бўлсун, тинчлик бўлсун, о-о-мин, Аллоҳу акбар!

— Марҳамат, азизлар, дастурхонга қаранглар!— деди вазири аъзам.

Лекин сўзамол, пурвиқор амир Алп-Арслон негадир бир лаҳзада камгапу "камсуқим" бўлиб қолди, бу ҳолатни вазири аъзам айёрона қарашлари билан сезиб турарди. Ал-Мисрийнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди.

Вазири аъзам шу кунни яна пойтахтга қайтиб келди, подшоҳ билан маслаҳат шундай бўлган эди.

Аёлсиз хонадон — қуёшсиз осмон...

Меҳмонларни кузатган Шоҳсанам ҳовлида амир Алп-Арслон рўпарасида бир муддат қолди, у хайрлашмоқ учун чиқиб, севикли кишисига бир нима демоқчи бўларди, аммо чиройли кўзларига эҳтирос ила тикилиб турган амирга бир нима деёлмасди, ҳаяжон ичида соқов эди. Бунни ёш амир ҳазратлари сезиб турар, Шоҳсанам юрагидан чиқаётган унсиз гапларини тинглаб турарди. Шоҳсанамнинг юраги гуп-гуп урарди.

Амир Алп-Арслон ҳовлида бир лаҳза туриб, кейин ташқарига чиқди, бунда кутиб турган ал-Мисрий ва ўн чоғлиқ суворийлар орасидаги ўз отига сакраб минди-да, йўлга тушди.

XXXIX боб

ОЙДИНДА ЁТГАН ҚАШҚИР

Йўсуфшоҳ шу қочганича, отига устма-уст қамчи босиб, далама-дала югуриб, Ҳазораспга ҳам яқинлашмай, Жайхунни ёқалаб, кечга яқин кемачилар ёнига етди. Бир неча тилла танга бериб оти билан солга чиқди. Жайхуннинг нариги томонига ўтиб, дарҳол қум ичига кириб, узоқ тепаликка — Жонкелди қалъаси томон юрди. Уруш бошланишидаёқ, агар енгилса шу томонга қочишни мўлжаллаб қўйган эди. Бунда уни кутиб оладиган яқинлари бор, ҳатто буни султон Санжар сардорлари билан маслаҳатлашиб олган эди. Қум ичидаги Жонкелди қалъасида султонга содиқ кишилар — у билан доимий алоқада бўлиб, бир қисм бойликларини шу қалъа ҳокимига бериб қўйган, жайрон ови, айшу ишрат баъзан шу қалъада бўларди. Пойкандга, Бухорою Кармана, Самарқанд томонларга йўл олганлар қум ичидаги Жонкелдида тўхтамай иложлари йўқ.

Орқасидан қувган амир ва унинг навкарлари, айниқса "Фил" ал-Мисрийнинг қилич солиб ҳўқиз бўйнини узиб туширгани, амир душманларига нисбатан беаёв эканини эшитган Йўсуфшоҳ бу жангари паҳлавон қўлига тушмаслик учун "думини хода" қилиб, қумликда югурди.

Узоқдан қумликлар ичидаги баландликда Жонкелди қалъасининг баҳайбат қўрғони кўзга ташлангач Йўсуфшоҳ отдан туриб, ҳар гал бу томонга келганида қалъа ёнидаги баланд тепаликка чиқиб, атрофга тикилар, ёнбошлаб ётиб, хордиқ оларди. Ҳадеб отда юрабериш кишини чарчатади. Бунинг устига таъқибдан қочмоқ — кишини беҳол этади. Қувиб келаётган ал-Мисрий ва унинг йигитлари ҳамон кўз олдидан кетмасди. Бу қалъага етгач, илгари ҳам шу тепалик устига чиқиб, навкарлар ёзган оқ наमत устида бир муддат ёнбошлаб ётмоқни ирим қилиб олган, чўлдаги кекса қашқирларнинг ҳам ўз жойи бор — тўқ қашқир ўз тепалигига чиқиб ётиб, атрофни кузатади. Чунки у бепоён дашту чўлнинг ҳокими.

Хоразмнинг жангари отлари ҳам устидан эгаси тушди-ми, дарҳол ердан емак излаб, пишқириб, насибасини излайди. У ўз эгасидан узоққа кетмайди.

Бир дамдан сўнг ўрnidан туриб, қалъа дарвозаси томон юра бошлади. Катта дарвоза очилиб, ичкаридан чиққан қилич осган беш-олтита навкарлар кутиб олиб, шаҳзодани қалъа ҳокими ҳовлисига элтишди. Кўпдан буён ўзига тобе бўлган қалъа ҳокимига бўлган ҳамма гапни айтди, "қиличим синиб, қалқоним тешилди. Енгилдим... Эндиги йўл, тўғри Марвга, султон ҳазратлари ёнига!" деди Йўсуфшоҳ. Унинг фикрича, наинки акаси Хоразмшоҳ Отсиз ёки амакиси Йинол-тегин, энг даҳшатли душмани — амирлигини айтди. У ўз жосусларини Хазораспга ҳам, Пойкандга ҳам юборган, оёқ-қўлини боғлаб, шоҳ пойига ташламоқчи!

Орқадан изма-из айгоқчи чопарлар келмасин, деб қалъадан ташқарига, пистирмага ясовуллар қўйишди. Зиёфатдан сўнг, Йўсуфшоҳ ҳокимнинг хобхонасида ётиб дам олди. Ўлкасини босиб олгач, ярим тунда ҳокимдан бир одам орқали ўз тўшагига хотин талаб қилди. Нима қилишини билмай, довдираб қолган ҳоким "Хоразмшоҳлардан насл-насаб олиб қолмоқ" ниятида ўн саккиз яшар ўз синглисига никоҳ ўқитди... Унинг раъйини қайтармоқ даҳшатли оқибатга олиб келишини пайқаган ҳоким бу кутилмаган ишни қилмасликка илож тополмади. Иккиламчи, Хоразмшоҳлардан насл олиб қолмоқ, тожу тахтга даъвогарлар пайдо бўлмоғи қалъа ҳокимини қизиқтирарди.

Ривоят қилишларича "шу кеча чинни коса синиб, чўл гўзали қашқиршоҳ бағрида муроду мақсудига етибди..." Ёш бека Йўсуфшоҳдан ҳомиладор бўлди, жангу жадаллар тўхтагач, тўққиз ойю тўққиз куну тўққиз соатдан кейин ўғил туғди... Чўл гўзали ўзининг шаҳзодага бир кечалик ишрати учун бахшида бўлганини билмас, ўз оғаси айтганидек, у ўзини Хоразмшоҳларга келин бўлдим, деб тушинарди. Минг афсус!

Эрта билан қочоқ шаҳзода ювиниб-тараниб, чарчоғу қўрқувлари бир оз тарқаган, бармоғидаги гавҳар нигинни қизга совға этди. Ҳеч қандай куч-қудрати бўлмаса-да, яхши тахта-қоғоз келтириб қўйган ҳоким муншийсига фармон ёздирди: бу фармонга кўра Қалъа ҳокимига Томдидулоқ, бу томони Дорғон отагача бўлган ерларни бериб, ёнидан муҳр чиқариб босди. У, яна бир кеча бунда қолишини, кейин Марвга, султон Санжар ҳузурига жўнаб кетишини, худо хоҳласа катта қўшин билан қайтиб келиб, Хоразмни "ёғийлар" қўлидан қайтадан олажагини маълум

қилди. Ўзининг асосий душмани — амир эканлиги, ундан қасос олмагунча тинчимаслигини қайд этди.

Гадо душмани гадо. Инсонлар орасида ҳасад бор экан, шайтонга иш топилади. Шаҳзода Йўсуфшоҳнинг Марв томонидан ўз юртига ҳужум қилишга интилгани мағлубият билан якуланди: яъни "Зўри беҳуда миён мешиканад" бўлди, деди ақли расолар.

Йўсуфшоҳ қўлида коса тўла мусаллас, кайфи баланд, мағлублик алаmidан ичиб, чуқур уҳ тортди. Унинг аҳволини сезган, қалъада кўпдан бери истиқомат қиладиган марвлик бир сипоҳий:

— Ҳазрат, сиз енгилганингиз йўқ! Ҳали буюк султон салтанати барқарор экан, симобдек сочилиб кетган қўшин тезда бирлашиб, жангга ҳозирлик кўради!— деди.

— Балли!— деди Йўсуфшоҳ.

— Ҳазрат, гап шундаки, амир ҳақида муҳим гап бор.

— Айт шуни!— деди Йўсуфшоҳ косадаги шаробдан култ-култ ютиб.

— Амир малика билан ўйнаш! Бу мислсиз жиноят! Шоҳ хонадонига тумшугини тикқан тўнғиз хусусида Марвда, олий ҳазрат маҳкамасида етарли далиллар бор. Султон айғоқчилари бир неча вақт илгари ҳам бу ишни пайқаганлар...

— Офарин!

— Бу бузуқчилик! Дини ислом қоралайди!

— Биз ҳам қоралаймиз!— деди Йўсуфшоҳ,— урушаётган бўлсам ҳам оғамнинг аҳволига ачинамен. Бу гапни мен аввал ҳам эшитган эдим. Гурганж устига қўшин тортишимнинг сабабларидан бири — мана шу! Сиз, бу гапни тўғри топдингиз. Ҳақиқату адолат бор экан-ку!— деди Йўсуфшоҳ қалъа ҳокимига тикилиб.

— Менда бир фикр бор,— деди марвлик мансабдор Йўсуфшоҳга, ундан кейин қалъа ҳокимига кўз ташлаб,— амирни сафдан чиқармоқ бунда биз ўз мавқеъимизни тиклаб олиш демакдир. Амир наинки сиз ҳазратга, бильакс султон Санжар ҳазрати олийлари салтанатига ҳам зиён етказётган хавфли душмандир!

— Офарин!

— Маслаҳатим, амирнинг фаҳш инсонлиги, Хоразмшоҳларнинг "таянчи" эмас, душмани эканини, подшоҳ хонадонини разолатга етказётган бир нобакор, ярамас шахс эканини маълум қилмоқ айни муддаодир.

— Қандай қилиб?

— Оғангизга нома йўлламоқ даркор...

— Офарин!— Йўсуфшоҳ хурсанд бўлганидан ўрнидан туриб кетди.

У ярим тунда бир неча навкар билан Марв томон йўл олди.

Ойдин. Қумликлар узра тўлин ой ярқираб турарди. От устидаги қашқир, аввалги куни қалъага киришда отини боғлаб, қум тепалиги устига чиқиб ётган ерига келиб, ирим қилиб, тепаликда яна бир лаҳза ётди. Бу ерга кўмган халтачаларини олди. Узоқ-узоқларда уни кузатиб турган ёлғиз бир чинакам қашқир ҳайрон эди, бу инсонми ёки қашқирми? Нечун у қашқирлар ётиб, тунда атрофни кузатадиган, ўлжасини пойлайдиган ерда ётади? Яқингинада ётган қашқир Йўсуфшоҳдан асло кўз узмасди.

XL боб

ХОИНЛАР ДОР ОСТИДА

Табиат ҳам, жамият ҳам тўлқин отаётган беором баҳримухитдирки, яратганнинг амри ила вақти-вақти билан ўзини-ўзи чиқиндилардан тозалаб туради. Бундай бўлмаганда курраи замин не аҳволга тушарди!

Жазо хусусида гап кетганда, умуман, бир қарорга келиш пайтида янги лашкарбоши амир Алп-Арслон кўпинча кўнгилчанлик қилар, ҳатто чумолини ҳам босиб янчиб ўтмаслик лозим дерди. Соғайгач у подшоҳнинг фармони билан яна сипоҳсоълар лавозимига тайинланди.

— Маккорона ваъдалар бериш билан фуқарони икки бор алдаб бўлмайди,— дерди Алп-Арслон подшоҳ машваратида, унинг сўл ёнида туриб. Ўнг томонда янги тайинланган вазири аъзам, кекса Йинол-тегин ҳазратлари турарди.— Ҳазрати олийлари! Бу кимсаларнинг гуноҳи шунчалик оғирки, асло кечириб бўлмайди! Кечирмоқлик — Туронзамин мустақиллигини хавф остида қолдиради. Эрта-индин яна бир муҳораба фожиаси содир бўлмоғи аниқ.

— Тушунамен, амир, аммо қатл масаласида улуг бобомиз Нўштегин ҳазрати олийлари шошқалоқлик қилмоқ — хатога йўл қўймоқ, деб насиҳат берарканлар. Иниларим, амакиваччаларим Маликшоҳ ва бошқалар хусусидаги фармон шундай бўлган, сиз тўғрингизда ҳам шундоқ хатолик бўлгон... Аллоҳга минг қатла шукрки, ўзи сизни асради, биз ўз хатомизни кеч англадик. Шоҳсанам менинг фақат

келиним эмас, фарзандим ҳам. Ҳамма томонни ўйлаб, жиноятчиларни ҳозирча қатл этмоқни тўхтатиб, зиндонда сақламоқ маъқул бўлмасмикан? Шу мазмунда Марвдан, султондан нома олдим. Аммо бу бизнинг ички ўз ишимиз, бунга султоннинг аралашмоғи ўринсиз. Бир ёмон томони борки салжуқий сардорлар бизларга душман бўлиб қолади...

— Ҳазрати олийлари! Султон бари бир бизга дўст эмас. Улуғ подшоҳ — бобомиз Нўштегин Гарчоний ҳазрати олийлари, биз қачон султон салтанати исканжасидан қутилар эканмиз, мен Туронзаминни мустақил кўраолмаган бўлсам ҳам, авлодимиз кўрсин, деганлар. У зоти олийнинг фикрлари ҳаммамизга маълум-ку! Туронзаминнинг ярмини қўлга олдик. Самарқанду Бухоро, Шошу Кеш, жанубда Жайхун ёқаси, Кўҳитанг остида Термизу Калиф қалъаларигача мамлакатимиз ерлари етиб борди. Ичимиздаги кўзга кўринмас сотқинларнинг макру ҳийлалари йўлимиздан қайтара олмади! Вазири аъзам Йинол-тегин ҳазратларининг неча йиллардан буён олиб бораётган сиёсатлари — мана шу! Сиз, олий ҳазратга дилимдаги сўзларни очиқ айтмоғим керак, зеро, Сиз ҳақиқатпарвар, кишилар фикрини охиригача тинглашингиз ила бошқа подшоҳлардан устун туришингизни барчамиз биламиз. Ҳиндда ҳам, Мисру Ироқда ҳам яхши биладилар. "Ажам подшоҳи ҳақиқатгўй"лигини форсий ва араб шоирлари мадҳ этмишлар.

Амирнинг фикри подшоҳга ёқди, у ўз тахтида оз-моз тўлқинланиб, манглайи қизариб, катта мансабдорларга бир-бир қараб қўйди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Аркони давлат — вазиру вузаро, қочиб жон сақлаб қолган мансабдорлар, зиндонга ташланиб азоб-уқубат чеккан садоқатли кишилар, барча-барча яна Доруссалтана атрофига тўпландилар. Вазиру аъзам Йинол-тегин ҳазратлари салтанатга садоқатли одамларнинг бошини силади, ташиб кетиб улгуролмаган ақчаларни қурбон бўлганлар оиласига улашди. Ҳокимиятни тўла қўлга олиб, ҳазратни тахтда барқарорлиги мутлақо таъминлангач, фуқарога мурувват гулшани очилди — баъзи имтиёзларга рухсат этилди.

Пойкандга кирмай, қум ичидаги Жонкелди қишлоғига қочган Йўсуфшоҳ ҳақида ҳам маълумот олиб, зудлик билан Даргон-ота ва Сақарга, кемачилар ичига айғоқчилар, қуроли навкарлар йўлладилар. Жиноятчи Пойкандга киришдан қўрқиб, Жайхундан ўтиб, Тежан ёки Марвга

йўл олишини пайқаган амир яна юз отлик билан Муҳаммад Али ал-Мисрий бошчилигидаги қасоскор кучни йўллаб, уларга Йўсуфшоҳни тирик тутиб келиш тайинланган эди. Иккинчи ҳафтага ўтар кечаси Сақар соҳилида, кемачиларга тилло тангалар бериб, оти билан дарёнинг нариги томонига солда ўтказиб қўймоқликни гаплашиб турган Йўсуфшоҳни қуролли отликлар ўраб олиб, дарҳол отдан тортиб тушириб, қўл-оёқларини боғладилар. Отликлар орасида давангир "Фил"— ал-Мисрийга кўзи тушган Йўсуфшоҳнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Энди қиличбозликнинг, қочиб қутулишнинг ҳеч иложи йўқ, деди, ўзига ўзи. Лекин бари бир жон аччиғи — талвасада унга мурожаат этди:

— Сен ҳам соҳибқирон, мен ҳам соҳибқирон, мени қўйиб юбор, уч халта олтин берамен...

— Ўзим ҳақимда бир нима деёлмайман, аммо сен соҳибқирон эмассен, жирканч кимсасен! Ўз қариндошини зўрламоқчи бўлган ифлос ва жирканч махлуқсен!

— Мен подшоҳ авлодиданмен, мени ўлдиролмайсен!

— Мен сени ўлдирмаймен, рўбарў келганингда жангга ўлдирардим. Сени улуг подшоҳим ҳазрати олийлари ҳукмига, ул улуг зот оёғи остига ташлаймен!

— Сен туронлик эмассен, сен Миср фуқаросисен, бундай қилишга ҳаққинг йўқ! Сен — ажнабийсен!

— Ҳа, мен мисрлик арабмен. Мени Туронзамин ўз ўғлим, деди. Шому Ажам, иншоолло, мусулмон мамлакатларидир, Гурганжу Самарқанду Бағдоду Қоҳира оға-инилардир. Туронзаминнинг қайси қалъасига борсанг, шу кунларда сени эшитиб хоин атамоқда. Бир қориндан тушмаган бўлсанг-да, оғанг Йинол-тегин ҳазратлари Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатларига сафар қилиб, ҳамма ерда сени ўз юртига хиёнат қилганингни маълум этдилар...

— Оғам Аълоиддин мени камситди, Пойкандга жўнатди. Барча жанжалнинг келиб чиқиши шундан. Бизлар, оғанилар тил топишиб кетамиз...

— У сенинг оғанг эмас, у зот Подшоҳ! У зот бировни камсиладиган инсон эмас, мамлакат учун хизмат қилганлар барча инсонларни қадрлайдилар. Аммо сен номуносиб кимса бўлиб чиқдинг, шайтон васвасасига учдинг. Баъзилар сени қонинг бузуқлигини айтадилар. Ҳа, шундай! Аммо бу ишларнинг барчаси Аллоҳдан. Сен шайтон васвасасига учган нобакорсен!

Қўли орқага боғлиқ Йўсуфшоҳни қайтадан бошқа отга миндириб, бир навкар олдинда йўл бошлади.

Улар кун бўйи юриб, қоронғу тушгач, Дарғон отада тунаб, эртасига кечга яқин пойтахтга кириб боришди. Босқинчи Йўсуфшоҳнинг қўлга тушганини ҳамма эшитди. Ўз-ўзини ўлдириб қўймаслик эҳтиёт чораларини кўриб, зиндонга ташладилар. Доимо ичи қоронғу, юқори бир туйнукдан партов тушадиган зах ҳужрага — яқинда Шоҳсанам бека ётган "ўлим хонаси"га уни ҳам қамадилар. Нарироқдаги шунга ўхшаш қоронғу яна бир хонада собиқ вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла олача тўнда чипор илонга ўхшаб кулча бўлиб ётарди...

Йўсуфшоҳнинг қўлга тушганини эшитган подшоҳ амирдан ҳам, ал-Мисрийдан ҳам гоят хурсанд бўлди, салтанатнинг хавфли душманининг боши янчилажагини кўнглидан ўтказди. Энди базму шикорларга ружу қилабермасликни, ҳарбий қудратни ошириш, қумда чопадиган яхши отларни кўпайтириш, асир тушган бир мингта яқин Пойканд суворийларидан агар улар хоҳласа, яхши ақча тўлаб, қасамга содиқ қолишликни айтиб, бунда олиб қолишни дилидан ўтказди. Улар наинки Туронни яхши биладилар, балки Хуросон ерларини, Таженду Марв мулкини яхши биладилар, "худо хоҳласа, ўз ерининг бўриси билан ўзларини ов қиламен," деди ўзига ўзи. Деҳқону чорвадорларга эътиборни оширишни ҳам кўнглига тугди.

Вазири аъзам ҳамда сипоҳсоълар раҳнамолигида олий мансабдорлардан тафтишчилар тузиб, Йўсуфшоҳни ва уни одамларини сўроқ қилишни, икки ҳафтадан сўнг Йўсуфшоҳ ва ад-Давлани ўзи сўроқ қилишини амирга маълум этди.

Хоразмшоҳ Аълоиддин Муҳаммад — Отсиз ҳазрати олийлари учун ҳар куни бир қўй сўйилиб, у зот қўйнинг яхши пиширилган калласини истеъмол этардилар. Йигитлик — валиаҳдликдан бошланган бу одат ҳозиргача давом этарди... Шикор чоғида, пойтахт қўлдан кетган кундан бошлаб ўзи учун қўй сўйилиши, унинг калласи қозонда пиширилиб, чиний табақда келтирилишини ман этган эди.

Пойтахт озод этилиб, дориломон кунлар етгач, бу иш яна давом этди. Ора-чора Жайхуннинг асл неъматини — "Мойли — мўйлабли балиқ" ҳам подшоҳ дастурхонини бе-зади.

— "Мойли — мўйлабли балиқ" ақлни кўпайтиради, — деган эди зиёфатда Шамсиддин эл-Тузмиш жаноблари ёнида ўтирган бир мансабдорга. Бу гап подшоҳ ҳазратларининг қулоғига етди.

— Биргина бу ҳазратга эмас, бошқаларга ҳам шу балиқдан истеъмол этинглар, деб, қаттиқроқ айтинг, табиб жаноблари!

Зиёфатда ўтирган аъёнлар кулишиб, бир-бирларига қараб қўйишди.

— Питнакликларга шу балиқдан кўпроқ едирмоқ керак...— деди яна подшоҳ. Кўпчилик қаҳ-қаҳ уриб кулди. Бу ҳазил билан у кимгадир тиг урди.

— Менимча, бу ақл берадиган балиқ Питнакдан чиққан мансабдорларга гоятда зарур.



Бир кун амир Алп-Арслон ёнига ал-Мисрий ва яна бир неча яқин кишиларини олиб, зиндонга борди. Атайин Йўсуфшоҳ, ад-Давла ва "Каркидон"лар ётган ертўлаларга кириб, шам ёқиб ўтирган Йўсуфшоҳ рўпарасига келди. Бир неча дақиқа гўдайиб турди, тикилди, бир нима демади. Гарчи зиндон ярим қоронгу бўлиб, ташқаридан келган киши ичкаридагини унча яхши кўролмагани билан, ичкарида ётган кимса қоронгиликка ўрганиб, ташқаридан келган одамни аниқ кўрарди. Қуролсиз кирган амир бир муддат унга тикилди, аммо бир сўз демади. Олдида шам, қалин бордон устида чўққайиб ўтирган Йўсуфшоҳ ҳам ўз жойида қотиб қолди. Амир нима мақсадда бу ерга келганига тушунмасди. Улар бир-бирига тикилганча туришди — гўё қашқир билан шер рўбарў келиб, човут солишга тайёрланаётгандай... Бир муддатдан сўнг амир орқасига қайтиб, чиқиб кетаётган эди, ҳайрон бўлган Йўсуфшоҳ орқадан гап отди:

— Ҳазрат, бир нима денг! Нега бунда келдингизу бир сўз демай чиқиб кетаётирсиз?

— Сени шу ерга тушишингни Гурганжга бостириб келган кунингда айтган эдим. Сени паҳлавон ал-Мисрий тутиб келтирди, зиндонда, шу ертўлада сени кўришни лозим топдим. Сен ўз оғангга қарши, ўз элингга қарши босқинчилик жанги қилдинг, кўп яхши одамларни ўлдирдинг. Олий ҳазрат ва сен Қутбиддиншоҳ пушти камаридан бўлгансен, сен ўз амакинг Маликшоҳнинг қатлига сабабчи бўлдинг, ёлғиз қизи Шоҳсанамни зиндонга ташладинг. У ҳам худди мана шу ертўлада ўлимини кутиб ётган эди. Мен ҳам мана шу ерда ётганмен... Шуларни ўйлаб, бунда келдим.

— Тушунарлик,— деди Йўсуфшоҳ титраб-қақшаб.— Сендан сўраймен, амир, ўлимим олдидан бу ерга бир канизак киритинглар. Бир кеча ётсам... кейин майли ўлдирсаларинг. Шу менинг сўрайдиганим...

— Ифлос!— деди зарда билан амир.

Амир Алп-Арслон, ал-Мисрийлар ертўладан зиндон ҳовлисига чиқишди. Бу разолат икки паҳлавонни ҳам кўнглини ғаш қилди, қони бузуқ кимса шоҳлар авлодиданми, беклар авлодиданми, фуқароми бари бир унда она ер, ота халққа меҳру ихлос бўлмас экан, ватан туйғуси йўқ, у фақат ўзлигини ўйловчи, бошқалардан ўзини устун қўювчи, худбин шахс бўлиб қолар экан, деган фикр мияларида айланди. Унинг кимсага дўст бўлмаслиги, ўз қондошига ҳам тажовуз қилиши хусусида эл ичида гап-сўзлар юрарди, аммо бундоқ разолатни амир ўз кўзи билан кўришни ихтиёр этган эди.

Тафтиш тугади. Босқинчилик юриши, пойтахтни босиб олиш, жосуслик ишларининг авж олиб кетгани, барча жинойий ишларда Марвнинг, бевосита султон салтанатининг қўли борлиги аниқланди. Подшоҳ қўлга олинган хоинларнинг биронтаси билан гаплашишни лозим топмади, чунки масала жуда аниқ, ҳарбий машваратнинг фикри ҳам шундай бўлди. Бундан буён оғир жиноятларга қўл уришдан баъзилар ҳайиқишини кўзда тутиб Қозий калон хоинларни осиб ўлдиришга ҳукм чиқарди. Олий ҳазрат ҳукмини тасдиқлади. Ҳукмга нисбатан ўн уч кимса дорга осилиши керак. Лекин битта сиртмоқ бўш қолди: бу, ўз-ўзини осиб ўлдирган Абулжаъфар ал Ҳусайн — "Ноғорақорин"га эди.

Пешин намози ўқилгач, куннинг ўртасида жарчилар нидоси ила одамлар бозор ёнидаги катта майдонга оқиб кела бошладилар.

Доруссалтананинг кунгурадор баланд қўрғонлари тепасида найза ушлаган соқчилар ҳар беш қадамда ҳайкалдек қотиб турибди. Катта дарвозадан чиқаверишдаги текис харсангтошлар ётқизилган йўл ва кенг майдон атрофида ҳам найза ушлаган юзларча навкарлар қоқилган миҳдек собит. Бир неча қилич таққан сардорлар майдонда тартиб ўрнатиб, атроф-ёқдан, бозорлардан, масжиду мадрасалардан ёпирилиб келаётган одамларни майдон атрофига тўплашди. Ҳамманинг кўзи қўрғон тагига ўрнатилган баланд дор ва арғамчиларда эди.

Бир оздан сўнг қилич яланғочлаган сарбаст навкарлар ихотасида олдинда бир арава, ундан кейин қўлларида кишан, еттита манглайи қора хоинлар келишди.

Йўсуфшоҳ, Ҳумомиддин ад-Давла, Али Аҳмад ибн Катавозе "Каркидон" ва яна бир неча юзбошилар дорга олиб кетилаётганини эшитишлари билан ҳушларидан кетиб, ерга ётиб олишди. "Қани, туринг! Ерда ётиш уят эмасми!", деб ясовулбоши ад-Давлани туртган эди, у йиғламсираб: "Бормаймен! Менда гуноҳ йўқ! Ҳамма ишни қилган Йўсуфшоҳ!" деб бақира бошлади. Ясовуллар унинг оҳу надоматига қарамай, чопони ёқасидан тортиб кўтариб, аравага итқитиб ташлашди: "Қилгиликни қилиб, пойтахтни сотиб, қанча одамлар ҳалокатига сабабчи бўлиб, энди нола қиласенму!" деди Амир Музаффар-Тамғоч билан сарбоз Бўтакўз. Йўсуфшоҳ ҳам ўрнидан турмади: "Мен оғам билан гаплашамен, айтадиган сирли гапим бор! Кейин осиб юбораберинглар!.." деди. "Сен тафтишда ҳамма гапни айтдинг, доғулилик қилдинг, энди гап тугади! Олий ҳазрат ҳукмини жарчилар эълон қилди," деди сардор. "Мен султон Санжарнинг ожиз томонларини биламен, шуни оғамга айтишим лозим!" "Подшоҳ олий ҳазратлари сен билан гаплашмайдилар, чунки сен подшоҳлар наслу насабига номуносиб кимсасен!" Йўсуфшоҳ яна нималарнидир гўлдираб, шаллақилик қилаётган эди, уч ясовул унинг гирибонидан ушлаб, аравадан отдилар — у эчкига ўхшаб оёғи билан тушиб, ерда кулала бўлиб ётган ад-Давлани қучди. "Дор тайёр, қани, марҳамат қилсинлар!"; деб тирмашди. У ҳам ўламан саттор, дорга бормаймен, деб қас-собдан қўрққан эчкидек дод солди. Уни ҳам бўғиб, ёқасидан ушлаб, судрадилар. Кичик мансабдаги элликбоши, ўнбошилар қўрқоқлик қилмай, тақдирга тан бериб, ясовуллар айтганини қилиб, "Каркидон" жаноблари кетидан чўзилиб кетма-кет дор сари юрдилар. Дарвозанинг ўнг томонида, устига гиламлар тўшалган баланд сўрида подшоҳ ва бир неча саркардалар, юқори мансабдорлар ўтиришарди. Подшоҳ майдонга олиб келинаётган арава, орқама-орқа келаётган етти маҳбусдан кўз узмасди. Олдинда гўладан келган бурундор "Каркидон" келарди, кейинда ёш бир йигитча ҳам бошини тик кўтариб келаётгани, ясовулбоши маҳбусларга: "Қани, дор тагига ўтинлар, жиноят жазо топмай иложи йўқ! Энди маҳшар куни юз кўришамиз..." деди. Маҳбуслар боши қуйи, миқ этмай туришди. Лекин бўйни йўқ "Каркидон" гўдайганича қолди. Эндигини мўйлаби сабза урган, орқада келаётган бир йигитча сафдан ажралиб чиқиб, ёлғиз ўзи дор тагига борди, қўллари орқасига боғлиқ, сиртмоғингни сол, дегандек ясовулга боқди. Бир нафасдан сўнг ясовулбошининг ишораси билан қуролли навкарлар бошқа маҳбусларни ҳам

итариб, дор тагига олиб келишди. Аравадан уч "арбоб"ни тушириб, дор тагига тортишди.

Бу манзарани кузатиб турган подшоҳ амир Алп-Арслон билан Йинол-тегин ҳазратларига боқиб, ярим овозда деди:

— У йигитча ким?

— Қорлуқ уруғидан...— деди амир подшоҳ қулоғига,— отини билмаймен, султон сардорларидан. Марвдан юборилган... Йўсуфшоҳ отлиқлари ичида жанговарлик кўрсатган... Забардаст сарбоз йигит дейишмоқда. Бир неча навкаримизни отдан қулатган...

— Нега у ҳаммадан аввал ўзи дор тагига борди?

— Тафтиш чоғида ниятини очиқ айтган,— деди амир яна оғзини подшоҳга яқин олиб бориб. Уларнинг гаплашаётганини кузатиб турган мансабдорлардан бўлак ҳеч ким сезмасди, барчанинг нигоҳи дор тагидаги маҳбусларда эди.—“Мен султон сардоримен, Хоразмшоҳни ағдариш ниятида келдим. Қўлингизга тушдим, ўлдирасизлар, бу аниқ! Менинг ҳам қўлимга тушганларингизда, мен ҳам сизларни ўлдирадим! Мен буюк султонга содиқ кимсамен. Мақсадимиз Туронзаминни батамом қўлга киритиш”, деганди.

Бу гапларни вазири аъзам Йинол-тегин ҳазратлари ҳам тасдиқлади.

— Уни олиб қолмоқ лозим!— деди подшоҳ,— у жасоратли душманимиз, ўлимдан қўрқмаяпти.

— Шундай, ҳазрати олийлари,— деди амир.

— Уни ўзим сўроқ қилурмен. Одам юборинг, дордан олиб қолсун!

— Хўп, олий ҳазрат,— амир шу лаҳза ёнида турган ясовулга буйруқ берди. Ҳарбий мансабдор дор тагига чопиб бориб, ясовулбошига сўз деди. Ясовулбоши у билан бирга шиддатли қадам ташлаб, подшоҳ турган сўри ёнига келиб таъзим қилди. Амир Алп-Арслон қорлуқ йигитчани олиб қолиш ҳақидаги гапни подшоҳга эшиттириб такрорлади. Подшоҳ бош ирғаб, тасдиқлади. Ясовулбоши яна шиддат билан юриб бориб, йигитчанинг қўлидан ушлаб, Доруссалтананинг чап қанотида турган ясовулларга топширди. Йигитнинг қўли ечилиб, уч-тўртта қилич ялангочлаган навкарлар ихотасида қўргон тагига, бир чеккага ўтказилди. У нечун ўзини дор тагидан олиб келингани ва нима қилинишини билмасди. Эҳтимол, мени дорга осмай, қилич билан бошимни узарлар ёки тафтишда аниқланадиган сир бормикан, деб чўққайиб ўтирарди.

Орадан кўп ўтмай, Фармони олий баланд овозда ўқилиб, мамлакатга хоинлик қилган тўққиз оғир жиноятчининг бўйнига сиртмоқ солиб, оса бошладилар. Дор тагига биринчи бўлиб келган "Каркидон" сўмрайиб турарди: қани келақолларинг, дегандек ясовулларга бақрайиб қарарди. У ҳам тақдирга тан бериб, ўлимга тайёр эди. "Каркидон"нинг иродасига ясовуллар ҳайрон қолишди, бўйин товлаб оқу фиғон қилмади. Подшоҳ унга тикилди, ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас, деди ўзига ўзи. Тахту тожнинг ўта хавfli душмани шу "Каркидон"ни иқтоъ билан шарафлаганига минг пушаймон еди. Ҳўкизнинг устига заррин тўн ёпиб, унга бутун бир вилоятни ҳадья этганида, бу ярамас Марв билан, Йўсуфшоҳ билан тил бириктириб, давлатни ағдаришга, пойтахтни қўлга олишга киришган экан, муродига етолмади, аммо кўп қон тўкилди...

Ясовуллар унинг бўйнига арғамчи солишмоқчи бўлардилар, аммо, бўйни йўқ, гўла — "Каркидон"нинг калласидан арқон чиқиб кетаберарди. Арқонни даҳани — соқоли остидан қаттиқ сиқиб тортишди, сёғи ердан икки қарич узилган "Каркидон" яна сирғалиб, гурсиллаб ерга тушди. Ўрнидан турғазиб, бўйнига яна арқон солдилар, тортдилар, у яна сирғалиб тушиб, ерда ётиб қолди, қайтадан ўрнидан туриб, ясовулбошини сўка кетди: "Отангга лаънат! Осишни билмасанг бунда пўқ еб юрибсанми!!!" Ясовулбоши тажанг, дам подшоҳ ўтирган айвонга, дам амирга, дам "Каркидон"га қараб, безовта бўларди: "Ўзингнинг отангга лаънат! Сен сотқинда бўйин бўлмаса на қилай!!!" Шундан сўнг, шартига тўғри қилиб, арғамчинни "Каркидон"нинг бир оёғига солиб, арқонни уч йигит куч билан тортдилар, у ердан узилиб, боши ерга бўлгач, ясовулбоши белидаги ханжарини шартта суғириб олиб, "Каркидон"нинг чап биқини, юрагига санчиб олди. "Каркидон" бир-икки тўлганиб, жим бўлди. Ерга бир оз қон тўкилди-ю, қолгани қалин чопони ичида қолди.

Уч баланд ходадан иборат дорга осилган ўн бир сиртмоқдан иккиси бўш қолди: бири Абулжаъфар учун атайин осиб қўйилган эди, иккинчиси — қорлук йигит учун боғланган эди. Барча хоинлар боши билан осилиб ётарди, аммо, улар ичида бири тўнғизга ўхшаб, боши ерда, оёғи осмонда, осилиб ётарди.

Амир ҳазратларининг буйруғи билан дордан олиб қолинган йигитчага хўрак ва сув бериб, қорнини тўйдириб, юз-қўлини ювдириб, шу куни кечга яқин Доруссалтанага, подшоҳ ҳузурига олиб киришди.

— Отинг нима?— сўради подшоҳ рўпарасида тик турган ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги хушбичим йигитга жиддий бир тусда,— кимнинг боласисен?!

— Отим Шодмонбек, Мардонбекнинг ўғлимен...

— Қорлуқмисен?

— Ҳа.

— Қайси юртдансен?

— Тоҳаристонданмен. Балхдан...

— Отанг на иш қилур?

— Султоннинг бекларидан.

— Одам ўлдирдингми?!

— Мен жанг қилдим. Одам ўлдирай деб бу томонга келмадим.

— Билиб қўй, сен дор тагига бошингни баланд кўтариб, дадил келганинг учун сени дорга осишни лозим топмадим. Сени эртага онанг ёнига юборамен, бориб ота-онангга хизмат қил, гуноҳингдан кечдим!

Йигитча ерга қаради. Оқариб кетган юзларига қон югурди, кўзидан икки томчи ёш оқиб, юзига тушди. Бу тирик қолгани учун эмас, подшоҳ унинг онасини эслатгани, соғинган онасини яна кўриш қувончидан эди.

Эртасига сарой боғбони Абдурауф ота йигитчага от бериб, хуржунига хўрак солиб, ўз юрти — Тоҳаристонга йўллади.

— Бошқа мамлакатга қилич кўтариб келмоқ, мардлик эмас, болам, бошқаларга ёлланиш ҳам мардлик эмас! Улуғ ҳазратнинг адолатли сиёсатини бек отангга, онаизорингга айтгин, сени дунёга келтирган онани улуғ ҳазрат қон йиғлатгуси келмади. Йўлда, ҳеч ерда тўхтамай ўз уругингга бор, меҳнат қил, қилич кўтарма!

Гарчанд ўта қатъиятли бўлишига қарамай, ўз онасини кўриш бахтига етган йигитча, боши қуйи, боғбон Абдурауф ота рўпарасида зор йиғлаб, боғбоннинг этакларини кўзига суртди.

ХЛІ боб

ИСТИҚЛОЛ ТОЖИ ВА МАҒЛУБИЯТ КАФАНИ

Шаҳзода Йўсуфшоҳ охир оқибатда тор-мор этилиб, ўзи дорга осилгач, қолган бир қисм салжуқий отлиқлари Марв томон қочди. Бир қисм пойкандлик каллакесарлар ўраб олиниб, шу лаҳза чопиб ташланди. Ҳазорасп, Кармана, Жоз, Кардор, Боратегин, ундан нари Бухоро, Самарқанд,

Хўжанд, Чаганиён томонлардан келиб, Марв даъвати ила Йўсуфшоҳга ёлланган икки юзга яқин сарбозлар дарҳол ўз сардорлари билан отдан тушиб, тиз чўкиб, алданганликларини чуввос кўтариб айтиб, "Ал-амон! Ал-Амон!" деб қичқирдилар. Килич яланғочлаган, даргазаб Муҳаммад Али ал-Мисрий, амир Музаффар-Тамғоч, Додбеклар... улар орасида амир Алп-Арслон мағлуб зобитларга нафрат билан қарашарди. Кечаги дорга осилганларни қувватлаганлар Туронзаминни чет эликлар оёғи остига ташлаган, бир неча йилдан буён қийнаб келаётган ғанимларнинг барчасини тигдан ўтказишга тайёр эдилар. Лекин, амир Алп-Арслон билан шаҳзода Йинол-тегин бир-бирларига ниманидир айтмоқчи бўлиб турардилар. Шайх Нажмиддин Кубронинг раҳм-шафқатли бўлиш лозим деган гапини ёдга олдилар. Шу асно бунда пайдо бўлган Рашидуддин Ватвотнинг уларнинг бола-чақалари хусусидаги сўзи ва илтимоси амирнинг қиличини қинига тиқишга даъват этди. Мушфиқ оналар кўзга кўриниб кетди.

Шаҳзода амирга боқди: "Саркарда! Бу ғанимларга Аллоҳнинг ўзи жазо берсин! Эгилган бошни қилич чопмайди..."

— Подшоҳ ҳазрати олийларининг ҳукмини кутамиз! — деди амир.

— Албатта, — деди Йинол-тегин ҳазратлари бош ирғаб.

Амир баъзи асирларга ўтқир боқди: улар ичида Самарқанд, Кеш, Шош томонлардан ёлланганлар борлиги уларнинг либосу қурол-яроғларидан кўриниб турарди. Демак, бу биргина Йўсуфшоҳ тўдаси эмас, бу ерда султон раҳнамолигида Туронзаминнинг кўпгина қалъа — шаҳарларидан катта ваъдалар бадалига ёлланганлар бор экан. Ҳатто Шош қалъасидан ҳам... Бу бир Пойканд ҳужуми эмас, тахту тоғни маишатбоз Йўсуфшоҳ қўлига бериб қўйиб, Туронзаминни мутлоқ босиб ётмоқликни кўзлаган султонни кўпдан мўлжаллаган режаси эди. Шарқдан келган қорахитойлар хоқони Ғаюрхондан энгилиб, қиличи синиб, қалқони тешилган султон Санжар яна қайтадан Кос-Хоразму Туронзамин шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, қорахитойлар мамлакати — Боласоғуну Тороз, Ўзгану Қашқардан то Ёрканддарёгача, жанубдан — Чаганиён — Балху Кобулу Ғазнагача ўз тасарруфига ўтказмоқ ниятида эди. "Йўсуфшоҳ ҳужуми" ила у Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсизни суянган тоғи — Йинол-тегин ва амир Алп-Арслонлар қудратини бир синаб кўрмоқчи эди. Подшоҳ ва унинг лашкари-ю, суянчиқлари — паҳлавонлари доимо диққатини ўзига жалб этиб турарди.

Гурганж қўрғонлари ичкарисида ва сиртидаги майдонларда тўпланиб, титраб, уч кундан буён ўз қисматларини нима бўлишини кутиб ўтирган мағлублар ёнига юпунгина кийинган Шайхулраис Рашидуддин Ватвот бошида малла салла, юзида ҳасрат, шошиб келди, устига қора тўн кийиб, унинг отини жиловидан тутган хизматкор йигит ҳазратнинг қўлтиғидан олиб, отдан ерга туширди. У, саркарда амирнинг илтимоси ила мағлублар сардорига панду насиҳат айтиб, хоҳласалар подшоҳ лашкари сафида хизмат қилишликлари, агар хиёнат ёки қўрқоқлик қилсалар шу лаҳза ўлимга маҳкумликларини уқдириш ва Туронзамин фарзанди яна Туронзаминга хизмат қилмоғи лозимлигини, ўлжа учун, бошқа мамлакатларни талаш учун ҳарбу зарб қилмаслик, паҳлавону мард фарзандлар бу йўлга кирмасликлари лозимлигини уқдириш муддаосида келган эди. Шоир мағлуб сарбозлар тўдаси ичига кирди. Унинг ўзи ҳам анча йиллар бурун Балх, Ғазна ва Марв ҳукмдорларидан аразлаб, бу томонга келишни, Туронзаминга хизмат қилиб, қазоси етса шу тупроққа кўмилишини Аллоҳдан сўраган эди. Амир ва шахзода уни таклиф этган эдилар.

Шоир отдан тушиши биланоқ мағлуб сарбозлар ўрниларидан туриб, қўл қовуштирдилар. У курсига ўтиргач, барча ерга чўкди.

— Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳим!..— шоир ал-Ватвот тиловат қилиб, юзига фотиҳа тортди. Атрофидаги барча сарбозлар ҳам юзларига фотиҳа тортдилар.— Подшоҳ олий ҳазратлари номидан келдим!.. Гап жуда қисқа! Мен вакилмен... Бизлар барчамиз, алҳамду лилло, мусулмон фарзандларимиз. Аммо, сизлар ёвуз Йўсуфшоҳ ва бошқаларнинг васвасасига учиб, алданиб, ўз биродаларингизга қарши ваҳшиёна ҳужум қилдинглар! Қанча инсоннинг қони тўкилди, қурбон бўлдилар, уйлар ёнди, болалар етим қолди, оналар зор-зор йиғлади... Подшоҳ ҳазрати олийларининг нияти овомнинг тинчлиги, Туронзаминни шарқдан келаётган қорахитойлар ва жанубдан келган босқинчилардан озод этиб, бир туй остига тўпламоқ... Мамлакатни обод этмоқ! Буни тушуниш лозим! Подшоҳ ҳазрати олийлари ҳамда лашкарбошию, аркони давлатнинг фикри бундоқ: сизлар ўз юртларингизга кетишга ижозат ва асло Туронзаминга, мусулмон-мусулмонга тиг кўтармасликка, мана қўлимда каломиолло Қуръони каримга қасам ичасизлар! Агар кимда ким бунда қолишни хоҳласа сафимизга қўшилсин, ҳазрати олийлари лашкарида хизмат этадур... Гап шу! Қулоғим сизларда!

— Хизмат қиламиз!— чуввос овоз кўтарилди. Улар чопиб ташланган пойкандликларни кўриб турган эдилар, — гуноҳимиздан ўтганликлари учун Подшоҳ ҳазрати олийларига ташаккур изҳор этамиз! Бизлар алдандик! Эй, улуғ шоир, подшоҳ ҳазратларига, амирлашкар ҳазратларига ҳам айтинг, бизлар садоқат билан хизмат қиламиз! Кўр ҳассасини бир маротаба йўқотади! Жонимизни саломат сақлаганликлари учун Аллоҳга ёлборамиз, подшоҳ ҳазрати олийларига, амирлашкар жанобларига сидқидилдан хазмат қиламиз! Бизнинг ичимиздан хоинлар чиқмайди! Бизга ишонинг, Каломиоллоҳ номига қасамёд этамиз!!!

— Сўзларингизни олий ҳазратга етказурмен!— шоир Рашидуддин ал-Ватвот яна фотиҳага қўл очди, — О-о-о-мин, Алло-о-ҳу акбар!

— Оллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!..Кенг майдонда бу тиловат баланд янгради. Барча ўрнидан туриб, отга миндирилаётган шоирни, шаҳзодани, амирни очиқ чеҳра билан кузатиб қолдилар.

Икки юз асир лашкарларга қўшилиб, уларнинг ўз сардорлари ўз мансабида қолиб, ягона туғ остига тўпланди.

Кейинчалик Самарқанд, Бухоро ва Шош ҳокимлари ҳам лашкарларини бирлаштирдилар. Тинимсиз қорахитойлар ҳужумига учраган Ўзган, Хўжанд, Зарафшон водийсидаги қалъалар ҳокимлари ҳам лашкарларини бирлаштиришга қарор қилдилар. Мўри-малаҳдек ёпирилиб келаётган қорахитойларнинг аста-секин Туронзаминни эгаллаётгани мусулмон дунёсини ташвишга сола бошлаган эди.



Афросиёбу Сиёвушлар қалъаси — Туронзаминнинг бекиёс шаҳри — Самарқанд осмонида яна қорабулутлар суза бошлади. Катвон дашти сари шимолдан амир Алп-Арслон, унинг ёнида кекса шаҳзода Йинол-тегин ҳазратлари ҳамда амир Музаффар-Тамғоч раҳнамолигида мустақиллик жанги учун элик минг лашкар йўлга тушди. Жанубдан йўлга чиққан элик мингта яқин султон Санжар лашкари аллақачон Катвон даштига етиб келиб, машъум қанотларини икки, уч томонга ёзардилар, пистирмалар, жарликлардаги отликлар, тепалик ортидаги камонандозлар шиддат билан тайёргарлик кўрардилар. Эски жангари султон бутун шижоату заковатини ишга соларди.

Подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийлари бетоблиги сабабли Гурганжда ихота

қўшини билан қолиб, бутун ишни лашкарбоши амир Алп-Арслонга юклади, Аллоҳдан унга зафар тилаб, дуо қилди. Бундан хабар топган султон Санжар аввал Хоразмшоҳ қамти келмаганидан, ўзини менсимеди, деб ранжиди, кейин ғоятда хурсанд бўлди, амир Алп-Арслон устидан ғалаба қозонишга батамом ишонди. Йўсуфшоҳ қасдини олмоқ, амалга оширолмаган ниятларини ва умуман Туронзаминни батамом босиб олиб, яна юз йиллар белини кўтаролмайдиган, катта бож тўлайдиган, итоаткор бир мамлакатга айлантиришни кўзлади. Бу ҳақда ўз лашкарбошиларига мақтаниб, оғзини кўпиртириб сўзлади.

Амир Алп-Арслон раҳнамолигидаги лашкар Катвонга етиб келиши билан, орадан бир кун ўтар-ўтмас, султон Санжар аҳдни бузиб, ўзини ўнглаб олишга йўл қўймай, эрта тонгда ҳужумни бошлаб юборди. Унинг маккорлигини билган амир Алп-Арслон йўлда тайёрлигини кўриб қўйган ва жангга тайёр келишган эди.

Яна оға-ини икки дарё — Сайхун ила Жайхун фарзандлари бир-бирлари билан мислсиз жанг қила кетдилар...

Икки лашкар суворийлари бир-бирлари билан аралашиб, қиличу гурзилар ҳавола этишарди, найза санчишлар, паҳлавонларнинг кучли наъра тортишлари, бақирриқлар, "тараққа-туруқ амуди гарон, санги осмон..." бўлиб кетди. Отдан қулаганлар, узилган каллалар, қулаб ерда қонга беланиб типирчилаб ётган сарбозлар беҳисоб... Отлар ҳам йўлбарс монанд бир-бирларига сапчиб, човт солардилар, оёқларини кўтариб, бир-бирларини ғажйрдилар, кучли бақирриқлар, фиғону инграш, дукур-дукурлар дунёни ларзага соларди. Саҳрода на қушу на юмрон, на тулкию на сиртлон, бари ин-инига кириб кетди.

Кечга яқин карнайлар ғат-ғутлаб ўкириб, икки томон ўз сарбозларини чақириб олди. Яралар боғланар, дам олишлар, жарроҳлар ишга тушган, емак-ичмак, отларга хўрак бермак билан банд бўлиб, бир қисм суворийлар ухлагач, иккинчи қисм шай турарди. Сарбозларнинг руҳи паст, эртанги жанг ваҳимаси, эрта тонгда яна карнайларнинг ўлимдан дарак берувчи даҳшатли ғат-ғату, сардору саркардаларни от чоптириб, лашкар олдида пайдо бўлиб, муқобил турган ёвнинг ожиз томонини кўзлаб, маслаҳатлар қуришар, қочган ҳам, қувган ҳам Аллоҳдан паноҳ тилаб, далда беришар, бугунги жанг охиргиси, иншоолло, бизлар у ганимларни эртага тор-мор этамиз, дердилар. Ўлган-шаҳид, тирик қолган — ғозий экани, буюк султон Санжар ҳазрати олийларининг ҳар бир сарбозга

туҳфалари кўп экани, ер-сув ва бошқа инъому иқтоълар беҳисоб эканини атайи уқдиришарди. Икка томоннинг қирга ўрнатилган мингларча чодирлари, кўзларча қозонларда эт пишаётгани, бу ёқда инсон қони, чодирлар — боргоҳлари орқасида қозонларга босилиш учун тайёр турган қўю қорамоллар қони тўкилаётгани кўриниб турарди. Икки томон жарроҳлари қўлида тиг, жароҳатларни боғлашар, осилиб қолган қўл-оёқларни кесиб ташлаб, куйдирилган пахта босишар, ярадор жонини саломат сақлаб қолмоқ учун кечаю кундуз табибу жарроҳлар беҳаловат эдилар...

Жанг бир ойдан ошиб бормоқда. Қанча одам ҳалок бўлди. Икки томон ҳам ҳолдан тойди. Кучу қудрат тугади. Ҳар бир сарбоз Аллоҳга ёлбориб, илоҳим тезроқ бу уриш тугасин, дерди. Бола-чақаларимиз ёнига соғ-саломат борайлик, деб ўлжаю инъому иқтоълардан ҳам батамом умид узган эдилар.

Катвон жанги амир Алп-Арслон ғалабаси билан тугаб, султон Санжар бир қисм суворийлари билан яна Мозандарон сари қочди...

Султон Санжарнинг мағлубияти, узоқ йиллар тобеликда азият чекиб, таҳқирланган, мустақиллиги йўқолган Туронзаминни оёққа қалқтирди.

Аллоҳга минг қатла шукроналар бўлсинки, жанг ила Туронзаминнинг бир қисми истиқлолга эришди!

Керилиб, дунёга ҳоким бўламан, деганлар отлар туёғи остида, тупроққа қоришиб қолди. Босқинчи қўшиннинг пароканда, тўрт томонга қочаётганини кўрган амир Алп-Арслон отдан тушиб, тепаликда, лочин йигитлар ихотасида, қизил гилам устига қўйилган курсида ўтирган Йинолтегин ҳазратлари ёнига юрди. Етиб бориб, ўрнидан турган кекса ҳазрат билан қучоқлашиб, бир-бирларини муборакбод этиб, қутладилар. Йинолтегин ҳазратларининг кўзларига ёш келди, у амир елкасига томирлари бўртган, титроқ қўлларини қўйиб, деди:

— Аллоҳ бизни қўллади, эй, соҳибқирон! Туронзамин бегоналар оти туёқларида топтолмайди! Туронзамин энди ўз ҳуқуқини ўз қўлига олди, иншоолло, келгусида у батамом мустақил мамлакат бўлади!

— Айтанингиз келсин, ҳазрат.

Шу куни Гурганжга, подшоҳ ҳазратларига, Самарқанду Бухорога, Кеш ва Шош шаҳарлари ҳокимларига музаффарият муждаси — нома ёзилиб, уни чопарлар олиб кетдилар.



Тун. Жанг суронлари ҳали тинмаган. Чарчоқ амир Алп-Арслоннинг уйқуси келмай ўз чодиридан ташқарига чиқди.

Осмон тўла юлдузлар, қўл узатса етадигандай...

Йўлчи юлдуз унинг асосий раҳнамоси, ҳеч қачон чалгитмай манзилга элтган. У Қутб юлдузига, Турон осмонининг бир томонидан иккинчи томонига етган Сомон йўлига кўз ташлади. Йинол-тегин ҳазратлари сўзини эслади: "Азиз-авлиёлар демишки, оламда уч йўл бор, бири фалакда Сомон йўлидир, ундан фариштаю руҳлар қатнайди, иккинчиси Чин давлатидан бошланиб Туронзаминдан ўтадурган буюк карвон йўлидир, ундан юртни фаровон этадурган савдогарлар, оту туялар, аробалар қатнайди, улар инсонни инсонга, мамлакатларни мамлакатларга боғлаб, дўст қиладурлар, учинчиси — Аллоҳдан кўрқмайдиган осий бандалар яъни шайтон йўлидирки, бу "йўл" фақат дўзахга элтади. Илоҳо, ҳар бир банданга юқоридаги икки муқаддас йўлдан ато этгил! Ҳеч кимса қони бузуқ, бешафқат Йўсуфшоҳ "йўли"дан бормасун!"

Ҳамал ойи, ярим тунда Жайхун осмонида Зухро милтиллар, ундан пастроқда Зуҳал, энг ёруғ Муштарий барча юлдузлардан кўра ҳам ярқираб, кўзни яшнатарди. Ҳамалнинг охирги кунларида Ҳилол ҳам бир олтин ўроқдек буюк Муштарийнинг жанубидан ўтиб кетарди. Араб дунёси бу фаслни Шаъбон ойи атаб, лашкар юришлари, савашлар, жангу жадаллар, фатҳ этишлар мўлжалланарди.

Икки чопар тонг саҳарда Гурганж қалъасига омонсон етиб келиб, отдан сакраб тушиб, дарбозабонлар билан мулоқотда бўлмай, яна отларига сапчиб миниб, Эллиқбоши унвонидаги махсус суворий, сарбоз билан шаҳарнинг кун чиқар томонидаги Қасри олийга — Доруссалтананага йўл олишди. Уларнинг шаҳарга виқор билан от чоптириб кириб келишларини кузатганлар, отларнинг текис харсангтошлар ётқазилган йўлда тақа-тақ, тақа-тақ... юришлари, виқору шаҳдамлик катта ғалабаю шон-шуҳратдан дарак берарди. Улар Доруссалтананинг гиштин, серқирра деворларию юқоридаги кунгураларига бир қараб, ўймакор улкан дарвоза олдида яна отдан тушиб, махсус суворий бошчилигида ичкарига кирдилар. Шу лаҳза подшоҳ ясавулбошиларидан бири уларни кутиб олиб, айвонга чорлади, либос қатидаги амир Алп-Арслон

номасини олиб, бунда кутиб ўтирган Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз ҳазрати олийларига топширди. Подшоҳ номани ўқиб чиққач, кўзига суртди. Вазири аъзам Йинол-тегин ҳазратларини, лашкарбоши амир Алп-Арслонни, бу номани олиб келган сардорларни, жамийки лашкарни дуо қилиб, юзига фотиҳа тортди...

XLII боб

ПАҲЛАВОН АЛ-МИСРИЙГА СУЮРҒОЛ

Орадан бир неча ой ўтди. Туронзаминнинг улкан шаҳарларию қалъаларидан келиб, ўз лашкарлари билан Катвонда тўпланган ва мислсиз муҳорабага қатнашган саркардаю сардорлар, ҳокимлару сарбозлар... ғолибиятни қўлга киритиб, яна ўз вилоятларига жўнадилар. Кўп саркардалар, сарбозлар... подшоҳ суюрғолига мушарраф бўлиб, катта ер-сувларга эга бўлдилар. Энг муҳими она-ватанда ўзга сиёсат ва ўзга куч барҳам топди, таъқибдан қутулиб, бир туг остига тўпландилар.

Шоду хуррам, тўю томошолар авж олган кунларнинг бирида Юзбоши даражасига кўтарилган, давангир паҳлавон, "фили Маҳмуд" лақаблик Муҳаммад Али ал-Мисрийга ўз жуссасига лойиқ заррин чопон тиктириб, Доруссалтанада устига ёпдилар, белига заррин камар, қўлига бебаҳо димишқий шамшир бердилар. Энг муҳими сарбозликдан сардорликка етган бу жасоратли инсонга Пойканд ҳокимлигини, жуда катта ер-сув суюрғоли этиб, икки юзга яқин забардаст йигитларни унинг ихтиёрига топширдилар... Бу, Фармони олий!

Аммо, ал-Мисрий бунга рози бўлмай, кечга яқин Доруссалтанага, амирлашкар Алп-Арслон қароргоҳига келиб, духоба курси қолиб гилам устига чордана қуриб ўтирди. Кейин нималарнидир пичирлаб, кўзёши қйла бошлади. Бу Филқомат қаҳрамон кимсанинг кўзёш қилиб гиламда йиғлаб ўтириши Шоҳсанамда ҳам, амирда ҳам кулки қўзғади. Сардор Муҳаммад Алини ўзимнинг арабий оғам, деб юрадиган Шоҳсанам унинг рўбарўсига келиб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Ҳа, нима гап?— деди малика курсига ўтириб.

— Бормаймен!— деди ал-Мисрий астойдил ва кескин. У ўзини ғоятда эркин тутарди.

— Бу, подшоҳ амри!— деди амир Алп-Арслон сардорни дастурхонга чорлаб,— одамлар ҳоким бўлишга зору, сен

бормаймен, дейсан! Бу — фахр! Бутун юрт сенга ишониб топширилмоқда. Гурганж билан Бухоро оралиғидаги қўрғон — Пойканд, у ерга сенга ўхшаган чин паҳлавон ҳоким бўлмоғи лозим! Иккиламчи, бирлашган Туронзамин давлати шуни лозим топди! Биз, келгусида пойтахтни Туронзамин маркази бўлмиш Самарқандга кўчирмоқ ниятидамиз... Қизиқ, сен азизимдан бундай гапни эшитаман, деб ўйламаган эдим. Сен, паҳлавоним, энди ҳоким бўлишга ҳаққинг бор!

— Йўқ, бормаймен, ҳоким бўлмаймен! Муҳтарам амирлашкар ҳазратлари! Мен — сарбозмен, касбимга ишқобозмен! Заррин тўн учун сиз ҳазратга минг бор ташаккур! Аммо, мен сизнинг ёнингиздан кетмаймен! Самарқандга бўлса Самарқандга, Шошга бўлса Шошга борамен, аммо Пойкандга бормаймен! Ҳоким ҳам бўлмаймен! Ер-сув ҳам керак эмас, гар зарур бўлса, бутун Туронзамин менинг ер-сувим! Сотиб олганингиз бир араб қул, авваламбор Аллоҳ, иккиламчи сиз туфайли сардор даражасига етди, Ватан топди, туркий қизга уйлантирдигиз, оилалик бўлдим. бахт топдим... Сиз, улуғ ҳазрат, менинг отамсиз! Ҳурматли саркарда, мен сизнинг ёнингиздан кетмаймен! Қарорим шу! Агар ҳайдаб юборсангиз бир садоқатли ит мисол ҳовлингиз атрофида айланиб юраберамен... Менинг ота-боболарим бадавий араблар бўлган, биз жангта яралганмиз... Ҳоким бўлмоқни мутлақо истамаймен!

Малика Шоҳсанам тўлқинланиб сўзлаётган ал-Мисрийга тикилганча кўзига ёш олди, уни ортиқ зўрламанг, деб амирлашкарга ишора қилди.

— У чоғда бу муҳим қалъага кимни юборамиз? — амирлашкарнинг боши қотди. Унинг хаёлидан иккинчи қадрдонни амир Музаффар-Тамғоч сиймоси ўтди...

XLIII боб

БУЮК ТУРОНЗАМИННИНГ УЧ ЁШЛИ ҲУКМДОРИ ШОҲ-МАҲМУД

Мозийда тарихнавис мавлоно Рашидуддин ёзмишлар: "Вақтеким, олий ҳазрат ал-Малик Абу Музаффар Аълоиддин ибн Қутбиддин Муҳаммад — Отсиз, жаннатмакон муҳаррам ойининг 26 куни, 534 ҳижрий — қамарий йили дорилфанодин дорилбақоға — бўстони жинонга равона бўлдилар, тамоми қозию қузало, олиму уламо, шоиру шуаро, тамоми амиру умаро ва беклар, тамоми аркони давлат Доруссалтанага келиб, жам бўлдилар... Валеаҳд

шаҳзода Сулаймоншоҳ, шаҳзода Отлиқшоҳ ва шаҳзода Хитойихон, шаҳзода Йўсуфшоҳ — бирлари жангда, бирлари оғир дард ила, бирлари хоин сифатида осилиб, ҳазратдан аввал қазога етдилар. Ануштегин Гарчой олий ҳазратлари зурёдин яна бир шаҳзода дунёга келдию унга Шоҳ-Маҳмуд деб ном қўйдилар, Аълоиддин Муҳаммад — Отсиз ҳазрати олийларининг васиятларига биноан адолатни тиклаш ниятида ҳамда аркони давлат хоҳиш-иродаси ила шу уч ёшли шаҳзода Шоҳ-Маҳмуд валиаҳд ворис ҳисобланиб, у тахтга кўтарилди. Уч букк арбобдан иборат кенгаш тузилиб, бу олий даражали арбоблар гўдак подшоҳ номидан Фармони Олий таъсис этиб, Туронзаминнинг бир қисмини идора эта бошладилар...”

Улар — Шоҳ-Маҳмуднинг катта амакиси, саксон ёшлардан ошган Йинол-тегин ибн Қутбиддин ҳазратлари, шайхулислом, шафий факихи Иброҳим ал-Марвозий зоти поклари ҳамда гўдакнинг отаси саркарда амирлашкар Алп-Арслон эдилар. Уч машҳур арбоб Қуръони каримни ўпиб, парчаланган Туронзаминни бирлаштирамиз, мамлакатга садоқат билан хизмат қиламиз, бамаслаҳат иш тутамиз, деб қасамёд этдилар. Гўдакни тарбияламоқ, асрамоқ ва бошқа муҳим хизматлар ҳам улар зиммасига юкланди. Тарихнавис мавлоно Рашидуддин ўз китоблари “Тарихи туркану ўғуз”да ёзмишлар:

“Ҳамма иттифоқ била шаҳзода валиаҳднинг кичик қомати қобалиятин либоси салтанатга лойиқ билдилар, бас, сунбуланинг бешу шаъбони муаззамнинг йигирма тўртланчиси ва душанба кундаким, офтобнинг гурубига икки ярим соат қолиб эрди, Шоҳ-Маҳмуд ибн Алп-Арслон дома умроҳу давлатўхў муборак бошларига жиғали тож қўйилиб, бобо тахтида ўлтурдилар. Ҳамма хушҳол бўлиб муборакбодлиг овозлари баланд бўлаберди...”

Ҳа, эрта тонгдан пойтахт дарбозалари очилиб, тўрт томон қўрғон тепаларидаги супада карнаю сурнай, ноғораю дафлар авжга миниб, ёш шаҳзоданинг тахтга ўтириш маросимини маълум этдилар. Карнайларнинг ғат-гути бутун пойтахтни тутди. Ҳамма қўрғон ичига кириб, Доруссалтана қасри рўпарасидаги кенг майдонга тўпланди. Пойтахт кўчалари одамга тўлган, атроф қишлоқлардан келган отлиғу пиёда, каттаю кичик мотамдан зерикиб ясанган, майдон атрофига тўпланишган эди. Ҳаммаёқда отлиқ сарбозу сардору саркардалар итоат билан саф тортиб, барчанинг эътибори уч яшар подшоҳларини кўриш орзусида эди. Ҳамма таажжубда: уч ёшли шаҳзода Шоҳ-Маҳмуд

давлатни идора қилолмаслигини билишар, кўпни кўрган, кекса шаҳзода "Золи замон, Сиёвуши Соний" Йинол-тегин ҳазратлари ҳамда эл ичида "Афросиёб паҳлавон" номини олган амир Алп-Арслонлар салтанатга раҳбарлик қилиши аён бўлдию аммо бу арбоблардан кўра ҳам гўдак подшоҳни кўриш каттаю кичикнинг муддаоси эди. Туронзаминнинг катта-кичик шаҳарларидан, хориждан, узоқ Кўҳистон, Сеистон, Тоҳаристон, бу томони Кашмиру Панжоб — Ҳиндустон элчиларигача "уч яшар шаҳзоданинг тахтга ворис экани"ни эшитиб, ҳайратга тушдилар.

Сафар оyi ўтиб, Рабиулаввалининг дастлабки кунлари, кўпгина қўшни давлатлардан ҳам меҳмонлар чақирилди. Йинол-тегин ҳазратларини чет элдаги обрўси, Туронзаминда ўзаро уруш ва адоватни йўқотишда, тез-тез хорижга бориб "биз бошқа бир давлатга таҳдид солишдан узоқмиз, аҳиллик, тинчлик матлабимиз" дегани, мусулмон мамлакатлари бир-бирларига тиг кўтармасликларини тарғиб этиб келгани кўп давлатларга маълум эди. Кексайган шоир Рашидуддин ал-Ватвот ҳам доимо шаҳзода билан ҳамфикр, ҳам матлаб эди. Буюк Ануштегинийлар авлоди — Йинол-тегин ҳазратларининг мавқеи уч яшар шаҳзоданинг пешонасидан ўпиб, уни ўз ҳимоясига олгани фуқарога маълум.

Чор атрофда баланд қасрлар, гумбазли қўрғонлар, миноралар... кунгурадор Доруссалтананинг кенг ҳовлисига ётқазилган япалоқ гиштлар тозаланган, дарвозадан то шоҳ айвонга етгунча ерга қизил гиламлар ташланиб пойандоз тортилган. Томлар, баланд қўрғонлар устига ёш-яланглар, юзини беркитган аёллар чиқиб, йўлларда қилич осган сарбозу сипоҳийлар саф тортиб турибди. Шоҳайвон ва тахтдан унча узоқ бўлмаган ерда — чет эллик меҳмонлар турли заррин либосларда ҳаяжон билан янги подшоҳ ҳовлида пайдо бўлишини кутиб турибдилар. Бош кийимларидаги жиға — ўзга юртдан келган азиз меҳмонлар эканини билдириб, барча-барчанинг кўзи Доруссалтана рўпарасидаги подшоҳлар истиқомат қиладиган қасрди. Ордан бир неча дақиқа ўтгач, қаср дарвозасидан уч арбоб чиқиб келди: олдинда шайхўлислон Иброҳим ал-Марвозий, ундан кейин, ўнгда кекса шаҳзода, вазири аъзам Йинол-тегин, бир қадам ортда саркарда амир Алп-Арслон заррин тўн кийгизиб, бошига кичкина олтин тож ва тожга жиға ўрнатилган болани кўтариб олиб, уни эркалаб, нималарнидир тушунтириб келарди. Улар катта майдонга чиқиб, кутиб олаётган мингларча одамларга салом бердилар. Йинол-тегин ҳазратлари оломоннинг урро-о-о,

қийқириғига нисбатан ўнг қўли кўксиди, таъзим этди. Амир Алп-Арслон Шоҳ-Маҳмудни ерга қўйиб, қулоғига шивирлади: бошда тож, заррин тўндаги подшоҳ бошини тик кўтариб, фуқароларга бош қимирлатиб, ўнг қўли кўксиди, таъзим бажо келтирди. Тикилиб турган мингларча одамлар бу ҳолни кўриб, бола эмас мўъжиза, деб кўзларига ёш олдилар, Аллоҳтаоло подшоҳимизни қўлласин, ўз паноҳида асрасин, дедилар. У фуқароларга тикилиб, бош ирғаб, ўнг қўлини осмонга кўтариб, овомни навозиш этгандек бўлди. Оломон ичидаги баъзи кексалар бу ёш гўдак "заковати"га таҳсинлар айтдилар, ҳаяжонландилар.

Шундан кейин амир Алп-Арслон заррин либосдаги болани қайтадан кўтариб, Доруссалатана ҳовлиси томон юрди — йигирма ботмондан ҳам кенг ҳовлини чор атрофини ҳарбий кишилар — сардорлар, саркардалар, подшоҳ саройининг қўриқчилари — башанг кийиниб, белига қилич осган сарбозлар шай, ўраб турарди. Ёштин дарвозадан уч буюк арбоб, амир қўлида ёш подшоҳ кириб келаётганини кўрган яна юзларча мансабдорлар бирдан эгилиб, янги подшоҳга салом беришди. Ичкарига кириши биланоқ, амир қўлидаги болани қизил гилам — пойандоз устига қўйди. Бу пойандоз дарвоза олдидан тўппа-тўғри катта айвон тўрида турган олтин тахтчага борарди. Олдинда ҳазрат Йинол-тегин, шайхулислум Иброҳим ал-Марвозий, ўнгда амир подшоҳни етаклаб, қип-қизил гиламларни босиб, тахт томон юриша бошлади. Нима бўлиши, ўзини қандай тутиши ҳақида боя амир ўғлига анча гаплар ўргатган эди. Бола оғзида шимиб келаётган "обаки" тугагач, у яна амирга қаради. Қўлини узатди: "Обаки беринг!" Амир унга: "бир нафас сабр этинг, подшоҳим, чўнтагимда қандолатлар кўп, албатта берамен," деб шивирлади. Бола амирнинг чўнтағига тикилди, кейин қўлини тикди: "Беринг!" Амир одамларга сездирмай яна бир қандолатча олиб, подшоҳга узатди. Подшоҳ ғоятда мамнун, отаси ишораси билан узун пойандоз устида тахт томон шаҳдам юра бошлади.

Шу аснода катта ҳовлига кираберишдаги иккинчи ўймакор дарвоза ёнида, ёштин девор тағида қўл қовуштириб турган қатор мансабдорлар ичида бирдан нотинчлик, ғулу ва ҳай-ҳайлаш бошланиб, барча ўша томонга қаради. Амир Алп-Арслон ҳам, ёшули Йинол-тегин ҳазратлари ҳам ялт этиб ўша томон боқишди. Тахтга яқин жойда турган амирнинг фидоий навкарлари дарҳол қиличларини ғилофидан суғириб, ярқиратиб, ўша томонга югурмоқчи

бўлаётган эдилар. У томонга диққат билан боқиб, кузатиб турган амир қандайдир бир мансабдор шахснинг гирибонидан бўғиб олиб, ханжарини унинг кўксига қадаб турган филқомат Муҳаммад али Ал-Мисрийга кўзи тушди, у бўлса шу он амирга ишора қилиб: "Тутдим! Уша малъунни тутдим!" деб, ишора қилди. Амир содир бўлган воқеани дарҳол фаҳмлаб, тахт атрофидаги фидойи сарбозларни ўз ерларидан жилмасликка буйруқ берди. Ал-Мисрий қирра бурунли, даҳанида холи бор, қорақош, ўрта бўйли, амир ҳазратларига жуда ўхшаш, ясаниб, дастаси фил суягидан бўлган шоҳона қилич оingan бир кимсани қўлтиғига бўғиб, букчайтириб, ташқарига судраб олиб кетди. Одамлар ҳайратда, нима гап — нима гап? Амир ишораси билан кенг ҳовлининг бу томонига югуриб келган фидойилар сардори дарҳол шов-шувни босиб, ал-Мисрий қўлтиғида калласи, судраб олиб чиқиб кетаётган кимсани яна бир кори ҳол бўлмасин, деб дарҳол уни қўлини боғлаб, оғзига рўмол тикдилар.

— Ярамасни тутдим!— деди дарғазаб паҳлавон Муҳаммад Али ал-Мисрий лаб-оғизлари кўпириб, титраб,— бу ярамасни уч йилдан бери изламаган еримиз қолмади. Янгикент томондан ҳам ғойиб бўлди... Ўғуз элида ўнга яқин одамларимиз қидирди. Бу ярамас наинки амир ҳазратлари, бутун мамлакатимизни алғов-далғов қилиб, кўп хиёнатлар қилди! Амир ҳазратларининг қиёфаларига кириб, кўп жиноятлар қилиб, салтанатни иккига бўлди, саркардалар орасини бузиб, ишончни йўқотди. Бу иблис фақат "Ноғорақорин" билан ад-Давланинг одами эмас, у Марв йўллаган жосус эди. Мана, қўлга тушди! Сардор, унга эҳтиёт бўлинг, қочириб юборманг!— деди фидойилар сардорига уни топширатуриб,— ёки анави чеккага олиб чиқиб, ханжаримни бир-икки тиқиб олайми? Чўзишнинг ҳожати бўлмаса керак?

— Йўқ, ундай қилманг, сардор! Буни тафтиш этамиз. Амир ҳазратларига муқобил шахс бўлиб, чўпонлар қишлоғига ғорат солди, қизларини олиб қочиб, зўрлаб тажовуз этиб, ўлдирди. Амир қиёфасига кириб, ҳазрат йўқликларида неча бор Доруссалатанага ҳам кирган, машваратларда бўлган... Чуқур тафтиш лозим! Бу ерга кела олишида ҳам қандайдир яширин қўллар бор. Бугунги тантанага келган ҳар бир мансабдору сардорларни бирма-бир кўздан ўтказган эдик. Илон оёғимиз остидан ўтиб кетибди... Бизда ҳам гуноҳ бор. Саркарда Муҳаммад Али ал-Мисрий

ҳазратлари, уни ўлдирманг, бизга топширинг, менга ишонинг...

— Яна хомлик қилиб қўлдан чиқариб юборманг, сардор.

— Тушундим, ҳазрат.

Ал-Мисрий "амир муқобили" хоин шахс бошини қўлтигидан бўшатиб, уни сардорга топширди. Сардор бу воқеани ими-жимида қилиб, қўли боғлиқ кимсани ташқарига олиб чиқиб кетди. Шу аснода ал-Мисрий амирга яқин бориб, қулоғига бир-икки сўз шивирлади. Амир бош ирғаб қўйди. Бу кутилмаган воқеани одамлар сезган бўлса ҳам ортиқча шов-шувга сабаб бўлмади. Уч оталикнинг маслаҳати билан зиндонда заҳарли илоннинг боши янчилди.

Туронзамин подшоҳи Шоҳ-Маҳмуднинг тахтга чиқиш тантаналари давом этарди.

Ёш подшоҳ отаси қўлидан ушлаганча пойандоз устида юриб борар, икки томонда қўл қовуштириб турган мансабдорларга қараб қўяр, қаёққа кетаётганини ўзи билмасди. Бир лаҳзадан сўнг у яна амирга боқиб, унинг зарриян либосидан тортти: "Отимни беринг!" Амир дарҳол чўнтагидан гўдакнинг ўйинчоқ отини олиб, унга узатди. "Олий ҳазрат, ана бир қаранг, айвонда тахт турибди. Етиб борганимиздан кейин, Сиз ўша тахтга чиқиб ўтирасиз", деди амир Алп-Арслон ўғлига. "Хўп", ишорасини қилди бола бош ирғаб. У чор атрофдаги одамларга назар-писанд қилмай, ёғочдан ўхшатиб ясалган жажжи отини маҳкам ушлаганча катта айвонга яқинлашди.

Доруссалтананинг ўнг томонидаги кунгурадор бино деразалари ёнида турган маликалар ўзларини кўрсатмай, бу тантанавор маросимни — подшоҳнинг тахтга ўтириш, тож кийишини кузатишар, бундай муҳим воқеа шоҳиди бўлишликдан гоятда мамнун эдилар. Подшоҳ зинапоялар ёнига боргач, амирга қаради, амир дарҳол болани кўтариб, зинапоялардан юқорига чиқариб, ерга қўйди. Аввал олдинда келаётган Йинал-тегин ҳазратлари айвон зинапояларига яқинлашгач, имом билан бирга иккинчи қаторга ўтиб, подшоҳни кўтариб олган амирга йўл бердилар. Ерга қўйилган бола яна амирга боқди, амир унга тахтни кўрсатиб, у томон юришни, кейин тахтга чиқиб ўтиришни даъват этди. Уч арбобу ёш гўдакнинг ҳар бир қадами, ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган элчилар, хорижий меҳмонлар, аъёнлар, саркардалар... қилт этмай туришарди. Тахт ёнига етиб борган бола оёқ остига зардўз ёстуқчалар ташлаб қўйилганига қарамай тахтга чиқолмади. Унналгани билан юқорига

кўтарилолмагач, отасига қаради. Амир дарҳол боланинг қўлтиқларидан олиб, олтин тахтга ўтқазиб қўйди. Бола ўзини ўнглаб олгач, атрофидаги "ўз тобе кишиларига" бир назар ташлади. Сал-пал уялинқиради. Кейин ёнида тик турган амир чўнтагига боқди. Амир номаъқул кори-қол бўлмасин, тахтдан сакраб тушмасин, деб эҳтиёткорлик билан унинг қўлига обаки тутқазди. Бола обакини дарҳол оғзига солди, отини ўйнаб, халққа тикилиб ўтирди.

Шу лаҳза амир ўзидан унча узоқ бўлмаган, айвон яқинида қўл қовуштириб турган кекса чўпон бобога табас-сум ила боқди. Мансабдорларга нотаниш бу чолни амир Сарикамиш томондан топтириб, янги либослар кийдириб, янги подшоҳнинг тахтга чиқиши тантанасига таклиф этган эди. Бу чўпон чол Илонлар ғоридан омон чиққан амирни боқиб, эшагига миндириб, Жайхун ёқасига келтириб қўйган эди. Чол подшоҳ саройида бўлганидан бағоят хурсанд эди...

Катта амаки Йинол-тегин ҳазратлари ўралган қоғозни очиб, раббиул аввалнинг иккинчи кунида Аллоҳи таолло-нинг хоҳиши, марҳум ҳазрати олийлари васияти ҳамда аркони давлат, оталиқлар қарори билан — тахт вориси шаҳзода Шоҳ-Маҳмуднинг тахтга чиқиш ва бу шоду хурамлик тантанасида янги подшоҳни дуо қилиб, Қуръони каримдан оят ўқиди. Подшоҳ аллоҳ йўлида хизмат қилиши, фуқаро бахти, доимо мамлакат равнақи ҳақида ўйлашини баланд овоз билан айтди. Уч арбоб — шайхулислом ҳазратлари, амир Алп-Арслон, ҳамда мен ким Йинол-тегинлар Шоҳ-Маҳмуднинг вояга етгунига қадар давлат машаққатларини ўз зиммаларимизга олганмиз, деб баён этди, охирида атайи: "Янги давлат тузган буюк подшоҳ Ануш-тегин ҳазрати олийлари наслу насабидан ёш Шоҳ-Маҳмуд катта бўлсин, доимо саломат бўлсин, бизларнинг зиммамыздаги масъулиятли вазифани ўз заковати ҳимоясига олсин. Аллоҳу акбар!" — деб юзига фотиҳа тортди.

Йиғилганлар, каттадан-кичик ҳамма уч бор "Аллоҳу акбар!" деб юзларига фотиҳа тортдилар. Амирнинг ярим энгашиб, Шоҳ-Маҳмуд қулоғига: "Подшоҳим, қўлингизни очиб, юзингизга фотиҳа тортинг! Аллоҳу акбар!" денг, сўзидан кейин олтин тахтда ўтирган Шоҳ-Маҳмуд бу жуда муҳим эканини фаҳмлаб, кичкина кафтларини очиб, юзларига фотиҳа тортди. Буни барча жуда диққат билан кузатиб турарди. Уч ёшлик подшоҳнинг фотиҳасидан кейин тўпланганлар "Аллоҳу акбар!" деб нидо қилдилар.

Амир Алп-Арслон ҳазратларининг фикрича подшоҳнинг баъзи қилиқларини ҳисобга олмаганда тахтга чиқиб, тож кийиш маросими ёмон ўтмади, аммо, тахтни нам қилиб қўйгани хижолат этди. Боланинг кўзи гилтиллаб, отасига қараб, илтижо ила бир нима демоқчи бўлаётганини фаҳмламай, амир кўзи мингларча одамларда бўлиб қолган экан, бола чап ёнига андак ўгирилиб, заррин тахтга чоптирганини сезмадилар. Тахт нам бўлса бўлсин, иштоним нам бўлмасин, деган ўй ёш подшоҳнинг кўнглидан ўтган эди.

Амир Шоҳ-Маҳмудни аввал тахтдан қизил гиламлар ёзилган поёндозга аста тушириб, етаклаб, ичкари ҳовлига онаси, малика Шоҳсанам ёнига олиб кета бошлади. Ота-боладан сўнг, имом, шаҳзода Йинол-тегин, саркардалар, вазирлар, жанг паҳлавонлари, олиму уламо, фозилу фузалолар "Боғи чаман"даги зиёфат дастурхони сари йўл олишди. Амир подшоҳни онаси қўлига топшириб, тезда зиёфатга етиб келди, Йинол-тегин ҳазратларининг ўнг томонидаги курсига ўтирди. Бу масъулиятли маросим беқусир ўтганлигини таъкидлашиб, паст овозда гаплашиб олишди.

* * *

Шоҳ-Маҳмуд учун бугун жуда қизиқ кун бўлди, унинг устидаги зардўз либосу олтин камар, бошидаги жиғадор тож пешонасини қизартирибди, у дарҳол бошидан олиб, гиламга юмалатиб юборди. Она бағрига ўзини уриб, юмшоқ ва иссиқ кўксига бошларини қўйди, юзларини суртди. Она "катта хизмат қилиб келган" фарзандини бағрига босиб, пешонасидан қайта-қайта ўпди. Буюк Туронзаминнинг тождори тахтда эмас, меҳрибон она бағрида ором оларди. Бола чарчаган экан бир нафасдан сўнг хириллаб ухлаб қолди.

Бу асно сарой боғида катта зиёфат бошланиб, созандаларнинг сержаранг сози авжда, хонандаларнинг дилрабо қўшиқлари янграб, раққосаларнинг жон олғувчи хироми юракларга завқ берарди, қирқ кунлик мотамсаро кунлардан сўнг, она тупроқда базми жамшид бўлиб, "Боғи чаман"га таклиф этилган аъёнлар шоду хуррам бўлдилар. Эшитганлар ҳам ҳасад қилмай, ёш подшоҳга Аллоҳдан умр тиладилар, ҳеч қачон босқину уруш-саваш, қон тўкиш бўлмасин, деб ёлғиз Тангрининг ўзига саловот келтирдилар.

Шоҳ-Маҳмуд тахтга чиққанидан сўнг Оталик кенгаши подшоҳ номидан бир неча Фармони олийлар эълон этиб, бозорларни обод этиш, хориждан келаётган карвонларга дарбозаларни очиш, Чини-мочин, Ҳинд карвонларига, Андолузия ва Ифриқиё совдогарлирига йўлда шикаст етказмаслиги учун Гурганждан Жайхун ёқалари, то Бухорогача, ундан Самарқанду Шош қалъалари, карвонсаройларга муҳофаза учун қуроли навкарлар қўйиш, деҳқонларга ёрдам, мадрасаларга вақф ерлари, кўприк ва ҳаммомларни таъмирлаш, Йўсуфшоҳнинг босқинчилик уруши даврида айбдор бўлганларнинг баъзиларини гуноҳидан кечиб, афви умумий эълон қилинди. Бу Олий фармонлар подшоҳ Шоҳ-Маҳмуд номидан кетди. Суворий жарчилар бозору расталарда Фармони олийни эълон этишди. Подшоҳнинг тахтга чиқиш маросимидан кейин, орадан уч кун ўтгач, хориждан келган мансабдор меҳмонлар қайтиш сафарига тайёргарлик кўришди. Улар Йинол-тегиннинг боғида, амир хонадониди, ундан кейин Шайхулислом зоти поклари хонадониди, икки бор Жома масжидда намози жумъани ўқиб, аҳду паймон шартномалари тузилди.

Араб мамлакатларининг икки буюк шаҳри-Бағдоду Қоҳирадан келган элчилар билан бўлган мулоқотда "Подшоҳ ҳазратлари" ҳам ўз тахти ровонида ҳозир бўлмоғи, бу элчилар учун жуда муҳимлиги, ёш подшоҳни яна бир карра кўриш, хайр-хўшлашишни ният қилган элчилар илтимоси қондирилди. Оталиқ кенгаши амирдан илтимос этиб, подшоҳни кўтариб олиб келишни, тахт бўш, ҳувуллаб турмасин, бир лаҳза бўлса ҳам тахтда ўтиришини сўрашди. Мисру Ироқдан келтирилган ўйинчоқ шерни, жажжи ханжару ва бошқа нарсаларни кўрсатиб, уни қизиқтиришни таъкидладилар. Бир неча муддат тахтда ўтиришини, элчилар саломига жавоб беришини унга ўргатдилар. Амир Алп-Арслон ўғли Шоҳ-Маҳмудни қизиқтириб, Жайхун бўйидаги йўлбарслар ови ҳақида гапирди. Чўнтагига ширинликлар солиб, Шоҳсанамга кўз қисиб, болани обдан қизиқтирди. Отанинг жиддий айтаётган сўзларига жон қулогини тикиб турган Шоҳ-Маҳмуд она ёрдамида ўзининг подшоҳлик заррин тўнию саркардалар этиги шаклидаги жажжи этини, бошига кичик тожу жиғасини тақиб, онасига қаради.

— Жуда ярашди, болам! — деди ҳаяжонини боса олмай Шоҳсанам.

— Бейинг! — деди Шоҳ-Маҳмуд онага тикилиб.

— Нимани, подшоҳим?

— Гулқанд!

— Мана, ҳозир олиб келаман, — деди Шоҳсанам нозу неъматли баркашдан айтганларини олиб, — чўнтагингизга солинг. Меҳмонлар олдида камроқ гулқанд енг. Шундай қиласизми?

— Шундай қиямен! — деди ширин тиллар билан онага мумнун боқиб Шоҳ-Маҳмуд.

Она боласининг пешонасидан ўпиб, отаси қўлига топширди. Амир заррин чопон, бошига тожу жига таққан Шоҳ-Маҳмудни кўтариб, Доруссалатана томон кетди. У йўлда ўғлига ҳурматли меҳмонлар узоқ мамлакатлардан келган, Макка ва Мадинанинг муқаддас номларини, ундан сўнг "Бағдод", "Қоҳира", "Араб мамлакатлари" деган жуғрофий номларни айтиб, қулоғига қуйди. Бу номларни илгари ҳам такрорлаган эди. Зеҳнли бола "Макка" ва "Мадина" сўзларини яхши айтиб, отасини мамнун этарди. "Бийс-милло-ҳий-ях-мо-ний-я-ҳим"ни ҳам айтар, отадан сўнг жажжи қўлларини кўтариб, юзига фотиҳа тортиганида амиру малика хонадонида тўй бўлиб кетгандай бўларди. Аввал амир Алп-Арслон Доруссалтанадан унча узоқ бўлмаган ўз ҳовлисида туришарди. Шоҳ-Маҳмуднинг тахтга чиқиши муносабати, "ҳамда Оталиқ кенгашининг қарори билан" Подшоҳ ўз ота-онаси билан Доруссалтанага, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз қазрати олийлари истиқомат қилган қасрга кўчиб ўтишди. Кенг ва гўзал, деворлари ганчу нақшинкор хона эшигига яқинлашганда амир Шоҳ-Маҳмудни ерга қўйди. Сарой хонасида, тўрда олтин тахтнинг икки томонида вазири аъзам Йинолтегин билан лашкарбоши турарди. Хонани гир айланган курсиларга қалин ипак кўрпачалар ёзилган, унда меҳмонлар, саройнинг олий мансабдор шахслари, саркардаю сардорлар ўтиришарди. Олдинда Шоҳ-Маҳмуд, ундан кейин мансабдор либосда амир ҳазратлари хонага киришлари билан барча ўрниларидан туриб, бошига тож кийган митти подшоҳ билан амирга эгилиб салом беришди. Шоҳ-Маҳмуд бошини тик тутганча /ўзини шундай тутишни ота ўргатган эди/ тўғри тахт ёнига бориб, тирмашиб, ўз ўрнига чиқди. Амир подшоҳнинг яхши жоёлашиб олишига ёрдам берди. Бу ишлар Шоҳ-Маҳмуд учун бир қизиқ ўйинга ўхшарди. Подшоҳ тахтга ўтириб олгач, Йинолтегин ҳазратлари қўлини фотиҳага очиб, "Омин, шоҳимиз катта бўлсинлар, омон бўлсинлар, Аллоҳу акбар!" деди.

Барча ўтирганлар юзларига фотиҳа тортдилар. Шоҳ-Маҳмуд ҳам жажжи қўлларини юзига олиб бориб, фотиҳани бажо келтирди. Бунда ҳозир бўлган мўътабар меҳмонларнинг барчаси қилт этмай "Олий ҳазрат"дан кўз узмай кузатишарди.

Бир муддатдан кейин олий мансабдор шахслар, биринчи галда Йинол-тегин ҳазратлари Миср ва Ироқ элчилари билан савдо-сотиқ алоқалари хусусида гаплашиб, турли қоғозларни айрибошладилар. Улар энди Марв султони тасдиғисиз мустақил алоқалар аҳдини боғлашарди. Бағдоддаги "Дорул ҳикма"га Туронзамин табобати арбобларини йўллаш, бундаги "Дорул илм" ва унинг ташаббускори Шамсиддин эл-Тузмиш, маликул калом Рашидуддин ал Ватвот ҳазратларининг бориб, у ердаги олимлар, Маъмуни соний вақтида қурилган мадраса мударрислари билан алоқада бўлишни гаплашиб олишди. Подшоҳ ҳазратлари рухсати билан вазири аъзам Йинол-тегин Мисру Ироққа сафар қилмоғи, Хуфи ва Хафра, Нилу муборакдан бир пиёла ичмоқлик, атрофида Орифлар ҳамда "Вахдатул вужуд" таълимотини фан этган уламолар бирга бўлмоғини маълум қилди. Ҳазрат анча йиллар аввал Мисру Шом, Ироқу Ҳинд сафарида бўлган эди.

Дунёнинг ҳеч ерида йўқ Хоразм, Бухоро ва Самарқанд қоракўл терилари — "қаламча"ю "мунчоқ", "сур" ва "мавж", бугдой, қимматбаҳо тошлар, тиллаю гиламлар /Қоҳирада, "Ал-Аҳмар" мадрасасида Туроннинг икки катта гилами тўшалган/ савдоси хусусида, карвонлар олиб борадиган бошқа моллар хусусида гап кетди...

— Бағдоддаги "Дорул ҳикма"га бу замин фарзанди, ҳазрат ал Хоразмий асос солганликларини биламиз, сиз билан биз фахр этамиз,— деди элчи,— араб маърифатида алҳадис Исмоил ал Бухорий, ат-Термизий зоти покларининг, бу заминда туғилган алломаларни ғоятда қадрлаймиз...

— Ташаккур! — деди Йинол-тегин ҳазратлари элчиларга,— Аллоҳ таоло маъжусий юртга Ислом нурини,— Маккатуллоҳ, Мадинатул Мукаррамани берди. Аллоҳга минг қатла шукр. Ироқу ал Миср, гўзал Шом мамлакати, биз Ажам мамлакатига дини ислом маърифатни йўллади, тамомий бойликлар ҳам оқиб келди. Иноқлигимиз пойдор бўлсин, Нилу Дохла Жайхуну Сайхундек тўлиб оқсин. Умидимиз шу... Аллоҳу акбар!

Тушиниб бўлмайдиган, зерикарли гаплар, она-ю "амакилар" унга негадир илтифот кўрсатмай, гап билан овора

бўлиб қолганидан Шоҳ-Маҳмуд зерикди. У бир-икки ўз отасига қариб қўйди, амир ҳазратлари ҳам аҳду паймон гаплар билан чалғиб, кўпроқ "нотаниш одамларга" илтифот кўргазарди. Бу ҳолдан зериккан Шоҳ-Маҳмуд тахтдан бир сакраб тушди-да, нозу неъматларга тўла дастурхон ўртасидаги гулқанднинг катта бўлгани олиб, яна тахтга чиқди. Дастурхон ўртасига боришда этикчаси билан бир неча ликобчаларни босиб, тўнтариб юборди. Ота ва катта амаки хижолат бўлди, амир шу лаҳза ўрнидан турди.

— Улуғ ҳазрат, яна нима олиб берай?

— Ана уни! — бола тахтда ўтирган ерида қўли билан гулқандни кўрсатди.

— Марҳамат... — ота бу ширинликларни бир ликобчага солиб, Шоҳ-Маҳмудга узатди. Шира бўлган қўлларини сочиқ билан артиб қўйди...

Меҳмон элчилар Шоҳ-Маҳмудга хушомад қилишди, дарҳақиқат улар гап билан бўлиб, подшоҳга эътибор бермай қўйишган эканини фаҳмлашди.

— Мен янаги келишимда, худо хоҳласа, сиз ҳазрати олийларига фил олиб келамен,— деди элчи Шоҳ-Маҳмуд қўлидаги отга кўзи тушиб.

— Фи-й нима?

— Фил одан катта, сиз ҳазрат унга минасиз.

Шоҳ-Маҳмуд ўйланиб қолди. Бу аснодан фойдаланган икки томон давлат арболари яна сиёсату тижорат ҳақидаги гапларини давом эттиришди. Бир муддатдан сўнг Шоҳ-Маҳмуд отасига боқиб, ижирғанди. "Онамга кетамен!.." деди. Аммо гап билан овора бўлган амир буни фаҳмламади. У димишқий қиличлар, қурол-яроғ сотиб олиш тўғрисида гаплашарди.

Шу аснода Шоҳ-Маҳмуд яна ижирғаниб, отасига қаради, йиғламоқчи бўлди, бир лаҳзадан кейин меҳмонларга мўлтираб тикилиб туриб, жим бўлиб қолди. У шу бўйи "эътиборсиз" катталарга тикилганча қараб ўтираверди. Ҳар замонда амир унга қараб "бирон нарса олиб берайми?" имосини қилганида, бола бошини сарак-сарак қиларди. Амир гўё "ҳамма нарса жойида, подшоҳ хархаша қилмай жим ўтирибдилар" деб ўйлади. Элчилар билан мамлакатлар миқёсидаги гаплар авж олди. Улар дўст ва нодўст давлатлар, айниқса Қуддуси шарифдаги яҳудий ва масиҳлар мусулмонларга қарши фитналар уюштираётгани, Туронзаминдан, Хоразмдан борган мам-луклар бундай тўқнашувларда араб биродарларига жасорат ила кўмак бераётгани хусусида гапирдилар.

Аҳдлашув машварати тугаши олдидан меҳмону мез-бонлар фотиҳа ўқидилар. Амир ҳаммадан аввал ўрнидан туриб, Шоҳ-Маҳмудни тахтдан кўтариб қўлига олмоқчи бўлган эди, бола яна ижирғанди — олтин тахтдаги ким-хоб таги жиққа ҳўл бўлган эди... Боланинг шиму этиги ҳам нам бўлиб, бир этикчасининг ичи шилқиллаб турарди. Амир буни сездию ҳеч нима бўлмагандай, ҳеч нимани сездирмай Шоҳ-Маҳмудни кўтариб, қўлига олди, қучди. Бола отасига тикилди. Элчилар, амакилар бу ишдан хабардор бўлмаганини сезган Шоҳ-Маҳмуд ўзича кулди. Амир подшоҳни кўтаргач, барча ўрнидан турди. У, меҳмонлар билан хайр-хўшлашиб хонадан чиқаркан кейин бошқалар ҳам кетма-кет чиқишди. Уйга келиб, болани Шоҳсанамга топшириб, имо-ишора билан ўзингизни бу "иш"ни мутлақо сезмаганликка солинг, бошқа иштонун шим кийгазиб қўйинг, деди. Шоҳсанам сезди, подшоҳ ҳазратлари дилига ботадиган бир сўз демади.

Тахтда ўтириб, "мамлакат ишларини" бажариб, чарчаб келган Шоҳ-Маҳмуд она кўксига бошини қўйиб, яна ширин уйқуга кетди.

Она — Шоҳсанам билинар-билинемас Шоҳ-Маҳмуд пешонасидан ўпди, унинг уйғониб кетмаслиги, "давлатнинг оғир иши"дан сўнг ором олишини истади. Эзгу ватани — Туронзаминнинг келажаги, унинг подшоҳи ўз-бағрида эканини ўйлаб, Илонлар горидан омон чиққан отаси, тирик чиқмоқ мумкин бўлмаган ўлим зиндонларидан омон чиққан онаси, шу заминни деб аёл боши билан қўлига қилич олгани, бари, барини зое кетмаганини фаҳмлади. Аллоҳга минг қатла шукр этди.

Т а м о м

1990 — 1995 йиллар,
Ташкент

МУАЛЛИФДАН

Туронзамин минг йиллар мобайнида Баҳримуҳитдек тинимсиз тўлқинланиб, баъзида кучли довулу бўронлар гирдобида қолди, харобага айланди, яна қаддини тиклаб, маънавияту илму адабга этибор берилиши натижасида тараққиётга юз тутиб, жаннатга айланди. Беқиёс шаҳару қалъалар, ариғу анҳорлар, мадрасаю масжидлар барпо бўлди, беназир иншоотлар қад кўтарди, ўзбек давлатининг ал-Хоразмию Маъмун, улуғ Амир Темурнинг доврўғи жаҳонни тутди: Самарқанду Бухоро, Шошу Кеш, Хеваю Гурганж, Андижону Фаргона, Намангон, Хўжанду Ахси-кент, Ўзгану Ўш, Термизу Дабусия, Қанғ ва Насаю Мозандарон, Балху Ўтрор каби тараққий этган шаҳарлар олдида Шому Ироқдаги Ҳорун ар-Рашид салтанати ҳеч гап эмас эди. Бу муқаддас заминнинг узоқ кечмиш тарихини ёзган муҳтарам тарихнавис олимлар хизматини қадр этиб, мен ҳам ўз фикри ожизим ила баъзи мулоҳазаларни баён этмоқни лозим топдим.

Ушбу тарихий романи ёзишда академиклар Бўрибой Аҳмедов ва Зиё Буниёдов, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев, фан доктори, профессор Умарали Норматов, фан доктори, профессор Нажмиддин Комилов ва бошқа олимларимиз асарларидан, тарихий манбалардан фойдаландим. Каминага ёрдам берганликлари учун бу азизларимга чин юракдан ташаккур изҳор этаман!

МИРМУҲСИН

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Адабий-бадший нашр

Мирмуҳсин

ТУРОН МАЛИКАСИ

Роман

Муҳаррир *З. Дустматов*

Рассом *А. Кива*

Расмлар муҳаррири *А. Бобров*

Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаҳҳиҳ *М. Насриддинова*

ИБ № 5531

Босмахонага 10. 05. 96 да берилди. Босишга 27. 05. 97 да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. 2-нав босмахона қоғози. Гип таймс гарни-тураси. Юқори босма. 16.8 шартли босма тобоқ. 19,0 нашр босма тобоғи. Жами 5000 нусха. К 1490 рақамли букюртма. Баҳоси шартнома асосида. 18-95 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700 129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.